86.38
Б94

Имом Бухорий

АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД

Ч/А
Б94

Имом Бухорий

АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД

239811

(Адаб дурдоналари)



QIROATXONA

Тошкент
«Мовароуннаҳр»
2006

БИБЛИОТЕКА
Д/К ФАРХАД

Ушбу китоб нашри бўйича жамоатчилик кенгаши:

шайх **Абдулазиз МАНСУР,**
Тошкент Ислом университети проректори, кенгаш раиси

Абдурашид қори БАҲРОМОВ
Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг раиси, муфтий

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Маҳмуд Кошғарий мукофотининг совриндори, Олий таълим аълочиси, Маънавият ва Маърифат марказининг бош мутахассиси, адиб

Алийбек РУСТАМИЙ,
академик

Асрор САМАД,
филология фанлари номзоди, нашрнинг масъул муҳаррири

Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Эшон Бобохон ҳазратлари сулоласининг кенжа вакили

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди

Эркин ЮСУПОВ,
нашр раҳбари, кенгаш котиби

Юсуфхон МАҲМУДОВ,
«Movarounnahr» нашриётининг директори,

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 513-рақамли рухсати билан чоп этилди.

Шартли қисқартмалар:

(а.с.) – ъалайҳиссалом.

(к.в.) – каррамаллоҳу важҳаҳу.

м. – милодий.

м.м. – масъул муҳаррир.

(р.а.) – разийаллоҳу ъанҳу, аёл кишига нисбатан – разийаллоҳу ъанҳо, бир неча саҳобийлар номи кетма-кет зикр этилганда – разийаллоҳу ъанҳум.

(р.ал.) – раҳматуллоҳи ъалайҳ.

(с.а.в.) – соллаллоҳу ъалайҳи васаллам.

(т) – таржимон.

(Ф.с.) – «Фазлуллоҳи-с-Самад фи тавзиҳи-л-адаби-л-муфрад».

ҳз. – ҳазрат.

ҳ.к. ҳоказо.

ҳ. – ҳижрий.

Қуйидаги ҳадисларни туркча нашрдан Асрор Самад таржима қилган: 28, 65, 79, 95, 109, 113, 121, 158, 166, 168, 178, 180, 182, 190, 192,199, 200, 204, 208, 216, 217, 232, 272, 287, 288, 299, 308, 309, 317, 318, 328, 338, 339, 343, 352, 358, 371, 373, 375, 377, 380, 397, 400, 405, 417, 419, 444, 445, 450, 494, 500, 501, 509, 525, 593, 594, 615, 666, 691, 701, 729, 749, 763, 784, 785, 819, 820, 821, 826, 830, 831, 834, 856, 862, 863, 879, 785-ҳадиснинг сноскаси, 900, 901, 913, 918, 919, 920, 931, 950, 1054, 1071, 1099, 1125, 1131, 1132, 1136, 1166, 1178, 1179, 1195, 1200, 1229, 1262, 1274, 1343

Таржимонларнинг изоҳлари матн ичида берилди, «Фазлуллоҳи-с-Самад» китобидан олинган ва масъул муҳаррирнинг изоҳлари матн тагида кўрсатилди.

Б 97

272-боблгача бўлган ҳадисларни араб тилидан
Шамсуддинхон БОБОХОНОВ,
272-бобдан китобнинг сўнгги бобигача
Нўъмон АБДУЛМАЖИД
ўзбекчага ўгирган

Биографик маълумотлар, луғат муаллифи ва масъул муҳаррир
Асрор САМАД

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Бухорий ал-Жуъфий (имом Бухорий) Ислом оламида энг машҳур ва буюк муҳаддис бўлиб, унинг ёзган асарлари Қуръон-и каримдан кейинги энг мўътабар ва ишончли манбалар ҳисобланади. Унинг "Ал-Адаб ал-муфрад" асари ахлоқ ва одоб борасида энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир.

Имом Бухорий.
Ал-Адаб Ал-Муфрад: (Адаб дурдоналари) / Тарж. Ш. Бобохонов, Н. Абдулмажид; Масъул муҳаррир ва биографик маълумотлар, луғат муаллифи А. Самад.-Т.: Фан, 2006.-480б.

ББК 87.3(5У)

№ 108-206
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

© «Мовароуннаҳр» нашриёти,
Шамсуддинхон Бобохонов,
Нўъмон Абдулмажид (таржима),
Асрор Самад (биографик маълумотлар,
луғат ва умумий изоҳлар),
Э.Юсупов (нашр).



Мазкур нашр ҳақида

1990 йили мазкур китобнинг биринчи қисми (272-бобгача) 200000 ададда нашр этилган ва ададнинг барчаси китобхонлар қўлига бориб етган эди.

Жуда кўп ададда тарқалиб кетган китобнинг тарихи қуйидагича кечган:

1990 йилнинг кечки баҳори бўлса керак, мен раҳбарлик қилаётган «Нур» нашриётига Шамсуддинхон Бобохонов кириб келди. Биз илгари тўй-ҳашамларда, йиғинларда кўришиб турар, муносабатларимиз саломаликдан нари ўтмаган эди. Қўлтиғида қалингина бир жилд. Ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин у киши ўша қалингина жилдни столим устига қўйди. Жилднинг боғичини ечиб кўрсамки, мен анчадан буён орзу қилиб юрган қўлёзма: «Адабу-л-муфрад» (Шамсуддинхон арабшунос эмасми, ажамийлар қўллаган номни эмас, соф арабча «Ал-адаб ал-муфрад», деб қўлёзманинг дастлабки варағига ёзиб қўйган экан). Қувонганимдан ҳатто ўрнимдан туриб кетибман.

«Бир неча йиллар мобайнида шу китобни замзама қилиб, охири таржима қилишга журъат қилдим, энди қўлёзманинг тақдири сизга ҳавола», деди Шамсуддинхон ўзига хос камтарлик ва хокисорлик билан. Менга ҳавола эмиш! Бу қўлёзмани китобга айлантирмаган ношир тентак бўлади-ку! У менинг бу ҳаяжонли гапларимга табассум қилиб қўйди. Албатта, орамизда ноширликка хос эзма гаплар бўлиб ўтди: жумладан, асл матн қани? Қайси манбадан таржима қилинган ва ҳ.к. Энг зарур ишларимни ҳам йиғиштириб қўйиб, қўлёзмани бир кечадаёқ ўқиб чиқдим. Уфқда қизғиш шуъла кўринганда қўлёзманинг сўнгги қаторларини ўқиб бўлиб ўрнимдан турдим. Телефон рақамларини тердим. Кимдир уйқули овоз билан жавоб берди. Шамсуддинхонни сўрадим. Шамсуддинхон гўшакни олди. Қўлёзмани ўқиб тугатганимни айтганимда ажабланди. «Одатда муҳаррирлар камида бирон ҳафта чўзишарди, сиз бунчалар тезкорлик билан...Раҳмат, мен соат 9 га етиб борсам бўладими?» Биз идорада соат 9да учрашдик. «Кечиринг, дўстим, китобга мен муҳаррирлик қилолмайман, ҳаққим бўлмаса керак; арабийдан саводим деярли йўқ», дедим хижолатлик билан. «Эшонхон аканинг ўғилларида савод йўқ эканми! — деди у майин табассум билан. — Одам боласи бирон нарсани онанинг қорнидан ўрганиб тушмайди, келинг, икки ёрти бир бутун бўлиб, шу ишни амалга оширайлик». Шамсуддинхонда одамни ишонтира билиш ва йўлга сола олиш жозибаси бор эди; бу жозиба тўлишган юзидами, маккорроқ, аммо масъум кўзларидами ёки гапириш оҳангида бормиди, ҳануз аниқлай олмайман.



Хуллас, у мени кўндирди ва биргаликда кўлёзманинг камчиликларини тўлдириб, китоб ҳолига келтирдик. Сўз боши ёзишни менга тавсия қилган эди, энди бунисига асло кўнмадим. Нега ўшавнда сўз бошини менга тавсия қилди экан, деб ҳануз бошим қотади: мени синамоқчи бўлдими? Дин илмига эндигина атак-чечак қилиб кириб келаётган одамни синашдан нима манфаат бор! Менимча, бу Шамсуддинхоннинг қонига сингиб кетган одобдан, деб ўйладим. Аммо сўнгги сўз ёзишга кўндирди. Сўз бошини икки кун ичида ёзиб келди. Имом Бухорий таржимаи ҳолига оид бунақа мукаммал мақола ўқимаган эдим, жиндек таҳрир билан китобнинг бошига қўйилди. Менинг ёзган сўнг сўз мақоламни Абдулазиз Мансур таҳрир қилди.

Мен китоб нашр этилгач, унинг давомини қистадим. Ахир 1359 та ҳадисдан фақатгина китобга 600 тагинаси кирган эди. Шамсудднхон қолган қисмини қоралаб қўйганлигини, аммо маълум ишлов бериб олиб келишини ваъда қилди. Шу орада унинг ишлари ўнгланиб, давлат арбоби бўлиб кетди: икки мамлакатга Ўзбекистон элчиси бўлиб тайинланиб, иши кўпайиб кетгач, кам кўришадиган бўлиб қолдик. Кўришганда ҳам у хижолатпазлик билан ваъдани бажаришга уриняпман, деб кўя қоларди. Бу орада мен ҳам нашриётни ёпиб, ижодий ишга ўтиб кетдим.

Икки-уч йил ўтгач, халққа керакли китобларни нашр этиш ишларини солиҳ ва қобил фарзандим, бу йўлдаги анча мушкулотларга қарамай, Эркин Юсупов кўлига олди. У анча-мунча китоблар нашр этиб корафта бўлиб қолгач, «Адабу-л-муфрад»нинг тўлиқ нашрини амалга оширишни мендан илтимос қила бошлади. Мен негадир ҳафсала қилмас, тўғрироғи таржима муаллифини тополмай қолган эдим. Шамсуддинхоннинг ногаҳоний ўлими бу ишни яна орқага суриб юборди. Таржиманинг қолган қисми нима бўлган, қаерда қолган, ҳеч ким билмайди. Эркинжон эса, қисташини кўймайди. Мен чорасиз елка қисганимда, у таржимон топганлигини, аммо у Тошкент Ислом университетининг магистранти эканлигини айтиб қолди. Кўп нарсалардан ҳафсаласи совиган кексаларга кўра ёшлар дуруст, деган фикрга бориб Нўъмон Абдулмажид (Отабоев)нинг таржима қилишига рози бўлдим. Мен-ку ҳар қандай шароитда рози бўлардим, аммо бу ишга шайх Абдулазиз Мансурнинг бош қўшганлиги, яъники Нўъмонжонга Жийлоний нашр қилдирган китобни топшириб, унга оқ фотиҳа берганганлигини эшитиб бошим кўкка етди. Ҳа-да, аксарият кишилар тажрибасиз ёшларга бундай масъулиятли ишни топширгайдилар. Лекин ҳаммамиз ҳам бирон ишни бошлаганда ёш бўлганмиз, вақт ўтиши ва иш жараёнида тажриба орттира борганмиз, ўқиш-ўрганиш жараёнида билимимиз захирасини кўпайтирганмиз.

Нўъмонжон беш-олтита ҳадисни таржима қилиб кўрсатди; тили ҳам, услуби ҳам дуруст, энг муҳими асл матндан четга чиқмаган, сўзма-сўз бўлиб

қолган ўринлар таҳрир билан тузатилиши мумкин эди. Уч ой нари-бериси да таржима ниҳоясига етди ва ёш дўстим билан матн устида кунни кунга улаб ишладик. Ёш дўстимнинг араб тилидан ҳам, ҳадис ва тафсир илмидан ҳам билими дуруст экан, ишимиз анча ривожланиб, бир неча ойлар давомида итмомига етди. Бу орада Туркиянинг Истанбул шаҳрида 2005 йилнинг январ ойида «Адабу-л-муфрад»нинг туркча таржимаси нашр этилганлигини эшитиб қолдик. Нўъмонжон ғайрат қилиб китобни топиб келди; бир дўстида бор экан. Барака топгур дўсти ҳам китобни бир неча кунга бизнинг ихтиёримизга бериб қўйиш билан бирга, ксерокопия қилиб олиш учун ҳам рухсат берибди. Муҳаддис Жамил Фазлуллоҳ Жийлонийнинг нашр этган «Фазлуллоҳи-с-Самад фий тавзиҳи-л-адаби-л-муфрад» китоби ва туркча нашр (турк қардошларимиз ҳам албатта шу китобдан таржима қилганларига шубҳа қилмадик) ишимизнинг ривожига беқиёс кўмак берди; икки манбага чоғиштирган ҳолда таржимани мукаммал ҳолга келтиришга муваффақ бўлдик, алҳамдулиллоҳ.

Шу зайл «Адабу-л-муфрад»нинг иккинчи қисмига ҳам эга бўлиб турибмиз.

Эркинжон китобни бус-бутун ҳолатда нашр этишга қарор қилди ва бу ишни амалга оширган Шамсуддинхон Бобохоновнинг хотираси учун қилаётганлигини айтди. Унинг бу қарори Аллоҳ таолога хуш келган бўлсин ва таҳрир ҳайъати ҳам ушбу китобни **Шамсуддинхон Бобохоновнинг** ёркин хотирасига бағишлайди.

Янги қисмнинг таржимонига келсак, Нўъмонжоннинг биринчи йирик иши, шу биринчи йирик ишини онаси **Шаҳрибону Абдуллоҳ** қизининг ёркин хотирасига бағишлашини айтди, бинобарин, Нўъмонжоннинг диний илмга ихлосманд бўлишига Шаҳрибону (Аллоҳ раҳмат қилсин) сабабчи бўлган.

Албатта, ўша икки манба асосидаги кейинги таҳрир жараёнида китобнинг биринчи қисмида ўтиб кетган хатоликлар, чалкашликлар тузатилди. Бу нашр эса, китобда зикр этилган муҳаддислар ҳақида мухтасар маълумотлар ҳамда исмлар, географик ва этник номлар кўрсаткичлари, шунингдек, луғат билан бойитилди.

Боқий сўзни ёзувчи, таржимоннинг дўстларидан бири Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Эътиқодга бахшида умр» сарлавҳаси остидаги рисоласида ўқийсиз.

Асрор САМАД



ЭЪТИҚОДГА БАХШИДА УМР

Тарихий-фалсафий бадиа

Хўш, эътиқод нима? Эътиқод — бу, бизнингча, ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқодли одам энг аввало ёлғон гапирмайди. Ёлғон сўзламаган одам ўзгаларни ҳам ростгўй деб билади. Лафзида турмайдиган кимсани бебурд ҳисоблаб, улардан ҳазар қилади.

Эътиқод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносини, унинг ўзига хослиги ва моҳиятини англаш билан боғлиқдир. Инсон бошқа махлуқотдан фарқ қилиб, онгга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эгадир. Шу туфайли илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гўзаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган боқий фазилатлардир. Бу, умуман, инсон моҳиятига хос нарса бўлиб, ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажагига замин тайёрлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади ва ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истайди. Шундан келиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди.

Эътиқод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Буларсиз у қуруқ ғоя бўлиб қолаверади.

Демак, шу мантиқдан келиб чиқиб, юқорида айтиб ўтилган фазилатларга эга бўлмаган кимсаларни эътиқодсизлар сирасига киритсак бўлади. Эътиқодсиз киши ўз фикр ва қарашларида мустаҳкам ва собит туролмайди. Лафзсизлик қилади, дўпписи тор келганда ҳам, тор келмаганда ҳам ёлғон сўзлайверади. Инсон ҳаётининг маъносини, унинг ўзига хослиги ва моҳиятини ўзининг ҳозирги ҳузур-ҳаловати деб ҳисоблайди, шунга бўйсунади. Эътиқодсиз кишини онгдан маҳрум деб бўлмайди, шу жиҳати билан у бошқа махлуқотлардан фарқланади. Шу боис эътиқодсиз кимсаларни сиртдан одам қиёфасидаги ўзига хос онгли бир тоифа — "ақлли" махлуқлар деб аташ мумкин. Чунки уларнинг фаолиятидан гўзаллик унмайди. Тўғри, улар бу ёруғ жаҳонда нима учун яшаётганликларини жуда яхши биладилар, лекин бундаги "нима учун" "ўзи учун" билан тенгдир. Эътиқодсизлар



умрининг мақсади ва мазмунини ўзи учун яшаш, яшаганда ҳам яшаб қолиш белгилайди. Бинобарин, **эътиқодли одам яшайди, эътиқодсиз кимса** эса қандай бўлмасин, қандай йўллар ва усуллар билан бўлмасин, яшаб қолишга интилади. Ҳа, **яшамоқ** билан **яшаб олмоқ** ўртасида еру осмонча фарқ бор. **Яшовчилар** ва **яшаб олувчилар** аслида икки соҳил кишиларидир. Бироқ ҳаётда улар бирга яшайдилар. Эътиқодли одам ўзидан оиласию фарзандларига ва, табиийки, инсонларга нимадир қолдириб кетади; охиратига замин ҳозирлаб ўтади. Эътиқодсиз кимсадан эса оиласига, фарзандларига, боринғки, ўзига ўхшаш ҳамтовоқларига нимадир ёки нималардир қолар, бироқ унинг фаолиятидан жамият равнақига наф эмас, балки зиён етади, ўзининг охирати куйиб кетади. Шундан келиб чиқиб, агар таъбир жоиз бўлса, айтмоқчимизки, инсоният учун беминнат қилинган яхши ишлар ва солиҳ амаллар ҳаммаси — бу охират учун заҳирадир.

Эътиқод ўз табиатига кўра журъат, мардлик ва фидойиликни тақозо қилар экан, шунга биноан унинг замини иймон, қаноти маслакдир. Алишер Навоий "Маҳбубу-л-қулуб" асарида иймон ҳақида шундай деган: "Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ". Яъни иймонсиз — одам эмас. Бинобарин, иймонли одам — эътиқодли, эътиқоднинг аниқ маслагига эга, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, андишали, инсофли ва шу каби фазилатлар соҳибидир. Эътиқодсиз одамга нисбатан бир сўз билан "иймонсиз" деб кўя қолса ҳам бўлаверади.

Маслак — бу ўзига хос ақидалари билан бошқалардан ажралиб турувчи ижтимоий, сиёсий, илмий, ғоявий ва диний йўлдир.

Маслакли кишида бурд, субут, лафз ва тайин бўлади, айниқса, иродаси кучлидир. Умуман, эътиқод, маслак ва ирода бир-бирига боғлиқ ва бири бирини тўлдирувчи инсоний фазилатлардандир. Буюк аждодимиз имом Бухорий ҳазратлари бу борада ҳам комил инсонлардан бўлганлар. Тақвоси кучли, иймонда мустаҳкам ва исломий эътиқодда собит, ҳадис илмида "саҳиҳ" йўналишининг асосчиси, ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ўн ёшга тўлмасларидан илми ҳадис ўрганмоққа киришганлар. Ўн олти ёшларида оналари ва акалари билан бирга муборак ҳаж зиёратига бориб, тўрт йил Маккада яшаганлар. Сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини тўплаб, тартибга солмоқ ниятида бир қанча ислом мамлакатларини кезиб, шайху уламолардан кўплаб ҳадисларни ёзиб олганлар. Жами



600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг "саҳиҳ" ва 200 минг "ғайри саҳиҳ" ҳадисларни ёд олганлар. Бу инсоният тарихида фақат бир марта юз берадиган фавқулодда ҳодисадир. Бу маънавий жасорат самарасидир. Бу эътиқодга бахшида умр мазмунидир. Мана, 12 асрдан ошиб кетдики, 1000 дан ортиқ шогирдларга устозлик қилган имом Бухорий ҳазратларининг мухлисларию издошлари бутун ислом оламида бўлганидек, муқаддас юртимиз Турон, Туркистон ва Ўзбекистон тупроғида ҳам узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Тошкентлик муфтийлар сулоласи: бобо — Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, ўғил — Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон, невара — Шамсуддинхон Бобохонов шулар жумласидандир. Бир табаррук хонадондан уч кишининг муфтийлик мартабасига ноил бўлишининг ўзи ҳам исломий эътиқодга содиқлик самараларидандир. Собиқ Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати, ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси 60 йиллик тарихга эга бўлса, шундан 46 йили, яъни 1943 йилдан 1989 йилгача бўлган даврда бу идорага мазкур сулола вакиллари раислик қилдилар. Ҳадис илмини ўрганиш, таржима қилиш, шарҳлаш ва амалга ошириш улар фаолиятининг узвий бўлагини ташкил этади. Бу борадаги мисолларни бобо, ўғил ва невараниng ҳар бирлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда, шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларида фаолият кўрсатиб турган диний арбоблар ва ходимларнинг муайян қисми ўзларини шу буюк зотларнинг шогирдлари, издошлари ва давомчилари деб ҳисоблашлари бежиз эмас, албатта. Мавриди келибди, шу сулола ҳақида алоҳида тўхтаб ўтсак, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мавзеи атамасини ёритсак, ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Зотан, тилга олинаётган муфтийлар шу жойнинг фарзандларидир.

* * *

Мазкур сулола тўсатдан ҳамда бўш ва бўш ерда пайдо бўлиб қолмаган. Аввало кўп асрлик маданий, илмий ва руҳоний муҳитнинг ҳосиласидир бу ҳодиса. Иқлими мўътадил, карвон йўллари туташган, оқар сувга маъмур, тупроғи ҳосилдор ва қулай географик жойда қад тиклаган Тошкент милодий 8-асрнинг бошлариданоқ исломий кент бўлиб келган. Саҳобийлар, тобеинлар ва табаа тобеинларнинг қутлуғ қадамлари теккан ердир бу! Тошкентимиз исломий шаҳар бўлиб келганлигини ундаги тарихий жой номларидан ҳам билиб олиш мумкин. Маълумки, кўҳна ва муқаддас жой номларининг аслини аниқлашда



қадимги қўлёзма манбалар асқотади. Юртимиз мустамлака бўлган даврларда нашр этилган китобларда бу ишга анча юзаки ёндашилди. Масалан, Тошкентнинг ўтмиши ҳақида сўз юритилганда, жумладан, бундай дейилади: "Тошкент тўрт даҳага бўлинган бўлиб, улар Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтоҳур ва Себзор деб аталган. Шаҳар девор билан ўралган бўлиб, унинг Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Кўкон, Қошғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой дарвозалари бўлган". Умуман, бу гаплар нотўғри эмас. Лекин бундай номланиш кейинги замонларга оиддир. Масалан, Қўймас, Кўкон ва Қошғар дарвозалари XIX асрнинг ўрталарида — Анҳорнинг сўл томонида янги маҳаллалар, вилоят ҳокимининг янги қароргоҳи — Ўрда қурилгач, бунёд этилган. Бу Ўрда икки минг йилдан ортиқ тарихга эга Тошкентдаги бешинчи Ўрда ҳисобланади. Даҳаларнинг номига келсак, Шайхонтоҳур даҳаси XIV асрдан бери ўзгармаган. Кўкча даҳаси илгари Шайх Зайниддин деб, Себзор даҳаси Ҳазрати Имом деб, Бешёғоч даҳаси Зангиота деб аталган. Бу Зангиота ҳозирги пайтда Тошкент вилоятидаги туманлардан бирига номи қўйилган Зангиота — Ойхожа ибн Тожхожадан бошқа бир тарихий шахс бўлиб, унинг мозори Чилонзор туманидаги Чўпонота (Зангиота) қабристонидадир. Бешёғоч — Зангиота даҳасидаги маҳаллалардан бири кўп асрлардан бери шундай атаб келинади. Тошкент даҳаларининг асл номларига аниқлик киритишдан мақсад шуки, халқимизнинг ўзига хос анъанасига кўра, ном қўйишда жойнинг табиий кўриниши, ундаги муҳим ҳолатлар (тоғ, тепалик, дарё, сой ва шу кабилар) ёки бўлмаса ўша ерда туғилган, камол топган ва машҳур бўлган тарихий шахслар ҳамда валий сиймолар назарда тутилган. Юқорида келтирилган далилларга биноан ўтмишда Тошкентнинг тўрттала даҳаси ҳам улуғ руҳонийлар — валийларнинг номлари билан аталган. Бу ҳам Ислом дини халқимизнинг, жумладан, Тошкент аҳлининг турмуш тарзига чуқур сингиб кетганини тасдиқлайди.

Тошкентнинг энг кўҳна ва муқаддас ерларидан бири оддий халқ тилида Ҳастимом дейилади, бу табаррук даргоҳ аввало Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шошийга тааллуқлидир. Бу буюк зот қисқача Қаффол Шоший деб ҳам юритилган. Милодий 904 йилда Шош (Тошкент)да туғилган. (Бу йил таваллудига 1100 йил тўлади). Илк маълумотни ўз она шаҳрида олган. Кейин мусулмон дунёси бўйлаб сафар қилган, энг машҳур олимларга шогирд тушиб, улардан илм ўрганган. Ироқ ва Шом (Сурия) мамлакатларида ҳам бўлган. Машҳур уламолар билан суҳбат-



лашган. Қаффол Шоший диний илмлардан ташқари дунёвий билимларни ҳам чуқур ўрганган. Ватанига қайтгач, асосан, она шаҳри Тошкентда яшаб, Ислом динининг тарғиботи билан шуғулланган. Илм, араб тилшунослиги бўйича билимдон бўлган. Унинг "Одобу-л-қози" ("Қози одоби") асари қозилар учун қўлланмалардан бири ҳисобланган. Араб тарихчиси ва географи Абул Фидо (1273-1331)нинг ёзишича, Қаффол Шоший ўз замонасининг етук имомларидан бўлиб, Туркистон мамлакатида унга тенг келадиган аллома бўлмаган. Шунинг учун ҳам халқ уни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) деб улуғлаган. Яна эътиборли жиҳатлардан бири шуки, Ҳазрати Имом моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонган, оғирлиги атиги ярим грамм келадиган ажойиб қулф-калит ясаганлиги учун "ал-Каффол" — "Қулфчи" деган ном билан эъзозланган.

Қаффол Шоший милодий 976 йили Тошкентда вафот этади. Қайқобус ариғига яқин ерга — Мозорхон маҳалласига дафн этилади. Қабри устига мақбара қурилади. Қаффол Шоший қабри халқ орасида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) номи билан катта шуҳрат топади, муқаддас зиёраттоҳга айланади. Ҳожатталаб кишилар бутун Шош вилоятидан, атрофдаги ўлкалардан нажот истаб зиёратга келадилар. X асрда Туркистон мамлакатининг шимолий ҳудудларида, яъни Сирдарёнинг ўнг соҳилидан шимолда жойлашган Шош, Исфижоб (Сайрам), Тароз, Ясси ва бошқа вилоятларда ҳали Қаффол Шоший даражасидаги валий зотлар таваллуд топмаган ёки бўлмаса қадам ранжида қилмаган эдилар. Шу боисдан ҳам Ҳазрати Имом қабри улкан ҳудудда асосий қадамжо эди. Умуман олганда, Тошкент ва ундан шимолдаги юртларда Имом даражасига, айниқса, Ҳазрати Имом диний мартабасига ета олган бирдан-бир валий зот Қаффол ашШоший ҳазратлари саналадилар. Ҳали у кезларда пири Туркистон Аҳмад Яссавий дунёга келмаган, Шайх Зайниддин бу ёқларга ташриф буюрмаган эдилар. Тўғри, Шош мулки ва атрофдаги вилоятлардан кўплаб исломий арбоблар етишиб чиқиб, шайх, шайху-л-ислом, қози, муфтий, аълам каби диний унвон, даража ва мартабаларга эришган бўлсалар-да, Ҳазрати Имом номи билан шарафланган ватандошимиз Қаффол Шошийдирлар.

Маълумки, Тангри пайғамбарларга мўъжиза кўрсата олишни ато қилган бўлса, валийларни каромат қилиш салоҳияти билан сийлаган. Қаффол Шоший кароматгўй бандалардан бўлганлар. Бу ҳақда ҳануз гача эл орасида кўп ривоятлар сақланиб келади.



Бир ривоятда айтилишича (бу ҳақда ёзма манбалар ҳам бор), машҳур уламолардан бўлмиш шайх Умар Боғистоний кўп йиллар давомида фарзанд кўрмайди, ниҳоят истаб, завжаси билан бирга Ҳазрати Имом қабрини зиёрат этади. Қуръон тиловатидан кейин Аллоҳ таолодан фарзанд ато этишини илтижо қилади. Худди шу пайт мақбара устидан бир гала қалдирғоч бирданига кўкка кўтарилади, бу парвоздан "Ат-таҳур" деган садо янграб кетади. Бу яхшилик аломати, дуо ижобат бўлажагидан бир мужда эди. Вақт соати етиб, шайх Умар Боғистоний ўғил кўради. Унинг исми олдиндан маълум эди. Чақалоққа Хованди Таҳур деб исм қўядилар. У камолотга етиб, шайх Хованди Таҳур номи билан эл-юртда машҳур бўлади.

Маълумки, муқаддас жойларни зиёрат қилганда, тилак ўша ерга дафн этилган зотдан эмас, балки ҳаммамизни яратган ёлғиз Аллоҳ таолодан сўралади. Қаламжолар пойида туриб, тилак сўралишининг моҳияти шундаки, Аллоҳ таоло Ўзи улуғлаган ва сийлаган анбиёлар ва авлиёлар қабрларини ўз зиёси билан нурлантириб туради. Бундай нурафшон, муқаддас жойларда ихлос билан қилинган илтижолар Аллоҳ таолонинг иродаси ила кўпроқ ижобат бўлғусидир. Валлоҳи аълам.

Ўзбекистон Аллоҳ таолонинг назари тушган диёрдир. Унинг назари руҳоний файз, баракот, эзгулик келтиражак. Яратганнинг назари аввало Ўзи суйган ва сийлаган бандалари дафн этилган ерларни нурлантиради. Диёримизда азалдан, айниқса, истиқлол йилларидан бошлаб муқаддас жойларнинг обод бўлишига мудом ҳаракат қилинишининг боиси ана шундандир. Бу ёлғиз Аллоҳ таоло ризолиги учун қилинади. Аллоҳ таолонинг ўзи азизу мукаррам қилиб яратган суюкли бандаларини барҳаётлигидан кейин ҳам эътиборда тутиш мақбул ва манзур одатларимиздан саналади. Азиз-авлиёларга атаб мақбаралар қуриш ва қурдириш, таъмирлаш шундай қутлуғ ва савобли ишлардандир. Ўтмишда Турон ва Туркистон деб, эндиликда Ўзбекистон деб аталувчи Ватанимиз бу борада ислом дунёсида ҳам, бутун жаҳон миқёсида ҳам қадамжоларга бойлиги жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Диёримизда бир неча бор қайта тикланган ва бир неча маротаба таъмирланган осори атиқалар мавжуд. Ҳазрати Имом билан ҳам худди шундай ҳол юз берган. Дастлабки мақбара сақланмаган. Бизнинг давримизгача сақланиб келган мақбара ўзбек давлатчилигининг шайбонийлар сулоласи ҳокимиятни бошқарган даврда, Абулхайрхоннинг невараси, она томондан Мирзо Улуғбекнинг эвараси бўлмиш Суюнчихўжахоннинг кичик ўғли, тахаллуси Бароқхон бўлмиш Навруз Аҳмад Тошкент ҳокими бўлиб турган 1541-42 йил-ларда меъмор Ғулом Ҳусайн лойиҳаси асосида



қурилган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Бароқхон ўзидан яхши ном ва боқий ёдгорликлар қолдирган, мадрасалар, тўғонлар, сув омборлари, кўприклар қурдирган; ободончилик ишларига катта эътибор берган. Хонзода ўғлон сифатида чавандозлик ва ҳарбий машқлар билан машғул бўлиши баробарида устози Зайниддин Восифийдан шеърият, му-сиқа, ашуладан таълим олган. Ҳокимият тепасига келгач, ўрганган-ларини турмушга тадбиқ этган. У 1525-51 йилларда Тошкент вилоятининг ҳокими бўлган. 1551-56 йилларда бутун Туркистонда хонлик қилган. Эл-юрт юмушнини бажариши асносида жон таслим этган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" асарида қайд этилишича, (бу икки жилдли китоб 1999-2000 йилларда нашр этилди) 1556 йили Бароқхон Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти Равотхўжа тўғонини тузаттириш учун келиб, шу ерда тўсатдан вафот этган. Унинг даврида Туркистон билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар ўртасида савдо-сотиқ, элчилик муносабатлари анча ривожланган. Иқтисодий юксалиш моддий-маданий равнақка омил бўлган. Маълумки, бугунги кунда Ҳастимом маҳалласи дейилган-да, энг аввало бу ердаги кўҳна ёдгорликлар кўз олдимизга келади. Булар Қаффол Шоший мақбарасидан ташқари Бароқхон мадра-саси, Намозгоҳ ва Тиллашайх жомеъ масжиди, Мўйи муборак (пайғамбаримиз соллоллоҳу ъалайҳи васалламнинг сочларидан тола сақланиб келгани боисидан бу даргоҳ шундай аталган) масжидидир.

Бароқхон мадрасаси Навруз Аҳмадхон томонидан 1531 йилдан бошлаб бир неча йил давомида бунёд этила борган. Мадраса таркибида икки мақбара ҳам бор. Кичик мақбарада Бароқхон қабри, катта мақбарада эса унинг отаси Суюнчхўжахон қабри жойлаш-ган. Ҳозирги кунда Бароқхон мадрасасида Ўзбекистон мусулмон-лари идораси фаолият кўрсатади. Намозгоҳ жомеъ масжиди Рамазон ва Қурбон ҳайитлари намозларини ўқиш учун мўлжаллаб қурил-гани сабабли шундай аталган. Ҳозирги кунда бу ерда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти жойлашган. Мўйи муборак масжидидан ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идора-сининг асосий кутубхонаси сифатида фойдаланилмоқда. Бутун Ислом дунёсига маълуму машҳур Қуръон-и каримнинг нодиру ноёб нусхаси — ҳазрат Усмон мусҳафи худди шу кутубхонада сақлан-моқда.

* * *

Муфтийлар сулоласи ана шундай табаррук исломий масканда — Ҳазрати Имом — Ҳастимомда таваллуд топиб, вояга етганлар. Кейинги пайтда Ҳазрати Имом мавзеи дейиш ўрнига Ҳазрати Имом



маҳалласи дейилмоқда. Бундай дейиш тўғри эмас. Аслида Ҳазрати Имом дейилганда кўзда тутилган жой бир неча маҳаллани (илгари эса бутун бошли бир даҳа) эгаллаган: Мозорхон, Тепа, Ҳалимкўп ва Парчабоб. Шу маҳаллалар теварагида Ёв, Кўштут, Гуручариқ, Кумлоқ, Чувалачи, Қорасарой, Кодувот, Зарқайнар каби маҳаллалар жойлашган. Муфтийлар, шу жумладан, Эшон Бобохон ҳазратлари Парчабоб маҳалласидаги энг узун ва боши берк кўчаларидан бири — Тиккўчада руҳоний оиласида 1856 йили (иккинчи бир манба бўйича 1860 йили) таваллуд топганлар. У зоти олийнинг тўлиқроқ исми-шарифлари бундай: Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон эшон ибн Айюбхон эшон... ундан уёғи Аллоҳнинг тақдири азалийси ва ҳазрати Муҳаммад соллоллоҳу ъалайҳи васалламнинг ишоралари ила тобеъинлардан кейинги саналмиш Исҳоқбоп (раҳматуллоҳи ъалайҳ) ҳазратларига бориб туташади. Ул зоти олий Ислом фотиҳлари сафида мавжуд эдилар. Бу маълумот 9 жойига Юсуфхўжа Али ибн Носируддин Марҳумий исмли қозининг муҳри босилган васиқа (шажара)да сақланиб қолади. Эшон ва эшонзодалар хонадони билан чоризм маъмурлари ҳам қизиққанлар. Рус ҳарбий шарқшуносларидан бўлмиш Нил Сергеевич Ликошин (1860-1922)нинг қаламига мансуб, 1898 йилда ёзилиб, 1899 йили Тошкентда рус тилида нашр этилган "Тошкент эшонлари" номли рисолада 54 нафар эшон ҳақида қисқача-қисқача маълумот берилган бўлиб, шу жумладан, Абдулмажидхон эшон ибн Юнусхон эшон тўғрисида бундай дейилади:

"Мударрис мулло Абдулмажидхон Юнусхон Эшон ўғли: Себзор даҳасининг Парчабоб маҳалласида яшайди. 80 ёшда... Деҳқончилик билан шуғулланади. Маблағи ўзига етарли. Тошкентда муридларининг сони 400 кишига боради. Эшон фотиҳани бухоролик Миён Ғуломқодир (Соҳибзода лақабли)дан олган. Ҳаммаси бўлиб 15 нафар халфа тайёрлаган. Уларнинг кўпчилиги Тошкентда... Эшоннинг кўпчилик муридлари Тошкент вилоятининг Зангиота ва Қорамурт қишлоқларида ва Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоқларида истиқомат қиладилар. Бу эшон Муҳиддинхўжа Ҳаким эшон ўғли (собиқ қозий) билан қариндош. Абдулмажид эшоннинг қизи Муҳиддинхўжанинг катта ўғлига тушган. Абдулмажидхон Тошкентда катта ҳурматга сазовор. Айниқса, Абулқосим эшон-нинг вафотидан кейин (у 1892 йилдаги вабодан қазо қилган) Абдулмажиднинг обрў-эътибори эл орасида яна ҳам ошиб кетди. Хулласи калом, ҳозирги пайтда у Тошкент шаҳридаги энг нуфузли эшон ҳисобланади. У тариқатнинг асосчисидан бошланиб келаётган аниқ шажарага эга ва



шу мартабага мансублиги билан жуда фахрланади. Ўзининг кўчмас мулки учун эшон хазинага йилига 100 сўмдан солиқ тўлайди" ("Тошкент эшонлари" рисоласи истиқлол шарофати билан 1996 йили Тошкентда китоб тарзида чоп этилди. Таржимон — Абулқосим эшоннинг набираси Ҳабибулла Қосимов, ношир — Асрор Самад).

Юқорида келтирилган парчадан яққол кўриниб турибдики, Эшон Бобохон ҳазратлари Тошкентнинг энг нуфузли эшони оиласида тўнғич ўғил бўлиб дунёга келганлар ва шу боисдан ҳам қонуний равишда сулолани давом эттириш у кишининг зиммасига тушган. Бу — бир томондан шарафли иш бўлса, иккинчи томондан эса, масъулиятли юмуш ҳам эди.

Бизким, ўзбекларда ўтмишда ҳам таълимнинг бир неча тури ва усули бўлган: оила таълими, хусусий таълим, мактаб таълими, мадраса таълими. Қорихонада Қуръон-и карим тажвиди билан ёд олиниб, қори номига эришилган бўлса, бошқа таълим турларида ўқувчи ва талабаларга ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўргатилган. Юртимизда мактаблари ва мадрасалари бўлмаган шаҳар, мактаби бўлмаган қишлоқ бўлмаган. Маҳалла масжидларининг имомлари айни пайтда масжид ҳузуридаги мактабда дарс берганлар — мактабдор бўлганлар. Ирирк шаҳарлардаги маҳаллаларда эса, бир-иккитадан масжид бўлган. Масалан, XX асрнинг бошларида Тошкентда 200 га яқин маҳалла бўлган бўлса, бу маҳаллаларда 349 та масжид фаолият кўрсатган, шулардан 333 таси Эски шаҳарда, 16 таси Янги шаҳарда бўлган. Шу масжидларнинг имомлари айни пайтда мактабдорлик қилганлар, одатда уларнинг рафиқалари ва бўй етган қизлари отинлик қилиб, маҳалла қизларини саводхон қилишган. Ўтмишда яшаб, ижод этган барча шоираларимиз (Увайсий, Махзуна, Нодира, Анбар отин, Муаззамхон, Қамарнисо ва бошқалар) отинлар қўлида таълим олганлар ва айрим ҳолларда кейинчалик баъзиларининг ўзлари ҳам отинлик қилганлар.

Оилавий таълим, аниқроғи, оиладаги таълим одатда зиёли оилаларда, айниқса, руҳоний оилада урф бўлган. Ўқимишли ота-оналар ўзларидаги бор билимларни ҳам ўғил, ҳам қиз фарзандларига ёшликлариданоқ беришга интилганлар. Домлани уйга чорлаб ёки фарзандини домланинг ҳузурига юбориб, таълим олдириш, ҳозирги ибора билан айтганда, репититор ёллаш усули ўтмишда ҳам бўлган. Ўзига тўқ, тушунган ҳамда илмни ва илм эгаларини қадрлаган ота-оналар фарзандлари ҳар томонлама ва чуқур билим эгаллашлари учун қай-

ғурганлар. Биз сўз юритаётган муфтийлар сулоласининг ҳар бир вакили таржимаи ҳолига назар солсак, шу ҳолни кўрамиз: улар дастлаб оилада савод чиқарганлар, маҳалла мактабида таълим олганлар, айни пайтда, қўшимча тарзда машҳур ва билимдон домлалардан илм ўрганганлар, кейин эса Тошкентдаги бир ёки бир неча мадрасага қатнаб, таҳсил кўрганлар. (1911 йилда Тошкентда 26 мадраса фаолият кўрсатган. *(Қаранг: А.Добромислов. "Ташкент в прошлом и настоящем". Тошкент, 1912).* Фарзандининг Тошкент мадрасаларида ўқигач, ёки тўғридан-тўғри Бухоро мадрасаларида таҳсил олиши тошкентлик ҳар бир зиёли оиланинг, айниқса, руҳоний хонадоннинг катта орзуси бўлган, албатта. Ҳам моддий имкониятга, ҳам етарли қобилиятга эга бўлган, ҳам ўзида маънавий эҳтиёж сезган эшонзодалар учун бундай орзу сўзсиз ушалгуси орзулардан ҳисобланган. Эшон Бобохон ҳам оталари, боболари ва катта боболари изидан бориб, Тошкентдан кейин Бухорода ҳам таҳсил кўрадилар. Бу ҳақда у кишининг неваралари Шамсуддинхон Бобохонов "Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон" номли китобида шундай ёзади: "Эшон Бобохон ҳазратлари ҳам Бухородаги "Мир Араб" мадрасасида машҳур устозлардан, хусусан, домла Икромчадан таҳсил олдилар. Эшон Бобохон ноёб ақл эгаси бўлиб, баракали умрлари давомида илмларини тўлдиришга, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилганлар. Бирор кишида бир ноёб китоб бор деб эшитсалар дарҳол барча ишларни қолдириб, ана ўша китобни кўриш, ўқиш ва ундан ислом ақидалари, шариат қонунлари, тафсир, ҳадис, араб тили наҳв-сарфи, тажвид ва бошқа хил исломий илмлар борасидаги муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун бўлса керакки, у кишининг хонадони халққа танилган, чунки унда ҳақиқий соҳиби илм яшар ва ул зотдан илм олиш, ҳаётий тажриба орттириш мақсадида ёш уламо ва толиби илмлар шу хонадонга интилишар эди.

Муфтий Эшон Бобохон ҳазратлари диний масалаларни ҳал қилиш ва оммалаштириш учун Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларидан дин арбобларини Тошкентга таклиф қилар, ўзлари ҳам тез-тез сафарларда бўлиб, сафар асносидаги мулоқот ва илмий суҳбатлардан маънавий озуқа олар, мусулмонларнинг маънавий эҳтиёжини ўрганган, жойлардаги илм аҳли ҳам ўз навбатида Эшон Бобохон ҳазратларининг доно кўрсатмалари ва маслаҳатларидан фойдаланар ва ул зоти бобаракотнинг ақлу заковатлари, Ислом дини тарғиботи йўлида тинимсиз ҳаракатларига тасаннолар айтар эдилар". Бу сўзларнинг самимий

239811

БИБЛИОТЕКА



ва чин ҳақиқат эканини камина ҳам бир кичик замондош, юртдош, диндош, мухлису мурид сифатида, ул улуғ зотни кўрган, ваъз ва хутбаларини берилиб тинглаган, улардан маънавий озуқа ва завқ олган инсон сифатида тасдиқлайди. Зеро, маънавий биродаримиз Шамсуддинхон ва каминанинг ўқувчилик йиллари Эшон Бобохон ҳазратларининг собиқ Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратига раислик қилган йилларига тўғри келган. Камина ўқувчилик йилларимизда Ҳалимкўп маҳалласида она томондан бобомиз — Миролим ота оиласида яшаганмиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳалимкўп маҳалласи ҳам Ҳастимом мавзеининг таркибий қисми бўлиб, эшон ва эшонзодалар яшаган Парчабоб маҳалласига туташ эди. Биз ўқувчилик йилларимизда Бароқхон мадрасаси ҳовлисида ўқилган Рамазон ва Қурбон ҳайитлари намозларида, Тиллашайх жомеъ масжиди ичида ва ҳовлисида ўқилган жума намозларида имомлик қилганларига шоҳид бўлиб, у кишига иқтидо қилиб намоз ўқишга мушарраф бўлганимиз билан фахрланамиз. Ҳазрат нурли, файзли, ёқимли сиймо эдилар, вужудларидан руҳоний ёғду таралиб турарди. Ҳамиша бошларида янги қордек оппоқ салла, қўлларида асо, устларида катта йўл-йўл ва кенг-мўл тикилган бекасам чопон, оёқларида кавш-маҳси бўларди. Юз ёшга яқинлашиб қолганларида ҳам кўзойнак тутмасдилар. Ҳадис-и шарифда айтилганидек, шундай инсонлар бўладики, уларни кўришимиз биланоқ, Аллоҳ таоло ёдимизга тушиб кетади. Эшон Бобохон ҳазратлари бир сўз билан айтганда, руҳонийларнинг нуронийси эдилар.

* * *

Ўрни келди, яна бир нарсани айтиб ўтишни лозим кўрамиз. Биз Эшон Бобохон ҳазратлари ва ул зотнинг авлодлари ҳақида билганларимизни, кўрганларимизни, эшитганларимизни ва идрок этганларимизни қоғоз саҳифаларига тушириб, келгуси авлодларимизга бир маънавий ёдгорлик сифатида қолдиришга бурчлимиз. Бу бурчнинг келиб чиқиш сабаби шундай: етти пушти асли Ҳалимкўп маҳаллалик бўлган она томондан бобомиз Миролим ота билан Эшон Бобохон хонадонлари ўртасида азалдан борди-келди бўлган. Аввалига фарзандлари турмаган, ғудаклигидаёқ нобуд бўлаверган бобом Миролим ота каминанинг бўлажак онаси туғилгач, ушбу чақалоқни ихлос билан қўшни маҳаллага — Эшон Бобохон ҳузурларига олиб бориб, ушбу қизалоқнинг ҳақига дуо қилишларини сўрайди, токи умри зиёда бўлғай. Эшон ҳазратлари йўргакланган етти кунлик чақалоқни муборак



қўлларига олиб, тиззаларига қўйиб, ўнг қулоғига азон айтиб, чап қулоғига такбир айтгач, Қуръон-и карим оятларидан ўқиб, шифобахш нафаслари ила дам соладилар-да, бувимизнинг исмларини сўрайдилар, билиб олгач, Рукиябиби бувимизнинг отларига қофиядош қилиб, чақалоққа исм қўядилар: Рокиябиби! Аввало Аллоҳ таолонинг иноят — тақдири азал, қолаверса, ҳазрат эшоннинг ўтли ва ҳаётбахш нафаслари ва дуои хайрлари шарофати билан бу чақалоқ туриб қолади. Миролим ота ва Рукиябиби онанинг кувончлари бир олам! Оилада ёлғиз қиз бўлмиш онамиз Рокиябиби узоқ умр кўрдилар — 82 ёшда улуғ айём-арафа куни вафот этдилар, жанозалари Қурбон ҳайитида ўқилди. Онамиз туриб қолиб, балоғатга етиб, уйли-жойли, оилали бўлмаганда, биз ҳам туғилмасдик, орқаларида қолиб, чироқларини ёқиб ўтирмасдик, ушбу сатрлар ёзилмасди. Бу ҳам эътиқодли бўлишдандир.

Ҳа, эътиқодда гап кўп. Эътиқод билан яшаганларнинг умри мазмунли бўлади, номлари авлодлар ёдида қолади. Эшон Бобохон ҳазратлари бир асрлик умрларини исломий эътиқодда ўтказдилар ва шу эътиқодни тарғиб-ташвиқ этдилар, оғир замонларда ҳам шу эътиқодга содиқ қолдилар, фарзандлари ва неваралари ҳам ул улуғ зотдан бу борада ибрат олдилар ва шу йўлни маҳкам тутдилар.

Шўролар замонида энг кўп таъқиб ва қатағонга учраган қатлам бу руҳонийлар, дин пешволаридир десак, янглишмасак керак. Эшон Бобохон ва у кишининг оиласи 1943 йилнинг кузигача таҳлика остида яшади, ер-сув, мол-мулклари, шаҳар ҳовлилари мусодара қилинди, кўпинча яшириниб юрдилар. Икки марта қамалдилар. Биринчи марта 1937 йили қамоққа олиндилар, ўшанда ёшлари 80 дан ошиб кетган эди. Бир қанча вақт қамоқда ўтириб, ёруғликка чиқдилар — терговда уларга қўйилган барча айб исботини топмади. 1941 йили иккинчи марта қамоққа олиндилар, турма азобини тортдилар. Тақвоси кучли, имони мустаҳкам, эътиқодда содиқ Эшон Бобохон ҳазратлари бу гал ҳам қамоқдан омон чиқдилар. Одамлар "Ҳазратни Аллоҳ ёрлақагани шудир" дейишди.

1943 йили Иккинчи жаҳон уруши авжига чиқади. Совет Иттифоқи Германияга ёлғиз ўзи бас келолмаслиги аниқ бўлиб қолади. Ғарбда иккинчи фронт очиш масаласи кун тартибига чиқади. Лекин иттифоқчилар — АҚШ ва Англия Совет Иттифоқи раҳбарияти олдига бир қанча талаб ва шартларни қўяди. Шулардан бири Совет Иттифоқининг барча ҳудудларида виждон эркинлигини жорий қилиш, насронийлар, яҳудийлар қаторида мусулмонларга ҳам диний расм-русумларни ўтказишларига рухсат бериш, черков, синагог ва масжид-



лар очиш, диний ташкилотларга уюшиш ва шу кабиларга расман йўл бериш талаби эди. Даҳрийлардан иборат шўро раҳбарияти бу талабга рози бўлмай иложи йўқ эди, чунки фронтда аҳвол оғир эди. Марказдан Тошкентга бу ҳақда хабар ва буйруқ келади. Ўзбекистон ҳукуматининг ўша пайтдаги раҳбари Абдужаббор Абдураҳмонов дарҳол ишга киришиб, Эшон Бобохон ҳазратларини яшириниб ётган жойларидан топтириб, суҳбатлашади: "Эшон ота, — дейди у, — Тошкентда диний ташкилот очишга Москвадан рухсат бўлди. Лекин бино ажратолмаймиз. Уни қаерда очиш ўзингизга ҳавола".

Эшон Бобохон раҳбарлигида ташкилий қўмита тузилади, Зиёвиддин қори масъул котиб бўлиб, барча ижроия ишларини бошқарадилар. Эшон Бобохон Тиккучадаги ички ва ташқи қисмларга эга бобомерос катта ҳовлиларини Аллоҳ розилиги йўлида диний идорага эҳсон қилиб, оиланинг кўп сонли аъзолари билан биргаликда Қорасарой мавзесидаги дала ҳовлиларига кўчиб ўтадилар. 1943 йилдан 1954 йилгача Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати шу ҳовлида фаолият кўрсатди. Кейин бу ҳовли диний назоратнинг меҳмонхонасига айлантирилди, толиби илмлар ва олисдан келган мусофирлар шу ерда истиқомат қилди. Бароқхон мадрасаси диний назорат ихтиёрига олиниб, ҳашар йўли билан жиддий таъмирлангач, идора шу ерга кўчиб ўтади. Бу ишга Зиёуддин қори ака бошчилик қилганларига шоҳид бўлганмиз.

Эшон Бобохон сахий ва ҳимматли киши эканликларига яна бир мисол келтирамиз. Диний назорат тузилган дастлабки пайтданоқ бу руҳоний марказни адабий мерос билан жиҳозлаш ишларига ҳам катта эътибор берилган. Эшон Бобохон ҳазратлари ота-боболари ва ўзлари томонидан асрлар мобайнида тўпланган нодир китобларни тортиқ этиб, кутубхона очганлар. Кейин аҳолидан диний ва дунёвий китоблар харид қилина бошланган. Савобталаб диндор кишилар уйларидаги нодир китобларни олиб келиб, ҳақ олмай топширганлар. Тез орада бу китоб маҳзани — нурхонада назири йўқ китоблар жам бўлган. 1943 йилдан 1957 йилгача давом этган бундай ишлар кутубхонани ташкил этишдаги биринчи босқич ҳисбланади.

Бу мисол шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратларининг ҳимматларига оиддир. Маълумки, 1957 йили Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон вафот этгач, муфтийлик лавозимига Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари Уламолар кенгаши томонидан якдил-

лик билан сайланадилар. Зиёуддин қори ака муфтилик ойлигининг тенг ярмини муттасил равишда шу кутубхонага китоб-лар олиш учун ўтказишга қарор қилганлар. Бу қарор ижроси 25 йилдан ортиқ давр мобайнида, Зиёуддин қори ака вафотларига қадар узлуксиз давом этган. Натижада бу кутубхона Тошкентдаги бой илм хазиналаридан бирига айланган. Масалан, унда Қуръон-и ка-римнинг ҳар хил ҳажмдаги қўлёзма ва босма нусхалари, илми тафсирга оид китоблар, ҳадис, фиқҳ (Ислом қонуншунослиги), араб грамматикаси, мантиқ, тарих, тиб, шеърий тўпламлар, жуғрофия, фалсафа, илоҳиёт, риёзиёт, фалакиёт ва мазкур фанлар бўйича ёзилган асар-ларнинг шарҳлари билан танишиш мумкин. Бу асарларнинг кўпчилиги араб, форс ва туркий тилларда бўлиб, асосан ўтган минг йил мобайнида мамлакатимизда ва чет элларда яшаб ижод этган муаллифлар томонидан ёзилган. Қуръоннинг баъзи қадимий қўлёзма нусхалари, Имом Бухорийнинг "Ал-Жоме ас-Саҳиҳ" номли ҳадислар тўплами, Имом Муслим, Имом Насоий, Имом Доримий, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Розий, Хоразмий ва бошқа дунёга маш-ҳур олимларнинг асарларидан кўплари қўлёзма ва босма шаклда асрлар оша бизнинг даврimizгача етиб келган.

Айниқса, ҳижрий ҳисоб билан бундан ўн тўрт аср илгари халифа Ҳазрати Усмон ибн Аффон (р.а.) бошчиликларида жамланиб, илк бор китоб шаклида битилган тўртта Қуръон нусхасидан бирининг ҳам бу кутубхонада мавжудлиги зиёратчиларнинг диққатларини ўзига жалб этиб келмоқда.

Бу "Мусҳафи Усмон"нинг қандай қилиб бизнинг диёримизга келиб қолганлиги ва у қанақа тарихга эга эканлиги ҳақида илгари кўп маълумотлар берилган. Бу хусусда Диний бошқарма уламолари томонидан махсус бир рисола ҳам нашр этилган. "Усмон мусҳафи"нинг тарихи" номли бу рисолада Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг собиқ ноиби раислари марҳум Исмоил маҳдум Соттиев томонларидан мазкур муқаддас китобнинг қандай қилиб бизнинг диёримизга келиб қолганлиги тарихи етарли далиллар асосида баён қилинган.

Кутубхонадаги китоблар турли йилларда асосан мамлакатимиздаги босмахоналарда ҳамда Миср, Ливан, Саудия Арабистони, Литвия, Ҳиндистон, Покистон, Марокаш, Сурия ва бошқа давлатлардаги босмахоналарда чоп этилган.

Бу билим хазинасида нодир қўлёзма нусхалари ҳам кўп. 1989 йил ўтказилган рўйхат натижасида Диний бошқарма кутубхонасида 3000 дан ортиқ қўлёзма китоблар борлиги аниқланган. Мазкур қўлёзма китоблар асосан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда моҳир хаттотлар томонидан кўчириб ёзилган.

Хуллас, кутубхона диёримиз мусулмонлари, Диний идора хизматчилари, мадрасаларимиз мударрислари ва талабалари учун муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Эшон Бобохон томонидан тамал тоши қўйилган, шайх Зиёуддинхон саъй-ҳаракатлари билан бойита борилган мазкур кутубхона истиқлол йилларида диний ва дунёвий янгиянги адабиётлар билан янада бойитилмоқда. Китобларнинг рўйхати ўзбек тилидаги асарлар билан, шу жумладан, Қуръон-и карим ва Ҳадис-и шарифнинг ўзбекча таржималари ҳисобига бойиганлиги китобхонлар сафини кенгайтирди. Маълумки, мусулмончиликнинг 40 та фарзи бор, шулардан бири илм олишдир. Билимли бўлишда хосият кўпдир. Илмдан жаҳолат чекинади. Ҳақиқий рухонийларимиз ҳамиша илмли бўлишга чорлаб, жаҳолатга қарши курашиб келганлар. Илм маскани бўлмиш кутубхона ҳақида тўхтатилишимиз сабаби ҳам мана шу.

Юқорида келтирилган тарихий ва ҳаётий мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, эл-юрт учун қилинган беминнат сахийлик ва бегараз ҳиммат, яъни Аллоҳ таоло ризолиги йўлидаги солиҳ аъмоллар маънавиятимиз асоси ва энг яхши ибрат мактабидир.

* * *

Шамсуддинхон Бобохонов оталари Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳақида илк бор 1985 йилда араб тилида китоб нашр этган эдилар. Кейин рус ва ўзбек тилида китоблар чоп эттирдилар. Рус тилидаги китоб 1999 йилда нашр этилди. Биз ўзбек тилидаги "Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон" номли ("Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001) китоб ҳақида сўз юритиш билан суҳбатимизни давом эттирамиз.

"Маънавият ва ибрат мактаби" деб ҳам аталган ушбу асарни фақат бир сиймо ҳақидаги китоб деб саналса, масала моҳиятига унчалик тўғри ва чуқур ёндашилмаган бўлур эди. Аслида бу китоб бутун ислом дунёсида маълум ва машҳур рухонийлар сулоласи: бобо — Эшон Бобохон, ота — Зиёуддинхон ва ўғил — Шамсуддинхон ҳақидаги, уларнинг устозлари ва аждодлари, аждодларию ўзларининг сафдошлари, замондошлари, мурид ва мухлислари ва авлодлари тўғрисидаги, бир сўз билан айтганда, маънавият булоқларига бой бўлган ўтмиш ва ҳозирги рухоний ҳаётимиз ҳақидаги асар десак, янглишмасак керак, деб ўйлаймиз. Ҳақиқатан ҳам у қамрови кенг ва мазмуни теран китобдир. Бир китобхон сифатида мамнуният билан яна шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтишни истардикки, асар яхши маънода

содда ва равон, ширали тилда ва қизиқарли услубда ёзилган, у осон ўқилади. Китобнинг тилини бугунги адабий тилимизнинг бир шохобчаси бўлмиш диний адабиёт тилининг ибрат бўларли намунаси десак арзийди. Ортиқча ва ўринсиз ишлатилган диний истилоҳлар, баландпарвоз ва жимжимадор иборалар, серҳашам тавсифу сифатлар учрамайди. Бу эса китобнинг халқчиллигини оширади, албатта.

Китобнинг муқаддимасида қайд этиб ўтилганидек, муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари XX асрнинг машҳур кишиларидан эдилар. Ўзларининг илм-маърифатлари, кўп қиррали фаолиятлари, диний ва дунёвий хизматлари билан мусулмон давлатлари ва ҳатто мусулмон бўлмаган мамлакатларнинг пок ниятли кишилари қалбидан чуқур ўрин олган эдилар. Ул ҳазрат билан шахсан учрашишга муяссар бўлган, илҳомбахш сўзларини эшитган, тинчлик, тотувликка қарата эҳтиросли даъватларини тинглаган кишилар қалбида ўчмас из қолдиргандир. Бу ватандошимизнинг бутун онгли ҳаёти ва фаолиятини икки дунё саодатига эришмоқ учун қилинган саъй-ҳаракат деб тушунсак, арзийди. Бу — етуклик сири бўлса керак.

Шайх Зиёуддинхон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг асосий ташкилотчиларидан бири бўлиб, умрларининг сўнгги чорак асрида ушбу идорага бевосита раҳбарлик қилдилар. Собиқ Совет Иттифоқида ҳамда Ер куррасининг турли мамлакатларида ўтказилган ислом ва динлараро йирик халқаро анжуманларнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларидан эдилар, мусулмонларнинг ҳар қандай ёвуз кучларга қарши курашида, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун бўлган оммавий ҳаракатларида доимо пок ниятли инсонлар билан ҳамкорликда иш тутганлар.

Китобда ана шу нарса анча тўлиқ ифодасини топган. Мазкур асар Зиёуддин қори акани шахсан билган ва овозларини эшитган кишилар учун нуроний ва файзли сиймо ҳақидаги хотираларини янгилаш бўлса, бошқалар учун, янги авлод учун эса, у муҳтарам зот қолдирган сермазмун, руҳий ва ахлоқий мерос билан муайян даражада танишиш имкониятини бериши шубҳасиздир. Китобхон уни ўқиб, ислом динига садоқат, тинчлик, бирдамлик, халқлар ўртасида дўстона ва одилона муносабатларни ривожлантириш йўлида жонфидолик қилган диний ва жамоат арбоби ҳақида анча тўлиқ тушунча ҳосил қилади.

Зиёуддин қори аканинг ахлоқ, одоб ва инсоний фазилатлари тўғрисида мухтасар сўз юритадиган бўлсак, аввало, у кишидаги ақли расолик, бағрикенглик, сўз билан иш бирлиги тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш



керак бўлади. Айнан мана шу сифатлари бу олижаноб инсонга обрў-эътибор бахш этиб, ўз замонасининг буюк алломаси ва йирик жамоат арбоби сифатида танилишига сабаб бўлган, дейиш мумкин. Ул улуғ зот аввало ислом динининг асосий манбаи бўлмиш Қуръон-и каримни тавсиллари билан мукаммал ўзлаштирган, 12 ёшдаёқ қориу-лқурро бўлган. Қуръон-и каримни тўлиқ ёд билган. Ҳадис-и шариф-ларнинг тўпламлари ва машҳур ислом ҳуқуқшуносларининг асарла-рини пухта эгаллаган.

Қуръон-и карим оятлари ва Ҳадис-и шарифлардан ҳар бир мўмин-мусулмон — унинг ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, касбу ҳунари, ёши ва жинсидан қатъи назар — ўзининг ҳаётий муаммо-ларига қониқарли жавоб топиши мумкин, дейилади китобда. Лекин муфтий Зиёуддинхон доимо таъкидлаб ўтганларидек, улар ҳаётга тўғридан-тўғри эмас, балки ўқиб, билиб ўз жойида тадбиқ этиш жоиз, чунки ислом у ёки бу муаммони ҳал этишда худди тиббиётда касал-ликка аниқ ташҳис қўйилгани каби асосли ёндашади. Қуръон ва Сунна, асосан инсоннинг диний ва дунёвий юмушларида унга илоҳий ва ҳикматли кўрсатмаларни тақдим этади. Муфтий ҳазратлари айт-ганларидек, руҳий тарбиячилар саналмиш уламоларнинг вазифалари ҳам ҳақиқат ва маърифатни тўғри ўзлаштиришда мусулмонларга кўмаклашишдан иборатдир. Шунингдек, Қуръон-и карим ва Ҳадис-и шариф аҳкомларини ҳаётга тўғри жорий этилишидан доимо воқиф ва огоҳ бўлиб туриш ҳам уларнинг бурчларидандир.

Умуман, ислом дини аҳкомларини оммалаштиришда фатволар-нинг алоҳида ўрин тутиши маълум. Бу хусусда муфтийнинг шариат бўйича чуқур билимга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Зиёуддин-хон ҳазратлари бу мақомга ўта муносиб олим эдилар. Шунинг учун ҳам у зот бидъат ва хурофотларга ҳамда ўтмиш сарқитларига қарши муваффақият билан қаттиқ кураш олиб бордилар.

Ушбу китобда Зиёвуддинхон ҳазратларининг бир неча фатволари, жумладан, "Шаръий никоҳда маҳрнинг лозимлиги ва қалиннинг жоиз эмаслиги ҳақида", "Хатна тўйининг бидъат экани ҳақида", "Ўзига ўзи қилган суиқасднинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида", "Сохта табиблар, фол-бинлар, дуохон ва азайимхонлар тўғрисида", "Эҳтиёти пешин намозининг бидъат экани ҳақида" деб аталувчи фатволари берилганким, уларда мамла-катимизда узоқ ўтмишдан, жоҳилият давридан то ҳанузгача сақланиб келаё-тган ношаръий ва зарарли урф-одатлар, бидъат ва хурофотлар қаттиқ қораланади ва улардан покланиш йўллари аниқ кўрсатиб берилади. Бу



саркитларнинг баъзилари ўзининг ширк ва куфр каби улкан гуноҳларга тортувчи табиати билан мусулмонларнинг имон-эътиқодига ҳам катта зарар етказиши аниқ эди. Уларни ҳаётдан чиқариб ташлаш учун муттасил илмий ва ижодий иш қилишларига тўғри келади. Зеро, фақат шундай йўл билангина минтақа мусулмонлари онгини руҳий жиҳатдан поклаш мумкин эди. Бу фатволар ҳамон долзарблигини йўқотмаган ва муайян даражада илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги ёши улуғ замондошларимизга маълумки, Зиёуддинхон ҳазратлари ўзларининг алломалик маҳоратларини масжидларда ва турли анжуманларда қилган мавъиза ва маърузаларида намоён қилар эдилар. Муфтий ҳазратлари маҳоратли нотиқ эдилар, халқ оммасини доимо жозибали, сермазмун сўз дурдоналари ва Қуръон-у ҳадис иқтибослари билан ўзларига ром этар эдилар. Яна ҳам эътиборли томони шунда эдики, муфтий ҳазрат Ўрта Осиё, Қозоғистон, Волгабўйи ёки Кавказ мусулмонлари ҳузурида чиқиш қилганларида, асосан маҳаллий халқ тилида сўзлар эдилар, араб ва форс тилларидан ташқари яна кўпгина мусулмон халқлар тилларидан ҳам яхшигина хабардор эдилар. Халқаро анжуманларда эса арабча сўзлардилар.

Муфтий ҳазратларининг тинчликни ҳимоя қилувчилар халқаро ҳаракати ҳамда Ўрта Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти фаолиятига қўшган ҳиссалари ҳам салмоқлидир. Булардан ташқари, у зот кўпгина халқаро жамоатчилик ташкилотларининг ҳайъатларида аъзо сифатида ҳам қизғин фаолият кўрсатганлар. Китобда бу фаолият "Дунё диндорлари билан биродарона алоқаларнинг бошланиши", "Озодлик ва мустақиллик йўлидаги бирдамлик", "Тинчлик учун курашда дунё мусулмонлари билан ҳамкорлик", "Халқаро исломий анжуманлар ва учрашувлар", "Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик анжуманлари" ва "Қутлуғ сана" бобларида батафсил ёритилган.

Муфтий ҳазратлари илму маърифатнинг жуда кўп қирраларини чуқур эгаллаган зиёли уламоларимиздан эдилар ва шу таҳлит замондошлари ёдида қолганлар. Шу жиҳатдан қараганда ҳам китобнинг "Шайх Зиёуддинхон ҳақида замондошлари хотиралари" *боби* ноёб далилларга, қизиқарли тафсилотларга *бойлиги билан ажралиб* туради. Асардан суриялик муфтий шайх Аҳмад Куфтору, *яманлик* шайх Аҳмад ибн Муҳаммад Забара, *суриялик вақф ишлари вазири* доктор Муҳаммад ал-Хатиб, *марокашлик доктор* Абдул Ҳоди ат-Тозий, *бокулик* Аллоҳшукр Пошазода, *москвалик митрополит*

Ювеналий ва бошқаларнинг дил сўзлари битилган хотиралари муносиб ўрин олган.

Зиёуддин қори ака қомусий билим эгаси бўлган эдилар. Улуғбекнинг "Зиж" китобини биринчи ўқиган ва форсчадан ўзбекчага таржима қилган инсон ҳам шу улуғ зот эканлар.

Муфтийнинг ваъзларидан келтирилган намуналар ҳам китобдан каттагина ўрин олган. "Сабр-тоқатнинг фазилатлари ҳақида", "Ҳақиқат ва ноҳақлик тўғрисида", "Рамазон шариф ҳақида", "Ҳаж сафари таассуротлари ҳақида", "Туркиядаги анжуман ва баъзи оятлар тафсири хусусида", "Мавлиди шариф ва Имом ал-Қаффол аш-Шоший ҳақида", "Фил" йили ва унинг пайғамбаримиз таваллудлари билан боғлиқлиги хусусида" деб аталувчи ваъзларининг номларидан ҳам билиниб турибдики, улар мавзу жиҳатидан турли-туман ва мазмун-моҳияти билан ҳамиша долзарб.

Зиёуддинхон қори ака шеъриятга ҳам ихлос қўйган эдилар. Назм бобида баъзан-баъзан қалам тебратиб туришларидан фақат оила аъзолари ва яқин дўстлари воқиф эдилар. Ана ўша шеърлардан намуналарнинг ушбу китобга киритилиши ул зотнинг маънавий қиёфаларини янада ёркинроқ ифодаланишига ижобий ҳисса бўлиб қўшилган.

Ушбу китоб бутун онгли ҳаёти ва серқирра фаолиятини икки дунё саодатига эришмоқ учун бахшида этган улуғ зот хотирасини абадийлаштирувчи ўзига хос маънавий-маърифий бир ёдномадир. Солиҳ фарзанднинг ўз отаси хотирасини абадийлаштириш бобида тиклаган маънавий ҳайкали, қалам аҳли ибрат олса арзигулик ишдир.

Дарҳақиқат, ўткир қалам соҳиблари бўлмиш адиб ва олимларнинг ўз соҳа ва мавзулари қаторида аждодлари ҳақида ҳам эшитганлари, ўқиганлари, кўрган-билганлари ва идрок этганларидан ёзиб қолдиришларини савоб ишлардан санаш мумкин. Чунки авлод сифатида ўша шахс билганларни бошқа кишилар аниқ ва тиниқ, чуқур ва атрофлича билмасликлари ва, ҳатто, била олмасликлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Қолаверса, аждодлар хотирасини қоғоз саҳифаларига муҳрлаб, келгуси наслларга узатиш эзгу инсон учун ихтиёрий, лекин шарафли юмуш ва бурчдир. Бундай иш тутиш дунёдаги барча маданий халқларда бўлганидек, бизким, ўзбеклар учун ҳам қадимий анъаналардандир. Зеро, машҳур шахсларнинг фаолиятларини ибрат қилиб кўрсатиш яхши натижа беради. Аввало, ҳар бир ўғил-қиз ўз ота-онасининг иззатини жойига қўйиб, улар билан фахрланиб, уларнинг касб-корларига ҳурмат билан қарашлари лозим, балоғатга етгач,

ота-она касбини тутадиларми, тутмайдиларми, бу бошқа масала. Лекин ота-она йўлидан борган ўғил-қизлар турмушда кўпроқ муваффақиятга эришган ҳолларга шоҳид бўлиб келаяпмиз. Бунда оиладаги касбий муҳит ва маънавий-маърифий иқлим, масалан, хонадонда бой шахсий кутубхона ёки бўлмаса, ҳунармандчиликка оид турли асбоб-ускуналарнинг бўлиши ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Аждодлари, ота-оналари билан фахрланиш, умуман олганда ҳам, яхши одат — фазилат. Ёшларни шундай руҳда тарбияланда машҳур сиймолар ҳақида уларнинг фарзандлари ёзган асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Шўролар замонида маърифатчиликнинг бу йўналиши анча оқсаб, ҳатто унутилаёзган эди. Таниқли ёзувчи ва шифокор, эндиликда марҳум Ҳабибулла Қодирийнинг Абдулла Қодирий тўғрисидаги "Отам ҳақида" деган мемуар асаридан ўзга китоб ёзилмаган эди. Миллий истиқлол шарофати билан бу борада жонланиш бошланди. Бу ўринда профессор Омонулла Файзуллаев тузган "Шайх Зайниддин бобо Тошкандий шажараси"ни, ёзувчи Олмоснинг Ғафур Ғулом ва Муҳаррам ая ҳақидаги, адабиётшунос олима Ҳулкар Олимжонованинг Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳақидаги хотира мақолалари ва эсселарини мамнуният билан тилга олиб ўтиш мумкин. Бундай асар аждодлар билан авлодлар бирлигини кўрсатувчи маънавий кўприклардир. Бинобарин, авлод униб-ўсган, тўп кўйиб галак ёзган маънавий замин бу аждодларимиздир. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳам таниқли исломшунос олим Шамсуддинхон Бобохоновнинг қаламига мансуб "Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон" (Маънавият ва ибрат мактаби) деб аталувчи йирик китобнинг чоп этилиши маданий ҳаётимизда бир воқеадир. Чунки замондошларимизни, биринчи галда, ёш авлодни маънавий етук қилиб тарбиялашда бундай асарлар ҳам зарурдир. Зотан, руҳият ва руҳоният маънавиятнинг таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Маълумки, киши ўз яқин одами (бу ўринда дўсти) ҳақида ёзганида қандайдир истиҳола ҳиссини туюб туради, қаламга олган кишисининг фазилатларини кўпроқ ва орттириброқ айтиб юбораётгандай туюлади. Лекин марҳум инсон ҳақида бор ҳақиқатни ёзмоқ лозим, токи у ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлсин. Биз Шамсуддин ака ҳақида ёзишда шу йўлни тутдик. Муҳаммад ъалайҳиссалом "Бу дунёдан ўтганларнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини айтишдан сақланинглар", деб марҳамат қилганлар. (*Имом Термизий. "Сунани Термизий"нинг "Жаноза лар китоби" боби, ровий ибн Умар*). Қолаверса, мамлакатимизда ўтганларни хотирлашга, тирик-

ларни қадрлашга давлат сиёсати даражасида қаралади, бир неча йилдан бери 9 Май юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланмоқда.

* * *

Биз Шамсуддинхон ака билан бир мавзеда — кўҳна Ҳастимомда бир ариқдан — Кайқобус ариғидан сув ичиб, бир дарахт-нинг мевасини тановул қилиб, кўланкасида ҳордиқ чиқариб, қўшни маҳаллалар (Парчабоб ва Ҳалимкўп)да ўсиб, ёнма-ён мактаблар (28- ва 24-мактаблар)да таълим олдик. Ҳаётда нимагаки эриш-ган бўлсак, бу, аввало, униб-ўсган муҳитимизга ҳам тегишлидир, албатта. Рост гап шуки, бизлар бир-биримизни танисак-да, кам учра-шар, онда-сонда мулоқотда бўлиб қолардик. 1988 йилнинг декабридан бошлаб бу борада бурилиш бўлди, тез-тез учрашадиган, соат-лаб суҳбатлашадиган бўлиб қолдик, ўша кезлар Шамсуддинхон ака Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий эдилар. Камина эркин ижодкор бўлиб, матбуотда фаол қатнашардим.

Ўшанда диний бошқарма, унинг раиси ҳақида паст-баланд гаплар пайдо бўлди. Шунинг таъсирида бўлса керак, бир куни тунда туш кўрдим. Тушимда бир нуроний киши менга "Шамсуддинхон ҳолидан хабар ол, кўмаклаш", дегандек бўлди. Эртаси куни эрталаб соат тўққизларда "Кимки бир мўминни шу дунёдаги бирор ташвишидан халос этса, Аллоҳ унинг охиратдаги ташвишларидан фориғ этади. Кимки бечорахол кишига ёрдам берса, Аллоҳ унга икки дунёда ёрдам беради. Кимки бир мўминнинг айбини ёпса, Аллоҳ икки дунёда унинг айбларини ёпади", деган ҳадисни дилимдан ўтказиб, диний бошқармага — Бароқхон мадрасасига етиб бордим. Шамсуддинхон ака кабинетларида — стол қошида ёзиб-чизиб, ишлаб ўтирган эканлар. Йўқлаб борганимдан қувондилар. Тушимни баён этдим. "Туш кўришингиз бизларни учраштирди, тез-тез туш кўраверинг", деб ҳазил қилдилар. Мен муддаога ўтдим. Исломий мавзуда матбуот учун бир суҳбат ўтказсак, дедим. Таклифимни маъқул кўрдилар. Мен ўйлаб келган саволларимни қоғозга тушириб, тақдим этдим. Саволларимга жавобларни ёзма тарзда бир ҳафтадан кейин олдим. Биргаликда яна кўриб чиқдик. Суҳбат матнини оққа кўчириб, декабр ойининг ўрталарида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига олиб бориб топширдим. Муҳаррир: "Бундай катта ҳажмдаги, айниқса, исломий мавзудаги материални чоп этишни ёлғиз ўзим ҳал қилолмайман. Таҳрир



ҳайъати аъзоларига ўқитиб кўрамиз, бамаслаҳат иш тутамиз, масала тезроқ ҳал бўлсин, десангиз, материалдан яна бир неча нусха келтириб беринг", деди. Мен яна икки нусха олиб бориб бердим.

Натижани сабрсизлик билан кута бошладик. 1988 йил ҳам тугади, 1989 йил ҳам бошланиб кетди. Бу орада мен бир неча марта таҳририятга бориб, суриштирдим.. Ҳар гал жавоб битта: "Материал билан таҳририят аъзолари танишмоқда. Ҳаммалари кўриб чиққач, бир қарорга келамиз". Бу орада январ ўтди, феврал ойи ҳам кириб келди. 5 феврал куни Шамсуддинхон Бобохонов Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раислиги — муфтийлик лавозимидан ўз аризаларига кўра (аслида тазйиқ остида) истеъфо берганларини эшитиб, 6 феврал куни уйларига кўнгил сўраб бордим. Салом-аликдан сўнг истеъфолари хусусида гап бошламоқчи эдим, буни дарҳол ҳис қилиб, "Одам ўз тақдиридан қочиб қутила олмайди", деган Ҳадис-и шарифни айтдилар.

— Суҳбатимизнинг чоп этилиши ҳам жуда чўзилиб кетди-да, — дедим.

— Атайин шундай қилинган бўлиши ҳам мумкин, — дедилар Шамсуддинхон ака. — Мухолифларимиз кўп жойларда борга ўхшайди. Ҳозир вазият қалтис, сабр қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Вақти соати келиб ҳамма нарса ўз изига тушиб кетади. Суҳбат матнини таҳририятдан қайтариб олинг, шу кеча-кундузда камина билан бундай каттакон суҳбатнинг чоп этилишининг сира иложи йўқ. Лекин вақти соати етгач, у албатта, чоп этилади, ҳали яхши замонлар келади.

...Шамсуддинхон ака ҳузурларидан чиқиб, тўғри таҳририятга бордим. "Материалингиз матнлари таҳрир ҳайъатимиз аъзолари қўлида... Одатда қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди..." Шу тариқа суҳбат матнининг уч нусхаси таҳририятда қолиб кетди. Яхшиямки, қўлимда энг хира нусха — тўртинчи нусха бор эди.

...Шамсуддинхон ака айтган яхши замонлар келди. Республикамизда ҳокимият ўзгарди. Президент бошқаруви жорий қилинди. Матбуотда ҳам ўзгаришлар юз берди. 2 интервалда кўчирилганда 26 бетдан иборат ўша суҳбат орадан бир ярим йилча ўтгач, "Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг 1990 йил 29 июл сонида "Ҳаммамиз бир кемадамиз" сарлавҳаси остида тўлиқ тарзда — бир ярим саҳифани эгаллаган ҳолда дунё юзини кўрди. Энди ўша суҳбатдан бир парчасини айнан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЁЗУВЧИ. Биродар Шамсуддинхон, ўзингиз ҳақингизда икки оғиз сўзлаб берсангиз.



ОЛИМ. Бажонидил. Камина 1937 йили Тошкентнинг Ҳазрати имом мавзеидаги Тиккўча маҳалласида руҳоний оиласида туғилдим. Илк диний таълимни бобом муфтий Эшон Бобохон ибн Абдумажидхондан, отам муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохондан ўргандим, илоҳиёт, фиқҳ, тасаввуф, мантиқ ва шу каби ижтимоий фанлардан сабоқ олдим. Айни пайтда ўрта мактабда ўқиб, уни 1955 йили тугатдим. 1960 йили Тошкент чет тиллар институтининг инглиз тили факультетини битирдим, 1962-1966 йиллар давомида Қоҳирадаги Ал-Азҳар дорилфунунида ўқидим. Кейин СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг аспирантурасида таҳсил олдим, катта илмий ходим бўлиб ишладим. 1970 йили шу институтда араб тилида сонлар силсиласи мавзуида диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлдим.

1966 йилдан 1974 йилгача Москвадаги СССР мусулмонлари ташкилотларининг халқаро алоқалар бўлимида катта референтлик қилдим. 1974 йилдан 1982 йилгача Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида ректор муовини ва ректор бўлиб ишладим. 1982 йилдан 1989 йилнинг бошларига қадар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси эдим. 1989 йилнинг февралидан июнигача СССР мусулмонлари ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимининг раиси вазифасида ишладим. 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг манбашунослик бўлимида катта илмий ходим бўлиб ишлаяпман. Институтда 40 мингдан ортиқ қўлёзма асар сақланади. Араб тилидаги қўлёзмаларни тавсифлаб, фихрист (каталог) тайёрлашда қатнашмоқдаман. Шу билан бирга 1974 йили Имом Бухорийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан бошлаб юборганим — Исломнинг одоб-ахлоқ бобидаги қарашларига доир илмий ишимни қизғин давом эттирмоқдаман. Каминани айниқса сиёсий маданият, аниқроғи, сиёсий арбобнинг маданияти жуда қизиқтиради...

ЁЗУВЧИ. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси раислигидан нима учун истеъфо бердингиз? Ўқувчилар шуни билишни жуда истайдилар.

ОЛИМ. Бу саволга жавоб бериш камина учун айниқса муҳимдир, токи жамоатчилик бу ҳақда билвосита эмас, балки бевосита — ўз оғзимдан эшитгани мақбулдир. Лекин бу масала хусусида бир оғиз сўз билан айтиш мушкул. Шу сабабли бироз батафсилроқ тўхталаман.



Маълумингизким, 1943 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг таъсис топиши диний ақидалари туфайли ўта тазйиқ ва таъқиб этилаётган диёримиз мусулмонлари учун жуда катта, башоратли воқеа бўлган эди. То ўша дамгача бу беш республика мусулмонлари турли мазҳаб ва диний оқимларга мансуб бўлиб, ҳар бир диний уюшма ўз ҳолича иш олиб борар, бинобарин, уларни бирлаштириб турадиган ягона диний марказ ташкил этиш зарур эди. Бу янги диний ташкилот асосчилари (Аллоҳ улардан рози бўлсин!) мана шундай яхши ниятлар билан фаолият бошлаган эдилар. Ўтган 45 йил давомида Диний бошқарма ўз имкониятларига яраша Ислом ва мусулмонларнинг манфаати йўлида хизмат қилиб келади. Бу ўтган давр ичида Диний бошқармамиз ташқи Ислом олами билан алоқа қилиш, ҳаж сафарларини жорий этиш, мадраса ва масжидлар очиш, Қуръону ҳадис таълимотлари асосида масжидлараро ваъзу иршод ишларини тартибга солиш, турли фатволари билан халқ ичида мавжуд бидъат ва хурофотларга қарши курашиш каби қатор-қатор хайрли ишларни амалга ошириб келди.

Олти йил мобайнида камина зиммасига юкланган шундай катта серфаолиятли ташкилотга раҳбарлик қилишдек ўта масъулиятли вазифани мавжуд шароит ва имкониятларимга яраша адо этиш учун кўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Менинг асосий мақсадларимдан бири бу оғир вазифани Диний бошқарманинг барча ходимлари ва имом-хатиблари билан бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳамкорлик руҳида бажариб боришлик эди. Лекин, афсуски, бу мен ўйлаганчалик осон бўлмади. Бунинг сабаблари кўп. Камина шу ўтган муфтийлик даврим асносида жуда кўп умумий ишларимизда ҳамжиҳатлик танқислигини ҳис этдим. Бунинг устига бизнинг давримизга келиб халқаро алоқалар ва Диний бошқарманинг бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолиятидаги иштироки кучайиб кетди. Айниқса, Маккаи мукаррамадаги Масжидлар бўйича Жаҳон Олий кенгаши, Мисрдаги Жаҳон Олий Ислом кенгаши, Покистондаги Ислом Олами конгресси, Иордания қироллик академияси, Хельсинкидаги Жаҳон Тинчлик Кенгаши каби қатор хорижий ташкилотларга аъзолигим ҳамда Иттифоқ ва жумҳуриятимиз миқёсидаги ўндан зиёд жамоат ташкилотларига аъзо сифатида, уларнинг фаолиятидаги мунтазам иштироким мендан жуда катта жуҳд ва вақт талаб қилар эди. Ўрта ҳисобда йилига идорамизга келиб-кетадиган 300 дан зиёд хорижий вакилликлар ва улар билан бўладиган муоммалотлар, қолаверса, чет эл ва Иттифоқимизда ўтадиган турли анжуманларда фаол қатнашиб келишим ҳам мени кўп машғул этди. Натижада бу беш республикада яшовчи мусулмонлар билан бевосита алоқада бўлиш, масжидларни тез-



тез зиёрат қилиб туриш ва турли маросимларда фаол иштирок этиш имкониятига кўнгилдагидек эриша олмадим.

Мамлакатимизда узоқ вақт ҳукм сурган турғунлик даврининг охирига келиб, республикамизда ҳаммамизга маълум бўлган мафкуравий тазйиқлар яна авж ола бошлади. Лекин тез орада янгича тафаккур маҳсули туфайли вазият ҳамма соҳа қатори диний хусусда ҳам яхшиланишга ўтди. Кейинги пайтларда давлат қонунларига ва виждон эркинлиги ҳуқуқларига ижобий янгиликлар киритилиши каби хушхабарларнинг рўёбга чиқиши арафасида турганимиздан ҳаммамиз мамнун эдик. Бир неча масжидлар очила бошлаган ва яқин келажакда кўплаб янги масжидлар очилишикка рухсат тегаётган, диний ўқув юртларимизда, матбуот соҳаларида жуда катта ижобий силжишлар рўй бераётган, Имом Термизийдек улуғ зотнинг 1200 йиллик санаи муборакларини тантанали ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда менинг шахсимга ва идорамиз шаънига айтилган таъналар, туҳмат ва уйдирма гаплар афсусланарли бир ҳол деб биламан. Бундай нохуш ҳаракатларнинг ташаббускорлари ичида Диний бошқармамиз тарбиясини олган баъзи имомлар, бошқа диний ходимларнинг ҳам борлиги ўта ачинарли ва кутилмаган бир тасодифдир.

Шу ўринда мен ғоят жиддийлик билан таъкидлайманки, менга нисбатан қўйилган айбларнинг кўпини рад ва инкор этаман. Тарих бу ҳақиқатни юзага чиқаради, деб Аллоҳдан умид қиламан. Балким, асосий камчилигим — бу менинг ўз атрофимдагиларга нисбатан ўта ишонч ва самимият билан қарашлигимда бўлгандир. Ёки ўз айбу нуқсонларимни ўз вақтида ўзим сеза олмаганлигимдадир.

Табиийки, инсон хатодан холи эмас, беайб — Парвардигор!

Яна шуни ҳам қайд этишим керак: идорамизнинг серқирра фаолияти кун сайин ривож топиб, кучая боргани сари мен ҳам ўзимда жисмоний толиқиш ва барча зарур ишларни баркамол бажариб боришликка улгура олмаслик ҳолатларини ҳис эта бошлаган эдим. Бунинг устига кейинги пайтлардаги вазиятнинг кескинлиги менинг ўйлаб юрган мақсадимни рўёбга чиқаришлик учун қўшимча туртки бўлди.

Бинобарин, вужудга келган вазиятда мен ўз ихтиёрим билан вазифамдан истеъфо беришликни маъқул топдим. Бу қароримни Диний бошқарма ҳайъати тўғри тушунча билан қабул қилди.

Мамнунлик билан қайд этаманки, каминанинг шу ўтган муҳлат асносидаги фаолиятим давлатимиз, халқимиз, бир қатор чет эл ташкилотлари томонидан ижобий баҳоланди ва тақдирланди.



Фурсатдан фойдаланиб, хизматчилик юзасидан бирор кишини ноўрин хафа қилган бўлсам ёки ўртада оғир-енгил сўзлар ўтган бўлса, минг бир маъзур тутишларини сўрайман.

Диний бошқарманинг янги раҳбари учун бу шарафли ва масъулиятли вазифани баркамол ўташликда, барча диний раҳбар ва ходимлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини яратган ҳолда Ислом ва мусулмонлар учун, Ватанимиз ва халқимизнинг бахт-саодати учун холисанлиллоҳ хизмат қилишлигида тилакдош бўлиб қоламан".

* * *

Шамсуддинхон ака "Тарих ҳақиқатни юзага чиқаради" деб башорат қилган эканлар. Истиқлол замонида у киши қайта юзага чиқди. Илмий иш билан шуғулланиш баробарида ташқи сиёсатимизни мустаҳкамлаш, чет мамлакатларда Ўзбекистоннинг нуфузини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилди. 1994-2001 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳамда ўриндошлик асосида Жазоир, Иордания, Қувайт ва Баҳрайн давлатларидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, Республика Ташқи ишлар вазирининг алоҳида элчиси ва маслаҳатчиси лавозимларида ишлаб, чет давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, юртимизда эришилаётган ютуқларни тарғиб этишда катта хизмат қилди.

Шамсуддинхон Бобохонов жамоатчилик ва дипломатлик фаолиятини илмий изланишлар билан бирга олиб борган олим сифатида ҳам катта ҳурмат қозонди. Унинг бир қатор илмий ва илмий-оммабоп китоблари мамлакатимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ҳадис илмини ривожлантириш ва тарғиб-ташвиқ қилишдаги хизматлари каттадир. Дунёвий ва диний илмларни уйғунлаштириш соҳасидаги хизматлари учун Шамсуддинхон Бобохонов бир қанча хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мукофотлари билан тақдирланган эди. Ҳадис-и шарифда "Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар", дейилади. Шамсуддинхон ака ана шундай чеҳраси очиқ, хушрўй инсон эдилар.

Биз охирги марта Шамсуддинхон ака билан 2003 йилнинг 25 март куни пешин пайтида юз ёшларга бориб қолиб, вафот этган Ҳикоят исмли табаррук бир онахоннинг маърака маросимларидан қайтаётиб учрашиб қолдик. Ёнларида инилари Фатхуддинхон бор эди. Бу пайтда у киши Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси лавозимида ишлар эдилар. "Ҳар куни соат 3 дан кейин уйдаман. Шу кунларда уйга



бир ўтинг. Анча-мунча гаплар йиғилиб қолди, суҳбатлашамиз", дедилар хайрлашаётиб. Мен — хом сут эмган банда — ана бораман, мана бораман, деб боришимни орқага сурибман-а. Тўсатдан вафот этишларини ким билибди, дейсиз. 2003 йил 16 апрел куни эрталаб нохуш хабар менга ҳам етиб келди. Шамсуддинхон ака 15 апрел куни кеч оқшомда телевизор кўриб ўтирганида юрак хуружи туфайли тўсатдан вафот этибдилар. Ажал елдек келиб, селдек олиб кетибди, воҳ, дийдор қиёмат кунига қолибди.

Дафн маросимида тумонат одам қатнашди. Давлат ва жамоат арбоблари, руҳонийлар, олимлар, адиблар, санъаткорлар, талабалар, маҳалла-кўй, Тошкентдаги элчихоналарнинг масъул ходимлари ва шу кабилар иштирок этишди. Жаноза намози Бароқхон мадрасасининг ҳовлисида ўқилди. Боболари Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва оталари Зиёвуддинхоннинг жанозалари ҳам шу даргоҳда ўқилган эди. Кейин Ғойиб ота қабристони томон йўл олдик. Йўл бўйи ҳам одамлар оқими тўлиб борди. Ҳаво булутли эди. Қабристонга кириб бордик. Тиловат бошланди. Ҳамма тиз чўкди. Кимдир йўлка ёқаларидаги ўриндиқларга жойлашди. Биз олим Асрор Самад, ношир Эркин Юсупов ва мен ёнма-ён ўтирардик. Шунда Эркин Юсупов Асрор Самадга аста бундай деб қолди: "Ал-адаб ал-муфрад"ни қайта нашр этмаймизми?" "Агар янги нашрга муҳаррирлик қилишни зиммангизга олсангиз, янги сўзбоши ёзсангиз, мен рози", дея Асрор Самад менга қаради. Мен бу таклифни бажонидил қабул қилдим. Зеро, мозорбошида айтилган бу таклифни қабул қилмай бўлмасди ҳам. Арвоҳ хотира деган гап бор мусулмонгарчиликда. Одамгарчилик ҳам шуни тақозо этади. Худди шу пайт маҳалла оқсоқолининг "Биродарлар! Шамсуддинхон қандай одам эдилар?" деган ўктам овози бутун қабристонни тутиб кетди. Бунга жавобан "Яхши одам эдилар! Илоё жонлари жаннатда бўлсин!" деган акс-садо янгради.

* * *

Ҳадис илми Қуръон-и карим нозил этила бошлаган, Муҳаммад ъалайҳиссалом пайғамбарлик фаолиятларига киришган пайтданоқ вужудга келган, десак янглишмаймиз. Ислом динида Қуръон-и карим ва Сунна ҳазрат пайғамбаримизнинг ҳадислари икки буюк манба ҳисобланади. Ҳадис-и шарифларнинг айни негизи ҳам Қуръон-и каримдир. Улар ўртасида мазмунан бирлик бор, зидлик йўқ, зидлик бўлиши ҳам мумкин эмас.



Маълумки, ҳадис илми диёримизга дастлаб милодий VII асрнинг охирлари ва VIII асрнинг бошларида саҳобаи киромлар ва ислом фотиҳлари фаолиятлари орқали кириб келган ва буюк Турон замини олти улуғ муҳаддисдан беш нафарининг таваллуд топган ватани бўлиб қолган. Бу билан биз — миннатдор авлодлар ҳар қанча фахрлансак, юртимиз Аллоҳ таолонинг назари тушган муқаддас маскан, жаннатмонанд ўлка эканлиги билан ғурурлансак арзийди.

Мамлакатимизда ҳадис-и шарифларга эътибор турли даврларда турлича бўлган, гоҳ кучайган, гоҳо сусайган. Бу ҳол етук муҳаддислар фаолиятлари билан белгиланади. Шамсуддинхон Бобохоновнинг юқорида тилга олинган китобларида айтилишича, 1920 йили сурияlик атоқли илоҳиёт олими шайх Муҳаммад ибн Саид ибн Абдулвоҳид ал-Асалий аш-Шомий ат-Тароблусий Тошкентда ҳадис илмидан сабоқ берар эдилар. Юртдошларимиз у кишини ҳурматлаб Шомий домла деб аташар эди.

Шомий домла раҳбарлигида буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг кенг ижодий меросларини чуқур ўрганиш анъанаси қайта тикланди. Асосан ул зотнинг шоҳ асари саналмиш "Ас-Жомеъ ас-Саҳиҳ" китоблари ўрганила бошланди. Шомий домла Бухорийнинг олижаноб шахсияти, унинг ҳиммат ва шижоатига бўлган ўзидаги беҳад меҳр-муҳаббатини тўлалигича бера олди. Ҳадис илмини чуқурроқ ўрганиш учун завқу шавқ билан интилаётган ёш Зиёвуддинхон зўр иштиёқ билан устоз сабоқларини ўзлаштирар эди. Ўз оталари ва биринчи устозлари қўлида илк тайёргарликдан ўтган Зиёвуддинхон буюк аллома Имом Бухорий тўпламидаги ҳадисларнинг теран маъноларини чуқурроқ англаб етишда ҳамдарсларидан яққол ажралиб турар эди.

Шомий домла ўз ўқувчиларини пайғамбаримиз Муҳаммад соллоллоҳу ъалайҳи васаллам ҳақидаги энг ишончли тўпламини яратган Имом Бухорий номини улуғлаш, у қолдирган бебаҳо меросни авайлаб сақлаб, Ислом динига хизмат қилдиришни келажак авлоднинг олий мақсади бўлиши керак, деб билар эди, у издошлари орасидаги ёш Зиёуддинхон қиёфасида ўзи бошлаган хайрли ишнинг умидли давомчисини кўрди ва орадан йиллар ўттач, шундай бўлиб чиқди ҳам.

Зиёуддинхоннинг фикр ва маърифат доираси кенгайиб борган сари, унинг илмий суҳбат ва уламолар даврасига иштиёқи ҳам ортиб борарди. Мазкур давра мажлисларида асосан ҳадислардан баҳс



юритилар, мунозарали диний масалалар ўртага ташланиб, ҳал қилинар эди. Шунинг учун бу мажлис аҳлини жуда ўринли қилиб "Аҳли ҳадис" деб аташган экан. Диёримизда пайғамбаримиз ҳадисларини чуқур тадқиқ ва татбиқ этиш анъанасини қайта тиклашда мазкур "Аҳли ҳадис" мажлисларининг аҳамияти катта бўлди. Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон бу мажлисларнинг моҳир ташкилотчиси эди. Унинг ўсиб бораётган обрўси насл-насабининг улуғлиги билангина эмас, балки буюк мақсадларга қаратилган меҳнати, Ислом таълимотига чин ихлоси, Ҳақ йўлида сабот-матонат билан тинимсиз изланишларининг самараси эди. Бу эса шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохонга шону шуҳрат келтиради.

Улуғларни улуғлаган кишининг ўзи ҳам улуғликка етажак дейдилар. Аллоҳ розилиги учун Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон саксон йилдан ортиқ дин йўлида меҳнат қилдилар. Фарзандлари, шогирдлари ва кейинчалик сафдошлари бўлмиш Зиёуддинхон қори ул ҳазратнинг ишларини давом эттирдилар. Ҳам бобосидан, ҳам отасидан таълим-тарбия кўрган Шамсуддинхон уларнинг кўп сонли издошлари ва давомчиларидан бири сифатида садоқатли невара, муносиб ўғил бўлдилар.

Ҳадисшунослик илми истиқлол йилларида Миллий Уйғониш, Миллий Тикланиш ва Миллий Юксалишнинг таркибий қисми сифатида қайта тикланди, бизким, ўзбеклар Исломга кирганимиздан буён ҳеч бир даврда ҳадисларни таржима қилиш ва тарғиб этиш, кенг ёйиш борасида амалга оширилмаган ишлар адо этилди, ҳадис тўпламлари, минглаб, юз минглаб нусхада нашр этилмоқда, Имом Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад" тўпламининг бир йўла 200 минг нусхада чоп этилганлигининг ўзиёқ бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ҳадисларни ўзбек тилига маҳорат билан пухта таржима қилувчи моҳир ва билимдон мутаржимларимиз билан фахрлансак арзийди. Шулардан бири Шамсуддинхон Бобохонов эдилар. У киши ҳадис бобидаги фаолиятларини тадқиқотчи сифатида бошлаб, кўпгина муҳаддисларнинг илмий меросини диққат билан ўрганадилар. Олти буюк муҳаддис фаолияти ҳақидаги тадқиқотлари бу фикрга ёркин далилдир. Мазкур тадқиқот алоҳида китоб ҳолида кўп минг нусхада нашр қилинган. Лекин "Ал-адаб ал-муфтад" тўпламини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттиришлари Шамсуддинхон Бобохоновнинг йирик исломшунос олим ва таржимон эканликларини кўрсатди.



Муфтийлар сулоласи — Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсуддинхон Бобохонов XX асрнинг машҳур кишиларидан бўлиб, ўзларининг илм-маърифатлари, кўп қиррали фаолиятлари, диний ва дунёвий хизматлари билан барча мусулмон давлатлари ва ҳаттоки, мусулмон бўлмаган давлатларнинг пок ниятли кишилари қалбидан чуқур ўрин олишлари баробарида ҳозирги замон ўзбек адабий тили исломий йўналишининг асосчиларидан ҳисобланадилар, десак адашмаймиз. Бунга Зиёвуддинхон аканинг нашр қилинган фатволари, Шамсуддинхон аканинг таржимасида чоп этилган "Ал-адаб ал-муфрад" тўпламлари ёрқин мисолдир. Мазкур асарларда диний арабча ва форсча атамалар ўз ўрнида ва меъёрида ишлатилган, бироқ исломий руҳ, шукуҳ ва салобат уфуриб туради, равон ўқилади ва осон тушунилади. Бу борада улардан бугунги кунда фаолият кўрсатаётган уламоларимиз, имом хатибларимиз, диний ходимларимиз, олиму таржимонларимиз ва, албатта, бўйсира бўлиб келаётган толиби илмларимиз ибрат олсалар арзийди.

* * *

1997 йилдан бошлаб ҳар йилимиз бир ном билан аталмоқда. Орада ўтган йилларимиз "Инсон манфаатлари йили", "Соғлом авлод йили", "Аёллар йили", "Оила йили", "Она ва бола йили", "Обод маҳалла йили", "Кариялярни қадрлаш йили" деб аталди. Жорий йилимиз "Меҳр ва мурувват йили", "Сиҳҳат-саломатлик йили" бўлмоқда. Бу саноқни келтиришдан муродимиз шуки, Имом Бухорий ҳазратлари гўё биз, миннатдор авлодларининг бугунги ниятларини билгандек, бундан 12 асрча аввал тузган ҳадис тўпламлари "Ал-адаб ал-муфрад"да ана шу масалаларга махсус боблар ажратганларини таъкидлаб кўрсатишдир, мазкур тўплам билан бизнинг бугунги ҳаётимиз ўртасида боғланиш бор. Во ажаб, буюк муҳаддис 12 аср аввал бугунги авлодларига ҳам аскотадиган тўплам тузибдилар. Қойил қолмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Фикримизнинг исботи учун тўплам бобларидан айримларини келтирамиз: "Отани рози қилиш ҳақида", "Она меҳр-шафқатли ва раҳмдил бўлади", "Ота ўз фарзандларига одоб ўргатиши ва яхшилик қилиши ҳақида", "Дунёда кишиларга яхшилик қилганлар охиратда унинг мукофотига эга бўлади", "Кишилар бир-бирларига муҳаббат қилишлари ҳақида", "Зиёрат қилишнинг фазилати ҳақида" ва шу кабилар. Эътироф этиш керакки, "Ал-адаб ал-муфрад" тўпламига жамланган ҳадиси шарифлар пок ниятли кишиларимизнинг эзгу ниятлари билан тўла ҳамоҳангдир. Муҳаммад ъалайҳиссалом марҳамат қилганларки, юз ракъат



нафл намозини адо этгандан кўра, бир соат тафаккур қилмоқ афзалдир. "Ал-адаб ал-муфрад" асари ана шундай ўқиб, тафаккур қиладиган ва ибрат олинадиган китоблардандир.

Алқисса, биз ушбу бадиамизда муфтийлар сулоласи бўлмиш Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсуддинхон Бобохонов ҳақларида билганларимиз, ўқиганларимиз, эшитганларимиз ва идрок этганларимиздан бир шингил ҳикоя қилиб ўтдик. Токи бу саъй-ҳаракатимиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин, бадиамизда номлари тилга олинган аждодларимизнинг руҳлари шод бўлсин, уни чоп этган, ўқиган ва эшитган юртдошларимиз қаторида бизлар ҳам рўзи машҳарда Тангри таолонинг жамолига, пайғамбаримиз Муҳаммад ъалайҳиссаломнинг шафоатларига мушарраф бўлайлик. Омин!

Абдуқаххор ИБРОҲИМОВ

Муҳаррир иловаси: «ал-Адабу ал-муфрад» китоби нашр этилиши арафасида шайх Абдулазиз Мансур Шамсуддинхон Бобохонов билан ҳамкорликда бошланган ишини сўнггига етказди: «Минг бир фатво» китоби (икки қисмдан иборат) «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан 2005 йилда нашр этилди.

ИМОМ БУХОРИЙ ВА УНИНГ «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» АСАРИ ҲАҚИДА

Одатда қайси бир асар ҳақида мулоҳаза юритилмоқчи бўлса, аввало шу асар муаллифи хусусида озми-кўпми маълумот бериб ўтилади-да, кейин асарнинг ёзилиш тарихи, унинг мазмуни, фазилатлари, ўз даврида ва ҳатто ҳозирги кунда тутган ўрни, аҳамияти каби масалалар устида сўз юритилади. Шу хайрли одатга биноан биз ҳам ҳадис илмининг пешвоси, юртдошимиз имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ахлоқ ва одоб масалаларига доир ҳадислар тўплами устида сўз юритишдан олдин у кишининг таржимаи ҳоли, устозу шогирдлари, ёзиб қолдирган адабий ва илмий мероси, хусусан, халқ ўртасида "Саҳиҳ Бухорий" номи ила машҳур бўлган "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам") номли шоҳ китоби, умуман, ҳадис илми ва уламоларининг фазилатлари ҳақида китобхонларга қисқача тушунча бериб ўтмоқчимиз.

Муҳаммад ъалайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида: "*Эй, умматларим! Мен сизлар учун Қуръон-и карим билан ўзимнинг суннатим — йўл-йўриқларимни қолдирдим. Сизлар шу иккаласини қаттиқ тутиб, (уларга) амал қилсаларингиз, тўғри йўлдан асло адашмайсизлар*", дейилади. Яна бошқа ўринда кейинги келадиган муҳаддислар ҳақида яхши башорат берилган:

"*Мендан бирор ҳадис эшитиб, уни кейин айнан эшитганини бошқа кишиларга етказган одамнинг юзини Аллоҳ таоло мунаввар қилсин. Баъзан шахсан эшитган кишиларга нисбатан етказилганлар онглироқ ва уни хотирида яхши сақловчироқ бўладилар*". Ислом оламида ҳадис илмининг нақадар улуғ ва муътабар эканлигига пайғамбарнинг юқорида келтирилган шу икки ҳадисининг ўзи ҳам етарли далил бўла олади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, саҳобий (пай-ғамбар билан суҳбатдош бўлган зот)лар ва тобеин (саҳобийлардан кейинги Ислом йўлини тутган зот)лар даврида инсоннинг ҳурмати ва даражасининг юқори бўлишлиги унинг ёдлаган ва маъносини ўзлаштирган Қуръон-и карим суралари ва ўрганган ҳадисларининг сони билан ўлчанарди. Шунинг учун ҳам аксар



муҳаддислар кимда ва қаерда ўзларига номаълум ёки ноаниқ бўлган бирор ҳадис борлигини эшитиб қолсалар, ҳар қанча машаққатли бўлса ҳамки, ўша ҳадисни биладиган киши ҳузурига бориб, уни билиб олишга ҳаракат қилар эдилар.

Ислом динининг асосий қонуни (дастуру-л-амали) бўлган Қуръон-и каримдан кейин уни изоҳловчиси ва баён этувчиси бўлмиш Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзлаган ҳикматли гаплари ва қилган ишлари, яъни қавллари, феъллари ва тақрирлари — ул зотнинг ҳадислари ҳисобланади. Уларни сақлаш аввалда оғиздан ёдлаш билан бўлади. Чунки Қуръон-и карим нозил бўлиб турган даврда унинг ўта балоғатли услубидан бехабар баъзи кишилар ва араб бўлмаган халқлар ҳадисларни Қуръон оятларидан, деб шубҳа қилишларидан қўрқиб, Расулуллоҳ ҳадисларни ёздирмай, фақат Қуръон-и каримнинг ўзини ёзиб боришга буюрган эдилар. Шу фармонга мувофиқ, ўша вақтдаги маълумотли, хат-саводли бўлган саҳобийларнинг кўпчилиги ҳадисларни ёзиб бормай, ўзларининг қувваи ҳофизаларига суяниб, уларни муттасил ёдлаб бориш билан кифояланардилар.

Қуръон ва ҳадисларни ёд олган ўткир муҳофазалик кишилар сони тобора камайиб бораётганини кўрган олим ва баъзи давлат арбоблари кўп ҳадислар унутилиб кетишидан қўрқиб, уларни келгуси авлодлар учун ёзиб қолдириш зарур эканлигини тушундилар. Умавия халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (99/717-101/720) фармонига биноан Абдулмалик ибн Абдулазиз Журайх (вафоти 149/766), имом Анас ибн Молик (93/711-179/795), Рабиъ ибн Субайх каби бир қанча алломалар ҳадисларни жамлаб, ёзишга урина бошладилар. Шу пайтдан бошлаб кўплаб уламолар ҳадисларни жамлаш, уларни боб ва жузъларга ажратмасдан ёзаверишга астойдил киришиб кетдилар.

Ҳижрий саналнинг III асри бошларида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайри ан-Найсабурий (Нишопурий) (вафоти 261/874)лар ўзларининг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" китобларини ёздилар ва ҳадисларни биринчи марта боб ва жузъларга ажратдилар. Кейин бу икки олимга эргашиб, шогирдлари Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (209/824-279/892), имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний (вафоти 275/888), имом Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий (вафоти 303/910) каби зотлар "Ас-Саҳиҳ" ёки "Ас-Сунан" номи билан ўз асарларини ёздилар. Мазкур олимлар ўзларининг мана шундай баракали хизматлари билан пайғамбар



ва саҳобийлар номидан турли мақсадларни кўзлаган ҳолда сохта ҳадислар тўқишга уринган ва уринмоқчи бўлган шахслар йўлини тўсган ва унга ғов солган бўлдилар. Шу боисдан бўлса керакки, кейинги давр уламолари мазкур устозлар ва шогирдлар асрини ҳадис илмини таҳқиқлаш ва тадқиқ этиш борасида "олтин аср" деб ҳисоблайдилар. Булардан кейин ҳадис китоблари ёзган, уларга шарҳ ва ҳошиялар битган, ҳадис илмига тегишли турли йўналишлар ихтиро қилган кишиларнинг ҳаммаси булар қазиган ариқдан сув ичган ва қозонидан таом еган бўлдилар.

Имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳижратнинг 194 йили Шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жумъа намозидан кейин (мелодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топдилар. Оталари шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, озгина тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Катта бобоси ал-Муғира яманлик Жуъфий ибн Саъд қабиласидан бўлмиш Бухорода истиқомат қилувчи Ямин ал-Жуъфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлгани учун набираси имом Бухорийга ҳам ал-Жуъфий деб нисбат берилган.

Имом Бухорий гўдаклигиданоқ отадан етим қолиб она қўлида катта бўлдилар. Мактабда ўқиб, саводли бўлгач, имом Бухорий 10 ёшларданоқ араб тилини ўрганиш ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришдилар. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандий (161/777-225/839), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфий (вафоти 239/843)лардан ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олдилар. 16 ёшлари (210/825-826)да имом Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отландилар. Сафар асносида қайси шаҳардан ўтсалар, ўша ердаги муҳаддислардан озми-кўпми ҳадис ўқимай ўтмасдилар. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм асрорларини ўргандилар.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир марта мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. Имом Бухорийнинг ўзлари айтишларича, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар эканлар. Ўз шогирдларидан Амр ибн Фаллос: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга



маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур", — дейди. Устозларидан имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазий (164/780-241/855)нинг айтишича: "Бутун Хуросондан Муҳаммад Ибн Исмоил каби олим чиққан эмас". Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шериклaридан бири Хошид ибн Исмоил айтади: "Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтираради. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: "Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?" — деб таъна қилган вақтимизда: "Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман", деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик".

Баъзи ривоятларга кўра, имом Бухорий 16 ёшга қадам қўйганларида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (118/736-182/798) ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳ (130/747-195/812)ларнинг китобларини батамом ёдлаб олган эканлар. Имом Бухорий ёд олган ҳадисларнинг матнини барча иснод (ровий)лари ва уларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга қўшиб хотирада сақлар эдилар.

Имом Бухорийнинг ҳадис эшитган шайхлари, устозлари, шогирдлари ҳамда ёзиб қолдирган адабий ва илмий мерослари ҳақида сўз юритишдан олдин имомнинг қимматли бир насиҳатларини зикр қилиш жоиз: "Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳам ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди". ("Иршод ас-Сори", 1-жилд, 132-саҳифа). Мана шу сўзларга амал қилган ҳолда Имом Бухорийнинг ўзлари ҳадис илмининг пешвоси бўла туриб, асрдошлари, шериклари, вақти келганда ҳатто шогирдларидан ҳам тортинмай ҳадис олганликлари тарихий манбалардан маълумдир.

Имом Бухорий: "Мен бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари "Имон — сўз ва амалдан иборатдир", деган эътиқоддаги кишилар эдилар", — деб ёзадилар. Шогирдларидан шайх Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирабрий (231/845-320/932): "Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"ларини ўзларидан тўқсон минг киши эшитган", — дейди ("Кашфу-з-зунун", 1-жилд. 365-бет). Яна бир шогирди Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий (205/820-293/905) айтади: "Имом Бухорийнинг Баг-



доддалик вақтларидаги тадрис ҳалқалари (дарс тўгараклари)га мен ҳам қатнашардим. Шунда ҳалқада йигирма мингдан ортиқроқ талаба ҳозир бўлар эди". Бунга қўшимча қилиб яна бир воқеани зикр қилиш ўринлидир. У ҳам бўлса Абу Ҳомид ал-Аъмаш ал-Ҳофизнинг қуйидаги ҳикояси: "Бир куни Нишопурда имом Бухорий ҳузурларида ўтирган вақтимизда Мағриб муҳаддисларидан баъзиларининг фикрича, "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"лари имом Бухорийнинг шу номли китобларидан эътимодлироқ ҳисобланган машҳур муҳаддис имом Муслим ибн ал-Хажжож ан-Найсабурий (биз ўтирган хонага) кириб келдилар-да, имом Бухорийдан бир ҳадисни сўрадилар. Имом Бухорий ўша ҳадисни барча исноднлари билан мукаммал айтиб бердилар. Кейин яна бир мажлис охирида ўқиладиган "Эй, Аллоҳ! Сен ҳамма камчиликлардан поксан. Мен Сенинг ўзингга ҳамд айтаман. Сендан бўлак ҳеч бир худо йўқдур. Гуноҳ ва хатоларимни кечирмоғингни сўраб фақат ўзингга мурожаат қиламан", деган ҳадис иборасини бир неча ровийлар бир-бирларидан қилган ривоятлари билан ўқиб бердилар. Шунда имом Муслим имом Бухорийга қараб: "Мана шу ҳадисдан кўра яхшироқ ҳадис дунёда борми? Дунёда шу ровийлардан ҳам яхшироқ ровийлар ҳам борлигини биласизми?" — деб сўрадилар. Имом Бухорий: "Бу ҳадис ўзи саҳиҳ. Лекин бу кишининг келтирган ровийлари орқали ривоят қилинадиган бўлса, иллатлик, заиф бўлиб қолади. Аммо уни ҳозир мен келтирадиган исноднлар билан ривоят қилинса, унинг саҳиҳ ҳадис эканлиги муқаррар бўлади", деганларида имом Муслимда бир титраш ва ҳаяжон содир бўлдида, "Ло илоҳа иллаллоҳ (иккинчи ривоятда "субҳоналлоҳ")", деб имом Бухорийнинг бошларини ўпдилар ва йиғлаб туриб: "Қани ўша исноднларингизни айтиб беринг", деб қаттиқ илтимос қилдилар. Имом Бухорий мазкур ҳадисни имом Муслимнинг исноднларидан ҳам ўткирроқ исноднлар билан ривоят қилиб берганларидан кейин имом Муслим таслим бўлдилар ва: "Ҳасад қилувчилардан бўлак ҳеч ким сизни таъна қила олмайди. Дунёда сизга етадиган муҳаддис йўқлигига мен гувоҳлик бераман (иккинчи ривоятда: сиз ҳамма муҳаддислар имоми ва ҳадисларнинг иллати, заифлигини яхши биладиган моҳир табиби экансиз. Муборак оёғингизни берсангиз, мен бир бўса олай), дейдилар". Шунга кўра ҳадисларнинг исноднларини билишликда имом Бухорийнинг Муслимдан юксак эканликлари очиқ маълум бўлади.

Имом Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаганлар. У зотнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ва "Ал-Адаб ул-муфрад"дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Ўзбекистон мусулмонлар идораси қарамоғидаги кутубхонада "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам"), "Ат-Тарих ал-кабир" ("Катта тарих") "Ат-Тарих ас-сағир" ("Кичик тарих"), "Ал-Кироату халфа-л-Имом" ("Имом ортида туриб ўқиш"), "Рафъу-л-йадани фи-с-салоти" ("Намозда икки қўлни кўтариш") каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуддир. Имом Бухорийнинг "Ат-Тарих ал-авсат" (Ўрта тарих), "Ат-Тафсир ал-кабир" ("Катта тафсир"), "Ал-Жомеъ ал-кабир" ("Катта тўплам"), "Китобу-л-хиба" ("Ҳадя китоби") каби катта ва кичик ҳажмлардаги бир қатор китоблар ёзганликлари тарих китобларимиздан маълумдир.

Имом Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач, бирмунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берадилар. Шу аснода Аббосия халифалигининг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зуҳалий: "Бундан буён амирлик саройига келиб туринг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"дан дарс беринг", деб мактуб юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайдилар ва: "Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки масжидга юборсин!" — деб жавоб қайтарадилар.

Шунинг натижасида ва ул зотнинг фазлини кўролмаган баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зуҳалий имом Бухорийнинг Бухорони тарк этиши ҳақида фармон берди. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қилишди. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқдилар. Лекин Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил деган кишининг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Имом Бухорий самарқандликларнинг иккинчи илтимосларига биноан бетобликларига қарамай йўлга чиқдилар. Аммо бироз йўл босиш билан дард оғирлашгач, "Мени отдан туширинглар!" — деб, отдан тушдилар-да, шу ерда ёнбошлаб жон таслим қилдилар (иккинчи ривоятда: қўшхоналарига бориб, кечаси, яъни ҳижратнинг 256 йили рама-



зоп ойининг охирги куни, шанба кечаси вафот этдилар). Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилиндилар. Шунда имомнинг ёшлари ўн уч куп кам олтмиш иккида эди ("Иршод ас-Сори" 1-жилд, 139-бет).

Жаноби Пайғамбар ъалайҳиссаломнинг: "Мен яхши ва олий одоб ва ахлоқларни камолотга етказиш учун пайғамбар қилиб юборилдим", деган муборак сўзларига қараганда ва динлар тарихини варақлаганда шу нарса аён бўладики, ўтмишдаги ҳамма пайғамбарлар ҳам ўз умматларига яхши хулққа эга бўлишларини тарғиб қилганлар. Шунинг учун саҳобий ва тобеинлардан ривоят қилинган ҳадис ва хабарлар орасида ахлоққа доирлари алоҳида ўрин тутади. Китоб тасниф қилган кўп муаллифларнинг асарлари асосан бошқа мавзуларда бўлса ҳамки, ахлоқ ва одоб ҳақида озми-кўпми сўз юритмай ўтмаганлар. Жумладан, Расулуллоҳ ва саҳобийлар ҳадисларини жамлаган машҳур "Кутуб ситта" ("Олти китоб") муаллифлари ҳам ўз китобларида одоб ҳақидаги ҳадисларга катта ўрин берганлар. Хусусан имом Бухорий Қуръон-и каримдан кейин энг саҳиҳ ва эътимодли ҳисобланадиган шоҳ асарлари тўрт жилдлик "Ас-Жомеъ ас-саҳиҳ"да одоб ҳақидаги ҳадисларни бир китобда жамланган эса-да, аммо бундаги ҳадислар сони бутун Ислом оламини яхши одоб ва ахлоқда тарбиялаш учун ул жанобга кифоя қилмайдигандек сезилганлигидан каттароқ ҳажмдаги мазкур "Ал-Адаб ул-муфрад" ҳадислар тўпламини яратдилар. Бу асарда 1359 та ҳадис ва хабарлар 645 бобда жам қилинган.

"Ал-Адаб ул-муфрад"да бошқа муаллифларнинг асарларида учрамайдиган бир қанча ҳадис ва хабарлар бор. Танқидчи муҳаддислардан баъзиларининг сўзига қараганда "Ал-Адаб ал-муфрад"даги ҳадисларнинг исноднари эътимод жиҳатидан муаллифнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"ларидаги ҳадисларнинг исноднга яқинроқ бўлиб, "Олти китоб"даги ҳадислар исноднидан юқори ҳисобланади.

"Ал-Адаб ал-муфрад" китоби 1306/1889 йили Ҳиндистоннинг Бихар вилоятидаги "Ал-Халилий" матбаасида, икки мартаба Константинада ва 1349/1930 йили Қоҳирадаги "Ал-Фозийя" матбаасида чоп этилган. Бундан ташқари кўп мамлакатларда унинг қўлёзма нусхалари ҳам сақланган, лекин, афсуски, бу қимматли асарга шарҳ, ҳошия ёки таълиқалар ёзишга деярли эътибор берилмаган.



Сайид Сиддиқ Ҳасанхон 1306/1889 йили асарни урду тилига таржима қилиб, шу йилнинг ўзида нашр қилдирган ва унга "Тавфиқул Борий" ("Холиқнинг ёрдами") деб ном қўйган. Шундан кейин уни мавлоно Абдулғаффор деган киши ҳам таржима қилган ва 1309/1891 йили "Ал-Халилий" матбаасида чоп эттирган. Бу иккала таржимада ҳам асарнинг барча исноднлари тушириб қолдирилган ва фойдаланган манбааларида баъзи хато ва ғалатлар бўлишига қарамай, уларни тузатмасдан таржима қилаверганларини мутаржимларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлар.

Кейинчалик Ҳайдароободдаги "Усмония" дорулфунунининг профессори Саййид Фазлуллоҳ Жилоний "Ал-Адаб ал-муфрад"нинг бир қанча қўлёзмаларини топиб, бир-бирига таққослагандан кейин тўғри бир нусхасини аниқлаб, уни тартибга солишга муваффақ бўлди ва бу қимматли асарга ўзи шарҳ ёзиб, "Фазлуллоҳи-с-самад фи тавзихи-л-Адаби-л-муфрад" ("Ал-Адабу-л-муфрадни тушунтиришда Аллоҳнинг фазли") деб қўйди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташаббуси билан бу асарнинг матни 1390/1970 ва 1400/1980 йиллари икки маротаба араб тилида чоп этилди. Бизнинг ушбу изоҳли таржимамизда ҳам мана шу иккинчи нашрдан фойдаланилди.

Эндиликда араб тилидан бехабар китобхонларимиз ҳам бу муборак асар мазмунидан хабардор бўлиб, келгуси авлодларни ҳусни одоб ва макориму-л-ахлоқ қоидалари асосида тарбиялаб боришлари учун ёрдам сифатида уни ўзбек тилига биринчи марта қилинган таржимасини қимматли китобхонларимизнинг эътиборларига ҳавола этамиз.

Шамсуддинхоп БОБОХОНОВ
1990



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Би-сми-ллоҳи-р-раҳмони-р-раҳийм

1-боб. Ота-онага эътибор ҳақида

Жаноби раббил оламиннинг: *"Биз ҳамма инсонни ота-онасига яхшилик қилишни буюрдик" (29:8)*[1] деган ояти каримаси ҳақида

1. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қиладиган амалларимиздан Аллоҳ таолога энг севимлиси қайси, деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Фарз намозларни ўз вақтида ўқиш", — дедилар. Мен: "Ундан кейин қайси?" — десам, Расулуллоҳ: "Ундан кейин Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилиш", дедилар. Абдуллоҳ

[1] «ал-Адаб ал-муфрад» китоби нашр қилинган 1990 йилда Қуръон-и каримнинг таржималари энди юзага келаётган ва бу таржималар ҳам баҳсли пайтлар бўлганлигидан ойатлар таржимаси Шамсуддинхон Бобохоновнинг ўз талқинида берилган эди. Бугунги кунга келиб Муқаддас Китобнинг таржималари ўзбек тилида бир нечта бўлди. Шамсуддинхон Бобохоновнинг ўзи Китобнинг 30-порасини таржима қилиб 1991-1992 йилларда араб, ўзбек ва рус тилларидада нашр эттирди. Олтинхон тўра Китобнинг таржимасини 1956 йилда хорижда туриб ўзбекчага ўтирган ва 1975 йилда Карачида нашр эттирган экан, биз ўша таржимани 1994 йилда Тошкентда нашр этдик ва тўлдирилган иккинчи нашри 2002 йилда «Фан» нашриёти орқали нашр этилди. 1990 йилда Алоуддин Мансурнинг таржимаси юзага келди, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Тафсири Ҳилол»да тафсир билан таржима қилди ва уни 1991-1998 йиллар мобайнида турли жойларда нашр эттирди, Мутталлиб Усмонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳнинг ҳам таржима ва тафсири вужудга келди ва 2004 йилда нашр этилди. Лекин булар орасида шайх Абдулазиз Мансур таржимаси уламолар иттифоқи билан тасдиқ этилган ва оммага яхши танилган. Шунинг учун бу ўринда шу таржимадан иқтибос қилинди.

ибн Масъуд: "Расулуллоҳдан мен шуларнигина сўрадим. Агар саволимни давом эттираверсам, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаммасига жавоб бераверардилар".

2. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир", дедилар[1].

2-боб. Онани рози қилиш ҳақида

3. Баҳз ибн Ҳаким (р.а.) отаси ва бобосидан ривоят қилди, бобоси айтди: «Расулуллоҳдан: "Эй, Расулаллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?" — деб сўрадим. "Онангга", дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: "Онангга", деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: "Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга", дедилар.

4. Ато ибн Ясор (р.а) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) олдиларига бир киши келиб: "Мен бир хотинга совчи юбордим. У мени қабул қилмай, бошқа бир кишига тегиб кетди. Жаҳлим чиқиб, у хотинни ўлдирган эдим. Энди нима қилсам Аллоҳ таоло тавбамни қабул қилади?" – деб сўради. Шунда Абдуллоҳ: "Онанг барҳаётми?" — деб сўрадилар. У: "Йўқ, вафот этганлар", деган эди, Абдуллоҳ: "Ундай бўлса Аллоҳ таолога тавба қил ва тоқатинг борича тоат-ибодат қилиб, унга яқин бўлишга ҳаракат қил", дедилар». Ато ибн Ясор айтдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Аббосга бориб, сиз нима учун

[1] Имом Термизий бу ҳадисни Расулуллоҳ сўзлари деб марфу. ҳам Ибн Умарнинг сўзлари деб мавқуф деганлар. Агар бирон ҳадис марфуми, мавқуфми, деб ихтилоф қилинганда, марфу асос қилиб олинади (Ф.с.).



у кишидан онанг тирикми, деб сўрадингиз», деганимда, у киши Аллоҳ таолога онани рози қилишдек мақбулроқ ҳеч бир амал борлигини билмайман. Шунинг учун онанг тирикми, деб сўраган эдим", дедилар".

Яъни онаси тирик бўлиб, бола ҳақида дуо қилган бўлса, одам ўлдиришдек катта гуноҳ бўлса ҳам, ўз фазлу карами билан авф қилишидан умид қилардим, демоқчи бўлса керак (т.).

3-боб ҳам «Ота-онага яхшилик ва эътибор», деб аталиб, ундаги 5-6-ҳадисларда айнан 1-2-ҳадислардаги мазмун такрорланган.

4-боб. Ота-она зулм қилса ҳам, уларга яхшилик қилавериш ҳақида

7. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди. "Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди", дедилар. Шунда бир киши: "Агарда ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак?" – деб сўради. Абдуллоҳ: "Агар улар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак", дедилар.

5-боб. Ота-онага мулойим гапириш ҳақида

8. Тайсала ибн Майёс (р.а.) айтдилар: «Мен Нажда ибн Омир Хорижийнинг асҳоблари билан бўлиб гуноҳлар қилдим. Шуларни ўзимча катта гуноҳ деб ҳисоблаб, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)га бориб айтдим. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): "Булар катта гуноҳ эмас, катта гуноҳлар тўққизтадир, улар: Аллоҳ таолога ширк келтириш, одамни ўлдириш, уруш майдонидан қочиш, афифа хотинни фоҳиша

деб туҳмат қилиш, рибо, етимлар молини емоқ, Аллоҳ таолонинг борлигини инкор қилиш, одамларни масхара қилиш, камситиш, ота-онани хафа қилиб йиғлатиш — мана шулар катта гуноҳдир", дедилар. Кейин Абдуллоҳ ибн Умар менга қараб: "Эй, Тайсала! Сен дўзахдан қўрқиб жаннатга киришни хоҳлайсанми?" — дедилар. Мен: "Жаннатга киришни албатта хоҳлайман", деганимда, у киши: "Ота-онанг тирикми?" — деб сўрадилар. Мен: "Отам вафот этган, аммо онам борлар", дедим. Абдуллоҳ (р.а.): "Катта гуноҳлардан ўзингни сақлаганингдан кейин онангга қаттиқ гапирмасанг, унинг об-овқатини бериб турсанг, албатта жаннатга кирасан", дедилар».

Ямомалик Нажда ибн Омир (ёки Уваймир) Абу Ҳанифа мазҳабига эътиқод қўйган киши эди. У хаворижлар яъни адашган оқим) бошлиғи бўлиб, уларнинг эътиқодича, кишилар учун имом (халифа ёки амир) бўлиши шарт эмас. Одамларнинг ўзлари ҳақни ноҳақдан ажрата билишлари ва ўз-ўзларини, жамият йўналишини бошқара билишлари керак (Муҳаммад Абу Зуҳра, "Ал-Мазоҳиб ал-Исломия", 33-бет) (т.).

9-ҳадис. Қуръон-и каримдаги Аллоҳ таолонинг раҳимлилик юзасидан ота-онангга камтарлик қанотингни қоқиб тур (17:24), мазмунидаги сўзига Ҳишомнинг отаси Арат ибн Зубайр (р.а.): "Ота-онанг нимани истаса, ўшани ижро қилишдан чекиниш қилма", деб тафсир қилган эдилар.

6-боб. Ота-она ҳақини адо қилиш ҳақида

10. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Боланинг отаси бировнинг қули бўлган бўлса, уни хўжасидан сотиб олиб озод қилмагунча, унинг ҳақини адо қилган бўлмайди", дедилар».

11. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)нинг ўғли Абу Бурда (р.а.)нинг айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) бир яманлик одам ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани



тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам қуйидаги байтни оҳанг билан ўқирди:

Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман.
Тевага минган онам ҳорсалар ҳам мен чарчамам.

У шуни ўқиб туриб Абдуллоҳга қаради-да, эй, Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳақини адо қила олмадимми, деб сўради. "Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас", деди. Кейин Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) хонаи Каъбани тавоф қилдилар ва мақоми Иброҳимга бориб, икки ракъат намоз ўқиб олиб, менга қараб: "Эй, Абу Мусо Ашъарийнинг ўғли! Мана шу ерда ўқиладиган икки ракъат намоз ўзидан илгариги гуноҳларга каффорат бўлади", дедилар».

12. Абу Мурра айтдилар: "Марвон ибн Ҳакам Мадинадан бирор жойга сафарга кетганида ўз ўрнига Абу Ҳурайра (р.а.)ни қолдириб кетарди. Абу Ҳурайра (р.а.) Зу-л-Ҳулайфада туриб, ўзлари бир хонада, оналари бошқа хонада яшарди. Абу Ҳурайра (р.а.) қачон ўз хоналаридан ташқарига чиқадиган бўлсалар, оналарининг эшиги олдига келиб салом берардилар-да: "Мени ёшлигимда тарбият қилганингиз учун сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин", дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: "Катта бўлганингда менга яхшилик қилаётганинг, розилигимни олаётганинг учун сенга ҳам Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин", - дер эдилар. Абу Ҳурайра (р.а.) ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она-бола ўртасида шу муомала такрорланарди".

Абу Мурра — Абу Толибнинг қизи Умму Хонининг ёки Ақилнинг озод қилган қули эди (т.).

13. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига ҳижрат қилмоқ учун байъат қилишга келди. Аммо ота-онаси унинг

кетишига рози бўлмай, хафаликдан йиғлаб қолган эдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен ҳозир ота-онанг олдига бор! Ҳижрат қиламан деб уларни хафа қилганингдек, энди ҳижрат қилмайдиган бўлдим, деб уларни хурсанд қил", — дедилар».

Абу Муррадан ривоят қилинган 14-ҳадис 13-ҳадиснинг мазмунан такрори, аммо унда Абу Ҳурайра (р.а.)нинг асл исми шарифи Мусо ибн Йақубдан эшитгани бўйича Абдуллоҳ ибн Амр эканлиги эслатилади.

7-боб. Ота-онага оқ бўлиш ҳақида

15. Абу Бакра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен сизларга гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?" – деб уч мартаба сўрадилар. Саҳобийлар: "Эй, Расулуллоҳ, айтиб беринг", дейишди. "Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оққ бўлиш", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)шу вақтда ёнбошлаб ўтирган эдилар, кейин яхшилаб ўтириб олдилар-да: "Огоҳ бўлинглар! Шу катта гуноҳлардан бири ёлғон гапирмоқ, туҳмат қилмоқдир", дедилар. Шу охирги сўзларини шу қадар кўп такрорладиларки, мен ичимда Расулуллоҳ (с.а.в.) чарчадилар, энди гапларини тўхтатсалар ҳам бўларди, дедим".

Ота-онага оққ бўлиш — ота-онага озор бериш, хафа қилиш ва буйруқларини бажармасликдан иборатдир. Уларнинг фарзандга сени оқ қилдим, дейишлари шарт эмас, диллари оғришининг ўзиёқ фарзандниng оқ бўлганидир (т.).

16. Муғира ибн Шуъба (р.а.)нинг котиблари Варрод айтди: "Ҳз. Муовия (р.а.) Муғирага: "Расулуллоҳ (с.а.в.) дан эшитган ҳадисларингдан менга ёзиб юбор", деб хат ёздилар. Шу хатга жавобан Муғира: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдим: кўп савол сўрашдан, молни зое қилишдан ва асоссиз гапларни оғиздан оғизга нақл қилиб юришдан қайтарар эдилар", деган ҳадисни Муғира айтиб турдилар ва мен ёзиб бердим".



Кўп савол сўрашдан мурод – бирор эҳтиёж бўлмай туриб тиланчилик қилиш ёки ҳаётда учрамайдиган воқеа ва масалаларни сўраш ёхуд киши ўзига тегишли бўлмаган беҳуда хабарларни суриштириб юриш кабилардир. Аммо молни зое қилиш эса, уни ноўрин, дунё ва охират учун ҳам фойдаси тегмайдиган жойларга сарфлашдан иборатдир, бинобарин, исрофгарчилик Аллоҳ таоло олдида гуноҳ ҳисобланади (т.).

8-боб. Ота-онасига лаънат ўқиганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин

17. Абу Туфайл Омир ибн Восила (р.а.) айтдилар: ҳазрат Али (к.в.)дан сўралганда, ҳз. Али (к.в.): "Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ўзимизга хос айтган гаплари фақат мана шу қиличимнинг қинидагилардир", дедилар-да, ундан бир саҳифа қоғоз чиқардилар. Бу саҳифада: "Аллоҳ таолодан бўлак нарсалар номига атаб бирор жонликни сўйган кишига, ота-онасига лаънат ўқиган кишига ва шариатда бўлмаган нарсаларни дин номидан пайдо қилганларга йўл берган кишига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин", деган ҳадис-и шариф ёзилган экан.

Бу ҳадисда айтилган тафсилот 27-ҳадисда келади. Ота-онага лаънат ўқиш уларни сўкишдан ва Аллоҳнинг лаънати эса, ўз раҳматидан маҳрум қилиши демакдир (т.).

9-боб. Гуноҳ бўлмаган ҳолларда ота-она амрига итоат қилиш ҳақида

18. Абу Дардо (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) менга қуйидаги тўққизта амални буюрдилар ва дедиларки: "Гарчи мажақланиб кетсанг ҳам ёки ўтда ёндирилсанг ҳам Аллоҳ таолога ширк келтирма, фарз намозни қасддан тарк қилма, уни қасддан тарк қилувчи кишилардан Аллоҳ таолонинг зиммаси ажрайди. Маст қиладиган ҳаром ичимликларни асло ичма, чунки улар

ҳамма ёмонликларнинг калитидир. Ота-онангга итоат қил, агар улар дунёдан воз кеч десалар ҳам ҳурматлари учун буйруқларини ижро қил! Гарчанд ишбоши бўлган одамдан кўра ўзингни шу амалга муносиброқ деб билсанг ҳам улар билан амал талашма (итоат қил). Ёнингдан аскарлар қочса ҳам ва ўзинг ҳалокатга учрайдиган бўлсанг ҳам уруш майдонидан қочма! Қўлингда бор мол-мулкингдан қарамоғингдаги аҳлу аёлларингга сарф қил! Хотин ва болаларингга калтак кўтарма, тўғри йўлдан юрмаса, бола-чақаларингни Аллоҳ таолонинг қаҳри-ғазабига дучор бўлишлари билан қўрқит".

Аллоҳ таоло зиммасининг ажраши — уни ўз паноҳида сақламаслигига ишора.

Қуръонда айтилишича, уриш йўли билан бўлса ҳамки, уларга одоб-ахлоқ ўргат, бўйсунмасларидан қўрқсанг насиҳат қил, насиҳатни қабул қилмасалар, уларни ўзингдан четлат ва шунда ҳам бўлмаса, уриш билан уларни қўрқит, таҳдид қил (4:34). (т.).

19-ҳадис 13-ҳадиснинг айнан такрори, фақат унда жиҳод қилмоқчи бўлган кишига Расулуллоҳ «Ота-онангни рози қил», деб айтганлар.

20. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига жиҳодга боришни талаб қилиб бир киши келди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ота-онанг тирикми?" — деб сўрадилар. У киши: "Ҳа, ота-онам борлар", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ота-онанг учун жиҳод қил!" — дедилар».

Яъни мушриклар билан қонли урушга чиқиш шарт эмас, энг мақбули кекса ота-онага хизмат қилиш, уларни рози қилиб, дуоларини олиш, тирикчиликларидан хабардор бўлиб туришнинг ўзи сен учун жиҳоддир. Жиҳодни фақат қонли уруш маъносида тушиниш Қуръон-и карим ва ҳадис-и шариф матнларини нотўғри англашга олиб келади, бинобарин, жиҳод фақат қонли уруш эмас, нафс шароратини енгиш, ахлоқий бузилишларга қарши кураша билиш ҳам жиҳодга киради (т.).

10-боб. Ота-она дуосини олмай жаннатга кириб бўлмас

21. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!" — деб ўн марта-

ба такрор қилдилар. Шунда саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, кимни айтаяпсиз?" — деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ота-онасининг иккаласи ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини", дедилар.

11-боб. Ота-онасини рози қилган кишининг умри узоқ бўлиши ҳақида

22. Саҳл ибн Муоз (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади", дедилар".

Бандaнинг умри азалдан тақдир қилинган. Бу ўринда умрнинг узоқ бўлиши деган гап фаровонликка, ризқнинг мўллигига, дунёвий ишларнинг баракали бўлишига ишорадир.

Тубо — жаннатдаги бир дарахт номи (т).

12-боб. Мушрик ота учун Аллоҳдан афв сўрамаслик ҳақида

23-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Аллоҳ таолонинг: «Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф»!..» дема ва уларни жеркима. Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин»(17:23, 24), деган оятларнинг ҳукми «Тавба» сурасидаги: «На пайғамбар ва на мўминлар мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах аҳли эканлари маълум бўлгандан кейин — истиғфор (гуноҳларини кечиришни) сўрашлари жоиз эмас», деган оят билан насх қилинган (9:113)", дедилар».

Уфф — жеркиш, сендан безор бўлдим, деган маънода (т.).

13-боб. Ота-она мушрик бўлса ҳам яхшилик қилиш ҳақида

24. Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Аллоҳ таоло Қуръон-и каримдаги тўрт оятни менинг ҳақимда туширди. Онам: сен Муҳаммаддан ажралмагунингча мен ҳеч нарса емайман ҳам, ичмайман ҳам, деб қасам ичган эди. Шунда Аллоҳ таоло: «Агар улар (яъни ота-онанг сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма!..» Аммо уларга яхшилик қилавериш буюрилган. (31:15). Иккинчи оят: ғазотда олинган ўлжа моллар ичида бир қилич менга яхши кўринди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шу қилични менга беринг, деб сўраганимда, Аллоҳ таоло: «Сиздан (эй, Муҳаммад!) ўлжалар ҳақида сўрайдилар...», деган "Анфол" сурасининг 1-оятини туширди. Учинчи: мен бетоб бўлиб қолган вақтимда Расулуллоҳ (с.а.в.) аҳволимни сўрагани келдилар. Шунда мен: "Ё, Расулаллоҳ, мен молларимни тақсим қилиб қўймоқчиман. Шундан ярмини Аллоҳ таоло йўлига васият қилсам бўладими?" – деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, бўлмайди", дедилар. "Бўлмаса уларнинг учдан бирини васият қилсам", деганимда Расулуллоҳ (с.а.в.) сукут этдилар. Мана шундан кейин молларимнинг учдан бирини васият қилиш жоиз бўлди[1]. Тўртинчи: ансорлардан бир нечтаси билан ўтириб ичкилик ичдик. Шунда улардан биттаси теванинг ияги билан менинг бурнимга урди. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига борганимда, Аллоҳ таоло ичкиликни ҳаром қилиб оят туширди (2:219)[2], дедилар.

---

[1] Васият ҳақида оят йўқ, бу ҳақдаги ҳукм Расулуллоҳ ҳадислари билан собит бўлган (Ф.с.).

[2] Бир қатор муфассирлар ичкиликнинг манъ этилиши уч босқичдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтганлар. «Умар ибн Хаттоб



25. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг қизлари Асмоъ (р.а.) айтдилар: "Онам бирор нарса умидида ҳузуримга келди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Онам келиб қолди. Унга силаи раҳм қилиб бирор нарса берсам бўладими?" – деб сўрадим. "Ҳа, силаи раҳм қилсанг бўлади", дедилар". Ибн Ўйайна (р.а.) айтдилар: "Аллоҳ таоло: «Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас» (60:8)), деган оятни туширди".

Асмоънинг онаси Қайла бинт Абду-л-Иззи Исломни қабул қилмаган эди (т.).

26-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)айтдилар: "Отам ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) ипакдан икки қават тикилган бир кийимни сотиб олишни жаноб Расулуллоҳга тавсия қилиб: "Ё Расулаллоҳ, буни жумъа кунлари ва атрофдан элчилар келганда кийиб чиқасиз", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)

(р.а.) ва бошқа саҳобийлар май ақл ва бойликни кетказувчи офат эканидан Пайғамбар (а.с.)га шикоят қилганларидан кейин «Бақара» сурасининг мазкур ояти (219-ояти) ваҳий қилинган. Иккинчи босқич – Абдурраҳмон ибн Авф маст ҳолда имомлик қилганларида, оятни қўпол равишда бузиб қироат қилган. Шундан кейин «Нисо» сурасининг 43-оятида маст ҳолатда намозга яқинлашмаслик буюрилган. Учинчи ва охирги босқич – Атбон ибн Молик деган саҳобийнинг уйида зиёфат пайтида маст бўлиб қолган меҳмонлар ўзаро жанжаллашиб қолганлар. Шундан кейин Умар ибн Хаттоб (р.а.) Аллоҳга илтижо билан: «Эй, худойим, май тўғрисида кескин бир ҳукм нозил эт!» – деб дуо қилганларида «Моида» сурасининг 90-ояти билан май ичиш қатъий манъ этилган» (шайх Абдулазиз Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири, «Тошкент Ислом университети матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2004, 34-бет). Гарчи таржимон Қуръони каримнинг «Бақара» сурасидаги 219-оятни кўрсатса ҳам, бу ўринда «Моида» сурасининг 90-ояти ҳақида гап бормоқда (м.м.).

отамнинг таклифларини қабул қилмай: "Бундай кийимни охиратдан насибаси йўқ кишилар кияди", дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларига шундай кийимлардан қанчаси ҳадя сифатида келиб қолди-да, ундан биттасини отамга юбордилар. Отам: "Ё Расулаллоҳ, буни мен нима учун кияман, ахир ўзингиз бундай кийимни охиратдан насибаси йўқ кишилар кияди", деган эдингиз-ку, деганларида, Расулуллоҳ: "Мен сизга киясиз деб эмас, балки сотиб, ақчасини бирор ҳожатингизга яратарсиз ёки бирор кишига кийдирарсиз, деб юбордим", дедилар. Ҳз. Умар (р.а.) ўша кийимни ҳамон мусулмон бўлмаган бир биродарларига юбордилар".

14-боб. Ота-онани сўкмаслик ҳақида

27. Абдуллоҳ ибн Амр Осс (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ: "Киши ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир", дедилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадими?" – деб сўрашганда, Расулуллоҳ: "У киши бир одамни сўкади, у одам ҳам аввал сўккан кишининг отасини ҳам, онасини ҳам сўкади", дедилар».

Демак, киши бировни сўкса, кейин ўша одам унинг ота-онасини ҳам сўкади, шу билан у билвосита ўз ота-онасини сўккан бўлади.

28. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.): «Кимки отасининг сўкилишига сабаб бўлса, Аллоҳ таоло олдида катта гуноҳга қолади». дедилар.

15-боб. Ота-онага оққ бўлишнинг уқубати ҳақида

29-ҳадис. Абу Бакр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Азоб-уқубат қиёмат кунига асраб қўйилгандан ташқари, шу дунёнинг ўзида ҳам инсоннинг ўзига жабр етказадиган гуноҳ — ки-



шиларга зулм[1] қилиш ва қавм-қариндошларга қилинадиган силаи раҳмни узиб қўйишдир", дедилар.

30-ҳадис. Имрон ибн Ҳусайн (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ саҳобийлардан: "Зино қилиш, маст қиладиган ичимликларни ичиш ва ўғрилик қилиш ҳақида нима дейсизлар?" — деб сўрадилар. Улар: "Буларнинг ҳукмини Аллоҳ таоло ва унинг Расули биладилар", деб жавоб бердилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Булар ўтакетган қабоҳат ишлар бўлиб, охиратда ҳам, бу дунёнинг ўзида ҳам уларнинг уқубати, жазоси белгиланган-дир. Мен сизларга гуноҳларнинг энг катталарини айтиб берайми?" Улар: "Аллоҳ рабби-л-оламийнга ширк келтириш ва ота-онага оққ бўлиш", дедилар-да, суяниб ўтирган ҳолатларини ўзгартириб тиз чўкиб олдилар ва "ҳамда ёлғон сўзлаш"[2], деб қўшиб қўйдилар.

16-боб. Ота-онанинг йиғлаши ҳақида

31. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): "Ота-онанинг йиғлаши боладан норози бўлганликларидан далолат беради ва бу эса катта гуноҳлардандир", дедилар.

17-боб. Ота-оанинг дуоси ҳақида

32. Абу Ҳурайра айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси", деганлар».

---

[1] Ҳар қандай зулм ҳақсизлик, деб англашилгани каби мусулмон тузумига қарши бориш ҳам зулм, деб тушунилади (Ф.с.).

[2] Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Ал каззабу ло уммати», яъни ёлғончи менинг умматим эмас, деган ҳадислари машҳурлигини муҳаддисларнинг аксарияти ривоят қиладилар (м.м.).

33. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисларни эшитдим: "Биби Марйамнинг ўғиллари ҳз. Ийсо (а.с.) билан Журайжга сўзлаган боладан бўлак ҳеч бир бола бешикдалигида гапирган эмас", дедилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, Журайж ва унга сўзлаган бола ким эди?" — деб сўрашганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) ривоятни айтиб бердилар: "Журайж ўз ибодатхонасида ибодат билан машғул бир роҳиб бўлиб, ибодатхонаси атрофида бир подачи сигирларни ўтлатиб юрар эди. Шу ибодатхона жойлашган қишлоқда турадиган бир хотин подачи ёнига келиб-кетиб турарди. Журайж бир куни намоз ўқиб турган вақтида онаси чақирди. Журайж анча хаёлга чўмди: намозида давом этаверсинми ёки уни бузиб, онасига жавоб қилсинми? У ўйланиб-ўйланиб, охири онасига жавоб қайтармади ва намозида давом этаверди. Онаси иккинчи ва учинчи мартаба чақирганда ҳам у жавоб қайтармагач: "Аллоҳ таоло сени фоҳиша хотинларга йўлиқтирсин", деб дуойибад қилиб, қайтиб кетди. Шундан кейин ўша подачи олдига келиб юрадиган хотин бир бола туғиб қўйди. Уни подшоҳ олдига келтириб сўроқ қилинганда: "Бу бола ибодатхонадаги роҳибдан бўлган", деб даъво қилди. Подшоҳ: "Унинг ибодатхонасини бузиб, ўзини менинг ҳузуримга олиб келинсин", деб буйруқ қилди. Подшоҳнинг буйруғига асосан ибодатхона бузилиб, Журайжнинг қўли-ни арқон билан боғлаб, подшоҳ ҳузурига келтирдилар. Уни олиб келаётганларида йўлда томоша қилиб турган фоҳиша хотинларга кўзи тушди-да, бир кулиб қўйди. Кей-ин подшоҳ ундан сўроқ қилиб: "Бу хотин туғилган болани сендан бўлган, деб даъво қилаётибди", деди. Журайж хотинга қараб: "Шундайми?" — деди.



Хотин: “Ҳа, шундай”, деди. Шунда Журайж онанинг бағрида турган ча-қалоққа қараб: “Эй, бола, сенинг отанг ким?” — деб сўради. Чақалоқ тилга кириб: “Отам подачи”, деб жавоб берди, унинг гапини ҳамма эшитди. Подшоҳ Журайжга узр айтиб: “Энди ибодатхонани биз янгидан қуриб берамиз”, деди. Журайж буни қабул қилмагач: “Бўлмаса кумушдан қурайликми?” — деди. Журайж буни ҳам қабул қилмай: “Уни аввалги ҳолига келтириб берилса кифоя”, деди. Подшоҳ: “Хўш, менга айт-чи, қўлингни боғлаб олиб келаётганларида нима учун кулдинг?” — деб сўраганда, у: “Юз берган воқеани кўзим билан кўриб кулгим қистади, у ҳам бўлса онамнинг менга қилган дуойибади эди”, деди-да, бўлган воқеани подшоҳга ва атрофдаги кишиларга ҳикоя қилиб берди.

18-боб. Насоро онани Исломга даъват қилиш ҳақида

34. Абу Ҳурайра (р.а.) шундай ҳикоя қилдилар: «Менинг номимни эшитган ҳар бир киши, ҳатто яҳудий ва насроний бўлса ҳам, мени яхши кўрмай қолмайди. Мен онамнинг Ислом динини қабул қилишини истаб юрардим, лекин у қабул қилмасди. Бир куни унга Исломга киришни таклиф қилдим. У қабул қилмагач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бориб: “Ё Расулаллоҳ, онам ҳақида бир дуо қилсангиз”, деб илтимос қилдим. Расулуллоҳ дуо қилдилар. Шундан кейин онам олдига борсам, у эшикни қулфлаб олган эди, мени кўриши билан: “Ўғлим! Мен Ислом динини қабул қилдим”, деди. Мен буни Расулуллоҳ (с.а.в.)га бориб айтдим ва она-бола иккаламиз ҳақимизга дуо қилинг, деб яна сўраганимда, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Эй, Аллоҳ, банданг Абу Ҳурайра ва онасининг муҳаббатини кишилар кўнглига солгин”, деб дуо қилдилар».

19-боб. Ота-она ўлгандан кейин уларга яхшилик қилиш ҳақида

35. Абу Убайд (р.а.) ҳикоя қилдилар: "Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида эдик, шу вақтда бир киши: "Ё Расулаллоҳ, ота-онамнинг ҳаёт вақтларида қилган яхшиликларимдан ташқари уларнинг вафотидан кейин яна нима қилсам шу яхшилигим давом этади?" — деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Тўртта нарсани қилиб юрсанг, уларга қиладиган яхшилигинг давом этаверган бўлади. Уларнинг бирламчиси, ота-онанг ҳақига дуо қиласан ва гуноҳларини кечирмакни Аллоҳ таолодан сўрайсан, иккиламчиси, уларнинг насиҳат ва шаръий васиятларини амалга оширасан, учламчи, уларнинг дўстларини ҳурматлайсан ва тўртламчи қавм-қариндошлар билан улар туфайли қарор топган қариндошлик алоқаларини узмайсан", дедилар.

36. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Киши ўлгандан кейин яна нима учундир унинг нуфузи кўтарилиб қолади. Шунда у таажжубланиб: "Эй, Раббим! Бу даражамнинг кўтарилиши нимадан ҳосил бўлди?", деб сўради. Аллоҳ таоло томонидан: "Эй, бандам, орқангда қолган бола-чақаларингнинг мен учун қилган истиғфорларининг натижасидир", дейилади.

37. Муҳаммад ибн Сирин (р.ал.) айтдилар: "Кечаларнинг бирида биз Абу Ҳурайра (р.а.) ёнларида бўлдик. Шунда Абу Ҳурайра (р.а.) ўзлари: "Эй, Аллоҳ! Абу Ҳурайранинг ҳам, онасининг ҳам гуноҳларини кечиргин ва иккимиз учун истиғфор этган кишиларнинг ҳам гуноҳларини кечиргин", деб дуо қилдилар. Абу Ҳурайра (р.а.)нинг шу дуоларига кириб қолиш учун биз ўша она-бола (Абу Ҳурайра билан оналари) ҳақига истиғфор этиб юрамиз", дейди.



38. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Банда вафот этгандан кейин ундан учта нарсадан бўлак амаллари узилиб қолади: садақаи жория; одамларга манфаати тегсин, деб ёзиб қолдирган илмий асарлари ва ўзи ҳақида дуо қилиб турадиган солиҳ фарзандлар", дедилар.

Садақаи жория – йўқ бўлиб кеттунча халқлар фойдасига хизмат қиладиган (кўприк, масжид, мадраса, йўл ва бошқа бинолар, шунингдек, фойдаси тегадиган китоблар каби) нарсалардан иборат (т.).

39. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): "Ё Расулаллоҳ! Менинг онам ҳеч нарсани васият қилмай вафот этиб кетди. Энди мен онам учун садақа-эҳсон қилсам унга савоби етадими?" — деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳа, унинг учун садақа қилсанг, савоби албатта тегади", дедилар.

20-боб. Ота-онанинг дўстларига яхшилик қилиш ҳақида

40. Абдуллоҳ ибн Динор (р.а.) айтдилар: «Қайси бир сафарда бир аъробий Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ёнларига келиб: "Сен фалончининг ўғли эмасмисан?" — деб сўради. Шу аъробийнинг отаси ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) билан дўст бўлган эди. Абдуллоҳ (р.а.) аъробийга: "Ҳа, отанг дўсти Умарнинг ўғлиман", дедилар-да, ўзларининг тевалари кетида олиб юрган эшакни ва бошларидан саллани ечиб аъробийга бердилар. Шунда ёнидаги кишилардан биттаси: "Бу киши бир аъробий, унга икки дирҳам берсангиз ҳам кифоя қиларди, сиз эшакни ҳам, саллани ҳам бериб юбордингиз", деган эди, Абдуллоҳ (р.а.): Расулуллоҳ (с.а.в.): "Отанг дўст тутган кишиларнинг дўстлигини сақла, улар билан алоқани узма! Агар алоқани узсанг, Аллоҳ таоло сенинг нурингни ўчириб қўяди, деган эдилар, деб жавоб бердилар».

Яъни бу дунёда топган савобларингни ювиб юборасан, деган маънода бўлса керак (т.).

41. Яна Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Отага қилинадиган яхшиликларнинг энг афзали у севган кишилар билан алоқани мустаҳкамлаб, уларга хайрихоҳлик қилишдир", дедилар».

21-боб. Силаи раҳм натижаси

42. Саъд ибн Убода (р.а.) ҳикоя қиладилар: "Мен ҳз. Усмон (р.а.)нинг ўғиллари Амр ибн Усмон ибн Аффон билан Мадина масжидида ўтирган эдим. Шу вақт Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) ўз укасининг ўғлига суяниб орқасига қайрилди-да, Амрга қараб: "Эй, Амр, майли, сен истаганингни қилавер, Муҳаммад (а.с.)ни чин пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ таоло номи билан қасамёд этаманки, Аллоҳнинг китобида (бу сўзни икки мартаба қайтарди): "Отангга яқин бўлган кишидан алоқани узма, агар узсанг, нуринг ўчади", дейилган", деб айтди.

Амр ибн Усмон Абдуллоҳ ибн Саломга яхши илтифот қилмаганлари учун бўлса керакки, унга киноя билан «Истаганингни қилавер», дедилар.

22-боб. Севги наслийдир, деган ҳадис ҳақида

43. Абу Бакир ибн Хазм (р.а.) бир саҳобийдан ривоят қилдилар. У саҳобий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: " Дўстлик албатта мерос бўлиб (наслдан наслга) ўтади", деган ҳадисларини ривоят қилиб берсам, сенга етарли насиҳат қилган бўламан", дедилар.

23-боб. Отани исми билан чақирмаслик ҳақида

44. Абу Ҳурайра (р.а.) иккй кишини кўриб, улардан биттасига: "Бу киши сенга ким бўлади?" – деб сўрадилар. У: "Бу – отам бўладилар", деган эди, Абу Ҳурайра (р.а.): "Ундай бўлса отангни исмини айтиб чақирма,



юришда ундан илгари юрма ва ундан юқори жойда ўтирма", деб насиҳат қилдилар[1].

24-боб. Отани куня билан чақириш ҳақида

45. Шаҳр ибн Ҳавшаб (р.а.): "Биз Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) билан сафарга чиққан эдик. Шунда қайси бир намоз вақти бўлганда ўғиллари Солим Абдуллоҳ ибн Умарга: "Намоз вақти бўлди, эй, Абу Абдурраҳмон!" — деб ўз отасини кунялари билан чақирди, дейдилар.

46. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ўз оталари ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) тўғриларида: "Аммо Абу Ҳафс Умар шундай ҳукм қилган эдилар", деган эдилар.

Абу Абдурраҳмон — Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг куняси, Абу Ҳафс — Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг куняси (т.).

25-боб. Қариндошликни узмаслик ҳақида

47. Кулайб ибн Манфаа бобоси Кулайб Ҳанафий (р.а.)дан ривоят қилди: У киши Расулуллоҳдан (с.а.в.): "Ё Расулаллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилишим керак?" — деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Онангга, отангга, опа-сингилларингга, ака-укаларингга ва яқин бўлган кишиларингга. Бу иш зарурий бурч ва узилмаслиги керак бўлган қариндошликдир", дедилар.

Яъни ким силаи раҳмни узган ва ким узмаганлигини очиқ баён қилиш учун Аллоҳ унга тил беради ва бу тил кимларнингдир фойдасига ё зарарига даъвони исбот қилади (т.).

---

[1] Ҳз. Ойиша (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан келтирган ривоятларида ҳам шу мазмун бор: бир киши кекса ёшли ҳамроҳи билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келди. Расулуллоҳ: «Эй, фалон! Ёнингдаги ким?» — деб сўрадилар. «Отам», деб жавоб берди. «У ҳолда ундан олдинда юрма! Ундан юқорида ўтирма, унинг исми билан чақирма, уни сўкишларига йўл қўйма!» — деб насиҳат қилдилар. Абу Ҳурайра (р.а.) шоядки Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шу гапларини эшитган бўлсалар, суҳбатдошларига юқорида келтирилган насиҳатни қилдилар (Ф.с.).

48. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Қуръон-и каримда: «Яқин қариндошларингизни (Аллоҳ азобидан) огоҳлантиринг!» (26:214), деган оят келган вақтида, Расулуллоҳ (с.а.в.) туриб: "Эй, Каъб ибн Луай болалари, эй, Абду Маноф болалари, эй, Ҳошим болалари, ва эй, Абдулмутталиб болалари! Сизлар ўзингизни дўзах ўтидан қутқаринг! Эй, Муҳаммаднинг қизи Фотима! Сен ҳам ўзингни жаҳаннам ўтидан қутқаз! Менга эътимод қилма, чунки қиёмат куни ташвишидан мен сени қутқазишга қодир эмасман. Аммо сизлар билан албатта қариндошлигим бор, уни мен сизлардан узмайман", деб ошкора нидо қилдилар.

26-боб. Силаи раҳм қилиш ҳақида

49. Абу Айюб Ансорий (р.а.)дан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сафарларидан бирида бир аъробий у зотга келиб: "Мени жаннатга яқин ва дўзахдан узоқ қиладиган амалларни менга айтиб беринг!" — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қиласан, унга ҳеч нарсани ибодатда шерик қилмайсан, Аллоҳ буюрган намозларни вақтида адо қиласан, молингдан закотни берасан ва силаи раҳм қиласан", дедилар.

50. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло халқларни яратиб бўлганидан кейин раҳм турди. Аллоҳ ундан: "Нега турдинг?" — деб сўраганида у: "Эй, Раббим, узилиб қолишдан паноҳ сўровчи сифатида ҳузурингда турибман", деди. Шунда Аллоҳ таоло: "Эй, раҳм, сени узган кишилардан марҳаматимни узсам ва узмаганлардан уни узмасам шунга рози бўласанми?" — деб сўраганда, раҳм: "Эй, Парвардигори олам! Мен албатта бунга розиман", — деган эди. Аллоҳ таоло: "Менинг ваъдам сенга шудир", — деди. Абу Ҳурайра (р.а.) шу ҳадисни ривоят қилганларидан кейин: "Истасангиз "Муҳаммад" сураси 22-оятни ўқиб кўринг!



Бунда Аллоҳ таоло: “Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз, албатта”, — деган деб айтдилар».

Раҳм — қариндошлик ва бир-бирига боғланадиган насаб силсиласи (Ибн Асир, «Ал-ниҳояту фи ғариб ал-ҳадис», 2-жузъ, 77-78-бетлар (т.).

51. **Аллоҳ таолонинг:** *«Қариндошга, мискин ва йўллвчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг» (17:26) — деган ояти ҳақида.* Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) бу оятни шундай тафсир қилганлар: “Бунда Аллоҳ таоло ҳақларнинг энг зарурини беришга буюрди. Маблағи бўлса, амалларнинг энг афзали бўлган қариндошларга, мискин ва йўлда қолган мусофирларга беришга даъват қилди. Агар маблағи бўлмаса, юқоридаги кишиларга қандай муомала қилиш кераклигини ўргатиб, “Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин, йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг!» (17:28), яъни мана. мол келиб қолар, иншоаллоҳ, мол келишини кутиб турибман каби сўзлар билан яхши ваъда қил, дейдилар. “Қўлингни бўйнингга сиртмоқлаб қўйма”[1], яъни ҳеч нарсам йўқ деб, беришдан қўлингни тортма. “Қўлингни жуда ёзиб ҳам юборма”, яъни бор-йўғингни бериб ҳам юборма. “У вақтда маломатга қоласан”, чунончи кейин келганларга бера олмаганинг учун сени маломат қилади. “Толиқиб, қийналиб ўтирасан”, яъни бериб қўйган кишиларинг сени машаққатга солиб қўйган бўлади.

Қўлни бўйинга сиртмоқлаш — бахил бўлишга киноя («Муфрадот ар-роғиб фи ғариб ал-Қуръон», 3-жузъ, 190-бет).

Бу оятнинг иккинчи тафсири: «Муҳаммад (а.с.)нинг динидан юз ўгириб, жоҳилият замонидаги каби бузуқликка йўл қўйиш ва қавм-

қариндошлар бир-бири билан уришиб, қариндошликни батамом узиб юборганликлари каби ҳолга қайтмоғингизни тилайсизми?» (Замахшарий, «Тафсир ал-Кашшоф», 3-жузъ, 190-бет) (т.).

27-боб. Қариндошликни узиб юбормасликнинг фазилати ҳақида

52. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир саҳобий келиб: "Ё Расулаллоҳ, менинг қариндошларим бор, мен уларга силаи раҳм қиламан, қариндошликни узадилар. Уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қиладилар. Улар жабру жафо қилсалар ҳам оғирлик ва сабр қиламан", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Агар гапинг тўғри бўлса, уларнинг оғзига қиздирилган кулни солгандек бўлибсан. Сен шу ишингни давом эттираверсанг, Аллоҳ таоло сенинг ёрдамингда бўлади ва уларнинг жабру жафосини дафъ қилади", дедилар.

53. Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни эшитдиларким, Расулуллоҳ (с.а.в.) айтмишлар: Аллоҳ таоло "Мен дунёдаги ҳамма борлиққа раҳм қилувчи Раҳмонман ва раҳмни яратиб, Раҳмон деган номимнинг ҳарфларидан таркиб топган раҳм сўзини унга исм қилиб қўйдим. Энди ким раҳмни узмасдан юрса, мен ундан раҳматимни узмайман ва ким уни узиб қўйса, мен ҳам ундан раҳматимни узиб қўяман", деган.

54. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) битта бармоқларини эгиб: "Раҳм сўзи Аллоҳ таолонинг Раҳмон номидан (шу бармоғимдек) униб чиққан бир шохчадир. Уни биров узмаса, Аллоҳ таоло узмайди ва ким узиб қўйса, Аллоҳ ҳам уни узиб ташлайди. Қиёмат куни раҳмга Аллоҳ таоло фасоҳатли, ўткир ва очиқ сўзлайдиган тил беради", дедилар[1].



Ким силаи раҳмни узган-узмаганлигини очиқ баён қилиш учун Аллоҳ қиёмат кунида унга Ўзининг қудрати билан тил беради, бу тил кимларнингдир фойдасига ё зарарига даъвони исбот қилади (т.).

Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ҳам шундай ҳадис ворид бўлганлигини имом Муслим хабар қилган, бинобарин, 55-ҳадис 54-ҳадиснинг такрори бўлганлиги сабабли тушириб қолдирдик (м.м.).

28-боб. Силаи раҳм умрни зиёда қилиши ҳақида

56. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ризқи кенг ва фаровон бўлишни ва ҳаёти узоққа боришни яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин", дедилар.

28-бобдаги 57-ҳадис мазмуни айнан 56-ҳадис мазмуни бўлиб, у Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган. Имом Муслим ҳам бу ҳадисларни нақл қилган.

29-боб. Силаи раҳм қилган кишини Аллоҳ севади

58. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: "Ким Аллоҳ таолодан қўрқса ва қавм-қариндошларига ёндашса, ажали таъхир қилинади, моли кўпаяди ва аҳли аёллари уни яхши кўрадиган бўлади".

59-ҳадис мазмуни 58-ҳадисдагидек айнан яна Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) дан ривоят қилинган.

30-боб. Яхшиликни энг яқин қариндошдан бошламоқ кераклиги ҳақида

60. Миқдом ибн Маъди Кариб (р.а.)дан ривоят қилинди: У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдилар: "Аллоҳ таоло сизларга оналарингизга яхшилик қилишни буюрди". Бу сўзни Расулуллоҳ (с.а.в.) уч мартаба такрор қилдилар. Кейин: "Оталарингизга ва ундан кейин яқинроқ бўлган қариндошларингизга ҳам яхшилик қилишни буюрди", дедилар.

61. Ҳз. Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг озод қилган қулларидан Абу Аййуб Сулаймон (р.ал.) айтдилар: «Абу Ҳурайра (р.а.) пайшанбадан жумъага ўтар кечаси бизга келдилар-да, ўз қариндошларига яқиндан ёндашмаган кишилар бизнинг олдимиздан албатта туриб кетсинлар, дедилар. Лекин ҳеч ким турмади. Абу Ҳурайра (р.а.) бу сўзни уч мартаба қайтарганларидан кейин бир йигит туриб кетди. У икки йилдан буён алоқани узиб юрган аммасининг уйига бориб унга салом берди. Аммаси таажжубланиб: "Сени бизга қандай шамол учириб келди, қанча вақтлардан буён келмай юриб, энди келиб қолишингнинг сабаби нима бўлди?" – деб сўради. У: "Мен Абу Ҳурайрадан шундай гапларни эшитганим учун келдим", деди. Аммаси: "Абу Ҳурайра олдига қайтиб бориб, нима учун у шундай деганининг сабабини сўрагин", деди. Йигит Абу Ҳурайра (р.а.) олдига бориб сўраганда, Абу Ҳурайра (р.а.): "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: ҳар пайшанбадан жумъага ўтар кечаси бандаларнинг қилган амаллари Аллоҳ таолога аён бўлади. Шу вақтда ўз қариндошларига ёндашмаган кишиларнинг амалларини Аллоҳ таоло қабул қилмайди", деган сўзларини эшитдим», деб айтдилар».

62. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: У жаноб: "Ким Аллоҳ таолодан савоб умид қилиб, ўзига қарам бўлганларга бирор нарса сарф қилса, Аллоҳ таоло унга албатта ажрини беради. Сарф қилишни аввал сен ўзингга қарам бўлганлардан бошла, улардан ортиқчасини яқин қариндошларингга, улардан ҳам ортса, у вақтда истаган кишиларингга бераверасан", дер эдилар.

31-боб. Даражасига кўра яқинларга яхшилик қилмоқ ҳақида

63. Абдуллоҳ ибн Авн (р.а.) айтадилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ораларида силаи раҳм қилмайдиган киши



бўлган қавмларга Аллоҳ таолонинг раҳмати нозил бўлмайди", дедилар".

32-боб. Раҳм қилмайдиган кишининг гуноҳи ҳақида

64. Жубайр ибн Мутъим (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг: "Силаи раҳм қилмайдиган киши жаннатга кирмайди", деганларини ривоят қилдилар.

65. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилганлар: «Раҳмон бўлган Аллоҳдан инсонларга берилган қариндошлик риштаси шундай дер экан: «Ё Рабб! Зулм остида қолдим! Ё Рабб! Узилдим. Ё Рабб! Менга нисбатан (шундай-шундай ёмон ишлар қилинди). Аллоҳ таоло унга шундай жавоб берар экан: «Сени узганларни тарқатиб юборасанми ва яхшилик қилмаганларга яхшилик қилмасмисан?»

66. Саъд ибн Самъон (р.а.) айтадилар: "Мен Абу Ҳурайра (р.а.)нинг ёш болалар ва ақли етук бўлмаган, енгил табиатли кишиларнинг амирлик мансабида бўлиб қолишларидан паноҳ сўраётганларини эшитдим. Ибн Ҳасан Абу Ҳурайрадан "Бунинг аломати нима?" – деб сўраганларида, Абу Ҳурайра: "Бунинг аломати — силаи раҳмнинг узилиши, тўғри йўлга бошловчи кишига итоат қилинмай, эгри йўлга бошловчига итоат қилиниши", деб жавоб бердилар".

33-бобдаги 67-ҳадис мазмуни 66-ҳадисдаги мазмун такрори бўлиб, ҳадис Абу Бакра (р.а.)дан нақл қилинган.

34-боб. Ҳақиқий силаи раҳм

68. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аввал силаи раҳм қилган кишига кейин силаи раҳм

қилувчи бу — ҳақиқий силаи раҳм қилувчи эмас. Чин силаи раҳм қилиш деб силаи раҳм қилишдан бош тортган кишига силаи раҳм қилишни айтилади", дедилар.

35-боб. Золим қариндошига силаи раҳм қилган кишининг фазилати

69-ҳадис. Барро ибн Озиб (р.а.) айтдилар: Бир аъробий келиб: "Ё Расулаллоҳ! Мени жаннатга киритадиган амални ўргатинг", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен хутбани қисқа қилган бўлсанг ҳам масалани кенг қилдинг. Жонликни озод қил ва кишини қулликдан қутқазгин", дедилар. Аъробий: "Бу иккаласи бир гап эмасми?" — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, жонликни озод қилиш — уни қулликдан қутқазишинг, қулликдан қутқазиш эса, уни қарздорликдан ва жарима тўлашдан қутилишига ёрдам беришингдир. Ўзингга марғуб бўлган соғин сигир (ёки қўй)ни сутидан ичиб, фойдаланиш учун муҳтожларга вақтинчага бериб туришинг ва қавму қариндошларга яхшилик қилишингдир. Агар буларни қилиш қўлингдан келмаса, кишиларни яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарасан. Буни ҳам қила олмасанг, фақат ширин сўзни тилингдан қўймайсан", дедилар[1].

Яъни берган саволингнинг шакли қисқа бўлса ҳам, маъноси гоят чуқур, аҳамияти зўр масалани ўртага ташладинг, дейилмоқчи (т.).

36-боб. Жоҳилият даврида яхшилик қилган киши ҳақида

70-ҳадис. Ҳаким ибн Ҳазом (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: "Мен жоҳилият замонида силаи раҳм қилиш, қул озод қилиш ва садақа бериш каби ишлар билан машғул бўлган эдим. Энди ўша ишларим учун менга

ажр-савоб бўладими?" – деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен жоҳилият замонида ўтказган ҳамма яхши ишларинг билан ислом динига кирган бўласан", дедилар.

Яъни жоҳилият замонида қилган яхшиликларинг беҳуда кетмайди, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир; жоҳилият даврида қилган солиҳ амалларинг учун Унинг фазли карами билан ажр-савоб берилади (т.).

19-боббаги 26-ҳадис мазмуни 37-бобнинг 71-ҳадисида айнан такрорланган.

38-боб. Ўз уруғ-аймоғини билиш кераклиги ҳақида

72. Жубайр ибн Мутъим (р.а.) ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг минбар устида туриб гапирган қуйидаги гапларини эшитдилар: "Уруғ-аймоқларингизни билиб олиб, кейин уларга силаи раҳм қилинг! Мен Аллоҳ таоло номи билан қасамёд қилиб айтаманки, бир киши ўз биродари билан ораларида бир нарса (ёмон сўз) ўтади. Агар улар ораларидаги қариндошлик алоқаси борлигини билганларида эди, албатта бир-бирларига ёмон сўз айтишдан ва шаънига тегишдан ўзларини сақлаган бўлардилар".

73. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Насабларингизни ёдда сақланг! Шундагина сиз қариндошларингизга яқиндан ёндашган бўласиз, чунки насаб узоқ бўлса ҳам уни яқинлаштирилса, узоқлиги билинмайди. Аммо у яқин бўлса-ю, узоқлаштирилса, яқинлиги қолмайди. Ҳар бир қариндошлик қиёмат куни ўз эгасининг ёнига келиб яқинлашилган бўлса, яқинлигига, узоқлаштирилган бўлса, узоқлигига гувоҳлик беради", дедилар.

39-боб. Озод бўлган қуллар ҳақида

74. Абдурраҳмон ибн Аби Ҳабиб (р.а.) айтдилар: Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) мендан: "Сен қайси қаби-

ладан бўласан?" – деб сўрадилар. Мен у кишига: "Мен Тийм тамим қабиласиданман", деб жавоб қилганимда, у жаноб: "Шу қабиланинг ўзиданми ёки уларнинг озод қилган қулариданми?" – дедилар. Мен: "Уларнинг озод қилган қулариданман", деган эдим, шунда у зот: "Ундай бўлса, озод қилган қулариданман, деб айтишинг керак", дедилар.

40-боб. Пайғамбар дўстлари

75. Рифаъат ибн Рофиъ (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Умар ибн Хаттоб (р.а.)га: "Менинг олдимга қавмларингни йиғиб кел", деб буюрдилар. Ҳз. Умар (р.а.) уларни тўплаб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг эшиклари олдига қўйиб, ўзлари Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириб: "Ё Расулаллоҳ! Қавмларимни олиб келдим", дедилар. Бу воқеадан хабардор бўлган ансорлар эшитиб: "Қурайшлар ҳақида бирор ваҳй (оят) келган бўлса керак", деб уни эшитиш ва кўриш учун улардан бир қанча киши ул жаноб ҳузурларига келди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларидан чиқиб, уларнинг ўртасида тик турдилар-да: "Ораларингизда бегона кишилар борми?" — деб сўрадилар. Ҳз. Умарнинг қавмлари: "Ҳа, орамизда муоҳада қилишган кишиларимиз, синглимизнинг ўғли ва ҳам озод қилган қулларимиз бор", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Муоҳада қилишган кишилар, синглимизнинг ўғли ҳамда озод қилган қулларимиз ҳаммаси ўзимизники ва сизлар қулоқ соласизлар: қайсиларингиз Аллоҳ таолодан қўрқувчироқ бўлса, шулар менинг яқинларимдир. Агар сизлар шундай бўлсаларингиз — яхши, акс ҳолда оқибат нима бўлишини ўзларингиз ўйлаб кўринг! Қиёмат куни одамлар (яхши) амаллар билан келганда сизлар оғир юкларни (гуноҳларни) кўтариб келманг, у вақтда Аллоҳ таоло сизлардан юз



ўгиради", дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳ муборак икки қўлларини кўтариб, қурайшлар бошига қўйдилар: "Эй, одамлар! Қурайш қабиласи ишончли кишилардир, ким уларга зулм ва ёмонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло уни икки бурни билан ерга тўнтаради», деб шу сўзни уч бор қайтардилар.

Икки бурун билан тўнтариш — демак, Аллоҳ таоло бениҳоя хор қилади демак (т.).

41-боб. Қиз тарбия қилган киши ҳақида

76. Уқба ибн Омир (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Кимда учта қиз бўлиб, уларнинг тарбиясидаги қийинчиликка сабр этса ва топган молидан уларнинг кийим-кечакларини бут қилса, улар бу кишига дўзахдан парда бўлади", деган гапларини эшитдим».

77. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар. «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир мусулмон кишининг иккита қизи бўлиб, уларни яхши ахлоқ, яхши муомала билан тарбият қилса, қизлари албатта унинг жаннатга киришига сабабчи бўлади", - дедилар».

78. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимнинг учта қизи бўлиб, уларни ўз қўлида тарбия қилиб катта қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши албатта муқаррардир", дедилар. Шунда бир киши: "Ё Расулаллоҳ! Унинг қизи иккита бўлса-чи?" — деб сўради. Расулуллоҳ: "Иккита бўлса ҳам", дедилар».

42-боб. Қизини ва ҳамширасини боққан кишининг фазилати

79. Абу Саид Худрий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деб марҳамат қилганларини хабар қилди: «Уч қизини ёки уч ҳамширасини тарбия қилган киши шубҳасиз жаннатга киради».

43-боб. Қайтиб келган қизни тарбия қилган кишининг фазилати ҳақида

80. Расулуллоҳ (с.а.в.) Суроқа Жуъшум (р.а.)дан: "Сенга садақа-эҳсонларнинг энг каттасини айтиб берайми?" — деб сўрадилар. Суроқа: "Ё Расулаллоҳ, айтиб беринг!" — дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эридан чиқиб сеникига қайтиб келган ва сендан бўлак қаровчиси бўлмаган қизингга қиладиган хайру эҳсонинг эҳсонларнинг энг каттасидир", дедилар.

81-ҳадис 80-ҳадиснинг такрори, фақат у Мусо ибн Суроқа (р.а.)дан ривоят қилинган.

82. Миқдом ибн Маъди Кариб (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ўзинг еганинг, болаларингга, хотинингга ва хизматчиларингга едирганларинг ҳаммаси сенинг қилган садақанг, хайр-эҳсонинг ҳисобланади", деган сўзларини эшитдилар.

44-боб. Қизининг ўлимини орзу қилишнинг макруҳлиги ҳақида

83. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: бир нечта қизи бўлган бир киши Абдуллоҳ (р.а.) ҳузурларида бўлган вақтида уларининг ўлишини орзу қилди. Шунда Абдуллоҳ у кишига қаттиқ ғазаб билан: "Қизларнинг ризқ-рўзини сен ўзингнинг ризқингдан берасанми?" — деб койиган эдилар.

45-боб. Болалар ота-онанинг бахил ва қўрқоқ бўлишларига сабабчидирлар

Яъни ота-она «Болаларимга бўла қолсин», деб фақир ва мискинларга садақа бермай зиқналик қилади, ҳатто тиланчининг



қўлини қайтаради ва уларни тарбия қилиш билан машғул бўлиб, сафарларга чиқишдан (бу ўринда ҳижрат) қўрқади. Қайси масалада бўлсин, болалари кўз олдига келиб, бир иш қилмоққа журъат қилолмайди (т.).

84. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Отам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) бир куни "Мен Аллоҳ таоло номи билан қасамёд қилиб айтаманки, ер юзида Умар ибн Хаттобдан кўра менга суюмлироқ киши йўқ", дедилар. Кейин эшикка чиқиб келдилар-да, менга қараб: "Қизим Ойиша! Мен қандай қасамёд қилдим?" — деб сўрадилар. Мен қасам ибораларининг айнан ўзини қайтариб айтганимда, отам: "Йўқ, суюмлироқ эмас, азизроқ, дейиш керак», деб аввалги сўзларига ўзгартириш киритдилар-да, "Болалар юракка яқинроқдир", деган жумлани ҳам қўшдилар".

85. Ибн Аби Наъим (р.а.) айтдилар: "Бир киши Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) олдига келиб, чибиннинг қони тўғрисида савол қилаётганида мен ҳам бор эдим. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар унга қараб: "Сен қаерликсан?" — деб сўрадилар. У киши: "Мен Ироқ аҳлиданман", деган эди, Абдуллоҳ: "Бу кишини кўринглар! Улар (ироқликлар) ўзлари пайғамбари худонинг ўғлиларини ўлдириб, энди менга келиб чибиннинг қони ҳақида савол бераяпти. Мен набий муҳтарам (с.а.в.)дан: "Булар иккаласи бу дунёдаги менинг райҳонимдир", деган сўзларини эшитган эдим", дедилар".

У киши Маккаи мукаррамага кириш учун эҳром боғлаган одам пашша, чибинни ўлдирса, бу гуноҳдан қандай қилиб қутилади, деб сўраган эди. Одам қонини, боз устига Расулуллоҳнинг «Булар менинг бу дунёдаги райҳонларимдир», деб айтганлари набираларини қатл этган одамларнинг вакили чибин қони ҳақида сўраши Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)га ғалат туюлган (т).

46-боб. Гўдакни елкага миндириш ҳақида

86. Барро ибн Озиб (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг имом Ҳасанни елкаларига миндириб: "Эй, Раббим! Мен буни севаман, сен ҳам уни севгин!"— деб келаётганларини кўрган эдим", дедилар.

47-боб. Солиҳ фарзанд кўз нури эканлиги ҳақида

87. Жубайр ибн Нуфайр (р.а.) айтдилар: "Бир куни биз Миқдом ибн Асвад (р.а.) ёнларида ўтирган эдик. Шу вақтда бир киши келиб, у жанобга "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак юзларини кўрган бу икки кўз қандай бахтли кўздир, бизлар ҳам кошки сиз кўрганларни кўрган ва бўлган ерларингизда бўлган бўлсак эди", деди. У кишининг бу гапидан Миқдомнинг аччиқлари чиққандек бўлди. Мен у зотнинг жаҳллари чиққанидан ҳайрон бўлдим, чунки у кишининг қилган орзуси жуда яхши бўлиб, ундан хафа бўлишга ҳеч ўрин йўқ эди. Кейин Миқдом у кишига қараб: "Аллоҳ таоло насиб қилмаган ва ўтиб кетган ишларни орзу қилишга кишини нима мажбур қилади? У орзу қилаётган ишларга эришган тақдирда ҳоли нима бўлишини ўзи билмайди-ку! Мен Аллоҳ таоло номи билан қасамёд қилиб айтаманки, Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган баъзи кишиларни Аллоҳ таоло дўзахийлардан қилди, чунки улар Расулуллоҳ (с.а.в.)га итоатсизлик қилдилар ва даъватларини қабул қилмадилар. Аллоҳ таоло сизларни дунёга келтириш биланоқ уни таниб, пайғамбари олиб келган дин ва шариат қонунларини тасдиқ қилдингиз, бошқа одамлар тортган мусибат ва қийинчиликларни



сиз тортмалингиз. Мана шулар учун Аллоҳга ташаккур айтмайсизми? Бошқа пайғамбарларга нисбатан бизнинг пайғамбаримиз энг оғир ҳолда ва пайғамбарлик узилиб, жоҳилият даври ривож топган ва бутларга чўқинишдан яхшироқ дин йўқ, деб эътиқод қиладиган кишилар замонида пайғамбар бўлдилар. У зот ҳақ билан ноҳақни ажратиб берувчи ва ота билан болани ҳам бир-биридан айириб қўювчи Қуръон-и каримни ва Ислом динини олиб келдилар. Аллоҳ таоло дилининг қулфини иймон билан очган бир банда ўзининг отаси ё боласи ёхуд ака-укаларининг кофир бўлиб, ўлгандан кейин дўзахга боришини билгани сабабли, уларни чин кўнгил билан севмади. Мана шундай кишилар ҳақида Аллоҳ таоло: «Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт!» (25:74) — деб сўрайдиган кишилардир, — деб мадҳ қилди, дедилар Миқдом ибн Асвад (р.а.)".

48-боб. Ўз кишисини дуо қилиш ҳақида

88. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши айтдилар: "Бир куни онам ва холам Умму Ҳиром (р.а.) билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бордик. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) келдилар-да: "Сизлар билан биргаликда бир намоз ўқиб олсак", дедилар. Аммо бу вақт намоз вақти эмас эди". Шу воқеани сўзлаб турган вақтида Анас (р.а.)га бир киши: "Сен намоз ўқиётганингда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қайси томонларида эдинг?" деб сўради. Анас (р.а.): "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўнг томонларида бўлдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан намозни ўқиб бўлганимиздан кейин, "Буларнинг дунё ва охиратини обод қилгин!" — деб бизнинг хонадонимиз

ҳақига дуо қилдилар. Шундан кейин онам: "Ё Расулуллоҳ, бу кичик ходимчангиз Анас ҳақига яна бир дуо қилсангиз", деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) мен учун ҳамма яхшиликларни Аллоҳдан сўраб ва охирида: "Эй, Аллоҳ! Анаснинг моли ва фарзандларини кўпайтир ва уни баракатлик қил!" — деб дуо қилдилар".

49-боб. Она меҳр-шафқатлидир

89. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Ҳз. Ойиша (р.а.)га бир хотин (тиланчи) келди. Ҳз. Ойиша (р.а.) унга учта хурмо берган эдилар, у ёнида олиб келган икки боласига ундан биттадан берди-да, биттасини ўзи учун олиб қолди. Болалар хурмоларини еб бўлиб, яна оналарига қарашди. Она қўлида ушлаб турган хурмосини иккига бўлди-да, яримтадан болаларига узатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) келганларида ҳз. Ойиша (р.а.) бу воқеани у жанобга ҳикоя қилиб берган эдилар, "Сен нега бундан ажабланасан? Икки боласига марҳамат, меҳр-шафқат қилгани учун Аллоҳ таоло ҳам унга марҳамат қилади", дедилар".

50-боб. Ёш болаларни ўпиш ҳақида

90. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир аъробий келиб: "Сизлар ёш болаларингизни ўпасизми? Бизларда бундай одат йўқ", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло сенинг кўнглингдан раҳматини тортиб олган бўлса, уни мен қандай қилиб сенинг кўнглингга жойлай оламан", дедилар".

91. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни набиралари имом Ҳусайнни ўпдилар, шу вақтда ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис (р.а.) ўтирган эдилар. У киши: "Менинг ўнта болам бор, улардан



биттасини ҳам ўпган эмасман", дедилар. Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) унга қарадилар-да: "Марҳаматлик бўлмаган кишига Аллоҳ таоло ҳам марҳамат назари билан қарамайди", дедилар".

51-боб. Фарзандларга одоб ўргатиш ҳақида

Одоб барча яхши ва эзгу хислатларни ўз ичига олади. «Адаб» — чақирмоқ маъносида бўлиб, кишиларни яхшиликка даъват қилгани, ёмонликдан қайтаргани учун шу хислат «одоб», деб аталган (т.).

92. Валид ибн Нумайир (р.а.) айтишларича, ўтмиш кишилар болаларнинг солиҳ-қобил бўлишлари Аллоҳ таолонинг тавфиқи билан бўлади, аммо уларга одоб-ахлоқ ўргатиш оталари вазифасидир, дер эканлар.

93. Башир ибн Саъд (р.а.) ўз ўғлилари Нуъмон ибн Баширни кўтариб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдилар-да: "Ё Расулаллоҳ! Мен шу ўғлим Нуъмонга фалон-фалон нарсаларни бердим, сиз шунга гувоҳ бўлинг", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳамма болаларингга ҳам шундай нарсаларни бердингми?" — деб сўрадилар. Башир: "Йўқ, фақат Нуъмоннинг ўзигагина бердим", деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Шундай қилган бўлсанг мен бунга гувоҳ бўла олмайман, бошқа одамларни гувоҳ қил!" — дедилар. Кейин: "Фарзандларингнинг ҳаммаси сенга бир хилда яхшилик қилишларини хоҳлайсанми?" — дедилар. У киши: "Албатта, шундай бўлишларини хоҳлайман", деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ундай бўлса, Нуъмоннинг ўзигагина бериб, бошқаларини маҳрум қилишинг дуруст эмас", дедилар.

Имом Бухорий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Мен бунга гувоҳ бўлмайман», деган сўзларидан, бошқалар гувоҳ бўлган тақдирда, болаларингдан биттаси — ўша Нуъмонга ҳамма нарсанини бериб, бошқаларига бермасанг ҳам бўлаверади, деган маъно тушунилмасин, де-

дилар. Бу ўринда гувоҳ бўлмайман, дейишдан мурод адолатсиз тақсимотга гувоҳ бўлиш инсофдан ташқари, инсофдан ташқари ишлар пайғамбарлик хислатларига ётдир, деган маънодир. «Бошқаларни гувоҳ қил», дейишдан мурод — агар жуда ҳам шу ишни қилмоққа қасд қилган бўлсанг, у ҳолда адолатсизликка тарафдор инсофсиз одамларни топа қол, деганидир (т.).

52-боб. Ота фарзандларига яхшилик қилиши ҳақида

94. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): "Аллоҳ таоло Қуръон-и каримда яхши бандаларни аброр, деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳақи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳақи бор", дедилар.

53-боб. Марҳаматсиз кишига марҳамат қилинмайди

95. Абу Саид (р.а.) ривоят қилди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Марҳамат қилмаган кишига марҳамат қилинмайди», дедилар.

96-97-ҳадисларда 91-ҳадис мазмуни такрорланган, фақат улар Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинган. 90- ҳадис мазмуни эса, 98-ҳадисда айнан такрор келган, у ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинган. 99-ҳадис мазмуни ҳам 90-ҳадис каби, аммо уни Абу Усмон Наҳдий ҳз. Умар (р.а.)дан ривоят қилган.

54-боб. «Раҳмат юз бўлакдир»

100. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Аллоҳ таоло марҳаматни юз бўлак қилиб яратди-да, ундан тўқсон тўққиз бўлагини ўзида қолдириб, бир бўлагинигина ер юзига туширди. Мана шу бир бўлак раҳмат билан ҳамма махлуқотлар бир-бирига раҳм қилишади, ҳатто от ҳам ўз тойчоғига тегиб кетмасин деб аяб, оёқларини юқорига кўтариб туради", деган сўзларини эшитдим".



55-боб. Қўшничиликнинг аҳамияти ҳақида

101. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳз. Жаброил қўшни ҳақига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топшириқ) қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак, деб ўйладим", - дедилар".

Қўшни ҳақи — қўлдан келганча унга яхшилик қилиш, масалан, ҳадялар бериш, кўрганда очиқ юзлик билан муомала қилиш, аҳволидан хабар олиб туриш, иложи борича моддий ёрдам беришдан, агар моддий ёрдам қўлидан келмаганда, унга озор берадиган ишларни қилмасликдан иборат. Расулуллоҳ (с.а.в.) берган таълимотга кўра, қўшничиликда дин ва миллат танланмайди, барча тенгдир (т.).

102. Абу Шурайх Ҳизоий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар ким Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини ҳурмат қилсин ва ширин сўзли бўлсин. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, унда гапиришдан тилини сақласин", дедилар".

56-боб. Қўшни ҳақи тўғрисида

103. Миқдом ибн Асвад (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларидан: "Зино нима?" — деб сўрадилар. Улар: "Зино қилиш ҳаром, уни Аллоҳ таоло ва унинг Расули ҳаром деб атаганлар", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Киши ўнта хотинни зино қилгани қўшнисининг хотинини зино қилгани гуноҳидан енгилроқдир", дедилар. Яна Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ўғрилик тўғрисида нима дейсизлар?" — дедилар. Улар: "Ўғрилик – ҳаром, уни Аллоҳ таоло ва унинг Расули ҳаром деб атаганлар", деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ўнта хонадондан ўғрилик қилиши битта қўшни уйидан ўғрилик қилишдан енгилроқдир", дедилар".



57-боббаги 104-ҳадис мазмуни 101-ҳадисда бор, аммо бундаги ҳадис ҳз. Умар (р.а.)дан ривоят қилинган, 105-ҳадис ҳам такрор, фақат бунда Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)нинг қўй сўйганда яҳудий қўшнига ҳам гўштдан улуш бердингми, деб аёлидан икки бор сўраганлиги таъкидланган. 106-ҳадис 101-ҳадиснинг айнан такроридир.

58-боб. Қайси қўшни яқинроқ бўлса...

107. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ё Расулаллоҳ! Менинг иккита қўшним бор, ҳадяни шулардан қайси бирига беришим керак?" — деб сўраганимда, "Қайси биттасининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга берасан", дедилар".

108-ҳадис 107-ҳадиснинг айнан такрори.

59-боб. Қўшничиликнинг ҳудуди ҳақида

109. Ҳасан Басрий (р.ал.)дан қўшни ҳақида сўралганда, у шундай жавоб берди: «Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орт томондан қирқ, ўнг томонидан қирқ, сўл томондан қирқ ҳовлининг ҳаммаси қўшни ҳисобланади».

110. Абу Ҳурайра (р.а.): «Яқиндаги қўшни қолиб, узоқдагига юугурилмайди. Қўшничилик узоқдагиси билан эмас, яқиндагиси билан бошланади.

60-боб. Қўшнисини уйига киритмаган киши ҳақида

111. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: "Бизнинг ёшлигимизда кўрганимиз шундай эдики, у вақтда ҳеч бир киши ўз олтин-кумушини бошқа мусулмон биродаридан азизроқ ҳисобламас эди. Энди ҳозир эса, ҳар биримиз учун олтин-кумуш ҳар қандай мусулмон



биродаримиздан яхшироқ бўлиб қолди. Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Бир қанча қўшнилар қиёмат куни ўз қўшниларининг этагидан ушлаб: "Ё Рабби! Мана бу қўшним бошимга иш тушган вақтда ёрдам қилиш ўрнига эшигини қулфлаб олган эди, деб даъво қилади", деган ҳадисларини эшитган эдим".

61-боб. Ўзи тўқ бўлиб, қўшниси оч ўтирмасин

112. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)га: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши (чин) мўмин эмасдир", деган сўзларини эшитдим», дедилар.

62-боб. Шўрбонинг сувини кўпайтириб, қўшниларга ҳам улашиш ҳақида

113. Абу Зарр Ғифорий (р.а.) айтдилар: «Ҳабибим ва дўстим Расулуллоҳ (с.а.в.) менга уч нарсани буюрдилар:

биринчи — ҳатто агар бурни ва қўл-оёқлари кесилган қул сенга бошлиқ бўлса ҳам унга итоат қил;

иккинчи — шўрбо қилсанг, сувини кўпроқ қилиб, қўшниларинг аҳволига қараб, шундан миннат қилмай уларга ҳам бер;

учинчи — намозларни ўз вақтида адо қил! Агар имом намозни ўқиб қўйган бўлса, сен шу намозни (уйда ўқиганинг учун) адо қилган бўласан, ўқимаган бўлсанг, унга иқтидо қиласан-да, у сен учун нафл намози бўлади».

114-ҳадисда 113-ҳадисдаги шўрбога сув солиб қўшниларга ҳам улашиш ҳақидаги ҳадис такрорланган.

63-боб. Қўшнининг яхшиси ҳақида

115. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Суҳбатдошларнинг энг яхшиси хушфеъл ва кўнгилга маъқули ва қўшниларнинг ҳам энг яхшиси қўшнисига муносабатда мумтозидир", дедилар".

64-боб. Солиҳ қўшни ҳақида

116. Нофиъ ибн Абдул Ҳорис (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) "Кенг турар жой, солиҳ қўшни ва беозор улов бўлиши мусулмон кишининг саодатидир", дедилар".

Солиҳ киши деб сўзида, ишида ва умуман барча ҳатти-ҳаракатларида тўғриликни, ростгўйликни, покликни ўзига дастур қилиб олган инсонни айтилади (т).

65-боб. Ёмон қўшни ҳақида

117. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қилиб юрадиган дуоларидан бири шундай эди: "Эй, Аллоҳ! Мен яшайдиган ердаги ёмон қўшнининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман, чунки фоний дунёдаги ёмон қўшнидан кўчибгина қутилишинг мумкин".

Яшайдиган ердан мурод қабристон, дейилмоқчи. Яъни эй, Аллоҳ, ёмон қўшнини биздан, бизни ундан халос қилмоққа Сен ўзинг қодирсан (т.).

118. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Киши ўз қўшнисини, ака-укаларини ва ҳатто отасини ўлдирадиган вақт келмагунча қиёмат-қойим бўлмайди", дедилар".



66-боб. Қўшнига озор бермаслик ҳақида

119. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: "Ё Расулаллоҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади, кундузлари рўза тутади ва одамларга хайр-эҳсон ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин тили билан қўшниларига озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?" — деб сўралганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир", дедилар. Яна: "Фалоний хотин фарз намозини ўқийди ва эски кийим-бош каби арзимайдиган нарсаларини садақа қилади. Шу билан бирга, у ҳеч кимга озор бермайди", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу хотин жаннат аҳлидан", дедилар".

120. Бир хотин ҳз. Ойиша (р.а.)га келиб "Эр хотинига яқинлик қилишни кўнгли тусаб қолганда, хотинининг жаҳли чиқиб ёки кайфи чоғ турганидан эрининг талабини қабул қилмаса, гуноҳкор бўладими?" — деб сўради. Ҳз. Ойиша (р.а.): "Албатта гуноҳкор бўлади. Ҳатто шундоқки, агар эр эгар устида ўтирган чоғида ҳам хотинидан талаб қилиб қолса, у йўқ демаслиги керак", дедилар. У хотин яна ҳз. Ойишадан: "Хотин хайз кўрган бўлса, уйида ўзи билан эрига фақат битта тўшак ёки битта кўрпадан бўлак ётадиган нарсаси бўлмаса, эри ундан талаб қилганда хотин нима қилсин?" — деб сўради. Ҳз. Ойиша: "У вақтда хотин остки кийимни кийиб олиб, эри билан ётаверади. Аммо эри бўлса, унинг махсус еридан бўлак аъзоларидан истаганича фойдаланиши жоиздир. Мен сенга Расулуллоҳ (с.а.в.) билан қилган ишимизни очиқ айтиб бера қолай. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мен билан бўладиган кечаларида қўл тегирмонида озгина арпани тортиб, ундан нон ёпдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга кирдилар-да, эшикни қулфлаб, уйдаги намоз ўқийдиган жойларига бордилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг одатлари ухлаш олдидан эшикни қулфлаш, сув солинадиган мешнинг оғзини ип билан боғлаш, таом сузиладиган идишларни ерга тўнтариб,

чироғни ўчириб қўйиш эди. Шуларни қилиб бўлгандан кейин ётар эдилар. Шунда мен Расулуллоҳ (с.а.в.) намозларини ўқиб бўлсалар, нонларини олдиларига қўяман, деб кутиб ётиб ухлаб қолибман. Расулуллоҳ намозни ўқиб бўлиб совуқ қотдилар шекилли ёнимга келдилар-да, мени уйғотиб: "Мени иситиб қўй", дедилар. Мен: "Ё Расулаллоҳ! Мен хайз кўриб қолдим", деган эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Майли, икки сонингни оч", дедилар. Мен икки сонимни очдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак юзлари ва бошларини сонларим устига қўйиб ётиб озгина исиниб ухладилар, ана шу вақтда қўшнимизнинг уйда боқадиган қўйи уйимизга кириб, нонни олиб кетди. Унинг оғзидан нонни олиб қолиш учун қилган ҳаракатимдан Расулуллоҳ (с.а.в.) уйғондилар-да: "Майли, ундан қолгани ҳам кифоя қилади, қўйи тўғрисида гапириб қўшнингга озор бермагин!" — дедилар.

67-боб. Қўйининг почаси билан бўлса ҳам қўшнига ҳадя бериш ҳақида

121. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қайси бир кишининг ёмонлиги ва озор беришидан қўшниси тинчимайдиган бўлса, у жаннатга кирмайди", деганлар.

122. Амр ибн Муоз бувиси Ҳавводан ривоят қилишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, мусулмон хотинлар! Агар қўшнингиздан қўйининг почасидек бир арзимас нарса чиқса ҳам таҳқирламасин», дедилар.

Қўшни хотинларнинг бир-бирларига озми-кўпми нарсалар бериб туришлари ўзаро муносабатларни яхшилаб бораверади. Ҳадисга иккинчи маъно ҳам берилиши мумкин: ҳеч кимса қўшнидан чиққан нарсани «Шу арзимайдиган нарсани бердими!» — деб таҳқирламасин, чунки ҳар ким ўз ҳиммати ва қудратига яраша ҳадя қилади. Ҳадя оз бўлгани учун уни менсимаслик ўртада адоватни қўзгатади (т.).

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 123-ҳадис мазмуни 122-ҳадиснинг айнан такроридир.



68-боб. Қўшнидан шикоят қилиш ҳақида

124. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)га келиб: "Ё Расулаллоҳ! Менинг бир қўшним бор, у менга кўп озор беради", деб шикоят қилди. Расулуллоҳ)с.а.в.) унга: "Уйингга бориб ҳамма буюм, асбоб-ускуналарингни кўчага чиқариб қўй", деб маслаҳат бердилар. У Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрганларидек уйидаги нарсаларини кўчага чиқариб қўйди. Одамлар йиғилиб: "Бу нима, нима ҳодиса бўлди?" — деб сўрашганда, у бўлган воқеани уларга айтиб бергандан кейин, улар: "Ўз қўшнисига озор берган бундай қўшнига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!" — деб дуоибад қила бошладилар. Бу можародан хабардор бўлиб қолган ўша ёмон қўшни ўзи келиб узр сўради ва: "Юкларингни уйингга киргизиб қўявер! Бундан кейин сенга сира озор бермайман", деб қасам ичди.

125-ҳадисда 124-ҳадис мазмуни такрор келган, фақат у Жуҳайфа (р.а.)дан ривоят қилинган.

126. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) илгари жаноза намози ўқиладиган ер (мақоми Иброҳим)да оқ кийим кийган бир киши билан рўбарў ўтирган вақтларида бир одам ўз қўшнисидан кўраётган зулмдан шикоят қилгани келиб, мақоми Иброҳим билан Рукни Ямоний ўртасида ўтирди-да: "Ё Расулаллоҳ! Ота-онам сизга фидо бўлсин, ёнингиздаги оқ кийим кийган киши ким эди?" — деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уни сен кўрдингми? Сенга кўп яхшилик, баракотлар келибди, у ҳазрат Жаброил эдилар. Жаброил (а.с.) менга қўшничилик ҳақида кўп таъкид қилдилар, ҳатто мен қўшниларни бир-бирига меросхўр қилиш ҳақида Аллоҳ таолодан ваҳй келтирдилар шекилли, деб гумон қилдим", дедилар".

Мақоми Иброҳим — Ҳарами шариф ичида, Каъбанинг ўнг тарафидаги кичик бир ер, рукни Ямоний эса, унинг ўнг тарафидаги бурчак номи (т.).

69-боб. Қўшнини кўчиб кетишга мажбур қилган киши ҳақида

127. Савбон (р.а.) айтдилар: "Икки киши бир-бири билан уч кундан ортиқ аразлашиб юриб, бит-таси вафот этса ёки иккаласи ҳам ярашиб олмай, шу ҳолда ўлса, албатта, иккиси ҳам Аллоҳнинг қаҳрига йўлиқади. Қайси бир қўшни ўз қўшнисига зулм қилиб, уни ўз ҳовлисидан чиқиб кетадиган ҳолатга келтирса, албатта ҳалокатга учрайди", дедилар.

70-боб. Қўшни яҳудий бўлса ҳам...

128. Мужоҳид (р.а.) айтдилар: «Ибн Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)нинг ёнида эдим. Қули бир қўйни сўйиш учун судраб олиб кетаётган эди. «Эй, йигит! — деди Ибн Амр. — Қўйни сўйганинг заҳоти улуш беришни ёнимиздаги яҳудий қўшнимиздан бошлаш эсингдан чиқмасин!» Ёнимизда турган бир одам: «Яҳудийга эҳсон қиласанми? Аллоҳ сени ислоҳ қилсин!» — деди. Абдуллоҳ ибн Амр: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қўшнига эҳсон қилишликни тавсия этганларини эшитганман, шунчалар кўп тавсия қилганларки, ҳатто қўшни бизга меросхўр бўладимикин, деб ўйлаб қолганмиз». деб жавоб берди[1].

[1] Бу ҳадис мазмуни қисман «Қўшничиликнинг аҳамияти ҳақида» деган 55-бобдаги 101-ҳадисда бор (м.м.)



71-боб. Карам ҳақида

129. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: «Саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Одамларнинг энг карими ким?" — деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Одамларнинг энг карими Аллоҳ таолодан қўрқувчироғидир", дедилар. Улар: "Ё Расулаллоҳ, биз уни сўрамадик", дейишди. Расулуллоҳ: "Одамларнинг каримроғи ҳазрат Яъқуб пайғамбар ўғли ва Иброҳим халилуллоҳнинг набираси ҳазрат Юсуф пайғамбар (а.с.)дирлар", дедилар. Улар яна: "Бизнинг саволимиз бу ҳақда ҳам эмас эди", деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сиз арабларнинг маъдани қабилалари ҳақида сўраётган бўлсангиз керак, жоҳилият замонида ким яхши бўлган бўлса, Ислом динини қабул қилиб, уни яхши ўрганиб ва шунга мувофиқ амал қилса, уларнинг яхши номи — каримликлари давом этаверади", — дедилар.

Карам сўзи кўп маънони ўз ичига олади. Карам инсонга хос бўлган виқор ва фазилатлар, барчага маъқул келадиган феъл-атворни ифода этади. Карам тўғрисида савол берган саҳобийларнинг мақсадларига Расулуллоҳ тушуниб турган бўлсалар ҳам мусулмон кишилар учун аввал карамнинг юқори қисми бўлган тақвони эслатдилар. Кейин насаби пайғамбарлардан бўлган Юсуф (а.с.)ни зикр этдилар, чунки араблар насабнинг диний томонига эътибор бермай, фақат ҳукмронлик ва мол-мулкда устунликни назарда тутар эдилар. Савол бераётганлар учинчи бор такрорлаганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) мақсадни англатиб, шунда ҳам асосий эътиборни динга қаратиш кераклигини уқтирдилар. Дин бу ўринда тақвогина эмас, ғоя ва виждон ҳамдир (т.).

72-боб. Яхшига ҳам. Фожирга ҳам яхшилик қилавериш ҳақида

130. «Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир» (55:60), деган ақидага Муҳаммад ибн Али

(ибн Ханафия): "Бу ояти карима мазмуни яхши кишига ҳам, фожирга ҳам шомилдир", деб изоҳ берган эдилар.

73-боб. Етим тарбиялаганнинг фазилати ҳақида

131. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бева хотинлар ва мискинлар рўзғорига (ёрдам қилиш учун) ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилувчилар ва кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилардек савобга эгадир", дедилар".

74-боббаги 132-ҳадис мазмуни 89-ҳадиснинг айнан такроридир, фақат 132-ҳадис тўғридан тўғри ҳз. Ойиша (р.а.)нинг ўзларидан ривоят қилинган.

75-боб. Етим боққан кишининг ажри

133. Муррату-л-Фахрий ибн Амр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Етим боланинг тарбиясини ўз устига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади", деб ўрта бармоқлари билан иккинчи бармоқлари (ибҳомлари)ни кўрсатдилар.

134. Ҳасан Басрий (р.ал.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) таом ейдиган вақтларида бир етим бола келиб, у жаноб билан биргаликда овқатланарди. Кунларнинг бирида Абдуллоҳ (р.а.)га таомлари келтирилди, лекин етим бола йўқ эди. Уни ахтариб топиша олмади. Ноилож Абдуллоҳ (р.а.) ўзлари таомни еб бўлганларидан кейин бола келиб қолди. Боланинг таомини олиб келинглар, деб буюрдилар, аммо таом тугаб қолгани учун узр айтилгандан кейин Абдуллоҳ (р.а.) талқон билан асални келтириб, бола олдига қўйдилар-да: "Мана буни тановул қила қол! Аллоҳ номи билан қасамёд қиламанки, сен зиён қил-



ган бўлмадинг", дедилар". Ҳасан Басрий (р.ал.) айтдилар: "Валлоҳи, Ибн Умар (р.а.) ҳам зиён қилмадилар".

Зиён қилган бўлмадинг — яъни таомдан кеч қолган бўлсанг ҳам, бу талқон билан асал биз еган таомдан яхшироқдир.

Ибн Умар (р.а.) ҳам зиён қилмадилар — чунки у киши яхши гап билан боланинг кўнглини кўтариб савобга эга бўлдилар (т.).

135-ҳадисда 133-ҳадис мазмуни такрорланган, фақат у Саҳл ибн Саъд (р.а.)дан ривоят қилинган.

136. Абу Бакр ибн Ҳафснинг айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) бирон етим бола иштирок этмагунча дастурхондан таом емасдилар.

76-боб. Етим асраган хонадоннинг хайри

137. Абу Ҳурайра(р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилганлар: «Бир етимни боқиб олган мусулмон хонадони хайрликдир. Мусулмон хонадонининг энг ёмони етимни хор қилган хонадондир. Етим боққан киши мен билан мана шу икки бармоғимдек жаннатда бирга бўлади».

77-боб. Етимга отадек марҳаматли бўл

138. Абдурраҳмон ибн Абза (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Довуд (а.с.): "Етим болага ўз отасидек марҳаматлик бўл! Нима эксанг ўшани ўришингни яхши бил! Бойлик-дан кейин камбағал бўлиб қолиш жуда ёмон. Бундан ҳам ёмонроқ нарса тўғри йўлда бўлиб, кейин эгри йўлга ўтиб қолишдир. Суҳбатдошингга бир нарса ваъда қилсанг, ўшани амалга ошир! Ваъда қилган нарсангни амалга оширмасанг, орангизда адоват пайдо бўлади. Эслаган вақтингда сенга ёрдами тегмайдиган ва унутганингда сени эсламайдиган суҳбатдошдан паноҳ беришини Аллоҳ таолодан сўраб юр!" — деган эдилар".

139. Ҳамза ибн Нужайх Абу Аммора (р.ал.) айтдилар: "Мен Ҳасан Басрийдан қуйидаги гапларни эшитдим. Ҳасан Басрий: "Мен кўп мусулмонларни кўрган эдим, улардан биттаси эрта билан туриб: "Эй, аҳлларим! Етим болаларингиз, мискинларингиз ва қўшниларингиз холидан хабардор бўлинг", деб насиҳат қиларди. Энди яхши кишиларингизнинг умри тугаб, борадиган ерларига жўнашди. Аммо сизлар бўлса кундан-кун пастлашиб кетаяпсиз", деб эдилар". Яна Ҳамза айтдилар: "Ҳасан Басрий сўзини давом эттириб: "Эндиликда кимники кўрсанг фосиқ бўлиб, ўттиз минглаб ақча билан дўзах тагига шўнғиб бораётганини кўрасан. У нега шундай қилади? Ахир, у Аллоҳ таоло берадиган насибани арзимайдиган нарсага сотаяпти-ку. Яна кимни истасанг, у ўз давлати, мол-мулкини ўринсиз ерга сарф қилаётган, шайтон йўлига кирмоқчи бўлаётганини кўрасан. Унинг ўзи ҳам инсофга келмайди ва бошқалар ҳам унга насиҳат қилмайди (ёки бошқалар насиҳатини қабул қилмайди)", деган эдилар".

140. Асмоъ ибн Убайд: "Қўлимда бир етим бола бор", деб Ибн Сирингa айтди. Шунда Ибн Сирин: "Ўз болангга қандай қарайдиган бўлсанг, қўлингдаги етимга ҳам шундай қарагин. Ўз болангни нима учун урадиган бўлсанг, у етим болани ҳам шунинг учун ур!" — дедилар.

78-боб. Умрини етим болаларига бағишлаган тул хотиннинг фазилати

141. Авф ибн Молик (р.а.) Расулуллоҳдан ривоят қилдилар. "Расулуллоҳ: "Эридан бева қолиб, болаларини сабр билан тарбия қилаётган ва турли машаққатларга учраганидан ранги сарғайиб кетган хотин би-



лан жаннатда шундай бўламиз", деб икки бармоқларини бир-бирига жипс қилиб кўрсатдилар, дедилар".

Яъни шундай хотин жаннатга киради ва даражаси бошқа хотинларга нисбатан менинг даражамдек баланд бўлади(т.).

79-боб. Етимга одоб ўргатиш ҳақида

142. Шумайсату-л-Атакийа айтди: «Ҳз. Ойиша ҳузурларида етим боланинг одоби тўғрисида баҳс бўлди, шунда у зот: "Мен етим болани кейинчалик хурсанд бўлсин, деб ураман", дедилар.

Яъни бола яхши одоб ўрганса, катта бўлганида шу одоби туфайли ҳурматга эга бўлади, демоқчи бўлсалар керак (т.).

80-боб. Болалари ўлган кишининг фазилати ҳақида

143. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қайси бир мусулмон кишининг учта фарзанди ўлган бўлса, дўзах ўти унга тегмайди, фақат Аллоҳ таоло Қуръонда: "Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир" (19:71), деган қасами учунгина у киши ҳам бир тушиб ўтади", — дедилар.

Бу оят тафсирида Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ: "Дўзахга яхши кишилар ҳам, ёмонлар ҳам киради, лекин у мўминлар учун совуқ ва саломатлик бўлади", деганлар». Ибн Аббос эса: "Дўзах ичига кирмай, фақат ёнидан ўтадилар", дедилар. Баъзи саҳобийлар: "Дўзахдан мурод пулсиротдир", дейдилар. (Замаҳшарий, Ал-кашшоф, 2-жилд, 339-саҳифа) (т.).

144. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. «Бир хотин киши Расулуллоҳ ҳузурларига келиб: "Ё Расулаллоҳ, бу болам ҳақига дуо қилинг, мен учта боламни кўмдим", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен зўр қалқон билан дўзахдан тўсилиб қолибсан", дедилар».

145. Холид Абси (р.а.) айтдилар: «Менинг бир ўғлим ўлиб қолганда жуда қаттиқ ачиндим ва Абу Ҳурайрага бориб: "Сиз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўлган кишиларимиз ҳақида бизга далда берадиган бирор гап эшитганмисиз?" — деб сўрадим. Шунда Абу Ҳурайра (р.а.): "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ёш болаларингиз жаннатдаги кичик чавақ (балиқча)лардир", деган ҳадисларини эшитганман, дедилар».

Кичик балиқчалар сувда истаган жойида сузиб юрганидек, мусулмон болалари ёшлигида вафот этган бўлса, жаннатда хоҳлаган ерида юраверади (т.).

146. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимнинг учта боласи вафот этса, бу Аллоҳ таолонинг иродаси, деб сабр қилиб ва шу сабри учун Аллоҳдан савоб умид қилса, у киши жаннатга киради", деганларида, биз: "Ё Расулаллоҳ! Агар унинг иккита боласи ўлиб, шунга сабр этган бўлса-чи?" — деб сўраганда, Расулуллоҳ: "Икки боласи ўлган бўлса ҳам", деб марҳамат қилдилар. Ровий Маҳмуд ибн Лобид деди: «Жобирга: «Валлоҳи! Агар сиз битта боласи ўлган бўлса-чи, деб сўраганингизда, Расулуллоҳ (с.а.в.) албатта битта боласи ўлган бўлса ҳам, деб жавоб берган бўлур эдилар», деганимда, у: «Валлоҳи! Мен ҳам шундай деб ўйлайман», деб жавоб берди».

147-ҳадис 144-ҳадисдаги мазмуннинг айнан такрори.

148. Абу Ҳурайра (р.а.) шундай ривоят қилдилар: «Бир хотин Расули Худога ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ! Сиз саҳобийларингиз билан мажлис қуриб ўтирганингизда мен сўзлашга журъат қилолмайман. Бирон кун бизни бирон жойга тўпланг, (саволларимизга сиздан жавоб ола билайлик)», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Фалон куни фалончининг уйида тўпланингиз», деб марҳамат қилдилар. Хотинлар айтилган куни тўпланишди ва Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб, уларнинг саволларига жавоб берар эканлар, орада шу гапни айтдилар: «Орангизда кимнинг уч боласи ўлган бўлса-ю, Аллоҳнинг ирдасига сабр қилиб умид тутса, албатта, у жаннатга



киради». Бир хотин: «Ё Расулуллоҳ! Икки боласи ўлган киши ҳам жаннатга киради?» – деб сўради. «Икки боласи ўлган бўлса ҳам», деб жавоб бердилар. Мазкур ҳадиснинг ровийси Суҳайл ҳадис тўплаш ва ҳадисга суяниб фикр айтишда бениҳоя зеҳнли эди, аммо ўша куни бу ҳадисни ёзиб олувчи одам топилмади».

149-ҳадис мазмуни 148-ҳадисда ўтди, фақат бунда Умму Сулайм (р.а.) дан ривоят қилинган.

150. Саъсаъа ибн Муовия (р.а.) қаердадир сув ичишини бўйинларига осиб олган Абу Зарр Ғифорий (р.а.) га дуч келдилар. Шунда у киши: "Эй, Абу Зарр, нечта болангиз бор?" — деб сўрадилар. Абу Зарр: "Эй, Саъсаъа, мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Қайси бир мусулмон кишининг балоғатга етмаган учта боласи ўлса, Аллоҳ таоло болаларига марҳамат қилиб, уни албатта жаннатга киргизади ва қайси бир киши бир мусулмонни қулликдан озод қилса, унинг ҳар бир аъзосини озод қилган қулининг аъзоси бадалига дўзах ўтидан сақлайди", деган ҳадисларини эшитган эдим", дедилар.

151. Анас ибн Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг шундай деб марҳамат қилганларини хабар қилди: «Бир мусулмоннинг учта боласи норасида пайтида ўлиб кетган бўлса. Аллоҳ ўша норасидаларга бўлган раҳматининг лутфи билан у кишини жаннатга киритади».

81-боб. Чала туғилиб ўлган бола ҳақида

152. Саҳл ибн Ҳанзалийа (р.а.) ҳеч бола кўрмаган эдилар. У киши: "Аллоҳ таоло менга Ислом динида чала туғилса ҳам бирорта фарзанд берса-ю, мен фарзанд доғига сабр этиб шунга Аллоҳдан бўладиган савобни умид қилсам, бу мен учун бутун дунёдан ва ундаги ҳамма нарсалардан ҳам яхшироқ бўлар эди", деган эдилар.

153. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларидан: "Қайсиларингизга ўз молидан кўра варасаларининг моли яхшироқ кўринади?" — деб сўрадилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ! Ҳаммамизга ҳам ўз моли меросхўрларининг молидан яхшироқдир", дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Билиб қўйингларки, варасаларингизга тегишли мол ўз молингиздан кўра яхшироқ кўринади. Ўзингиздан илгари юборган мол — бу сизнинг молингиз. Аммо ўзингиздан кейин орқангизда қолган мол эса, бу албатта варасалар молидир", дедилар".

Киши ҳаётида молидан яхши ишларга сарф қилса, уни ўзидан илгари юборган бўлиб, манфаати ўзигадир, аммо молпарастлик туфайли уни йиғиб, ўзидан кейин қолдирса, у варасалар моли ҳисобланади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) у мол кишига яхши кўринади, дедилар. Энди варасалар инсофли бўлиб, отадан қолган молни яхши ишларга сарфласалар, албатта, савобдир, бунинг ажр-мукофотини Аллоҳ беради. Аммо улар бетафвиқ бўлиб, ота молини ёмон ишларга сарфлайдиган бўлсалар, маъазоллоҳ, бу албатта гуноҳдир (т.).

154. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийлардан: "Сизлар рақуб деб кимни айтасизлар?" — деб сўрадилар. Саҳобийлар: "Бизлар рақуб деб ўзидан бола туғилмайдиган кишини айтамиз", — дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бундай эмас, рақуб ўзидан илгари бирорта боласини (қабрга) узатмаган кишидир", — дедилар.

Рақуб луғатда икки маънода: бири рақобатдан, яъни кузатиш, сақлаш ва кутиб туриш, иккинчиси боласи турмайдиган киши маъносида, яъни болалари ўлавериб, янги туғилган боласини ҳам аввалгилари қатори ўлиб қолишидан қўрқиб, кузатиб туради. Биринчиси боласи йўқлигидан қайғуриб, Аллоҳ таолодан бола сўраб илтижо қилгани учун савоб кутса, иккинчиси ўзидан кейин болалари қолиб, унинг ҳақида қиладиган дуолари ва хайр-эҳсонларини кутади (т.).

155. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлар паҳлавон деб кимни ҳисоблайсизлар?" — деб саҳобийлардан сўрадилар. Улар: "Биз



курашда ҳеч кимдан йиқилмайдиган кишини паҳлавон деб биламиз", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ундай эмас, балки жаҳли чиққан вақтида ҳам ўзини тия оладиган кишини паҳлавон дейилади", дедилар».

82-боб. Мамлукларга яхши муносабат ҳақида

156. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дардлари оғирлашган вақтида менга: "Эй, Али! Менга ҳайвон курагидан олиб кел, мен умматларим залолатга тушмайдиган нарсаларни ёздираман", дедилар. Мен эса, куракни олиб келгунимча Расулуллоҳнинг оламдан ўтиб қолишларидан қўрқиб: "Ё Расулаллоҳ! Айтадиган гапларингизни мен ёдимда сақлаб қоламан", дедим. Шу вақтда Расулуллоҳнинг муборак бошлари менинг билагим билан елкам устида эди. Расулуллоҳ (с.а.в.)шунда: "Намозни ўз вақтида ўқинглар, закотни беринглар ҳамда қўл остингиздаги кишиларга яхши қаранглар", деб васият қилдилар ва жонлари чиққунга қадар шундай сўзларни айтиб, охирида "Ло илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммаду-р-Расулуллоҳ" калимасига гувоҳлик беришга буюрдилар-да: "Ким шу калимага кўнгил билан гувоҳлик берса, Аллоҳ таоло унинг жасадини дўзах ўтига ҳаром қилади", дедилар".

157. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Биров сизни уйига таклиф қилса боринг, ҳадя қилинса, қабул қилинг ва мусулмонларни урманг", дедилар.

Таклиф хоҳ зиёфатга, хоҳ бирор тўйга бўлса (башарти у ерда ичкилик каби бузуқ ишлар бўлмаса) унга бориш лозим. Ҳадя берилганда уни ҳазм қилиб кетмай, иложи бўлса яхшироқ бирор нарса бериш албатта яхшироқдир. Шаръий ёки қонуний ҳукм билан бўлмаса, мусулмонларни ва шу жумладан қарамоғидаги кишиларни ноҳақ уриш албатта ҳаромдир (т.).

158. Ҳз. Али (к.в.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўнгги сўзлари шундай бўлди, деб хабар қилдилар: «Намозни канда қилманг, намозни канда қилманг. Қарамоғингиздаги кишиларга ёмон муносабатда бўлишдан Аллоҳдан қўрқинг!»

83-боб. Қарамоғидаги кишиларга ёмон қараш ҳақида

159. Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинди. У зот айтдилар: "Байтарий ҳайвонларни қандай яхши билса, биз сизларни ундан кўра ҳам яхшироқ биламиз. Яхшиларингизни ҳам, ёмонларингизни ҳам билиб олдик. Кимки одамларнинг яхшилигидан умидвор бўлиб, ёмонлигидан амин бўлиб юрадиган бўлса, у яхши киши. Аммо яхшилигидан умид узиб, ёмонлигидан қўрқиб юрадиган бўлса ва озод қилган қулига яхшилик ва ёрдам қилмаса, у ёмондир".

Байтарий _ мол дўхтири демоқчи (т.).

160. Абу Умомадан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Кимки (қўлидаги бор нарсаларидан) кишиларга бермаса, (сафарда овқатимга ҳамроҳларим шерик бўлмасин деб) овқатини ўзи еса ва қулини урадиган бўлса, у киши Аллоҳнинг неъматворлигини инкор қилувчидир".

161. Ҳасан Басрий айтдилар: "Бир киши ўзининг қул боласига тевани суғориб келишни буюрганда, бола ухлаб қолиб, хўжасининг буйруғини бажара олмаган экан. Шунда у боланинг юзига чўғ отган, қул бола қочиб бориб қудуққа йиқилган. У эрта билан Ҳз. Умар ҳузурларига борди. Ҳз. Умар боланинг юзидаги чўғнинг асарини кўриб, уни озод қилиб юборишни буюрдилар".



84-боб. Чўрини аъробийга сотиб юбориш ҳақида

162. Амр (р.а.) айтдилар: Ҳз. Ойиша (р.а.) ўзларининг бир чўриларига: "Мен вафот этганимдан кейин сен озодсан", деб қўйган эдилар. "Бир кун ҳз. Ойиша бетоб бўлиб қолдилар. Шунда акаларининг ўғиллари суданлик ёки ҳиндистонлик бир лўли табибга у зотнинг дардини айтишганда, табиб: "У киши сеҳрланганлар, у зотни ўз чўрилари сеҳр қилган", деди. Табибнинг сўзини Ойишага айтилганда, у киши чўрини чақириб сўрадилар. Чўри эса сеҳр қилганини эътироф қилди. Ҳз. Ойиша (р.а.): "Нима учун бу ишни қилдинг, энди бундан кейин сен сира чўриликдан қутилмайсан", дедилар-да, "Буни чўриларига ёмон қарайдиган аъробийларга сотиб юборинглар", деб буюрдилар.

85-боб. Хизматкорнинг гуноҳини кечириш ҳақида

163. Абу Умома (р.а.) айтдилар. "Расулуллоҳ (с.а.в.) иккита қул болани олиб келдилар-да, бирини ҳазрат Алига бериб: "Буни урма, чунки биз келганимиздан буён унинг намоз ўқишини кўрдим. Намоз ўқийдиган кишини уришдан Аллоҳ мени қайтарган", дедилар. Иккинчисини Абу Зарр (р.а.)га бериб: "Бунга яхшилик қил, хайрихоҳ бўл", дедилар. Абу Зарр у қул болани озод қилиб юбордилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Заррга: "Қул бола қалай?" – деб сўраганларида, у киши: "Бунга хайрихоҳ бўл, деган эдингиз, мен уни озод қилиб юбордим", дедилар".

164. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди, айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага келган вақтларида у кишига хизмат қиладиган ходим йўқ эди. Отам Абу Талҳа менинг қўлимдан ушлаб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига олиб бориб: "Ё Расулаллоҳ! Анас зийрак,

бола, сизга хизмат қилиб юрсин", деб мени Расулуллоҳ (с.а.в.)га топширдилар. Мен вафотларига қадар Расулуллоҳ (с.а.в.)га сафарларида ҳам, сафарда эмас вақтларида ҳам хизмат қилдим. Бирорта ишни ноўрин қилиб қўйганимда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Нега буни шундай қилдинг?" ва бир ишни қилмай қўйган бўлсам ҳам: "Нега буни қилмадинг?" – деб айтган эмаслар".

86-боб. Қул ўғирлик қилса...

165. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Агар мамлук ўғирлик қилса, уни йигирма тангага бўлса ҳам сотиб юбор", дедилар.

87-боб. Хизматкор гуноҳ қилса...

166. Осим ибн Луқайт ибн Саҳра (р.а.) айтдилар: "Мен Пайғамбари Худо ҳузурларига етиб келдим. Шу вақтда подачи бир қўзичоқни орқасидан итариб қўйхонага киритаётган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен мен учун қўй сўйилди, деб ҳисоблама! Бизда юзта қўй бор, кўпайиб кетишини истамаймиз, қачон чўпон янги туғилган қўзичоқни олиб келса, ўрнига бир қўйни сўямиз", дедилар".

88-боб. Қулга топширилган нарсани муҳрлаб бериш ҳақида

167. Абу Олия (р.а.)дан ривоят қилинди: "Бизлар хизматчиларимиз ёмон одатга ўрганмасин ва ўзимиз бадгумон бўлмайлик, деб уларга буюрилган нарсани муҳрлаб, ўлчаб ва санаб беришга даъват этилганмиз".

Бу ўринда гарчи қулга топшириладиган иш ҳақида гап борса-да, аммо шарти умумийдир. Бошқаларга иш топширадиган ҳар бир киши азбаройи бадгумон бўлишдан халос бўлмоқ учун ва бировларни айбдор қилиб қўйиш гуноҳидан фориғ бўлмоқ мақсадида буни ўз турмушида тадбиқ этмоғи зарурдир (т.).



89-боб. Хизамткорни сийлаш ҳақида

168. Салмон Форсий: «Хизматкор менга хиёнат қилиб қўйишидан қўрққаним учун уни гўштлари шилинган суяклар билан ҳамиша сийлаб тураман»: дедилар.

169-ҳадис 168-ҳадиснинг айнан такрори.

90-боб. Хизматкорга одоб бериш ҳақида

170. Язид ибн Абдуллоҳ ибн Кусайт (р.а.) айтдилар: "Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ўзларининг ғуломларига олтин ёки кумуш бериб, уни алмаштириб келиш учун юбордилар. Ғулом эса уни насяга алмаштириб келганда, Абдуллоҳ уни қамчин билан уриб: "Ҳозир қайтиб бориб, пулнинг ўзини менга қайтариб олиб кел!" – дедилар".

Шариати исломия ҳукмида олтинни кумушга ёки кумушни олтинга алмаштирилса, иккаласи нақд ва қўлма-қўл берилиши шарт. Акс ҳолда бу иш рибо ҳисобланади.

171. Абу Масъуд (р.а.) айтдилар: "Мен ўзимнинг ғуломимни ураётган эдим, шу пайтда орқамдан: "Эй, Абу Масъуд! Билиб қўйки, Аллоҳ таолонинг сенга қодирлиги сенинг қулингга қодирлигингдан албатта зўрроқдир", деган овозни эшитдим. Бундай қарасам овоз эгаси Расули Худо эканлар. Шу онда мен: "Ё Расулаллоҳ! Аллоҳ таолонинг ризоси учун бу ғуломимни озод қилдим", дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Агар буни озод қилмаганингда, сени албатта дўзах ўти куйдирар эди", дедилар".

91-боб. Бировни юзи қора бўлсин, деб қарғамаслик ҳақида

172. Абу Ҳурайра (р.а.) Расули акрам (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.: "Фалончининг юзини Аллоҳ хунук қилсин, деб дуоибад қилманглар", дедилар".

173. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Ҳеч кимни Аллоҳ таоло юзингни ва менинг юзимга ўхшаган юзни хунук қилсин, деб асло дуоибад қилма, чунки Аллоҳ таоло ҳз. Одам (а.с.)ни ҳам ўз суратида яратгандир".

Бу "ўз суратида" деган ибора маъносида уламолар ҳар хил фикр билдирганлар. Баъзилар суратдан мурод сифатдир, яъни Аллоҳнинг сифатларидан баъзиси: билиш, кўриш, эшитиш кабилар Одам (а.с.)да ва унинг авлодларида ҳам бор. Шунинг учун "Сенинг юзингга ўхшаган юзга ҳам" деганида, Аллоҳ таолога қарата айтган бўлади, деб талқин қилсалар, баъзилар "(Ўз сурати) деб Одам (а.с.)нинг суратини ирола қилган, у вақтда Одам (а.с.)ни дуоибад қилган бўлади", дейдилар. Бу ҳақда яна бошқа эътимодли манбаларга мурожаат қилиш мумкин (т.).

92-боб. Юзга урмаслик ҳақида

174. Абу Ҳурайра (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилдилар. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қайси бирингиз ўз қулини урса, юзига эҳтиёт бўлсин", дедилар".

Юзда кўзга ташланадиган нозик аъзолар бор, уларга мушт тегса инсон айбли ва хунук бўлиб қолади (т.).

175. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) белги қилиш учун юзига тамға босилган бир ҳайвон ёнидан ўтиб қолдилар. Унинг икки бурун тешигидан тутун чиқаётган эди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Шу ишни қилган кишига Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин! Ҳеч ким бирон махлуқнинг юзига тамға босмасин ва юзига урмасин", дедилар".

93-боб. Ким қулининг юзига урса, уни озод қилсин

176. Ҳилол ибн Ясоф (р.а.)дан ривоят қилинди: "Сувайд ибн Муқаррин (р.а.) ҳовлисида кийим-бош сотаётган эдик. Бир чўри қиз чиқиб бир кишига ниманидир гапирди, у киши чўрининг юзига бир шапалоқ урди. Шунда Сувайд ибн Муқаррин (р.а.) унга қараб: "Чўри-

нинг юзига урдинг-а, бизлар етти ака-ука бўлиб, хизматимизда биттагина чўри бўлган эди. Унинг юзига қайси биримиз бир шапалоқ урганда Расулуллоҳ (с.а.в.) у чўрини озод қилиб юборишни буюрдилар", деди".

177. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ким ўз қулининг юзига урса ёки қилмаган гуноҳи учун унга танбиҳ берса, бу ишининг каффороти ўша қулни озод қилишдир", деган сўзларини эшитдим, дедилар".

178. Муовия ибн Сувайд ривоят қилдилар: «Бир қулимиз бор эди. Мен унинг юзига урган эдим, у қочди. Отам мени ҳам, уни ҳам чақириб, қулга шундай деди: «Гапнинг қисқаси шулки, биз Муқаррин ўғиллари етти биродар эдик ва бизнинг биргина қулимиз бор эди, биродарларимиздан бири унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бундан хабар топиб шундай марҳамат қилган эдилар: «Уларга айтинг, қулини озод қилиб юборсинлар». Ул зотнинг бу гапларини эшитган асҳоблар: «Ё Расулаллоҳ! Уларнинг шу биргина хизматчиси холос, бошқа хизматчилари йўқ», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Майли, у ҳолда уни ишлатаверсинлар, аммо унинг ишига эҳтиёжлари қолмагач, албатта, озод қилсинлар», демишлар».

179-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори. аммо бу ҳадис Шўъбадан ривоят қилинган.

180. Зазан ибн Умар айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг ҳузурларида эдик. Бундан бир неча кунлар илгари бир сабаб билан куйиб қолган қулини чақирди. Кўйлагини кўтариб куйган жойини кўрди ва: «Анча азобландингми?» – деб сўрадилар. «Ҳа», деди қул. Шундан кейин Абдуллоҳ қулни озод қилдилар. Сўнгра ердан бир чўп олиб, бу қулни озод қилишдан мен учун мана шу чўп оғирлигида ҳам савоби йўқ, деди. Мен у кишидан: «Эй, Абу Абдурраҳмон! Нега бундай деяпсиз?» – деб сўрадим. Ибн Умар (р.а.): «Мен Расулул-

лоҳ (с.а.в.)нинг: «Кимнингки қули иш пайтида бадани-дан жароҳат олса ёки хожаси унинг юзига урса, ўша қулни озод қилсин», деганларини эшитганман».

94-боб. Қулнинг қасос олиши ҳақида

181. Аҳмад ибн Ясир (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Ким ўз қулига зулм қилиб уни ноўрин урса, қиёмат куни албатта ундан қасос олинади", дедилар.

182. Абу Лайла ривоят қилди: «Салмон Форсий (р.а.) уйидан чиқди. Оғилхонага қарасаки, молларга етарли ем берилмаган. У қулини чақириб: «Агар мен охиратдаги қасосдан қўрқмаганимда сенга танбиҳ берган бўлардим», деди».

183. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қиёмат куни зиммангиздаги ҳақни албатта ўз эгаларига топширасизлар, ҳатто шохсиз қўй учун шохлик қўйдан ҳам ўч олинади", дедилар.

184. Умму Салама уммул-мўминин (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) у зотнинг навбатида уйларида бўлиб, ўзларининг чўрилари ёки Умму Саламанинг чўрисини чақирдилар. Чўри (дарҳол келмай) таъхир қилгани учун Расулуллоҳнинг муборак юзларида ғазаб аломати кўринди. Шунда Умму Салама (йўлакдаги) парда томонга бордилар, чўри ўша ерда ўйнаб ўтирган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларидаги мисвокни кўрсатиб: "Қиёмат кунида ўч олиш хавфи бўлмаганда эди, мен сени шу мисвок билан урган бўлардим", дедилар. Муҳаммад ибн Ҳасан бу ҳадисга: "Чўри бир уй ҳайвони билан ўйнашиб ўтирган эди. Чўрини Расулуллоҳ ҳузурларига олиб келиб: "Ё Расулаллоҳ! Чўри сизнинг чақирганингизни эшитмадим, деб қасам ичаяпти", деган жумлани қўшдилар.



185. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким кимни урса ёки нимани урса, қиёмат куни ундан қасос олинади", дедилар".

186-ҳадис 185-ҳадиснинг айнан такрори.

95-боб. Қулларни ўзингиздек кийинтиринг, деган ҳадис ҳақида

187. Убода ибн Сомит айтдилар: "Мен отам Валид ибн Убода билан илм талаб қилиб ансорларнинг мана шу овулига чиқдик. Бу воқеа уларнинг ҳалок бўлишидан илгари бўлган эди. Шунда биринчи йўлиққан киши Расулуллоҳнинг саҳобийларидан бўлган Абул Юср (р.а.) билан унинг ёнидаги қули бўлди. Абул Юср бурда билан муофира кийган ва қули ҳам айнан шундай кийинган эди. Мен: "Эй, амаки! Унга маофирингизни берсангиз ёки унинг маофирини олиб ўзингиздаги бурдани унга берсангиз, ҳар икковингизда ҳам бир жуфтдан кийим бўларди-ку", дедим. Шунда Абул Юср бошимни силаб: "Баракаллоҳ", дедилар-да: "Ўғлим! Менинг шу икки кўзим Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрган ва қулларингизга ўзингиз еган таомдан едиринг ва ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг, деган сўзларини шу икки қулоғим эшитган ва кўнглим уни ўзига жойлаган. Мен бу қулимга дунё матоларидан берганим қиёмат куни у савобларимни олиб қўйганидан яхшироқдир", дедилар".

Бурда – киши устига ташлаб юрадиган йўл-йўл кийим ёки тўртбурчак маъносида ва маофира Ямандаги Маофир деган қабилага мансуб бўлган бир хил кийимдир (т.).

Яъни бу кийимларнинг нархи – қийматида фарқ бўлмаса ҳам биримизда бир хил, иккинчимизда бошқа хил бўлгани учун қулимнинг кўнглига келмасин, агар у бу ишимни кўнглига оғир олса, қиёматда мен Аллоҳ олдида жавобгар бўлиб қолишимдан қўрқиб шундай қилдим, демоқчи бўлсалар керак (т.).

96-боббаги 188-ҳадис мазмуни ва 96-бобдаги 189-ҳадис мазмуни ҳам 186-ҳадисда ўтди. Фақат бу ҳадисларда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг "Сизлар уларга оғир келадиган ишларни буюрманг", деган сўзлари келтирилган. 188-ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳдан, 189-ҳадис Мурур ибн Сувайддан ривоят қилинган.

97-боб. Қулларга ёрдам бериш ҳақида

190. Бир саҳобийдан ривоят қилинишига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилган эканлар: «Қулларингиз сизларнинг қардошларингиздир. Уларга яхшилик қилинг. Кучингиз етмаган ишларда улардан ёрдам олинг ва уларнинг ҳам кучлари етмаган ишларда ёрдам беринг».

191. Абу Ҳурайра (р.а.): "Ишловчи кишига ўз ишидан (келган ҳосилдан) ёрдам қилганлар, чунки Аллоҳ учун ишлаётган киши умидсиз қолмасин", дедилар.

98-боб. Қулларга кучи етмайдиган иш юкланмаслиги ҳақида

192. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилмишлар: «Қулнинг емак-ичмаги ва либоси хожасининг зиммасидадир. Қул эса, кучи етмайдиган ишни бажаришга мажбур эмас».

193-194-ҳадислар 192-ҳадиснинг айнан такрори, 193-ҳадис Абу Ҳурайрадан, 194-ҳадис Мурур ибн Сувайддан ривоят қилинган.

99-боб. Ҳар ким оиласига ва қулига сарф қилса, садақадир

195. Миқдом ибн Маъди Кариб Киндий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитди: "Ўзинг нима таом есанг садақадир. Болаларингга, хотинингга ва ходимингга нима едирсанг ҳам садақа ҳисобланади".

196. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Садақанинг яхшироғи кейинида муҳтожликда қол-



дирмайдиганидир ва берадиган қўл оладиган қўлдан яхшироқ. Берадиган эҳсонингни ўзингга қарам бўлганлардан бошла: хотининг рўзғоримни тўғрилаб бер, бўлмаса мени талоқ қил; қулинг менинг нафақамни (оби таомимни) бер, бўлмаса мени сотиб юбор; болачақаларинг бизга ким қарайди, тирикчилигимиздан ким хабар олади, деб юрадиган бўлиб қолмасин", дедилар".

197. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) садақа қилишга даъват қилдилар. Шунда бир киши келиб: "Менда бир динор бор", деди. Расулуллоҳ: "Ўзингга сарф қил", дедилар. У киши: "Яна бир динор бор", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хотинингга сарф қил", дедидар. У киши: "Яна бир динор бор", деди. "Ходимингга сарф қил! Шундан кейин уни кимларга сарфлаш кераклигини ўзинг яхшироқ биласан", дедилар".

100-боб. Қул билан таом емакни хоҳламаса...

198. Абу Зубайр (р.а.) Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир кишининг хизматкори бир қанча машаққатга, ўтнинг иссиғига чидаб таомини пиширириб келса, уни таомга таклиф қилсин, деган буйруқлари борми?" – деб сўралганда, Жобир: "Ҳа, албатта бор. Агар кимки қули билан таом емакни хоҳламаса, таомидан унинг ҳиссасини берсин!" – деганлар, деди.

101-боб. Ўз таомидан қулига ҳам берсин

199. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) дедилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қулларга яхшилик қилишга ҳаракат қилишни буюриб, шундай марҳамат қилдилар: «Қулларга ўзингиз еган таомдан едиринг ва ўзингиз кийган либосдан кийдиринг ҳамда Аллоҳнинг яратган жонларига озор берманг».

102. Хизматчини таомга таклиф қилиш ҳақида

200. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишига кўра Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «Қай бирингизга хизматчи таом келтирса, унинг ўзини ҳам таомга таклиф этсин, агар таом емакка ўтирмаса, ўша таомдан уни сийласин».

201. Абу Маҳзура (р.а.) айтдилар: "Мен ҳз. Умар (р.а.) ҳузурларида ўтирган эдим. Шу вақтда Сафвон ибн Умайя чопон кийган бир неча кишига катта бир идишда таом кўтартириб келтирди-да, ҳазрат Умар (р.а.) олдиларига қўйди. Ҳз. Умар (р.а.) қулларни чақириб таомни улар билан биргаликда едилар. Кейин у зот: "Ўзлари билан қулларининг таом ейишини хоҳламаган кишиларга Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!" – деб дуоибад қилдилар. Ҳз. Умарнинг бу сўзларини эшитган Сафвон: "Валлоҳи, биз қуллар билан таом емакдан тортинмаймиз, лекин ўзимизга ва уларга ҳам етадиган яхши таомни топа олмаганимиз учун уларни чақира олмаймиз", дедилар".

103-боб. Қул хўжасига яхши хизмат қилса...

202. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расули акрам (с.а.в.): "Қайси бир қул ўз хўжасига хайрихоҳ бўлиш билан бирга Аллоҳ таолога итоатни яхшилаб бажарса, икки баробар ажрга эга бўлади", дедилар".

203. Хуросонлик бир киши Омир Шаъбий (р.а.)га: "Бизлар ўз орамизда бир киши ўзининг умму валадини озод қилиб, кейин уни ўзига хотин қилиб олса, Ҳарами шарифга ҳадя қилиб юборган тевасини ўзи минган кишидек бўлади, деб гапириб юрамиз", деди.



Шунга жавоб тариқасида Омир: "Менга Абу Бурда (р.а.) ўз оталаридан ривоят қилдилар, инчунун Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларга: "Уч тоифа кишилар бор, уларга икки баробардан ажр берилади: биринчиси, аҳли китоблардан бўлган кишики, ўз пайғамбари ва Муҳаммадга ҳам имон келтирган бўлса, иккинчиси, бировнинг ихтиёрида бўлган қул, у Аллоҳ таолонинг ҳақини ҳам, ўз хўжаларининг ҳақини ҳам адо қилган бўлса, учинчиси, ўзи жинсий алоқа қилиб юрган чўрисига одоб ва илм ўргатиб яхши одоблик, яхши илмлик қилгандан кейин уни озод қилиб, ўзига хотин қилиб олган киши", деган эдилар, деб хабар қилади. Шу ҳадисни ривоят қилгандан кейин Омир Шаъбий у кишига қараб: "Мана бу ҳадиси шарифни биз сенга ҳеч нарсасиз қуруқдан-қуруққа айтиб бердик. Бундан кичикроқ ҳадисни билиб олиш учун кишилар Мадинагача бирор нарсага миниб борардилар", дедилар.

Умму валад – ўз хўжасидан бола орттирган чўри.

Ҳарами шарифга бориш учун ният қилиб эҳром боғлагандан кейин бир узр билан бора олмай қолса, бир жонлиқ молни ҳаля қилиб у ерга юбориши керак. Лекин уни миниб эмас, балки ҳайдаб, етаклаб олиб борилади (т.).

204. Абу Мусо (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деб марҳамат қилганларини ривоят қилдилар: «Раббига қуллигини гўзал тарзда адо этган кишига, ўз хўжасининг молини сақлаб, унга итоат этган қулга икки карра мукофот бордир».

205-ҳадис 204-ҳадиснинг такрори бўлиб, фақат у Абу Бурда (р.а.)дан ривоят қилинган.

104-боб. Қул хўжасининг молини сақловчидир

206. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳаммаларингиз

ўз қарамоғингиздагиларни муҳофаза қилувчиларсизлар ва қиёмат куни ўшалар учун жавобгардирсизлар. Масалан, одамларга посбон бўлган амир фуқаролари учун, ҳар бир киши ўз хонадони учун, қул эса ўз хўжасининг моли учун жавобгардир: огоҳ бўлингизлар, ҳаммангиз муҳофазакор ва муҳофаза лозим бўлган нарсаларнинг барчаси учун жавобгардирсизлар", деганлар".

207. Абу Ҳурайра (р.а.): "Қайси бир қул ўз хўжасига итоат қилса, у албатта Аллоҳ таолога итоат қилган бўлади. Унга осий бўлса, Аллоҳ азза ва жаллага ҳам осий бўлган бўлади", дедилар.

105-боб. Аллоҳ ва хўжасининг ҳақини ўтаган қул

208. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини ривоят қилдилар: «Мусулмон бир қул Аллоҳнинг ва хожасининг ҳақини ҳалол ўтаган қулга икки карра мукофот бордир».

106-боб. Қулни нима деб чақириш керак?

209. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳеч бирингиз қулим ва чўрим деб атаманг! Ҳаммаларингиз Аллоҳ таолонинг қули ва ҳамма аёлларингиз эса Аллоҳнинг чўрисидир. Лекин ғуломим, қизим, йигитим деб гапирилса дурустдир", дедилар".

107-боб. Қул хўжасига нима деб хитоб қилсин?

210. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Раслуллоҳ (с.а.в.): "Ҳеч бир киши қулим ва чўрим деб асло айтмасин, қул ҳам хўжасини раб-



бим (тарбиячим) демасин. Хўжа уларни йигитим, қизим дейиши ва қул эса хўжам демаги керак. Чунки ҳақиқий тарбиячи Аллоҳ таолонинг ўзидир", дедилар".

211. Мутарриф ривоят қилдилар: «Отам шундай дедилар: "Мен Бани Омир қабиласининг вакиллари билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдим. Шунда ҳамроҳларим Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Сиз бандаларнинг саййиди, хўжасисиз", деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳақиқий саййид Аллоҳ таолодир", дедилар. Улар яна: "Сиз ортиқликда ҳаммамиздан афзалроқдирсиз ва эҳсон қилишда ҳам ҳаммамизнинг улуғроғимизсиз", - дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлар менга ўзларингизнинг оддий гапингизни гапираверинг. Шайтон сизларни ўз йўлига юргазиб кетмасин", дедилар".

Расулуллоҳ (с.а.в.), ниҳоятда тавозели бўлганлари учун арабларнинг "Саййидуна ва Мавлоно" дейдиган ва Ўрта Осиё халқларининг "Тақсир, жаноблари" каби ҳурмат тариқасида айтадиган гапларини ўзларига айтилишини истамас ва шунлай муомала қилмасликни умматларига ҳам ўргатмоқчи эдилар (т.).

108-боб. Эр хонадоннинг муҳофазакоридир

212-ҳадис 206-ҳадиснинг айнан такрори, бу ҳадисни имом Муслим ҳам нақл қиган.

213. Молик ибн Ҳувайрис (р.а.) айтдилар: "Бизлар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдик-да, йигирма кеча туриб қолдик. Ҳаммамиз деярли тенгдош йигитлар эдик. Расулуллоҳ (с.а.в.) булар ўз ватани, қавм-қариндошларини соғиниб қолган бўлса керак, деб биздан юртимизда қолган қавм-қариндошларимиз ҳақида сўрадилар. Ватанимизда қолган оилаларимиз ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)га айтиб бердик. Расулуллоҳ (с.а.в.) мулойим ва марҳаматлик киши эдилар. "Энди ўз қавм-қариндошларингиз олдига бориб, уларга билганларингизни ўргатинг, намозни мендан кўрганларингиздек қилиб ўқинглар.

Намоз вақти келганда, биттангиз азон айтинг ва ёшда каттароқларингиздан бири имом бўлсин, дедилар".

Ёши каттароқ бўлган киши илмда ва қироатда бошқалардан кам бўлмаган тақдирда жоиздир, акс ҳолда ёшининг эътибори йўқ, Расулуллоҳ (с.а.в.)уларнинг илмда ва қироатда тенглигини билганлари учун бу шартларни зикр қилмадилар (т.).

109-бобдаги 214-ҳадис ҳам мазмунан 206-ҳадиснинг такрори, фақат унда хотин киши хонадоннинг муҳофазакори эканлиги таъкидланади.

110-боб. Яхшиликка яхшилик қилиш ҳақида

215. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким моддий жиҳатдан бировга яхшилик қилса, унга ҳам яхшилик қайтарилсин. Яхшилик қилишга қурби келмаса, у кишини ғойибона мақтасин, чунки мақташ ташаккур ўрнида ўтади. Аммо у кишининг яхшилигини яширса, ундан тонган, яхшиликни билмагандек бўлади. Ким ўзида йўқ нарсани менда фалон нарса бор деб мақтанса, икки қават кийим билан ўралган ҳисобланади", дедилар".

Яъни у икки баробар ёлғондир (т.).

215-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким Аллоҳ таолонинг паноҳига сиғиниб сизлардан ёрдам сўраса, унга ёрдам қилинг. Аллоҳни восита қилиб бирор нарса сўраса, сўраган нарсасини беринг. Биров сизга моддий яхшилик қилса, яхшилигини қайтаринг! Агар уни қайтаришга қодир бўлмасангиз, у киши ҳақига дуо қилинг, токи у одамнинг қилган яхшилиги бекорга кетмаганини билсин", дедилар".

216. Ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини ривоят қилди: «Кимки Аллоҳга сиғинса, уни муҳофаза қилинг. Ким Аллоҳ учун бирон нима сўраса, уни беринг. Ким сизларга яхшилик қилса, сиз ҳам ўшандоқ яхшилик билан қайтаринг. Агар яхшилик



қилиш учун бирон нима топа билмасангиз, уни дуо қилингки, яхшилигига жавоб қайтарган бўласиз».

111-боб. Яхшилик қилганни дуо қилиш ҳақида

217. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Муҳожирлар: «Ё Расулаллоҳ! Ансорлар ўз мукофотларининг барини олиб кетдилар», дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу гапга: «Хайр! Уларни дуо қилганингиз қадар ва Мадинада сизларни қучоқ очганликлари учун уларни мақтаганингиз учун ҳам сизларга мукофот бор», деб жавоб бердилар.

112-боб. Одамларга ташаккур айтмаган Аллоҳга ташаккур айтмас

218. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Одамларнинг қилган яхшилиги учун ташаккур айтмайдиган киши Аллоҳ таолога ҳам ташаккур айтмайди", дедилар".

219. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло нафасга чиқ деди, нафас мен чиқишни истамасам ҳам мажбуран чиқаман, деди", деганлар".

113-боб. Биродарларга ёрдам бериш ҳақида

220. Абу Зарр (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Амалларнинг қайси бири яхшироқ" — деб сўралди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таолога ишонмоқ ва унинг йўлида жиҳод қилмоқ", дедилар. Яна: "Қандай қулни озод қилиш яхши?" — дейилди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Нархи қимматроқ ва эгасига кераклироқ бўлганини", дедилар. Сўровчи: "Агар шунга қодир бўлмаса-

чи?" — деган эди, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ундай бўлса, камбағал ва етимларга ёрдам берасан ва ишини уддасидан чиқа олмайдиган ҳунарсиз кишиларнинг ишини қилиб берасан", дедилар. У: "Бунга кучим етмаса-чи?" — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "У вақтда одамларга озор беришдан ўзингни сақлайсан, бу ҳам ўз жонинг учун қилган бир садақанг бўлади", дедилар".

114-боб. Дунёда яхшилик қилганлар охиратда мукофотга эга бўладилар

221. Қубайса ибн Бурма Асадий (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида эдим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариатда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар охиратда ёмонликка дучор бўладилар", дедилар".

Бу ҳадиснинг иккинчи маъноси: бу дунёда кишиларга манфаати теккан одамнинг у дунёда ҳам манфаати тегади, чунки дунёда манфаати теккани учун Аллоҳ таоло унга савоб беради, ўша савоби туфайли гуноҳкор кишиларни шафоат қилишга йўл очилади. Демак, бу дунёда яхшилик қилгани каби у дунёда ҳам яхшилик қилган бўлади (т.).

222. Ҳармала ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши бир неча отлиқ ҳамроҳлари билан ўз юртидан чиқиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдилар. Бир оз турганларидан кейингина Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишини танидилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) у ердан қўзғалганларидан кейин деди: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларига бориб турсам кўпроқ илм ўрганаман", дедимда, пиёда юриб ёнларига бориб тик турдим ва: "Ё Расулаллоҳ, менга нима иш қилишимни буюрасиз?" — деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Ҳармала, яхши деб ҳисобланадиган ишни қил ва ёмон дейилган ишлардан ўзингни торт!" — дедилар. Мен кейин қайтиб жойимга бордим-да, яна Расулуллоҳ (с.а.в.) олдила-



рига келиб, у зотга яқинроқ турдим ва аввалги саволимни яна қайтардим. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна худди ўша жавобни қайтардилар-да: "Эй, Ҳармала! Кишилар олдидан чиқиб келганингда орқангда гапирадиган гаплардан қайси бири сенга маъқул бўладиган бўлса, ўшани қил! Аммо маъқул бўлмайдиган бўлса, ундан ўзингни сақла", дедилар. Шундан кейин мен ўз жойимга бориб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шу қисқа насиҳатларини ўйлаб кўрсам, у ҳамма нарсани ўз ичига олган пурмаъно сўзлар эканини билдим", дедилар.

223-224-ҳадислар мазмуни 222-ҳадиснинг мазмунан такрори, аммо бу ҳадис Салмон Форсий (р.а.)нинг ҳз. Усмон ибн Аффон (р.а.)дан қилган ривоятларидир.

115-боб. Яхши ҳисобланган иш садақа бўлади, деган ҳадис ҳақида

225. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) "Яхши деб ҳисобланадиган ҳар бир иш садақа бўлади", дедилар".

226. Абу Мусо (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир мусулмон киши садақа қилиши керак", дедилар. Саҳобийлар: "Садақа қилишга қодир бўлмасачи?" — деб сўрашди. "Садақа қилишга қодир бўлмаса ишлайди-да, ўзига ҳам фойда ва ундан бошқа фақир мискинларга ҳам садақа бўлади", дедилар. Саҳобийлар яна: "Ишлашга ҳам қурби етмаса-чи?" — дейишди. "У вақтда муҳтож ва мазлум кишига қўли ёки тили билан ёрдам қилади", дедилар. Улар: "Буни ҳам қила олмасачи?" — деганларида, "Яхшиликка буюради", дедилар. Улар: "Амри маъруф қилишни ҳам билмаса-чи?" — дейишди. "Кишиларга ёмонлик қилишдан ўзини сақлайди. Бу ҳам киши учун садақа бўлади", дедилар".

227. Абу Зарр (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулаллоҳ! Давлати бор кишилар кўп савобларга эга бўлишади, чунки улар биз ўқиган намозимизни ўқий-

дилар, тутган рўзамизни ҳам тутадилар. Бунинг устига ортиқча молларидан садақа ҳам қиладилар", дейилади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа ҳисобланадиган ишларни берган эмасми? Ҳар бир субҳоналлоҳ, алҳамдулиллоҳ деганларингиз — садақа ва ҳар бирингизнинг ўз жуфти ҳалоли билан жинсий алоқа қилиб, нафсини қаноатлантириши ҳам садақадир", дедилар. Улар: "Ё Расулаллоҳ! Жинсий алоқа қилиш ҳам садақа ҳисобланадими?" — дейишганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Агар шаҳватни ҳаромга сарфласа гуноҳ бўлармиди? Худди шунга ўхшаш ўз ҳалолига сарфласа, ажр ва савоб бўлади", дедилар.

228-ҳадис 227-ҳадиснинг айнан такрори.

116-боб. Озор берадиган нарсаларни четга олиб қўйиш ҳақида

229. Абу Барза Асламий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулаллоҳ! Менга бир амални буюрингки, ўшани қилсам жаннатга киришга сазовор бўлай", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўлдан одаларга озор берадиган нарсаларни олиб ташласанг, жаннатга кирасан", дедилар.

230. Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир киши кўчада ётган бир тиканни кўрдида, бironта мусулмоннинг оёғига озор бермасин, деб четга олиб ташлади. Мана шу иши туфайли унинг гуноҳи кечирилади", дедилар".

231. Абу Зарр Ғифорий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Умматларимнинг қилган амаллари — яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам менга кўрсатилди. Яхши амаллар орасида кўчада одамларга озор берадиган нарсани четга олиб ташланганини кўрдим ва ёмон амаллари орасида масжид ичига туфлаб, кейин кўмилмай кетилган тупрукни кўрдим", дедилар".

231. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)га бирор нарса келтирилса: "Буни фалончи хо-



тинга элтиб беринглар, чунки у хотин Хадичанинг дўсти эди, буни фалоний хотиннинг уйига юборинглар, чунки у Хадичани севарди", дердилар".

«Гўзал сўз» деб аталган 117-бобдаги 232-ҳадис 225-ҳадиснинг такрори, аммо бу Абдуллоҳ ибн Язиддан ривоят қилинган. 233-ҳадис 231-ҳадиснинг такрори, у Анас ибн Моликдан ривоят қилинган, 234-ҳадис Хузайфа (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, 225-ҳадиснинг такроридир.

118-боб. Пайғамбар сўзларини зеҳнга жойлаш ҳақида

235-ҳадис. Амр ибн Аби Курра Киндий айтдилар: Отам Абу Курра Салмон Форсий (р.а.)га ўз севгилисини хотин қилиб олишни таклиф қилган эдилар. Салмон уни қабул қилмай, озод қилган чўрилари Буқайрани хотин қилиб олдилар. Отамга Салмон билан Ҳузайфа (р.а.) ораларида ихтилоф борлиги эшитилди. Шунда у киши Салмонни ахтардилар. Салмон ўзларининг кўкатзорларига кетдилар, дейишганда отам кўкатзор томонга йўл олдилар. Йўлда кўкатлардан замбилга солиб, унинг бандига асоларини ўтказиб, елкаларига кўтарган ҳолда келаётган Салмонга учрашдилар-да, у кишидан: "Ҳузайфа билан ораларингизда нима гап ўтган эди? Ҳузайфа: "Инсон шошилган маҳлуқ" деган (17:11) оятни ўқиб, кесатиб юрган эмиш", деб сўрадилар. Кейин Салмон отамни ўз уйларига олиб бордилар. Отам у кишининг эшигида бир шолча тўшалганини ва шолчанинг юқори томонида бир неча гувала ва эгар турганини кўрдилар. Шунда Салмон отамга: "Чўрингиз ўзи учун ёзиб қўядиган тўшаги устида ўтиринг", деб теклиф қилдидар-да, Ҳузайфа билан ораларидаги воқеани ҳикоя қила бошладилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) жаҳллари устида баъзиларга қилган койишларини Ҳузайфа гапириб юрарди. Мен қавмлар орасида гина-адоват пайдо бўлиб қолишини хоҳламаганим учун: "Ҳузайфа айтадиган гапларини ўзи

яхши билади", дея қўя қолар эдим. Аммо одамлар Ҳузайфага бориб: "Салмон сизнинг айтаётган гапларингизни тасдиқ ҳам қилмайдилар ва сизни ёлғончи ҳам қилмайдилар", деб айтишган экан. Шунинг учун Ҳузайфа келиб: "Эй, Салмон, онасининг ўғли Салмон!" — деб киноя тариқасида менга хитоб қилди. Мен ҳам у кишига: "Эй, Ҳузайфа, онасининг ўғли Ҳузайфа! Сиз бу гапларни нақл қилиб юришдан қайтинг, бўлмаса мен ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.)га хат ёзаман", дедим. Умарга хат ёзаман, деб қўрқитганимдан кейин Ҳузайфа мендан хафа бўлди, Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзлари: "Мен ҳз. Одам (а.с.) болаларидан биттасиман, умматларимдан қайси бирини ноўрин койиган-сўккан бўлсам, ўша койишим ва сўкишимни у киши учун раҳматга айлантиргин, деб Раббил оламинга илтижо қиламан", деган эдилар, дедилар".

236. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Умар (р.а.) бир куни: "Бизни ўз қавмимизнинг ерига олиб чиқсанглар", дедилар. Бизлар "хўп" деб чиқдик. Мен Убай ибн Каъб (р.а.) билан одамларнинг кейинида қолдим. Шунда тўсатдан осмонни булут босиб, шамол қўзғалди. Убай ибн Каъб: "Эй, Раббим, бу шамоллик булутнинг заҳматини биздан нарига кеттазгин!" — деб илтижо қилди. Биз олдин кетганларга бориб қўшилдик, уларнинг қўнган жойлари ёмғир туфайли ҳўл бўлиб қолган эди. Улар: "Бизга келган қийинчилик сизларга келмаганга ўхшайди", деганларида, мен "Ҳамроҳим Убай ибн Каъб: "Бу булутнинг зарарини биздан нарига кеттазгин!" — деб Аллоҳдан сўради", дедим. Шунда ҳз. Умар: "Ўзларингиз қаторида бизлар учун ҳам дуо қилсаларингиз бўлмасмиди?" — деб ўкиндилар".

119-боб. Экинзорга чиқиш ҳақида

237-ҳадис. Абу Салама (р.а.) айтдилар: "Мен қадрдон дўстим Абу Саид Ҳудрий олдиларига бориб: "Бизлар билан хурмозорга чиқиб келмайсизми?"



— дедим. Абу Саид: "Хўп" деб жунли қора кийимларини устиларига ташлаб хурмозорга чиқдилар", дедилар.

236-ҳадис. Умму Мусо ҳз. Алидан ривоят қилди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир дарахтга чиқиб, ундан бир мева келтиришни Абдуллоҳ ибн Масъудга буюрдилар. Абдуллоҳ дарахтга чиққан вақтида болдирининг ингичкалигидан баъзилар кулишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Нима учун кулаётибсизлар? Абдуллоҳнинг оёғи қиёмат тарозусида Ухуд тоғидан ҳам оғирроқ бўлади", дедилар".

Бу ўринда гап оёқ ҳақида эмас. Абдуллоҳ ўз замонасининг пешқадам муҳаддис ва фақиҳ олими сифатида машҳур эди. Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) шунга ишора қилганлар шекилли (т.).

120-боб. Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир

239. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Ҳар бир мўмин банда ўз биродарининг кўзгусидир. У биродарида бир айбни кўрса, ўзида бўлган шундай айбни тузатишга ҳаракат қилиши керак".

240. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир мўмин ўз биродарининг кўзгуси, ҳар бир мўмин иккинчи мўминнинг биродари — акаси ё укасидир, уни зое бўлишдан сақлайди ва уни муҳофаза қилиб юради", дедилар".

241. Муставрид ибн Шаддод (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимки бир мусулмон киши сабабли таом еса, Аллоҳ унгу дўзахдан шундай таом беради. Ва кимгаки бир мусулмон сабабли кийим кийдирилса, Аллоҳ унга дўзахдан шундай кийим кийдиради ва кимки бир мусулмон киши ёнида риёкорлик ўрнида турса, Аллоҳ қиёмат куни уни риёкорлик мақомида турғизади", дедилар.

Мусулмоннинг фойдасига кўзгу бўлиш ўрнига, зиёнига кўзгу бўлса, яъни унинг айби ва камчиликларини тузатиш ўрнига бошқа душманларига фош қилса ва шунинг эвазига улардан таом ва кийимлар билан мукофотланса, дўзах ўтига мустаҳиқдир.

Риёкорлик билан кишиларни ёлғондан мақтаб, шунинг бадалига улардан мукофот олса ёки яхши бир мусулмонни бошқа одамлар ёмонлашаётганда уларга яхши кўриниш учун у ҳам ёмонласа, деган маънода (т.).

121-боб. Жойиз бўлмаган ҳазиллар ҳақида

242. Абдуллоҳ ибн Соибнинг бобосидан ривоят қилинди: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ҳеч қайсингиз ошнасининг нарсасини ҳазил қилиб ҳам олмасин. Биттангиз биродарининг асосини олса, уни эгасига қайтариб берсин», деган гапларни эшитдим", дедилар.

Бировнинг нарсасини ҳазиллашиб олиш биринчидан, ўша одамни таҳқирлаш ҳисобланса, иккинчидан, ўғрилик билан айбланса, ҳазилнинг таги зил бўлиб, шариат қонуни бўйича жазо олиши тайин (т.).

122-боб. Яхшиликка далолат қилиш ҳақида

243. Абу Масъуд Ансорий (р.а.) айтдилар. "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб: "Мен йўлда толиқиб қолдим, бир улов беринг", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Менда улов йўқ. Лекин фалончига борсанг, у эҳтимол сенга улов берар", дедилар. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.) тайин қилган одамга борган эди, у бир улов берди. Кейин у Расулуллоҳ (с.а.в.)га келиб, у одам улов берганини айтганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким бир яхшиликка далолат қилса, ўша яхшилик қилган кишига берилган савоб баробарида савобга эга бўлади", дедилар".

123-боб. Афв этиш ҳақида

244-ҳадис. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Бир яҳудий хотин Расулуллоҳ (с.а.в.)га қўйнинг заҳар



солинган гўштини олиб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) гўштдан едилар. Кейин яҳудияни олиб келинди (бунга заҳар солдингми, деб сўралганда, у эътироф қилди). Шунда: "Ё Расулаллоҳ! Бу жуҳуд хотинни ўлдирайликми?" деганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, ўлдирманглар", дедилар. Анас: "Мен бу заҳарлик гўштнинг асари доим Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қизил ўнгачлари (лаклуклари)да қолганини ҳис қилардим ва сезиб юрардим", дейдилар.

Яъни унинг таъсирида Расулуллоҳга баъзан бетоблик ориз бўларди, уни мен қизил ўнгачларининг ранги ўзгарганидан ёки унинг туртиб чиққанидан ва яллиғланишидан сезар эдим, демоқчи (т.).

245. Ваҳб ибн Кайсан деди: «Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) минбарга чиқиб: "Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!" (7:199) – деган ояти каримани ўқиб, "Аллоҳ таоло афв қилишни ол, деб буюрди. Унинг номи билан қасамёд қилиб айтаманки, Аллоҳ таоло афв қилишни фақат кишиларнинг ахлоқидан олишга буюрди. Мен кишилар билан суҳбатлашар эканман, афв қилишни албатта уларнинг ахлоқидан оламан", деган эдилар.

246. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кишиларга исломни ўргатинглар, уларга қийин эмас, енгил йўлни кўрсатинглар, қачон жаҳлингиз чиқса, жим туришга ўрганинг", дедилар".

124-боб. Кишиларга очиқ юзлилик билан қараш ҳақида

247. Ато ибн Ясор айтдилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) билан учрашиб, у кишидан Тавротда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сифатлари ҳақида ёзилган гапларни менга айтиб берсангиз, деб сўрадим. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Қуръонда айтилган сифатлари-

дан баъзиси Тавротда ҳам бор, дедилар-да, «Эй, Пайғамбар! Дарҳақиқат. Биз Сизни (қиёматда барча умматларга) гувоҳ бўлувчи, (жаннат ҳақида) хушхабар берувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантирувчи этиб юбордик», деб "Аҳзоб" сурасидаги 45-оятни ўқидилар. (Яна Тавротда шундай сифатланган): "Ўқиш ва ёзишни билмайдиган халқлар (араблар)ни муҳофаза қилувчи қилиб юбордим", дейилган. Унда яна: "Эй, Муҳаммад! Сен менинг бандам ва элчимсан. Мен сенга ўзимгагина таваккул қилувчи, деб ном қўйдим. Сен бадхулқ ва қўпол муомалалик, ёмонликка ёмонлик қайтарувчи эмас, балки ёмонликни кечирувчи, афв қилувчисан. Сен Иброҳим халилуллоҳнинг ўзидан кейин бузилган ва ўзгартирилган динини барпо қилиб, араблар "Ло илоҳа иллоллоҳ" калимасини айтиб, шу калима билан кўр кўзларини, гаранг қулоқларини ва яраланган дилларини очмагунча дунёдан кетмайсан", дейилган, дедилар".

248-ҳадис 245 ва 246-ҳадисларнинг такрори, ҳадис Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинган.

249. Муовия ибн Абу Суфъён (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бир сўз эшитдим. Шу сўз туфайли Аллоҳ таоло менга манфаат етказади. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен кишиларнинг айби ва камчилигини суриштириб юрсанг уларни бузиб қўясан", деган эдилар. Шунинг учун мен уларни бузиб қўймай деб камчиликларини текшириб юрмайман".

Кишилар айбини қидириб, уни фош қилинса, ошкора қилиниб юрадиган гуноҳлар махфийлашади. Унда бир гуноҳ ўрнига икки гуноҳ қилиб, ахлоқ таназзулга юз тутади (т.).

250. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) икки қўллари билан имом Ҳасаннинг ёки имом Ҳусайннинг икки кафтидан ушлаб икки оёғини ўз оёқлари устига қўйдилар ва унга "баландга чиқ", дедилар. Шунда бола икки оёғини кўтариб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак кўкракларига қўйди. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) болага "Оғзингни оч", дедилар-да, уни бўса қилдилар ва



кейин: "Эй, Раббим! Бу болага ўз муҳаббатингни юбор, чунки мен уни севаман", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг шунда гапирган гапларини мана шу икки қулоғим эшитди ва қилган ҳаракатларини икки кўзим кўрди".

125-боб. Табассум қилиш ҳақида

251. Қайс (р.а.) айтдилар: «Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) шундай деганини эшитдим: "Мен мусулмон бўлганимдан бери Расулуллоҳ (с.а.в.) мени қачон кўрсалар, табассум қилардилар. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.): "Яманликларнинг энг яхшиларидан бўлган бир киши мана шу эшикдан кириб келади, унинг юзида фаришталик белгиси бор", деган эканлар, шу вақтда эшикдан Жобир кириб келди (яъни мен кириб келдим)».

252. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг овозларини баланд чиқариб кулганларини сира кўрмадим, у зот фақат табассум билангина кулар эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) булут кўрсалар ёки шамолни турса, юзларида хафалик аломатлари сезиларди. Шунда мен: "Ё Расулаллоҳ! Одамлар булутни кўрганда ёмғир ёғса керак, деб хурсанд бўладилар, аммо шундай пайтда сизнинг юзингизда хафалик аломатини кўраман", дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Булутда бирор азоб бўлмаслигидан менга ким кафолат беради? Қайси бир қавмлар шамол билан азобланган. Баъзи қавмлар булутни кўрганда бу булут бизга ёмғир олиб келади, деб хурсанд бўлиб турган вақтларида ёмғир ўрнига азоб келиб қолган", дедилар".

126-боб. Кулиш ҳақида

253. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Товуш чиқариб кулишни кам қил! Чунки кўп кулиш дилни вайрон қилади", дедилар".

254-ҳадис 253-ҳадиснинг такрори ва у ҳам Абу Ҳурайра (.а.)дан ривоят қилинган.

255. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Бир қанча саҳобийлар кулишиб ўтиришган вақтида Расулуллоҳ (с.а.в.) чиқиб қолдилар-да: "Жоним қудрат қўли-да бўлган Аллоҳ таоло номи билан қасамёд қиламанки, мен биладиган нарсаларни билганингизда, албатта, оз кулиб, кўп йиғлаган бўлардингиз", деб чиқиб кетдилар. Саҳобийларнинг кулгиси йиғига айланди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.)га Аллоҳ таоло: "Эй, Муҳаммад, нима учун бандаларимни ноумид қиласан?" – деб ваҳй қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг олдига қайтиб чиқдилар-да: "Эй, умматларим! Сизларга шодлик бўлсин! Тўғри сўз бўлингиз, ўрта йўлни танлангиз!" – дедилар".

127-боб. Расулуллоҳнинг юришлари

256. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилган вақтларида: "Менга икки кипригининг мўйи ўсиқ ва ингичка, икки бели оқ, келаётганда ва кетаётганда ҳам тўппа-тўғри юрадиган зот сўзладилар. Бирорта кўз у зотдек кишини кўрмаган ва асло кўрмайди ҳам", деб Расулуллоҳ (с.а.в.)ни таърифлар эдилар.

Бели оқ дегани — ич томони, юраги тоза, оқ кўнгилли маъносида (т.).

128-боб. Маслаҳат сўраладиган киши амин бўлиши кераклиги ҳақида

257. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу-л-Ҳайсам (р.а.)дан: "Сенинг ходиминг борми?" – деб сўрадилар. У киши: "Йўқ", деб жавоб қилганларидан кейин: "Ундай бўлса бизга асирлар келганида бир келиб кет", дедилар. Асирлар келгандан кейин Абу-л-



Ҳайсам ҳам келдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мана шу иккита асирдан бирини ўзингга танлаб ол!" — дедилар. У киши: "Ё Расулаллоҳ! Ўзингиз мен учун танлаб бера қолинг!" — дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Маслаҳат сўралган киши албатта амин бўлади. Мана бу асирни олақол, мен унинг намоз ўқиётганини кўрдим, унга яхши қара", дедилар. Кейин Абу-л-Ҳайсамнинг хотинлари: "Сиз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг "Бунга яхши қара", деган буйруқларини фақат асирни қулликдан озод қилиш йўли билангина бажарасиз", деган эди, Абу-л-Ҳайсам: "Ундай бўлса мен уни озод қилдим", дедилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбар ёки унинг халифасини халққа юборганда, албатта уларнинг иккита сирдон маслаҳатгўйи бўлади. Улардан бири яхшиликка буюрса, иккинчиси унга ёмонликни тавсия қилади ва шундай қилишдан тортинмайди. Мана шундай ёмон маслаҳатгўй сирдондан сақланиб қолган киши бошқа ёмонликлардан сақланади", дедилар".

Бу ерда Абу-л-Ҳайсамнинг хотинини ақлли, яхши маслаҳатгўй экан, деб яхши сирдон маслаҳатгўйга ўхшатадилар (т.).

129-боб. Мушоварат ҳақида

258. Амр ибн Динор (р.а.) Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилдилар: "Аллоҳ таолонинг "Ишда улар (саҳобийлар) билан маслаҳатлашгин" деган (3:109) оятига Ибн Аббос "баъзи" сўзини қўшиб, "Баъзи ишда улар билан маслаҳатлашгин", деб ўқидилар".

259. Ҳасан Басрий (р.ал.)дан ривоят қилинди, у киши: "Қайси бир жамоат (бирор ишда) бошқа кишилардан маслаҳат сўраса, албатта уларнинг кўнгли энг яхши фикрга йўл олган бўлади", дедилар-да: "Уларнинг иши ўрталарида маслаҳат билан бўлади", деган (42:38) оятини ўқидилар.

130-боб. Нотўғри маслаҳат берувчининг гуноҳи ҳақида

256. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен айтмаган сўзни ким ўзидан тўқиб менинг номимдан айтса, у киши дўзахдан жойини олаверсин" ҳамда "Бир мусулмон биродари маслаҳат сўраганда нотўғри маслаҳат берган киши унга албатта хиёнат қилган бўлади ва ким бировга ҳужжатсиз, асоссиз, нотўғри фатво берган бўлса, унинг гуноҳи ўша фатво берган киши устига тушади", дедилар".

131-боб. Кишилар орасидаги муҳаббат ҳақида

261. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Менинг нафсим қўлида бўлган зот номи билан қасамёд қиламан, сизлар мусулмони комил бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирларингизга муҳаббат қўймоғингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора беринг ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, чунки жаҳл тарашлагувчидир, яъни у сочни тарашламайди, балки динни тарашлайди", дедилар".

262-ҳадис айнан шу мазмунда Абу Язид (р.а.)дан ривоят қилинган.

132-боб. Кўнгилларнинг яқинлиги ҳақида

263. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Икки мўмин банда бир-бирини кўрмай туриб, уларнинг руҳлари бир кунлик йўлда учрашади", дедилар".



264. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Неъматлар (яхшиликлар) инкор қилиниши ва раҳмдиллик узилиб қўйилиши мумкин, аммо кўнгилларнинг бир-бирига яқинлигидек нарсани биз кўрмадик", дедилар.

265. Умайр ибн Исҳоқ (р.а.) айтдилар: "Одамлардан энг аввал кўтариладиган нарса кўнгилларнинг яқинлигидир", деб ўз орамизда гапиришиб юрар эдик".

133-боб. Ҳазил ҳақида

266. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) (бир кун) хотинларнинг олдига кириб қолдилар. Шунда уларнинг ёнида Умму Сулайм (р.а.) ҳам ўтирган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй Анжаша, шишаларни секинроқ ҳайда", дедилар. Абу Кулоба (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.) "Шишаларни ҳайда, деган сўзни сўзладилар, агар бирортангиз шундай сўзни айтса, уни албатта айблаган бўлардингиз", дедилар".

Араблар аёлларни нозик, кўнгилларининг тез ўзгариб туриши ва иродалари мустаҳкам эмаслиги учун шишага ўхшатадилар. Мазкур ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) Анжашага: Хотинлар олдида товушингни пастроқ қилиб сўзла! Уларнинг кўнглига кёлади, демоқчи бўлсалар керак (т.).

267. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Саҳобийлардан баъзиси Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулаллоҳ! Сиз бизлар билан ҳазил ҳам қилишасиз", деганда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Тўғри, ҳазил қилишаман, лекин менинг ҳазилим аслида чин бўлади", дедилар".

268. Бакр ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Саҳобийлар ҳазил қилишар ва бир-бирларига қовун-тарвузларни отишарди. Аммо ҳақиқий ишларда улар чин эр сифатларида туришарди".

269-ҳадис. Ибн Али Мулайка (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Ойиша (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида бир ҳазил қилдилар. Ҳз. Ойишанинг оналари буни эшитиб: "Ё

Расулаллоҳ! Ойиша Кинонадан тарқалган бу элнинг баъзи ҳазилларидан қилиб қўйди", деганди, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Балки бу шу элимизнинг ўзида бўлиб турадиган ҳазилдан қилди", дедилар"[4].

270. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши минадиган улов сўраб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: "Миниш учун сизга урғочи теванинг боласини бераман", дедилар. У киши: "Ё Расулаллоҳ! Мен урғочи теванинг боласини нима қиламан?" – деганида, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ахир, катта теваларни урғочи тевалар туққан эмасми?" – дедилар.

134-боб. Гўдаклар билан ҳазиллашиш ҳақида

271. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бизнинг ҳазилларимизга ҳам аралашар эдилар. Ҳатто менинг Абу Умайр кунялик кичик укамга: "Ҳой Абу Умайр, майначанг (ёки булбулчанг) нима бўлди?" — деб ҳазиллашиб юрар эдилар, дедилар".

Абу Умайрнинг майна ёки булбули бўлиб, у ўлиб қолганда жуда хафа бўлиб юрарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) боланинг гапини эшитиш ва кўнглини кўтариш учун шу ҳазилларини қилар эдилар.

Абу Умайр Абу Талҳанинг ўғли бўлиб, Анас ибн Моликнинг она бир, ота бошқа иниси эди, Абу Талҳа Анас ибн Моликка ўгай ота бўлади (т.).

272. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳасанни ёки Ҳусайнни (Аллоҳ улардан рози бўлсин) қўлидан тутиб, оёқларининг устига чиқариб, «Қани, тур-чи!», дедилар».

135-боб. Яхши хулқлик бўлиш ҳақида

273. Абу Дардо (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Яхши ахлоқдан кўра

торозуни босадиган ҳеч нарса йўқдир», деб марҳамат қилганлар.

274. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) фоҳиш ҳам, мутафаҳҳиш ҳам эмас эдилар ва "Сизларнинг яхшиларингиз — ахлоқи ёқимли бўлганларингиздир", дер эдилар".

Фоҳиш — муомалада ёқимсиз киши. Мутафаҳҳиш эса, шундай бадхулқликни қасддан қилувчи киши (т.).

275. Абдуллоҳ ибн Шуъайб отасининг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай бир гапни эшитганини ривоят қилди: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен учун энг севимли бўлганингиз ва қиёмат куни менга энг яқин бўлувчиларингиз кимлигини айтиб берайми?" — деб сўраганларида, саҳобийлар жим туришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу саволларини икки ё уч мартаба қайтарганларидан кейин, улар: "Ё Расулаллоҳ! Айтиб беринг", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Улар ахлоқда (халққа) ёқимлироқ бўлганларингиздир", дедилар.

276. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен яхши хулқларни камолотга етказиш учун пайғамбар бўлиб келдим", дедилар".

Расулуллоҳ (с.а.в.)га биров озор берса, унга ёмон жазо бериш ўрнига инсоф, тавфиқ сўраб ҳақига дуо қилар эканлар. Аммо Аллоҳ таоло қайтарган ишларни қилинса ёки буйруқларини бажарилмаса, шариат қонуни бўйича жазо берар эдилар (т.).

277. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.)га дунёвий икки ишдан бирини ихтиёр қилиш керак бўлганда, албатта улардан гуноҳга оид бўлмаса, енгилроғини ихтиёр қилардилар. Аммо у гуноҳга оид бўладиган бўлса, албатта ундан ўзларини узоқ тутардилар. Ўз нафслари учун ҳеч кимдан ўч олмаганлар. Лекин Аллоҳ таолонинг қудрати ва ҳурмати поймол қилинадиган бўлса, у вақтда албатта Аллоҳу азза ва жалла учун ўч олардилар".

278. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: "Аллоҳ таоло азалда ризқларингизни тақсим қилиб қўйганидек, хулқларингизни ҳам тақсим қилгандир. Аллоҳ таоло бу дунёда хоҳлаган ва хоҳламаган кишиларига ҳам давлат бераверади. Аммо имонни фақат ўзи хоҳлаган бандасига беради. Ким давлатни сарф қилишга қизғанса, душманга қарши жиҳод қилишдан қўрқса ва кечалари (ибодат қилишдан) чўчиса, "Ло илоҳа иллаллоҳ ва субҳоналлоҳ валҳамду лиллоҳ валлаҳу акбар" калималарини кўп айтиб юрсин, дедилар".

136-боб. Кўз тўқлиги ҳақида

279. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бойлик молнинг кўплиги билан эмас, балки (чин) бойлик нафснинг бойлигидир", деганлар".

Нафснинг бойлиги топган молига қаноат қилиш, унинг баракотини Аллоҳ таолодан сўраш, одамларнинг қўлидаги бойлигидан тамаъ қилиб, раббил оламиндан қарам бўлишдан паноҳ сўрашдан иборат (т.).

280-ҳадис мазмуни 164-ҳадисда бор.

281. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳаматлик киши эдилар. У зотдан ким нима сўраб келса, дарҳол берар эдилар, у нарса қўлларида бўлмаса, (фалон куни бераман деб) ваъда қилардилар. Бир кун хуфтон намозини ўқиш учун муаззин такбир айтди, шу вақтда бир аъробий келди-да, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кийимларидан ушлаб: "Сизга айтадиган ҳожатимдан озгинаси қолди, уни ҳозир айтмасам, унутиб қўяман, деб қўрқаман", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) у билан чиқиб, ҳожатини битириб келдилар-да, кейин намозга шуруъ қилдилар, деб хабар қиладилар".



282. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар бир ишга «Хайр!» дегувчи эдилар».

283. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) айтдилар: "Мен Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг иккала қизлари – ҳз. Ойиша (р.а.) ва ҳз. Асмоъ (р.а.)дан кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди. Ҳз. Ойиша (р.а.) эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардилар-да, улар кўпайгандан кейин бир йўла ҳаммасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Аммо Асмоъ (р.а.) эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар".

Ҳз. Ойиша (р.а.) нарса кўпайганда садақа қилсам ҳаммага бемалол кифоя қилади, деган фикрда бўлсалар, Асмоъ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг "Эҳсон қиладиган нарсангни тўплаб юрма!" деган ҳадисларига амал қилган эдилар (т.).

137-боб. Ўтакетган бахиллик ҳақида

284. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ йўлида қилинган ғазот вақтида кўтарилган чанг билан дўзахнинг тутуни ҳеч бир бандanинг ичида жам бўлмайди ва ўтакетган бахиллик имон билан ҳам бир бандanинг кўнглида жам бўлаолмайди», деганлар".

Бинобарин, душманга қарши ғазот пайтида кўтарилган чанг жангчиларга асар қилмагандек, дўзах ўтига ҳам дохил бўлмайди. Худди шунингдек, сахийлик ва бахиллик бир жойда, бир ахлоқда муштарак бўлаолмайди (т.).

285-ҳадис 284-ҳадиснинг такрори, фақат бу Абу Саид Худрий (р.а.) дан ривоят қилинган.

286. Абдуллоҳ ибн Робиъа айтдилар: "Биз Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) олдиларида ўтирган эдик. Шу вақтда бир киши ва унинг ахлоқи ҳақида гап кетди. Абдуллоҳ (р.а.): "Сиз у кишининг бошини кессангиз, кейин уни ўз ўрнига қўя оласизми?" — деб сўрадилар. Ўтирганлар: "Йўқ, уни ўз ўрнига қўйишга қодир эмасмиз", дейишди. Яна Абдуллоҳ (р.а.): "Унинг оёғини

ёки қўлини кесганингиздан кейин уларни жой-жойига ўзидек қилиб ўрната оласизми?" — дедилар. Улар: "Йўқ, албатта", дейишди. Абдуллоҳ (р.а.): "Демак, сизлар унинг жисмоний ҳайъатини ўзгартиришдан ожиз экансиз, ахлоқини ўзгартиришга албатта қодир эмассиз. Эркак билан аёлдан келадиган сув қирқ кеча она бачадонида туради, кейин у қонга айланиб қотади ва кейин бир чайнам гўштга айланади. Шундан кейин Аллоҳ таоло унга бир фаришта юбориб, ризқини ва ахлоқини ва ўзи бахтлик ёки бахтсиз бўлишини ҳам ёздириб қўяди", дедилар".

138-боб. Яхши хулқ самараси

287. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир мусулмоннинг хулқи яхши бўлса, бутун кеча ибодат қилган мусулмоннинг даражасига тенг бўлади», дедилар».

288. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ислом жиҳатидан савияси баландларингиз хайрли бўлганидек, ахлоқ жиҳатидан эса, энг яхшиларингиз хайрлидир».

289. Зайд ибн Собит (р.а.)нинг озод қилган қуллари Собит ибн Убайд айтдилар: "Мен одамлар билан суҳбатда виқорли, саботли ва мезбон сифатида очиқ юзлиликда ҳамда мутойиба қилишда Зайд ибн Собитдан илғорроқ кишини кўрмадим".

290. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Динларнинг қайси бири Аллоҳга сезимлироқ?" — деб сўралганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): 'Тўғри йўлдаги, рост дин, Иброҳимнинг ҳаниф — ҳаққоний динидир"[1], дедилар".

[1] Қуръони каримнинг «Анъом» сурасидаги 161-оятга ишора (м.м.).



291. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди: у киши: "Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик — мана шу тўрт хислатни Аллоҳ таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир", дедилар.

292. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтди: Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларидан: "Дўзахга тушишга кўпроқ сабаб бўладиган нарса нима?" — деб сўрадилар. Улар: "Буни Аллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ биладилар", деб жавоб беришгандан кейин, "У икки ковак — аврат ва оғиздир", дедилар. Яна: "Жаннатга тушишга сабаб бўладиган нарса нима?" — дедилар-да, ўзлари: "У эса Аллоҳ таолодан қўрқиш ва яхши ахлоқли бўлишдир", дедилар.

293. Умму Дардо (р.а.) айтдилар: "Кечаларнинг бирида Абу Дардо намоз ўқиш учун турдилар-да, тонг отгунча: "Эй, Аллоҳ! Мени чиройлик қилиб яратганингдек ахлоқимни ҳам чиройлик қил!" — деб йиғлаб чиқдилар. Шунда мен у зотдан: "Эй, Абу Дардо! Нима учун тун бўйи қилган дуоингиз фақат ахлоқингизни чиройли қилиши ҳақида бўлди?" — деб сўрадим. Абу Дардо: "Бир мусулмон банда ўз ахлоқини яхши қилишга ҳаракат қилаверса, охири яхши ахлоқи уни жаннатга киритади. Агар у ахлоқини ёмон қилаверса, шу ёмон ахлоқи уни дўзахга киритади", дедилар. Абу Дардо сўзларини давом эттириб: "Бир мусулмон банда ўзи ухлаб ётган вақтида гуноҳи кечирилади", дедилар. Мен: "Бу қандай гап, у ухлаб ётса-ю, гуноҳи кечирилса?" — деб сўраганимда, у киши: "Бир кишининг дўсти кечаси туриб таҳажжуд намозини ўқиб, Аллоҳ таолодан ўзининг ва дўстининг ҳам гуноҳини кечирмоғини сўраса, шу дуоси туфайли Аллоҳ ўзининг ҳам, дўстининг ҳам гуноҳларини кечириб юборади", дедилар".

294. Усома ибн Шерик (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида бўлган вақтимда уёқ-буёқдан аъробийлар келди-да, бошқа кишилар сўзламай, фақат ўзлари гапирди. Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Фалон-фалон ишларни қилсак гуноҳ бўладими?" — деб, унчалик аҳамиятли бўлмаган нарсалар ҳақида савол беришди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло бандаларидаги гуноҳни (ёздирмай) қўйган (яъни, уларни гуноҳкор қилавермайди). Аммо бир киши иккинчи кишини ғийбат қилиб зулм қилса, уни кечирмайди. У гуноҳкор бўлади ва ҳалокатга учрайди", дедилар. Улар яна: "Ё Расулаллоҳ! Биз дори истеъмол қилсак бўладими?" — дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Дори истеъмол қилинглар, чунки Аллоҳ таоло қандай дард берган бўлса, унинг давосини ҳам албатта берган. Фақат битта дарднинг давоси йўқ, у ҳам бўлса кексаликдир", дедилар. Улар: "Ё Расулаллоҳ! Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси нима?" — деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхшиси ахлоқдир", дедилар".

295. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) хайр-эҳсон қилишда ҳаммадан ҳам сахийроқ эдилар. Хусусан рамазон ойи келиб, ҳз. Жаброил (а.с.) билан учрашадиган пайтларида жуда ҳам сахий бўлиб кетар эдилар. Ҳз. Жаброил (а.с.) рамазон ойининг ҳамма кечаларида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келар, Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаброил (а.с.)га Қуръони каримни арз этар эдилар. Ҳз. Жаброил (а.с.) билан учрашадиган вақтларида Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳ таолонинг раҳматини олиб келувчи тез эсадиган шамолдан ҳам саховатлироқ бўлар эдилар".

296. Абу Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлардан бурун ўтган пайғамбарлар умматидан биттасини ҳисоб-китоб қилин-



ганда ундан ҳеч яхши иш топилмаган, лекин у ўзига тўқ киши бўлиб, халқ билан аралашиб юрар ва камбағал кишилардан оладиган маблағи бўлса: "У камбағал бечорадан шу маблағни кечиб юборинглар!" — деб ўз кишиларига буюрарди. Шунда Аллоҳ таоло: "Бу банда камбағалга яхшилик қилиб, ундан оладиган маблағни кечган экан, унинг ҳам гуноҳларини мен албатта кечмоғим лозим", деди".

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 297-ҳадис 292-ҳадиснинг такрори.

298. Навос ибн Самъон Ансорий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)га яхшилик билан гуноҳ ҳақида савол бердилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Яхшилик ахлоқнинг чиройлик бўлиши, гуноҳ эса қайси бир ишни қилишда кўнглингда ғашлик пайдо бўлиб уни кишилар билиб қолишини хоҳламайдиган бўлсанг, мана шу ишни қилмоғинг гуноҳдир", дедилар.

139-боб. Қизғанчиқлик ҳақида

299. Жобир (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Салом ўғиллари! Сизларнинг раҳбарингиз кимдир?» — деб сўрадилар. «Жуд ибн Қайс деган бир қизғанчиқ одам», деб жавоб бердик. «Қизғанчиқликдан ҳам ёмонроқ хасталик бормикин? Сизларнинг илгари раҳбарингиз Амр ибн Жамуҳ жоҳилият даврида бутларга топинарди. лекин жуда жўмард бир одам эди», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

300-ҳадис 16-ҳадиснинг деярли такрори, аммо бу ерда таъмагирлик, отаонани норози қилиш, жоҳилият замонидаги каби қиз болаларни тириклайин кўмиб юбориш ҳақида фикр айтилган. 301-ҳадис 282-ҳадиснинг айнан такрори.

140-боб. Яхши кишига ҳалол мол

302. Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) кийим-бошлари ва қуролларини олиб, тайёрланиб келсин, деб менга киши юбордилар. Мен буюрганларидек тайёрланиб, ҳузурларига бордим.

Расулуллоҳ (с.а.в.) таҳорат қилаётган эканлар. Менга тикилиб қарадилар-да, кейин: "Эй Амр! Сени аскарларга бошлиқ қилиб юбормоқчиман. Аллоҳ таоло қўлингга ғаниматлар туширсин. Яна мен сенга фойдалик моллардан ҳам бўлишига талабгорман", дедилар. "Ё Расулаллоҳ! Мен молга қизиқиб мусулмон бўлган эмасман. Мен сиз билан бирга бўлишга рағбат қилиб мусулмон бўлган эдим", дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй Амр! Солиҳ, қобил кишида ҳалол молнинг бўлиши қандай яхши нарса!" – дедилар.

141-боб. Мол ва жон амнияти ҳақида

303. Убайдуллоҳ ибн Миҳсан Ансорий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ бўлиб турса ва олдида шу кунига етарлик таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади", дедилар".

142-боб. Кўнгил шодлиги ҳақида

304. Муоз ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийлар олдига чиқдилар. Кўринишларида ғусл қилганлик аломати бор эди. Саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.) аёллари билан яқинлик қилган бўлсалар керак, деб ўйладилар-да: "Ё Расулаллоҳ, биз сизнинг кўнглингизни шод кўраяпмиз", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳа, алҳамдулиллоҳ, кўнглим шод", дедилар. Шундан кейин саҳобийлар бойлик тўғрисида гапиришди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бойлик ёмонликлардан сақланадиган кишилар учун зарарсиздир. Мана шундай кишилар учун тан соғлик бойликдан ҳам яхшироқдир ва кўнгил шодлиги (Аллоҳга ташаккур этиш лозим бўлган) неъматлардан биридир", дедилар".

305. Навос ибн Самъон (р.а.) айтдилар: «Саҳобийлардан бири Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эзгулик ва гуноҳнинг мо-



ҳиятини сўради, Расулуллоҳ (с.а.в.) жавоб бериб дедилар: «Эзгулик гўзал ахлоқдир, гуноҳ эса, виждонни чулғаб олиб, уни одамлардан пинҳон қилувчи нарсадир».

306. Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) хилқатда ҳам, ахлоқда ҳам одамларнинг энг яхшиси, энг жавонмарди ва энг шижоатлиси эдилар. Кечаларнинг бирида Мадинада қўрқинчлик бир товуш эшитилди. Кишилар ўша товуш эшитилган томонга йўл олдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаммадан илгари елкаларига қилич осиб, Абу Талҳа (р.а.)нинг эгарланмаган яланғоч отига миниб, ўша овоз чиққан ердан қайтиб келаётганларида йўлда бораётган кишиларга дуч келдилар-да: "Қўрқманглар, қўрқманглар", деб уларга тасалли бердилар ва Абу Талҳанинг отини мақтаб: "Бу отни мен денгиздек мисоли кўрдим", дедилар".

307. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кишиларга қилинадиган ҳар бир яхшилик садақа ҳисобланади, ҳатто бир биродарингга очиқ юз билан рўбарў келишинг ва челагингдан унинг идишига (сув) солиб беришинг ҳам садақа бўлади", дедилар".

143-боб. Бечорага ёрдам бериш ҳақида

308. Абу Зарр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилдилар: «Саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: «Амалларнинг қай бири хайрли?» – деб сўрадилар. «Аллоҳга ишонмоқ ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилмоқ», деб жавоб бердилар. Асҳоблар яна бундай савол бердилар: «Қул ва чўрилардан қай бирини озод қилиш хосиятли ҳисобланади?» «Хожаларига энг садоқатлиларини», дедилар. «Шундайларини озод қилолмасам-чи?» – сўради кимдир. «У ҳолда бечора одамга ёрдам қиласан ёхуд бировга ёрдам беролмаган одамнинг ўрнига шу ишни

сен қиласан», деб марҳамат қилдилар. «Агар бундан ҳам ожиз бўлсам-чи? – деди ўша саҳобий. «Инсонларни ёмонликдан қайтар! Бу ҳам ўзинг учун садақадир», дедилар.

309.Абу Мусо (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Садақа барча мусулмонларга вожибдир», деб марҳамат қилдилар. «Агар мўмин киши садақа учун бирон нарса тополмаса-чи?» – деб сўрашди. «Қўллари билан меҳнат қилсин; ҳам ўзига фойда, ҳам садақа бера олади», деб марҳамат қилдилар. «Меҳнат қилишга кучи етмаса-си?» – деб сўрадилар. «Яхшилик қилсин», дедилар. «Бу иш ҳам қўлидан келмаса–чи?» – деб сўрадилар. «Ўзини ёмонлик қилишдан сақласин, зеро, бу ҳам унинг садаёқаси бўлади», дедилар.

144-боб. Аллоҳ таолодан ахлоқини яхши қилишни сўраган киши ҳақида

310. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) кўпинча: "Эй, Раббим! Мен сендан тан соғлигини, нафси аморадан сақлашингни, Ўзингга ва халқларингга ишончли бўлишни, яхши ахлоқли бўлиш ва тақдирга рози бўлишга муяссар қилишингни сўрайман", деб дуо қилар эдилар".

311. Язид ибн Бобанус айтдилар: Биз ҳз. Ойиша (р.а.) ҳузурларига кириб: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ахлоқлари қандай эди?" – деб сўрадик. Ҳз. Ойиша (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ахлоқлари Қуръонда буюрилганнинг худди ўзи эди", дедилар-да: "Сизлар "Муъминун" сурасини ўқийсизми?" – деб сўрадилар ва менга: "Қани "Қад афлаҳа-л-муъминун" (Мўминлар нажот топдилар)дан ўқиб бер-чи", деб буюрдилар. Мен "Улар намозларида ўзларини камтар тутувчидирлар. Улар (беҳуда сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчидирлар. Улар закотни адо этувчи-



дирлар. Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчидирлар", деган (23:1-5) оятларни ўқидим. Шунда ҳз. Ойиша (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ахлоқлари худди мана шу оятларда буюрилгандек эди", дедилар.

145-боб. Мўмин одамларни лаънатловчи бўлмайди

312. Солим ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинди, у киши: "Мен отам Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг кишиларгагина эмас, ҳатто бошқа махлуқларга ҳам лаънат айтганларини сира эшитмадим", дедилар ва ҳз. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг "Мўмин киши асло лаънат этувчи бўлмаслиги лозим", деган муборак ҳадисларини ривоят қилдилар, дедилар".

313. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло ёмон иборалар билан сўкувчи ва оғзини шундай сўкишга ўргатган кишини яхши кўрмайди", дедилар".

314. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурига яҳудийлар келиб: "Ас-сому алайкум" (сизга ўлим бўлсин), дедилар. Шунда мен: "Ўлим ўзларингизга бўлсин ва Аллоҳ таолонинг лаънати ва ғазаби ҳам сизларга бўлсин!" – деб қарғадим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Ойиша! Қўй, ундай дема, оғир бўл, қаттиқ муомала қилишдан ва қарғашдан ўзингни сақла", дедилар. Мен: "Ё Расулаллоҳ! Буларнинг гапини эшитмадингизми?" – дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен ҳам менинг гапимни эшитмадингми? Мен уларга "ва алайкум", яъни, "Айтган гапларингиз ўзларингизга бўлсин", дедим. Аллоҳ таоло менинг уларга қилган дуои бадимни қабул қилади, аммо уларнинг менга қилган ёмон тилакларини қабул қилмайди", дедилар".

315-ҳадис мазмуни 312-ҳадисда бор, фақат бу ҳадис Абдуллоҳдан ривоят қилинган.

316. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Икки юзлама кишига ҳеч ишонмаслик керак", дедилар".

317. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): «Бир мўминнинг разил феъли унинг бузуқлигидан далолатдир», дедилар.

318. «Бировга лаънат ўқиганлар ўзлари лаънатландилар», дедилар ҳз. Али (к.в.). Марвон (р.а.): «Ҳа, ўша инсонларга лаънат ўқиган кимсалардир», деб тасдиқладилар.

146-боб. Лаънатловчи кишилар ҳақида

319. Абу Дардо (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ: "Кишиларга лаънат этувчилар қиёмат куни шоҳид ҳам, шафоат қилувчи ҳам бўла олмайдилар", дедилар".

Шоҳид "гувоҳ бўлувчи" маъносида бўлиб, қиёматда бошқа пайғамбарлар ўз вазифаларини умматларига етказганлари ҳақида гувоҳ бўлувчи ёки улар фосиқ бўлгани учун бошқа кишилар ҳақида гувоҳлик берсалар, гувоҳликлари шариатда қабул қилинмайди ёхуд қиёмат куни шоҳид кишилар қаторида бўла олмайдилар ва шафиъ эса, қиёмат куни қавм-қариндошлари ва дўст-биродарларига шафоат қила олмайдилар, маъносида (т.).

320. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳга чин кўнгил билан қаттиқ ишонувчи киши бошқаларга лаънат ёғдирувчи бўлмаслиги керак", дедилар".

321. Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Қайси бир жамоат бир-бирларига лаънат ёғдирса, лаънатлари ўз устиларига ёғилади", дедилар.

147-боб. Кўнгли соф киши лаънат ўқимас

322. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Отам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) қулларидан бирига лаънат ўқидилар. Буни Расу-

луллоҳ (с.а.в.) эшитиб: "Эй Абу Бакр! Аллоҳга қаттиқ ишонувчилар билан лаънат ўқувчилар ҳақидаги гапларим қаерда қолди? Йўқ, бундай бўлмаслиги керак", деб икки ё у уч маротаба такрорладилар. Отам ўша куниёқ қулни озод қилиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Мен иккинчи мартаба шундай қилмайман", деб узр айтдилар".

148-боб. Бир-бирингизни дуоибад қилмангиз

323. Самура ибн Жундуб (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, умматларим! Бир-бирингизни сенга Аллоҳнинг лаънати, ғазаби ва дўзахи бўлсин, деб дуоибад қилманглар!" – дедилар".

149-боб. Кофирга лаънат ўқиш ҳақида

324. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Ё Расулаллоҳ! Мушриклар ҳақида дуоибад қилинг!" – дейишганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен дуоибад қилувчи, лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман", дедилар.

150-боб. Гап ташувчи ҳақида

325. Ҳаммол ибн Ҳорисдан ривоят қилинди, у киши: "Биз Ҳузайфа ибн Ямон билан бирга эдик, шу вақтда у кишига одамлар гапини ҳз. Усмон (р.а.)га етказиб турадиган бир киши ҳақида шикоят қилинди. Шунда Ҳузайфа: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Яширин равишда кишилар гапига қулоқ солиб, уни (ёмон ниятда) бошқаларга нақл қилувчи одам жаннатга кирмайди", деган сўзларини эшитганман, дедилар".

326. Асмоъ бинти Язид (р.а.) дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларга: "Мен сизларга энг

яхшиларингизни айтиб берайми?" — дедилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, айтиб беринг", дейишди. "Улар шундай кишиларки, қачон кўринсалар Аллоҳ таолони эслатадилар. Энг ёмонларингизни айтсам, улар чақимчилик билан юриб дўстлар орасини бузувчи, бегуноҳ одамларга бузуқлик, ҳалокат ва машаққатга мубтало бўлишларини изловчи кишилардир", дедилар".

Яъни улар қачон кишилар орасига кирсалар, дарҳол амри маъруф ва нахйи мункар қиладилар-да, бепарво бўлган одамларни огоҳлантириб, Рабби-л-иззат томонга мойил бўлишга даъват қиладилар. Аллоҳни эслатадилар сўзидан мурод, валлоҳу аълам, шу бўлса керак (т.).

151-боб. Ёмон сўз тарқатувчи киши ҳақида

327. Ҳз. Али (к.в.): "Ёмон сўзни айтувчи билан уни бошқаларга ошкора қилувчи — иккиси гуноҳкорликда баробардир" , дедилар.

328. Шубайл ибн Авф айтдилар: «Эшитган ёмон гапини ёйган одам ўша ёмон гапни тўқиб чиқарган киши кабидир»

329. Ибн Журайж Ато ибн Аби Рабоҳ (р.а.)дан ривоят қилди, у киши: "Фоҳишани ошкор қилган кишига бошқаларга ибрат бўлсин учун жазо бериш керак", дер эдилар.

152-боб. Одамлардан айб излаган киши ҳақида

330. Абу Тиҳё Ҳаким Саъддан ривоят қилинди, у киши: "Мен ҳз. Алидан: "Сизлар бузуқ ишларни қилган кишини уялтириш учун унинг айбини ошкора қилувчи ва сирни очувчи бўлманг, чунки орқаларингизда сизни машаққатга солувчи, хафа қилувчи болалар ва узоқ вақт давом этадиган турли фитна ва машаққатлар бор", деган гапларни эшитдим", дедилар".



331. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Сен бир биродарингнинг айбларини зикр қилмоқчи бўлсанг, аввал ўз айбларингни эсла!" — дедилар.

332. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Қуръондаги "Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз" (49:11) дейилган оятни "бир-бирингизга таъна қилманг", деб тафсир қилдилар.

Яъни кишиларни мазах қилсангиз, сизни ҳам мазах қиладилар, бировга таъна қилсангиз, сизга ҳам таъна қилувчилар топилади (т.).

333. Абу Жубайра ибн Даҳҳок (р.а.): "Бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз" (49:11), дейилган ояти каримаси Бани Салама қавми ҳақида келган", дедилар. Яна у киши "Бизда ҳар бир кишининг иккитадан исми бўлган. Расулуллоҳ (с.а.в.) бизнинг қавмга келгандарида "Ҳай, фалончи", деб бир кишини чақирдилар, шунда одамлар: "Ё Расулаллоҳ! Уни бу исми билан чақирсангиз хафа бўлади", дейишди.

334. Акрама (р.а.) айтдилар: "Абдуллоҳ ибн Аббос ёки Абдуллоҳ ибн Умар иккалаларидан бири иккинчиларини таомга даъват қилди. У кишининг жориялари хизмат қилиб турган пайтида уни "Ҳой, зония", деб чақирдилар. Шунда у кишининг ҳамтовоқлари: "Ундай деманг! Жория сизнинг таънангиз учун бу дунёда ҳад уролмаса ҳам, қиёмат куни албатта ҳад уради", дедилар. Жорияни зинокор деган киши: "Агар у ҳақиқатда зинокор бўлса-чи?" — деган эдилар, у киши: "Аллоҳ бировларни ёмон ибора билан сўкинувчи ҳамда сўкишга одат қилган кишини севмайди, дейдилар". Бу охирги сўзни айтган киши Ибн Аббос эдилар".

335. Абдуллоҳ ибн Масъуд айтдилар (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мўмин киши одамларни таъна қилувчи, уялтирувчи, кишиларга лаънат ёғдирувчи, ёмон иборалар билан сўкинувчи ва уятсиз, тили аччиқ бўлиши ҳам мумкин эмас", дедилар".

153-боб. Мақташ ҳақида

336. Абу Бакра Нуффайиъ ибн Ҳорис (р.а.) айтди: "Расули амин (с.а.в.) ҳузурларида бир киши устида гап бўлди ва уни кимдир мақтади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уни шундай мақташинг билан бўйнини узиб қўйдинг", дедилар. Ва шу гапларини неча марта такрорладилар-да, кейин: "Агар биттангиз бир бирода-рини (ҳақиқатдан бор бўлган хислатлари билан) мақтамоқчи бўлса, менинг фикримча, бу шундай одам, деган сўзни аввал айтиб қўйсин. Чунки унинг ҳақиқий ҳолини Аллоҳ таоло ўзи билади. Бандалар бир-бирларини Аллоҳ таолога бу киши албатта пок, деб ҳукм қилиб бермоқлари дуруст эмас", дедилар".

337. Абу Мусо (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир одам иккинчи одамни ошириб мақтаётганини эшитсалар: «Сен у одамни ҳалок қилдинг» ёки «Сен ўша одамнинг белини синдирдинг», дер эдилар».

338. Иброҳим Таймий оталаридан ривоят қилдилар, у киши: "Биз ҳз. Умар ибн Хаттоб олдиларида ўтирган эдик, шунда бир киши иккинчи кишини ўзининг юзига мақтади. Ҳз. Умар: "Бу кишини сен ҳалок этдинг. Аллоҳ таоло сени ҳам ҳалок этсин", деб дуоибад қилдилар". (Кишининг юзига мақташда ҳалокат борлиги учун ҳз. Умар у кишини дуоибад қилдилар).

339. Ибн Асламий ҳам отасидан ривоят қилиб, ҳз. Умарнинг шундай деганларини хабар қилди: «Одамларни ошириб мақташ уларни бўғизлашдир». Муҳаммад ибн Зайд бу сўзларнинг маъносини тушунтириб: «Мақталган одам мақтовчининг гапига ишониб ғурурланади, ўзига бино қўяди ва натижада ҳалок бўлади», дедилар.



154-боб. Киши ўзи ишонган одамни мақташи ҳақида

340. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Убайд ибн Ҳузайр, Собит ибн Шаммос, Маоз ибн Амр ибн Жумух, Муоз ибн Жабал (р.а.)ларни: "Булар ҳаммаси жуда яхши одамлар", деб мақтадилар ва "фалончи фалончилар" деб етти кишининг номини тилга олиб: "Булар ёмон кишилар", дедилар".

341. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириш учун рухсат сўради. У кирмасдан аввал Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу ўз қабиласининг ёмон фарзанди", дедилар. У ҳузурларига киргандан кейин, яхши муомала қилдилар. У киши чиқиб кетгандан кейин яна бир киши келиб рухсат сўраганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу ўз қабиласининг яхши кишиси", дедилар, лекин унга аввалги кишига қилган муомалаларидек яхши муомала қилмадилар. У ҳам чиқиб кетгандан кейин мен: "Ё Расулаллоҳ! Сиз фалончи келганда ёмон одам деб, лекин ўзига яхши муомала қилдингиз. Аммо иккинчи кишини аввал мақтадингиз-у, лекин ҳузурингизга кирганда аввалгисидек муомала қилмадингиз?" — деб сўрадим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Ойиша! Ёмон одамларга яхши муомала қилмоқ балонинг олдини олмоқдир", деб жавоб бердилар".

155-боб. Мақтовчилар бетига тупроқ сочиш ҳақида

342. Абу Муаммар (р.а.) айтдилар: "Бир киши тик туриб амирлардан биттасини мақтади. Шунда Миқдом ибн Асвад унинг юзига тупроқ сочдилар-да, Расулуллоҳ (с.а.в.) ортиқча мақтовчиларга шундай тупроқ сочмоғимизни буюрганлар, дедилар".

343-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такроридир.

344. Ражо ибн Аби Ражо (р.а.) айтдилар: "Мен бир куни Маҳҳон Асламий (р.а.) билан басраликлар масжидига бордим. Бурайда Асламий масжид дарвозаларидан бири олдида ўтирган экан. Ҳазил қилишга ўрганган Бурайда масжидда намозни узоқ ўқиётган Сакбани Маҳҳонга кўрсатиб: "Сен ҳам шу Сакбадек намоз ўқийсанми?" — деб сўрадилар. Маҳҳон Бурайдага жавоб қайтариш ўрнига Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб берди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кун менинг қўлимдан ушладилар-да, "Қани юр", деб ўзлари билан пиёда олиб кетдилар. Иккимиз биргаликда Уҳуд тоғига чиқдик. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага қараб туриб "Эй, афсус! Бу шаҳар энг обод бўлган бир вақтда эгалари ташлаб кетадилар. Шаҳарга Дажжол кирмоқчи бўлади. Лекин ҳамма дарвозаларида фаришталар турганини кўриб, киролмай қайтиб кетади", дедилар. Кейин тоғдан пастга тушиб масжидга бордилар. Масжидда рукуъ, сужудларини яхшилаб намоз ўқиётган бир кишига кўзлари тушдида: "Бу одам ким?" деб мендан сўрадилар. Мен: "Бу фалончи", деб уни мақтай бошладим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бўлди, бундай мақтовингни унинг ўзига эшиттирма, уни ҳалок қиласан!" — дедилар. Кейин озгина юриб ҳужралари (аёлларнинг хонаси) олдига бордилар ва муборак қўлларини силкитиб туриб: "Динимиздаги амалларнинг энг яхшиси енгил ва осон бўлганидир", деб бу сўзларни уч маротаба такрорладилар".

156-боб. Шеърий мадҳия ҳақида

345. Авс ибн Сариъ (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: "Ё Расулаллоҳ! Мен шеър билан Аллоҳ таолони ва сизни мақтадим", дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ ҳамдни севади",



дедилар. Кейин мен шеъримни Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўқий бошладим. Шу вақтда новча, бошининг олд томонида сочи йўқ бир киши келиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириш учун рухсат сўради. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) менга: "Бўлди, жим ўтир", дедилар. Кейин у киши кириб Расулуллоҳ (с.а.в.) билан озгина сўзлашди-да, чиқиб кетди. Яна шеъримни ўқий бошладим. У киши яна келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна менга "жим ўтир", дедилар. Хуллас, у киши икки ё уч маротаба келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) эса ҳар келганда мени жим туришга буюрардилар. Кейин мен: "Ё Расулаллоҳ! Бу киши ким бўладики, ҳар келганда мени ўқишдан тўхтатдингиз?" — деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу киши ботил гапни (шеърни) яхши кўрмайдиган одам"[1], дедилар"[1].

157-боб. Шоирга садақа

346. Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Нужайд айтдилар: "Отамнинг айтишича, Имрон ибн Ҳусайн (р.а.) олдига бир шоир келди. Имрон унга бир нарса инъом қилди. Шунда кимдир унга: "Шоирга не учун эҳсон бердингиз?" — деб сўраганда, у: "Мен ўз обрўйимни сақлаш учунгина шоирга инъом қиламан", деди".

158-боб. Дўстингизни малол келадиган даражада эъзозламанг

347. Муҳаммад ибн Сирин (р.ал.)нинг айтишига қараганда, саҳобийлар: «Дўстларингизни уларга малол келадиган даражада эъзоз қилманг», дер эканлар.

[1] Ровийларнинг берган хабарларига кўра, бу киши Умар ибн Хаттоб эдилар (м.м.)

159-боб. Зиёрат қилиш ҳақида

348-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: "Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг", дейди, деб таъкидладилар».

349-ҳадисда Салмон Форсийнинг номуносиб кийиниши ҳақида гап боради ва эҳтимолки котиблар кўчириши натижасида маъно англашилмай қолган, шунинг учун тушириб қолдирилди (т.).

160-боб. Зиёратчининг дуоси

350. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ансорлардан бирининг хонадонига кирдиларда, таом едилар. Кейин чиқиб кетаётганларида: "Бу ерга бир жойнамоз келтирсанглар", деб буюрдилар. Шунда бир шолчага сув сепиб келтирилди. Унда нафл намоз ўқиб, хонадон ҳақига дуо қилиб кетдидар".

351. Солиҳ ибн Умар айтди: Абдулкарим Уба Умайя юнгдан бўлган кийимларини кийиб Абул Олия ҳузурларига келди. Шунда Абул Олия унга: "Бу насоро роҳибларининг кийими, мусулмонлар бир-бирларини зиёрат қилишга борганларида ясаниб, яхши кийимлар кийиб борар эдилар", дедилар.

352. Ҳз. Асмоъ (р.а.)нинг озод бўлган қули Абдуллоҳ айтди: «Ҳз. Асмоъ менга уйларидан уринган бир жуббa олиб чиқиб бердилар. Жуббанинг ёқаси қабариқ бир газламадан эди, этакларида ҳам шундай қабариқ газлама тикилган эди. Асмоъ: «Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг жуббаларидир, уни одатда жума куни ёки элчилар келганда кияр эдилар», дедилар».

353-ҳадис 13-бобдаги 26-ҳадиснинг айнан такрори.



161-боб. Зиёратнинг фазилати ҳақида

354. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир воқеани гапириб берлар. У қуйидагича: "Бир киши бошқа бир қишлоқда турадиган дўстини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди. Аллоҳ таоло унга бир фариштани юборди. Фаришта ундан: "Йўл бўлсин, қаерга бораяпсан?" — деб сўради. У: "Шу қишлоқда яшайдиган бир дўстимни кўргани кетаяпман", деди. Фаришта: "Дўстинг сенга бирор яхшилик қилган ёки ундан бирор манфаат кўрган бўлсанг керакки, ўшанинг хотираси учун бораяпсан-да", деди. У киши: "Йўқ, мен уни фақат Аллоҳ учун яхши кўраман, шунинг учунгина зиёратига бормоқчиман", деди. Шунда фаришта: "Мен Аллоҳнинг элчисиман. Аллоҳ таоло мени атай сенга юборди. Сен уни холисаниллоҳ севганинг учун Аллоҳ таоло ҳам сени севади", деди".

162-боб. Киши севган одами билан бирга бўлиши ҳақида

355. Абу Зарр Ғифорий (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулаллоҳ! Бир киши бир қавмнинг амалини қилишга қодир бўлмайди-ю, лекин уни яхши кўради", деган саволни бердим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Абу Зарр, сен севган кишинг билан бўласан", дедилар. Мен яна: "Мен Аллоҳ таолони ва унинг Расулини яхши кўраман", дедим. "Эй, Абу Зарр! Сен яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан", дедилар".

356. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Эй, Аллоҳнинг пайғамбари! Қиёмат куни қачон бўлади?" — деб сўраганда, Расулуллоҳ

(с.а.в.): "Сен қиёмат куни учун қандай амалларни тайёрлаб қўйдинг?" — деб сўрадилар. У: "Мен қиёмат куни учун деярли катта бир амал тайёрлаганим йўқ, фақат Аллоҳ таолони ва унинг Расулини севаман", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир киши ўзи севган кишиси билан бирга бўлади", дедилар". Анас ибн Молик (р.а.): "Бу сўзни эшитган мусулмонлар шу қадар хурсанд бўлдиларки, бунинг тасвирига қалам ожиз", дедилар.

163-боб. Ёши улуғларнинг фазилати

357. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимки ёши кичикларимизга раҳмдил бўлмаса ва катталаримизнинг қадр-қиммати ва ҳақини билмаса, у одам бизнинг қавмдан эмас", дедилар".

358. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.): «Кичикларимизга раҳмдил бўлмаган, ёши улуғларимизни ҳурмат қилмаган киши биздан эмас», дедилар.

359, 360, 361-ҳадислар юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.

164-боб. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш ҳақида

362. Абу Кинона Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилдилар: У киши: "Соч-соқолларига оқ тушган мусулмон кишини, Қуръон-и каримга амал қилишдан юз ўгирмайдиган ҳофизу-л-Қуръонни[1] ва адолат билан иш олиб борадиган амалдорни ҳурмат қилмоқ Аллоҳ таолони ҳурмат қилмоқнинг белгисидандир", дедилар.

363-ҳадис 358, 359, 360, 361-ҳадисларнинг айнан такрори.

[1] Ҳофизу-л-Қуръон — Қуръон сураларини тўлиқ ёд олувчи қори англашилади (м.м.).



165-боб. Гапни ҳам. ишни ҳам ёши улуғ киши бошлайди

364. Рофиъ ибн Худайж ва Саҳл ибн Аби Хасма (р.а.) айтдилар: "Абдуллоҳ ибн Саҳл билан Муҳаййаса ибн Масъуд (р.а.)лар Хайбарга келиб у ердаги хурмозор ичига кириб кетишди. Шу ерда Абдуллоҳ ибн Саҳл ўлдирилди. Шунда Абдурраҳмон ибн Саҳл билан ибн Масъуднинг икки ўғли — Ҳусайа ва Муҳаййасалар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб Абдуллоҳ ибн Саҳлнинг ўлдирилганлиги ҳақида хабар беришди. Гапни уларнинг энг кичиги бўлган Абдурраҳмон бошлаган эди, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Каттароғингиз гапирсин", дедилар. Улар бўлган воқеани баён қилиб бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Биродарингизни ўлдирган киши номаълум бўлгани учун сизлардан эллик киши Абдуллоҳ ибн Саҳлни яҳудийлар ўлдирган, деб қасам ичсин", дедилар. Улар: "Ё Расу-лаллоҳ! Биз уни яҳудийлар ўлдирганини кўрган эмасмиз", дейишди. Расулуллоҳ: "Ундай бўлса, яҳудийлардан эллик киши уни биз ўлдирган эмасмиз, деб қасам ичади", деганларида, улар: "Биз яҳудийлар қасамига ишонмаймиз, чунки улар кофир, ёлғондан қасам ичмоқдан қўрқмайдилар", деганларидан кейин Расулуллоҳ байту-л-молдан унинг хунини тўла-дилар". Саҳл Аби Хасма: "Мен ўша тевалардан биттасини учратдим. У мени тепди", дедилар.

166-боб. Катталардан аввал фикр айтмаслик ҳақида

365. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: "Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кишиларга зарар етказмасликда мусулмон кишига ўхшаган бир дарахт бор. Аллоҳ

таоло амри билан у дарахт ҳамма вақт мевасини бераверади ва ерга тўкилмайди, шу қайси дарахт, биласизми?" — деб сўрадилар. Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Бу хурмо дарахтидир", деган фикр менинг хаёлимга келди-ю, лекин Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ва отам Умар (р.а.)лар жавоб қайтармаганлари учун мен буни айтмоқни ўзимга маъқул кўрмадим. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзлари: "Бу хурмо дарахтидир", дедилар. Шундан кейин мен отам билан чиқиб кетаётганимда отамга: "Расулуллоҳ (с.а.в.) айтаётган бу дарахтлари хурмо эканлиги хаёлимга келган эди", дедим. Шунда отам: "Нега айтмадинг, агар айтганингда, мен учун фалон-фалон нарсалардан ҳам яхшироқ бўлар эди", дедилар. Мен: "Сиз ҳам, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ҳам сўзламаганларингиздан кейин мен гапиришни ўзимга муносиб кўрмадим", дедим".

167-боб. Ёши улуғларни ишбоши қилиш ҳақида

366-ҳадис. Қайс ибн Осим ибн Синон (р.а.) ўлим олдида болаларига васият қилдилар: "Аллоҳ таолодан қўрқинглар. Ёши каттароқларингизни ўзларингизга бошлиқ қилинглар. Қайси қавмга ёши улуғ киши бошлиқ бўлса, ўша ота ўрнига ўтади. Кичикроқлари бошлиқ бўлса, ўз тенгдошлари ўртасида уят ва ҳақоратга қолади. Молни топиш ва уни расамади билан ишлата билиш ҳаракатида бўлинглар, чунки мол сахийлар даражасини кўтаради ва бахилларга муҳтож қилмайди. Кишилардан бирор нарса сўрашдан ўзингизни сақланг, чунки сўрашлик кишининг энг охирги ноиложлик ҳолатидир. Мен вафот этганимда овоз чиқариб йиғламанг, чунки Расулуллоҳ (с.а.в.)га ҳам овоз чиқариб йиғланмади. Ўлганимда Бакр ибн Воил қабиласи қабримни билмасин, чунки

мен жоҳилият замонида улар ғафлатдаликларидан фойдаланиб мол-мулкларини талаган эдим".

168-боб. Пишган мевалардан атрофдаги гўдакларга бериш ҳақида

367. Абу Ҳурайра айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)га янги пишган хурмодан олиб келинса: "Эй, Аллоҳ! Мадина аҳлларига ва уларнинг ризқи рўзига баракот бер ва уларнинг катта-кичик ўлчовларига ҳам кўп-кўп барака бергил", деб дуо қилиб, кейин атрофларидаги болалардан кичикроқларига шу хурмодан берар эдилар".

169-бобдаги Амр ибн Шуъайбдан ривоят қилинган 368-ҳадис 358, 359, 360, 361-ҳадисларнинг такрори.

170-боб. Гўдакни севиб қучоқлаш ҳақида

369. Яъло ибн Мурра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши ҳикоят қилдилар: "Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан мукаллиф бўлган жойга бориш учун уйдан чиқдик. Саййидуно Ҳусайн кўчада ўйнаб юрган экан. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга томон чопиб, қучоқ очдилар, бола эса у ёқ-бу ёққа қочар ва Расулуллоҳ (с.а.в.) эса кулиб болани қувардилар. Охири уни тутиб олдилар ва бир қўллари билан қулоғидан, иккинчи қўллари билан бошидан ушлаб қучоқладилар-да: "Ҳусайн мендан (менинг болам) ва мен Ҳусайндан (унинг бобосиман). Ҳусайнни яхши кўрган кишини Аллоҳ таоло яхши кўради. Ҳусайн яхши набиралардан биридир", дедилар".

171-боб. Қизалоқни ўпиш ҳақида

370. Абдуллоҳ ибн Жаъфар (р.а.) Умар ибн Аби Салманинг икки ёшга тўлар-тўлмас қизчаси Зайнаб-

ни ўпаётганини кўрдим, деди Маҳраманинг отаси Баккир (р.а.).

371. Ҳасан Басрий (р.ал.)дан ривоят қилинди. У киши: "Хотининг ёки қизчангдан бўлак бола-чақаларингдан бирортасининг сочига ҳам қарамасликнинг уддасидан чиқа олсанг, қарама", дедилар.

172-боб. Гўдакнинг бошини силамоқ ҳақида

372. Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) менга Юсуф исмини бердилар, қучоқларига олиб, бошимни силаб эркаладилар».

373. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларида қўғирчоқларим билан андармон бўлардим. Ўртоқларим ҳам мен билан ўйнардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга кириб келсалар, улар қочиб чиқиб кетишарди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари ўртоқларимни менинг олдимга юборардилар ва улар ҳам келиб, мен билан ўйнардилар.

173-боб. Бегона болани ўғилчам, деса бўладими?

374. Абу Ажлон Маҳорибий (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)нинг аскарларидан бири эдим. Амакиваччам вафот этди. У вафотидан илгари ўз тевасини Аллоҳ йўлига садақа қилинсин, деб васият қилган экан. Мен шу амакиваччамнинг ўғлига: "Тевани менга бер, чунки мен Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг лашкарида хизмат қилиб турибман", деганимда, у: "Абдуллоҳ ибн Умар ҳузурига бориб, бу ҳақда у кишидан сўраймиз", деди. Шу билан иккимиз Абдуллоҳ ибн Умарга бориб, воқеани



айтдик. Абдуллоҳ ибн Умар амакиваччамнинг ўғлига қараб: "Эй, ўғилчам, қилинадиган ҳар бир яхши иш Аллоҳнинг йўлига деб ҳисобланади. Отанг ўз тевасини Аллоҳ йўлига садақа қилинсин, деб васият қилган бўлса, қачонки мусулмонлар мушриклар билан ғазот қилаётганини кўрсанг, теваларни шуларга беравер. Аммо бу Абу Ажлон ва унинг шериклари Абдуллоҳ ибн Зубайр йўлидадир. Булар ҳар қайсиси меҳр қўйишни истайдиган кишилардан", дедилар".

Меҳр қўйиш – буйруқлари амалга оширилиши зарур бўлган бошлиқ дейилмоқчи (т.).

375. Жарир (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Марҳаматсиз кишига Аллоҳ таоло ҳам марҳамат қилмайди», деган гапларини эшитди.

376. Ҳз. Умар (р.а.) дедилар: "Марҳаматсиз кишига Аллоҳ таоло ҳам марҳамат қилмайди. Бошқалар айбини яшириб юрмайдиган кишининг ҳам айбини яширмайди. Бошқалар гуноҳини кечирмайдиган кишининг ҳам гуноҳи кечирилмайди ва сирни сақламайдиган киши сақланмайди, дедилар.

Яъни ёмон ишлардан сақланиб тавба қилмайдиган кишини Аллоҳ таоло ўзининг азобидан сақламайди, деган маънода (т.).

174-боб. Ер юзидаги махлуқларга марҳаматли бўл

377. Ҳз. Умар дедилар: «Марҳамат қилмаган кишига марҳамат қилинмайди, кечирмайдиган киши кечирилмайди, тавба қилмаган кишидан тавба қабул қилинмайди, ҳаромлардан ҳазар қилмаган киши муҳофаза этилмайди».

378. Қурра ибн Илёс (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: Бир киши: "Ё Расулаллоҳ! Мен қўй сўяман,

лекин унга ўзимнинг раҳмим келади", деди. Унга Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қўйга раҳм қилсанг, Аллоҳ таоло сенга ҳам раҳм қилади", деб шу сўзларини икки марта қайтардилар, деб ҳикоя қиладилар.

379. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Мен ростгўй ва ростгўйликларига ишонилган Абулқосим — Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Раҳм-шафқат бадбахт кишидан бўлак ҳеч кимдан тортиб олинмайди", деган сўзларини эшитган эдим", дедилар.

380-ҳадис 375-ҳадиснинг айнан такрори.

175-боб. Аҳли аёлларга раҳмдил бўлиш ҳақида

381. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Расулуллоҳ (с.а.в.) аҳли аёлларга жуда раҳмдил киши эдилар. Иброҳим деган ўғлилари Мадинанинг бир чеккасига сут эмиш учун юборилган эди. Болага сут эмизадиган хотиннинг эри изхир ёқиб тирикчилик қиларди. Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан уникига борганимизда, уйнинг ичи тутун билан тўлганига қарамай Расулуллоҳ (с.а.в.) болани ўпар ва бўйини искар эдилар", дедилар.

Изхир — Арабистонда ўсадиган хушбўй ўт, у ёқилғи сифатида ҳам, том ёпиш учун қамиш ўрнида ҳам ишлатилади (т.).

382. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши ёш боласини қучоқлаган ҳолда олиб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан: "Болангга раҳм қиласанми?" — деб сўраганларида у: "Албатта раҳм қиламан", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен шу болангга қанча марҳаматли бўлсанг, Аллоҳ таоло сенга ундан ҳам марҳаматлироқ бўлади, чунки у ҳамма марҳаматлиларнинг марҳаматлироғидир", дедилар".



176-боб. Ҳайвонларга марҳаматли бўлиш ҳақида

383. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлида бир қудуқ кўриниб қолди-да, унинг ичига тушиб сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб, хўл тупроқ ялаётганини кўрди-ю, бу бечора менга ўхшаш ташна экан, деб ўйлади-да, қайта қудуққа тушиб, махсисига сувдан тўлдириб чиқиб итга ичирди. У кишининг қилган иши Аллоҳ таолога мақбул бўлиб, гуноҳини кечди", дедилар. Шунда саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ! Ҳайвонларга қилинган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб бўладими?" деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар бир юмшоқ жигарга қилинган яхшилик учун савоб бўлади", дедилар".

Юмшоқ жигар — тирик жонивор маъносида. Бу ҳадис мазмунидан шариатда ўлдиришга буюрилган илон, чаён кабилардан бўлак ҳамма жониворларга яхшилик қилиш ва озор бермаслик кераклиги намоён бўлади (т.).

384. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир хотин уруғочи мушукни очликда сақлаб ўлдирганлиги учун дўзахга тушди. Худо билсин, бу мушукни қамаб қўйганингда на таом ва на сув бермадинг ёки ердаги ҳашаротлардан тутиб емоғи учун ўз ҳолига қўймадинг, деб азобланса керак", деб марҳамат қилдилар".

385. Абдуллоҳ ибн Амр Осс (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кишиларга раҳм қилсангиз, Аллоҳ таоло ҳам сизнинг хато ва гуноҳларингизни яширади. Сўз сузгичларига ва ўзлари билиб туриб қиладиган ёмон ишларида давом этаверадиган кишиларга ҳам вайл бўлсин", дедилар".

Вайл – хафалик, азоб, ҳалокат ва дўзах маъносида ишлатилади. Сўз сузгичлари, яъни, сирни сузгичга ўхшаб ўз ичида сақламай, ташқарига чиқариб юборадиган киши (т.).

386. Абу Умома (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким раҳмдил бўлиб, ҳатто сўйиладиган ҳайвонга ҳам раҳми келадиган бўлса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унга марҳамат қилади", дедилар".

177-боб. Ҳуммаранинг тухумини олиш ҳақида

Ҳуммара – ҳажми ва шаклда чумчуққа ўхшайдиган бир қуш номи (т.).

387. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жойга борган эдилар. Шу ерда бир киши ҳуммаранинг тухумини олди. Расулуллоҳ у қушнинг ўз устларида қанот қоқиб турганини кўриб, "Бу қушни ким ранжитди?" — деб сўрадилар. Шунда у киши: "Ё Расулаллоҳ, мен унинг тухумини олган эдим" — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "У жониворга раҳм қил, тухумини ўз жойига қайтариб қўй", дедилар.

178-боб. Қушларни қафасда сақлаш ҳақида

388. Ҳишом ибн Урва (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши : "Ибн Зубайр Маккада бўлган вақтларида шунга гувоҳ бўлдиларки, саҳобийлар қушларни қафасда кўтариб олиб юришар экан».

389-ҳадис 134-боббаги 271-ҳадиснинг такрори.

179-боб. Одамлар орасида яхшилик тарқатиш ҳақида

390. Ақаба ибн Муъзит (р.а.)нинг қизи Умму Кулсум (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Кишилар орасини ту-



затиш, сулҳга келтириш учун яхшиликларини гапирадиган кишини ёлғончи деб айтилмайди", деган ҳадисларини эшитиб ривоят қилдилар. Умму Кулсум: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан одамлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон сўзлаш, эр ўз хотинининг кўнглини кўтариш учун унга ёлғондан ваъда қилиш ва хотин эрининг муҳаббатини ўзига жалб қилиш учун баъзан ёлғон гапларни сўзлаш, мана шу уч ҳолатдан бўлак вақтда кишилар орасида бўладиган ёлғон гаплардан ҳеч бирига рухсат берганларини эшитмадим", дедилар.

180-боб. Ёлғон гапирмоқ дуруст эмас

391. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди. Бу киши айтдилар: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурида жуда ростгўй деб ёзилиб қолади. Ёлғон гапиришдан ўзларингизни сақланг, чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради, бузуқлик эса дўзахга йўллайди. Киши ёлғон гапираверса, Аллоҳ ҳузурида ёлғончи бўлиб ёзилиб қолади", деганлар".

392. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Хоҳ чиндан, хоҳ ҳазил тариқасида ёлғон сўзламоқ ҳам, бирор нарса ваъда қилиб, уни амалга оширмаслик ҳам дуруст эмас", дедилар.

181-боб. Одамларнинг озорига сабр этмак ҳақида

393. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Кишиларга аралашиб,

улардан етадиган озорга сабр қилиш ... берадиган озорларга чидамай, уларга аралашмай юрадиган кишилардан яхшироқдир", деганлар", деб хабар қилдилар.

182-боб. Азиятга сабр этмак ҳақида

394. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Одамлардан эшитадиган озорга Аллоҳ таолодан кўра чидамлироғи йўқ. Одамлар Аллоҳ таолонинг боласи бор, деб ғийбат қиладилар. Шунга қарамай Аллоҳ таоло уларга сиҳат-саломатликни ва ризқларини бераверади", дедилар".

395. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар вақтдагидек ғаниматларни тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши: "Валлоҳи, биллоҳи, бу тақсим Аллоҳ ризоси учун қилинган тақсим эмас", деди. Мен бу гапни албатта Расулуллоҳ (с.а.в.)га етказаман, деб ҳузурларига борганимда саҳобийлар билан ўтирган эканлар. Ансорийнинг гапини секин қулоқларига айтдим, у зотга оғир тушди, ғазабландилар, ранглари ҳам ўзгариб кетди. Ҳатто мен бу хабарни етказмасам бўлар экан, деб афсус қилдим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳз. Мусо (а.с.) бундан ҳам кўпроқ озор чеккан бўлсалар ҳам сабр қилган эдилар", дедилар".

183-боб. Муносабатларни тузатиш ҳақида

396. Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен сизга намоздан, рўзадан ва садақадан ҳам даражаси ортиқроқ нарсани айтиб берайми?" — дедилар. Саҳобийлар: "Айтиб беринг, ё Расулаллоҳ", дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.):



"У эса кишиларнинг ораси тузук бўлишидир. Унинг бузуқ бўлиши ҳамма яхши нарсаларни тарошлагувчидир", дедилар.

397. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Қуръондаги «Аллоҳдан қўрқингиз ва ораларингизни тузатингиз», (8:1) деган оятида мўминларнинг Аллоҳдан қўрқиши зарурлиги ва муносабатларини тузатишлари кераклиги таъкидланган».

184-боб. Сўзингга ишонувчи кишига ёлғон гапириш ҳақида

398. Суфъён ибн Усъйад Ҳадрамийдан ривоят қилинди. "Бир киши: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Гапингга қаттиқ ишонадиган биродарларингга ёлғон сўзни айтмоғинг катта хиёнатдир", деган ҳадисларини эшитдим", дедилар".

185-боб. Амалга оширолмайдиган нарсани ваъда қилиш ҳақида

399. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Биродаринг билан жанжаллашма ва ҳазил қилишма ҳамда ижро этолмайдиган нарсани унга ваъда қилма", дедилар".

186-боб. Насаблар тўғрисида таъна қилиш ҳақида

400. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Иккита нарса бор, умматларим шу иккита нарсани тарк қилолмаяптилар, бири ўлган киши учун овоз чиқариб йиғлаш, иккинчиси насаблар ҳақида бир-бирларига таъна қилиш".

187-боб. Киши ўз қавмини севиши ҳақида

401. Фасида деган хотиннинг отаси айтди: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бир киши ўз қавмига зулм қилишга ёрдам берса, бу асабиятдан ҳисобланадими?" – деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳа, асабиятдан ҳисобланади", дедилар".

Асабият – ота томонидан бўлган қариндошларни ҳимоя ва мудофаа қилиш (т.).

188-боб. Араз ҳақида

402. Ҳз. Ойиша (р.а.)нинг жиянлари (акаларининг ўғиллари) Авф ибн Ҳорис ривоят қилди: Ҳз. Ойиша бир нарса сотганлари ёки хайр-эҳсон қилганлари учун Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.): "Ойиша бундай қилишдан тийилсин, бўлмаса мен унга ҳажр қиламан", деб қасам ичдилар. Бу гап ҳз. Ойишага етказилди. Шунда ҳз. Ойиша: "Абдуллоҳ ибн Зубайр шундай деган бўлса, мен у билан асло гаплашмасликни ўзимга назр қилдим", деб сўзлашмай юрдилар. Ҳз. Ойишанинг сўзлашмай юришлари узоққа чўзилгандан кейин, Абдуллоҳ яраштириб қўйиш учун муҳожирларни восита қилса ҳам Ойиша: "Бу тўғрида ҳеч кимнинг воситачилигини асло қабул қилмайман ва ўз-ўзимга олган назримни ҳам сира бузмайман", деб қасам ичдилар. Бу ҳолат яна давом этавергач, Абдуллоҳ Бани Заҳра қабиласидан бўлган Мусаввар ибн Маҳрама (р.а.) билан Абдурраҳмон ибн Асвад ибн Яғус (р.а.)ларга мурожаат қилиб, ҳз. Ойиша ҳузурига киришларини илтимос қилдилар ва мендан алоқани узаман, деб назр қилмоқ Ойишага дуруст эмас, дедилар. Шунда Мусаввар билан Абдурраҳмон икковлари Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўз ридоларига ўралтириб ҳз. Ойиша ҳузурларига



келиб салом бериб: "Кирсак мумкинми?" — деб рухсат сўрашди. Ҳз. Ойиша уларга: "Киринглар", деган эдилар, улар: "Ҳаммамиз кираверайликми?" — дейишди. Ҳз. Ойиша ораларида Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳам борлигини билмай қолиб: "Ҳаммангиз кираверинглар", дедилар. Ичкарига кириш билан Абдуллоҳ ибн Зубайр Ойишага рўбарў бўлгач, у кишини қучоқлаб йиғлайверди. Шу пайтда Мусаввар билан Абдурраҳмонлар: "Энди сиз Абдуллоҳ ибн Зубайр билан ярашмасангиз бўлмайди. Унинг узрини қабул қилинг, Расулуллоҳнинг: "Киши уч кундан ортиқ ўз биродари билан аразлашиб юрмоғи дуруст эмас", деган сўзларини ўзингиз яхши биласиз", дейишди. Булар кўп ялинаверганларидан кейин ҳз. Ойиша: "Мен у билан сўзлашмайман, деб назр қилган эдим, назр масаласи оғир", деб йиғладилар ва охири у билан сўзлашдилар, қилган назрларидан қутилиш учун қирқта қулни озод қилдилар. Кейинги вақтда ҳз. Ойиша бу воқеани эслаб йиғлар, ҳатто кўз ёшлари билан рўмолларини ҳўл қилиб юборган эдилар.

Бировнинг қобилиятсизлиги, ақлига халал етганлиги ёки ёши кичиклиги туфайли савдо-сотиқ ишларига бевосита аралашишдан ман қилиб қўйиш истилоҳда ҳажр дейилади.

Назр қилмоқ — ният, ваъда, аҳд қилмоқ.

Бани Заҳра қабиласи Расулуллоҳ (с.а.в.)га она томонидан қариндош бўлгани учун ҳазрат Ойиша уларни жуда севардилар (т.).

189-боб. Мусулмоннинг аразлаб юриши ҳақида

403. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир-бирингиз билан аччиқдашманг, ҳасад қилманг, тескари қараб кетманг. Эй, Аллоҳ таолонинг бандалари! Бир-бирларингиз билан ака-ука бўлинглар. Ҳеч бир мусулмон киши ўз би-

родаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир", дедилар".

404. Абу Айуб (р.а.)дан ривоят қилинди. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб юрмоғи ҳалол эмас. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгиришиб кетмасин, уларнинг яхшироғи аввал салом берганидир", дедилар".

405. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини хабар қилди: «Бир-бирингизга ёвлик қилманг, дунё моли учун бир-бирингиз билан мусобақа қилманглар. Эй, Аллоҳнинг қуллари! Қардош бўлинглар».

406. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Икки киши Аллоҳ таоло учун ёки Исломда бўлганлари учун бир-бири билан дўст тутинган бўлса, битталаридан бир гуноҳ ўтиб қолса, бу нарса дарҳол уларнинг ораларини ажратиб юбормасин"", дедилар".

Яъни бунда хато ва камчиликдан ҳоли бўлмайди, дўстлари албатта уни кечирмоқлари лозим. Дўстидан камчилик ўтиши биланоқ ажралиб кетадиган дўстнинг дўстлиги ҳақиқий эмас (т.).

407. Анас ибн Молик (р.а.)нинг амакиваччалари Ҳишом ибн Омир (р.а.)дан ривоят қилинди. Бу киши: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳеч бир кишининг иккинчи мусулмон биродари билан уч кечадан ортиқ гаплашмай юриши жоиз эмас. Шу иккаласи шундай ҳолатда бўлган даврда ҳақ йўлдан четлашган бўладилар. Улардан қайси бири аввал яхшилик, меҳр-шафқат қилиш томонига ўтса, гуноҳида каффорат бўлади. Улар шундай гаплашмай юрган ҳолича дунёдан ўтсалар, иккаласи ҳам жаннатга кирмайди. Агар улардан қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса, салом берганига фариштa ва жавоб қайтармаганига эса, шайтон жавоб қайтаради", деган гапларини эшитдилар.



408-ҳадис. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди. У зот айтдилар: "Расулуллоҳ менга: "Сенинг мендан ғазабланганлигингни ҳам, рози бўлганлигингни ҳам албатта биламан", дедилар. Ҳз. Ойиша: "Уни қандай биласиз?" — деб сўраганларида, Расулуллоҳ: "Мендан рози бўлган вақтингда саволимга: "Ҳа, Муҳаммад (а.с.)нинг парвардигори билан қасам ичиб айтаман", дейсан. Мендан аразлаганингда эса: "Йўқ, Иброҳим (а.с.)нинг парвардигори билан қасамёд қиламан", дейсан", дедилар. Ҳз. Ойиша Расулуллоҳнинг тўғри айтганларини тасдиқлаб: "Тўғри, лекин фақат номингизнигина айтмайман, дедим", деб ҳикоя қиладилар.

Ҳз. Ойиша (.а.)нинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га тўғри айтдингиз, деб қўя қолганда, албатта Расулуллоҳга оғир туюларди. Кейинги сўзлари билан ҳамма вақт кўнглим сизда, демоқчи бўлдилар ва шу билан Расулуллоҳнинг кўнгилларини шод қилдилар (т.).

190-боб. Биродари билан бир йилгача гаплашмай юрган киши ҳақида

409-ҳадис. Абу Харош Асламий (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Киши ўз биродари билан бир йилгача сўзлашмай юрса, гўё унинг қонини тўккандек бўлади", деган гапларини эшитдим", дедилар.

410-ҳадис 409-ҳадиснинг айнан такрори бўлиб, фақат у Имрон ибн Абу Анасдан ривоят қилинган.

191-боббаги 411-ҳадис 404-ҳадиснинг айнан такрори, 412-ҳадис ҳам юқоридаги ҳадисларнинг мазмунан такроридир.

192-боб. Адоват ҳақида

413-ҳадис 189-боббаги 405-ҳадиснинг айнан такрори.

414. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши Набий муҳтарам (с.а.в.): "Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузури-

да одамларнинг энг ёмонларидан бировларга бир юз билан, иккинчиларга иккинчи юз билан қарайдиган икки юзламачи киши бўлади", деганларини хабар қиладилар.

415. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Гумонсирашдан ўзингизни сақланг, чунки гумон билан айтилган гап гапнинг энг ёлғони бўлади. Харидорни алдаш учун ўзингиз олмайдиган молнинг нархини оширманг. Бир-бирингизга ҳасад ва адоват қилманг, дунё ишларида сендан мен ўтаман, деб жанжаллашманг, бир-бирингизга тескари бўлманг. Эй, Аллоҳнинг бандалари, ҳаммангиз ака-ука бўлинглар!" дедилар".

416. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳар душанба, пайшанба кунлари жаннатнинг дарвозалари очилади ва Аллоҳ таолога ширк келтирган кишилардан бўлак ҳамманинг гуноҳи мағфират қилинади, лекин ораларида қаттиқ адовати бўлган икки киши ярашиб олмагунча гуноҳларини ўчиришни тўхтатиб туринглар, дейилади", дедилар".

Яъни Аллоҳ таоло томонидан гуноҳларини ёзадиган ва ўчирадиган муаккил фаришталарига: "Булар ярашмагунча гуноҳлари кечирилди, деб ёзиб қўйишдан тўхтаб туринглар", дейилади (т.).

417. Абу Дардо (р.а.): «Сизларга садақа ва рўзадан ҳам хайрлироқ бир нарсани айтайми? Бир-бирига адовати қаттиқ бўлган ёки аразлашган икки кишини яраштирмоқдир», дедилар.

418. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши айтдилар: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Учта катта гуноҳ бор, кимда шу гуноҳлардан бўлмаса, бошқа гуноҳларини Аллоҳ таоло хоҳласа кечириб юборади. Биринчиси — Аллоҳ таолога ширк келтириб ўлган киши, иккинчиси — сеҳргарлик билан шуғулланадиган ва уларга тобеъ бўлган киши, учинчиси — ўз биродарига гина ва ҳасад қилган киши", дедилар".



193. Саломлашиш ҳақида

419. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Икки мўминнинг уч кеча-ю уч кундуз гаплашмай юриши ҳалол эмас. Уч кун ўтгач, бири иккинчисини учратиб салом берсин, агар саломига алик олинса, иккиси ҳам ажр топадилар, мободо саломига алик олинмаса, салом берган киши баъзи гуноҳларидан фориғ бўлади», деб марҳамат қилдилар.

194-боб. Болаларни ажратиш ҳақида

420. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: Отам ҳз. Умар (р.а.) ўғилларига: "Эрта билан турганингизда бир-бирингиздан ажрашинглар, ҳаммангиз бир ҳовлида жам бўлманг, чунки бир ҳовлида жам бўлсангиз узилишиб қолишларингиздан ёки бошқа бир ёмонлик пайдо бўлишидан қўрқаман, дердилар", деб ҳикоя қиладилар.

195-боб. Биродари маслаҳат сўрамаса ҳам маслаҳат берган киши ҳақида

421. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): "Бир подачи атрофида суви ва ўтлари кўп яйлов туриб, суви ҳам, ўтлари ҳам оз ерда қўйларини боқиб юрганини кўриб, "Эй, подачи, қўйларингни бу ердан кўра суви ҳам, ўтлари ҳам кўп нариги яйловга олиб борсанг бўлмайдими?" дегани ҳақида мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ҳар бир подачи ўз қарамоғидаги моллари учун жавобгардир", деган ҳадисларини эшитганман", -дедилар.

196-боб. Ёмон ўрнак бўлишни макруҳ кўрган киши ҳақида

422. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бизлар бошқа одамларга ёмон

ўрнак бўлишимиз дуруст эмасдир, бировга ҳадя, туҳфа бериб кейин ҳадясини қайтариб олувчи киши ўзи қусиб ташлаган қусиғини еган итга ўхшайди", дедилар".

197-боб. Макр ва алдаш ҳақида

423. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мўмин банда(лардан баъзилари) дунё ишларида алданувчи ва лекин ўзи саховатли, мунофиқ эса алдовчи, маккор ва хасис бўлади", дедилар".

198-боб. Койиш ва сўкиш ҳақида

424. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Пайғамбаримиз (с.а.в.) вақтларида икки киши сўкишди. Уларнинг биттаси сўкди ва иккинчиси жим турди. Шу вақтда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўтирган эдилар, иккинчиси ҳам уни сўка бошлади. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) бирдан ўринларидан туриб кетдилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, нима учун туриб кетдингиз?" — деб сўрашганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Фаришталар тургани учун мен ҳам турдим. Бу киши жим турган вақтда фаришталар аввалги сўкаётган кишига радди бадал қилиб турган эди. Бу ҳам сўка бошлагани учун ўша фаришталар ўринларидан туриб кетдилар", дедилар".

425. Иброҳим ибн Абу Абла Умму Дардо (р.а.)дан ривоят қилди. «Бир киши Умму Дардо (р.а.) олдига келиб: "Халифа Абдумалик ибн Марвон ҳузурида бир киши сизга таъна қилди", деб хабар берди. Умму Дардо (р.а.): "Ўзимизда бўлмаган айблар билан туҳмат қилинсак майли. Ўзимизда йўқ мадҳлар билан кўп мақталган ҳам эдик", дедилар».

426. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: "Бир киши биродарига сен менинг душманимсан", деса, иккала-



сидан биттаси Исломдан чиқиб қолади ёки у ўша биродаридан ажраб кетган бўлади". Шу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилган Қайс деган киши айтди: "Кейин менга Абу Ҳурайра Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шу сўзларини айтиб охирида: "Аммо тавба қилган бўлса, бу ҳукмга кирмайди", деган эдилар".

199-боб. Бир қултум сув ичириш ҳақида

427. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди. Шу ҳадис ровийларидан имом Лайс: "Бу ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзлари бўлса керак, деб ўйлайман. Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнгак ва бўғинлар бор. Улар шу сўнгак ва бўғинлар учун ҳар куни бир садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз бир садақа, киши биродарига ёрдам қилмоғи ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириши ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги нарсаларни четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади", дедилар.

200-боб. Сўкишиш ҳақида

428. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир-бири билан сўкишувчи кишиларнинг айби сўкишни аввал бошлагани устига тушади, башарти иккинчиси сўкишни ҳаддан ошириб юбормаса", дедилар".

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган 429-ҳадис 428-ҳадиснинг такрори.

430. Набий муҳтарам (с.а.в.) саҳобийларидан "Туҳмат ёки чақимчилик нима, биласизларми?" — деб сўрадилар. Саҳобийлар: "Буни Аллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ билади", — дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.):

"Бу — одамларнинг орасини бузиш учун гапини бир-бирларига нақл қилиб юришдир", дедилар.

431. Яна Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло тавозеълик бўлинглар ва бирингиз иккинчи кишига зулм қилмасин, деб менга ваҳй қилди", дедилар.

Тавозеъ – луғавий маъноси камтарлик, адаблилик. Истилоҳий маънода Аллоҳ таолога бандаликни изҳор қилиб, буйруқларини бажариш ва қайтарган ишларидан қайтиш, бошқа кишилардан ўзини устун билмай, инсонийлик жиҳатидан ҳаммани тенг ҳуқуқли ҳисоблаб, уларнинг ёрдамига ҳамма вақт эҳтиёжи борлигини эътироф қилмоқдан иборатдир (т.).

201-боб. Сўкишадиган икки киши шайтондир

432. Айёз ибн Ҳаммор (р.а.): "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: "Ё Расулаллоҳ, бир киши мени сўкса, нима қилай?" деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир-бирини сўкувчи икки кишининг иккаласи ҳам шайтондир. Улар ёмон гапни гапиради ва ёлғон сўзлайди", дедилар".

433-ҳадис. Яна Айёз ибн Ҳаммор (р.а.) айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) билан урушган ва у зотга қарши ҳаракат қилувчи одам эдим (бошқа ривоятда: ҳарамий эдим). Мусулмон бўлишимдан илгари у зотга битта урғочи тева ҳадя қилганимда қабул қилмадилар ва: "Мен мушрикларнинг туҳфа, ҳадяларини макруҳ кўраман", дедилар".

Ҳарамий - ҳарамлик, яъни, Маккада яшамайдиган бир киши Маккада (ҳарам шарифда) турадиган одам билан дўстлашади. Хонаи Каъбани томоша қилишга келганида шу дўстининг кийимларини кийиб ва таомларини еб туради ва ўз кийимини киймайди, таомини ҳам емайди, шу дўстининг кийимида тавоф қилади (т.).

202-боб. Сўкишмоқ фосиқликдир

434. Саъид ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мусулмон кишининг сўкишишмоғи фосиқликдир" , дедилар".



Фосиқлик — тўғри йўлни қўйиб, эгри йўлга кириб кетиш, фосиқлик кофир ва мунофиқ маъносида ҳам ишлатилади (т.).

435. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) уят гапни гапирмас, бировларга лаънат ўқимас ва уларни сўкмас эдилар. Жаҳллари чиққан вақтда: "Унга нима бўлди? Манглайи тупроққа ёпишкур", деб қўя қолар эдилар".

Манглайнинг тупроққа ёпишмоғи — ерга йиқилмоққа ёки бошини саждага қўймоққа киноядир ёки ўз маъносини ирода қилинмай тил билангина айтилаверадиган иборалардан биридир (т.).

436. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди. "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мусулмон кишининг сўкишмоғи фосиқлик ва бировни ўлдирмоғи куфрдир", дедилар".

437. Абу Зарр Ғифорий (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Бир киши иккинчи кишини фосиқ ва кофир, деб маломат қилмасин. Агар у маломат қилган киши ҳақиқатан ўшандай бўлмаса, фосиқлик ва кофирлик маломат қилувчининг ўзига бориб тегади", деган гапларни эшитдим", дедилар.

438. Яна Абу Зарр Ғифорий (р.а.) айтдилар: "Набий муҳтарам (с.а.в.)дан: "Бир киши бошқа одамни ўзи била туриб, бу менинг отам, деб даъво қилса, Аллоҳ таолога куфрони неъмат қилган бўлади. Бир киши қавмдан бўлмай туриб, мен шу қавмданман, деб даъво қилса, дўзахдан ўзининг жойини олаверсин. Бировни кофир ёки Аллоҳ таолонинг душмани, деб чақирса-ю, лекин у ҳақиқатдан шундай бўлмаса, бу чақируви унинг ўзига бориб тақалади", деганларини эшитдим".

439. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобийларидан Сулаймон ибн Сурад (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида икки киши бир-бири билан қойишди. Шунда биттасининг қаттиқ жаҳли чиқиб, ҳатто

юзи қизариб, аҳволи ҳам ўзгарди ва Расулуллоҳ ҳузурларидан чиқиб кетди. Шундан кейин Набий муҳтарам (с.а.в.): "Мен бу калимани биламан, агар бу жаҳли чиққан киши шу калимани айтса, жаҳлидан тушади", дедилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу гапларини кимдир унга бориб айтди ва у калима "Аузу биллоҳи мина-ш-шайтонир ражим" экан. "Сен шу калимани айтгин", деди. Шунда у: "Бор, жўна. Менда бирор касаллик бор деб ўйлайсанми, мен мажнунманми?" — деб унинг гапини қабул қилмади".

440. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди. У киши: "Мусулмонлардан ҳар икки кишининг ўртасига (айбини бир-бирига кўрсатмаслик учун) Аллоҳ таоло томонидан парда қўйилган. Агар улардан биттаси иккинчисига ёмон гап айтса, койиса, ҳақорат қилса, Аллоҳ таолонинг қўйган ўша пардасини йиртган бўлади ва биттасига сен кофирсан деса, улардан биттаси албатта кофир бўлиб қолади", дедилар.

203-боб. Одамларнинг айбини ўз юзига айтмаган киши ҳақида

441. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ишни қилдилар ва шуни қилмоқни асҳобларга ҳам рухсат бердилар. Аммо баъзи кишилар бу иш камолотга зид деб бу ишни қилишдан бош тортишди. Бу гап Расулуллоҳ (с.а.в.)га маълум бўлганидан кейин жаҳллари чиқди ва масжидда хутба ўқидилар, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб бўлгач: "Нима учун баъзи одамлар мен ўзим қилаётган ишни қилишдан тортинадилар? Аллоҳ таоло номи билан қасамёд қила-манки, мен Аллоҳнинг буйруқ ва таъкидларини улардан кўра яхшироқ билувчи ва ундан қўрқувчироқман", дедилар".



Бир ишни — мазкур асар шарҳловчиси Фазлуллоҳ Жийлоний изоҳига кўра, жаноби Пайғамбар (с.а.в.) узлуксиз рўзадор бўлишлик, бир умр бева ўтишликка қарши чиққанлар. Баъзи тақводорларнинг фикрича, узлуксиз рўзадор бўлиш ва ўз аёлини бўса қилмаслик, сафарда ҳам рўза тутиш керак эмиш. Расулуллоҳ (с.а.в.) мана шу ишларнинг аксини қилдилар, яъни киши узлуксиз рўза тутмасин, уйлансин, рўзадор киши аёлини бўса қилса, рўзаси очилмайди ва сафарда тутмаслик яхши, деганларида, баъзи кишилар бу иш билан камолотга эришиб бўлмайди, деб ўйлашди (т.).

442. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бирон одам номаъқул иш қилиб қўйганда ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.): "Нима учун шунақа қилдинг?" — деб унинг юзига солмас эдилар. Бир куни ҳузурларига бир киши кирди Унда ўзига суртган хушбўй сариқ нарсанинг асари бор эди. У киши чиқиб кетганидан кейин, Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларига: "Бу одам шу хушбўй сариқ нарсани суртмаса (иккинчи ривоятда: ишлатмаса) яхши эди", деган эдилар».

204-боб. «Эй, мунофиқ» дейиш ҳақида

443-ҳадис. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) мен билан Зубайр ибн Авом (р.а.) иккимизни отга миндириб жўнатдилар: "Иккалангиз Макка йўлида, Мадина яқинидаги Хох деган боққа борасиз. Худди ўша ерга етганингизда Хотиб ибн Аби Балтаъадан Макка мушрикларига ёзилган бир мактубни олиб кетаётган хотинни учратасиз. Ўша хотинни ушлаб менинг ҳузуримга олиб келасизлар", дедилар. Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) тайин қилган жойларда у хотинни тевасига миниб кетаётган ҳолатида учратиб: "Олиб кетаётган хатингни бизга бер!" — дедик. Хотин: "Менда ҳеч қандай хат йўқ", деди. Ўзини ва тевасини тинтиб кўрдик, хат йўқ. "Расулуллоҳ (с.а.в.) албатта ёлғон айтган эмаслар, уни

ҳозир чиқариб бермасанг, ўзингни ялангоч қилиб қарайміз", деганимиздан кейин, жунлик шалворининг боғичини ечиб ундан хатни олиб берди. Биз хатни у хотин билан бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига олиб келдик. Шунда ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.): "Бу Хотиб ибн Аби Балтаъа Аллоҳ таолога, унинг Расулига ва мўминларига хиёнат қилди, рухсат беринг, мен унинг калласини суғуриб оламан", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Хотибга: "Бундай хат ёзиб мушрикларга юборишга сени нима мажбур қилди?" — деб сўраганларида, у: "Мен хат юбордим, лекин бу хатда Аллоҳга ва унинг Расулига зарари тегадиган ҳеч сўз йўқ. Фақат сиз билан келган ҳамма муҳожирларнинг Маккада қолган қариндошларини ҳимоя қилувчилари бор. Аммо менинг аслим маккалик бўлмагани учун у ерда турган қариндошларимни ҳимоя қиладиган кишилари йўқ. Шунинг учун мушриклар уларни ҳимоя қилармикан, деган умид билан хат юборган эдим", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хотиб тўғрисини гапирди, ахир у Бадр муҳорабасида қатнашганлардан-ку, Аллоҳ таоло Бадрда қатнашганларга: "Энди нима иш қилсангиз ихтиёрлисиз, сизларга жаннат лозим бўлди, деган эмасми?" — дедилар. Шундан кейин ҳз. Умар (р.а.) калласини суғуриб оламан, деган сўзларига афсус қилиб йиғладилар ва: "Аллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ билувчидир", дедилар.

205. Мусулмонни кофир демоқ ҳақида

444. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қайси бир киши мусулмон биродарига қарата кофир деса, шу сўз туфайли иккисидан бири кўфрга кетади», дедилар».

445. Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинишига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «Агар бир мўмин



бировни кофир деса, иккисидан бири албатта кофир бўлади. Агар кофир дедиги киши ҳақиқатдан ҳам кофир бўлса, тўғри айтган бўлиб чиқади. Агар айтгани тўғри бўлмаса, айтган одамнинг ўзи куфрга кетган бўлади».

Бу иккита ҳадис мазмуни 437-438-ҳадисларда ҳам қисман бор ва улар Абу Зарр Ғифорийдан ривоят қилинган.

206-боб. Душманлар кулгисидан Аллоҳдан паноҳ сўраш ҳақида

446. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳ таолонинг ёмон қазойи кадаридан ва душманларга кулги бўлишдан паноҳ сўрардилар».

207. Исроф

447. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизларнинг учта ишингиз учун Аллоҳ таоло рози ва учта ишингиз учун ғазаблик бўлади: биринчиси, ибодатни Аллоҳнинг ўзигагина қилиб, бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслигингизга; иккинчиси, Аллоҳ таолонинг дини ва Қуръонига эътиқод қилмоғингизга; учинчиси, Аллоҳ таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ бўлмоғингизга рози бўлса, бўлар-бўлмас гапни нақл қилишиб юрмоғингизга, кўп суриштираверишлик ёки сўрашлик (гадойлик қилиш) ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга ғазабланади", дедилар".

Бу ҳадиснинг қисман мазмуни 16-ҳадисда ҳам бор.

448. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): "Аллоҳ таолонинг: "Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир", (34:39) деган оятга «исроф ҳам, танглик ҳам қилмасдан сарфласангиз», деб изоҳ берган эдилар.

208-боб. Исроф қилувчилар ҳақида

449. Убайд (р.а.) айтдилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан «исрофгар» деган сўзнинг маъносини сўраганимда, Абдуллоҳ: "У молни ноҳақ ерларга сарфлайдиган кишилардир", дедилар".

450. «Исрофгарчилик пиртинг-чиртинг жойларга ҳам молни (маблағни) сарфлашдир», дедилар Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.).

209-боб. Тураржойларни таъмирлаш ҳақида

451. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Отам ҳз. Умар (р.а.) минбарга чиқиб: "Эй одамлар! Турар жойларингизни тузатинглар. Уй илонлари сизларни қўрқитишдан олдин ўзингиз уларни қўрқитинг. Илонларнинг мусулмонлари сизларга кўринмайди. Қасам билан айтаманки, илонлар билан орамизда адоват пайдо бўлганидан буён биз сира ярашган эмасмиз", дедилар".

Иблисга жаннатга кириш ман қилинган вақтда у илонни авраб, унинг оғзида жаннатга кириб олган. Жаннатга кириб олгач, Одам (а.с.)га васваса қилди ва ҳатто аёллари билан жаннатдан қувилишларига сабабчи бўлди. Шундан кейин Одам (а.с.) билан илон ўртасида адоват пайдо бўлди (т.).

210-боб. Қурилишга сарф қилиш ҳақида

452. Хабоб ибн Арат (р.а.) айтдилар: "Ҳар бир киши қурилишга ружу қўйса гуноҳга ботади".

Бу ерда қурилишдан мурод – ўзи ва оиласига етарли биноси бўла туриб, мақтаниш учун ортиқча қилинадиган бинолар назарда тутилмоқда (т.).



211-боб. Ишчилар билан қўшилишиб ишлаш ҳақида

453-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) Ваҳатдан келган акаларининг ўғлидан: "Мардикорларинг ишлаяптими?" — деб сўраганларида, у: "Билмайман", деди. Абдуллоҳ ибн Амр: "Агар сен Сақиф қабиласидан бўлганингда мардикоринг нима қилаётганини албатта билган бўлар эдинг", дедилар-да, кейин бизларга қараб: "Киши мардикорлари билан бирга ҳовлисида (иккинчи ривоятда: молида) ишласа, Аллоҳ таоло учун ишлаган кишилардан биттаси бўлиб ҳисобланади", дедилар.

Ваҳат – Тоифи шарифдаги бир жой номи.

Сақиф – Тоифда яшайдиган бир қабиланинг номи (т.).

212-боб. Биноларни баланд қилиш билан мақтаниш ҳақида

454. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Одамлар иморатларининг баландлиги билан бир-бирларига мақтанадиган давр бўлмагунча қиёмат қойим бўлмайди", дедилар".

455. Ҳз. Ҳасан (р.а.) айтдилар: "Мен ҳз. Усмон ибн Аффоннинг халифалик замонида Расулуллоҳ (с.а.в.) яшаган уйга кирсам, уйнинг шипига қўлим бемалол етди".

456. Довуд ибн Қайс Абу Сулаймон Даббоғ (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Расулуллоҳ (с.а.в.) оилаларининг ҳужралари хурмо дарахтининг шохларидан ясалган бўлиб, ташқарисидан юнг латталари билан қопланганлигини кўрдим. Уйларининг эни ҳужранинг эшигигача олти ёки етти газ. Уйнинг ичи ўн газ, баландлиги эса еттисаккиз газга яқин, деб тахмин қилдим. Ҳз. Ойишанинг эшиклари Мағриб томонга қараган эди".

457. Абдуллоҳ Румий (р.а.) айтдилар: "Мен Умму Талақ деган аёлнинг уйига кирдим-да: "Уйингизнинг шипи жуда паст экан", дедим. Шунда Умму Талақ: "Эй, ўғилчам! Амир ал-мўминин ҳз. Умар ўзларининг атрофдаги волийларига биноларингизни баланд қилманг, чунки биноларнинг баланд бўлиши ёмон кунларингиздан бири эканлигининг аломатидир, деб хат юборганлар", деди".

213-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларини таъмирлаганлари ҳақида

458. Ҳабба ибн Холид билан Саво ибн Холид (р.а.) – ака-ука иккаласи Набий муҳтарам (с.а.в.)нинг ҳузурларига келишган эди. Шу вақтда Расулуллоҳ (с.а.в.) иморатнинг деворини (бошқа ривоятда: уйни) тузатаётган эдилар. Шунда ака-ука Расулуллоҳ (с.а.в.)га қарашишди.

459. Қайс ибн Аби Ҳозимдан ривоят қилинди. У киши айтдилар: "Бизлар Хабоб ибн Аратнинг бетоблигини сўрашга кирдик. У киши қоринларини даволаш учун етти мартаба кайй қилдирган эдилар. У киши: "Биздан илгари ўтган биродарларимиз дунё маишатига берилмай, савобларини тўлиқ, камайтирмай олган эдилар. Бизлар эса, шу қадар бойликларга эришдикки, уни тупроқдан бўлак қўядиган жой топмадик. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзимизга ўлим тилашни ман қилмаганларида мен албатта ўзимга Аллоҳ таолодан ўлим сўраган бўлардим", дедилар".

"Кайй" – араблардаги эски табобатда баъзи касалликларни даволаш учун куйдирилар эди.

Уни тупроқдан бўлак қўядиган жой топмадик – яъни ҳаммамиз бой бўлиб, садақани қабул қиладиган киши қолмади.

460. Қайс ибн Аби Ҳозим айтдилар: "Биз иккинчи маротаба Хабоб ибн Аратнинг ҳузурларига келдик. У



зот ўзларига қарашли (ёки уйнинг) бир деворни тузатаётган эдилар. Шунда: "Мусулмон кишига тупроққа кетказадиган сарфидан бўлак ҳамма сарфлари учун албатта ажру савоб берилади", дедилар".

Тупроқдан мурод – мақтаниш учун ҳожатдан ташқари қилинадиган иморатлар, масжид, мадраса, мактаб, етимхона ва ётоқхона каби садақаи жория ниятида қилинадиган бинолар бунга кирмайди (т.).

461. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: "Мен ўзимизнинг чўп ва қамишдан қилинган уйимизни (бузиб, қайта) тузатаётган вақтимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўтиб қолдилар-да: "Нима қилаётибсиз?» — деб сўрадилар. Мен: "Ё Расулаллоҳ, уйимизни ислоҳ қилаётибман", деган эдим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Иш бундан кўра тезроқдир", дедилар".

Ишдан мурод – ўлимдир, яъни бузилмай турган уйингни тузатгунингча балки ўлим келиб қолар. Буни тузатишдан кўра амални тузат, демоқчи бўлдилар (т.).

214-боб. Кенг уй ҳақида

462. Нофиъ ибн Абдуллоҳ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг шундай деб марҳамат қилганларини ривоят қилади: «Кенг уй, яхши қўшни, яхши от (бошқа ривоятда: итоаткор хотин) мусулмон кишининг шодлигидир».

215-боб. Намозга юриб бориш ҳақида

463-ҳадис. Собит ибн Қайсдан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен Анас ибн Молик билан у кишининг Зовиядаги болохонасида эдик. Шу вақтда азон товуши эшитилиб қолди. Иккимиз болохонадан тушдик. Кейин ҳз. Анас майда қадам ташлаб юра бошладилар-да, сўнг ҳикоя қилдилар: "Мен Зайд ибн Собит билан бирга эдим. Шунда у киши ҳам худди мен ҳозир юрганимдек юрдилар ва Расулуллоҳ ҳам шундай се-

кин-секин юриб, кейин "Эй, Зайд, менинг шундай юришимнинг сабабини биласанми?" — деб сўрабдилар, шунда Зайд: "Аллоҳ таоло ва унинг Расули яхшироқ биладилар", дебдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Намозга бораётганимизда ташлаётган қадамимизнинг сони кўп бўлсин, деб шундай майда қадам ташлаб юраётибман", деган эканлар".

Зовия – Мадинаи мунаввараниng чеккасидаги бир жой номи (т.).

216-боб. Иморатларни нақшлаш ҳақида

464. Абу Ҳурай (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамлар уйларини нақшлар билан безайдиган давр келмагунча қиёмат бўдмайди», дедилар».

465. Муғира ибн Шуъба (р.а.)нинг котиблари Варрод айтдилар: "Ҳз. Муовия Муғирага Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳадисларингдан менга ёзиб юбор, деб хат юбордилар. Шунда Муғира: Набий муҳтарам (с.а.в.) ҳар бир фарз намознинг охирида ёки ундан кейин: "Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул-ҳамд. Ва ҳува ало кулли шайъин қадир, Аллоҳумма ло монеъа лимо аътайтна ва ло муътия лимо манаъта ва ло янфаъу за-л-жадди минка-л-жадд" ка-лималарини айтар эдилар, деб ёздилар. Яна у киши шу хатида Расулуллоҳ (с.а.в.) бўлар-бўлмас гапларни нақл қилиб юришдан, кўп савол беришдан, молни ноўрин ерларга зое қилишдан, она ва оталарга оқ бўлишдан, қиз болаларни тириклайин кўмишдан ва сўраган кишиларга бермай, олиб келавер, демакдан қайтарганлар, деб ёзиб юбордилар".

Калиманинг маъноси: Аллоҳдан бўлак худо йўқ, у ёлғиз, шериги йўқ, чин эгалик ва ҳамдлар унга хосдир. Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган нарсани қилишга қодир. Эй, Аллоҳ! Сен нимани берсанг, уни ҳеч ким



манъ қилолмайди ва манъ қилганингни бошқалар бераолмайди. (Дунёда) бойликка эришган кишиларга бойлиги (охиратда) фойда бермайди (бунга бошқа изоҳлар ҳам бор) (т.).

Бу ҳадис мазмуни 16-ҳадисда ва 447-ҳадисда қисман бор.

466. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳеч бирингизни дунёда қилган амаллари дўзахдан қутқазолмайди", дедилар. Саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ, сизнинг ҳам амалларингиз қутқазмайдими?" — деб сўрашганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло менга раҳм қилмаса, амалларим мени ҳам қутқазмайди", дедилар. Яна Расулуллоҳ (с.а.в.): "Тўғри йўлда бўлинглар. Эрта билан ва кечқурун ва кечанинг бир қисмида ибодат билан машғул бўлинг, иморат қилишда ҳам ўртача ҳолни тутинг. Шунда мўлжалга етасизлар", дедилар".

217-боб. Мулойим бўлиш ҳақида

467-ҳадис 414-ҳадиснинг айнан такрори.

«Адабу-л-муфрад»нинг туркча нашрида (2005 йил) 468-ҳадис Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган, деб кўрсатилган ва имом Муслим ҳам нақл қилган. 469-ҳадис айни шу ҳадисларнинг такрори ва кейинда келадиган ҳадис шу ҳадислардаги мазмунни ифода этади.

470. Абу Дардо (р.а.)ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимгаки мулойимликдан насиба берилган бўлса, унга яхшиликдан насиба ато қилинган бўлади ва ким ундан маҳрум қилинган бўлса, яхшиликдан ҳам маҳрум бўлган бўлади. Қиёмат куни мўмин банданинг тарозусини оғир қиладиган нарса яхши ахлоқдир. Аллоҳ таоло ёмон сўз ва ёмон феълли кишига албатта ғазаб қилади", дедилар".

471. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Яхши сифатлик, салоҳиятлик кишилар қоқилиб кетса, уларни турғазиб қўйинглар", дедилар".

Шу ҳадис юқорида кўрсатилган туркча нашрда «Солиҳ амал соҳиби бўлган кимсаларнинг кичик хатоларини кечириб юборинг», дейилган ва у ҳам ҳз. Ойишадан ривоят қилинган.

472. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расули акрам (с.а.в.): "Кимда ахмоқлик ва нодонлик бўлса, ҳамиша уятга қўяди. Аллоҳ таоло латиф ва мулойимликни севади", дедилар".

473. Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) парда ичида ўтирган қиздан ҳам уятчанроқ эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир нарсадан кўнгиллари олинганини ранглари ўзгарганидан билар эдик".

474. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Яхши сийрат, чиройли ҳайъат ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш хислатдан бир бўлагидир", дедилар".

Яхши сийрат – халқ билан яхши муомалалик бўлиш, чиройли ҳайъат шаклни, кўринишни яхши қилиб юриш, иқтисод эса, ҳар бир иш ва ҳаракатда, ҳатто ибодатда ҳам ўртача ҳолда бўлишликни киши ўзига лозим тутишидан иборатдир (т.).

475. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни урганимни кўриб: "Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади", дедилар".

Туркча нашрда ҳз. Ойиша (р.а.)дан қуйидаги ҳадис ривоят қилинган: «Мулойим бўл; зеро мулойимлик инсонни безайди. Кўполлик кишини хунук кўрсатади». (Имом Бухорий. Адабу-л-муфрад. Таржима, таҳрир ва таълиқ этувчи Рауф Паҳлавон, 2005, 191-бет).

476. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ўта бахиллик ва мол-мулкка хирс қўйишдан сақланинг, чунки бахиллик сиздан илгари ўтган кишиларни ҳалок қилган. Шу бахилликлари туфайли улар бир-бирларининг қонини тўккан ва қариндошликни узиб қўйишган. Бировга зулм қилишлик қиёмат куни золимни қоронғуликка туширади", дедилар".



218-боб. Саранжомлик ҳақида

477. Касир ибн Убайд айтдилар: "Мен умму-л-мўминин ҳз. Ойиша (р.а.) ҳузурларига кирдим. Шунда у зот менга: озгина сабр эт, мен лунгимни ямаб олай, дедилар. Мен у зотга агар бу воқеани чиқиб одамларга гапирсам, улар сизни албатта бахил, деб ҳисоблашади, дедим. Ойиша (р.а.): "Майли, ўзинг биласан. Эски кийим киймайдиган кишида янги кийим бўлмайди", дедилар".

219-боб. Мулойимликнинг авлолиги ҳақида

478. Абдуллоҳ ибн Муғфил (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аллоҳ мулойимдир. Юмшоқ феълли бандасини севади. У дағал бандасига эмас, мулойим феълли бандасига ажр-мукофот беради».

479. Айни шу ҳадис Юнус ва Ҳувайддан ҳам ривоят қилинган.

220-боб. Чўчитмаслик ҳақида

480. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кишиларга диндаги оғир машаққатли амалларни эмас, енгил ва осонларини буюринг, уларни хотиржам қилинг, оғир амалларни буюриб диндан қўрқитиб, чўчитиб юборманг", дедилар".

481. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди, айтдилар: "Бани Исроил қавмидан бир кишининг уйига меҳмон келди. Уларнинг ҳовлисида бир урғочи ит бўлиб, унга эгалари "Меҳмонимизга вовуллаб унинг тинчлигини бузмагин", деб тайинлашди. Ит ўзи вовулламаса ҳам қорнидаги болалари акиллашди. Шунда улар бу воқеани ўз пайғамбарларига зикр қилганларида, пай-

ғамбарлари: "Бу ҳол сизлардан кейин бўладиган бир миллатнинг ҳолига ўхшайди. Улар орасидаги нодонлари донолари устидан ҳукмронлик қилади", деган экан".

221. Назокатлилик ҳақида

Бу боб Шамсуддинхон Бобохонов таржимасида «Аҳмоқлик ва жоҳиллик», деб аталган, асл матндаги сарлавҳани қўйдик.

Ҳз. Ойшадан ривоят қилинган 482-ҳадис туркчадаги 475-ҳадис ва бизнинг нашримиздаги 475-ҳадиснинг қисман такрори.

483. Абу Назра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши шундай ҳикоя қилдилар: "Бизлар(нинг қабиламиз)дан бўлган Жобир (ёки Жувайбир) деган киши айтди: "Мен ҳз. Умарнинг халифалик вақтларида у кишидан бир ҳожат талаб қилиб Мадинаи мунаввара га келдим. Келган вақтим кечаси бўлгани учун ҳузурларига эртаси куни эрта билан кирдим. У зот билан бўлган суҳбатимиз орасида мен бу фоний дунё ҳақида гапириб, Аллоҳ таолонинг менга берган сўзга усталиги ва зийраклиги билан бу дунёни ҳеч арзимайдиган ҳақир бир нарса, деб исбот этишга ҳаракат қилдим. Шу вақтда ҳз. Умар ёнларида оқ кийим кийган оқ сочли бир киши ўтирган эди. Мен гапимни тамом қилганимдан кейин у киши менга қараб: "Ҳамма гапларингиз ақлли, аммо бу дунёни шу қадар таҳқирлашингиз унча маъқул эмас. Дунё нимадан иборат, биласизми? Охиратга эришмоқ ёки охират учун зод-рохила тайёрламоқ шу дунёда бўлади. Охират куни жазосини кўрадиган яхши-ёмон ишларимизни мана шу дунёда қиламиз", деб дунёнинг яхши томонларини мендан кўра яхшироқ билишини исбот қилди. Шунда мен: "Ё амир ал-мўминин! Бу ёнингиздаги киши ким бўладилар?" — деб сўрадим. Ҳз. Умар: "Бу мусулмонларнинг саййиди Убай ибн Каъб (р.а.)дирлар", дедилар".



484. Баро ибн Озиб (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таолонинг берган неъматлари учун рози ва хурсанд бўлмаслик ва унга шукрона қилмаслик катта гуноҳдир", дедилар".

222-боб. Молни тежаш ва кўпайтириш ҳақида

485. Ҳорис ибн Луқайт Нахаъий (р.а.) айтдилар: "Қайси биримизнинг биямиз қулунласа, у, мен бу тойча катта бўлиб минишга яроқли бўлгунча яшармидим деб, уни сўйиб юборардик. Шунда ҳз. Умар (р.а.)дан бизга: "Аллоҳ таоло сизга берган ризқни ислоҳ қилинг, тузатинглар. Чунки қиёмат қойим бўлиши ҳали узоқ ва балки таъхир бўлар", деган мазмундаги хатлари келди".

Яъни янги туғилган молни боқиб катта қилинглар ва кўпайтиринглар (т.).

486. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бирортангиз экиш учун қўлингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қоим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг", дедилар".

487-ҳадис. Довуд ибн Аби Довуд айтдилар: "Менга Абдуллоҳ ибн Салом: "Сен бир кўчатни экаётган вақтингда, Дажжол чиқиб қолибди, деб эшитсанг ҳам, уни тузатиб экишга ҳаракат қил, чунки ундан кейин ҳам одамлар яшайди", дедилар".

223-боббаги 488-ҳадис «Ота-онанинг дуоси» деган 17-боббаги 32-ҳадиснинг айнан такрори.

224-боб. Аллоҳдан ризқ сўраш ҳақида

489. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши Наби муҳтарам (с.а.в.)нинг минбар устида

Яман томонга қараб: "Эй, Аллоҳ, буларнинг кўнглини бизга мойил қил!" деганларини, Ироқ томонга ва бошқа ҳамма томонларга ҳам қараб шундай дуо қилиб, кейин: "Эй, Аллоҳ, ернинг бойлигидан ризқимизни бер! Бизнинг мадд ва соъларимизга баракот бер", деб Аллоҳдан сўраганларини эшитдим, дедилар.

Мадд – ўлчов миқдори бўлиб, бир соънинг тўртдан бирига ёки икки ратл (бир ратл 449,28 гр)га тенг, соъ эса беш ва уч чорак ратл (ёки саккиз ратл)га тенгдир (т.).

225-боб. Зулм кулфатдир

490-ҳадис мазмуни 476-ҳадиснинг такрори бўлиб, 476-ҳадис Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган бўлса, буниси Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган.

491. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кейинги умматларимда инсонлик суратларини бошқа нарсалар суратига айлантириш, зинокорлик ва туҳмат қилиш каби ёмон хулқлар ва ер ютишлар бўлади. Бу ишлар аввал зулм қилувчилардан бошланади", дедилар".

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган 492-ҳадис 476-ҳадиснинг сўнгги жумласини такрор қилган.

493. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Қиёмат куни мўмин бандалар дўзахдан қутилганларидан кейин, жаннат билан дўзах ўртасидаги кўприкда тўхтатилади ва ёруғ дунёда ораларида бўлган турли зулмлар учун бир-бирларидан қасос оладилар. Шу қасос олишдан тозаланиб бўлганларидан кейингина жаннатга киришлари учун рухсат берилади. Мўмин бандаларнинг ҳар бири дунёдаги ўз жойига адашмай боришда қанчалик моҳир бўлса, жаннатдаги жойига боришда ундан кўра ҳам моҳирроқ бўлади", дедилар".

494. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Зулмдан сақланинг, зеро зулм қилган



киши қиёмат куни зулмат ичида бўлғусидир. Ёмон сўз ва ишдан сақланинг, зеро Аллоҳ ёмон муомалалик ва ёмон иш қилганларни севмайди. Бахиллик ва ҳирсдан сақланинг, бинобарин, бу нарса сиздан илгари ўтганларни ҳам қариндошлик ришталарини узишга ва ҳаромни ҳалол деб қабул қилишга рағбатлантирган»», дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган 495-ҳадис 494-ҳадиснинг такрори.

496. Абу Дуҳо (р.а.) айтдилар: "Масруқ билан Шутайр ибн Шакл Абди (р.а.)лар масжидда бирга бўлиб қолишди. У ерда ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтирган кишилар бу икки олим атрофига тўпланишди. Шунда Масруқ Шутайрга қараб: "Бу одамлар биздан яхши гап эшитмоқ учун тўпланишган бўлса керак, деб ўйлайман. Энди сиз Абдуллоҳ ибн Масъуддан ҳадис ривоят қиласиз, мен эса қилган ривоятингизнинг тўғрилигини тасдиқлайман ёки мен ривоят қиламан, сиз уни тасдиқлайсиз", дедилар. Шутайр: "Майли, сиз ривоят қилинг, мен унга гувоҳ бўламан!" — дедилар. Шундан кейин Масруқ: Абдуллоҳ ибн Маъсуд: "Икки кўз, икки қўл ва икки оёқларнинг зиноси бўлади. Буларнинг зиносини эгаларининг фаржи (аврати) амалга ошириб, ҳақиқатга чиқаради ёки рад қилиб, ёлғончига чиқаради", деган сўзларини эшитганмисиз? — дедилар. Шутайр: "Ҳа, бу сўзларини мен ҳам эшитганман", дедилар. Масруқ яна: "Абдуллоҳнинг Қуръони каримдаги: "Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур" (65:2), деган оятидан кўра тезроқ нажот топишга ундайдиган оят йўқ, деган сўзларини сиз эшитганмисиз?", деганда, Шутайр, "Ҳа, мен ҳам Абдуллоҳнинг шу сўзларини эшитганман", дедилар. Масруқ яна: "Абдуллоҳнинг Қуръондаги: "Эй ўзига исроф-зулм қилган бандаларим! Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлманг-

лар" (39:53-оят), дейилган оятдан кўра Аллоҳга таваккул қилишга кўпроқ ундовчи оят йўқ, деганларини эшитган бўлсангиз керак", дедилар. Шутайр: "Ҳа, эшитганман", дедилар".

497. Абу Зарр Ғифорий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло: "Эй, бандаларим! Мен зулм қилмоқни ўзимга ҳаром қилганман ва шу зулм қилмоқни сизларга ҳам ҳаром қилдим. Бинобарин, сизлар бир-бирларингизга зулм қилмангизлар. Эй, бандаларим, сизлар кечаю-кундуз гуноҳ бўладиган ишларни қиласиз. Мен ҳеч парво қилмай, гуноҳларни кечираверaман. Шунинг учун уни кечирмоқни фақат ўзимдангина сўранг. Эй, бандаларим, мен таом бермасам ҳаммаларингиз оч қоласиз, таомни мендан сўранг! Мен бераман. Мен кийим-бош бермасам ҳаммаларингиз яланғоч қоласиз, кийим-бошни мендан сўранг, уларни сизга мен ўзимгина бераман. Эй, бандаларим! Сизларнинг аввалию охирингиз ва инсу жинларингиз ҳаммаси зўр тақводор бўлганда ҳам менинг моликлигимга ҳеч нарса орттирмайди ёки ҳаммаларингиз ўта кетган фожир бўлганда ҳам менинг мулкимдан ҳеч нарса камайтирмайди. Агар ҳамма махлуқотим бир ерда жам бўлиб, ҳар қайсиси ўз мақсадини сўраса ва ҳаммасига сўраганини берсам ҳам, мулкимдан денгиз ичига ташланган ингичка ип шимган суви миқдорича ҳам камаймайди. Эй, бандаларим! Қилган амалларингизни ўзларингиз учун сақлаб қўяман. Ким амалларида яхшиликни учратса, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтсин. Яхшилик-ни эмас, ёмонликни учратса, у вақтда фақат ўзинигина маломат қилсин", деб айтган дедилар". Ровийлардан Абу Идрис Хавлоний (р.а.) бу ҳадисни ривоят қилган вақтларида Аллоҳнинг ҳурмати учун тиз чўкиб ўтирардилар.



226-боб. Касалманд кишининг каффорати ҳақида

498. Ғутайф ибн Ҳорис (Сукуний) (р.а.) хабар бердилар. Абу Убайда ибн Жарроҳнинг бетоблик вақтларида бир киши келиб: "Амирнинг ажру савоблари қанча бўлди экан?" — деб сўради. Абу Убайда: "Сизлар қандай амал қилганингизда ажрга эга бўлишингизни биласизми?" — дедилар. У киши: "Табиатимизга ёқмайдиган дардга мубтало қилинсак шунга ажр оламиз" — деди. Шунда Абу Убайда: "Аллоҳ таоло йўлида қилган сарфларингиз ва сиз учун қилинган сарфлар бадалига ҳам ажр оласиз", дедилар-да, кейин от эгарининг асбобларини санадилар, ҳатто отуловнинг жиловигача санаб бердилар. "Лекин жасадингиздаги сизларга етган бу дард бадалига Аллоҳ таоло кичик гуноҳларингизни ёпади", дедилар.

Абу Убайда жангда лашкарбошилардан бўлганлари учун у кишини "амир" деб хитоб қилаётган бўлса керак.

Яъни жангга бориш учун мана шу мен санаган от асбобларини тайёрлаганингиз учун ҳам ажрга эга бўласиз, демоқчи бўлсалар керак.

Яъни дардга сабр қилган бўлсангиз дардга мубтало бўлганингиз учун бир ва сабр қилганингиз учун иккинчи савобга эга бўласиз (т.).

499. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир мўмин ёки мўмина кишини узоқ вақт бирор мусибатга йўлиқтириб синалади. У шу мусибат Аллоҳ томонидан бўлганини эътироф қилиб, сабр этса, Аллоҳ таоло ҳузурига гуноҳларидан пок бўлган ҳолда боради", дедилар".

500. Абдурраҳмон ибн Авф отасидан ривоят қилди: «Салмон (Форсий) Кинда деган жойда бир беморни кўргани борганда мен бирга эдим. Салмон беморнинг хонасига киргач: «Сенга хайрли хабарлар бўлсин! Зеро,

Аллоҳ мўминнинг хасталигини Ўзи учун каффорат ва савоб деб қабул қилади. Фожир хаста бўлса хаб дори ичаверади, аммо даво қаердан ва нимадан келишини билмайди», деди.

501. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар хоҳ мўминдир, хоҳ мўминадир, уннинг баданига, оиласига, молига бало Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳи бўлмаса, келмайди», деб марҳамат қилдилар.

502-ҳадис 501-ҳадиснинг такрори бўлиб, уни Муҳаммад ибн Амр ривоят қилганлар ва «боласига», деган сўзни қўшганлар.

503. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир аъробий келди. Набий муҳтарам (с.а.в.) унга: "Сенда безгак касаллиги бўлганми?" — деб сўрадилар. Аъробий: "Безгак нима?" — деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Тери билан эт орасида бўладиган ҳарорат", деган эдилар, аъробий: "Йўқ, мен ундай нарсани билмайман", деди. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сенда бош оғриғи бўлганми?" — дедилар. У: "Бош оғриғи нима?" — деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мияда бир ел пайдо бўлиб, томирларга уради", дедилар. Аъробий: "Менда ундай касаллик бўлмаган", деди. Аъробий чиқиб кетгандан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.): "Дўзах аҳлидан бўладиган кишини кўрмоқчи бўлган одам мана шу аъробийга қарасин", дедилар".

227-боб. Тунда беморни кўриш ҳақида

504. Холид ибн Рабиъ (р.а.) айтдилар: "Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.)нинг бетобликлари оғирлашган вақтда уруғ-аймоқлари ва ансорлар эшитиб, ярим кечада олдиларига келишди. Шунда Ҳузайфа (р.а.): "Бу қайси вақт?" — деб сўрадилар. Улар: "Тун ярми", деб жавоб берганларида, Ҳузайфа (р.а.): "Тонготар вақтидаги дўзах ўти-

дан Аллоҳ таолодан паноҳ сўрайман", дедилар-да, кейин: "Мен учун кафанлик нарса олиб келдингизми?"— деб сўрадилар. Улар: "Ҳа, олиб келдик", деганларида, Ҳузайфа (р.а.): "Кафанликни ҳаддан ортиқча ёки нархи қиммат нарсадан қилманглар. Агар Аллоҳ таоло ҳузурида яхшилик менга насиб бўлган бўлса, бу кафандан яхшироғи берилади. Ёки иш аксинча бўлиб қолса, бу кафанни дарҳол мендан тортиб олинади, яъни бу кафан чириб, тупроққа айланади", дедилар".

505.-ҳадис. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Қайси бир мўмин банда бетоб бўлса, Аллоҳ таоло уни гуноҳларидан темирчининг босқони темирнинг ифлосларини тозалаганидек тозалайди", дедилар".

506. Яна ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Бир мусулмон кишига оғриқ ёки бетоблик ориз бўлса, ҳатто бирор ерига тикон санчилса ёки ҳаётдаги ҳодисалардан бирор ҳодисага учраса, Аллоҳ таоло шуларни у кишининг гуноҳларига каффорат қилади", дедилар".

507-ҳадис. Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.)нинг қизлари Ойишадан ривоят қилинди. Ойишанинг отаси айтдилар: «Мен Маккаи Мукаррамада қаттиқ бетоб бўлдим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг ҳолимни сўраганга келдилар. Мен: "Ё Расулаллоҳ, мен ўзимдан кейин бир қанча мол қолдириб кетаман. Аммо орқамда биттагина қиз қолади. Шунинг учун молимнинг учдан икки ҳиссасини васият қилиб, бир ҳиссасини қизимга қолдирсам?" — дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, мумкин эмас", дедилар. "Бўлмаса ярмини васият қиламан". Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, бу ҳам жоиз эмас", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Майли, учдан бирини васият қилсангиз бўлади. Лекин учдан бири

ҳам кўп", дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак қўлларини менинг пешонамга қўйиб, юзимни ва қорнимни силадилар-да: "Эй, Аллоҳ! Саъдга шифо бер, у кишининг ҳижратларини тамомига етказгин", деб дуо қилдилар. "Мана шу вақтгача Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қўлларининг жигаримга теккан совуғини сезиб тургандек бўламан", дедилар Саъд[1].

228-боб. Хаста мўминнинг савоби

508. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир киши бетоб бўлиб қолса, у соғломлик вақтида қилиб келган амалидек савоб ёзилиб бораверади", дедилар".

Яъни у киши соғлом вақтида яхши амалларни қилган ва ниятида шу амалини давом эттирмоқчи эди, лекин бетоблиги бу ниятига монеълик қилгани учун афсусланса, соғломликда қилган амалининг савобидек савобга эга бўлаверади (т.).

509. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ агар бир мусулмоннинг жисмига дард берса, хасталик муддатида соғлик пайтидаги қилган ибодатларининг савоби ёзилиб бораверади. Агар хасталик пайтида унинг руҳини қабз этса, унинг барча гуноҳларини авф этиб, жаннатга дохил қилур».

---

[1] Саъд ибн Аби Ваққос Маккадан Мадинага ҳижрат қилган саҳобийлардан биридир. Макка фатҳида касалланиб, шу касаллик билан ўлиб кетаман, шекилли, деб ҳижратининг чала қолишидан хавфсираб Расулуллоҳ (с.а.в.)дан дуо сўраган эди. Бу ҳадиси шариф Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муъжизаларидан бирини намойиш этган: Саъд ибн Аби Ваққос Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дуолари билан тузалиш билан бирга Ироқ ва унинг атрофларининг фатҳида ҳам иштирок этди, сўнгра Ироққа волий этиб тайинланди. Бу орада жуда кўп одамларнинг ҳидоят йўлини топишларида васила ҳам бўлди (Ф.с.).



510-ҳадис 509-ҳадиснинг такрори бўлиб, Анас ибн Молик бу ҳадиси шарифга «Шояд хастага шифо берса, уни роҳатга муяссар қилур», деган жумлани қўшганлар.

511. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) га безгак касаллиги келиб, мени энг яхши кўрадиган кишиларингизга юборсангиз, деб илтимос қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ансорларга боришга тавсия қилдилар. безгак улар жисмида олти кеча-ю олти кундуз туриб қолди. Бу ҳол ансорларга оғир тушди-да, Расулуллоҳ (с.а.в.)га бориб шикоят қилишди. Расулул-лоҳ (с.а.в.) уларнинг ҳовли ва уйларига бирма-бир кириб, Аллоҳ таолодан шифо беришини сўраб, дуо қил-дилар. Кейин қайтиб кетаётганларида бир хотин эрга-шиб келиб: "Сизни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаман, мен ҳам, отам ҳам шу ансорлардан-миз. Улар ҳақига дуо қилганингиздек, менинг ҳақимга ҳам дуо қилсангиз", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хўп, агар истасанг, мен Аллоҳ таолодан шифо беришини сўраб дуо қиламан, истасанг сабр этасан, Аллоҳ таоло сенга жаннат беради", дедилар. У хотин: "Ундай бўлса мен сабр этаман ва жаннатни ҳеч нар-сага алмашмайман", деди".

512. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Менга тегадиган дардларнинг энг яхшиси безгакдир, чунки безгак келганда менинг ҳамма аъзоларимга киради. Аллоҳ таоло савобдан ҳар бир аъзоимга ўз ҳиссасини беради".

513. Абу Нуҳайла (р.а.)дан ривоят қилинди: У кишидан: "Бир дуо қилинг!" — деб сўралди. У киши: "Эй, Аллоҳ! Бетобликни камайтир, аммо ажру савобини камайтирма", деб дуо қилдилар. Яна: "Дуо қилинг!" дейилганда, у зот: "Эй, Парвардигорим! Мени ўзингга яқин кишилардан қилгин, ўз онамни эса, жаннатдаги ҳури айнлардан қилгин!" — деб дуо қилдилар.

514. Ато ибн Аби Рабоҳ (р.а.)айтдилар: "Мендан Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): "Сенга жаннат аҳлларидан бўладиган бир хотинни кўрсатайми?" — деб сўрадилар.

Мен: "Ҳа, кўрсатинг", деган эдим, у киши: "Ўша мана бу қора хотин. У Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: "Мен тутқаноқ касаллиги билан оғриб қоламан. Шунда ўзимни билмай баданим очилиб кетади. Мен учун бир дуо қилинг!" — деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Истасанг сабр қиласан, сенга жаннат насиб бўлади. Истасанг Аллоҳ таолодан бу дардингга шифо беришни сўрайман", дедилар. У хотин: "Сабр этаман, лекин баданим очилиб қолишини қандай қиламан? Дуо қилинг, баданимнинг очилиши йўқ бўлсин", деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) дуо қилдилар".

515-ҳадис мазмуни 506-ҳадисда бор ва бу Ибн Журайждан ривоят қилинган. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 516-ҳадис ҳам шу ҳадиснинг мазмунидандир. Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган 517-ҳадисда ҳам шу мазмун.

229-боб. «Мен хастаман», демак шикоят ҳисобланадими?

518-ҳадис. Урва ибн Зубайр айтдилар: "Биз Абдуллоҳ ибн Зубайр ўлдирилишларидан ўн кеча илгари у киши билан оналари Асмоъ (р.а.) ҳузурларига кирган эдик. Абдуллоҳ: "Аҳволингиз қалай?" — деб сўраганларида, Асмоъ: "Бетобман, ҳамма ёғим оғрийди", дедилар. Шунда Абдуллоҳ: "Мен ҳам ўлим олдидаман (иккинчи ривоятда: ўлимда роҳат бор)", деган эдилар. Асмоъ: "Сен менинг ўлишимни хоҳлаётибсан шекилли, шунинг учун ўлимни орзу қилаётибсан, бундай қилмагин. Менинг икки тарафингдан бири менга келмагунча ёки ўлдирилсанг-у, шунга сабр этиб са-воб олмагунимча ёхуд ғалаба қозонганингни кўриб, кўзим қувонмагунча ўлишни истамайман. Сенга бир режа таклиф қилинса, уни қилишдан ўзингни эҳтиёт қил! Чунки у сенга кейин мувофиқ келмай қолиб, ўлимдан қўрққанингдан қабул қилишга мажбур бўлиб қоласан", дедилар".



Асмоъ (р.а.) – ҳз. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг қизлари. У зот ҳз. Ойиша (р.а.)дан катта эдилар. Ҳомилалик ҳолида Мадинага ҳиж-рат қилиб кетаётганида, Қубо деган жойда Абдуллоҳ ибн Зубай-рни туғдилар. Асмоъ Зубайр ибн Авомнинг хотини бўлиб, кейин ундан талоқ бўлган эдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр Ислом пайдо бўлгандан кейин мусулмонлар орасида биринчи туғилган фар-занд бўлдилар ва Расулуллоҳнинг ўзлари табаррук оғизларида чайналган хурмо билан унинг танглайини кўтардилар.

Икки тараф – икки қўл ва икки оёқ бўлиб, шу аъзоларинг шикастланмагунча, дейилмоқчи. Асмоъ ўғиллари Абдуллоҳдан олдин вафот этишни хоҳламадилар. Чунки Абдуллоҳ шаҳид бўлишини ёки ғалаба қозонганини кўриб, хурсанд бўлиш умидида эдилар. Бу албатта ўғлиларига бўлган хайрихоҳликларининг нишонаси эди (т.).

519. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди. Бу киши Расулуллоҳ (с.а.в.) иситмаланиб, устларига шокилалик кийимларини ташлаб ётган вақтларида ҳузурларига кириб, баданларига қўлларини теккизган эдилар, кийимлари устидан иситманинг ҳароратини сезиб: "Ё Расулаллоҳ! Иситмангиз жуда қаттиқ-ку", деганларида Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳа, шундай. Биз (пайғамбар)ларга Аллоҳ таолонинг балоси қаттиқ бўлади ва шунинг учун ажру савобимиз ҳам неча баробар зиёда қилинади", дедилар. Абу Саид: "Ё Расулаллоҳ! Одамларнинг қайсиларига бало қаттиқроқ бўлади?" — деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Пайғамбарлар ва солиҳ бандаларга (бошқа кишиларга нисбатан) қаттиқроқ бўлади. Шулардан қайсилари камбағалликка мубтало бўлиб, фақат олд томони очиқ битта кийимдан бўлак киядиган нарсаси бўлмай, шунга ўралибгина юрган, баъзилари битлаб кетишга мубтало бўлиб, ҳатто у битлар уни чақавериб, ўлдиришгача олиб борган эди. Уларнинг (пайғамбарлар ва солиҳ бандаларнинг) Аллоҳ таоло томонидан юбориладиган балога шодликлари сизларнинг фаровонликка бўладиган шодликларингиздан ҳам кўпроқ бўлади", дедилар.

230-боб. Ҳушидан кетадиган беморни кўриш ҳақида

520. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан эшитилди, у киши: "Мен бир дард билан оғридим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) мени кўргани пиёда юриб келишди. Шу пайтда беҳуш бўлиб ётган эдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) таҳорат қилиб, шу таҳорат сувларидан устимга сочдилар. Шундан кейин мен ўзимга келиб бундай қарасам, ёнимда ўтирган Расулуллоҳ (с.а.в.)га кўзим тушди-да: "Ё Расулаллоҳ, молим тўғрисида нима қилмоғим керак?!" — деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.) менга жавоб қайтармасларидан аввал мерос ҳақидаги оят нозил бўлди".

231-боб. Бетоб болаларни кўриш ҳақида

521. Усома ибн Зайд (р.а.)дан ривоят қилинди: "Фотима (р.а.)нинг кичик бир ўғли бетоб бўлиб, оғирлашди. Шунда Фотима: "Ўғилчам ўлим олдида", деб Расулуллоҳ (с.а.в.)га киши юбордилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишига: "Қизимга бориб айт, Аллоҳ таоло нимани бандаларига берса ва нимани улардан олса, ҳаммаси ўзининг мулкидир. Аллоҳ наздида ҳамма нарсанинг маълум вақти бор, қизим сабр қилсин ва сабр қилгани учун Аллоҳ таоло берадиган ажру савобидан умидвор бўлсин. Шу гапларимни қизимга етказгин", дедилар. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг гапларини қизларига бориб айтди. Қизлари қасам ичиб: "Отам албатта келсинлар", деб яна одам юбордилар. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) бир неча саҳобийлари, жумладан, Саъд ибн Аббода (р.а.) билан қизларининкига бордилар-да, болани икки эмчаклари ўртасига қўйдилар. Шу пайтда боланинг кўкраги-



дан эски мешдан шалдираб чиқадиган овозга ўхшаш овоз чиқиб турган эди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) икки кўзларидан ёш оқди. Бу ҳолатларини кўриб Саъд ибн Аббода: "Ўзингиз Аллоҳнинг Расули бўлатуриб нега йиғлайсиз?" — деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мен Аллоҳнинг тақдирига норози бўлиб жазъ қилиб эмас, балки бу боланинг ҳолига раҳмим келиб йиғлаётибман. Аллоҳ таолонинг марҳамати фақат марҳаматли раҳмдил бандаларга бўлади", дедилар".

232-боб. Хотини хаста бўлган кишига шафқат

522. Иброҳим ибн Аби Абладан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Хотиним бетоб бўлиб қолди. Шу вақтда мен Умму Дардо (р.а.) олдиларига борардим. Умму Дардо мендан: "Аҳлинг (хотининг) қалай?" — деб сўрадилар. Мен: "Хотиним ҳамон бетоб", десам, у киши менга таом келтириб овқатлантириб юборардилар. Яна бир борганимда хотинимнинг ҳолини сўрадилар. Мен: "Бироз тузалиб қолди", деган эдим, Умму Дардо: "Хотиним бетоб деб юрганинг учун сенга таом берар эдим. Энди у тузалиб қолган бўлса, мен сенга таом беролмайман", дедилар".

233-боб. Аъробийларни зиёрат қилиш ҳақида

523. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир аъробийнинг бетоблигини сўраш учун кирдилар-да: "Бу касалликнинг сенга зарари йўқ. Бу сени, иншоаллоҳ, гуноҳлардан поклайди", дедилар. Шунда аъробий: "Бу чол кишини қабрга олиб бориш учун қайнаб тошиб турган иситма-ку",

деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Хайр, ундай бўлса, сенинг айтганинг бўлсин!" — дедилар", деб нақл қилдилар.

Имом Табароний ривоятларига кўра аъробий эртаси кечқурун вафот этган (т.).

234-боб. Беморни зиёрат қилиш фазилати

524. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким бугун эрта билан рўзадор бўлиб турди?" — деб саҳобийларидан сўраганларида, Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлардан қайси бирингиз бугун бир беморни бориб кўрди?" — дедилар. Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: "Қайси бирингиз бирор кишига жаноза ўқишда ҳозир бўлдингиз?", деб сўраганларида ҳам Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: "Бугун қайси бирингиз бирорта мискинга таом берди?" — деганларида ҳам Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", деб жавоб бердилар", деб ҳикоя қиладилар. Бу ҳадис ровийларидан Марвон деган киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Мана шу хислатлар кимда жам бўлган бўлса, албатта жаннатга киради", деган гапларини мен ҳам эшитганман, дедилар.

Бошқа бир ривоятта кўра Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шу ваъдаларини эшитиб: "Ё Расулаллоҳ, шундай киши икки дунёда ҳам ҳасрат ва зоеликни кўрмаган бўлади, албатта", деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сиз ҳам шундай кишилардансиз, деб умид қиламан", дедилар (т.).

525. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) хасталикнинг зўридан бутун вужуди титраётган Умму Соибнинг зиёратига бордилар. «Сенга нима бўлди? — деб аҳвол сўрадилар хотиндан. «Иситма вужудимни куйдиряпти, ё Расулаллоҳ! Аллоҳ уни дафъ этсин», деди хотин. «Жим, хасталик ҳақида ёмон



сўз қилма. Босқоннинг дами темирнинг зангини кетказгандек, хасталик ҳам мўминнинг хатоларини ўчиради», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

526. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Аллоҳ таоло қиёмат куни бир бандага мен сендан таом сўраганимда бермаган эдинг", деди. У банда: "Эй, Парвардигори олам! Сен мендан қандай қилиб таом сўрабсан? Ўзинг бутун жаҳоннинг ризқлантирувчисисан-ку ахир", деди. Аллоҳ таоло: "Сен билмадингми? Фалончи бандам сендан таом сўраганда бермаган эдинг. Агар ўшанга таом берган бўлганингда, уни албатта менинг олдимда топар эдинг", деди. Яна Аллоҳ таоло: "Эй, одам боласи! Мен сендан сув сўраганимда сув бермаган эдинг", деди. У киши: "Эй, Раббим! Ўзинг раббил оламийнсан, мен сенга қандай сув бераман?" — деди. Аллоҳ таоло: "Билмадингми? Фалон бандам сендан сув сўраганда бермаган эдинг, унга сув берганингда, албатта уни менинг олдимда топган бўлар эдинг", деди. Аллоҳ таоло яна: "Эй, Одам фарзанди! Бетоб бўлдим, сен мени келиб кўрмадинг", деди. У киши: "Эй, Аллоҳ! Сен бетоб бўлмайсан, ўзинг раббил оламийнсан, мен Сенинг бетоблигингни қандай сўрайман", деди. Аллоҳ: "Сен билмадингми? Фалончи бандам бетоб бўлганда бориб сўрамадинг. Агар бориб сўраган бўлганингда, албатта, уни менинг олдимда топар эдинг", деди".

527. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бемор кишини бориб кўринглар, жанозалар орқасидан қабристонгача ёки масжидгача боринглар. Чунки бу иш сизга охират кунини эслатади", дедилар".

528. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уч нарса бор, уларнинг ҳаммасини

бажариш ҳар бир мусулмон кишининг вазифасидир. Бемор кишини бориб кўриш, вафот этган кишининг жанозасига бориш ва акса урган киши: "Алҳамдулиллоҳ" деса, унга "Ярҳамакаллоҳ" ("Сенга Аллоҳ таоло раҳм қилсин"), деб жавоб қайтариш", дедилар".

235-боб «Беморга шифо тиламак ҳақида» бўлиб, унда (529-ҳадис) 227-бобдаги 507-ҳадис мазмуни такрорланган, аммо бу ҳадис Саъд ибн Аби Ваққоснинг уч ўғлидан ривоят қилинган.

236-боб. Беморни зиёрат қилиш савоби

530. Абу Асмоъ (Амр ибн Муршид Раҳбий) айтдилар: "Ким бир биродарининг бетоблигини сўрагани борса, у жаннатнинг боғида бўлади". Абу Асмоъ бу ҳадисни Савбондан, у киши эса Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилганлар. Бу ҳадис бошқа санад билан ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларидан ривоят қилинган.

531-ҳадис Ҳубайб ибн Собитдан ривоят қилинган бўлиб, юқоридаги ҳадиснинг такроридир.

237-боб. Бетоб зиёратида ҳадис ривоят қилмоқ

532. Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳакам (р.а.) айтдилар: "Абу Бакр ибн Жузъ ва Муҳаммад ибн Мункадирлар масжид аҳлларидан бир неча кишилар билан Умар ибн Ҳакам ибн Рофиъ Ансорийнинг бетобликларини сўраш учун бориб, унга: "Эй, Умар! Бизга бир ҳадис айтиб беринг", деб сўрашганда, у киши: "Мен Жобир ибн Абдуллоҳдан эшитдим. Ҳз. Жобир Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Бир киши бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳнинг раҳматида юради, агар у бемор ёнида ўтирса, раҳмати илоҳияда жой олган бўлади", дедилар".



238-боб. Бемор олдида намоз ўқиган киши ҳақида

533-ҳадис. Ато ибн Аби Рабоҳ (р.а.) айтдилар: "Умар ибн Сафвон бетоблигимни сўраш учун келдилар. Шунда намоз вақти бўлди-да, Абдуллоҳ ибн Умар улар билан тўрт ракъатлик намозни икки ракъатлик қилиб ўқидилар ва "Бизлар мусофирмиз", дедилар".

239-боб. Гайримуслимнинг бетоблигини сўраш ҳақида

534. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: "Яҳудийларнинг бир боласи Расулуллоҳ (с.а.в.)га хизмат қилиб юрар эди. У бетоб бўлиб қолганда Расулуллоҳ (с.а.в.) кўргани уйига бордилар-да, боши томонида ўтириб: "Сен Ислом динини қабул қил", деб таклиф қилдилар. Шунда бола тепасида ўтирган отасига қаради. Отаси эса: "Абулқосимга итоат қил. Ислом динини қабул қил", деганидан кейин, бола мусулмон бўлди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бу болани дўзах ўтидан қутқазган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин", деб боланинг уйидан чиқиб кетдилар".

240-боб. Бетобга нима дейиш керак?

535. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинаи мунаввара келган вақтларида Абу Бакр Сиддиқ билан Билол (Ҳабаший)ни иситма-безгак ушлади. Мен иккаласининг ҳам ҳузурларига кириб: "Отажон! Ўзингизни қандай ҳис қилаётибсиз? Ё Билол! Сиз ҳам ўзингизни қандай сезаётибсиз?" — деб аҳволларини сўрадим. Отам Абу Бакрни безгак тутган пайтда: "Ўлим эрта билан ўз аҳли аёли орасида ўтирган кишига ҳам келаверади. Ўлим

кишига ўз оёқ кийимларини боғлайдиган ипдан ҳам яқинроқдир", деган шеърни ўқидилар. Аммо ҳз. Билол безгакилари пасайган вақтда овозларини чиқариб: "Кошки бирор кеча Маккада бўлиб, атрофимда изхиру жалил деган ўт-ўланларни кўриш, Мажна сувларига тушиш, Шома ва Туфайл тоғларини кўриш менга муяссар бўлганини билсам эди", мазмунидаги икки байт шеърни ўқирдилар. Мен бу ҳолатларини кўриб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га келиб айтган эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, Аллоҳ! Бизларга Мадинанинг Макка каби ёки ундан ҳам кўпроқ муҳаббатини кўнглимизга сол, ундаги касалларни тузат, унинг соъ ва маддларига бизлар учун баракот бер ва унинг безгагини Жуҳфага юбор", - деб дуо қилдилар".

Водий деб Макка шаҳри ирода қилинди. Изхир – хушбўй ўсимлик, жалил ҳам ҳовлиларда тикка ўсадиган нозик ўсимлик. Мажна – илгари бозор жой бўлган, у Маккадан бир неча мил масо-фада жойлашган. Шома ва Туфайл Макка яқинидаги икки тоғ ёки булоқ номи. Жуҳфа – Миср, Шом ва мағрибликлар ҳажга келганда эҳром боғлайдиган жойларнинг номи. Жуҳфада Расулуллоҳ (с.а.в.) даъватларининг ривожига қарши кишилар бўлган бўлса керак. Шунинг учун: "Мадина безгагини жуҳфаликларга юбор", деб дуо қилдилар (т.).

*536.*Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) хасталниб қолган бир аъробийни зиёрат қилиб, шундай дедилар: «Сенинг учун хавфли бир нарса йўқ. Иншоаллоҳ, бу хасталигинг туфайли гуноҳларинг ювилиб кетсин», «Аксинча, менинг иситмам зўр. Бунга чидашим қийин», деди аъробий. «Ўйлаб гапир!» – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.), бу билан агар бу хасталикни сабр ва бардош билан қаршиламасанг, гуноҳларинг тўкилмагай, демоқчи бўлдилар.

537. Нофиъ (р.а.)дан ривоят қилинди: "Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) касал кўргани борганларида бемордан доимо: "Аҳволинг қалай?" — деб сўрар эдилар ва қайтганларида: "Аллоҳ дардингни енгиллатсин", деб дуо қилар ва шундан ортиқча сўз айтмас эдилар".



241-боб. Бетобнинг жавоби

538-ҳадис. Исҳоқ ибн Саид ибн Амр ибн Саид оталаридан ривоят қилдилар: "Юсуф ибн Ҳажжож урушда жароҳатланган Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)ни кўргани кирди ва: "Қалайсан?" — деб сўради. У: "Дуруст", деб жавоб қилди. Сўнг Ҳажжож: "Сенга ким мусибат етказди?" — деб сўраган эди. Абдуллоҳ (р.а.): "Қурол тақиш ҳалол эмас кунда уни тақишга амр қилган шахс", деб жавоб қилди (Бу Ҳажжожнинг ўзи эди)".

242-боб. Фосиқ зиёрат қилинадими?

539. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.): "Маст қиладиган ичимликлар ичувчи кишилар бетоб бўлиб қолганда уларни бориб кўрманглар", дедилар.

243. Бетоб эркакни аёллар кўриши ҳақида

540. Ҳорис ибн Убайдуллоҳ Ансорий айтдилар: "Мен Умму Дардони кўрдим. У зотнинг минган уловлари устида парда йўқ эди. У зот ансорлардан масжидга қатнаб турадиган бир бетоб кишини зиёрат қилишга бораётган эдилар".

244-боб. Беморни кўргани борганда унинг аёлига қарамаслик ҳақида

541. Абдуллоҳ ибн Аби Ҳузайл – Абу Муғира (р.а.) айтди: "Абдуллоҳ ибн Масъуд бир неча кишилар билан бир беморни кўргани кирдилар. Бемор уйида бир хотин бўлиб, кирган кишилардан бири унга тикилиб қарайверди. Шунда Абдуллоҳ: "Бу аёлга қараб гуноҳкор бўлганингдан кўзинг тешилгани яхшироқ эди", дедилар".

245-боб. Кўзи оғриганда бориб кўриш ҳақида

542. Зайд ибн Арқам (р.а.) айтдилар: "Менинг кўзим оғриган вақтда Расулуллоҳ (с.а.в.) кўргани келдилар-да: "Эй, Зайд! Агар кўзинг шу ҳолатича қолаверса нима қилардинг?" — деб сўрадилар. Мен: "Шунда сабр қилган ва Аллоҳ таолодан савоб умид қилган бўлардим", дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кўзинг шу ҳолатида қолиб, сен унга сабр қилсанг ва Аллоҳ таолодан савоб умид қилсанг, сенга бериладиган савоб жаннат бўлади", дедилар".

543. Қосим ибн Муҳаммаддан ривоят қилинди: "Муҳаммад деган кишининг суҳбатдошларидан бирининг кўзидан нур кетди. Кишилар уни кўргани боришганда, у: "Бу икки кўзим Набий муҳтарам (с.а.в.)га қарашим учун менга керак эди. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) бу дунёдан кетдилар. Энди менга шу икки кўзнинг нури ўз жойига келиши учун Таббола кийикларидан битта кийик беришга рози бўласанми, дейилса, мен рози бўлмас эдим", - деди".

Таббола – Ямандаги бир шаҳар номи. Ёқут Ҳамавий "Муъжам ал-бутдон" ("Мамлакатлар тўплами") номли асарида бу Туҳомадаги Таббола бўлмаса керак, дейди. Яъни Табболанинг арзимас бир дона кийиги мен учун икки кўзимдан қийматлироқ бўлади ёки энди кўзсиз ҳаёт кечираверсам ҳам бўлади, демоқчи бўлса керак (т.).

544. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Аллоҳу азза ва жалла бир бандани ўзига севимли иккита аъзоси (яъни икки кўзи) билан мубтало қилсам, кейин у шунга сабр қилса, бадалига жаннатни бераман", деган ҳадисларини эшитдим".

545. Абу Умома (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Аллоҳ таоло: "Эй, Одам фарзанди! Мен сенинг иккита нозик



аъзойингни (кўзингни) олсам ва шу мусибатга дучор бўлганингга сабр этсанг ва шунга мендан савоб умид қилсанг, сенга жаннатдан бўлак савоб беришга мен рози бўлмайман", дейди".

246-боб. Беморнинг қайси тарафида ўтирмоқ керак?

546. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) бир беморни кўргани борсалар унинг боши томонида ўтирардилар. Сўнгра етти мартаба "Улуғ аршнинг эгаси бўлган азаматли Аллоҳ таолодан сенга шифо бермоғини сўрайман", деб дуо қилар эдилар. Агар қазо куни етмаган бўлса, у бемор дардидан шифоланиб кетарди".

547. Рабиъ ибн Абдуллоҳ айтди: Мен Ҳасан Басрий билан Қутода ибн Даъоманинг дардини сўрагани бордик. Шунда Ҳасан Басрий Қутоданинг боши томонида ўтириб, ундан аҳволини сўрадилар, кейин: "Эй, Аллоҳ! Бу кишининг дилига ва дардига шифо бергин!" — деб дуо қилдилар.

247-боб. Эркак уйида нима иш қилади?

548. Асвад ибн Язддан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен ҳз. Ойиша (р.а.)дан: "Расулуллоҳ (с.а.в.) аҳллари уйларида нима иш билан шуғулланар эдилар?" — деб сўрадим. Ҳз. Ойиша (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз аёлларининг ҳамма хизматига қарашардилар ва намоз вақти бўлганда масжидга чиқиб кетардилар", дедилар".

Ҳирвадан ривоят қилинган 549-ҳадис, Ҳишом отасидан қилган 550-ҳадис, Амра ривоят қилган 551-ҳадисларнинг барчаси Ойиша онамиздан нақл қилинган бўлиб, 548-ҳадиснинг мазмуни кабидир.

248-боб. Бировни яхши кўрса, ўзига билдирсин

552. Миқдом ибн Маъди Кариб айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлардан қайси биринғиз биродарини яхши кўрса, яхши кўрганлигини унга маълум қилсин", дедилар".

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, муҳаббат ҳам икки томондан бўлса, давомлидир. Яъни бирон киши унинг салоҳияти, яхши йўлда бораётганлиги каби ҳоллари учун яхши кўрса, унинг кўнглини кўтариш ва шу ишларини тараққий эттиришга тарғиб қилиш учун муҳаббат қўйганини ўша одамнинг ўзига билдириши керак (т.).

553. Мужоҳид ибн Жубайр (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобийларидан бўлган бир киши мени учратиб, орқа томонимдан келиб елкамдан ушладилар-да: "Мен сени албатта яхши кўраман", дедилар. Мен у кишига: "Мени сизга яхши кўрсатган Аллоҳ таоло сизга ҳам ўз муҳаббатини қўйсин!" — дедим. Шунда у киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Бир одам бировни яхши кўрса, яхши кўрганлигини унинг ўзига билдирсин", деган ҳадислари бўлмаганда, сени яхши кўрганлигимни ўзингга

---

[1] Араб адабиётида «авро» сўзи турли маъноларда ишлатилади; масалан, айбли деган маънода ишлатилса, демак, матнда эслатилган қизнинг бирон жисмоний нуқсони бор экан; агар ахлоқ маъносида ишлатилган бўлса, ё у шаддод, шаллақи ёхуд рўзғор ишларига ярамайдиган, кўча-кўйда юрадиган бўлиб чиқади. Аммо бу ўринда таржимон матндан келиб чиққан ҳолда «ака-укаси йўқ», деган маънони ишлатишга журъат қилган; ҳақиқатда ҳам матнга кўра у қиз бўлса, боз устига унга уйланишга йигитни тарғиб қилаётган бўлса, ахлоқсиз деган маънони ишлатиш мантиқдан ташқари бўлур эди; таржимон бу ўринда мантиқдан келиб чиққанлиги аён. Умуман, Шамсуддинхон Бобохонов араб тилининг билимдони сифатида таржимага тўғри ёндошган.

Туркча нашрда Мужоҳид айтган ўша саҳобий унга уйланиш учун бир жорияни таклиф этиб, «жориянинг бир кўзи кўр», деб айтади.



айтмаган бўлардим, дедилар. Кей-ин у киши менга уйланишни таклиф қила бошладилар. "Бизда бир қиз бор, лекин унинг ака-укаси йўқ", дедилар".

"Авро" сўзи луғатда "ака-укаси йўқ" маъносида ҳам, "айбли, ахлоқи ёмон хотин" маъносида ҳам изоҳланган[1] (т.).

554. Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Икки киши бир-бирини яхши кўрса, уларнинг афзали шу биродарига муҳаббати қаттиқроқ бўлганидир", дедилар".

249-боб. Киши бировни яхши кўрса, уни суриштириб юрмасин

555. Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинди, у киши: "Бир биродарингни яхши кўрсанг, у билан жанжаллашма, ҳар иккала томонга ёмонликни қўзғатадиган ҳаракатни ҳам қилма ва унинг ҳақида суриштирма, чунки суриштирган кишинг унинг душмани бўлса, йўқ нарсаларни гапириб ораларингизни бузиб қўяди", дедилар.

556. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳ таоло йўлида бўлган бир биродарини Аллоҳ учун яхши кўрса ва унинг ўзига "Мен сени Аллоҳ учун яхши кўраман", деган бўлса ва иккаласи ҳам жаннатга киришга муваффақ бўлса, Аллоҳ йўлида бўлгани учунгина яхши кўрганнинг даражаси иккинчисининг даражасига нисбатан юқорироқ бўлади", дедилар".

250-боб. Ақл қалбда бўлади

557. Айёд ибн Халифадан ривоят қилинди, у киши ҳз. Али (к.в.)дан: "Ақл — юракда, раҳмдиллик — жигарда, меҳр-шафқат — талоқ (қора жигар)да ва нафас олиш-чиқариш эса, ўпкада жойлашгандир", деган гапларини эшитдилар.

251-боб. Такаббурлик ҳақида

558. Абдуллоҳ ибн Амр айтдилар: "Бизлар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайтда саҳрода яшайдиганлардан ипакли кийим кийган бир киши келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида тик турган ҳолда бизларга қараб: "Сизларнинг биродарингиз (яъни Муҳаммад (а.с.) от устида юришни яхши биладиган, ақлли ва тажрибакор кишиларнинг даражасини пастга туширди (иккинчи ривоятда: туширмоқчи) ва ҳар бир подачининг обрўсини кўтармоқчи бўлди", деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг кийимларидан ушлаб туриб: "Устингда ақлсиз бир кишининг кийимини кўраётибман", дедилар-да: "Аллоҳ таолонинг пайғамбари ҳз. Нуҳ (а.с.) ўлиш вақтларида ўғлиларига хитоб қилиб: "Мен сенга васият қиламан, икки нарсага буюриб, икки нарсадан қайтараман. Биринчи — "Ло илоҳа иллаллоҳ" калимасини айтиб юришингга буюраман, чунки бутун етти қават осмон ва етти қават ерларни торозининг бир палласига ва "Ло илоҳа иллаллоҳ" калимасини иккинчи палласига қўйилса, бу калима қўйилган палла албатта оғир келади. Агар етти қават осмон ва етти қават ерлар ҳаммаси зич бир ҳалқа бўлса, "Ло илоҳа иллаллоҳ" калимаси уларнинг ҳаммасини майда-майда қилиб юборади. Иккинчидан, "Субҳоналлоҳу ва биҳамдиҳи" калимасини айтиб юришингга буюраман, чунки бу калима ҳамма махлуқотнинг айтадиган вирдидир ва шу калимани айтишлари туфайли Аллоҳ таоло ҳамларининг ризқини етказади", де-дилар. Яна ҳз Нуҳ (а.с.): "Сени икки нарсадан, яъни Аллоҳ таолога ширк келтиришдан ва кибрланишдан қайтараман", дедилар. Шунда мен айтдим: "Ё Расулаллоҳ! Бу ширк келтириш нималигини биз билганмиз, аммо кибр



нимадир? Бир кишида ички-ташқи кийими бўлиб, уларни кийиб юрса, кибр бўладими?" — деб сўраганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ", дедилар. "Бўлмаса бир кишида чиройли тасмалик бир жуфт ковуши бўлиб, уни ғирчиллатиб кийиб юрса, кибр бўладими?" Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ", дедилар. "От, хачир, тева каби улови бўлиб, уни миниб юрса кибр бўладими?" Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: "Йўқ", дедилар. "Бир кишининг яхши суҳбатдош дўстлари бўлиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирса, бу кибр бўладими?" Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, буларнинг ҳеч бири кибрга қўшилмайди", дедилар. "Ё Расулаллоҳ! Энди бўлмаса кибр нимадан иборатдир?" Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳақиқатни, тўғри сўзни тан олмаслик ва бошқа кишиларни ўзидан паст ҳисоблашлик кибр бўлади", дедилар".

559-ҳадис юқоридаги 558-ҳадиснинг айнан такрори.

560. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расули акрам (с.а.в.) дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким ўзини бошқалардан катта деб ҳисобласа ёки юриш-туришларида бошқаларни писанд қилмай кибрланиб юрса, қиёмат куни Аллоҳу азза ва жалла ҳузурига борганда Аллоҳ таоло унга ғазаб назари билан қарайди", дедилар".

561. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким ўз хизматкори билан таом еса, кўча ва бозоргоҳларда эшак миниб юрса ва қўй-эчкиларни боғлаб, уларнинг сутини соғаверса, бу кишида кибрлик қолмаган бўлади", дедилар".

562. Кийимфуруш Солиҳ ўз бувисидан ривоят қилди, у аёл айтди: "Ҳз. Али бозордан бир дирҳамга хурмо сотиб олиб, уни ўзлари устларига ташлаб юрадиган чодирларига ўраб кўтардилар. Шунда мен: "Эй, амир ал-мўминин! Бу юкингизни мен кўтариб борай", деганимда, ҳз. Али: "Йўқ, аёлманд киши ўзи кўтариши керак", дедилар".

563. Абу Саид Худрий ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди. Буларга Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Аллоҳ таоло иззат, қудрат — менинг пастки кийимим ва катталик эса, елкамга ташлаб юрадиган ридоимдир. Мана шу икки либосни кийишга ким мен билан шерик бўлмоқчи бўлса, мен уни азобга соламан, деди".

Туркча нашрда бу ҳадис мазмуни «Улуғлик ва буюклик Менинг сифатларимдир», дейилган.

564. Ҳайсам ибн Молик Тоий айтдилар: "Мен Нуъмон ибн Баширдан минбар устида туриб: "Шайтоннинг ов қиладиган тўр ва тузоқлари бор. Унинг тўр ва тузоқлари — киши Аллоҳ таолонинг берган неъматлари учун шукр қилиш ўрнига туғёнга кетиши, йўлдан озиши ва Аллоҳнинг берган мол-мулкларини ўзим топдим, деб фахрланиши ва Аллоҳнинг бандаларидан ўзини юқори ҳисоблаши ва нафснинг хоҳишига берилиб, Аллоҳ таолонинг йўлидан бошқа йўлларга кириб кетишидир", деган сўзларини эшитдим".

565. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расули амин (с.а.в.): "Жаннат билан дўзах даъволашишди. Дўзах: "Менга золимлар, ўзларини катта олувчи мутакаббирлар киради", деди. Жаннат эса: "Менга заиф ва ожизлар, фақир бўлган кишилар киради", деди. Шунда Аллоҳ раббил оламийн жаннатга хитоб қилиб: "Эй, жаннат! Сен менинг раҳматимсан, хоҳлаган бандаларимга марҳамат қилиб, сен билан бирга қиламан", деди. Дўзахга ҳам хитоб қилиб: "Эй, дўзах! Сен менинг азобимсан, истаган кишиларимни сен билан азоблайман ва иккалангизни ҳам лойиқ кишилар билан тўлдираман", деди".

566. Абу Салама ибн Абдурраҳмон айтдилар: "Расули акрам (с.а.в.)нинг саҳобийлари ибодатларни азтаҳидил, жидду жаҳд билан адо қилардилар. Улар мажлис-



ларида баъзан шеърлар ўқишар ва жоҳилият замонидаги ишларини эслашар эдилар. Аммо кимки Аллоҳ таолонинг амрини нотўғри қилишга таклиф қилса, жаҳллари чиқиб кўзларининг косаси айланиб кетарди".

567. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Бир чиройли ва ҳусндор киши Набий муҳтарам (с.а.в.) ҳузурларига келди. У киши: "Мен ҳусн-жамолни яхши кўраман ва Аллоҳ таоло хоҳишимга мувофиқ менга берган чиройини ўзингиз кўриб турибсиз. Бироита одам мана шу оёғимдаги ковушимнинг ипича ҳам ҳусида мендан устун бўлишини истамайман. Энди шу одат кибр ҳисобланадими?" — деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ, бу кибр эмас, ҳақ сўзни тан олмайдиган ва одамларни таҳқирлаб, ўзини улардан устун ҳисобловчи бундай кишини мутакаббир деб айтилади", дедилар".

568. Амр ибн Шуъайб ўз боболаридан, у киши Расули амин (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мутакаббир кишилар қиёмат куни суратлари одамлар шаклида бўлса ҳам, хорликдан кишиларни оёғи остида эзилиб майда чумоли ҳажмида бўлиб маҳшаргоҳга борадилар. Мазаллат ва хорлик бутун вужудларини ўраб олган ҳолда дўзахдаги бўлис деб аталадиган қамоқхонага судраб олиб борилади. Устларида ловиллаб олов ёниб туради. Ташналикдан нолиган вақтларида дўзахдагиларнинг баданидан оққан қон-йиринглар, ифлос нарсалардан ичирилади", дедилар".

252-боб. Зулм қилган кишидан ўч олиш ва ғолиб келиш ҳақида

569. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу зотга: "Бор, сени маломат қилган кун-

дошларингдан ўчингни ол!" — деб ўчларини олишга рухсат берган эдилар[1].

570. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аёллари (кундошларим) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қизлари ҳз. Фотимаи Заҳрони ўзлари томонидан вакил қилиб, у зот ҳузурларига юбордилар. Фотима (р.а.) келиб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириш учун рухсат сўрадилар. Шу пайтда Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг лунгим, пастки кийим ва чодиримга ўралиб, мен билан бирга ўтирган эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг рухсатларидан кейин Фотима кириб: "Хотинларингиз фақат Ойишани демай, балки барча аёлларингизга ҳам бир хилда қарамоғингизни сўраб мени юборишди", дедилар. Ҳз. Фотимага жавобан Расулуллоҳ (с.а.в.): "Эй, қизчам! Мен севган кишини сен ҳам севасанми?"— деб сўрадилар. Ҳз. Фотима: "Сиз севган кишини мен албатта севаман", деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ундай бўлса сен бунга (Ойишага) муҳаббат қўйгин", дедилар[2]. Шу билан ҳз. Фотима Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларидан чиқиб аёллар олдига бордилар ва воқеани баён қилганларида, улар: "Сиз бизнинг кўнглимиздаги мақ-

[1] Мазкур ҳадисга боғлиқ воқеа шундай бўлган эди: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳз. Ойиша (р.а.)нинг хоналарида бўлган бир куни ул зотнинг бошқа завжалари ҳз. Зайнаб (р.а.) изн сўрамай аччиқланган ҳолда кириб келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га аччиқ-тизиқ гапира бошлади. Кейин эса, Ойишага ҳужум қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга қарши бирон нарса деб оғиз очмадилар. Ҳз. Ойиша (р.а.)га жавоб айтиш учун рухсат берган маънода: «Зайнаб олдингда турибди, ўчингни олавер», дедилар. Бу ҳадисга боғлиқ воқеа тўла тафсири билан 570-ҳадисда келади.

[2] Бу ўриндаги ота севган одамни севиш ҳақидаги фикр шу китобдаги 20, 21 ва 22-боблардаги қатор ҳадислар билан мустаҳкамланади (м.м.).



садни Расулуллоҳ (с.а.в.)га аниқроқ тушунтира олмабсиз, яна қайтиб боринг!" — дейишди. Ҳз. Фотима: "Мен Аллоҳ номи билан онт ичиб айтаманки, бундан кейин Ойиша тўғриларида Расулуллоҳ (с.а.в.)га асло гапирмайман", дедилар. Шундан кейин улар ҳз. Зайнаб бинт Жаҳш (р.а.)ни юбордилар. Зайнаб ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг рухсатлари билан ҳузури олийларига кириб, аёлларининг илтимосларини билдирдилар, мени ёмонлаб койидилар ва маззамат қилдилар. Шунда Зайнабга жавоб қайтаришим учун менга ижозат берсалар, деган умид билан Расулуллоҳ (с.а.в.) га қарайвердим. Охири у кишидан ўч олишимга Расулуллоҳ қарши эмасликларини билиб олганимдан кейин шу қадар қаттиқ таъна қилдимки, ҳатто сўзлатмай қўйдим ва ғалаба қозондим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) табассум қилиб: "Ҳа, бу Ойиша, албатта, Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари-да", деб қўйдилар".

Чунки Зайнаб онамиз соҳибжамол ва Расули акрам (с.а.в.) назларида ҳурматли бўлиб, онамиз ҳз. Ойиша (р.а.) билан Расулуллоҳ (с.а.в.)га мақбул бўлишда доим мусобақа қилишадиган аёллар эдилар.

Яъни Ойиша (р.а.) оталаридек ўткир фикрли, зийрак ва саволга мулойимлик билан дарҳол жавоб қайтара оладиган аёл деб мақтаган бўлдилар (т.).

253-боб. Қаҳатчилик ва очлик йилида кишиларнинг бир-бирларига ёрдамлашишлари ҳақида

571. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Охирги замонда очарчилик бўлади. Шундай вақт кимга тўғри келса, оч кишиларга бошқаларни тенг қилмасин (яъни: буларга кўпроқ хайри эҳсон қилсин)", дедилар.

572. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Ансорлар Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Хурмо

дарахтларимизни бизлар билан муҳожир биродарларимиз-га тақсим қилиб беринг!" — деб илтимос қилишганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Йўқ", дедилар. Кейин улар муҳожирларга қараб: "Бўлмаса хурмога қараш меҳнатидан бизларни қутқазасизлар ва меваларига сизларни ше-рик қиламиз", дедилар. Шунда муҳожирлар: "Бу фикр-ларингизни қабул қилиб, шунга мувофиқ амал қиламиз", дедилар".

Расули акрам (с.а.в.) ансорларнинг бу таклифини яқинда бўлажак футуҳотлардан умид қилиб ва ўзлари қийналиб қолишларини ҳисобга олиб қабул қилмадилар (т.).

573. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Умар ибн Хаттоб қаттиқ очарчилик ва оғир мусибатли бўлган рамода йили эқин экиладиган ва хурмо дарахтлари ўтқазилган ҳамма қишлоқларда яшайдиган арабларга тева, буғдой ва зайтун мойларидан ёрдам қилишда саъй-ҳаракат қилдилар. Бу очарчиликдан ҳамма қишлоқларда қурғоқчилик пайдо бўлиб, аҳлларини оғир машаққатга солиб қўйди. Шунда ҳз. Умар тик туриб: "Эй, Аллоҳ! Бу халқлар ризқини тоғлар бошидан етказгин!" — деб дуо қилдилар. Аллоҳ раббил оламийн бу зотнинг дуоларини ва мусулмонларнинг "омин" деган тилакларини қабул қилиб, ёмғир ёғдирди. Шунда ҳз. Умар Аллоҳ таолога ҳамд этиб: "Аллоҳ таоло шу мусибатни кўтармаганда, уйларида кенгчилик бўлган мусулмонлар хонадонидан биронтасини ҳам қўймай, уларга ўзларининг ададича фақирлардан албатта киритган бўлардим, токи бир кишига кифоя қиладиган таомдан икки киши тановул қилиб, ҳалокатга учрамасди", дедилар".

Ҳижратнинг ўн саккизинчи йили (18/639)да қурғоқчилик бўлиб, шамол тупроқни кулдек совурган, ҳатто ёввойи ҳайвонлар одамлар



атрофига келиб, паноҳ топган эдилар. Шунда ҳз. Умар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амакилари ҳз. Аббос (р.а.) билан чиқиб, Аллоҳ таолодан ёмғир талаб қилдилар ва токи одамлар ўзларини ўнглаб олмагунларича мен ҳеч нарса емайман ва ичмайман, деб қасам ичдилар. Мана шу йилни ом арромада ("кул ёққан йил") деб аталади (т.).

574. Салама ибн Акваъ (р.а.) айтдилар: "Расули акрам (с.а.в.): "Қурбонлик қилганингиздан уч кун ўтгач уйингизда шу қурбонлик гўштидан бирор нарса қолмасин", дедилар. Кейинги йили[1] саҳобийлар: "Ё Расулаллоҳ! Бу йил ҳам ўтган йилдагидек қиламизми?" — деб сўрашганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "(Қурбонлик гўштларингиздан) ўзларингиз енглар ва келажак кунларингиз учун сақлаб ҳам қўйсаларингиз бўлади. Чунки ўтган йили кишилар қийинчиликда бўлганлари учун мен уларга ёрдам қилмоқларингизни ирода қилиб, юқоридаги буйруқни берган эдим", дедилар".

«Қурбонлик гўштидан бирон нарса қолмасин» — яъни фақиру мискинларга тарқатиб юборилсин (т.).

254-боб. Тажрибалар ҳақида

575. Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Мен ҳз. Муовия олдиларида ўтирган эдим. Шунда у киши ўзларича ниманидир гапирдилар-да, кейин кўзларини очиб: "Тажриба бўлмаса кишида ҳалимлик ва ақллилик мутлақо бўлмайди", дедилар ва шу сўзларини уч мартаба такрорладилар".

576. Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: "Киши қоқилмай, тоймай туриб ақлли, хулқли бўла олмайди ва ҳар бир яхши-ёмонни бошидан кечирмай туриб ҳаким, олим бўла олмайди".

577-ҳадис 576-ҳадиснинг айнан такрори.

[1] Кейинги йил — ҳижрий 631, милодий 10 (м.м.)

255-боб. Аллоҳ учун таомлантирмак

578. Ҳз. Али (к.в.)дан ривоят қилинди, бу зот айтдилар: "Бир соъ ёки икки соъ таомни Аллоҳ учун дўст тутган биродарларимдан бир нечасини йиғиб келиб, шуларга едирганим мен учун бозорларингизга бориб бир қул озод қилганимдан кўра яхшироқ".

256-боб. Жоҳилият замонида тузилган иттифоқ

579-ҳадис. Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.) айтдилар: "Мен амакиларим билан хушбўй ишлатганлар муоҳадасида ҳозир бўлган эдим. Ўша муоҳадани бузиш учун менга қизил тевалар берилса бас, мен уни бузишни хоҳламайман".

Яъни фил воқеасидан бироз вақт илгари Қурайш қабиласидан келиб чиққан тўққизта кичик қабилалар бир жойга тўпланиб, асли маккалик ёки бошқа жойдан келиб Маккада туриб қолган бир кишига биров зулм қилса, ундан ўч олмай қўймасликка иттифоқ тузишди. Шунда Абдул Муталлибнинг қизи Умму Ҳаким уларга бир идишда хушбўй нарса юборди. Улар шу идишга қўлларини тиқиб туриб, шу муоҳадани бузмасликка Каъбатуллоҳ билан қасам ичишди. Мана шу муоҳадани "Хилф ал-мутаййибин" ("Хушбўй идишга қўл тиққанлар иттифоқи") деб аталди (т.).

257-боб. Ака-ука тутинтириш ҳақида

580. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расул акрам (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Масъуд билан Зубайр ибн Авом (р.а.)ни ака-ука тутинтирдилар".

581. Яна Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг Мадинаи мунавварадаги ҳовлимда Қурайш (маккаликлар) билан ансор (мадиналиклар) ўрталарида иттифоқ туздирдилар".



258-боб. Ислом динида иттифоқ тузиш ҳақида

582. Амр ибн Шуъайб боболаридан ривоят қилдилар: "Маккаи мукаррама фатҳ қилинган йили Расулуллоҳ ваъз қилмоқ учун Хонаи Каъбанинг зинапояларида ўтириб, Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтдилар-да, кейин: "Жоҳилият замонида кимнинг шартномаси бўлган бўлса, Ислом уни ўзгартирмай, балки мустаҳкамлайди. Маккаи мукаррама фатҳ қилинди, энди Маккадан бошқа ерга ҳижрат қилишнинг ҳожати йўқ", дедилар".

Яъни бу шартнома Ислом қонунига (силаи раҳм қилиш, мазлумларга ёрдам бериш кабиларга) мувофиқ келса, Ислом дини уни ўз ҳолича қолдиради, ўзгартирмайди. Аммо унга мувофиқ бўлмаса, уни бекор қилади.

Макка фатҳ қилинганидан аввал унда мушриклар кўп бўлиб, Ислом динига кирган кишилар учун уч хил ҳукм бор эди: 1. Маккадан чиқиб кетишга қодир киши у ерда тураверса-ю, динини ошкора қилишга ва Аллоҳ таолонинг фармонларини бемалол ижро қилишга имконияти бўлмаса, Маккадан чиқиб кетмоғи вожиб эди. 2. Ўзи ҳижрат қилишга қодир ва шу билан бирга дин амалларини бемалол ижро қилишга ҳам имконияти бор. Бундай одамларга ҳижрат қилмоқ мустаҳаб; яъни ҳижрат қилса, савоби бор, агар қилмаган тақдирда ҳам гуноҳ бўлмайди. 3. Бир киши асирлик ёки бетоблик каби узрлари сабабли ҳижрат қилишга имконияти бўлмаса, имконият топгунча тураверади. Энди Макка мусулмонлар қўлига кириб, ширкдан тозаланди, демак, бу ердан ҳижрат қилишга ҳожат қолмайди, мусулмонлар бу ерда ҳам энди Ислом арконларини бажараверадилар (т.).

259-боб. Илк ёққан ёмғир раҳматдир

583. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Бизлар Набий муҳтарам (с.а.в.) билан бирга турган вақтимизда ёмғир ёғди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак баданларидан кийимларини ечиб, унга ёмғир сувини тек-

киздилар. Биз: “Ё Расулаллоҳ! Нима учун бундай қилдингиз?” — деб сўраганимизда, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Чунки бу ёмғир Аллоҳнинг раҳмати, у Аллоҳ азза ва жалла ҳузуридан янги келди. Ундан такаббурланиш учун мен шундай қилдим”, дедилар”.

260-боб. Қўй, эчкилар баракали нарсалардир

584. Ҳумайд ибн Молик ибн Ҳайсам айтдилар: “Мен Абу Ҳурайра билан Ақиқдаги ерларида ўтирган эдим. Мадина аҳлларидан бир қанча кишилар уловларга миниб келиб тушишди. Шунда менга Абу Ҳурайра: “Онамга бориб ўтлингиз сизга салом айтди ва бизларга бирор таом юборсинлар, деб илтимос қилди, деб айтгин!” — дедилар. Оналари арпа унидан ёпган учта кулча, озгина зайтун мойи ва тузларни бир идишга солиб, менинг бошимга қўйди. Уларни олиб келиб олдиларига қўйганимда, Абу Ҳурайра: “Аллоҳу акбар, Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, бизни нон билан ҳам тўйдирди. Бундан илгари бизнинг таомимиз фақат хурмо билан сувдангина иборат бўларди”, дедилар. Аммо у келган кишилар бу таомдан сира емай туриб кетишди. Кейин Абу Ҳурайра менга: “Эй, биродар! Қўйларингга яхши қара, уларнинг ётадиган жойларини покиза, тоза тут, тумшуқларини тозалаб тур, ёки устларидаги чанг, ғуборларни артиб юр, ётадиган жойлари атрофида намоз ўқийвер, чунки қўйлар жаннат ҳайвонларидандир. Мен жоним ўз ихтиёрида бўлган зот номи билан қасам ичиб айтаман, бир вақтлар келадики, унда бир тўда қўй ўз эгасига Марвон ибн Ҳакамнинг ҳовлисидан ҳам яхшироқ бўлиб туюлади”, дедилар”.

585. Ҳз. Али (к.в.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: “Расули акрам (с.а.в.): “Қайси бир хонадонда



бир бош қўй бўлса бир барака, икки бош бўлса, икки барака ва уч бош бўлса, кўп баракотлар ҳосил бўлади", деган эдилар".

261-боб. Ҳайвонлар эгаси учун қувватдир

586. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расули акрам (с.а.в.): "Куфрнинг боши кун чиқар томонда, фахрланиш ва манманлик шаҳардан ташқарида яшайдиган юзлаб, минглаб от ва тевалари бўлган кишиларда бўлади, виқор ва тавозеълик эса қўй эгаларида бўлади", дедилар".

Куфрнинг боши Шарқ томонда деганлари, валлоҳи аълам, Шарқ Арабистонга нисбатан Форс мамлакати бўлиб, у ерда мажусийлик ривож топган даврга мувофиқ айтилган бўлса керак.

Кўп от ва тевалари бўлганлар давлатмандлик билан гурурланиб, бошқаларни менсимайдилар. Аммо қўй эгаларига эса, қўйлардаги камтарлик, саховатлик хислатлари ўтар экан (т.).

587. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: "Мен итлар билан қўйлар ҳақида таажжубланаман. Қўйлардан қанча-қанчасини ҳар йили кишилар сўйиб ейди ва қанчаси Аллоҳ таоло йўлида ҳадя-эҳсон қилинади. Аммо бир уруғочи ит қанча бола туғади-ю, лекин ҳисоблаб кўрилганда қўйлар сони итларга нисбатан жуда кўп бўлади, мен шунга таажжуб қиламан".

588. Абу Суфъён Қурайший айтдилар: "Ҳз. Умар ибн Хаттоб мендан: "Эй Абу Суфъён, сенга келадиган даромад қанча?" — деб сўрадилар. Мен: "Икки минг беш юз", дедим. Шунда у киши: "Эй, Абу Суфъён! Қурайшнинг йигитлари сизларга волий бўлиб қолишларидан аввал сен деҳқончилик ва чорвалардан ўзингга мулк қилиб ол! Чунки улар наздида шундан бошқа йўл билан келадиган даромад мол ҳисобланмайди", дедилар".

589. Абда ибн Ҳази айтдилар: «Тева эгалари билан қўй эгалари бир-бирлари билан фахрланишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳз. Мусо (а.с.) қўй боқувчи бўлсалар ҳам пайғамбар бўлдилар, ҳз. Довуд ҳам подачи бўлишларига қарамай пайғамбар бўлдилар ва мен ҳам Ажёддаги аҳлларимнинг қўйларини боқиб юрадиган подачи бўлганман. Шунга қарамай Аллоҳ таоло мени пайғамбар қилди", дедилар.

262-боб. Аъробийлашиш ҳақида

590. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Катта гуноҳлар еттитадир; шулардан тўрттаси қуйидагилар: уларнинг биринчиси Аллоҳ таолога ширк келтириш, сўнгра инсонни ноҳақ ўлдириш, эрга теккан афифа хотинларни зинокор деб туҳмат қилиш ва аъробийлашиш (саҳро, дашти биёбонларга чиқиб кетиш)".

Ислом аввалида шундай ҳукм жорий бўлган. Аммо шаҳар ерларда бирор фитна бўлиб, шориъ (қонун чиқарувчи) томонидан рухсат берилганда саҳрога чиқиб кетиш бундан мустасно (т.).

263-боб. Қишлоқларда истиқомат қилувчи киши ҳақида

591. Савбон (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй, Савбон! Кимсасиз ва пастқам жойларда ўтирма. Чунки ундай ерларда ўтириш қабр ичида ўтириш билан баробардир». Ровий Аҳмад ибн Осим: «Куфр кимсасиз жойлар кабидир», деб қўшимча қилдилар.

592-ҳадис ҳам Савбондан ривоят қилинган бўлиб. 591-ҳадиснинг айнан ўзидир.

264-боб. Оқар сув ёқасида ўтирмоқ ҳақида

593. Шурайҳ айтдилар: «Ҳз. Ойиша (р.а.)дан: «Расулуллоҳ (с.а.в.) чўлу саҳроларга чиқармидилар?» –



деб сўрадим. Ҳз, Ойиша (р.а.): «Албатта, ана шу оқар сувларнинг олдигача келар эдилар», деб жавоб бердилар».

594. Амр ибн Абдуллоҳ айтдилар: «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Усайдни кўриб қолдим. Устига ихром[1] ёпилган ҳайвонга миниб кетаётган экан. Ихром ҳайвоннинг елкасидан то оёғигача тушиб турар эди. Мен ундан: «Нега буни ҳайвон устига ёпдинг?» – деб сўрадим. «Отам Абдуллоҳнинг шундай нарса ёпганини кўрган эдим», деб жавоб берди.

265-боб. Сир сақламак ва гап ташимаслик ҳақида

595. Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абдулқоридан ривоят қилинди, у киши: "Ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) ансорлардан бир киши билан ўтирган эдилар. Шу вақтда Абдурраҳмон ибн Абдулқори (отам) келиб, улар ёнида ўтирдилар. Шунда ҳз. Умар (р.а.): "Орамиздаги гапни одамларга бориб айтиб юрадиган кишини биз хоҳламаймиз", дедилар. Абдурраҳмон ҳз. Умар (р.а.)нинг гапларига жавобан: "Мен ўзим шундай (яъни мендан кишиларнинг гапини сўрайдиган) кишилар билан ўтиришмайман", деганларида, ҳз. Умар (р.а.): "Бу фикринг нотўғри, улар билан ҳам ўтиришавер, лекин бизнинг гапимизни изҳор қилма (сирни сақла)", дедилар, кейин ансорларга қараб: "Одамлар мендан кейин кимнинг халифа бўлишини мўлжал қилишаётиб-

[1] Араб тилидаги «иҳром», «эҳром» ва «ихром» сўзларининг фарқини аниқлаб ўтишга тўғри келади: «иҳром» – буюк иншоот. «эҳром» – ҳажга отланганларнинг юпқа матодан тикилган оппоқ кийимлари. Ихром – оқ жундан тўқилган мато бўлиб, уни уловнинг устига ҳам ёпганлар ҳамда кийим сифатида фойдаланганлар. Аслида қадимги юнонлар ва румоликларнинг устки кийими бўлган (м.м.).

ди?" — деб сўрадилар. Ансорлар муҳожирлардан бир неча кишилар номини айтиб шулар халифа бўлади дейишаётибди дедилару, лекин ҳз. Али (к.в.)нинг исмлари булар ичида зикр қилинмади. Шунинг учун ҳз. Умар (р.а.): "Улар нима учун Абулҳасан (ҳз. Али (к.в.))ни тилга олишмади? Мен Аллоҳ номи билан қасамёд қиламанки, агар ҳз. Али уларга халифа бўлса, ҳаммаларини тўғри, ҳақ йўлда олиб боришга бошқа кишилардан кўра муносиброқ бўларди", дедилар".

266-боб. (Дунёвий) ишларда ошиқмаслик ҳақида

596. Ҳасан Басрий (р.ал.) айтдилар: "Бир киши вафот қилиб, ундан бир ўғли билан битта қули қолди. Ўлиши вақтида қулини ўғлига васий қилиб кетди. Бола катта бўлиб, қули уни уйлантирди ва хўжасининг топшириқларини тўғри ва батамом ижро қилиб борди. Кейин бола: "Мен илмга бораман, сафар учун керакли нарсаларни тўғрилаб беринг", деб қулга буюрди. Қул йўл харажатлари, улови ва озуқларини тайёрлаб болани жўнатди. Бола бир олим кишига бориб, илм талаб қилиб келганини айтганда, у: "Хўп, лекин ҳозир эмас, қачон ўз юртингга жўнайдиган вақтингда менга келсанг, илм ўргатаман!" — деб ваъда берди. Кейин бола йўлга чиқмоқчи бўлиб олим ҳузурига бориб унга берган ваъдасини эслатди. Шунда олим: "Аллоҳ таолодан қўрқ, сабрли-чидамли бўл, қиладиган ишларингда шошилма! Мана шу илм сенга кифоя", деб болага оқ фотиҳа бериб жўнатди. Бу воқеани ҳикоя қилаётган Ҳасан: "Мана шу уч оғиз сўз ҳамма яхшиликни ўз ичига олгандир", дейди. Бола домладан олган уч оғизгина илмни такрорлаб, уйига қайтиб келди. Минган уловидан тушиб ҳовлисига кирса, хотини ухлаб ётибди ва ундан



четроқда бир эркак одам ҳам ухлаб ётганини кўрди-да, бир хаёлга бориб қаттиқ ғазабланди. Бунга қандай чидаш мумкин, деб ўлдириш учун уловидаги қилични олиб келмоқчи бўлди. Лёкин домла ўргатган уч сўз тилига келди-ю, ўзини тўхтатди. Яна ўша киши тепасига бориб туриб шайтон васвасаси билан аввалгидан ҳам баттарроқ жаҳли қўзғалди. Қилични олиб келиб уни ўлдирмоқчи бўлаётганда, у киши уйғониб қолди-ю, болани кўриши билан саломлашиб, уни қучоқлаб ўпди ва: "Менинг ҳузуримдан кетганингдан сўнг нималарни билиб келдинг?" — деб сўради. Бола: "У ердан кўп нарсаларни ўрганиб келдим. Ўрганган илмим шундоқ: сизни ўлдириш учун тепангизга уч маротаба бориб келдим, аммо охири у сизни ўлимдан сақлаб қолди", дедида воқеани баён қилиб берди".

267-боб. Ҳалимлик ҳақида

597. Ашаж Абулқайс (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) менга: "Сизда Аллоҳ таоло яхши кўрадиган иккита ахлоқ бор экан", дедилар. Мен: "Улар нимадир, ё Расулаллоҳ?" — деб сўраганимда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Улар ҳалимлик ва ҳаё", дедилар. Мен яна: "Шу иккита хулқ менда аввалдан бор эдими ёки янгидан вужудга келганми?" — дедим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аввалдан бор бўлган", дедилар. Мен: "Мени ўзи севган иккита хулқ билан яратган Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд ва ташаккурлар бўлсин!" — дедим.

Яъни бу икки хулқ менга ота-бобомдан (қондан) ўтиб келганми ёки Аллоҳ таоло ўзим билан бирга яратганми, демоқчи (т.).

598. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Ашаж Абдулқайсга: «Ҳақиқатда ҳам сенда Аллоҳ севадиган иккита хислат бор: булар вазминлик ва ишларда шошилмасликдир», дедилар».

599-ҳадис 598-ҳадиснинг такрори, фақат у Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган, 600-ҳадис 597-ҳадиснинг такрори, у Масъуд Абдийдан ривоят қилинган.

268-боб. Зулм ва ҳаддан ошмоқликнинг жазоси ҳақида

601. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Фаразан бир тоғ иккинчи тоққа зулм қилса, бу зулм қилувчи тоғ албатта майда-майда қилиб юборилади", дедилар.

Яъни зулм шундай ёмон хулқки, у асло кечирилмайди. Бу инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто тоғ каби жамодот (ноорганик жисм)лар ҳам бир-бирига таъадди қилса, ўчи олиб берилади (т.).

602-ҳадис 565-ҳадиснинг айнан такрори.

603. Фуадул ибн Убайд (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Расули акрам (с.а.в.): "Уч тоифа кишилар сўроқсиз жаҳаннамга отилади: 1. Ислом жамиятидан ажраб, Яратувчисига исён қилган осий. 2. Ўз хўжасидан қочиб кетган чўри ёки қул. 3. Эри тирикчилик асбобларини батамом тўғрилаб, сафарга чиқиб кетганидан кейин, ўзини бежаб, бегоналарга аралашиб, ўз иффатини сақламай юрган хотин. Яна уч тоифа кишилар ҳақида ҳам сўралмайди. Биринчи: Аллоҳ раббил оламиннинг ўзига хос бўлган катталик ва иззат кийимини мен кияман, деб низо қилган киши, иккинчи: Аллоҳ азза ва жалланинг ишига шак ва шубҳа билан қаровчи киши, учинчи: Аллоҳ таолонинг раҳматидан умид узгувчи киши", дедилар.

Катталик ва иззат кийимидан мурод – мен ҳаммадан каттаман, қувватлиман, деб даъво қилган киши (т.).

604. Баккор ибн Абдулазизнинг боболари Абдуллоҳ ибн Абу Бакр (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расули худо (с.а.в.): "Аллоҳ таоло ҳар бир гуноҳнинг жазосини истаса, қиёмат кунига қолдиради, аммо зулм қилиш, ота-онага оқ бўлиш ва қарин-



дошликни узиш гуноҳининг жазосини ўлишдан илгари шу дунёнинг ўзидаёқ кўрсатади", дедилар".

605. Язид ибн Асаммудан ривоят қилинди, у киши Абу Ҳурайранинг: "Сизлардан биттангиз ўз биродарининг кўзига тушган чанг-тўзонларни кўради-ю, аммо ўзининг кўзига тушган чўп ёки дарахт новдасини кўрмайди", деган гапларини эшитдилар.

606. Муовия ибн Курра (р.а.) айтдилар: "Мен Маъкил Мазаний (р.а.) билан бирга эдим. У киши (одамларга) озор берадиган бир нарсани олиб, четга қўйдилар. Шунда мен ҳам бир нарсани кўрдим-да, у кишидан олдинроқ бориб, уни олиб ташладим. Маъкил: "Нима учун бундай қилдинг?" — деб сўрадилар. Мен: "Сиз қилганингизни кўрганимдан кейин мен ҳам шундай қилдим", дедим. У киши: "Яхши қилдинг, мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Ким мусулмонлар юрадиган йўлдан уларга озор берадиган нарсани олиб ташласа, унга ҳасана (бир яхшилик) ёзилади. Унинг ҳасанаси қабул қилинса, жаннатга киради", деган сўзларини ўз оғизларидан эшитганман", дедилар".

269-боб. Ҳадяни қабул қилиш ҳақида

607. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, бу киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: "Бир-бирларингизга ҳадялар беринглар, шунда ораларингизда муҳаббат пайдо бўлади", деган сўзларини ривоят қилдилар.

608-ҳадис 607-ҳадиснинг такрори, фақат у Анас ибн Моликдан ривоят қилинган.

270-боб. Хафа бўлиб, ҳадяни қабул қилмаслик ҳақида

609. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Бани Физоза қабиласидан бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)га бир она тева ҳадя қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам унга шу тевасига баробар келадиган ҳадя

бердилар. Лекин у киши бундан ғазабланди. Шунда Расулуллоҳ минбарга чиқиб: "Сизлардан бирингиз менга ҳадя беради, мен ҳам унга қудратимга яраша ҳадя берсам мендан хафа бўлади, менга аччиқ қилади. Энди шу йилдан кейин мен қурайший, сақифа ёки дусий қабилаларидан бўлмаган бошқа арабларнинг ҳеч биридан ҳадясини қабул қилмайман", деб қасам ич-ганларини мен эшитдим".

Чунки булар ҳадя берганда ҳеч нарса таъма қилмай, холисаниллоҳ беради. Аммо бошқа қабила кишилари эса Расулуллоҳ (с.а.в.)га бир нарса бериб, берганидан кўпроқ нарса олишни умид қиларди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг одатларидан бири, у зотга бир нарса ҳадя қилинса, уни олиб ҳазм қилиб кетавериш эмас, балки қўлларида бўлса, ундан кўра кўпроқ қилиб қайтариш эди. Аммо бу сафарда шу ҳадя берган кишига шундай қила олмаганликлари учун у хафа бўлди (т.).

271-боб. Ҳаё, уятчанлик ҳақида

610. Абу Масъуд Ақаба ибн Амр Ансорий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сен худодан ва бандалардан уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер, дейилган сўз ўтмиш пайғамбарлардан мерос бўлиб келган ва кейин кишилар ҳам уни ўзларига дастуру-л-амал қилиб олган бир насиҳатдир", дедилар".

611. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши айтдилар: "Расули худо: "Имон олтмиш неча (иккинчи ривоятда етмиш неча) шуъбалардан иборат бўлиб, уларнинг энг афзали "Ло илоҳа иллаллоҳ" калимаси бўлса, энг ақллиси одамларга озор берадиган нарсаларни йўлдан четга чиқариб ташлашдир. Ҳаё ҳам имон шохчаларидан биридир", дедилар".

612. Абу Саид Ҳудрий (р.а.)дан ривоят қилинди, у киши: "Расулуллоҳ (с.а.в.) қадимги араблар одатича уйда ёлғиз тарбияланган қиз боладан ҳам (Ибн Ҳажар Асқалоний таъбирлари бўйича: гўшанга ичида ўтирган келинчакдан



ҳам) уятчанроқ эдилар. Бизлар уни муборак юзларида ҳосил бўлган ўзгаришдан билиб олар эдик", дедилар".

614-ҳадис. Усмон ибн Аффон (р.а.) билан ҳз. Ойиша (р.а.) Саид ибн Оссга айтдилар: "Расули акрам (с.а.в.) ҳз Ойишанинг устларига ташлаб юрадиган кийимларига ўралиб, у зотнинг тўшакларида ёнбошлаб ётган вақтларида Абу Бакр (р.а.) келиб киришга рухсат сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) шу ётган ҳолатларини ҳеч ўзгартирмай у кишини қабул қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) кириб мақсадларини айтиб бўлиб чиқиб кетдилар. Шундан кейин ҳз. Умар (р.а.) ҳам келиб рухсат сўраганларида ҳз. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) кирганларида қандай ўтирган бўлсалар, шундай ўтиравердилар. У киши ҳам ҳожатларини битириб чиқиб кетдилар.

Ҳз. Усмон (р.а.) айтдилар: "Ҳз. Умардан кейин мен келиб рухсат сўраганимда Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнбошларини бузиб ўтирдилар-да, Ойиша (р.а.)га қараб: "Кийимларингни йиғиштириб қўй", дедилар. Шунда мен ҳам кириб ҳожатларимни битириб чиқиб кетдим. Мен кетганимдан кейин ҳз. Ойиша (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Ё Расулаллоҳ! Сиз нима учун отам Абу Бакр Сиддиқ билан Умар ибн Хаттобга қилмаган ҳаракат ва муомалани ҳз. Усмонга қилдингиз?" — деб сўраганларида Расулуллоҳ (с.а.в.): "Усмон уятчан одам, сенинг кийимингга ўралиб ёнбошлаб ётган ҳолимда унга рухсат берганимда мақсадларини гапира олмай, уялиб қайтиб чиқиб кетарди, деб қўрқиб шундай қилдим", дедилар".

615. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинганига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳаё қаерда бўлмасин кишини безайди, чиркин сўз ҳар қаерда кишини жирканч кўрсатади», дедилар.

616. Салим отасидан ривоят қилди: «Отам шундай деган эдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) биродарига ҳаё

ҳақида дўқ билан насиҳат қилиб турган одамнинг олдида тўхтаб: «Қўй уни! Ҳаё имондандир», дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган 617-ҳадис 616-ҳадиснинг айнан такрори.

618-ҳадис ҳз. Ойишадан ривоят қилинган, аммо у 614-ҳадиснинг такрори, фақат Расулуллоҳ охирги «Усмон уятчан одам...» деган жумла ўрнида «Фаришталар ҳам ҳаё қиладиган одамдан мен ҳам ҳаё қиламан», дедилар.

272-боб. Тонгдаги дуо

619. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар тонг: «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, тонг оттирдик, коинот ҳам Аллоҳ учун тонг оттирди. Барча мақтову ҳамдлар Аллоҳга хосдир. Унинг шериги йўқдир. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, қайтишимиз яна Унинг ҳузуригадир», дер эдилар. Шунингдек, ҳар куни кечқурун: «Барча ҳамду сано Аллоҳгаки, кечқурунга етишдик. Мулк ҳам Аллоҳ учун кечқурунга етишди. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У ягонадир, Унинг ҳеч бир шериги йўқ ва яна Ўзининг ҳузурига қайтажакмиз», дер эдилар».

273-боб. Киши ўзгани дуо билан эслаши ҳақида

620. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳақиқатда ўзи ҳам олижаноб, унинг отаси ҳам, отасининг отаси ва унинг отаси ҳам олижаноб кишилар бўлган Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ҳалилу-р-раҳмондир», дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар мен Юсуф (а.с.) турганчалик ҳибсда турганимда, (қамоқдан чиқариш учун) олдимга келган чақирувчининг даъватини ижобат қилган бўлардим. Юсуф (а.с.)нинг олдига келган элчи



келганда унга: «Ҳожанг ҳузурига қайтиб боргин-да, ундан қўлларини кесиб олган аёллар иши нима бўлганини сўра!» (12:50) – дейди (хотиржамлик билан). Лут (а.с.)ни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. У «Қани эди, сизларга қувватим етса ёки кучли бир суянчиққа суяна олсам...» (11:80), деган сўзи билан кучли бир суянчиққа (яъни иззат ва устунлик эгаси – Аллоҳга) сиғинишни истаганди. Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар ўз қавмининг бойлари эдилар».

Даъватини ижобат қилган бўлардим – яъни чақиригига жавоб бериб, дарҳол қамоқдан чиққан бўлардим.

Муҳаммад (ҳадис ровийларидан бири) айтишича, ҳадис матнидаги «Сарват» давлат ва куч-қудрат демакдир (т.).

274-боб. Ихлос билан қилинган дуо

621. Рабиъ жума кунлари Алқаманинг олдига келар эди. Агар мен у ерда бўлмасам, менга одам жўнатар эдилар. Бир марта у мен йўқлигимда келибди. Алқама мени учратиб қолиб деди: Рабиъ келтирган (айтган) нарсани кўрмайсанми? Кишиларнинг кўп дуо қилишларини-ю ижобати кам бўлаётганини кўрмаяпсанми? Чунончи, Аллоҳ таоло фақатгина ихлос билан қилинган дуоларни ижобат қилади. Мен: «Бу гапни Абдуллоҳ ибн Масъуд айтмаганмиди?» – дедим. У: «Абдуллоҳ нима деганди?» – деб сўради. Абдуллоҳ: «Аллоҳ таоло сумъачи ва риёкорнинг дуосини эшитмайди», фақат қалбидан сабот билан дуо қилганнинг дуосини қабул қилади», деган. Эшитувчи: «Алқама (ҳам буни) зикр қилдими?» – деб сўради. У: «Ҳа», деб жавоб берди.

Сумъачи деб бировлар эшитсин учун амал қиладиган одамни айтилади (т.).

275-боб. Дуода қатъиятли бўлиш кераклиги ҳақида

622. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирор киши дуо қилса, қатъийлик билан қилсин, Аллоҳим, хоҳласанг бергин», демасин! Зеро, Аллоҳ бунинг учун уни ёмон кўрмайди», дедилар».

623-ҳадис Анас ибн Моликдан ривоят қилинган бўлиб, 622-ҳадиснинг такроридир.

276-боб. Дуода қўлни кўтариш ҳақида

624. Абу Наъим: «Мен Ибн Умар ва Ибн Зубайрлар дуо қилаётиб, кафтларини юзлари баробарида кўтараётганларини кўрдим», дедилар».

Бу ҳадисни Имом Термизий ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нақл қилиб, ул зотнинг «Аллоҳга илтижо қилаётганда қўлларингизни баланд кўтаринг, беҳафсалалик билан дуо қилманг, дуо қилиб бўлгач, кафтларингизни юзингизга суртинг», деганларини айтган.

625. Икрима (р.а.) жаноби Пайғамбар (с.а.в.) қўлларини кўтариб: «Албатта мен бир инсонман, мени азобга дучор қилмагин, бирор мўминга озор етказган ёки уни сўккан бўлсам, бунинг учун менга азоб бермагин», дея Аллоҳга дуо қилаётганларини Ойиша онамиз ривоят қиладилар, деди.

626. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Давс қабиласидан бўлган Туфайл ибн Амр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Давс қавми осийлик ва такаббурлик қилдилар, уларни дуоибад қилинг», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қиблага юзланиб, қўлларини кўтардилар. Одамлар ул зот ҳозир Давс қавмини дуоибад қиладилар, деб ўйлашганди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, Давс қавмини ҳидоятга олгин ва (ҳақ узра) келтиргин», дея дуо қилдилар».



627. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бир йили қаҳатчилик келиб, ёмғир ёғмай қўйди. Бир гуруҳ мусулмонлар бир жума куни Набий муҳтарам (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё, Расулаллоҳ, ёмғир ёғмай қўйди, ҳайвонлар қирилиб кетмоқда», дедилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларини юқорига кўтардилар. Осмонда бир булут кўринмас эди. Ул зот қўлларини шундай кўтардиларки, қўлтиқларининг оқи кўринди, Аллоҳдан ёмғир сўраб дуо қилдилар. Жума намозини ўқиб бўлишимиз биланоқ шаррос ёмғир қуйди, шу яқин атрофда яшайдиган йигит уйига шошилди. Келгуси жума ўша йигит Пайғамбаримиз (с.а.в.)га: «Эй, Аллоҳнинг Расули, уйлар (ёмғирдан) вайрон бўлаяпти, карвонлар тўхтаб қолди», деди. Ул зот одам боласининг сабрсизлигига табассум қилдилар, қўлларини кўтариб: «Аллоҳим, ёмғирни бизнинг устимизга эмас, атрофимизга ёғдиргин», дедилар. Дарҳол Мадинада ёмғир тинди.

628-ҳадис 625-ҳадиснинг айнан такрори.

629. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди: Туфайл ибн Амр Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан: «Сизни Давс қавминики каби қўшин ва бирор бир мустаҳкам қалъага эҳтиёжингиз борми?» – деб сўради. Жобир дедилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳ ансорларни қувватлагач, ул зот ундан воз кечдилар.

Туфайл ва у билан бирга қавмидан бир киши ҳижрат қилишди. Туфайлнинг шериги касал бўлиб безовталана бошлади. Қаран деган ергача судралиб келди-да, қўл томирларини кесиб ташлаб ўлди. Туфайл уни тушда кўрди ва: «Сенга қандай муомала қилинди?» – деб сўради. У киши: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига қилган ҳижратим сабабидан гуноҳим кечирилди», деди. Туфайл: «Қўлингга нима бўлди?» – деб сўради. У: «Ўзинг зарар етказган қўлингни Биз тузатмаймиз», дейилди», деди. Туфайл буни Пайғамбаримиз (с.а.в.)га айтиб берган эди,

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, уни икки қўли билан бирга мағфират қил», дея қўлларини кўтариб дуо қилдилар.

630. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, дангасаликдан, қўрқоқликдан, кексаликдаги ожизликдан ва бахилликдан сендан паноҳ сўрайман», дея дуо қилардилар».

631. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ азза ва жалла: «Мен бандамнинг ўйлаган ўйидаман ва Менга дуо қилиб, Мени чорласа, Мен у билан биргаман», деган», деб марҳамат қилдилар».

277-боб. «Саййиду-л-истиғфор» ҳақида

632. Шаддод ибн Авс (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Истиғфор Аллоҳдан мағфират тилашдир. Дуоларнинг энг улуғи ушбудир: «Эй, Аллоҳим, (эътироф этаманки), Сен менинг Парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ, Ва (эътироф этаманки), Сен мени яратдинг, йўқдан бор қилдинг. Мен Сенинг қулинг ва маҳлуқингман. Шунингдек, имконим ва тоқатим кўтарганича («қолу бало»да берган) сўз ва аҳдимни амалга оширишга тиришаман. Ва Сендан қилган ишларимнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Менга берган (турфа) неъматларингни эътироф этаман ва қилган гуноҳларимни ҳам биламан ва тан оламан. Шундай экан, (эй, Аллоҳим), мендан содир бўлган хато ва гуноҳларни кечир, зеро Ўзингдан ўзга гуноҳларни кеча олувчи ҳеч ким йўқдир». Кимки бу дуони кечаси ўқиб ётса ва вафот этса, жаннатга киради ёки у жаннат аҳлидандир. Агар кимда-ким эрталаб бу дуони ўқиса ва шу куни дунёдан ўтса, у ҳам жаннатийдир».

633. Абдуллоҳ ибн Умар(р.а.): «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида йиғилиб қолсак, «Парвардигоро,



мени ёрлақагин, гуноҳларимни кечиргин. Шубҳасиз, Сен тавбаларни қабул этувчи Зотсан», дея юз марта такрорлардик», дедилар.

634. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди, ул зот айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) пешин намозини ўқидилар. Сўнг юз мартача «Парвардигорим, гуноҳларимни мағфират қил, албатта Сен тавбаларни қабул этувчи Зотсан», дея такрорладилар».

Шаддод ибн Авсдан ривоят қилинган 635-ҳадис 632-ҳадиснинг ай-нан такроридир.

636. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Аллоҳга тавба қилинглар, мен ҳар куни юз марта тавба қиламан», деганларини эшитдим».

637. Каъб ибн Ужрадан ривоят қилинди: «Ҳар намоздан кейин «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллоҳ ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» калималарини юз марта айтадиганлар ноумид қолмайдилар».

278-боб. Биродарини ғойибона дуо қилиш ҳақида

638. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Энг тез ижобат бўладиган дуо ғойбнинг ғойбга қилган дуосидир», дедилар.

639. Абдуллоҳ ибн Санобиҳий (р.а.)дан ривоят қилинди: у Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг: «Аллоҳ йўлида дўстлашганларнинг дуолари тез ижобат бўлади», деганларини эшитди.

640. Сафвон ибн Абдуллоҳ айтдилар: «Мен Шомдаги яқинларимни зиёрат қилиб қайтган эдим. Қайнонам Умму Дардо (р.а.) уйда экан. Қайин отам Абу Дардо (р.а.) йўқ экан. Умму Дардо мендан: «Бу йил ҳаж қилмоқчимисиз?» — деб сўради. «Ҳа», деб жавоб бердим. У: «Аллоҳга бизнинг ҳаққимизга дуои хайр қилинг, Пайғамбаримиз

(с.а.в.)нинг: «Мусулмон кишининг биродари ортидан қилган дуоси мустажобдир, унинг бошида бир муаккил фаришта туради ва биродари ҳаққига қилган ҳар бир дуои хайрига «Омин, сенга ҳам ўша нарса насиб қилсин», деб туради», дер эдилар, деди. Бозорда Абу Дардони учратиб қолгандим, у ҳам худди шу гапларни айтди, у ҳам бу ҳадисни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нақл қилди».

641. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: «Бир киши: «Аллоҳим, фақатгина мени ва Муҳаммад (с.а.в.)ни мағфират қил», деди. Шунда жаноби Пайғамбар (с.а.в.): «Сен, албатта, дуони кўплаб инсонлар ҳақидан тўсиб қўйдинг», дедилар».

642-ҳадис Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган бўлиб, 632-ҳадиснинг такроридир.

279-боб. Дуо қилишнинг сабаби

643. Ибн Умар (р.а.) дедилар: «Мен ҳар ишимда, ҳар нарсада дуо қиламан, ҳаттоки минадиган жониворимнинг қадамини тезлатишни ҳам Аллоҳдан сўрайманки, бу билан мен ўзимга сирли бўлган нарсаларни кўраман.

644. Амр ибн Маймун Авдий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Ҳз. Умар (р.а.): «Эй, Аллоҳим, менинг руҳимни хушахлоқ, художуй инсонлар билан бирга олгин, ёмонлик, бузуқликка ташлаб қўймагин ва яхши, эзгу амалларни адо этган одамлар билан бирга қилгин», дея дуо қилардилар».

645. Шақиқ Балхий (р.ал.) айтдилар: Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ушбу дуони кўп такрорлардилар: «Парвардигоро, ораларимизни ислоҳ қилгин, бизларни ислом йўлига йўллагин, бизларни (залолатнинг) зулматидан (ҳидоятнинг) ойдинлигига етаклагин, ошкора ва махфий фаҳш-бузуқликлардан бизни нари қилгин, қулоқларимизни, кўзларимизни, қалбларимизни, аҳли



аёл ва авлоду зурриётларимизни барокотли қилгин. Парвардигоро, бизларни берган неъматларингга шукр қилувчи, уни эътироф этувчи ва бу неъматлар баробарида ўзингга ҳамду сано айтувчи қилгин ҳамда бизларга берадиган неъматларингни мукаммал қилиб бергин».

646. Собитдан ривоят қилинди: «Анас ибн Молик қайси биродарларини дуо қилсалар: «Аллоҳ таоло кечалари қоим, кундузлари соим бўладиган, фисқу фужур ва гумроҳлик қилмайдиган яхши ҳукмдор қавмнинг ибодатини берсин», дер эдилар».

Бу ҳадис туркча нашрда Сулаймон ибн Муғирадан ривоят қилинган. Ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳам ривоят қилинганлигини ровийлар хабар қиладилар.

647. Амр ибн Ҳорис айтдилар: «Онам мени Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига олиб бордилар. Ул зот бошимни силаган ҳолда ризқ-рўз тилаб дуо қилдилар».

648. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: У кишига «Басрадан дуоингизни олгани бир қанча биродарларингиз келишибди», дейишди. Анас ибн Молик ўша кунларда Зовияда эдилар. «Аллоҳим, бизларни мағфират эт ва бизга раҳм қил, бизга бу дунёда ҳам бир яхшилик, охиратда ҳам бир яхшилик ато эт ҳамда бизларни дўзах азобидан сақлагин», деб дуо қилдилар. Келган кишилар яна дуо сўрашган эди, у киши яна худди шундай дуо қилиб: «Агар ушбу нарсалар сизларга берилса, дунё ва охират саодати берилгани шудир», дедилар.

649. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир навдани ушлаб, силкитиб қоқдилар, лекин навдадан ҳеч нарса тушмади, яна қоқдилар, яна тушмади, кейин яна қоқдилар, шунда ҳам ҳеч нарса тушмагач: «Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллоҳ ва ла илаҳа иллаллоҳ, Аллоҳим хато-ю камчиликларимизни дарахт баргини тўккандек тўксин», дедилар».

650. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига аёллардан бири келиб, муҳтожликдан ёки баъзи эҳтиёжлари борасида шикоят қилди. Шунда ул зот: «Мен сизларга бундан-да яхшироқ, хайрлироқ нарсани ўргатайми? Уйқуга кетишдан олдин 33 марта таҳлил, 33 марта тасбиҳ ва 34 марта ҳамд айтинг, шунда 100 бўлади ва бу дунё ҳамда ундаги барча нарсалардан хайрлидир», дедилар».

651. Анас ибн Молик(р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Бир кишининг 100 марта таҳлил, 100 марта тасбиҳ ва 100 марта такбир айтиши 10 та қул озод қилишдан ва 10 та жонликни қурбонлик қилишдан кўра афзалроқдир».

652. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига бир киши келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, дуоларнинг энг афзали қайси?», деб сўради. «Аллоҳдан дунё ва охиратда офият беришини тилашингдир», деб жавоб бердилар. Эртасига у киши яна ул зот олдиларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг элчиси, қайси дуо афзал?», деб сўради. «Аллоҳдан дунё ва охиратда офият беришини сўрашингдир. Агар дунё ва охиратда сенга офият берилса, шубҳасиз, нажот топасан», дедилар».

653. Абу Зарр Ғифорий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таолога энг ёқимли сўз, бу «Субҳаналлоҳи ло шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир ва ла ҳавла ва ло қуввата илла биллоҳ ва биҳамдиҳ»дир.[1]

654. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг олдимга бир юмуш билан келдилар. Мен

[1] Кўпгина нашрлардаги мавжуд дуолар такроран таржима қилинмади, ўша нашрларга мурожаат қилиш мумкин, масалан, «Дуолар қўрғони» («Meriyus» нашри, 2003, 1-китоб, 2005, 2-китоб) китобларини тавсия қиламиз (м.м.).



намоз ўқиётгандим, ёнларига бир оз кечи-киб бордим. Ул зот: «Эй, Ойиша, барча дуоларингни мужассамлаштирган дуони ўқи», дедилар. Мен ул зотдан узоқлашиб: «Барча дуоларни ўзида мужассам этган дуо қайси, эй, Аллоҳнинг Расули?» — деб сўра-дим. «Мана бундоқ деб дуо қилгин: «Аллоҳим, Сендан ўзим билган ёки билмаган, шошилинч (нақд, тезда) ёки кейинроқ бўладиган барча яхшиликларни сўрайман. Эй, Аллоҳим, ҳозирда ёки кейинроқ (йўлиқи-шим мумкин бўлган) ўзим билган ва билмайдиган ёмонликларнинг барчасидан паноҳ тилайман. Сендан жаннатни ва унга яқинлаштирувчи сўз ва амалларни сўрайман. Дўзахдан ва унга олиб борадиган барча сўз ва амаллардан Сенинг паноҳингга ўтаман. Муҳаммад (с.а.в.) Сендан сўраган барча нарсаларни мен ҳам сўрайман ва Муҳаммад (с.а.в.) Сендан паноҳ сўраган барча нарсадан мен ҳам паноҳингга ўтаман. Мен учун тақдир қилган ҳар бир нарсанинг оқибатини тўғри йўлга йўналтиргин», дедилар».

280-боб. Расулуллоҳга салавот айтиш ҳақида

655. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қайси бир мусулмон садақа беришга қодир бўлмаса, дуосида ушбу сўзларни айтсин: «Аллоҳумма солли ъала Муҳаммад ъабдика ва расулик ва солли ъала-л-муъминина ва-л-муслимот». Бу ўша мусулмон учун садақа ўрнига ўтади», дедилар».

656. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳумма солли ъала Муҳаммад ва ъала али Муҳаммад кама саллайта ъала Иброҳима ва али Иброҳим, ва барик ъала Муҳаммадин ва ъала али Муҳаммад кама бораkта ъала Иброҳима ва али Иброҳим ва тараҳҳум ъала Муҳаммадин ва ъала али Муҳаммад,

кама тараҳҳимта ъала Иброҳима ва али Иброҳим» деса, қиёмат куни мен у(нинг мусулмонлиги)га гувоҳлик бераман ва уни шафоат қиламан», дедилар».

657. Анас билан Молик ибн Авс (р.а.)лардан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳожат учун ташқарига чиқдилар, ўзлари билан бирга боришга ҳеч кимни тополмадилар. Бир оздан сўнг ҳз. Умар обдаста кўтариб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ортларидан бордилар ва ул зотни йўлда сажда қилиб турганларини кўриб тўхтадилар ва чеккага ўтиб кутиб турдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) саждадан бошларини кўтариб: «Баракаллоҳ, эй Умар! Менинг саждада турганимни кўриб, йўл четида кутиб турганинг тўғри бўлди. (Чунки ўша пайтда) Жаброил (а.с.) келиб: «Кимки сизга бир марта саловат айтса, Аллоҳ таоло унга 10 та раҳмат ёзади ва унинг даражасини 10 баробар кўтаради», деди», дея марҳамат қилдилар».

Ҳожат учун ташқарига чиқдилар — у замонларда ҳар кимнинг уйида ҳожатхонаси бўлмасди, ҳожат чиқариш учун ташқарига, одамлар яшайдиган жойдан узоқроққа бориб келинарди (т.).

658. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ таоло унга 10 та раҳмат юборади ва 10 хатосини ўчиради», деганларини эшитдим».

281-боб. Расулуллоҳ номлари зикр этилганда салавот айтмаган киши ҳақида

659. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) минбарга чиқаётиб, унинг биринчи поғонасига чиққанларида «Омин», дедилар. Кейин иккинчи поғонага чиқдилар ва яна «Омин», дедилар. Сўнг учинчи поғонасига чиқиб яна «Омин», дедилар. Жобир: «Эй, Аллоҳнинг Расули,

нима учун уч марта «Омин» дединг?» – деб сўради. Ул зот жавоб бердилар: «Минбарнинг биринчи поғонасига чиққанимда Жаброил (а.с.) келиб: «Бир банда Рамазон ойига етишса, Рамазон ўтиб кетгунича гуноҳларидан покланиб ололмаса, у хор бўлсин!» – деди. Мен ҳам «Омин», дедим. Сўнгра: «Ота-онасининг ёки улардан бирининг кексалик даврида розилигини олиб жаннатга эришолмаган банда хор бўлсин!» – деди. Мен ҳам «Омин», дедим. Кейин Жаброил (а.с.): «Сизнинг исмингиз айтилганда, сизга саловат айтмаган банда ҳам хор бўлсин!» – деди. Мен ҳам «Омин», дедим».

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 660-ҳадисда 658-ҳадиснинг мазмуни айнан такрорланган. Абу Ҳурайра ривоят қилган 661-ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган 659-ҳадиснинг айнан такроридир.

662. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жувайрийа бинти Ҳорис ибн Аби Зирорнинг олдидан чиқдилар. У аёлнинг исми Барра эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг исмини ўзгартириб, Жувайрийа деб атай бошладилар. У аёл олдидан чиққан Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг исми ҳануз Барралигида яна унинг олдига киришни маъқул кўрмадилар. Кейин кун тикка келганда унинг олдига қайтдилар. У аёл (хотинлар билан бирга) тўпланиб, мажлис қуриб турган эди. Ул зот: «Ҳали ҳам мажлисда ўтирибсанми?[1] Мен сендан кейин тўртта калимани уч марта айтдим, агар сенинг талаффузингда қофияланса, уни қофияли қилиб айтгин: «Субҳаналлоҳу ва биҳамдиҳи адада халқиҳи ва ризоа нафсиҳи ва зината ъаршиҳи ва мидаддаав мадад калиматиҳи», дедилар.

Дуонинг маъноси: Аллоҳ махлуқотларининг сонича, Ўзи розн бўлгунига қадар ва Аршининг оғирлиги ҳамда калималарининг узунлиги миқдорича нуқсонлардан поклаб ёд этиб, Унга ҳамд айтамиз (т.).

[1] Жувайрийа – жориянинг кичрайтирилиб, эркаланиб айтилиши (м.м.).

663. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Жувайрийанинг олдидан чиқдилар. (Уни фақат бир мартагина Жувайрийа деганлар).

664-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Жаҳаннамдан, қабр азобидан, Масиҳи Дажжолнинг фитнасидан, ҳаёт ва ўлимнинг фитналаридан Аллоҳ таолодан паноҳ сўранг», дедилар».

282-боб. Золимни дуоибад қилиш ҳақида

665. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Аллоҳим, менинг қулоғу кўзимни салоҳиятли қилгин ва уларни менга ворис қил. Менга зулм қилганларнинг устидан мени ғолиб қил ва улардан қасосимни олиб бергин», дея дуо қилар эдилар».

Менга ворис қил – яъни бутун умрим давомида қулоқ ва кўзларимга шикаст етмасин (т.).

Абу Ҳурайдан ривоят қилинган 666-ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган 665-ҳадиснинг такроридир.

667. Саъд ибн Ториқ Ашжаъийдан ривоят қилинди: «Отам айтдилар: «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига эрталаб боргандик, бир эркак ва бир аёл ҳам ул зот ҳузурларига келди ва: «Эй, Аллоҳнинг Расули, намоз ўқигандан кейин нима дейиш керак?» – деб сўрашди. «Аллоҳим, менинг гуноҳларимни авф эт, менга раҳм қил, мени ҳақ йўлга бошла ва менга ўз даргоҳингдан ризқ бер, деб айтинг, шунда дунё ва охиратингиз жам бўлади», деб жавоб бердилар ул зот».

668-ҳадис мазмуни юқоридаги ҳадисда ўтди ва буни Абу Малик ривоят қилган, фақат унда «Намоз ўқигандан кейин», деган жумла йўқ.

283-боб. Узоқ умр сўраб дуо қилиш ҳақида

669. Умму Қайс (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) унга (Умму Қайсга) умри узун бўлган аёл



айтган нарсани айтдилар. Биз у аёлчалик кўп умр кўрган аёлни билмаймиз[1].

670. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бизнинг – аҳли байтнинг олдимизга кириб турардилар. Кунлардан бир куни яна кирдилар-да, бизни дуо қилдилар. Умму Сулайм (р.а.): «Кичкина ходимингизни ҳам дуо қилмайсизми?» – деди. Ул зот: «Аллоҳим, унинг моли давлатига ва зурриётига барака бергин, умрини узун қилгин ва гуноҳларини кечиргин», деб дуо қилганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг ҳаққимга уч борада дуо қилдилар. 103 нафар фарзандимни кўмдим. Дарахтларим йилда икки бора мева беради ҳамда умрим шунчалик узун бўлдики, одамлардан уяладиган бўлиб қолдим, Аллоҳнинг мағфиратидан умидворман».

284-боб. Банданинг ажали етмагунча дуонинг қабул бўлиши ҳақида

671. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирингизнинг шошилмай қилган дуоси қабул бўлади. (Ваҳоланки) у дуо қилдиму, лекин ижобат бўлмади», дейди», дея марҳамат қилдилар. .

672-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирингиз гуноҳ қилмаган ва қариндошлик алоқаларини узмаган ҳолида дуо қилса ёки сабрсизлик билан шошиб дуо қилдим, лекин дуоим ижобат бўлмади, деб иддао қилмаса, албатта дуоси ижобат бўлади», дедилар».

---

[1] Умму Қайс ё Қайс ибн Абойа ёки Қайс ибн Саъднинг онаси бўлмоғи керак. Мазмундан англашилича. Умму Қайс умрига баракот ҳақида дуо сўраган, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни дуо қилиб, узоқ умр кўрган бир аёл тарихини айтиб берган бўлсалар керак. Валлоҳу аълам (м.м.).

285-боб. Дангасаликдан ва қарздорликдан паноҳ сўраш ҳақида

673. Амр ибн Шуъайб отасидан, у эса бобосидан ривоят қилиб деди: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Эй, Аллоҳим, мен Сендан дангасаликдан, қарздорликдан паноҳ сўрайман ва Масиҳи Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман ҳамда қабр азобидан паноҳ беришингни сўрайман», деганларини эшитдим.

674-ҳадис 664-ҳадиснинг айнан такроридир.

286-боб. Дуо қилинмаса, Аллоҳнинг ғазабланиши ҳақида

675-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки муродини Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳ унга ғазаб қилади», дедилар».

676-ҳадис 675-ҳадиснинг айнан такроридир.

677. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳдан бирор нарса сўрамоқчи бўлсангиз, дуоингизда қатъий туринг ва «хоҳласанг бергин» демангиз, зеро Аллоҳ сўраган кишини яхши кўради», дедилар».

678. Ҳз. Усмон (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки эрталаб ва кечқурун уч мартадан: «Бисмиллаҳиллази ла йадурру маъасмиҳи шайъун фил-арзи ва ла фи-с-самаи ва ҳува-с-самиъу-л-ъалим», деса, унга ҳеч нарса зарар етказа олмайди», дедилар».

Дуо мазмуни: Унинг исми билан еру осмонларда ҳеч нарса зарар келтирмайдиган Аллоҳ таолонинг исми билан (т.).

287-боб. Дуо қабул бўладиган вақтлар

679. Саҳл ибн Саъд (р.а.) айтдилар: «Икки соат борки, ўша вақтда осмон эшиклари очилади. Ким бу вақтда



дуога қўл очса дуоси ижобатдир. Булар азон айтилаётган ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод олдидаги вақтдир».

288-боб. Расулуллоҳнинг дуолари

680. Абу Сирма (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, Сендан мени ва яқинларимни бадавлат қилишингни сўрайман», дер эдилар.

681-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори.

682. Шотир ибн Шакил (р.а.) отасидан ривоят қилди: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Ё, Расулаллоҳ, менга фойдали бир дуо ўргатинг», дедим. Ул зот: «Эй, Аллоҳим, менга қулоғимнинг, кўзимнинг, тилимнинг, дилимнинг ва нутфамнинг шарридан офият бергин», деб айт», дедилар». Бу ҳадис ровийларидан Вақиъ: «Бу ердаги нутфадан мурод зино ва бузуқликдир», дедилар.

683. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Аллоҳим, мени кучли, бардошли қил. Менинг устимдан бировни ғолиб қилма. Менга нусрат бер, мени ҳеч ким енга олмасин ва менга ҳидоят йўлини осон қилиб қўйгин», деб дуо қилардилар».

684. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Парвардигоро, мени қувватли қил, менга қарши, менинг зиёнимга нусрат бермагин, менга нусрат бер. Мени ҳеч ким енга олмасин, менинг фойдамга тадбир қилгин, зараримга қилмагин, менга ҳидоят йўлини осонлаштир, менга жабр қилганлар устидан мени ғолиб қил. Парвардигоро, мени доимо Ўзингга шукр қилувчи, мудом Сени зикр қилувчи, Ўзингдан қўрқувчи, Сенга итоаткор ва бўйсунувчи, фақат Ўзингга дардимни айтадиган қилгин. Парвардигоро, тавбамни қабул қилгин, гуноҳимни кечиргин, дуоларимни ижобат қил, ҳужжатимни қатъий қил, тилимни ёмон сўзлардан тўсгин ва қалбимдаги қора-

лик, ғуборни аритгин», деган сўзлар билан дуо қилганларини эшитдим».

685. Муовия ибн Абу Суфён (р.а.) минбардан туриб: «Аллоҳим, Сен бераман десанг, монеъ бўлувчи йўқ ва Аллоҳ манъ қилса, бера олувчи кимса йўқ. Дунёда бойликка эришган кишиларга охиратда бойлиги фойда бермайди. Аллоҳ таоло кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Мен бу сўзларни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан мана шу ёғоч минбар устида эшитганман», деди.

686-687-ҳадислар мазмунан юқоридаги ҳадиснинг такрори.

688. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Энг ишончли дуо: «Аллоҳим, мени Парвардигоримсан, мен Сенинг бандангман, мен ўз нафсимга зулм қилдим. Гуноҳларимни эътироф қиламан, гуноҳларни фақат Ўзинг кечира оласан. Ё, Парвардигорим, менинг гуноҳларимни кечиргин», дейишдир», дедилар».

689. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, ишларимнинг покизаси бўлган динимни салоҳиятли қил, ҳаётим кечадиган дунёимни ислоҳ қил ҳамда мен учун ўлимни барча ёмонликдан (суюкли) раҳмат қилгин», дер эдилар».

690-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) балолар машаққатидан, бахтсизликнинг таъқибидан, шум тақдирдан ва душманларнинг кулгисидан паноҳ сўрар эдилар». Бу ҳадис ровийларидан бири Суфъён (р.а.): «Ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) уч нарсадан паноҳ сўраганлар, дейилганди. Мен унга битта қўшиб қўйдим. Лекин у юқоридагилардан қайси бири эканини аниқлай олмадим».

Исмоил айтадилар: «Агар мендан : «Суфён (р.а.) ҳадисни унутишга қандай журъат қилган?» – деб сўрасалар, Суфён аввал бошда ҳадисни ёд олган эди, вақт ўтиши муносабати билан унутиб қўйгандир», деб жавоб берган бўлардим (т.)



691. Ҳз. Умар (р.а.) беш нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўраганларини ривоят қилдилар: тамбалликдан, бахиллик-дан, ёлғизликдан, қалб фитнасидан ва қабр азобидан.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган 692-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такроридир. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган 693-ҳадис ҳам юқоридаги ҳадис кабидир.

694. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ўқиб юрган дуоларидан бири ушбу эди: «Аллоҳуммағфирли ма қаддамту ва ма аххорту ва ма асрорту ва ма аъланту ва ма анта аъламу биҳи минний, иннака анта-л-муқаддам ва-л-муаххар, ла илаҳа илла анта».

Дуонинг мазмуни: Аллоҳим, менинг аввалги ва кейинги сирли ва ошкора қилган гуноҳларимни мағфират қилгин. Ҳақиқатда Сен муқаддам, муаҳҳар Зотсан, ўзингдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! (т.).

695. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Аллоҳим, мен Сендан ҳидоят, офият ва нафси тўқлик сўрайман», дея дуо қилардилар.

696. Самома ибн Ҳузин (р.а.) айтдилар: «Мен бир кекса кишининг баланд овоз билан: «Аллоҳумма инни аъузубика мина-ш-шарри ла йахлитҳу шаъун», дея нидо қилаётганини эшитиб: «Ким бу қария?», деб сўрадим. «У Абу Дардо», деб жавоб беришди.

Дуо мазмуни: Аллоҳим, Сендан бирор нарса аралашмаган ҳолда ёмонликлардан паноҳ сўрайман (т.).

697. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, ифлос либос кирдан тозалангани каби мени ҳам муз, дўл ва совуқ сув билан поклагин[1]. Эй,

---

[1] Хофиз Ибн Таймийадан: «Гуноҳлардан совуқ сув билан қандай қилиб покланилади?» деб сўралганида шундай жавоб берди: «Гуноҳлар қалбга туғён, нопоклик ва заифлик олиб келади. Зеро, булар гўё ўтин бўлиб ёнади, гуноҳлар кўпайгани сари қалб ўти алангаланаверади ва қалбни заифлаштираверади. Сув эса, нопокликни кетказади ва оловни ўчиради. Агар сув муздек бўлса, жисмнинг салобатини, қатъиятини кучайтиради ва уни янада мустаҳамлиги ошади ҳамда гуноҳарнинг асоратини кетказади». (Ф.с.).

Аллоҳим, эй, Парвардигорим, кўкларни ва ерни тўлдириб, бундан бошқа Сен истаган барча нар-саларни тўлдирадиган ҳамду сано фақат ўзингга хосдир», дер эдилар.

698. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу дуони кўп айтар эдилар: «Аллоҳим, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин ва охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан асрагин».

699. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, Сендан фақирлик, етишмовчилик, хорликдан паноҳ сўрайман ҳамда бирор кимсага зулм қилиб қўйишдан ва бировдан зулм кўришдан паноҳ тилайман», дер эдилар».

700. Абу Умома (р.а.) айтдилар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ўтирган эдик, ул зот жуда кўп дуо ўқидилар, лекин эслаб қололмадик. «Сиз кўпгина дуо ўқидингиз, аммо биз эслаб қололмадик, эй Аллоҳнинг Расули», дедик. Шунда ул зот: «Сизларга керакли барча нарсани ўзида жамлаган бир дуони айтаймми? Эй, Аллоҳим, Биз пайғамбаринг Муҳаммад (с.а.в.) сўраган барча нарсани сўраймиз ва пайғамбаринг Муҳаммад (с.а.в.) Сендан паноҳ тилаган барча нарсалардан ўзингга сиғинамиз. Эй, Аллоҳим, ёрдам сўраб сиғиниладиган Зот фақат ўзингсан ва Сенинг ёрдаминг билангина хайрга эришилур. Куч ва қудрат фақат Аллоҳ биландир».

701. Амр ибн Шуъайб отаси ва бобосидан ривоят қилиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини хабар қилди: «Аллоҳим! Ёлғончи Масиҳи Дажжолнинг фитнасидан, жаҳаннамнинг фитнасидан сендан паноҳ сўрайман».

702. Ато ибн Соиб (р.а.)дан ривоят қилинди: Ибн Аббос (р.а.) «Аллоҳим, менга берган ризқингда қаноатли қилгин, уни мен учун баракотли қилгин ва барча йўқотганларим ўрнини хайрлиси билан тўлдиргин», дея дуо қилардилар.

703. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим! Бизга бу дунёда ҳам, охи-



ратда ҳам эзгулик ато эт, бизни жаҳаннам азобидан сақла», деб дуо қилар эдилар».

704. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, қалбларни айлантирувчи Аллоҳим, қалбимни динингг узра собит, барқарор қил», деган дуони кўп такрорлардилар.

Абдуллоҳ ибн Абу Вафодан ривоят қилинган 705-ҳадис мазмуни юқоридаги ҳадис кабидир.

706. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўқиб юрадиган дуоларидан бири ушбу эди: «Эй, Аллоҳим, неъматингни заволидан, офиятингни ўзгаришидан, ногаҳон келувчи азобингдан ва барча газабингдан ўзингга сиғинаман, ўзингдан паноҳ тилайман».

289-боб. Ёмғир ёғаётган пайтда дуо қилиш ҳақида

707. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Осмонда бирор булутни кўрсалар, дарҳол ишларини ташлардилар, гарчи (нафл) намозда бўлсалар ҳам. Сўнгра булутга қараб турардилар: агар Аллоҳ булутларни тарқатиб юборса, Унга ҳамд айтардилар, агар ёмғир ёғса: «Аллоҳим, бу ёмғирни фойдали қилгин», дер эдилар».

290-боб. Ўлим истаб дуо қилиш ҳақида

Расулуллоҳ шарорат ва фитналар замонида, Ислом кўрсатмаларига биноан яшаш имкони қолмаган пайтдагина ўлимни тилашга рухсат берганлар, Ҳадисдаги «ёмонлик»дан мурод ана шу фитналардир, (т.).

708. Қайс (р.а.) айтдилар: «Мен Хаббобнинг уйига бордим. У қорин оғриғи касалига дучор бўлиб, бардош билан чидаган, касаллиги узайгандан-узайгач, бардоши тугаб, зериккан эди. Хаббоб айтди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бизни ўз ўлимини тилаб дуо қилишдан

қайтармаганларида эди, мен албатта шундай дуо қилган бўлардим»[1].

291-боб. Расулуллоҳ ўқиб юрган дуолар ҳақида

709. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу дуони ўқиб юрар эдилар: «Парвардигоро, гуноҳимни, билимсизлигимни, бутун ишларимдаги исрофимни ва мендан ўзинг яхшироқ биладиган барча ёмонликларимни кечиргин. Эй, Аллоҳим, билиб-билмай қилган барча гуноҳларимни, ҳазилларимни кечиргин. Эътироф қиламан, буларнинг барчаси менда мавжуд. Аллоҳим, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни – яширин қилганимни ҳам, ошкора қилганимни ҳам кечиргин. Сен Муқаддам ва Муаххар Зотсан. Шубҳасиз ҳар ишга қодирсан».

Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинган 710-ҳадис 709-ҳадиснинг такрори.

711. Муоз ибн Жабал (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлимдан тутиб: «Эй, Муоз!» – дедилар. «Лаббай, ё Расулаллоҳ!» – дедим. «Мен сени яхши кўраман», дедилар. «Худо ҳаққи, мен ҳам сизни яхши кўраман», дедим. Ул зот: «Ҳар намозинг охирида ўқиладиган бир дуони ўргатайми?» – дедилар. «Албатта, ўргатинг», дедим. Ул зот: «Эй,

---

[1] Бу ўринда шу нарсани англаб олиш лозим: ажал етиб келмагунча инсоннинг ўзига ўлим тилашидан қайтарилган. Аммо омонат топшириш пайти келганига кўзи етган солиҳ банданинг Аллоҳга бўлган муҳаббати уни ҳузури Илоҳийга йўлиқишга ундайди. Кўпгина саҳобийларнинг эришган ажрлари нуқсон топиб қолмаслиги ва дунё нопокликлари билан ифлосланиб қолмаслик учун ўзларига ўлим тилаб дуо қилганлари ривоят қилинади. Қайснинг ривоятида эса: «Сизлардан бирингиз дунёда бошига тушган бирор зарар туфайли ўлимни орзу қилмасин», дейилади. Лекин агар динда бирор фитнага дучор бўлишдан қўрққан инсон учун бу жоиз. (Ф.с.).



Аллоҳим, Сенинг зикрингни қилишда, Сенга шукр қилишда ва Сенга гўзал бир шаклда ибодат қилишимда менга куч-қувват бер», деб айт», дедилар».

712. Абу Айуб Ансорий (р.а.) айтдилар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида бир киши: «Алҳамдулиллоҳи ҳамдан касиран тоййибан мубаракан фийҳи», деди. «Бу сўзларни айтган ким ўзи?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.). Жимлик чўкди. Бу сўзларни айтган киши гапим Расулуллоҳ (с.а.в.)га ёқмади, деб жим бўлиб қолган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким айтди бу гапларни? Ким бўлса ҳам ҳақ ва тўғри айтди», дедилар. Шундан кейингина бояги киши: «Мен эдим, бу сўзларим билан фақатгина яхшиликни тилайман», деди. Ул зот: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ўн учта фаришта ушбу сўзни Аллоҳ азза ва жаллага олиб чиқишга шошаётганларини кўрдим», дедилар».

Дуонинг мазмуни: Эй, мақтовли Парвардигор, одамлар учун ёқимли ва муборак нарсаларни кўпайтиргин (т.).

713. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳожатхонага кирмоқчи бўлсалар: «Аллоҳим, Сендан ярамас, чиркин нарсалардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».

714. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қачон ҳожатхонадан чиқсалар «ғуфронака»[1], дердилар».

715. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу дуони бизга худди Қуръондан бир сура ўргатгандек ўргатдилар: «Эй, Парвардигор, жаҳаннам азобидан паноҳ бер, қабр азобидан паноҳ бер, Масиҳи Дажжол фитнасидан паноҳ бер, ҳаёт ва ўлим фитналаридан паноҳ бер ва қабр фитнасидан паноҳ бер».

716. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Мен холам Майму на (р.а.)нинг[2] уйларида тунаб қолдим. Расулуллоҳ

---

[1] Ғуфронака – Ўзинг кечир.

[2] Маймуна (р.а.) – Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг завжаи муҳтарамаларидан бири.

(с.а.в.) туриб ҳожатга чиқдилар, сўнг қўллари ва юзларини ювиб, ётиб ухладилар. Бироздан кейин уйғониб мешнинг оғзини бўшатдилар-да, ўртача таҳорат олдилар, лекин таҳоратни мукаммал қилдилар. Сўнгра намоз ўқидилар. Мен ҳам турдим. Ул зотдан яширин керишиб олдим-да, таҳорат қилиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) намоз ўқишга турганларида у кишининг чап томон-ларига турдим. Ул зот қўлимни тутиб ўнг томонларида туришимни истадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг (тунги) намозлари 13 ракъат бўлди. Сўнг у киши ўраниб ухладилар ва ҳатто хуррак товушлари кела бошлади. Ул зот ухлаганларида хуррак отар эдилар. Билол (р.а.) намозга азон айтганларидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқидилар, лекин таҳорат қилмадилар[1]. Ўшандаги дуолари ушбу эди: «Эй, Аллоҳим, қалбимда бир нур қил, қулоғимда бир нур

---

[1] Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган бу ҳадиснинг бошқа муқобили ҳам бор: «У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу ъалайҳи васаламнинг сажда қилган ҳолда ухлаб қолганларини кўрди. «Ҳатто хуриллай бошладилар ёки пишиллай бошладилар. Кейин туриб намоз ўқидилар. Шунда мен: «Ё Расалаллоҳ, Сиз ҳақиқатан ухладингиз-ку?» дедим. Айтдиларки, «Фақат ётиб (чўзилиб) ухлаган кишига таҳорат олиш лозим бўлади, чунки у чўзилганида бўғимлари ўзини қўйиб юборади». Уламолар уйқу туфайли бўладиган таҳорат масаласида ихтилоф қилдилар. Кўплари ўтирган жойида ёки тик туриб ухлаган кишига, то у ётмагунича, таҳорат лозим бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Баъзилар эса бундай дейди: «Агар ақлига ҳоким бўлмайдиган даражада уйқуга толса, таҳорат олмоғи лозим» (Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Сунани Термизий. 1-жилд. Тошкент, «Адолат», 1999, 120-121-бетлар). Мазкур ҳадис мазмунидан маълум бўладики, Расулуллоҳ (с.а.в.) ухлаганларида фикран уйғоқ бўлганлар, чунки Билол Ҳабаший (р.а.) намозга чақириши билан ўринларидан туриб намозга киришганлар. «Муфиду-л-улум ва мубидул-ҳумум» китобида ҳам айтилганидек, Расулуллоҳ (с.а.в.) ухлаганларида таҳоратлари бузилмасди, бинобарин, ул зот уйқуда ҳам ваҳй қабул қилар эдилар.(«Ирфон» тақвими», №1, 2005) (м.м.).



қил, ўнгимда бир нур қил, сўлимда бир нур қил, устимда бир нур қил, остимда бир нур қил, олдимда бир нур қил, ортимда бир нур қил ва менинг нуримни оширгин».

717-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.

718. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) туннинг ярмида намозга турганларида шу дуони ўқир эдилар: «Эй, Аллоҳим, барча ҳамд Сенга хосдир. Сен осмонлару ерни ва ундаги барча нарсаларнинг нуридирсан. Сенга ҳамду санолар бўлсин, Сен осмонлару ерни тутиб турувчи абадий барҳаёт Зотдирсан. Сенга ҳамд бўлсин, Аллоҳим, Сен осмонлару ерни ва ундаги барчанинг Парвардигори, тарбият этувчисисан. Сен ҳақдирсан, ваъданг ҳақдир, Сенга йўлиқмоқлик ҳақдир, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, қиёмат ҳақдир. Эй, Аллоҳим, мен Сенга бўйсундим, итоат этдим, таслим бўлдим, Сенга имон келтирдим, Ўзингга таваккул қилдим, Ўзингга йўналдим, менинг аввалгию охир-ги, махфий ва ошкора қилган гуноҳларимни кечиргин. Сен ўзинг менинг илоҳимсан, Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ».

719. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб дуо қилардилар: «Эй, Аллоҳим, мен Сендан дунё ва охиратда афв ва офият сўрайман. Эй, Аллоҳим, Сендан диним ва аҳлим учун офият сўрайман. Парвардигор, айбимни ёпгин, қўрқувимни аритгин, мени олдимдан, орқамдан, тепамдан, ўнгимдан ва сўлимдан сақлагин. Сендан оёғим остидан чиқиши мумкин бўлган фалокатдан паноҳ сўрайман».

720. Убайд ибн Рофиънинг отаси айтди: «Уҳуд ғазоти куни эди. Мушриклар чекиниб, қоча бошлагач, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сафларингизни текисланг, мен Улуғ ва Олий Парвардигоримга ҳамду сано айтайин», деди-

лар. Саҳобийлар ул зотнинг орқаларида сафланишгач: «Эй, Аллоҳим, барча ҳамдлар Сенга хосдир. Аллоҳим, Сен ёйиб, ёзиб қўйган нарсани йиғувчи, сиқувчи йўқдир. Сен узоқ қилиб қўйганни яқинлаштирувчи йўқ, Сен яқин қилсанг, узоқлаштирувчи йўқ, Сен тўсиб манъ қилсанг, бера олувчи кимса йўқ, Сен берсанг тўсқинлик қилувчи йўқдир. Аллоҳим, устимизга баракотинг, раҳмат-марҳаматинг, фазлинг ва ризқингни кенг қилиб қўйгин. Аллоҳим, Сендан кетиб қолмайдиган ва завол топмайдиган доимий неъмат сўрайман. Аллоҳим, Сендан зориққан кунимда неъмат беришингни ва хатарли дамда омонлик беришингни тилайман. Парвардигоро, бизга ато этган нарсаларнинг ҳам, манъ этган нарсаларнинг ҳам ёмонлигидан, шумлигидан паноҳ бергин. Аллоҳим, бизларга имонни севдир, уни қалбларимиз зийнати қилгин, бизларга куфр, бузғунчилик ва исённи ёмон кўрсат ҳамда бизларни тўғри йўлдагилар қаторида қилгин. Аллоҳим, бизларни мусулмон ҳолатда ўлдириб, мусулмон ҳолатда тирилтир ва бизни шарманда бўлмаган, фитналарга учмаган ҳолатда солиҳлар қаторига қўшгин. Аллоҳим, пайғамбарингни ёлғончига чиқарган, одамларни ҳақ йўлингдан тўсган кофирларни ҳалок қил ҳамда уларга жазо ва азобингни туширгин! Аллоҳим, Ё Илоҳал ҳақ, аҳли китоб кофирларни ҳалок қил!» – деб дуо қилдилар».

292-боб. Қайғу ва ғамгинликда ўқиладиган дуолар

721. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ғамгин вақтларида: «Улуғ, ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Осмонлар ва ернинг Раббиси, буюк Аршнинг Раббисидан ўзга илоҳ йўқ», дер эдилар».



722. Абдурраҳмон ибн Абу Бакра оталарига: «Отажон, ҳар куни эрталаб ва кечкурун 3 мартадан: «Аллоҳим, жисмимни саломат қил, Аллоҳим, қулоғимни саломат қил, Аллоҳим, кўзимни саломат қил. Ўзингдан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ», деганингизни ва яна: «Аллоҳим, куфр ва фақирликдан паноҳ бер, Аллоҳим, қабр азобидан паноҳ бер», деб айтаётганингизни эшитганман», дедилар. Шунда оталари: «Тўғри, болам, мен буларни Расулуллоҳ (с.а.в.) айтаётганларини эшитганман. Мен ул зотнинг сунатларига эргашишни яхши кўраман», дедилар. Ва яна дедилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ғамгин одам ўқийдиган дуони ҳам ўргатганлар, у дуо ушбудир: «Эй, Аллоҳим, раҳматингдан умидворман. Мени бир лаҳза ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма. Менинг бутун ишларимни, шаънимни ўнглагин. Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқдир».

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинган. 721-ҳадис 723-ҳадисда ҳам такрорланган.

293-боб. Истихора дуоси ҳақида

724. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга Қуръондан бир сура ўргатгандек истихора дуосини ўргатиб: «Кимки бирор ишга ният қилса, икки ракъат нафл намоз ўқисин ва шундай дуо қилсин: «Эй, Аллоҳим! Сен билганинг учун ўзим ҳаққимда хайрлисини менга билдиришингни сўрайман. Қудратингдан қувват истайман, Сенинг буюк карамингни тилайман. Чунки, Сенинг ҳар бир ишга кучинг етади, қодирсан, мен қодир эмасман. Сен барча нарсаларни билувчисан, мен билолмайман. ғайб нарсаларнинг билимдони ўзингсан. Аллоҳим, агар бу иш менинг динимда, турмушимда, ишимнинг оқибати-

да, бугуним ва келажагимда хайрли, деб билсанг уни менга насиб эт ва муяссар айла. Йўқ, агар бу иш динимга, турмушимга, ишим оқибатига, бугуним ва истиқболимга зарарли, деб билсанг, уни мендан, мени ундан узоқлаштир. Хайр қаерда бўлса уни менга тақдир қил ва муяссар эт. Мени у билан мамнун қилгин». Сўнгра ҳожатини айтсин»,. дегандилар».

725. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Фатҳ масжидида душанба, сешанба ва чоршанба кунлари дуо қилдилар. Дуолари чоршанба куни икки намоз ўртасида ижобат бўлди». Жобир айтдилар: «Менинг бошимга қачон бирор мушкул иш тушса, чоршанба куни икки намоз ўртасидаги ўша соатда Аллоҳдан дуо қилиб сўраганимда доим дуоим қабул бўлганини биламан».

726. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга эдим, бир киши: «Эй, осмонлар ва ерни ажойиб тарзда яратган ижодкор! Эй, абадий барҳаёт Зот! Эй, бутун борлиқни қудрати билан тутиб турган Зот! Мен Сендан сўрайманки...», деётган эди. Шунда ул зот: «Бу одам нима деб дуо қилаётганини билаяпсизми? Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Аллоҳнинг мана шу исмлари билан дуо қилинса, албатта ижобат бўлади», дедилар».

727. Абу Бакр Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Менга бир дуо ўргатингки, уни намозларимдан сўнг ўқиб юрайин», дедилар. Расулуллоҳ: «Аллоҳим, мен ўзимга ўзим кўп зулм қилиб қўйдим. Гуноҳларимни фақатгина Сен кечира оласан. Ўз даргоҳинг мағфирати билан гуноҳларимни кечиргин, зеро Сен Ғофур (кечиримли) ва Раҳим (меҳрибон) Зотсан», деб дуо қилинг», дедилар».



294-боб. Золим ҳукмдорлардан қўрққанда нима дейиш кераклиги ҳақида

728. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Сизлардан бирортангиз бошлиғининг кибридан ёки зулмидан қўрқса: «Осмонлару ерни ва Улуғ Аршнинг Парвардигори Аллоҳим, бандаларингда фалон ибн фалон ва унинг тўдасининг менга ҳурматсизлиги ва адолатсизлигидан ўзинг ҳимоя қилгин. Сенинг ҳимоянг қудратли ва мадҳинг улуғвордир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир», десин».

729. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Бирор ишни амалга ошириш учун ҳукмдорнинг ҳузурига кирганда ушбу дуони ўқинглар: «Аллоҳ буюкдир. Аллоҳ яратилган барча нарсалардан қудратлидир. Аллоҳ мен қўрқадиган ва чўчийдиган барча нарсалардан кучлидир. Фалон қулингнинг шарридан ва унинг жин ва инсонлардан ташкил топган аскарларининг шарридан Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга сиғинаман. Ер ва осмонларни тутиб турган Унинг ўзидир. Аллоҳим! Мени уларнинг шарридан ўз паноҳингга олишингни сўрайман. Ёлғиз Сенинг мадҳинг юксакдир. Сенинг паноҳингдан қудратли паноҳ йўқ. Сенинг исминг муборакдир. Сендан ўзга илоҳ йўқ». Уч карра ўқилади».

730. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Кимнинг бошига бирор ташвиш, ғам тушса ёки султондан қўрқса, ушбу сўзлар билан дуо қилса, дуоси ижобат бўлади: «Эй, Аллоҳим, Сендан ўзга илоҳ йўқлиги, етти қават осмоннинг Парвардигори, Улуғ Аршнинг Рабби эканлигинг ҳақ-ҳурмати сўрайман, Ўзингдан бошқа ибодатга лойиқ Зот йўқлиги ҳурматидан сўрайман, Зеро Сен ҳар ишга қодирсан». Сўнгра ҳожатини Аллоҳдан сўрасин».

295-боб. Дуо охиратда ажру савоб сифатида зоҳир бўлиши ҳақида

731-ҳадис. Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: «Бирор бир мусулмон гуноҳ иш қилмаган ва қариндош-уруғчилик алоқаларини узмаган ҳолда дуо қилса, унга 3 нарсадан бири аниқ берилади: ё сўрагани тезда берилади ёки уни охиратга захира қилинади ёки бўлмаса, ўша қилган дуоси баробарида ундан бирор ёмонлик даф қилинади». «Бўлмаса дуони кўпайтирамиз», дейишди. «Аллоҳ кўпайтиргувчироқдир», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.)».

732. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Бир мўмин қўлларини кўтариб Аллоҳга чин дилдан дуо қилса, тилагини ё шу дунёнинг ўзида берилади ёки ошиғич муддатча охиратга заҳира қилинади». «Ё Расулаллоҳ! «Ошиғич» нимадир?» – деб сўрашди саҳобийлар. «Мен Аллоҳга дуо қилдим, дуо қилдиму қабул бўлганини кўрмадим», дейишдир», деб марҳамат қилдилар.

296-боб. Дуонинг фазилати ҳақида

733. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таолога дуодан кўра қимматлироқ нарса йўқ».

734. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Ибодатларнинг энг шарафлиси дуодир».

735-ҳадис. Нўъмон ибн Башир (с.а.в.)дан ривоят қилинди: Пайғамбар (с.а.в.) «Дуо ибодатдир» , дедилар. Сўнгра: «Менга дуо қилинглар, Мен сизлар учун (дуоларингизни) мустажоб қилай!» (40:60), деган оятни ўқидилар.



736-ҳадис. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Пайғамбар (с.а.в.) дан «Қайси ибодат афзал?» деб сўрашганда: «Кишининг ўз ҳаққига қилган дуосидир», деб жавоб бердилар».

737-ҳадис. Маъқил ибн Ясор (р.а.) айтдилар: «Мен Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига бордим. Ул зот: «Эй, Абу Бакр, ширк орангизда ўрмаловчи чумолидан ҳам енгилроқдир», дедилар. «Ширк фақат Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишми?» деб сўрадилар Абу Бакр (р.а.). Расулуллоҳ (с.а.в.): «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ширк ўрмаловчи чумолидан ҳам енгилроқдир. Мен сизга уни айтиб юришингиз билан ширкнинг каттаси-ю кичигидан халос бўладиган бир нарса ўргатайми?» дедилар ва: "Эй, Аллоҳим, ўзим била туриб Сенга бирор нарсани ширк келтириб қўйишимдан асрагин ва билмаган ҳолатимда ширк келтириб қўйсам, кечиргин», деб айтинг, деб таъкидладилар».

297-боб. Шамол эсганда дуо қилиш ҳақида

738. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қаттиқ шамол турган пайтда: "Эй, Аллоҳим, Сен юборган нарсанинг хайрлисини сўрайман ва Сен юборган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман", дер эдилар».

739. Салама (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шиддатли шамол эсиб қолса: «Эй, Аллоҳим, бу шамол ҳақиқий бўлмасин ва қуритгувчи ҳам бўлмасин", дер эдилар».

Ҳақиқий шамолдан мурод — азоб шамоли, қуруттувчидан мурод — ҳалок этувчи (т.).

298-боб. Шамолни сўкмаслик ҳақида

740-ҳадис. Убай ибн Каъб (р.а.) айтдилар: «Шамолни сўкманглар, агар унда бир ёқтирмайдиган нарсани

сезсангиз: «Аллоҳим, Сендан ушбу шамолни хайрлиси ва ундаги нарсанинг хайрлисини ҳамда у келтирган нарсанинг хайрлисини сўрайман ҳамда бу шамолнинг ёмонлигидан, ундаги нарсанинг зараридан ва у келтирган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», денглар».

741. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шамол Аллоҳнинг руҳидандир, у азоб ёки раҳмат олиб келади, шунинг учун уни сўкмангиз. Лекин Аллоҳдан унинг хайриятини сўранг ва зараридан паноҳ тиланг», дедилар».

299-боб. Чақмоқ чаққанда ва яшин ярқираганда ўқиладиган дуо

742. Салим ибн Абдуллоҳнинг отаси айтди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) чақмоқ чақишини кўриб, момақалдироқ овозини эшитсалар: «Эй, Аллоҳим, момақалдироғинг билан бизни ўлдирмагин, азобинг билан бизни ҳалок қилмагин, булардан аввал бизга офият бергин», дер эдилар».

300-боб. Момоқалдироқ гулдираганда ўқиладиган дуо

743. Икрима (р.а.) айтдилар: «Ибн Аббос (р.а.) момақалдироқ овозини эшитсалар: «Мен мадҳ этаётган Зот (Аллоҳ) барча нуқсонлардан покдир. Шубҳасиз момақалдироқ худди чўпон қўйининг бўйнидан қандай тутса, ёмғирни ана шундай тутиб, олиб келади», дер эдилар».

744. Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) момақалдироқ гумбурлашини эшитганда, ҳар қандай гапдан ва ишдан тўхтаб: «Момақалдироқ (ҳам) Унга ҳамд билан тасбиҳ айтур» (13:13), деган оятни ўқирдилар».



301-боб. Аллоҳдан офият сўраш ҳақида

745. Авсат ибн Исмоил ривоят қилдилар: «Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин шундай дедилар: «Ўтган йили Расулуллоҳ (с.а.в.) мана шу мен турган жойда туриб...», дедилар-да йиғлаб юбордилар. «Сўнг шундай деган эдилар», дея Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзларини етказдилар: «Сизларга ҳақиқатгуйликни, самимийликни васият қиламан, зеро у яхшилик билан бирга бўлиб сизларни жаннатга олиб боради. Ёлғондан сақланинг, зеро у бузғунчилик билан бирга ва дўзахга олиб боради. Аллоҳдан офият сўранг, албатта, офиятдан кўра яхшироқ нарса ато этилган эмас. Ўзаро низо чиқарманг, бир-бирингизга душман бўлманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг ва бир-бирингиздан нафратланманг. Аллоҳнинг ака-укадек аҳил, иноқ бандалари бўлинг!»

746. Муоз ибн Жабал (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишининг ёнидан ўтаётганларида у: «Аллоҳим, мен Сендан неъматларнинг мукаммалини сўрайман», деб дуо қиларди. Ул зот ундан: «Неъматларнинг мукаммали нима, биласизми?» — деб сўрадилар. Сўнг ўзлари: «Неъматларнинг мукаммали жаннатга кириш ва дўзах оловидан қутилишдир», дедилар. Ул зот яна бир одамнинг ёнидан ўтиб кетаётсалар, у: «Аллоҳим, мен сендан сабр беришингни сўрайман», дерди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Сен Парвардигордан бало сўрадинг-ку, ундан офият сўрагин», дедилар. Яна бир одамнинг олдидан ўтиб кетаётган эдилар, у: «Эй, барча буюклик ва фазлу карам соҳиби!..» деётганда, унга қараб «Сўранг», дедилар.

747. Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.) айтдилар: «Мен: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), Аллоҳдан сўраб, дуо

қилишим учун бирор нима ўргатинг», дедим. Ул зот: «Эй, Аббос, Аллоҳдан офият сўранг», дедилар. Сўнгра бироз кутиб туриб яна келдим-да, Аллоҳдан сўраб дуо қилишим учун бирор нима ўргатинг, ё Расулаллоҳ, деганимда: «Эй, Аббос, эй, Расулуллоҳнинг амакиси, Аллоҳдан дунё ва охиратда офият сўранг», дедилар».

302-боб. Дуода бало сўрашнинг макруҳлиги ҳақида

748. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида: «Аллоҳим, садақа қилай десам, мол-дунё бермадинг, энди мени бир балога йўлиқтирки, унга сабр қилиб ажр олай», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ (с.а.в.): «Субҳаналлоҳ! Бундай демагин. Аллоҳим, менга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато эт, демайсанми», дедилар».

749. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишининг зиёратига бордилар. У хасталикнинг қаттиқ азобини тортиб ётган экан. Кўриниши худди қанотлари юлиб ташланган рамақижон жўжага ўхшарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Сен Аллоҳдан нажот сўраб дуо қил». дедилар. У киши: «Аллоҳим! Менга охиратда берадиган ажру мукофотингни шу дунёда бергин», деб дуо қилди. Унинг бу дуосини эшитиб Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Охиратдаги бериладаиган ажру мукофотга банданинг кучи етмайди, сен бунинг ўрнига бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бизга эзгулик ато эт, жаҳаннам азобидан сақла», демайсанми?» — дедилар. У киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ўргатганларидек дуо қилиб ётди, Аллоҳ унга шифо берди».



303-боб. Қаттиқ синовдан паноҳ сўраш ҳақида

750. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Бир киши: «Аллоҳим, Сендан қаттиқ синовдан паноҳ тилайман», деди-ю тўхтаб қолди. Агар яна шу дуони айтса, фақат ичида улуғлик бўлган бало (синов)дан эмас, деб айтсин.

751. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шиддатли синовдан, кетма-кет келувчи бахтсизликдан, ёмон тақдирдан ва душманларнинг ҳасадидан паноҳ тилардилар».

304-боб. Танбиҳ маъносида сўзни такрорлаш

752. Абу Навфал ибн Абу Ақрабнинг отаси Расулуллоҳ (с.а.в.)дан рўза тутиш ҳақида (изн) сўради. Ул зот «Ҳар ойнинг бир кунида рўза тут», дедилар. «Ота-онам сизга фидо бўлсин, яна зиёда қилинг», дедим. «Зиёда қилинг, зиёда қилинг, ҳар ойда икки кун рўза тут», дедилар ул зот. Мен яна: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, яна кўпайтириб беринг, мен ўзимни кучли ҳис қилаяпман», дедим. Ул зот: «Ўзимни кучли ҳис қилаяпман, ўзимни кучли ҳис қилаяпман», дея гапимни такрорлаганларидан энди бошқа орттиришга изн бермасалар керак, деб ўйладим. Сўнг ул зот: «Ҳар ойда 3 кун рўза тут», дедилар.

Яна кўпайтириб беринг – кўпроқ муддат рўза тутишимга изн беринг, дейилмоқчи.

Бу ҳадисдан шу нарса аён бўладики, Расулуллоҳ (с.а.в.) умматларига фақат енгилликни хоҳлаганлар, шунинг учун ҳам нафила ибодатларни меъёрида қилишга рухсат берганлар (т.).

305-боб. Ғийбат ҳақида

753. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга эдик. Қандайдир сассиқ ҳид таралди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Биласизларми бу нима? Бу мўминлар ғийбатининг ҳидидир», дедилар».

754. (Яна) Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Ра-сулуллоҳ (с.а.в.) замонларида бир куни сассиқ ҳид та-ралди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мунофиқлар мусулмонларни ғийбат қилишди, бу ўшанинг сассиғи», дедилар».

755. Ибн умму Абд айтдиларки, қайси бир мўминнинг олдида ғийбат қилинганда у ўша ғийбатни тўхтатса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда мукофотлайди. Қайси бир мўмин олдида бўлаётган ғийбатни тўхтатмаса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда жазоласин! Киши бир мўминни ғийбат қилиши билан ҳаром луқмани оғзига олган бўлади; ўша гапираётган одамдаги бор нарсани айтса, ғийбат қилган бўлади. Агар йўқ нарсани айтса, унга туҳмат қилган бўлади.

Ибн умму Абд – Абдуллоҳ ибн Масъуд (т.).

306-боб. Ғийбат ва идрордан эҳтиёт бўлиш ҳақида

756. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга эдик. Ул зот эгалари азобланаётган икки қабр тепасига келиб: «Бу иккиси катта гуноҳ сабабли азобланаётгани йўқ, улардан бири одамларни ғийбат қилиб юрарди, иккинчиси эса сийдикдан эҳтиёт бўлмасди», дедилар. Сўнгра бир ёки иккита хурмо шохини келтириб, уни синдирдилар, сўнг синдирилган шохчаларни қабрга тиқиб қўйишни буюрдилар ва: «Бу шохчалар нами кетгунча қабрдагиларнинг азоби енгиллаштириб турилади», дедилар».



757. Амр ибн Ос бир неча ҳамроҳлари билан кетиб борарди. Йўлда ўлиб, ириб кетган эшакка дуч келишди. Шунда Амр: «Худо ҳаққи, мусулмоннинг гўштини еганингиздан[2] мана шу ўлимтикни қорнингиз тўйгунича еганингиз яхшидир», деди.

307-боб. Ўликни ғийбат қилиш ҳақида

758. Абу Ҳурайра айтдилар: «Моиз ибн Молик Асламий келди, уни Расулуллоҳ (с.а.в.) «Робиъа» деган жойда ражм (тошбўрон) қилдирдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир сафар саҳобийлар билан ўша ердан ўтдилар. Улардан бири: «Мана шу ҳалок бўлган одам Набий (а.с.)нинг олдиларига бир неча бор келди, ҳар сафар келганида ул зот уни қайтардилар, мана, қарангки, итдек ўлиб кетди», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўлиб, оёқлари қуриб ётган эшакнинг ёнидан ўтгунча индамадилар, сўнг ҳалиги кишига: «Мана бундан енглар!» дедилар. «Шу ўлган эшакдан-а, Расулаллоҳ?» деб сўрашди. Ул зот: «Сизлар ўлган биродарингиз обрўсини тўкишдан эришган нарсангиз бунн ейишдан оғирроқ гуноҳдир. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта у (Моиз) жаннат анҳорларидан бирида чўмилиб юрибди», дедилар».

Яъни ўлган одамни айблаганингиз учун орттирган гуноҳингиз буни егандан кўра оғирроқдир (т.).

308-бобдаги 759-ҳадис 95-бобнинг 187-ҳадисидаги мазмуннинг айнан такроридир.

309-боб. Ўзаро меҳр-оқибат ҳақида

760. Муҳаммад ибн Зиёд айтдилар: «Мен салафларни шундай топганман: улар бир уйда оила аъзолари бўлиб яшар эдилар. Иттифоқо, улардан бирининг уйига меҳ-

мон келиб қолса, бошқа бирлари тайёрлаб қўйган қозондаги овқатни шундоқ кўтариб меҳмон олдига олиб келиб қўярдилар. Қозон эгаси: «Ким олди қозонни?» – деб сўраса, мезбон: «Биз меҳмонимиз учун олдик», дерди. Шунда овқат эгаси: «Майли, ош бўлсин», дер эди чин дилдан. Салафлар нон ёпишса ҳам аҳвол шу эди. Уларнинг ораларида қамишдан девор бўларди холос».

Салафлар – мусулмонларнинг дастлабки уч авлоди (т.).

310-боб. Мезбоннинг меҳмонга хизмат қилиши ҳақида

761. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келди. У киши оч эканлигини айтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни аёллари олдига юбордилар. Аёллари уйимизда сувдан бошқа ҳеч вақо йўқ, дедилар. Расулуллоҳ: «Ким бу одамни тўйдиради?» – деб сўрадилар. Ансорлардан бир киши: «Мен», деди ва ҳалиги кишини уйига олиб кетди. Хотинига Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг меҳмонларини сийлаб, қорнини тўйдир, деди. «Уйимизда болаларимизнинг овқатидан бўлак нарса қолмаган», деди хотини. Шунда эр: «Таомингни келтир, чироқни тўғрила, болалар овқат сўрашса, уларни ухлат», деди. Аёл таомни олиб келди, чироқни тўғрилади, болаларни ухлатди. Сўнгра эри чироқни тузатмоқчидай бўлиб уни ўчирди. Кейин икковлари меҳмоннинг олдида худди таом еяётгандай бўлиб ўтиришди. Ўша кечани очлик билан ўтказишди. Эртасига эрталаб Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аллоҳ таоло сизларнинг қилган ишларингиздан хурсанд бўлди ва қуйидаги оятни нозил қилди: «Ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафси бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир» (59:9).



311-боб. Меҳмондорчилик муддати ҳақида

762. Абу Шурайҳ Адавий (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мана бу сўзларни айтаётганларини ўз кўзларим билан кўриб, қулоқларим билан эшитдим: «Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисини иззат қилсин Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, меҳмонни эъзозласин. «Меҳмоннинг муддати қанча, эй, Расулуллоҳ?» — деб сўралганда, ул зот: «Бир кеча-кундуздир. Меҳмондорчилик уч кун бўлади. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши гапларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар.

312-боб. Меҳмондорчиликнинг уч кунгина эканлиги ҳақида

763. Абу Ҳурайра Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини ривоят қилдилар: «Меҳмондорчилик уч кундир. Уч кундан ортиғи хонадон соҳибининг садақасидир».

313-боб. Меҳмон мезбонни зериктирмаслиги ҳақида

764. Абу Шурайҳ Каъбий (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши гап гапирсин ё жим турсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса меҳмонини муддати билан икром қилсин. Муддати бир кеча-кундуздир. Меҳмондорчилик уч кундир. Бундан ошиғи садақадир. Меҳмоннинг мезбонни зериктирар даражада унинг уйида туриши ўзи учун ҳалол эмас».

314-боб. Агар меҳмон мезбон уйининг ташқарисида тонг оттирса...

765. Миқдом Абу Карим (р.а.) айтди: «Пайғамба-римиз (с.а.в.): «Меҳмоннинг тунаб қолиши ҳар бир мусулмон зиммасидаги ҳақдир. Кимки мезбоннинг уйидан ташқарида тонг оттирса, меҳмоннавозлик қарзи бўйнида қолади, хоҳласа ўтайди, хоҳласа тарк этади». дедилар».

315-боб. Меҳмонга илтифот кўрсатилмаса...

766. Уқба ибн Омир (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: «Эй, Аллоҳнинг Расули, сиз бизни бир қавм ҳузурига жўнатсангиз, ўша қавм бизни меҳмон қилмаса, қандай йўл тутишни буюрасиз?» – деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар бирор қавм олдига меҳмон бўлиб борсангиз, меҳмон учун лозим нарсаларни буюрсалар, қабул қилинг. Агар бундай қилмасалар, улар ўташлари лозим бўлган меҳмондорчилик ҳаққини талаб қилинг», дедилар».

316-боб. Киши меҳмонга ўзи хизмат қилиши ҳақида

767. Абу Усайд Соидий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)ни тўйига таклиф қилди. Ўша куни аёли келин бўла туриб ўзи хизмат қилди. У аёл: «Биласизларми, мен Расулуллоҳ (с.а.в.) учун қандай ичимлик тайёрладим? – деб сўради. – Мен ул зот учун кечки хурмодан бир идиш шарбат тайёрладим».

317-боб. Меҳмонга таом қўйиб, ўзи намозга турган киши ҳақида

768. Наъим ибн Қаънаб (р.а.) айтди: «Мен Абу Зарр (р.а.)нинг уйига бордиму уни топа олмадим. Аёлидан:



«Абу Зарр қаерда?» – деб сўрадим. «Ишдалар, ҳозир келиб қоладилар», деб жавоб берди аёли. Мен уйларида ўтириб тургандим, икки туяни ҳайдаб Абу Зарр келиб қолди. Туяларни бир-бирига орқама-орқа боғлаган, уларнинг ҳар бирига биттадан меш ортилганди. Абу Зарр уларни ерга олиб қўйиб, келиб мен билан сўрашди. Мен: «Эй, Абу Зарр, илгари учратган одамларим ичида мен учун сендан севимлироғи ҳам, сендан ёмонроғи ҳам бўлмаган», дедим. У: «Хўш, бу гапингни қандай тушунишим керак?» – деб сўради. «Мен жоҳилият даврида гўдак қизимни тириклай кўмган эдим, «Сен учун тавба йўли ҳам йўқ, нажот ҳам!» – дейсан деб сенга йўлиқиб қолишдан қўрқардим. Ҳамда «Тавба қилсанг тавбанг қабул бўлади ва сен учун нажот йўли бор», дейишингдан умид қилардим», дедим. Абу Зарр: "Жоҳилиятдан қайтиб, ҳақ йўлни топдингми?» – деди. «Ҳа», дедим. У: «Аллоҳ таоло Исломга киргандан кейин олдинги гуноҳларни кечиради», деди ва аёлига: "Бизга таом келтир!" –деб буюрди. Аёли қулоқ солмади. Абу Зарр унга яна қайтарди, аёли бу сафар ҳам қулоқ солмади ва ҳатто икковлари жанжаллашиб қолишди. Абу Зарр: «Ҳақиқатда сиз аёллар Расулуллоҳ (с.а.в) айтганларича бор экансиз!» – деди. Мен: «Расулуллоҳ (с.а.в) улар ҳақида нима деганлар?» – деб сўрадим. Абу Зарр: «Ул зот: "Аёл киши қовурға суяги кабидир, сен уни тўғриламоқчи бўлсанг синдириб қўясан. Агар уни бошқара билсанг, рўзғоринг бут бўлади», дегандилар», деди. Шундан кейин аёли бурилиб келиб, какликникига ўхшаш шўрва қўйиб кетди. Абу Зарр: «Менга эътибор бермай сен олавер, мен рўзадорман», деди ва намозга турди. У рукуъларни енгил (тез-тез) қилди. Сўнг намозини тамомлаб, овқат ея бошлади. Мен: «Ё тавба, мени алдайсан, деб ўйламагандим!» – дедим. У: «Нега энди, мен сени учратганимдан бери алдаганим йўқ», деди. «Ахир рўзадорман, демабмидинг?» – дедим. У: «Шунақа дедим. Мен бу ой ҳисобидан уч кун рўза тутдим, менга унинг ажри ёзилди ва овқатланиш ҳалол бўлди», деди.

318-боб. Киши оиласи нафақасини адо этиши ҳақида

769. Савбон (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Динор (яъни пул)ларнинг энг афзали кишининг ўз аҳли аёлига, Аллоҳ йўлидаги биродарларига ва Аллоҳ учун атаган жонивор-ҳайвонларига сарфланган пулидир».

770. Абу Масъуд Бадрий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки аҳли аёлига савоб умидида нафақа қилса ўша қилган нафақаси унинг учун садақадир», дедилар».

771. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё, Расулуллоҳ, менда бир қанча динор бор», деди. «Ўзинг учун сарф қил», дедилар ул зот. «Менда ундан ортиқчаси бор», деди у киши. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Унда уларни хизматкорингга ёки болангга сарфла», дедилар. «Менда ундан-да ортиқчаси бор», деди яна у киши. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Унда уларни Аллоҳ йўлида сақла, бу (савоб юзасидан) энг оз бўлганидир», дедилар».

772. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Сенинг тўрт динор пулинг бўлса, 1 динорни мискинга берсанг, 1 динорни қул озод қилиш учун берсанг, бир динорни Аллоҳ йўлида сарфласанг, яна бир динорни аҳли аёлинг нафақасига ишлатсанг, шулардан энг афзали аҳли аёлингга сарф қилганинг ҳисобланади», дедилар».

319-боб. Барча сарфдан савоб олиш ҳақида

773. Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишига: «Билгинки, на фақат



Аллоҳнинг розилигини истаб қилган эҳсонинг-га, балки аёлингнинг оғзига солган бир луқма та-оминг учун ҳам албатта ажр-мукофот оласан», де-дилар.

320-боб. Туннинг учдан бири қолганда дуо қилиш ҳақида

774. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Парвардигоримиз Аллоҳ таборак ва таоло ҳар кеча дунё осмонига кечанинг охирги учдан бир қисми қолганда тушиб айтади: «Менга дуо қиладиган кимса борми, ижобат қилайин. Мендан бирор нарса сўрайдиган борми, берайин. Мендан гуноҳини сўрайдиган борми, мағфират қилайин».

321-боб. Ғийбат мақсади бўлмай, узун фалончи, дейиш ҳақида

775. Абу Руҳм (р.а.)дан ривоят қилинди: У киши Расулуллоҳ (с.а.в.)га дарахт остида (байъату-р-ризвонда) байъат қилган саҳобийлардан бири эдилар. Шу киши айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Табук ғазотида бирга жанг қилдим. Бир кеча Ахдар тоғида туриб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га яқин туриб қўриқчилик қилдам. Кўзимни уйқу босди. Ухлаб қолмасликка ҳаракат қилардим. Менинг туям ул зотнинг туяларига яқинлашди. Туям Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг оёқларига заҳмат етказмас-микан, деган андиша мени қийнарди. Шунинг учун туямни орқага тортиб қўяр эдим. Кечанинг бир қисмида (яна) кўзимга уйқу ғолиб келди. Ул зотнинг оёқлари юкнинг дастасига тегиб турарди. Менинг туям ул зотнинг туяларини туртиб юборди, шунда мен ул зотнинг оёқларига тегиб кетдим. Бехос зарб натижасида ул зот «Уҳҳ», деб юбордилар, мен: «Эй, Расулаллоҳ, Сизга озор берганим учун

Аллоҳдан менга мағфират сўранг», дедим. Ул зот: «Анави кўса, узун бўйли ва қизил юзли одамлар нима қилдилар?» – деб сўрадилар». Абу Руҳм давом этиб шундай деди: «Бани Ғифор қабиласи нима учун урушга қўшилмаганликларини Расулуллоҳ (с.а.в.)га айтдим. Шунда ул зот: «(Мадина атрофларидаги) Шабкати Шадах деган жойда қўйлари бўлган сочлари калта, бўйлари қисқа одамлар нима қилдилар?» – деб сўрадилар. Улар Ғифор ўғилларимикин, деб ўйлаб қолдим, бироқ тўла англаб ета олмадим. Кейин Аслам қабиласидан бир жамоат эканликлари эсимга келгач: «Эй, Расулаллоҳ, улар Асмоъ ўғилларидан эдилар», дедим. Шунда ул зот: «Урушга қатнашмаган Асмоъ ўғилларидан бир кишини Аллоҳ йўлида жўнатишларига нима тўсқинлик қилди? Аслам, Ғифор, Ансор ва Қурайш муҳожирларидан бирор узрли сабаб билан урушга қатнаша олмаганлар ҳам менинг қадрли саҳобийларимдир», дедилар».

776. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириш учун изн сўради. Ул зот: "Бу қабиласининг жуда ҳам ёмон одами!" – дедилар. У одам Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига кирганида, ул зот ҳалиги кишига яхши муомала қилдиларжуда кўп гапирди. Мен бу ҳақда гапиргандим, ул зот: "Аллоҳ таоло бузуқ-бадхулқларни ёмон кўради", дедилар».

777. Ойиша онамиз дедилар: «Савда (р.а.) Муздалифада намозлар жам қилиб ўқилган кеча, кун кўтарилмасдан Минога кетиш учун Расулуллоҳ (с.а.в.)дан изн сўради. У оғир-вазмин ва секин ҳаракатланадиган аёл эди. Ул зот унга изн бердилар».

322. боб. Аввал бўлиб ўтган воқеани эслатиш ҳақида

778. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Жиъирронада Ҳунайн ғазотидан туш-



ган ўлжаларни тақсимлаётганларида атрофларига (саҳобийлар тўпландилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аллоҳ бир қулини ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юборди. Қавми уни ёлғончига чиқарди ва уриб пешонасини ёрди. У пешонасидан оқаётгани қонини артиб: «Аллоҳим, қавмимни кечир, улар нима қилаётганларини тушунмаяптилар», деганди». Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Шунда мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га қараб туриб пешонасидан оқаётган қонини артиб турган кишини кўргандек бўлдим».

Жиъиррона – Ҳунайн мавзеидаги бир жой номи, Ҳунайн мавзеси Ҳижоз вилоятида бўлиб, Маккаи мукаррама яқинида жойлашган (т.).

323-боб. Мусулмон мусулмоннинг айбини беркитиши ҳақида

779. Абу-л-Ҳайсам айтдилар: «Уқба бин Омирнинг олдига бир қавм келиб: «Бизнинг шароб ичадиган ва бузуқ ишларни қиладиган қўшниларимиз бор. Уларни имомга айтайликми?» – дейишганида, у: «Йўқ, мен Расулуллоҳнинг: «Бир мусулмон айбини беркитган киши худди тириклайин кўмиб юборилган ўликни қабрдан тиритирган кабидир», деганларини эшитганман», деди».

«Имом» сўзининг луғавий маъноси бошлиқ, раҳбар. Шунинг учун ўша даврда фақат диний раҳбарларнигина имом дейилмай, маъмурий раҳбарларни ҳам имом, деб атаганлар (т.).

324-боб. «Одамлар ҳалок бўлди, бузилиб кетди» дейиш ҳақида

780-ҳадис. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимнинг «одамлар бузилиб кетди деётганини эшитсангиз, билингки, ўшанинг ўзи биринчи бўлиб бузилгандир», дедилар.

325-боб. Мунофиқни «саййид» демаслик ҳақида

781. Абдуллоҳ ибн Бурайда оталаридан ривоят қилдилар. Оталари айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мунофиқ одамни, гарчи у ҳурматлирофингиз, иш бошингиз бўлса ҳам «саййид» деманг, шундай десангиз Парвардигорингизнинг ғазабини дучор бўласиз», дедилар.

326-боб. Мақтов эшитганда нима демоқ кераклиги ҳақида

782. Аддий ибн Арто айтдилар: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобийларидан кимда-ким мақтов эшитса: «Аллоҳим, (ўзимда йўқ сифатларни) айтганлари учун мени койимагин ва улар билмайдиган (гуноҳларим)ни ўзинг кечиргин», дер эдилар.

783. Абу Масъуд Абу Абдуллоҳ (р.а.)дан: «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан гумон ҳақида эшитганмисиз?» – деб сўрадилар. Абу Абдуллоҳ: «(Ҳа), ул зот: «Гумон қилувчи жуда ёмон одамнинг уловидир!» – деганлар.

784. Абдуллоҳ ибн Омир (р.а.) бир куни Абу Масъуд (р.а.)дан: «Эй, Абу Масъуд! Расулуллоҳ (с.а.в.)дан гумон қилиш билан боғлиқ бирор гап эшитганинг борми?» – деб сўради. Абу Масъуд: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Гумон қилувчи одам жуда ёмон инсоннинг уловидир». деганларини эшитганман, яна шундай деб таъкидлаганларини ҳам эшитганман: «Бир мўминни лаънатлаш уни ўлдирмоқ кабидир», деб хабар қилдилар.

327-боб. Билмаган нарсасини «Аллоҳ билади», демасин

785. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Сизлардан бирортангиз билмаган нарсаси хусусида «Буни Аллоҳ била-



ди», демасин. Чунки Аллоҳ бундан бошқа нарсаларни ҳам билгувчи ва у бандаларга билмаган нарсасини ўргатувчидир. Шунинг учун бундай дейишлик Аллоҳ ҳузурида катта гуноҳдир».

328-боб. Камалак ҳақида

786. Ибн Аббос айтдилар: Сомон йўли осмон эшикларидан биридир. Камалак эса, Нуҳ (а.с.) қавми ғарқ бўлгандан кейин инсониятни ғарқ бўлишдан сақлаб келмоқда.

Маълумки, ёруғликнинг атмосфаерадаги ёмғир томчиларида синиши, қайтиши ва дифракцияси натижасида юз беради. Ёмғир ёғиб ўтгач, Қуёшга қарама-қарши томонда ҳосил бўлади. Аллоҳ таоло Нуҳ (а.с) қавмини азоблаш учун ер юзига тинмай сув ёғдирди, Осийлар ҳалок бўлганларидан сўнгтина тўфон тўхтади. Осмон юзида камалак пайдо бўлгач, ҳаммаёқ нурафшон бўлди. Ҳадисда камалакни осмоннинг ана шу азоб ёмғирини тўхтатиб, ёпиб турувчи қопқаси эканлиги айтилмоқчи (т.).

329-боб. Сомон йўли галактикаси ҳақида

787. Абу Туфайлдан ривоят қилинди: «Ибн Кавво ҳазрат Алидан сомон йўли ҳақида сўради. «У осмоннинг чиқиш тешигидир. Ундан дарёдай давомли оқувчи сув билан осмон юзи очилади», деб жавоб бердилар».

788. Ибн Аббос айтдилар: «Камалак ер юзи аҳолиси учун ғарқ бўлишдан омонликдир. Сомон йўли эса, осмоннинг эшигидир. Осмон ўша сомон йўлидан ёрилади»[1].

[1]Мунажжимликка оид илмий ишлар ва энциклопедияларда ёзилишича, Сомон йўли Вероника сочлари туркумида бўлиб, осмонни деярли катта айлана бўйлаб ўраб олган ёруғ йўл. Ислом ақидасига кўра, ана шу айлана осмон қопқаси ва у ажралиб кетиши ҳам мумкин (м.м.).

330-боб. «Аллоҳим, мени марҳаматинг қароргоҳига қўйгин», деган ҳадис ҳақида

789. Абу Ҳорис Кирмоний айтдилар: «Бир киши Абу Ражога: «Сенга салом бўлсин, Аллоҳдан марҳамати қароргоҳида иккимизни бирга қилишини сўрайман», деганини эшитдим. Абу Ражо унга: «Бирор киши бунга қодирми? Аллоҳнинг марҳамат қароргоҳи нима экан?" – деб сўради. Бояги киши: "Жаннат", деганди, Абу Ражо: "Тополмадинг", деди. "Нима бўлмаса Аллоҳнинг марҳамати қароргоҳи?" – деб сўради у одам. «Оламларнинг Парвардигоридир», деб жавоб берди Абу Ражо».

331-боб. Замонни сўкмаслик ҳақида

790. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: Пайғамбар (с.а.в.): «Сизлардан бирортангиз «Э, бу замондан кўнглим қолди», деб замонни сўкмасин. Чунки Аллоҳ замондир.

Бошқа ҳадисларда «Замон Аллоҳникидир», дейилган. (т.).

791-ҳадис 790-ҳадиснинг айнан такрори.

332-боб. Мусулмон мусулмонга тик қарамайди

792. Мужоҳид (р.а.) айтдилар: «Мусулмон киши биродарига ёв қараш қилиши, уни таъқиб қилиши ёки: «Қаердан келдинг?» «Қаерга кетяпсан?» – деб сўроққа тутиши макруҳдир».

333-боб. «Ҳолингга вой бўлсин», дейиш ҳақида

793. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир киши қурбонлик қилинади-



ган туяни ҳайдаб кетаётганини кўриб: «Унга мин», деб буюрдилар. У одам: «Бу қурбонлик туяси-ку», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: «Мин унга», дедилар. У яна «Бу ахир қурбонликка олиб кетилаётган туя-ку», деди. Ул зот яна: «Мин бу туяга», деб буюрдилар. Киши яна ўша жавобини берган эди, «Ҳолинга вой бўлсин сенинг, мин унга», деб буюрдилар.

794. Ибн Аббосдан бир киши: «Мен нон ва гўшт егандим. Таҳоратимни янгилашим керакми?» – деб сўради. Ибн Аббос: «Ҳолингга вой бўлсин сенинг, ҳалол нар-са еса ҳам таҳорат бузиларканми?» – дедилар.

795. Жобир ибн Абдуллоҳ айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Жиъиррона мавзесида Ҳунайн ғазотида тушган ўлжаларни тақсимлаётган эдилар. Олтинлар Билол (р.а.)-нинг қучоғида эди.Ул зот ҳузурларига бир киши келиб: «Сиз адолат қилмаяпсиз, адолат қилинг!» – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳолингга вой бўлсин сенинг, мен адолат қилмасам, ким қилади?» – дедилар. Шунда ҳазрати Умар: «Эй, Аллоҳнинг Расули, изн беринг, бу мунофиқнинг бўйнини узиб ташлай!» – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу ва бунинг дўстлари Қуръонни ўқийдилар, лекин у бўғизларидан нарига ўтмайди, камондан ўқ қандай отилиб чиқса, улар ҳам диндан шундай чиқиб кетадилар», деб марҳамат қилдилар.

796. Башир ибн Маъбад Садусийдан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан: «Исминг нима?» – деб сўрадилар. «Заҳм», деб жавоб қилди у. Ул зот: «Йўқ, сенинг исминг Башир бўлсин», дедилар.

«Заҳм» кулфат, озор маъносида, «башир» эса, хушхабар келтирувчидир (т.).

Башир айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) билан қабристон оралаб кетаётган эдик. Ул зот мушрикларнинг қабри ёнидан ўтсалар, 3 марта: «Булар кўп хайрли ишларни қўлдан бой бердилар», дердилар. Мусулмон-

лар қабри ёнидан ўтаётганда эса: «Булар кўплаб эзгуликларга эришдилар», дердилар уч мартадан. Тасодифан Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қабристонда пойафзали билан юрган кишига кўзлари тушиб қолиб: «Эй, сабтияли, сабтиянгни ташла», дедилар. У одам Пайғамбар (с.а.в.)ни кўргач, оёқ кийимларини ечиб отиб юборди.

Сабтия – ошланган теридан тайёрланган пойабзал (т.).

334-боб. Уй қуриш ҳақида

797. Муҳаммад ибн Ҳилолдан ривоят қилинди. У киши Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг ҳужралари хурмо дарахти шохларидан қурилган бўлиб, юнг латталари билан қопланганини кўрган эдилар. Ибн Ҳилол айтдилар: «Мен Ойишадан уйлари ҳақида сўрадим. У: «Уйнинг эшиги кун ботар томонга қаратилган эди», деди. «Эшик бир табақалимиди ё қўштабақалимиди?» – деб сўрадим. У: «Бир табақали эшик эди», деди. «Эшик нимадан ясалганди?» – деб сўрадим яна. У: «Қора арчадан ёки саждан[1] эди», деб жавоб берди.

798. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ «Одамлар уйларини расмлар билан безатмагунларигача қиёмат қойим бўлмайди», дедилар.

335-боб. «Отанг ҳақи», дейиш ҳақида

799. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, энг кўп ажру савобга эга бўладиган садақа

[1] Жанубий минтақаларда ўсадиган сиёҳ ранг дарахт ёғочи (м.м.).



қайси?» – деб сўради. Ул зот: "Отанг ҳақи, буни сенга баён қилинади. Сен соғ пайтингда, камбағал бўлиб қолишдан қўрқиб бахиллик қилган ва бойликни орзу қилган пайтингда садақа қилишинг керак. Садақани кечиктириб, жонинг халқуминга келганда "Фалончига мунча, пистончига шунча" деб қолмагинки, у пайтда сен айтмасанг ҳам (мол-дунёинг) "фалончилар"га қолади", дедилар».

336-боб. Киши бировдан кичик нарса сўраши ва уни мақтамаслиги керак

800. Абдуллоҳ ибн Умар айтдилар: «Сизлар бировдан зарур бўлиб қолган нарса сўраса кичикроқ, аҳамиятсизроғини сўрасин, зеро унга тақдирида белгиланган насиб қилади. Сизлардан ҳеч ким дўстининг олдига борганда уни мақтамасинки, белини синдириб қўяди».

801. Абу Иззат Ясор ибн Абдуллоҳ Ҳузалийдан ривоят қилинди: Набий муҳтарам (с.а.в.) айтдилар: «Агар Аллоҳ таоло бир бандасининг жонини бирор ерда олишни хоҳласа, уни ўша ерга келтириб қўяди ёки у банда учун ўша ердан бир эҳтиёж чиқариб қўяди».

337-боб. «Сенга қасд қилган паст бўлсин!» дейиш ҳақида

802. Абу Абдулазиз айтдилар: «Абу Ҳурайра бизникида бир кеча қолдилар. Тўғрида кўринган юлдузга қараб: «Абу Ҳурайранинг жони қудрат қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, баъзи қавмлар дунёда иш боши бўлишни ва раҳбарлик қилишни орзу қиладилар. Агар улар осмондан

оёқларини узатиб тушган бўлсалар ҳам, (бошқарувга келгандан сўнг масъулият оғирлигидан) кошки иш боши бўлмасайдик, кошки раҳбар бўлмасайдик», деб қоладилар». Абу Ҳурайра менга яқинлашиб: «Сенга қасд қилган паст бўлсин, ахир, шарқ халқлари бошидан бу ҳодисалар ўтган-ку! Мен: «Аллоҳга қасамки, шундай»,- дедим. Абу Ҳурайра: «Аллоҳ уларнинг юзларини қора қилсин ва тузоқларига ўзларини туширсин. Абу Ҳурайранинг ҳаёти қўлида бўлган Аллоҳга қасамки, улар одамларга раҳбарлик қилишда жаҳлдан чеҳралари қатланган қалқондай бужмайиб, қизариб кетади. Ҳатто деҳқон даласига, чўпон подасининг олдига кетиб қолади».

Яъни шаҳарга келиб яшаб қолган қишлоқлик одамлар ушбу раҳбар одамларнинг зулмидан қўрқиб, ўз масканларига қайтиб кетадилар (т.).

338-боб. Киши «Аллоҳ ва фалончи» демаслиги ҳақида

803.. Ибн Журайж (р.а.) айтдилар: «Муғисдан эшитдимки, Ибн Умар ундан хожаси кимлигини сўрабдилар. У: «Аллоҳ ва фалончи», деб жавоб берибди. Ибн Умар: «Ундай демагин, Аллоҳдан кейин фалончи дегин», дебдилар».

339-боб «Аллоҳ ва сен хоҳласанг» демаслик ҳақида

804. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳга мени баробар қилиб қўйдинг. Ягона Аллоҳнинг ўзи хоҳлайди», деб унинг гапини тузатиб қўйдилар».



340-боб. Мусиқа ва кўнгилхушлик ҳақида

805. Абдуллоҳ ибн Динор айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар билан бозорга чиқдик. Ашула айтаётган кичкина жория олдидан ўтаётганда Ибн Умар: «Шайтон агар бировни тарк қилса, мана шуни тарк қилган бўларди». дедилар».

806. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Менинг ҳеч қандай ўйин-эрмакка, ҳеч қайси ўйиннинг менга алоқаси йўқ», дедилар. Яъни, ботил нарсалар билан менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Демоқчи бўлдилар».

807. Ибн Аббос Аллоҳ таолонинг «Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳ йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олурлар» (31:6), деган оятидаги «беҳуда сўз» бу ашула ва шу кабилардир», деганлар.

808. Баро ибн Озиб айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Саломни ёйинглар ва саломлашинглар, ашарот ёмондир», дедилар. Ҳадис ровийларидан Абу Муовия: «Ашарот бу ўйин-кулгу, кўнгилхушликдир», деб изоҳлаганлар.

809. Фузола ибн Убайддан ривоят қилинди: Кўпчилик тўпланадиган бир жойда одамлар нард ўйнаётганларининг хабари унга етиб келди. У ғазаб билан туриб, уларни бу ишдан қатъиян манъ қилди. Сўнгра: «Нард қиморидан ейиш учун уни ўйнайдиган одам худди тўнғиз гўштини еган ва қон билан ювинган кабидир», деди.

341-боб. Тўғри йўлга юриш ҳақида

810. Зайд ибн Ваҳб айтдилар: «Ибн Масъуд: «Сизлар фақиҳлари кўп, хатиблари кам, садақа кам сўраладиган, ҳадя, хайр-эҳсон кўп бериладиган ва лаҳв,

бекорчи ишлардан фойдали амаллар устун келган бир замонда яшаяпсиз. Сизлардан кейин бир давр келадики, унда фақиҳлар кам, нотиқлар сероб бўлади, кўпкўп садақа сўралади, ҳадя, хайр-эҳсон кам берилади ва беҳуда кўнгилхушликлар фойдали амаллардан устун келиб қолади. Шуни яхши билингки, охир замонда тўғри йўлда юриш баъзи амаллардан кўра яхшироқ бўлиб қолади», дедилар.

811. Журайрий айтдилар: «Мен Абу Туфайлдан: «Сиз Расулуллоҳни кўрганмисиз?» – деб сўрадим. У киши: «Ҳа, ер юзида мендан бошқа Набий (а.с.)ни кўрган тирик одам борлигини билмайман», дедилар ва яна: «Ул зот оппоқ, гўзал ва ёқимли юзли эдилар», дедилар».

812-ҳадис 811-ҳадиснинг айнан такрори.

813-ҳадис. Ибн Аббосдан ривоят қилинди: Набий муҳтарам (с.а.в.): «Тўғри йўлда юриш, ахлоқли бўлиш ва иқтисод пайғамбарликнинг 25 жузъидан бир жузъидир», дедилар.

814-ҳадисда 813-ҳадиснинг мазмуни айнан такрорланган.

342-боб. Сен кутмаган хабарларнинг келиши

815. Икримадан ривоят қилинди. У киши дедилар: «Мен Ойиша (р.а.)дан: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бирор бир шеър айтганларини эшитганмисиз?» – деб сўрадим. Ойиша (р.а.): «Баъзан уйга кираётганларида: «Сен кутмаган хабар келади...» деган мисрани ўқир эдилар», деб жавоб бердилар».

816-ҳадиснинг мазмуни 815-ҳадисда бор.

343-боб. Орзу-тилакнинг макруҳ жиҳатлари ҳақида

817. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди:. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан биринғиз бирор нарсани

орзу қилса, нима тилаётганига қарасин, зеро у ўзига нима берилишини билмайди», дедилар.

Бу ҳадис одоб ва мантиққа тааллуқли: банда Аллоҳга дуо қилаётганда хокисорлик ва овозини баланд қилмасдавн махфий сўраши керак, айнан нимани сўраётганини билиши, англаши лозим. Масалан, бировни қарғаб, унга ўлим тилаб, шу жумладан ўзига ҳам ўлим тилаши макруҳ ҳисобланади (т.).

344-боб. Узумни «карм» демаслик ҳақида

818. Алқама бин Воил (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан ҳеч ким «карм» демасин. Балки «ҳубла», яъни «узум» денг», дедилар.

Араб тилида «карм» сўзи «ток навдаси» деган маънони билдиради. «Ҳубла» сўзи ҳам узумнинг бир навини англатади. («Ан-Наъим» арабча-ўзбекча луғат, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси илмий нашриёти, Тошкент-2003 й., 155, 712-бетлар).

Расулуллоҳ (с.а.в) бу ҳадислари орқали одамларни тўғри гапиришга ундамоқдалар, валлоҳа аълам (т.).

345-бобдаги Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 819-ҳадис 793-ҳадиснинг такрори, фақат бунда ҳайвон эмас, аниқ тева дейилган, «Ҳолингга вой бўлсин» ўрнига «Эй, сен», дейилган.

346-боб. Инсонга хитоб

820. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қайинсингиллари Ҳанна бинти Жаҳш (р.а.)бир гапни ул зотга арз қилганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Нима бу, эй, хотин?» – дедилар.

821. Ҳубай ибн Шаҳдон айтдилар: «Амрни кўрдим. Фарз намозини ўқир эди. Намоздан фориғ бўлгач, ёнидаги кишига: «Эй, одам! – деди ва ўрнидан турди.

822. Амр ибн Шарид (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) мени уловларига мингаштириб олгандилар. Мендан: «Умайя ибн Абуссалтнинг шеърларидан биласанми?» – деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», дедим ва бир

байт ўқидим. Шунда ул зот: «Ҳа-ҳа!», дедилар. Мен бундан илҳомланиб яна 100 байт ўқидим».

«Ҳа-ҳа» – яна ўқи, деган маънодадир (т.).

347-боб. Эринчоқлик ҳақида

823. Абдуллоҳ ибн Мусо айтдилар: «Ойиша (р.а.): «Тунги намозни ҳеч ҳам ташлаб қўйманг, чунки Пайғамбар (с.а.в.) уни ҳеч вақт қўлдан чиқармасдилар. Агар бемор ёки камқувват бўлсалар ўтириб ўқир эдилар», дедилар».

348-боб. Дангасаликдан паноҳ сўрамоқ ҳақида

824. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу дуони кўп такрор қилардилар: «Парвардигоро! Сендан ғам-ташвишдан, ожизликдан, бахтсизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва кишиларнинг ғолиб бўлиб кетишидан паноҳ беришингни сўрайман».

349-боб. «Жоним сенга фидо бўлсин» дейиш ҳақида

825. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Абу Талҳа (р.а.) ғазот пайтида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларида тиззалаб ўтирди-да, ўқ-ёйини сочиб: «Юзим-юзинга қалқон, жоним ўзингга қурбон», деб шеър ўқирди.

826. Абу Зарр (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Бақий қабристонининг ёнидан тўғрига кетаётган эдилар, мен ҳам орқаларидан борардим. «Эй, Абу Зарр!» – дедилар менга юзларини ўгириб. «Лаббай, эй Расу-



лаллоҳ, амрингизга мунтазирман», дедим. «Молларини фақат бойлик учун кўпайтирганлар қиёмат куни ажр ололмайдилар, молларини кўпайтириб, ҳақ йўлда сарф қилганлар бундан мустаснодир», дедилар. Мен: «Аллоҳ ва унинг расули буни яхши билади», дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларини уч карра такрор қилдилар. Сўнгра олдимизда Уҳуд тоғи кўринди. «Эй, Абу Зарр!» – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Жоним сизга фидо бўлсин. эй, Расулаллоҳ, буюринг!» – дедим. «Уҳуд тоғининг Муҳаммад оиласи учун олтинга айланиши ёки динор – пул бўлиб қолиши мени бахтиёр қилмайди», дедилар. Сўнгра бир водийга чиққач, панароқ жойга бурилдилар. Мен бир ҳожатлари бўлса керак, деб бир четга бориб ўтирдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир муддат ўтгач, оғир-оғир қадамлар босиб мен тарафга кела бошладилар. Ул зотнинг бундай қадам ташлашларидан ажабландим. Ажабки, бир одам билан гаплашгандай бир нарсалар деб гапириб келардилар. Ниҳоят бошларини тик қилиб тўғри олдимга келдилар. Мен: «Эй, Расулаллоҳ, ким биландир пичирлашиб гаплашдингиз шекилли?» – деб сўрадим. «Буни сездингми?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Ҳа», дедим. «Ул зот Жаброил (а.с.) эдилар, – деб жавоб бердилар Расулуллоҳ (с.а.в.). – Умматларимдан Аллоҳга ширк келтирмаган мўмин жаннатга тушади, деган хабарни етказиб келибдилар». «Зино қилса ҳам, ўғирлик қилса ҳамми?» – деб сўрадим. «Ҳа», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Бу ҳадисдан зино ва ўғрилик каби катта гуноҳларни содир иш мумкин экан, деган маъно чиқмайди. Балки ул зот (с.а.в) бу ҳадиси шарифлари орқали Аллоҳга ширк келтириш энг оғир гуноҳ экани, ундан ўзга ҳар қандай гуноҳни қилган банда қайта қилмаслик шарти билан

тавба қилса, Аллоҳ кечириши мумкинлигини билдирмоқдалар. Умуман, Ғаззолий каби уламоларнинг фикрларича, хоҳ кичик, хоҳ катта гуноҳлар учун истиғфор айтиш ва қайта шу гуноҳни қилмасликка қасд қилинсагина унинг кечирилишидан умид қилиш мумкин. (т.).

350 боб. «Ота-онам сенга фидо бўлсин» дейиш ҳақида

827. Ҳз. Али (к.в.)айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Саъд ибн Абу Ваққосдан бошқа кишига «Ота-онам сенга фидо бўлсин», деганларини эшитмаганман. Ул зот Саъдга: «От, Саъд, от, ота-онам сенга фидо бўлсин!» – дегандилар».

Бу воқеа Уҳуд жанги куни бўлган эди (т.).

828. Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилди: Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидга чиққанларида Абу Мусо Қуръон ўқиб ўтирган эди. «Ким у?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Бу мен, фидойингиз бўлай, ё Расулуллоҳ, Бурайдаман» – дедим. Шунда ул зот: «Бу одамга оли Довуд (а.с.)га берилган хуш овоз ато қилинибди» – деган эканлар.

351-боб. Отаси Исломга кирмаган кишига «Эй, ўғлим!» дейиш ҳақида

829. Саъд ибн Ҳаким отасидан, у эса бобосидан ривоят қилди: «Бобоси айтди: Умар ибн Хаттобнинг олдиларига борганимда у киши менга «Эй, биродаримнинг ўғли!» – деб мурожаат қилдилар. Сўнгра насабимни суриштириб, отам Исломга кирмаганини эшитгач: «Эй, ўғлим!» – деб мурожаат қила бошладилар.

Ҳз. Умар (р.а.) унинг отаси Исломга кирмаганини эшитиб, биродаримнинг ўғли, деб мурожаат қилганликларидан ўкиндилар ва мусулмон кишини ўғлим, деб атай бошладилар, Исломга кирмаган одам мусулмонга биродар бўла олмайди (т.).



830. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га хизмат қилиб юрган чоғларимда рухсатсиз уйларига кириб-чиқиб юраверардим. Бир куни уйларига кирганимда: «Эй, ўғлим! Бундан буён зинҳор рухсат сўраб киргин. Аллоҳдан шундай амр келди», дедилар».

831. Ривоят қилишларича, Абу Саид Худрий (р.а.) Абу Саъасанинг отасини «Ўғлим», деган экан.

352-боб. «Хабисат нафсий» демаслик ҳақида

832. Ҳз. Ойиша (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини ривоят қилдилар: «Сизлардан ҳеч бирингиз нафсим ифлосланади демасин, аксинча, «Мижозим бузилди», десин».

Хабисат нафсий – нафсим ифлосланди, деган маънода, лақисат нафсий – нафсимнинг мизожи маъносида (т.).

833-ҳадис 832-ҳадиснинг такрори, фақат у Абу Умомадан ривоят қилинган ва бу ҳадисни илк ривоят қилган Укайл эслатиб ўтилади.

353-боб. Абул Ҳакам куняси ҳақида

834. Шурайх бин Ҳоний айтди: Ҳоний ибн Язид қавмдошлари билан ҳайъат тузиб Пайғамбаримиз ҳузурларига борди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қавмдошлари уни Абул Ҳакам, деб чақираётганларини эшитиб, уни ёнларига чорладилар ва: «Ҳакам – Аллоҳ таолодир, барча хукм Унга оиддир. Нега сенинг кунянг Абул Ҳакам?» – деб сўрадилар. У: «Қавмдошларим ўзаро ихтилоф қилиб қолсалар, менинг олдимга келиша-ди, мен ўрталарида ҳакамлик қиламан, уришганлари ярашиб кетишади», деб жавоб берди. Ул зот: «Бу қандай яхши иш!» – дедилар. Сўнг: «Фарзандларинг борми?» – деб сўрадилар. У: «Менинг Шурайҳ, Абдуллоҳ ва Муслим деган ўғилларим бор», деди. Ул зот: «Уларнинг каттаси қайси?» –

деб сўрадилар. «Шурайҳ», деб жавоб берди у. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бўлмаса, сен Абул Шурайҳ бўлақол», дедилар ва уни ўзининг ва фарзандларининг ҳақига дуо қилдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишини одамлар «Абдулхажар, деб чақираётганларини эшитиб, «Исминг нима?» – деб сўрадилар. «Абдулхажар», деди. Ул зот: «Йўқ, сен Абдуллоҳсан», дедилар.

Абдулҳажар – тошнинг қули (т.).

Шурайҳ айтади: (Отам) Ҳоний юртига қайтиб кетгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига яна қайтиб келди ва: «Менга жаннатни вожиб қиладиган нарса ҳақида хабар беринг», деди. Ул зот: «Сенга хуш калом, хуш муо-малали бўлиш ва (муҳтожларга) таом беришни канда қилма», дедилар.

354-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.) чиройли исмни яхши кўрардилар

835. Абу Ҳадрад (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мана шу туямизни ким суғориб келади?» ёки: «Мана шу туямизни ким (Маккагача) ҳайдаб боради?» – дедилар. Бир киши: «Мен», деди. Ул зот ундан: «Исминг нима?» – деб сўрадилар. «Фалончи», деб исмини айтди. Ул зот «Ўтир», дедилар. Сўнг бошқа одам турди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан ҳам: «Исминг нима?» – деб сўрадилар. У ҳам исмини айтди, унга ҳам «Ўтир», дедилар. Сўнг бошқаси турди. Ул зот: «Исминг нима?» – деб сўрадилар. «Ножийа»[1], деди у. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Туяни сенга топширамиз, уни сен (Маккагача) ҳайдаб бор», дедилар.

[1] Ножийа – нажот топган, мўмин-қобил дегани. Исмнинг маъносига қараб инсоннинг феъл-атворини белгилаш ҳақидаги фан бизнинг замонамизда эндигина юзага келди. Эҳтимолки, бу фанга Расулуллоҳ (с.а.в.) асос солгандирлар, валлоҳу аълам (м.м.).



355-боб. Тез юриш ҳақида

836. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) жуда ҳам шошиб келдилар. Биз ўтиргандик, ул зотнинг нақадар шошганлари бизни ташвишга солди. Олдимизга келиб тўхтагач, салом бердилар, сўнг: «Сизларга «Лайлату-л-қадр»нинг хабарини етказайин, деб шошилиб келдим, лекин шу орада унинг қайси кундалигини унутиб қўйдим, Уни Рамазон ойининг охирги ўн кунлигидан изланг», дедилар.

356-боб. Аллоҳ таолога ёқимли исмлар ҳақида

837. Уқайл бин Шабиб Абу Ваҳбдан ривоят қилади: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «(Ғудакларга) пайғамбарларнинг исмларини қўйинглар. Аллоҳга энг ёқимли исмлар Абдуллоҳ ва Абдурраҳмондир, энг содиғи Ҳорис[1] ва Ҳаммомдир[2], энг ёқимсизи эса Ҳарб ва Мурра[3] исмларидир».

838. Жобир ибн Абдуллоҳ айтдилар: «Орамизда бир киши фарзанд кўрди ва исмини Қосим, деб қўйди. Биз унга: «Биз сени Абулқосим[4] деган куня билан чақирмаймиз ва ҳурмат ҳам қилмаймиз», дедик. У одам бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.)ни хабардор қилгач, ул зот унга: «Ўғлингга Абдурраҳмон, деб исм қўйгин», дедилар».

---

[1] Ҳорис – ер ҳайдовчи; деҳқон.

[2] Ҳаммом – ғайратли, тиниб-тинчимас, чарчамас деган маънода.

[3] Ҳарб – бу ўринда жанговор маъносида; Мурра – рад этилган, лаънатланган.

[4] Абулқосим аслида Расулуллоҳнинг кунялари, шунга кўра одамлар Қосим исмини рад қилганлар, бу ҳақдаги мазмун 859, 860 ва 862-ҳадисларда келади (м.м.).

357-боб. Исмни ўзгартириш ҳақида

839. Саҳл ибн Саъд айтдилар: «Мунзир ибн Абу Усайд гўдаклигида Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига келтирилди ва уни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тиззаларига қўйдилар, ёнига отаси Абу Усайд ҳам ўтирди. Расулуллоҳ (с.а.в.) нимадир иш билан машғул бўлиб болага эътибор бермадилар. Абу Усайд ўғлини Пайғамбар (с.а.в.) тиззаларидан олиб кетишни буюрди. Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) ишларини тугатиб: «Гўдак қани?» – деб сўрадилар. Абу Усайд: «Уни уйга олиб кетишди, ё Расулаллоҳ», деди. «Исми нима?» – сўрадилар ул зот. У: «Фалончи», деганди, ул зот: «Йўқ, унинг исми Мунзир бўлсин», дедилар. Гўдак ўша кундан эътиборан Мунзир[1] деб номланди».

358-боб. Аллоҳга энг ёқимсиз исмлар ҳақида

840. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Аллоҳ ҳузурида энг уятли исм кишининг «Молику-л-амлок»[2],- Шаҳаншоҳ-шоҳлар шоҳи деб аталишидир» деганларини хабар қилди.

359-боб. Бировнинг исмини кичрайтириб, эркалаб чақириш ҳақида

841. Талқ ибн Ҳабиб айтдилар: «Мен шафоатни[3] ёлғон дейдиган одамларнинг энг ашаддийси эдим. Жобир

---

[1] Мунзир – хабар берувчи, огоҳ қилувчи.

[2] Молику-л-амлок – мулклар эгаси ёки шаҳаншоҳ; бу исм такаббурлик аломати бўлганлиги учун Худога хуш келмаган.

[3] Расулуллоҳ охиратда ўз умматларини шафоат қилишлари назарда тутилади (м.м).



ибн Абдуллоҳдан бу ҳақда сўрадим. У киши: «Мен Набий (а.с.)нинг «Дўзахга кирганлар кейин чиқадилар», деганларини эшитганман, эй Тулайқ[1], сен ўқиган нарсани биз ҳам ўқиймиз», дедилар.

360-боб. Кишини ўзи ёқтирган исм билан чақириш ҳақида

842. Ханзала ибн Хизйам айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) одамларни ўзи ёқтирган исми билан чақиришни, ўзи севган куняси билан аташни хуш кўрардилар.

361-боб. «Осия» исмини ўзгартириш ҳақида

Бу ўриндаги "Осия" араб тилида "сод" ҳарфи билан ёзилиб, "исёнкор аёл" деган маънони беради (т.).

843. Ибн Умардан ривоят қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Осия (деган бир аёл)нинг исмини ўзгартирдилар ва: «Сен энди Жамиласан»[2], дедилар.

844. Амр ибн Атодан ривоят қилинди. У Зайнаб бинти Абу Саламанинг олдига кирганида Зайнаб ундан синглисининг исмини сўрадилар. Амр: «Унинг исми Барра», деб жавоб берди. Зайнаб: «Унинг исмини ўзгартиринг, Расулуллоҳ (с.а.в.) Зайнаб бинти Жаҳшга уйланганларида унинг исми Барра эди. Ул зот исмини ўзгартириб, Зайнаб деб номладилар. Умму Саламага уйланган пайтларида менинг исмим Барра эди. Ул зот мени «Барра» деб чақиришаётганини эшитиб: «Ўзларингиз ўзларингизни покиза, деб атаманглар, зеро сизлардан ким покиза, ким фожира, буни Аллоҳ билгувчироқдир. Унга Зайнаб деб от қўйинг», дедилар.

---

[1] Тулайқ Талқ исмининг кичрайтирилганидир; «талақ» учрашиш маъносида..

[2] Жамила гўзал деган маънони англатади (м.м).

Умму Салама: «Бўлди, бугундан бошлаб у – Зайнаб», дедилар. У Зайнаб бинти Абу Саламага «Унда синглимга исм қўйиб беринг», дедим. «Пайғамбар (с.а.в.) ўзгартирганларидай ўзгартириб, Зайнаб қўйинг», дедилар.

362-боб. Сарм деган исм ҳақида

845. Абдурраҳмон ибн Саиддан ривоят қилинди: Саъиднинг исми Сарм[1] эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни «Саъид», деб номладилар.

846. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: Ҳасан туғилган вақтда унга Ҳарб, деб исм қўйдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб: «Менга ўғлимни кўрсатинг-чи, исмини нима деб қўйдингиз?» – дедилар. Биз: «Уни Ҳарб деб номладик», деганимизда, «Йўқ, унинг исми Ҳасан», дедилар. Ҳусайн туғилганда, уни ҳам Ҳарб деб номладим. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб: «Менга ўғлимни кўрсатинг-чи, исмини нима деб қўйдингиз?» – дедилар. Биз: «Ҳарб», дедик, «Йўқ, унинг исми Ҳусайн», дедилар. Учинчи ўғлим туғилганда унга Ҳарб деб ном қўйдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб: «Менга ўғлимни кўрсатинг-чи, исмини нима деб қўйдингиз?» – дедилар. «Ҳарб», дедик. «Йўқ, у Муҳсиндир»[2], дедилар. Сўнг: «Мен буларни Ҳорун (а.с.)нинг Шибр, Шубайр ва Мубашшир деган ўғилларининг исмлари каби номладим», дедилар».

363-боб. Ғуроб[3] деган исм ҳақида

847. Умму Роита бинти Муслимнинг отаси айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Ҳунайн ғазотида

---

[1] Сарм – кескин маъносини англатади, Саъид – бахтли дегани.

[2] Ҳасан – яхшилик, эзгулик дегани, Ҳусайн Ҳасаннинг эркалатиб айтилгани, Муҳсин – яхшилик қилувчи дегани.

[3] Ғуроб – қарға, Муслим – бўйсунган, итоаткор (м.м).



бирга қатнашдим. Ул зот мендан: «Отинг нима?» – деб сўрадилар. «Ғуроб» деганимда, «Йўқ, сенинг исминг Муслим бўлсин», дедилар.

364-боб. Шиҳоб исми ҳақида

848. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ ҳузурларида уни Шиҳоб, деб чақиришларини айтди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Йўқ, сенинг отинг Ҳишом[1] бўлсин» дедилар.

365-боб. Ал-Ос исми ҳақида

849. Абдуллоҳ ибн Мутиъ айтдилар: «Мутиъдан эшитдим: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Макка фатҳи куни «Қурайш қабиласи бундан кейин то қиёматгача қатли ом қилинмайди», дедилар. Ўшанда Мутиъдан бошқа қурайш осийлари Исломга кирмагандилар». Унинг исми Ал-Ос эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Мутиъ деб номладилар[2].

366-боб. Исмни қисқартириб чақириш ҳақида

850. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Ойиш! Жаброил (а.с.), сенга салом йўлламоқдалар», дедилар. Мен унга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин, дедим. Ул зот мен кўрмаган нарсани кўрардилар».

---

[1] Шиҳоб – нур, шуъла, юлдуз, олов, Ҳишом – камтарлик, товозелик, уятчанлик маъноларини англатади (м.м.).

[2] "Ал-Ос" араб тилида "осий, гуноҳкор" дегани бўлиб, Мутиънинг исми ҳам шундай эди. "Мутиъ" эса, "бўйсинувчи", "итоаткор" деган маънодадир. Қурайш қабиласида Мутиъдан бошқа яна тўртта Ал-Ос исмли кишилар бўлиб, улар ҳали Исломни қабул қилмагандилар (Ф.с.)

851. Иброҳим Басрий айтдилар: «Ҳажга бориб келган бувим Умму Кулсум бинти Самома менга айтиб бердилар: акалари Махориқ ибн Самома Умму Кулсумга: «Ойиша (р.а.)нинг олдиларига кириб, улардан Усмон ибн Аффон (р.а.) ҳақларида сўраб чиқинг, одамлар у киши ҳақида жуда кўп гапирмоқдалар», дедилар. Умму Кулсум айтдилар: «Мен Ойиша (р.а.)нинг ҳузурларига кириб: «Ўғилларингиздан бири сизга салом йўллади ва Усмон ибн Аффон (р.а.) ҳақларида фикрингизни сўради», дедим. Ойиша (р.а.): «Унга ҳам Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин. Усмон ибн Аффон (р.а.) ҳақида бўлса, мен шунга гувоҳманки, мана шу уйда, иссиқ бир кечада Пайғамбар (с.а.в.)га Жаброил (а.с.) ваҳий олиб тушган эдилар, Усмон (р.а.) ҳам шу ерда эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) Усмон (р.а.)нинг елкаларига уриб: «Ёз, эй, Усм», деган эдилар. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ (с.а.в.) тили билан шундай юксак даражага кўтарган одам (Усмон) албатта яхши одамдир. Кимки Усмон (р.а.)ни сўкса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» – дедилар.

У киши ҳақида кўп гапирмоқдалар дейишдан мурод ёмон гаплардир.

Бу ўринда «ўғилларингиздан бири» дейилишига сабаб, Аллоҳ таоло Қуръонда билдиргани каби Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аёллари барча мўминларнинг оналари бўлганликлари учундир (т.).

367-боб. Заҳм исми ҳақида

852. Башир ибн Нуҳайк айтди: «Башир ибн Ҳасосий (р.а.)нинг илгариги исми Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига боргунига қадар Заҳм эди. «Сенинг исминг нима?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Заҳм», деб жавоб берди. Расулуллоҳ (с.а.в.) буни эшитиб: «Йўқ, сенинг исминг Башир бўлсин», дедилар. Мен бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.)



бирга эдим, ул зот: «Эй, Ҳасосий! Сен Аллоҳдан рози бўлгинки, қайсидир яхши ишинг учун у сени Ўзининг Расули билан бирга бўлмоққа муяссар этди», дедилар. «Ота-онам сизга фидо бўлсин. Аллоҳдан ҳеч бир шикоятим йўқ. У ҳар бир хайрли ишга мени йўллади», дедим. Бироз юргач, мушрикларнинг қабристони ёнидан ўтдик. «Мана булар барча хайрли ишлардан юз ўгириб ўтдилар», дедилар. Сўнгра мусулмонларнинг қабристони ёнидан ўтаётганимизда: »Булар эса, барча хайрли ишларни қилдилар», деб марҳамат қилдилар. Шу орада қабрлар устида пойабзали билан юрган бир одам кўринди. «Эй, сабтия кийиб олган одам! Пойабзалингни ечиб ташла!» — деб буюрдилар. У ҳам тезда пойабзалини ечиб ташлади[1].

853-ҳадис мазмунан 852-ҳадиснинг такрори, бу ҳадис Ҳасосийнинг хотини Лайлодан ривоят қилинган.

368-боб. Барра деган исм ҳақида

854. Ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилинди: «Жувайриянинг исмлари Барра эди, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Жувайрия, деб номладилар».

855. Абу Ҳурайра айтдилар: «Маймунанинг исмлари Барра эди, Пайғамбар (с.а.в.) унга Маймуна[2] исмини бердилар».

369-боб. Афлаҳ исми ҳақида

856. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ривоят қилдилар: «Худо менга умр берса, иншоаллоҳ, умматларимни Баракот, Нофиъ ва Афлаҳ исмлари-

[1] Мазкур ҳадис мазмуни Башир ибн Маъбад Садусийдан ривоят қилинган 793-ҳадисда ҳам бор.

[2] Маймуна — бахтли, қутлуғ (м.м).

дан қайтараман», дедилар. Ровий Аъмаш: «Рафиъ исми ҳақида гапирган ё гапирмаганларини билмайман», деди. Одамлар: «Баракот бу ердами?» – деб сўраганда. «Бу ерда эмас», деб жавоб берилди. (Бу билан исм эмас, сўзнинг маъноси назарда тутилмоқда). Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этгунларигача бу исмларни тақиқламадилар.

857. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Яъло, Барака, Нофиъ, Ясор, Афлаҳ ва шунга ўхшаш исмлар қўйишдан қайтаришни хоҳла-дилар. Сўнгра[1] сукутга чўмдилар ва бошқа ҳеч нарса демадилар.

370-боб. Рабоҳ исми ҳақида[2]

858. Умар ибн Хаттоб (р.а.) айтдилар: «Пайғамбар (с.а.в.) аёлларидан алоҳида ўтирган вақтларида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнимдаги ходимлари Рабоҳга: «Эй, Рабоҳ, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан киришим учун изн сўра», дедим».

371-боб. Пайғамбарларнинг исмлари ҳақида

859. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Менинг исмимни (гўдакларга) қўйинглар, лекин менинг куним билан ҳеч кимни чақирманглар. Мен Абулқосимман»[3], дедилар.

---

[1] Умматларига бўлган буюк марҳаматлари сабабли уларга қийинчилик бўлишини ўйлаб (Ф.с.).

[2] Бу ҳадис мазмуни, валлоҳу аълам, шундай: арабларда Рабоҳ исми учрамайди. «Рабоҳ» исми ибронийча бўлиб, араблар гўдакларга бу исмни қўймайдилар, аммо бу исмни қўйиш манъ этилмаган. Модомики, Пайғамбаримиз ходимларидан бирининг исми Рабоҳ экан, бу исм жорийдир (м.м.).

[3] Яъни мен фақатгина Қосим исмли фарзандим бўлганлиги учунгина эмас, балки Аллоҳ томонидан дунёвий ва ухровий ишларда тақсимотчи қилиб юборилганим учун азалий қисмат тақозоси билан Абулқосимман (Ф.с.).



860. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бозорда юрган эдилар, бир киши: «Эй, Абулқосим», деди. Ул зот унга қарадилар. У киши: «Эй, Расулаллоҳ, мен сизни чақирмагандим», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Менинг исмимни қўйинглар, куням билан куняланманглар», дедилар».

861. Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) менга Юсуф номини бердилар, қучоқларига олиб, бошимни силадилар».

862. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Ансорларимиздан бирининг хонадонида ўғил туғилиб, исмини Муҳаммад қўймоқчи бўлди». Шуъба Мансурнинг ҳадисида шундай деб ривоят қилди: «Ансорлардан бири ўғлини кўтариб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келди», деди. Сулаймон айтган ҳадисда эса, бундай: «Унинг бир ўғли бўлиб, исмини Муҳаммад, деб аташни истаган эди». Расулуллоҳ (с.а.в.): «Исмимни исм қилиб қўйинглар, аммо кунямни олманглар, чунки, мен адолатли тақсим қилувчи бўлиб келдим ва шундай қиляпман», деб марҳамат қилдилар. Ровий Ҳусайн ҳам шундай деб нақл этган.

863. Абу Мусо (р.а.) айтдилар: «Ўғлим туғилгач, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келтирдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг исмини Иброҳим қўйиб, хурмо чайнаб, у билан чақалоқнинг танглайини кўтардилар. Сўнг ўғлимга баракотли умр тилаб дуо қилдилар». Бу Абу Мусонинг тўнғич ўғли эди.

372-боб. Ҳазн исми ҳақида

864. Саъид ибн Мусаййиб отасидан, у бобосидан ривоят қилди: (Саъиднинг бобоси Ҳазн) Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига келганида ундан: «Исминг нима?» — деб сўрадилар. «Ҳазн», деди. Ул зот: «Энди исминг

Саҳл бўлсин», дедилар. У: «Мен отам қўйган исмни ўзгартирмайман», деди. (Ибн Мусаййиб айтади: ҳали ҳамон уйимиздан ғам-андуҳ аримайди).

«Ҳазн»нинг маъноси «ғам-андуҳ», шунинг учун Расулуллоҳ уни ўзгартиришни айттанларини ҳамда сўзлари қабул бўлмай, ерда қолишининг оқибати қандай бўлишини англатилмоқчи (т.).

865-ҳадис мазмуни 864-ҳадисда айнан такрорланган.

373-боб. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг исм ва кунялари

866. Жобир (р.а.) айтдилар: Бир хонадонда фарзанд туғилди. Исмини Қосим деб қўйди. Ансорлардан бири: «Сенга Абулқосим кунясини бермаймиз, бу куня билан сени улуғламаймиз», деди. Фарзанд кўрган ота Расулуллоҳ (с.а.в.)га бориб бу ҳақда арз қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Жуда яхши айтибди, исмимни исм қилиб қўйинг, лекин кунямни исм қилиб қўйманг, чунки мен Қосимман».

867. Ибн Ханафия айтдилар: «Ҳз. Али (к.в.): «Эй, Аллоҳнинг Расули, сиздан кейин фарзандимга исмингизни ёки кунянгизни қўйсам бўладими?» — деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб бердилар ул зот».

868-ҳадис 866-ҳадиснинг мазмунан такрори. 869-ҳадис ҳам Анас ибн Моликдан ривоят қилинган бўлиб, 860-ҳадиснинг такроридир, Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 859-ҳадисда ҳам, Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган 860 ва 862-ҳадисларда ҳам шу мазмун ифода этилган.

374-боб. Мушрик ҳам куняси билан чақириладими

870. Усома ибн Зайд айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул қатнашаётган бир йиғинга бордилар. Ўшанда у ҳали Исломни қабул қилмаганди. У: «Йиғилишимизга зарар етказма», деди. Ра-

сулуллоҳ (с.а.в.) Саъд ибн Убоданинг олдига бориб: «Эшитдингизми, Абу Ҳабобнинг нима деганини?» – дедилар ва бу билан Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулни назарда тутдилар».

375-боб. Гўдакларнинг куняси ҳақида

871. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) бизникига кирдилар. Кичкина укамга Абу Умайр деган куня (лақаб) бердилар. Унинг бир чумчуғи бўлиб, уни ўйнаб ўтирарди. Бир куни чумчуғи ўлиб қолди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уйимизга кириб укамни хафа бўлиб турганини кўрдилар ва: «Унга нима бўлди?» – деб сўрадилар. «Унинг чумчуғи ўлиб қолди», дейишди. Шунда ул зот: «Эй, Абу Умайр, чумчуққа нима бўлди?» дедилар[1].

376-боб. Туғилмаган болага куня бериш ҳақида

872. Иброҳим (р.а.)дан ривоят қилинди: «Абдуллоҳ Алқама туғилмасидан олдин унга Абу Шибл, деб куня қўйгандилар[2].

873-ҳадис мазмуни 872-ҳадиснинг такроридир.

---

[1] Бу ҳадиснинг мазмуни 178-бобдаги 389-ҳадисда қисман ўтган, у ҳадис ҳам Анас ибн Моликдан ривоят қилинган эди. 389-ҳадисда «майначанг», дейилган эди.

[2] Алқама ибн Қайснинг хожаси ва устози Абдуллоҳ ибн Масъуд кўзда тутилган. Алқаманинг отаси ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қули эди, аммо уларнинг дўстлиги ҳам бўлган, шунинг учун унинг туғиладиган боласига ҳали туғилмасданоқ Абу Шибл, яъни Шербаччанинг отаси, деб куня берган бўлсалар керак, валлоҳу аълам (м.м.).

377-боб. Аёлларнинг куняси ҳақида

874-ҳадис мазмуни 875-ҳадисда келади.

875. Абдуллоҳ ибн Зубайр айтдилар: «Ҳз. Ойиша «Ё Расулаллоҳ! Бошқа аёлларингизни кунялаган экансиз. Мени ҳам куняламайсизми? – дедилар. Расулуллоҳ Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)ни (яъни мени) кўрсатиб: «Ўғлинг билан кунялан», дедилар.

Яъни кунянг Умму Абдуллоҳ бўлсин (т.).

378-боб. Кишининг ўзидаги бирон белги билан кунялаш ҳақида

876. Саҳл ибн Саъддан ривоят қилинди: «Ҳз. Али (к.в.)га ёқимли исм Абу Туроб эди. Ким у кишини шундай деб чақирса, хурсанд бўлардилар. У кишини фақатгина Расулуллоҳ (с.а.в.) бу куня билан атаганлар. Бир куни ҳазрат Али ҳз. Фотима (р.а.)дан хафа бўлиб, уйдан чиқиб кетдилар ва масжиднинг деворига суяниб олдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб у кишини сўрадилар, деворнинг тагида ўтирганларини айтишди. Пайғамбар (с.а.в.) у кишининг олдиларига келдилар. Ҳз. Алининг орқалари тупроққа беланиб кетган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишини турғазиб, уст-бошларини қоқиб қўйдилар ва: «Ўтир, Абу Туроб», дедилар».

"Абу Туроб" бу ўринда "Тупроқ отаси" деган маънода эмас, балки Али (к.в)нинг уст-боши тупроқ бўлиб кетгани учун Расулуллоҳ (с.а.в) мажозий маънода уни шундай деб кунялаганлар (т.).

379-боб. Ёши улуғ ва ҳурматли кишилар билан бирга юриш ҳақида

877. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Талҳа (р.а.)нинг хурмозорида ўтирганла-

рида ҳожатга чиқдилар. Билол (р.а.) ёнларига бордилар. Пайғамбар (с.а.в.) бир қабрнинг ёнидан ўтаётиб, Билол (р.а.) етиб келгунича туриб қолдилар ва: «Шўринг қурсин, эй Билол, мен эшитаётган нарсани эшитаяпсанми?» – дедилар. Билол (р.а.): «Мен ҳеч нарса эшитмаяпман», деб жавоб бердилар. Шунда ул зот: «Бу қабр эгаси азобланмоқда», дедилар. Кейинчалик бу қабрда ётган майит яҳудий экани маълум бўлди».

380-боб. Адаб ҳақида

878. Қайс айтдилар: «Муовия кичкина укасига: «Ходим болани мингаштириб ол», деди. У кўнмади. Шунда Муовия. «Сен қандай ёмон тарбия олгансан-а!» – деди. Қайс айтдилар: «Мен Абу Суфённинг унга «Укангни ўз ҳолига қўй», деганини эшитганман».

879. Амр ибн Осс (р.а.) айтдилар: «Дўстлар кўпайган сари бурчлар ҳам кўпаяди». Ровий Яҳё: «Мен Мусодан бурчларнинг нима эканлигини сўраган эдим, у: «Ҳақлар», деб жавоб берди.

381-боб. Баъзи шеърлар ҳикмат бўлиши ҳақида[1]

880. Холид ибн Кайсон айтдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳузурларига борган эдим. Олдиларида Ёс

[1] Яъни барча шеърлар ҳам бирдек мақбул эмас, шу билан бирга шеърни бутунлай рад этилмайди. Балки унинг маъносига қаралади: агар унда Аллоҳнинг сифатлари, неъматлари, яхшиликка ундов, тақводорларнинг васфлари келтирилган бўлса, бундай шеърлар мақбул ҳисобланади. Бордию шеърда кимнидир ҳажв ва масхара этилган ёхуд у аёллар мадҳига бағишланган бўлса, бу турдаги шеърлар ҳаром ҳисобланади (Ф.с.).

ибн Ҳайсама бор экан, у: «Эй, Форуқнинг ўғиллари! Шеърларимдан ўқиб берайми?» – деди. У киши: «Ҳа, фақат яхшисини ўқи», дедилар. Шеърнинг Ибн Умарга ёқмайдиган жойи келганда «Бас қил!» – дедилар.

881. Мутарриф айтдилар: «Мен Имрон ибн Ҳусайнга Куфадан Басрагача бўлган йўлда ҳамроҳ бўлдим. Йўл асноси қайси жойда тўхтаб дам олганимизда у киши менга шеър ўқиб: «Киноялы сўзларда ёлғондан қочишлик бор», дерди».

882. Убай ибн Каъбдан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шеърларнинг ҳикматлиси ҳам бор», дедилар».

883. Асвад ибн Сариъ айтдилар: «Ё Расулаллоҳ, мен Парвардигоримни гўзал сифатлар билан мақтаб мадҳия битдим», дедим. Ул зот: «Парвардигор ҳамдни яхши кўради», дедилар ва бошқа ҳеч нарса қўшимча қилмадилар».

884. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кишининг қорни жароҳат билан йирингга тўлиши шеър билан тўлишидан яхшироқдир», дедилар»[1].

885-ҳадис 883-ҳадиснинг такрори, фақат унда Асвад ибн Сариъ Расулуллоҳдан «Раббимга бағишланган мадҳиямни ўқиб берсам майлими?» – деб сўрайди.

---

[1] Ойиша (р.а)га: Абу Ҳурайра (р.а.) "Сизлардан бирингизнинг қорни шеърга тўлиши..." дея юқоридаги ҳадисни айтгани билдирилди. Шунда Ойиша (р.а): "Абу Ҳурайрага Худо раҳм қилсин, ҳадиснинг бошини ёдлабди-ю, охирини ёд олмабди. Мушриклар Расулуллоҳ (с.а.в)ни ҳажв қилиб, шеър тўқир эдилар. Шундан кейин ул зот: "Сизлардан бирингизнинг ичи мана шундай ҳажвий шеърлар билан тўлганидан кўра, йирингга тўлгани яхшироқдир", дегандилар", деб жавоб бердилар. Тағовий айтадилар: "Ҳадисдаги шеърдан Расулуллоҳ (с.а.в)ни ҳажв қилингани кўзланган бўлганида эди, "тўлмоқ" лафзи келмасди. Чунки ундай ҳажвияларнинг ози ҳам, кўпи ҳам куфрдир " (Ф.с).



886. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Ҳассон ибн Собит Расулуллоҳ (с.а.в.)дан мушрикларни ҳажв қилишга рухсат сўради. «Менинг насабим(ни мушрикларнинг ҳажвияларидан) қандай (ҳоли қиласан)?» – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «Хамирдан қил суғургандек улардан сизни тортиб оламан», деди».

Яъни мушрикларнинг аҳмоқона бўҳтонларидан номингизни ҳимоя қиламан, демоқчи (т.).

887. Ҳишом отасидан шундай нақл қилган: «Ойиша онамиз ҳузурларида Ҳассон ибн Собитни сўкишган эди, «Уни сўкмангиз, чунки у Расулуллоҳ (с.а.в.)ни мудофаа қиларди», дедилар».

382-боб. Гўзал ва ёмон шеърлар ҳақида

888-ҳадис 882-ҳадиснинг айнан такроридир.

889. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шеър сўзининг қандайлигига қараб белгиланади: яхшиси яхши сўз, ёмон, қабиҳи эса, ахлоқсиз сўз кабидир», дедилар».

890. Урва нақл қилди: «Ҳз. Ойиша (р.а.) дедилар: «Шеърнинг яхшиси ҳам бўлади, ахлоқсизи ҳам. Яхшисини олинг, ахлоқсизларини ташланг».

891-ҳадис 342-боббаги 815-ҳадсининг такрори, фақат бунда ровий аниқ эмас. 892-ҳадис 883 ва 885-ҳадисларнинг такрори, фақат бунда Анас ибн Сариъ дейилган, таҳрирда Асвад номи Анас бўлиб хато кетган бўлиши мумкин. 383-боббаги 893-ҳадисда 346-боббаги 822-ҳадис мазмуни такрорланган, фақат бунда Расулуллоҳ (с.а.в.): Умайянинг шеърларидан унинг яқинда мусулмон бўлишини англаса бўлади», деб марҳамат қилдилар. 384-боббаги 894-ҳадис 884-ҳадиснинг такрори, фақат бу ҳадис Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинган.

385-боб. Шоирларга эргашмоқ ҳақида

894. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: «Аллоҳ таолонинг ушбу: «Шоирларга йўлдан озганлар эргашур-

лар. Уларнинг ҳар водийда (мавзуда) дайдишларини кўрмадингизми? Ўзлари қилмаган нарсаларни гапиришларини ҳам?» (26:224, 225, 226) – деган оятлари тушгач, унга ушбу истисно ояти ҳам тушди» – деб «Шуаро» сурасининг 227-оятини ўқидилар.

385-бобнинг 896-ҳадиси ҳам 894-ҳадиснинг такроридир.

386-боб. Баённинг жозибадор, сеҳрли усули ҳақида

896. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Бир киши ёки бир аъробий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олди-ларига келди ва очиқ, гўзал жумлалар билан сўзлади. Пайғамбар (с.а.в.) (унинг гапларини ёқтириб): "Баён услубида ҳам жозиба бордир, баъзи шеърлар ҳикматдир", дедилар.

897. Амр ибн Саломдан ривоят қилинди: Абдулмалик ибн Марвон фарзандига Шаъбийни тарбиячи қилиб олиб келди ва: «Уларга шеър (санъатини) ўргатгинки, эл ичида бу борада машҳур бўлсинлар; уларга гўшт бергинки, юраклари бақувват бўлсин; уларнинг сочларини олиб тургинки, бўйинлари мустаҳкам бўлсин; улар билан одамларнинг шарафлилари ёнида ўтиргинки, токи улар билан мунозара қила билсинлар.

387-боб. Шеърдан ҳам кариҳ кўрилган нарсалар ҳақида

898. Ҳз.Ойиша (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Инсонларнинг энг катта гуноҳкори қабиласини ҳажв қилган шоир ва отасини инкор қилган (ундан кечган) одамдир», дедилар».



388-боб. Кўп гап ҳақида

899. Ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида Машриқдан икки хатиб (нотиқ) келиб нутқ сўзлади, сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хатиблари Собит ибн Қайс (р.а.) гапирди, одамларга икки хатибнинг гаплари ёқди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) туриб сўзладилар ва: «Эй, инсонлар, қисқа сўзланг, чунки гапларни безаб гапириш шайтондандир», дедилар». Сўнг: «Сўзнинг ҳам сеҳри бор», дедилар.

900. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бир киши халифа Умар (р.а.) иштирок этган бир йиғинда нутқ сўзлади. Узоқ, эзмаланиб гапирди. Ҳз. Умар (р.а.): «Эзмаланиб гапирмоқ шайтондандир», дедилар.

901. Абу Язид (р.а.)дан ривоят қилинишича кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлар ҳаммангиз масжидларингизда тўпланинг, қайсики масжидда қавм тўла равишда тўпланган, мени чақиринглар», деб марҳамат қилдилар. Бизнинг масжидимизда биринчи бўлиб қавм тўпланди. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни таклиф қилдик. Ул зот келиб ўтиришлари билан бир киши: «Аллоҳга ҳамд айтамиз, аммо бу ҳамд учун на олдимизда бир мақсад бор, на ортидан келадиган бир манфаат бор», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг бу гапидан озорланиб, масжиддан ўша заҳотиёқ чиқиб кетдилар. Биз ҳам хафа бўлиб бир-биримизга қараб қолдик. Билдикки, Расулуллоҳ (с.а.в.) бошқа бир масжидга кетганлар, ортларидан излаб бордик ва бир масжидда ўтирганларини кўриб, биз ҳам ўша масжидга кириб ўтирдик. «Истаганини олдига, истаганини ортига қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, ҳақиқатда жозибадор сўзлар бор», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.). Сўнг бизларга ҳақиқатдан таълим бердилар..

389-боб. Орзу қилиш ҳақида

902. Ойиша (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) кечаларнинг бирида уйқусизликдан қийналдилар ва: «Қани энди ҳозир саҳобийларимдан бири келса-ю, туни билан мени қўриқласа», дедилар. Шу пайт қурол-яроғнинг шарақлаган овозини эшитдик. Ул зот: «Ким у?» – дедилар. «Саъдман, эй, Расулаллоҳ, сизни қўриқлаш учун келдим». деди келган киши. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) ухладилар, ҳатто ул зотнинг хуррак товушларини эшитдик.

Ўша пайтда Мадинада ташқи ва ички душманлар хавфи кучли бўлиб, уларнинг ногаҳоний ҳужумидан сақланиш керак эди. (т.).

390-бобдаги 903-ҳадис 142-бобдаги 306-ҳадиснинг такрори.

391-боб. Нотўғри гапиришдан қайтариш ҳақида

904. Нофиъ айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар фарзандларини нотўғри, ғализ гапиришдан қайтарган эдилар».

905. Абдурраҳмон ибн Ижлон айтдилар: ҳз. Умар ўқ отишаётган икки кишининг олдидан ўтдилар. Уларнинг бири иккинчисига: «сод» ҳарфи билан «асобта» – «мўлжалга теккиздинг», дейишнинг ўрнига «син» ҳарфи билан «асабта» – «сўкдинг», деди. Шунда ҳз. Умар: «Нотўғри гапириш нотўғри ўқ отишдан оғирроқдир», дедилар.

392-боб. «Унинг асли йўқдир», дейиш ҳақида

906. Ойиша онамиз дедилар: «Одамлар Пайғамбар (с.а.в.)дан коҳинлар ҳақида сўрадилар. Ул зот: «Улар ишларининг асли йўқ», дедилар. Одамлар: «Эй, Ра-



сулаллоҳ, улар айтган нарсаларнинг баъзиси тўғри чиқади», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ўша тўғри гапларни шайтон ўғирлаб қочади ва дўсти (яъни сеҳргар, фолбин)нинг қулоқларига товуқдай қу-қулаб етказади. Кейин улар бир рост гапнинг ёнига юзлаб ёлғонни қўшадилар», дедилар.

393-боб. Пичинг гап қилиш ҳақида

907. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) сафарларининг бирида туяларини ҳайдаб бораётган туябонга: «Ҳай-ҳай Аншажа, шиша идишлар (яъни аёлларга) юмшоқ муомала қил!» дедилар.

908. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) оталари ҳз. Умар (р.а.) дан нақл қилдилар: «Киши эшитган нарсасини гапираверишн ёлғончилиги учун етарлидир». Умар (р.а) айтдилар: «пичинг гап қилиш мусулмоннинг ёлғондан сақланаётганига етарли (далил) эмасми?»

909. Абдуллоҳ ибн Шахир айтдилар: «Мен Имрон ибн Ҳусайн билан Басрагача ҳамроҳ бўлдим. У ҳар куни: «Пичинг гапда ёлғон бўлиши муқаррардир», деб шеър ўқирди.

394-боб. Сирни фош этиш ҳақида

910. Амр ибн Ос (р.а.) айтдилар: «Қадарнинг ичида бўла туриб, тақдирдан қочган одамга ҳайрон бўламан. Дўстининг кўзидаги гардни кўради, ўзининг кўзидаги хода билан иши йўқ. Мен оғзи бўш одамга сиримни айтиб қўйиб, сўнгра уни маломат қилмаганман. Ахир, (сирни очиб қўйгани учун) қандай уни маломат қилайин, ўзим сирни ичимда сақлай олмаган бўлсам?!

Яъни «Гапирмаганинг ўзингники, гапирганинг бировники», демоқчи (т.).

395-боб. Масхара қилиш ҳақида

911. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Бошига мусибат тушган одам бир тўда аёлларнинг олдидан ўтаётганида аёллар унинг устидан кулиб масхара қилдилар. (Оқибатда) улардан баъзиларининг бошига ҳам мусибат тушди».

396-боб. Ишларда шошмаслик ҳақида

912. Зуҳрий (р.а.) Балий қабиласидан бўлган бир кишидан ривоят қилиб, айтдилар: «Мен отам билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдим. Отам ул зот билан менсиз секин-секин гаплашдилар. Мен отамдан: «Ул зот сизга нима дедилар?» – деб сўрадим. «Бир иш қилмоқчи бўлсанг, уни шошмасдан, совуққонлик билан қилгинки, Аллоҳ сенга бу йўлда нажот эшигини кўрсатади ёки Аллоҳ сенга бир нажот йўли пайдо қилади», деб айтдилар», дедилар».

913. Муҳаммад ибн Ҳанафийа дедилар: «Кимгаки бир қариндоши ёмонлик қилаверса, Аллоҳ таоло ундан қутилиш йўлини кўрсатмагунга қадар ўша қариндош билан яхши муомала қилиб турмаса, у ақлли одам эмасдир».

397-боб. Кишиларга йўл кўрсатиш ҳақида

914. Баро ибн Озиб (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимки бировга ҳадя берса ёки унга тўғри йўлни кўрсатса, одамларни бадал тўлаб (асирликдан) озод қилганчалик савобга эга бўлади", дедилар».



915. Абу Зарр (р.а.)дан ривоят қилинди: «Дўстингнинг челагига ўз челагингдан сув қуйиб қўйишинг ҳам садақадир, дўстингга табассум билан қарашинг ҳам садақадир, одамлар ўтадиган йўлдан тош, тикон ва суякларни олиб ташлашинг ҳам садақадир, йўлдан адашган бир кимсага тўғри йўлни кўрсатиш ҳам садақадир».

398-боб. Кўзи ожизларни адаштириш ҳақида

916. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким кўзи ожиз кишиларни адаштирса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» – дедилар».

399-боб. Зулм, бузғунчилик ҳақида

917. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккадаги уйларининг ҳовлисида ўтирганларида олдиларидан Усмон ибн Мазъун (р.а.) ўтиб, Пайғамбар (с.а.в.)га қараб кулимсиради. Расулуллоҳ (с.а.в.) шунда унга: «Кел, ўтир», дедилар. У «Хўп», деди. Ул зот унинг рўпарасига ўтирдилар. Унга гапираётиб кўзларини осмонга тикдилар ва: «Ҳозиргина сен ўтирган вақтда Аллоҳнинг элчиси (Жаброил (а.с.) менинг ёнимга келди», дедилар. Усмон: «У нима деди сизга?» – деб сўраган эди, ул зот «Наҳл» сураси 90-оятини ўқиб бердилар. Усмон: «Бу қалбимда имон ўрнашиб, Муҳаммад (с.а.в.)ни яхши кўриб қолганимда рўй берган эди», деди».

400-боб. Зулмнинг жазоси ҳақида

918. Убайдуллоҳ ибн Анас отасидан, у эса бобосидан нақл қилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтмишлар: «Ҳар ким икки қизни тарбиялаб вояга етказса, у мен билан жаннатда мана шундай бўлади». деб икки бармоқларини жуфтлаб кўрсатдилар. Ровий Муҳаммаднинг айтишича, Расу-

луллоҳ (с.а.в.) шаҳодат бармоқлари билан ўрта бармоқларини жуфтлаб кўрсатганлар.

919. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: «Қариндошлик ришталарини узиш ва зулм инсоннинг бу дунёдаёқ жазо олишини тезлаштирадиган икки (гуноҳ) эшигидир».

401-боб. Аслзодалик, оқсуяклик ҳақида

920. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят этилишига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилдилар: «Аслзода, яъни карим ўғли карим, карим ўғли карим, карим ўғли карим, Иброҳим наслидан Исҳоқ ўғли Яъқуб, Яъқуб ўғли Юсуфдир».

921. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қиёмат кунида дўстларим тақводорлардир, насаблар бир-бирига ҳар қанча яқин бўлса ҳам. Одамлар менинг олдимга амаллар билан келмайдилар. Сизлар дунёни гарданингизга осиб келасиз ва: "Эй, Муҳаммад!" – дея ёрдам сўрайсиз. Мен: "Шундай-шундай, йўқ", дейман", дедилар ва икки томонларини кўрсатдилар».

922. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Мен ҳеч кимни ушбу оятга амал қилаётганини кўрмаяпман: «Эй, инсонлар! Дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам (а.с) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида энг (азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир...» (49:13). Одамлар бир-бирларига «Мен сендан ҳурматлироқман!» – дейди. Ҳолбуки, биров бировдан фақат Аллоҳ таолога қилган тақвоси билангина устун ва ҳурматлидир».

923. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Ҳурматга сазоворликни сиз нима деб ўйлайсиз? Аллоҳ таоло ҳурматга сазоворлик, олийжанобликни баён қилиб берган:



сизларнинг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Аслзодалик, оқсуякликни нима деб ўйлайсиз? Аслзодаликда энг афзалингиз хулқи энг гўзал бўлганингиздир».

402-боб. Арвоҳлар гуруҳ-гуруҳ аскарлардир

924. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг: «Арвоҳлар гуруҳ-гуруҳ аскарлардир. Улардан (руҳлар оламида) танишганлари бу дунёда ҳам бир-бирлари билан ҳамкорлашадилар, гаплари гапларига тўғри келади, (У ерда) танишмаганлари эса, бу дунёда ҳам ўзаро ихтилофга борадилар», деганларини эшитдим».

925-926-ҳадислар 924-ҳадиснинг айнан такрори бўлиб, 925-ҳадис ҳам ҳз.Ойишадан бошқа сўз қурилишида ифода этилган, 926-ҳадис Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган.

403-боб. Таажжубланганда «Субҳаналлоҳ» дейиш ҳақида

927. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитдим: «Бир чўпон қўйларини қўриқлаб турганда, бир бўри ҳужум қилиб бир қўчқорни олиб кетди. Чўпон унинг ортидан тушганда бўри унга қараб: «Қўйларингнинг мендан бошқа чўпони йўқ бўлган даҳшатли, оғир кунда уларга ким қараб туради?» – дейди». Шунда одамлар «Субҳаналлоҳ!» – деб юбордилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бунга мен, Абу Бакр ва Умар ишонамиз», дедилар».

Кимдир бирон ажабтовур ривоятни ёки ҳикояни ёхуд воқеани айтса, ажабланиш ва ишонмаслик маъносида «Субҳаналлоҳ», деб қўйилади. Расулуллоҳ (с.а.в.) суҳбатдошларига воқеани айтиб берганларида улар ишонқирамай «Субҳаналлоҳ» дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) шунинг учун ҳам уларнинг ажабланишига чандон эътибор бермай «Бунга мен, Абу Бакр ва Умар ишонамиз», деб гапни мухтасар қилдилар (т.).

928. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир жаноза пайтида қўлларига бир нарса олиб тупроқни титдилар ва: «Сизлардан ҳар бирингизнинг дўзахдан ва жаннатдан жойи ҳозирланган», дедилар. Саҳобийлар: «Эй, Расулуллоҳ, биз тақдиримизга ишониб амални тарк этамизми?" – деб сўрадилар. Ул зот: "Амал қилинг, зеро ҳар ким ўз хилқатига мойил қилиб қўйи-лади". Яна дедилар: "Кимки саодат аҳлидан бўлса, унга саодат амаллари осонлаштириб қўйилади, кимки бадбахтлардан бўлса, унга бадбахтлик ишлари осон қилиб қўйилади". Сўнг ушбу оятларни ўқидилар: "Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса, ва (Аллоҳдан) қўрқса, ҳамда гўзал (нарса)ни тасдиқ этса, бас, унга осонликни муяссар қилурмиз" (92:5-7).

Ҳар ким ўз хилқатига мойил қилиб қўйилади; яъни тақдирида жаннатийлиги битилган бўлса, саодат йўли, дўзахийлиги битилган бўлса залолат ва шарорат йўлига солинади (т.).

404-боб. Қўл билан ерни силаш ҳақида

929. Усайд ибн Абу Усайд оналаридан ривоят қилдилар. Оналари айтдилар: «Мен Абу Қатода (р.а.)га: «Нимага сиз бошқа одамларга ўхшаб Расулуллоҳдан ҳадис ривоят қилмайсиз?» – деб сўрадим. Абу Қатода (р.а.): «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки ёлғон ҳадисни менга нисбат берса, у дўзахда ёнбоши билан ётиши учун (жойини) текислайверсин», деб қўлларини билан ерни силаб кўрсатганларини эшитганман», дедилар».

405-боб. Саннон ҳақида

905-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Мағфал Музаний айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) саннондан қайтарганлар ва: «У овда бирор ҳайвонни ўлдирмайди, душманни қийратолмайди, у фақат кўзни чиқаради ва тишни синдиради», деганлар.



Арабларда қадимдан саннон бўлган, лекин ҳозирги рогаткадан фарқли равишда кўрсаткич бармоқ билан ўрта бармоққа саннон боғлаб тош ва шунга ўхшаган нарсалар отганлар.

406-боб. Шамолни сўкмаслик ҳақида

Мазкур китобнинг 298-боби ҳам ана шундай сарлавҳаланган, бобдаги 741-ҳадис ҳам Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган. Бу сарлавҳа ва ҳадис мазмунини такроран келтиришимизнинг сабаби, воқеа ва сабаб тўлиқ ёритилган.

931. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Макка йўлида шамол турди. Ҳажга бораётганлар орасида Умар ибн Хаттоб (р.а.) ҳам бор эди. Шамол тезлашгандан тезлашди. Умар (р.а.) атрофидаги кишиларга: «Шамол нимадир?» – деди. Одамлардан баъзилари бир нималар дейишди, англаб бўлмади. Менинг хаёлимга лоп этиб бир гап келди. Умар (р.а.)га яқинлашиб: «Шамолга тааллуқли саволингиз менга энди тушунарли бўлди, мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитганман: «Шамол Аллоҳ раҳматидандир, у раҳмат келтириши ҳам, азоб келтириши ҳам мумкин. Асло шамолни сўкмангиз».

407-боб. «Ёмғир фалон сабабли ёғади», дейиш ҳақида

932. Зайд ибн Холид Жуҳаний айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳудайбияда бомдод намозини кечаси ёққан ёмғирдан сўнг бизга имом бўлиб ўқидилар. Намоздан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) одамларнинг олдига келиб: «Биласизларми, Раббингиз нима деди?» – деб сўрадилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билгувчироқдир», деб жавоб беришди. Ул зот: «Аллоҳ таоло: «Бандаларимдан баъзиси мўмин бўлиб, яна баъзилари кофир бўлиб тонг оттиради, кимки «Ёмғир Аллоҳнинг фазлу марҳамати сабабли ёғади», деса, у Менга инониб юлдузларга кофир бўлган бўлади. Яна

кимдир: «Ёмғир мана шу-шу сабабларга кўра ёғади», деса у Менга кофир бўлиб, юлдузларга иймон келтирган бўлади», дея марҳамат қилди», дедилар».

408-боб. Булутни кўрган киши нима дейиши ҳақида

933. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) (осмонда) булутни кўрсалар, ҳовлидан уйга, уйдан ҳовлига кириб чиқаверардилар ва юзлари ўзгарарди. Ёмғир ёғгандан кейингина ўзларига келардилар". Ойиша (р.а.) бу ҳолатларини ўзларига айтганларида, ул зот (с.а.в.): "Қаердан биламан, балки Аллоҳ азза ва жалла айтганидек бўлар: "Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: "Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир", дедилар. Йўқ, у ўзларингиз учун қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир" (46:24).

409-боб. Шумланиш ҳақида

934. Ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шумланиш ширкдир. Ҳолбуки, баъзи нарсалардан шумланиш туйғусини озгина бўлса ҳам қалбидан кечирмаган киши йўқ. Аллоҳ бу туйғуни таваккул билан бартараф қилди», деб марҳамат қилдилар.

Яъни шумланишнинг ўрнига таваккул қилишга буюрди (т.).

935. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Шумланишнинг яхшиси яхшиликка йўйишдир», дедилар. «Яхшиликка йўйиш нима?» деб сўрашди. Ул зот (с.а.в.): «У ҳар бирингиз эшитадиган яхши сўздир», дедилар[1].

---

[1] Ҳадис мазмуни, валлоҳу аълам, шундай: дилида ғаламислик бўлган ёки кўнгли нимадандир ғаш, ғайратсизлиги, ноуддалиги



410-боб. Шумланмасликнинг фазилати ҳақида

936. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Бир ҳаж мавсумида менга умматларни кўрсатишди. Мен умматимнинг кўплигидан хурсанд бўлдим. Улар текислигу тоғларни тўлдириб тургандилар. «Розимисиз, эй, Муҳаммад?» – деб сўрашди. Мен: «Ҳа, Парвардигорим, розиман», дедим. Аллоҳ жалли ва ъало: «Булардан етмиш мингги жаннатга бесўроқ киради. Улар сеҳргарлик қилмайдиган, ўзларини куйдирмайдиган, шумланмайдиган ва Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлардир», деди. Укоша (р.а.): «Эй, Расулаллоҳ, дуо қилинг, Аллоҳ мени ҳам ана шулар қаторида қилсин», дедилар. Ул зот: «Аллоҳим, буни ҳам ана ўшалар қаторидан қилгин», деб дуо қилдилар. Яна бир киши ҳам: «Мени ҳам дуо қилинг, Аллоҳ мени ўшалардан қилсин», деган эди, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу борада Укоша сендан илдамлик қилди», дедилар.

411-боб. Жинлардан шумланиш ҳақида

938. Алқама оналаридан ривоят қилдилар: «Бир чақалоқ туғилса, Ойиша (р.а.)нинг олдиларига олиб келишар, Ойиша (р.а.) унга барокат тилаб дуо қилар эдилар. Яна бир бошқа чақалоқни олдиларига олиб келишди. Чақалоқнинг ёстиғи остидаги устарани кўриб, бунинг сабабини сўрадилар. «Жинлардан сақланиш учун», деб жавоб беришди. Ойиша (р.а.) устарани улоқтириб юбор-

---

туфайли иши орқага кетган бахтсиз одамлар фолбинга, кушнчга, сеҳргарга қатнайдилар ва уларнинг ёлғон гапларига ишониб юрадилар. Лекин ўша одамга: «Худо ҳоҳласа ишинг ўнгланиб кетади ёки ғойибдаги фарзандинг етиб келиб қолар», деган сўзлар билан тасалли берилса, кўнглини хуш қиладиган гаплар айтилса, ҳар қандай фолдан ўша тасалли сўз яхшидир (м.м.).

дилар. Уларни бундай қилишдан қайтариб: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шумланишни ёмон кўрардилар», дедилар».

412-боб. Яхшиликка йўйиш ҳақида

939. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳеч қандай илатнинг юқиши ва шумланиш йўқ, менга яхши сўз – яхшиликка йўйиш ёқади», дедилар.

940. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: "Бойўғлидан шумланиш беҳуда нарсадир[1], энг тўғриси – яхшиликка йўйишдир, кўз(нинг тегиши) ҳақиқатдир".

413-боб. Исмда яхшилик аломатини кўриш ҳақида

941. Абдуллоҳ ибн Соиб (р.а.) айтди Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳудайбия сулҳида ўша ерда эдилар. Кейин Усмон ибн Аффон (р.а.) шундай хабар бердилар: Суҳайл ибн Амр (р.а.)ни "Бу йил қайтиб кетасизлар ва келаси йили (биз Маккани сизларга) уч кунга бўшатиб берамиз", деган шарт билан сулҳ тузиш учун юбордилар. Суҳайлнинг келаётганидан ул зотга хабар беришганда: "Аллоҳ ишларимизни осон қилсин!" – дедилар.

Бу ўринда "Суҳайл" сўзининг маъносига ишора қилинмоқда. Зеро "Суҳайл" арабча "Саҳл" сўзидан олинган бўлиб, "осон", "енгил" деганидир (т.).

---

[1] Араблар бойўғлидан шумланишарди. Халқнинг ақидасига кўра, агар қатл қилинганларнинг қасоси олинмаса, уларнинг руҳи бойўғлига айланар ва: "Мени қондиринг! Мени қондиринг!" – деб қичқирармиш! Қасоси олингач эса, учиб кетармиш! Ислом вужудга келгач, бу каби ботил қарашларни рад этди. (Ф.с). Ҳозирги замонда ҳам кўпгина халқларда бойўғлидан шумланиш одати қолган, жумладан, бойўғли сайраса, унга тош отиш каби одатлар бор. Бу ботил нарсалар инсонни йўлдан адаштиради (м.м.).



414-боб. Отдан шумланиш ҳақида

942. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Шумлик ҳовлида, хотинда ва отда бўлади», дедилар»[1].

Исломиятдан илгари араблар мазкур уч нарсани шум нарса деб қарардилар. Бу ўшаларнинг ҳолидан ҳикоя қилиб айтилган сўз (т.).

943-ҳадис Саҳл ибн Саъд(р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, юқоридаги ҳадиснинг айнан такроридир.

---

[1] Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ривоят қилган мазкур ҳадис устида олимлар ихтилоф қилганлар. Жумладан, имом Молик (р.ал.) ва бир гуруҳ уламолар бу ўринда шумланиш ҳақиқий маъносида қўлланилган, яъни Аллоҳнинг тақдири билан баъзи уйларда ўтириш қароҳат, баъзи хотинларга уйланиш ва отларга миниш ҳам зиён келтиради, деб ҳадиснинг мазмунини қуйидагича изоҳлайдилар: бу уч нарсада шумлик бор. Хаттобий ва бошқа муҳтарам олимларнинг фикрича, буларнинг ҳар бирини шумлик, деб билиш лозим. Бу нарсани бирга яшаётган хотиннинг феълидан, уйнинг файзидан, миниши лозим бўлган отнинг турқи ва ҳаракатидан билиш мумкин экан. Шу маънода ҳз. Ойиша (р.а.)дан келган бир ривоят ибратлидир. Ҳассон Араждан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Ҳз. Ойиша (р.а.)нинг ҳузурларига икки киши келиб шундай дейишди: «Абу Ҳурайра Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Шумлик ҳовлида, хотинда ва отда бўлади», деганларини нақл қилди». Ҳз. Ойиша (р.а.) қўрқув билан ўринларидан сачраб туриб кетдилар.Қуръони каримни Абулқосимга нозил қилган Аллоҳ ҳақи, бу ҳадисни нақл қилган киши ёлғон айтибди. Расулуллоҳ (с.а.в.) аслида шундай деганлар: «Жоҳилият даврида шумлик ҳовлида, хотинда, отда, деб билар эдилар». Ҳз. Ойиша (р.а.) шундан кейин мана бу оятни тиловат қилдилар: «Хоҳ ерга, хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда («Лавҳу-л-маҳфуз»да битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир» (57:22).

Бу оят «Тафсири Ҳилол»да шундай изоҳланган: «Аллоҳ таоло бизга етадиган ҳар бир мусибат – касаллик, очлик, камбағаллик, ўлим ва бошқалар, улар юзага чиқишидан аввал ҳам «Лавҳу-л-маҳфуз»да, Аллоҳнинг илмида собит бўлишини таъкидламоқда (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, «Тафсири Ҳилол», Т., «Мовароуннаҳр», 1993, 151-б.). (м.м.).

944. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули, биз бир ҳовлида турардик. У ерда бизнинг сонимиз ҳам, мол-дунёмиз ҳам кўпайди. Биз бошқа бир ҳовлига кўчиб ўтгандик, у ерда сонимиз ҳам, молимиз ҳам камайиб кетди», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «У ердан кетинглар, у ҳовли хосиятсиз экан», дедилар.

415-боб. Аксириш ҳақида

945. Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аксиришни Аллоҳ яхши кўради, эснашни эса, ёмон кўради, чунки эснок шайтондандир. Шунинг учун имкони борича эснокни қайтариш керак. Агар киши (эснаб) «ҳааҳ» деса, шайтон ундан кулади».

416-боб. Аксирганда нима дейилади

946. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Сизлардан бир киши аксириб «Алҳамдулиллаҳ» деса, фаришталар: «Раббил ъаламийн», дейди. Агар у «Раббил ъаламийн», деса, фаришталар: «Аллоҳ сенга раҳмат қилсин», дейдилар.

947. Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимки аксирса, «Алҳамдулиллаҳ» десин. Шундай деса, унга биродари ёки дўсти «ярҳамукаллоҳ» десин. Унга дўсти «ярҳамукаллоҳ» деса, у «яҳдикумуллоҳу ва йуслиҳи балакум», деб жавоб қайтарсин».

«Ярҳамукаллоҳ» – Аллоҳ сенга марҳамат қилсин. «Яҳдикумуллоҳу ва йуслиҳи балакум» – Аллоҳ сени ҳидоятга йўлласин ва барча ишларингни ислоҳ қилсин (т.)

417-боб. Мусулмоннинг вожиблари ҳақида

948. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Мусулмон кишининг биродари зиммасида олти хил вожиб бор. Агар



шулардан бирортасини тарк қилса, зиммасидаги ҳақни бермаган бўлади: уни учратиб қолса, салом бермоқ; чақирса қабул қилиб бормоқ; акса урса, соғлик тиламоқ; касал бўлса, бориб кўрмоқ; вафот этса, жанозасига бормоқ; маслаҳат сўраса, (тўғри) маслаҳат бермоқ».

949-ҳадисда юқорида мазмун қисман такрорланган бўлиб, ҳадисни ривоят қилган Абдуллоҳ Масъуд (р.а.) мусулмон кишининг зиммасидаги вожибни олтита эмас, тўртта, деб кўрсатган.

950. Баро ибн Озиб (р.а.) айтдилар: «Аллоҳ Расули (с.а.в.) бизга етти нарсани буюриб, етти нарсадан қайтардилар. Буюрганлари ушбудир:

1) Хастани зиёрат қилмоқ; 2) Жанозада иштирок этмоқ; 3) Аксирганга раҳмат тиламак; 4) Қасам ичган кишининг қасамига риоя қилмоғи; 5) Мазлумга ёрдам бермак; 6) Саломни ёймоқ; 7) Чақирган жойга бормоқ.

Қуйидаги ишлардан қайтардилар:

1) Олтин узуклар тақмоқ; 2) Кумуш идишлар тутмоқ; 3) Улов устига ипак матодан ёпинчоқлар ёпмоқ; 4) Ипак матодан либос киймоқ; 5) Гул солинган қалин ипак газлама ишлатмоқ; 6) Гул солинган нафис газлама ишлатмоқ; 7) Ҳар турли ипак кийим киймоқ.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 951-ҳадис 948-ҳадиснинг такрори.

418-боб. Акса уриб: «Алҳамдулиллаҳ» деганни эшиттан киши ҳақида

952. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: «Кимки акса урган кишининг «Алҳамдулиллаҳ» деганини эшитиб, «Алҳамдулиллаҳи Раббил ъаламин ъала кулли ҳалин» деса, ҳеч қачон тиш оғриғи ва қулоқ оғриғини кўрмайди».

Яъни Аллоҳ таолога ҳар қандай ҳолатда ҳам шукр айтаман (т.).

419-боб. Аксирганни эшитган одам нима дейди

953-954-ҳадислар 945 ва 947-ҳадисларнинг айнан такрори.

953. Абу Жумра (р.ал.) айтдилар: «Мен Ибн Аббос (р.а.)нинг аксирганга: «ъафаналлоҳу ва иййакум минан-нари, йарҳамкумуллоҳ» деганларини эшитганман».

Яъни «Аллоҳ бизни ва сизни дўзах оловидан асрасин, Аллоҳ сизни ўз раҳматига олсин» (т.).

956. Абу Ҳурайра айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ўтиргандик. Бир киши акса уриб «Алҳамдулиллаҳ» деганди, Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Йарҳамукаллоҳ», дедилар. Бошқа бир одам акса урди, унга индамадилар. У: «Эй, Расулаллоҳ! Бояги кишига айтганингизни нега менга айтмадингиз?» — деди. Ул зот: «У одам аксириб, Аллоҳга ҳамд айтди, сен эса айтмадинг», дедилар».

420-боб. Аксирган «Алҳамдулиллаҳ» демаса, дуо айтилмаслиги ҳақида

957-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.

958. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида икки киши ўтирган бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан обрўлироқ эди. Ўша обрўлиси акса урди, ҳамд айтмади, Ул зот ҳам унга соғлиқ тиламадилар. Нариги одам акса уриб «Алҳамдулиллаҳ» деганди, Расулуллоҳ (с.а.в.) унга саломатлик тиладилар. Обрўлиси: «Мен олдингизда акса урдим, соғлик тиламадингиз, бошқа одам акса урганда тиладингиз», деди. Ул зот: «У одам Аллоҳни эслади, мен ҳам уни эсладим, сен эса Аллоҳни унутдинг, мен ҳам сени унутдим», дедилар».

421-боб. Акса урувчининг ҳолати ҳақида

959. Нофиъ (р.а.) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) акса урганларида «йарҳамукаллоҳ» дейилса, «йарҳамуна ва иййакум, йағфиру лана ва лакум», дер эдилар».



Яъни Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам раҳмат қилсин, бизни ҳам, сизни ҳам кечирсин (т.).

960-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.

961. Иёс ибн Салама (р.ал.) оталаридан ривоят қилдилар: Бир киши Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида акса урди, Ул зот «йарҳамукаллоҳ», дедилар. Сўнг яна акса урганди, Пайғамбар (с.а.в.) «Бу шамоллаб қолибди», дедилар.

422-боб. «Алҳамдулиллаҳ» деганга раҳмат тиламак ҳақида

962. Макҳул Аздий (р.ал.) айтдилар: Мен Ибн Умар (р.а.)нинг ёнларида эдим. Масжид томондан бир киши акса урди. Шунда Ибн Умар: «Агар «Алҳамдулиллаҳ» деган бўлсанг, Аллоҳ сенга раҳмат қилсин», дедилар.

423-боб. «Об» демаслик ҳақида

963. Мужоҳид (р.ал) айтдилар: Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг ўғли акса уриб, "Об", деди. Ибн Умар: "Об нима? – деб сўрадилар ва ўзлари айтдилар: – Шайтонлардан бирининг исми бўлиб, акса ва ҳамднинг орасида туради".

424-боб. Бир неча марта акса ургач...

964-ҳадис 961-ҳадиснинг айнан такроридир.

965. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Бир мусулмон ёнингда бир, икки ва уч карра акса урса, раҳмат тилагин, учтадан кўпайса, бу аксириш шамоллаш белгисидир».

425-боб. Агар яҳудий акса урса...

966. Абу Мусодан (р.а.) ривоят қилинади: Яҳудийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «йарҳамукаллоҳ» дейишларига умид қилиб, олдиларида акса уришарди. Ул зот (с.а.в.): «йаҳдикумуллоҳу ва йуслиҳу балакум», дер эдилар.

426-боб. Эркак киши акса урган аёлга саломатлик тилаши ҳақида

967. Абу Бурда айтдилар: «Абу Мусо (р.а.)нинг олдиларига кирдим. У киши қизлари Умму Фазлнинг уйларида эдилар. Мен акса ургандим, Абу Мусо менга соғлик тиламадилар. Умму Фазл акса ургандилар, уларга саломатлик тиладилар. Бу ҳақда онамга гапириб бердим. Абу Мусо онамнинг ёнларига келганида онам: «Ўғлим акса урганида соғлик тиламабсиз, Умму Фазл акса урганда эса, унга соғлик тилабсиз», дедилар. Шунда Абу Мусо: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Сизлардан бирортангиз акса уриб, ҳамд айтса, унга саломатлик тиланг, агар Аллоҳга ҳамд айтмаса, саломатлик тиламанг», деганларини эшитгандим. Ўғлим акса уриб, ҳамд айтмади, мен ҳам унга соғлик тиламадим. У аёл акса уриб, ҳамд айтганди, мен ҳам унга саломатлик тиладим», дедилар. Онам: «Баракалла, яхши қилибсиз», дедилар».

427-боб. Эснаш ҳақида

969. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирингизга эсноқ келса, иложи борича эсноғини босишга ҳаракат қилсин», дедилар».

428-боб. «Лаббай» деб жавоб берган киши ҳақида

970. Муоз ибн Жабал (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ортларидан келаётгандим. Расулуллоҳ (с,а,в,): «Эй, Муоз», дедилар. «Лаббайка ва саъадайка»[1],

[1] Буюринг, амрингизга мунтазирман (м.м.).

деб жавоб бердим. Сўнгра яна худди шундай деб уч марта айтдилар, кейин: «Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳақини биласанми? Бандаларнинг Унга ҳеч нарсани шерик қилмай ибодат қилишларидир». Сўнг бирор соат йўл юрилгач, «Эй, Муоз», деб чақирдилар. Мен «Лаббайка ва саъдайк», дедим. Ул зот: «Агар бандалар буни бажарган тақдирда Аллоҳ устидаги ҳақлари нималигини биласанми? Аллоҳ уларни азобламаслигидир».

429-боб. Биродари учун ўрнидан турган киши ҳақида

971. Абдуллоҳ ибн Каъб (у киши оталари Каъб ибн Молик (р.а.) кўр бўлиб қолганда етаклаб юрган эдилар) айтдилар: «Мен (отам) Каъб бин Моликдан Табук ғазотига Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга қатнаша олмаганликларини, сўнг ул зот (с.а.в.) Каъбнинг кечирилишини Аллоҳдан сўраганликларини эшитдим: «Расулуллоҳ (с,а.в.) Аллоҳ бизни кечирганлиги ҳақида бомдод намози вақтида хабар бердилар. Шундан кейин одамлар тўп-тўп бўлиб келиб, мени тавба(м қабул бўлгани) билан қутлашар: «Аллоҳнинг тавбаси сенга муборак бўлсин!» – дейишарди. Бу то масжидга киргунимча давом этди. У ерда одамлар орасида Расулуллоҳ (с.а.в.) бор эдилар. Шу пайт Талҳа ибн Убайдуллоҳ (р.а.) ўрнидан турди ва тез юриб келиб мени табриклади. Худо ҳақи, муҳожирлардан ундан бошқа ҳеч ким менинг истиқболимга турмади. Мен Талҳанинг бу ишини асло унутмайман».

972. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Қурайза қабиласининг одамлари Саъд ибн Муознинг ҳакам-

лик қилишига рози бўлдилар. Унга одам жўнатилди, эшакка миниб келди. У масжидга яқинлашганда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Туринг, энг яхшингиз ёки саййидингизни кутиб олинг», дедилар. Сўнг: «Эй, Саъд, булар сенинг ҳакамлигингга рози бўлишди», дедилар. Шунда Саъд: «Мен буларнинг қурол тутиб, урушганлари учун уларни қатл этишга ва болаларини асир қилишга ҳукм қиламан», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сен Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилдинг» ёки «Сен малаклар оламидаги ҳукм билан ҳукм қилдинг», дедилар».

973. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Ҳеч ким саҳобийлар учун Расулуллоҳ (с.а.в.)чалик севимли бўлмагани ҳолда, ул зот (с.а.в.)ни кўрганларида ўзлари ёқтирмасликларини айтганлари учун ўринларидан туришмас эди».

974. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Мен гапиришда, суҳбатлашишда ва Фотима билан мулоқотда Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўхшаш ҳеч кимни кўрмаганман. Пайғамбар (с.а.в.) Фотима келганини кўрсалар унга пешвоз чиқиб, саломлашиб, уни ўпардилар, кейин қўлидан ушлаб жойларига ўтқазардилар. Фотима ҳам агар Расулуллоҳ (с.а.в.) уникига борсалар салом бериб, ул зотга пешвоз чиқарди ва ўпиб қўярди. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан олдин хасталанганларида олдиларига Фотима кирди, салом бериб, ул зотни ўпиб қўйди. Ул зот унинг қулоғига нимадир деб айтдилар, у йиғлади, яна нимадир дегандилар, бу сафар кулди. Мен аёлларга: "Ҳеч қачон бугунгидек хурсандчиликни маҳзунликка яқин ҳолда кўрмаганман. Фотима барча аёллардан кўра ҳам фазилатлироқдир", дедим. Фотиманинг аввал йиғлаб, кейин кулгани сабабини билиш учун: «Ул зот сизга нима дедилар?» – деб сўраганимда: "(Агар айтсам) сирни очувчилардан бўлиб қоламан-ку?" – деди. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин Фотима деди: "Расулуллоҳ (с.а.в.) ўлимлари олдидан қулоғимга пичирлаб, (тез орада) вафот этишларини айтганларида йиғладим. Сўнг яна қулоғимга шивирлаб оила



аъзоларимиздан биринчи бўлиб менга сен етишасан, деганларида хурсанд бўлиб кулдим".

430-боб. Ўтирган одамнинг олдида тик туриш ҳақида

975. Жобир (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бетоб бўлиб қолдилар, ул зотнинг орқаларида намоз ўқидик, ул зот ўтириб ўқидилар, Абу Бакр (р.а.) такбирларини одамларга эшиттириб турдилар. Ул зот бизга қараб тик турганимизни кўриб, ўтиришга ишора қилдилар, биз намозни ўтириб ўқидик, салом берилгач: «Сиз форслар ва румларнинг ишини қилаёздингиз: уларда подшоҳлари ўтиради, ўзлари эса тик турадилар. Бундай қилманг. Имомларингизга иқтидо қилинг: агар туриб ўқиса, сиз ҳам туриб ўқинг, агар ўтириб ўқиса, сиз ҳам ўтириб ўқинг», дея марҳамат қилдилар».

431-боб. Эснаганда оғизни қўл билан тўсиш ҳақида

976. Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар бирортангиз эснасангиз, қўлингизни оғзингизга қўйинг, чунки шайтон киради».

977. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Эснаганда қўлни оғизга қўйиш керак, зеро эсноқ шайтондандир».

Абу Саид Худрий (р.а.)нинг ўғлидан ривоят қилинган 978-ҳадис 976-ҳадиснинг такроридир. 979-ҳадис ҳам Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб. 976 ва 978-ҳадисларнинг такрори бўлиб келган.

432-боб. Бировнинг бошини боқиб қўйиши мумкинми

980. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Умму Ҳиром бинти Милҳоннинг уйига кирдилар, у ул зотга овқат берди. Бу аёл Убода ибн Сомит

(р.а.)нинг никоҳида эди, у (Убода)га ҳам овқат олиб келиб берди ва ул зотнинг бошларини қараб қўйди[1]. Кейин ул зот ухладилар. Сўнг уйғониб кулдилар.

981. Қайс ибн Осим Саъдий (р.а) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келдим. Ул зот (мени): «Бу одам чодирда яшовчи (яъни бадавий)ларнинг саййидидир», дедилар. «Эй, Расулаллоҳ, менинг зиммамда соилнинг ҳам, меҳмоннинг ҳам ҳақи бўлмаган мол қайси?» – деб сўрадим. Ул зот: «Энг яхши мол қирқта бўлади, кўпи олтмишта, юзта мол эгасининг ҳолига вой, фақатгина (молининг) яхшисини берган, ортиқчасини эҳсон қилган , семизини сўйган, ўзи ҳам уни еб, соилу муҳтожларга ҳам берганларгина бундан мустасно», дедилар. «Эй, Расулаллоҳ, бу қандай ҳам олийжаноб хулқ экан-а, бирор бир водий йўққи, унда менинг молларим кўп бўлмаса», дедим. Ул зот: «Улардан (садақа, эҳсон) беришда қандай йўл тутасан?» – деб сўрадилар. «Бир эркак туя ва битта икки ёшли туя бераман», дедим. Ул зот: «Ҳадя беришда қандай қиласан?» – деб сўрадилар. «Йилига юзта (туя) бераман», дедим. Ул зот: «Вояга етган урғочи туяларни қандай қиласан?» – дедилар. "Бирор киши туя(лар)дан (бирини) жиловласа, (биров) унга монеълик қилмайди, у кўринган туяни ушлайди", дедим». Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сенга молинг афзалми ёки маволий (ворис)ларингнинг молларими?» – деб сўрадилар. «Молим», дедим. Ул зот: «Молингдан еганинг – йўқ қилганинг, (йўқотганинг) ёки берганинг – сарф қилганинг қолади, қолгани эса ворисларингникидир»,

[1] Бундан Расулуллоҳ (с.а.в)нинг бошларида бит бўлган экан, деган маъно чиқмайди, балки бу аёл ул зотнинг роҳатлари учун бу ишни қилган. Шунингдек, бу аёлнинг Расулуллоҳ (с.а.в)га маҳрам эканини уламолар иттифоқ қилганлар (Ф.с).



дедилар. «Дарҳақиқат, қайтиб (уйимга) борсам, албатта молларим сонини камайтираман, дедим».

Яъни молларидан садақа қилиб юборишга аҳд қилди (т.).

Қайс ўлими яқинлашганини сезгач, фарзандларини тўплади. Уларга: «Эй, фарзандларим, насиҳатимни олинглар. Зеро, мендан яхши насиҳатчини тополмайсиз. Ўлганимда айтиб йиғламанг, Расулуллоҳ (с.а.в.)га ҳам айтиб йиғланмаган. Пайғамбар (с.а.в.)нинг айтиб йиғлашдан қайтарганларини эшитганман. Мени намоз ўқийдиган кийимимга кафанланглар. Каттангизни бошлиқ қилиб сайланг, зеро каттангизни бошлиқ қилсангиз, отангиз ўрнида ишини давом эттиради. Борди-ю, кичкинангизни бошлиқ қилиб қўйсангиз, катталарингиз одамларга бефарқ бўлиб қолади ва сиздан юз ўтиради. Турмушингизни яхшиланг, зеро бу ишда одамларга муҳтожликдан беҳожатлик бор. Тиланчиликдан сақланинг, зеро у йигит киши учун энг охирги чорадир. Мени дафн қилганингизда, қабримни текислаб қўйинг. Чунки Бакр ибн Воил маҳалласи билан орамизда адоват бор. Мен (унинг) аҳмоқлигидан омонда эмасман. Бир аҳмоқнинг бир иш қилиб, динингизда нуқсон пайдо қилишидан хавотирдаман», деди.

433-боб. Таажжубланганда бошни сарак-сарак қилиш ҳақида

982. Абу Зарр айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га таҳорат суви бердим. Ул зот бошларини тебратиб, лабларини тишладилар. Мен «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сизга озор бердимми?» – дедим. Ул зот: «Йўқ, лекин сен (шундай) амирлар ва имомларга етишасанки, улар намозларини вақтидан кечиктирадилар», дедилар. Мен: «Нима-

ни тавсия қиласиз?» – деб сўрадим. «Намозни вақтида ўқи, улар билан бирга намоз вақтига етсанг, намозни бирга ўқи, мен ўқиганман, ўқимайман дема», дедилар.

434-боб. Таажжубланганда қўлини тиззасига урган киши ҳақида

983. Ҳз. Ҳусайн (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳз. Али (к.в.) ва қизлари Фотима (р.а.)нинг уйларига келиб уйғотиб: «Намоз ўқимайсизларми?» – дедилар. Ҳз. Али: «Эй, Расулаллоҳ, барчамизнинг жонимиз Аллоҳнинг ҳузурида (қўлида)дир, У уйғотишни, тирилтиришни хоҳласа, уйғонамиз», дедилар. Расулуллоҳ бирон нарса демай кетиб қолдилар. Кейинроқ эшитдимки, қайтиб кетаётиб қўлларини сонларига уриб: «Дарҳақиқат, инсон кўп жанжал (баҳс) қилувчидир» (18:54), дебдилар».

984. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Мен ҳз. Алини пешоналарига қўллари билан уриб шундай деётганларини кўрдим: «Эй, ироқликлар, сизлар мени Расулуллоҳ (с.а.в.)га туҳмат қилаяпти, деб гумон қилаяпсизларми? Сизларга саодат, фараҳ-у менга гуноҳ бўладими? Гувоҳлик бераманки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Бирортангизнинг пойабзали ипи узилиб кетса, уни тузатмай туриб иккинчиси билан юрмасин», деганларини эшитганман».

435-боб. Киши биродарининг сонига уриши ҳақида

985. Абул Олия Баро айтдилар: «Олдимдан Абдуллоҳ ибн Сомит ўтиб қолди, мен унга курси бердим, ўтирди. Ундан: «Ибн Зайд намозни кечиктирди, нима буюрасиз?» – деб сўрадим. Шунда у тиззамга бир уриб, сўнг:



«Мен ҳам Абу Заррдан сиз сўраган саволни сўраган-дим, у киши ҳам сонимга мен сизникига урганимдек ургандилар. Кейин: «Намозни ўз вақтида ўқи, улар би-лан (намоз вақтига) етишсанг бирга ўқи, «Мен ўқиб бўлганман, ўқимайман», демагин», деган эдилар», деди.

986. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Умар ибн Хаттоб (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бир гуруҳ асҳ-облар ўртасида Ибн Сайёд томонга қараб йўл олдилар. Уни Мағола қалъаси ёнида болалар билан ўйнаётгани-ни кўрдилар. Ўша пайт Ибн Сайёд балоғат ёшига етай деб қолганди. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб қўллари билан орқасига урмагунларича, у келганларни сезмади. Сўнг: «Мен Аллоҳнинг пайғамбари эканлигимга гувоҳлик берасанми?» – деб сўрадилар. Ибн Сайёд: «Гувоҳлик бераманки, сиз уммийларнинг пайғамбарисиз», деди.

Кейин Ибн Сайёд: «Сиз ҳам менинг Аллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик берасизми?» – деди. Ул зот унинг саволини жавобсиз қолдирдилар, сўнгра: «Ал-лоҳга ва Унинг Расулига имон келтирдим», дедилар. Кейин Ибн Сайёддан «Нимани кўраяпсан?» – деб сўрадилар. Ибн Сайёд: «Менга рост ва ёлғон (хабар-лар) аралашиб келаяпти (яъни, кўрган тушларим гоҳо тўғри чиқмоқда, гоҳида ёлғон)», деди. Ул зот: «Се-нинг ишларинг чигаллашиб кетибди», дедилар.

Расулуллоҳ: «Мен сендан бир нарсани яширдим, у нима?» – дедилар. Ибн Сайёд: «Дух...», деди. Ул зот: «Йўқол, уни топишга қудратинг етмайди!» – дедилар. Ҳз. Умар: «Эй, Расулаллоҳ, изн беринг, унинг калла-сини олай!» – дедилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар бу ўша (Дажжол) бўлса, қўлингдан ҳеч нарса келмай-ди, агар у бўлмаса, унда уни ўлдиришдан сенга ҳеч бир хайр йўқдир», дедилар». Ибн Умар (р.а.) дедилар: «Шундан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва ҳз. Умар ва Убай ибн Каъб Ансорийлар бир куни Ибн Сайёд ўтир-

ган хурмозорга боришди. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) хурмозорга кириб дарахтлар орқасига яшириндилар, Ибн Сайёд кўрмасидан олдин ундан бирон нарса эшитмоқчи эдилар. Ибн Сайёд тукли (ёки патли) кийими билан ўрнида чалқанча ётарди. Шу пайт Ибн Сайёднинг онаси Пайғамбар (с.а.в.)нинг хурмо панасида яшириниб турганларини кўриб қолди ва Ибн Сайёдга: «Эй, Соф! (унинг исми шундай) Бу Муҳаммадку!» – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Онаси индамаганда эди, унинг кимлиги аниқ бўларди», дедилар.

Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) одамлар орасида туриб Аллоҳ таолога ҳамду сано айтдилар. Сўнг Дажжол ҳақида гапириб: «Мен сизларни ундан огоҳ этаман, шубҳасиз (мендан олдинги) ҳар бир пайғамбар қавмини ундан огоҳлантирган. Нуҳ (а.с.) ҳам бешак, қавмини огоҳ этган. Лекин мен сизга у ҳақда бирорта пайғамбар ўз қавмига айтмаган гапни айтаман: биласизки, у Дажжол бир кўзлидир, Аллоҳ эса бир кўзли эмас».

987. Жобир (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) агар жунуб бўлиб қолсалар, бошларидан уч ҳовуч сув қуяр эдилар». Ҳасан ибн Муҳаммад Жобир (р.а.)га: «Эй, Абу Абдуллоҳ, менинг сочим жуда қалин-да», деди. Жобир Ҳасаннинг сонига уриб: «Эй, биродаримнинг ўғли, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сочлари сеникидан ҳам кўп ва чиройлироқ эди», дедилар.

436-боб. Одамларнинг тик туришларини ёқтирмаган киши ҳақида

988-ҳадис 430-бобдаги 975-ҳадиснинг такроридир.

989. Ансорлардан бири фарзанд кўриб, исмини Муҳаммад қўйди. Ансорлар унга: «Биз сизни Расулуллоҳнинг исмлари билан куня қилиб чақирмаймиз», дейишди.



Яъни сизни «Эй, Абу Муҳаммад демаймиз», дейишмоқчи (т.).

Йўл устида ул зотдан қиёмат ҳақида сўраймиз, деб ўтиргандик. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Менинг олдимга қиёмат ҳақида сўрагани келдингларми?» – дедилар. Биз: «Ҳа», дедик. Ул зот: «Ҳар бир нафас олувчи жон зоти борки, унга ажал (ёки қиёмат) 100 йилда (бўлса ҳам) келади», дедилар. Биз: «Ансордан бир киши фарзанд кўриб, исмини Муҳаммад қўйди. Биз унга: «Биз сизни Расулуллоҳ (исмлари) билан куняламаймиз», дедик. Ул зот: «Яхши айтибсизлар. Менинг исмимни қўйинглар, лекин куним билан куняламанглар», дедилар».

437-боб. Дунё ишларига боғлиқ яхши бир ўгит

990. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Олиянинг бир қисмидаги бозор ичидан ўтиб борар эдилар, одамлар атрофларини ўраб олишди. Шунда ўлиб ётган, қулоқлари кесик бир улоқчанинг олдидан ўтиб қолдилар. Уни қўлларига олиб: «Қайси бирингиз мана шунга бир дирҳам берасиз?» – дедилар. Одамлар: «Биз уни нима қиламиз?» – дейишди. «Буни сизники бўлишини хоҳлайсизми?» – дедилар. Одамлар: «Йўқ», деб жавоб беришди. Яна уч бор шундай деб сўрадилар. Одамлар: «Худо ҳақи, хоҳламаймиз! Бу улоқча тирик бўлганда ҳам қулоғи йўқлигидан айби бор, деб сотиб олмасдиг-у, ҳолбуки, у ўлимтик бўлса!» – дейишди. Ул зот: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло учун дунё мана шу улоқча сизга ҳеч қандай қадри бўлмагандек, қадрсиздир», дедилар».

Олия – Наждининг юқори қисмидан Тахомагача ва Маккагача бўлган ҳудуд номи (т.).

991. Утайя ибн Замра айтдилар: «Мен отамнинг ҳузурларида жоҳилият одатларини тарк қилмаган бир

кишини кўрдим. Отам уни иъдод қилдилар ва куняси билан чақирмадилар. Дўстлари отамга қараб турган эдилар, отам уларга: «Сизлар бу ишга қаршимисизлар? Мен бу ишда ҳеч қачон кўрқмайман. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Ким жоҳилият билан ўзини боғласа уни иъдод қилинглар ваунга киноя гапирманглар», деганларини эшитганман» — дедилар.[1]

438-боб. Оёғи увишган кишининг нима дегани ҳақида

993. Абдурраҳмон ибн Саъд айтдилар: «Ибн Умар (р.а.)нинг оёқлари увишиб қолди, шунда бир киши: «Ўзингизга энг севимли кишини эсланг», деди. Ибн Умар (р.а.): «Муҳаммад (с.а.в.)», дедилар».

439-боб «Жаннат муждаси», деб аталган ва ундаги 994-ҳадис мазмуни 1151-ҳадисда келганлиги учун бу ердан олиб қўйдик.

440-боб. Ёш болалар билан қўл бериб кўришиш ҳақида

995. Салама ибн Вирдон айтдилар: «Мен Анас ибн Молик (р.а.)ни одамлар билан қўл бериб кўришаётганларини кўрдим. Шунда мендан: «Сен кимсан?» — деб сўралилар. «Мен Бани Лайснинг ходимиман», деб

[1] Ҳадисдаги арабча "аъадда"(«зод» ҳарфи билан) феълининг маъноси "бир нарсани тиши билан тутиш", "тишлаш" дир. Бу ҳадисдан кўзланган маъно шуки, кимки ўзини жоҳилият даврига мансуб деб билса ва жоҳилият даврининг сўкиш ва шу каби ёмон одатларини қайта тиклamoқчи бўлса, унга отасининг бутларга ибодат қилгани, зино ва бошқа қабиҳ ишларни қилганини эслатиб, уни гап билан «узиб» олиш керак. У куняси билан чақирилмайди, токи одамларнинг ундан юз ўгиришларидан кўрқиб, бу ёмон ишларини ташласин. (Ф.с.).



жавоб бердим. Анас ибн Молик бошимни уч марта силаб, ҳақимга дуо қилдилар».

441-боб. Қўл бериб сўрашиш ҳақида

996. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Яманликлар келишганида Расулуллоҳ (с.а.в.): «Яманликлар яқинлашдилар, улар сиздан кўра нозик қалбқдирлар. Қўл бериб сўрашишни ҳам биринчи улар тадбиқ қилдилар», дедилар».

997. Баро бин Озиб (р.а.) айтдилар: «Биродаринг билан қўл бериб сўрашишинг саломлашишнинг мукаммаллигидандир».

442-боб. Аёл киши ёш боланинг бошини силаши ҳақида

998. Иброҳим ибн Маздуқ Сақафий отасидан ривоят қилди: «Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) мени онаси Асмоъ бинти Абу Бакр (р.а.) ҳузурига юбордилар. Мен орқали у (аёл)га Ҳажжожнинг уларга қандай муомала қилиши ҳақида билдирдилар. Асмоъ бинти Абу Бакр (р.а.) менинг бошимни силаб, дуо қилдилар. У пайтлар мен ёш йигитча эдим».

443-боб. Қучоқлаш ҳақида

999. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)га Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларидан бирининг у киши билмаган ҳадисни билиши ҳақидаги хабар етди. Жобир (р.а.) айтдилар: «(Йўлда) туя йўқолиб қолди. У одамнинг олдига бориш учун қилган бир ойлик сафарим ғоятда оғир кечди. Ва ниҳоят Шомга етиб бордим. У одам Абдуллоҳ ибн Унайс (р.а.) экан. Унга: Жобир эшик олдида ту-

рибди, деб чопар жўнатдим. Чопар қайтиб келиб: «Жобир ибн Абдуллоҳмисиз?» – деди. Мен: «Ҳа», дедим. У одам чиқиб мени қучоқлаб олди. Мен: «Икковимиздан биримизнинг вафот этиб қолишимиздан қўрққандим, қани, мен эшитмаган ҳадисни айтинг», дедим. У деди: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло бандаларни кийим-бошсиз ва ҳеч вақосиз ҳолда тирилтиради», дедилар. Биз: «Ҳеч вақосиз?» – деб ажабландик. Ул зот: «Ҳеч нарсалари йўқ ҳолда, сўнг узоқдан (ҳам) эшитиладиган овоз билан (менимча, «яқиндан эшитилаётгандек» дедилар) одамларга нидо қилинади: «Мен (барча нарсаларнинг, қиёмат кунининг) Эгасиман, жаннат аҳлидан бирортаси токи ундан бир дўзахий ҳаққини талаб қиларкан, жаннатга киролмайди. Дўзах аҳлидан бирортаси дўзахга киролмайди, агар ундан бир жаннатий ҳақини талаб қилса». Мен: «Қандай (қилиб у ерда бировнинг ҳақи берилади)? Ахир биз Аллоҳнинг ҳузурига кийим-бошсиз ва ҳеч нарсасиз борамиз-ку?» – дедим. Ул зот: «Савоблар (берилиб), гуноҳлар (олиниши) билан (ҳақ адо этилади)», дедилар».

444-боббаги 1000-ҳадис 429-боббаги 974-ҳадиснинг айнан такрори.

445-боб. Қўл ўпиш ҳақида

1001. Ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Ғазотда эдик, одамлар қоча бошладилар. Биз Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Қандай одам бўлдик, (урушдан) қочган бўлсак?» – дедик. Ўшанда: «Кимки ўша куни улардан ортга чекинса – жанг иши билан четлаган ва бирор бўлинмага қўшилишга борганлар бундан мустасно – Аллоҳнинг ғазаби билан (бирга) қайтган бўлиб, жойи жаҳаннам



бўлур», деган ояти тушди. (8:16) Биз: «Мадинага бормаймиз, (токи) бизни ҳеч ким кўрмасин», дедик. Яна дедик: «Бораверсак-чи?» Борганимизда Расулуллоҳ (с.а.в.) бомдод намозидан чиқиб турган эканлар, биз ул зотга: «Биз қочоқлармиз», дедик. Ул зот: «(Йўқ), сизлар урушда вазиятни ўзгартириш учун чекиниб турдингиз холос», дедилар. Биз ул зотнинг қўлларини ўпдик. Ул зот: «Мен ҳам сизлардanman», дедилар».

1002. Абдурраҳмон бин Разин айтдилар: «Биз Рабза шаҳридан ўтиб борардик. «Бизга йўл устида турган одамни кўрсатиб, Салама ибн Акваъ ана шу», дейишди. Олдига бориб салом бердик. У қўлларини чиқариб: «Мана шу қўлларим билан Расулуллоҳ (с.а.в.)га байъат қилганман», деди. Сўнг туянинг пайпоғидай катта кафтини очди. Биз унинг қўлини ўпдик».

1003. Собит Анас ибн Молик (р.а.)га дедилар: «Мана шу қўлингиз билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг (қўлларини) ушлаганмисиз?» Анас: «Ҳа», дегандилар, у қўлларини ўпди.

446-боб. Оёқни ўпиш ҳақида

1004. Вазоъ ибн Омир (р.а.) айтдилар: «Биз (Расулуллоҳ (с.а.в.) турган жойга) келдик. Одамлар: «Ана Расулуллоҳ! (с.а.в.)» дейишди. Биз ул зотнинг қўллари ва оёқларини ўпа бошладик».

1005. Абу Бакр (р.а.)нинг озод қилган қуллари Суҳайб (р.а.): «Мен ҳз. Али (к.в.)нинг Аббос (р.а.)нинг қўл-оёқларини ўпаётганини кўрдим», дедилар.

447-боб. Бировга таъзим қилиб ўриндан туриш ҳақида

1006. Абу Милжаз айтдилар: «Муовия (р.а.) чиққанларида Абдуллоҳ ибн Омир ва Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ўтиргандилар. Улар орасида Ибн Зубайр (р.а.)

вазминроқ, жиддийроқ одам эди. Ибн Омир (р.а.) ўрнидан турди, Ибн Зубайр (р.а.) эса ўтираверди. Шунда Муовия (р.а.): «Пайғамбар (с.а.в.): «Аллоҳнинг бандаларидан кимки ўзининг амрига мунтазир бўлиб олдида (ҳурмат билан) тик туришларини яхши кўрса, у одам дўзахдан уй ҳозирлайверсин!» – дегандилар», деди».

448-боб. Саломнинг бошланиши ҳақида

1007. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни яратди, унинг бўйи 60 зироъ[1] эди. Аллоҳ унга: «Бор, анави бир гуруҳ малоикаларга салом бер ва уларнинг жавобларини эшитиб ол, бу сенинг ва зурриётларингнинг саломи бўлади», деди. У (Одам (а.с.) фаришталарга): «Ассалому алайкум», деди. Фаришталар: «Ассалому алайка ва раҳматуллоҳ», деб жавоб бердилар.

449-боб. Саломни кенг ёйиш, ошкора қилиш ҳақида

1008. Баро ибн Озиб р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Саломни ошкора қилинглар (орангизда ёйинглар), саломат бўласизлар».

1009. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расули акрам (с.а.в.) дедилар: «Жаннатга киролмайсиз мўмин бўлмагунингизча, мўмин бўла олмайсиз то бир-бирларингизни яхши кўрмагунингизча. Бир-бирингизни яхши кўрадиган бир нарса ўргатайми?» – дедилар. «Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Ул зот: «Орангизда саломни ошкор қилинг (кенг ёйинг)», дея марҳамат қилдилар».

---

[1] Зироъ – узунлик ўлчови; бир зироъ 75 сантиметрга тенг. (м.м.).



1010. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Раҳмонга ибодат қилинг, (қорни очларни) таомлантиринг, саломни кенг ёйинг, жаннатга кирасиз», дедилар».

450-боб. Саломни биринчи бўлиб бошлаш ҳақида

1011. Башир ибн Ясор (р.а.) айтдилар: «Ҳеч ким Ибн Умар (р.а.)дан аввал салом бера олмас эди».

1012. Жобир (р.а.) айтдилар: «Отлиқ пиёдага, пиёда эса, ўтирганга салом беради. Пиёда юрганларнинг ичида афзали эса, биринчи бўлиб салом берганидир».

1013. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг асҳобларидан бири, Музайн ўғилларидан бўлган Ағар (р.а.) Амр ибн Авфо ўғилларидан бир миқдор хурмо олмоқчи эди. Шу сабабли унинг уйига шошилиб борди. Ағар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бордим.Абу Бакр (р.а.) ҳам мен билан бирга эди. Йўлда борар эканмиз, йўлимизда учраган барча одамлар бизга салом берардилар. Абу Бакр (р.а.): «Кўрдингми, одамлар сендан олдин салом бермоқдалар, уларга жавоб қандай бўлиши керак7 – деб сўрадилар ва ўзлари жавоб бердилар. – Салом берганга алик олмоқ фарздир».

1014. Абу Айуб Ансорийдан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ дедилар: «Мусулмон киши биродари билан кўришганда бир-биридан тескари қараб кетиши ва 3 кундан ортиқ аразлашиб юриши ҳалол эмас. Уларнинг яхшироғи биринчи саломни бошлаганидир».

451-боб. Саломнинг фазилати ҳақида

1015. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир йиғинда ўтирганларида бир киши келиб: «Ассалому алайкум», деди. Расулуллоҳ: «Ўнта ҳасанот»,

дедилар. Яна бир киши келди-да: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деди. Ул зот: «Йигирмата ҳасанот», деб қўйдилар. Сўнг яна бир киши келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу», деди. Ул зот: «Ўттизта ҳасанот», дедилар. Шунда бир киши йиғиндан туриб кетаётиб салом бермади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Дўстингиз саломни унутаёзди, агар бирортангиз одамлар тўпланган жойга келсангиз салом беринг, жой кўрсатилса ўтиринг, туриб кетишда (яна) салом беринг. Биринчи (салом) иккинчисидан (савоб ва фазилатга) ҳақлироқ эмас», дея марҳамат қилдилар».

1016. Ҳз. Умар (р.а.) айтдилар: «Мен Абу Бакр (р.а.)нинг орқасидан кетаётган эдим. Бир қавмнинг олдидан ўтаётганда Абу Бакр: «Ассалому алайкум», деди, улар: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳ», дедилар. Шунда Абу Бакр: «Бугун одамлар кўпгина зиёдалик билан биздан устундирлар», деди».

1017-ҳадис ҳам ҳз.Умар (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, юқоридаги ҳадиснинг айнан такроридир.

1018. Ойиша (р.а.) онамиздан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Яҳудийлар сизларнинг саломингиз ва оминингизга ҳасад қилганчалик бир ишда ҳасад қилмаганлар», дедилар».

452-боб. «Ас-Салом» Аллоҳнинг исмларидан бири эканлиги ҳақида

1019. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ас-Салом Аллоҳ азза ва жалланинг исмларидан биридир. Аллоҳ уни ер юзига қўйди, бас, саломни ўртангизда ёйингиз», дедилар».

1020. Ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг орқаларида намоз ўқиётгандик, кимдир «Аллоҳга салом бўлсин», деди. Намоздан сўнг Расули акрам (с.а.в.): «Аллоҳга салом бўлсин», деб ким айтди?



Аллоҳ Саломдир. Лекин сизлар «Аттаҳиййату лиллаҳи ва-с-саловоту ва-т-тойиибату ва-с-саламу ъалайка аййуҳа-н-набий ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ, Ассаламу алайна ва ало ибодиллаҳи-с-солиҳин. Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва расулуҳ», деб айтинг», дедилар». Ибн Масъуд (р.а.): «Буни улар худди сиз Қуръондан бир сура ўрганганингиздек ўрганар эдилар», дедилар.

1021-ҳадис Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган бўлиб, у 417-бобдаги 948 ва Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган 949-ҳадиснинг такроридир.

454-боб. Юриб кетаётган ўтирганга салом бериши ҳақида

1022. Абдурраҳмон ибн Шибл (р.а.)дан ривоят қилинди: Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Уловдаги одам оёқда (пиёда) кетаётганга, пиёда эса ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом берсин. Саломига алик олинса олинди, алик олинмаса ҳам унга ҳеч бир (зарари) йўқ».

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган 1023-ҳадис 1022-ҳадиснинг такрори.

1024. Жобир (р.а.) айтдилар: «Агар пиёда кетаётганлар учрашиб қолишса, улардан биринчи бўлиб салом бергани афзалдир».

455-бобдаги 1025-ҳадис Абу Ҳурайра (р.а.)дан. 1026-ҳадис Фазала (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, 1022-ҳадис мазмунининг такроридир.

456-боб. Пиёда отлиққа салом берадими

1027. Ҳусайн айтдилар: «Шаъбий отлиқ кишини учратиб қолиб, биринчи бўлиб салом бердилар. Мен: «Саломни нега сиз бошладингиз?» – дедим. У киши: «Мен Шурайҳнинг пиёда кетаётиб биринчи бўлиб салом берганини кўрганман», дедилар.

Юқорилаги ҳадисларда отлиқ пиёда кишига салом бериши вожиблиги ҳақида гапирилган эди, бу ҳадисда эса, Шаъбийнинг от-

лиққа салом бериши айтилиб, саломни ким бошлаши муҳим эмас, балки, саломнинг ўзи муҳимлиги таъкидланмоқда (т.).

457-боббаги 1028-1029-ҳадислар Фазала ибн Убайд (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб. 1022-ҳадиснинг такроридир.

458-боб. Кичикларнинг катталарга салом бериши ҳақида

1030-ҳадис 1022-ҳадиснинг такроридир.

1031. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кичиклар катталарга, пиёда ўтирганга ва камчилик кўпчиликка салом беради», дея марҳамат қилдилар».

459-боб. Саломнинг охири ҳақида

Яъни саломни қандай сўз билан тугалланиши ҳақида. Муҳаммад ибн Ато (р.а.) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) ҳузурларида ўтиргандим. Бир яманлик киши келиб: "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу", деди ва яна бир нарсаларни қўшиб қўйди. Шунда Ибн Аббос (р.а.): "Салом – баракот тилаш ("ва барокатуҳу" сўзи) билан тугалланади", дедилар (т.).

1032. Ибн Заннод айтдилар: «Хорижа (Ибн Зайд ибн Собит) (р.а.) Зайд ибн Асламнинг мактубиги шундай деб (жавоб) ёзган эди: «Ассалому алайка, эй, мўминлар амири, ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ ва мағфиротуҳу ва тоййиби салавотуҳу».

460-боб. Ишора билан салом бериш ҳақида

1033-ҳадис. Абу Қурра Хуросоний айтдилар: «Мен Анас (р.а.)ни бизнинг олдимизга келаётганларини кўрдим, бизга қўллари билан ишора қилиб салом бердилар. Ҳасанни кўрдим, сариққа беланиб олган, бошида қора салла бор эди». Асмоъ (р.а.): "Пайғамбар



(с.а.в.) аёлларга қўлларини силкиб салом берардилар", деб хабар бердилар[1].

1034-ҳадис. Мусо ибн Саъднинг отаси Саъддан ривоят қилинди: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ва Қосим ибн Муҳаммад (р.а.)лар йўлга чиқдилар. Иккиси лойдан қурилган бир кулбага жойлашдилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) ўтиб қолиб, уларга қўли билан ишора қилиб салом берди ва алик олди».

1035-ҳадис. Ато ибн Абу Рабоҳ (р.ал.) айтдилар: «Саҳобийлар қўл билан саломлашишни ёқтирмас эдилар».

461-боб. Саломни эшиттириб айтиш ҳақида

1036. Собит ибн Убайд айтдилар: "Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) ўтирган йиғинга бордим. Ибн Умар (р.а.): "Салом берсангиз эшиттириб беринг, зеро у Аллоҳ ҳузуридаги гўзал, муборак таҳийётдир", дедилар".

462-боб. Салом бериш ва алик олиш учун чиққан одам ҳақида

1037. Туфайл ибн Убай ибн Каъбдан ривоят қилинди: у Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) билан эрталаб бозорга бирга боришар эди. Туфайл айтди: «Абдуллоҳ ибн Умар

[1] Имом Насоий (р.ал) Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а)дан ривоят қилган бир ҳадисда айтилади: "Яҳудийларнинг саломларига алик олмангиз, алик олсангиз ҳам бошингизни силкиш ва қўл кафтингизни кўтариш билан алик олинг". Албатта, агар икки мусулмон бир-биридан саломни эшитмайдиган даражада узоқда бўлса, салом лафзини айтиб туриб, ишора билан саломлашса бўлади. Лекин салом-аликка имконияти бўла туриб ишора билан саломлашишдан қайтарилган. Намозда бўлиш, орадаги масофанинг узоқлиги каби ҳолатлар бундан мустасно. Шунингдек қулоғи оғирларга ҳам ишора билан салом берилади (Ф.с.).

(р.а.) сотувчими, харидорми, мискинми ё бошқами, кимнинг олдидан ўтмасин, унга салом берарди. Бир куни Абдуллоҳ (р.а.)нинг олдига боргандим, у мендан бирга бозорга боришни сўради. «Бозорда нима қиласан? Савдо-сотиқнинг устида турмасанг, нарх суриштирмасанг ёки бозорга мол чиқармасанг, бозорда ўтирмасанг. Ундан кўра ўтир шу ерда, суҳбатлашамиз», дедим. Шунда Абдуллоҳ (р.а.): «Эй, қориндор! Биз фақат учраган кишига салом бериш учун борамиз», деди.

Демак, Туфайлнинг қорни чиққан экан, валлоҳу аълам (т.).

463-боб. Йиғинга келганда салом бериш ҳақида

1038. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан биринғиз бирор йиғинга келса, салом берсин, қайтар чоғи ҳам салом берсин, зеро кейингиси аввалгисидан кўра (савобга) ҳақлироқ эмас», дея марҳамат қилдилар.

1039-ҳадис 1038-ҳадиснинг, 464-бобдаги 1040-ҳадис 1038-ҳадиснинг айнан такроридир.

465-боб. Турганда салом бериш кишининг ҳақидир

1041. Муовия ибн Курра айтдилар: «Отам менга: «Эй, ўғлим, бирор бир йиғинда бўлганингда унинг яхшилигидан умид қилсанг ва ҳожатинг тезда раво бўлишини истасанг, «Ассалому алайкум» дегин. (Бу билан) сен ўша йиғиндагилар дардига шерик бўласан. Қайси бир қавм тўпланиб, Аллоҳни эсламай тарқасалар, худдики ўлимтик эшак атрофидан тарқалган бўладилар», деган эдилар».



1042. Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: «Ким биродарини учратиб қолса, унга салом берсин, улар ўртасини (кетаётганларида) дарахт ёки бир тўсиқ ажратса, учрашганларидан кейин ҳам салом берсин».

1043. Анас ибн Молик айтдилар: «Расули акрам (с.а.в.)нинг саҳобийлари тўпланишганида улар ўрталарида бир дарахт чиқиб қолса, бир тоифа дарахтнинг ўнг томонидан, бошқаси чап томонидан айланиб ўтишар, яна учрашганларида бир-бирларига салом беришар эди».

466-боб. Кўришиш учун қўлига хушбўй нарса суриш ҳақида

1044. Собит Бунонийдан ривоят қилинди: «Анас (р.а.) тонгда туриб биродарлари билан кўришишлари учун қўлларига хушбўй нарсалар сурар эканлар».

467-боб. Таниш ва нотанишларга салом бериш ҳақида

1045. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди: «Бир киши: «Эй, Аллоҳнинг Расули, қайси Ислом яхшидир?» — деди. Ул зот: «(Муҳтожларга) таом беришинг, таниган ва танимаганингга салом беришингдир», дедилар».

Қайси Ислом яхшидир — Исломдаги қайси амал яхши, демоқчи (т.).

468-боб. Йўл одоби

1046. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) кўча бўйида ва баланд жойда (яъни кўча кўриниб турадиган ерда) ўтиришдан қайтардилар. Шунда мусулмонлар: «Биз бунга чидай олмаймиз, тоқатимиз етмайди», дедилар. Ул зот: «Модомики, чи-

дай олмас экансиз, унда кўчанинг ҳақини бериб ўтиринг», дедилар. Улар: «Кўчанинг ҳақи нима?» — деб сўрашди. «Кўзни ерга қаратиш (яъни кўзни номаҳрамлардан тийиш), йўловчиларга (агар адашиб қолган бўлса) йўл кўрсатиш, акса уриб «алҳамдулиллаҳ» деган кишига «йарҳамукаллоҳ» дейиш ва саломга алик олишдир», деб жавоб бердилар».

1047. Абу Ҳурайра: «Саломга бахиллик қилган киши энг бахил кишидир. Унга алик олмаган киши эса, камситилган бўлади. Агар (йўлда бирга кетаётган) биродаринг билан сенинг ўртангда дарахт чиқиб қолса, ундан олдин саломни сен бошлай олсанг, шундай қилгин», дедилар.

1048. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)нинг мавлоси (озод этган қули) Солим айтдилар: «Ибн Амрга салом берилса, зиёдаси билан алик олиб жавоб қайтарардилар. Мен олдиларига келиб : «Ассалому алайкум», дегандим, Ибн Амр: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деб жавоб бердилар. Озгинадан кейин яна келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», дедим. У киши: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ», дедилар. Яна олдиларига келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ», дегандим, Ибн Амр: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу ва тийба саловотуҳу», деб жавоб бердилар».

469-боб. Фосиқларга салом бермаслик ҳақида

1049. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.): «Май ичувчиларга салом бермангиз», дедилар.

1050. Ҳасан Басрий (р.ал.) айтдилар: «Сен билан фосиқ ўртасида ҳеч қандай ҳурмат йўқдир».

1051. Абу Зурайқ Али ибн Абдуллоҳнинг шаҳматни ёмон кўрганлари ва шундай деганларини ривоят



қилдилар: «Шаҳмат ўйнаётганларга салом бермангиз, чунки шаҳмат қимордир».

Шахмат ақлни чархлаш сифатига эга эканлигини эътиборга олиб, ҳеч бир шартсиз ўйнаш баъзи саҳобийлар ва Имом Шофиъий наздида жоиздир. Ҳанафий, Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларига кўра ҳаромдир. Гаров тикиб ўйнаш эса, шубҳасиз, ҳаромдир (т.).

470-боб. Ғийбатчи ва гуноҳкорларга салом бермаган киши ҳақида

1052. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир қавмнинг олдидан ўтдилар. Ораларида балбўй атр сурган бир одам бор эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга салом бериб, ҳалиги кишидан юзларини ўгирдилар. У одам: «Мендан нимага юз ўгирдингиз?» – деб сўраган эди, : «Сенинг кўзларинг орасида отащдан бир парча бор», дедилар».

1053. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) отаси орқали бобосидан ривоят қилди: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига бир киши келди, қўлига олтин узук таққанди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан юз ўгирдилар, Ул зотнинг ёқтирмаганликларини кўрган у киши чиқиб кетиб, узугини отиб юборди ва ўрнига темир узук тақди. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) шунда унга: «Бу ҳам ёмон, бу жаҳаннам зийнатидир», дедилар. У одам қайтиб кетиб, уни ҳам отиб юборди ва кумуш узук тақди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг бу ишига эътироз билдирмадилар».

1054. Абу Саид айтдилар (р.а.): «Бир одам Бахрайндан келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига кириб салом берди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг саломига жавоб бермадилар. Чунки унинг бармоғида олтин узук ва эгнида ипакдан тикилган бир гуппи бор эди. У одам хафа бўлиб уйига қайтди ва хотинига бўлган воқеани айтди. Хотини: «Расулуллоҳ (с.а.в.) балки эгнингиздаа-

ги ипак гуппи ва бармоғингиздаги олтин узукни кўриб саломингизга алик олмагандирлар. Буларни ечиб ташлаб боринг-чи, шоял саломингизга алик олсалар», деди. Ҳалиги одам хотинининг айтганини қилиб Расулуллоҳ ҳузурларига қайтиб бориб салом берди, Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг саломига алик олдилар. «Мен бундан сал вақт илгари ҳузурингизга келиб салом берсам алик олмаган эдингиз?» – деди ҳалиги одам. «Бундан сал вақт илгари келганингда бармоғингда оташдан бир парча бор эди», деб жавоб бердилар Расулуллоҳ (с.а.в.). «У ҳолда мен оташ парчаларини келтирибман-да», деди у одам Баҳрайндан олиб келган маъданларига ишора қилароқ. «Олиб келган нарсаларинг ҳеч кимсанинг миннатсиз тошларидир холос. Ва улар дунё ҳаётининг ашёларидир (инсон ҳаётида уларга муҳтождир, ишларида, тижоратида унинг фойдаси бор, аммо зийнат учун ишлатилмас)», деб марҳамат қилдилар. «Қандай узук тақсам маъқул?» – деб сўради у одам. «Ё кумушдан ва ёки тунчдан[1] узук тақсанг бўлади ёхуд темирдан бир халқа тақ»[2], дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

471-боб. Амирга салом бериш ҳақида

1055. Умар ибн Абдулазиз (р.а.) Абу Бакр ибн Сулаймонга деди: «Абу Бакр (р.а.): «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг халифаси Абу Бакрдан», деб мактуб битарди. Умар ибн Хаттоб (р.а.) эса: «Абу Бакр (р.а.)нинг халифаси Умар ибн Хаттобдан», деб ёзарди. «Амиру-л-мўминин» иборасини биринчи бўлиб ким ёз(увда қўлла)ган?». Абу Бакр ибн Сулаймон шундай жавоб

[1] Тунч – бронза (м.м.).

[2] 1053 ва мазкур ҳадисдан маълум бўладики, «темирдан узук тақмоқ ҳаром эмас, макруҳдир» (Ф.с.).



берди: «Менга Шифо бувим гапириб бергандилар. (Бувим дастлабки муҳожир аёллардан эдилар, Умар бин Хаттоб (р.а.) ҳар доим бозорга кирганларида бувимнинг олдиларига ҳам кириб ўтар эканлар). Бувим айтдилар: «Умар ибн Хаттоб (р.а.) ироқликлар ҳокимига мактуб ёзиб, иккита пишиқ, аслзода одамни юборишни, улардан Ироқ ва унинг халқи ҳақида сўраб билмоқчи эканини айтди. Ироқ ҳокими халифага Лабид ибн Робиъа ва Адий ибн Хотамни юборди. Улар Мадинага келдилар. Туяларини масжид ҳовлисида чўктиришди. Сўнг масжидга кириб Амр ибн Ос (р.а.)ни кўришди. Унга учраб: «Эй, Амр, мўминлар амири Умардан ҳузурига киришимиз учун изн сўраб бер», дейишди. Амр (р.а.) сакраб туриб Умар (р.а.) ҳузурларига кирди ва: «Ассалому алайкум, мўминлар амири!» –деди. Умар (р.а.) унга: «Эй, Ибн Ос! Бу сўзни қаердан олдинг? Ҳаҳолда бу сўз бесабаб пайдо бўлмагандир?» – дедилар. Амр (р.а.): «Ҳа, Лабид ибн Робиъа ва Адий бин Хотам келиб менга «Мўминлар амиридан киришимиз учун изн олиб бер», дейишди. Худо ҳақи, (халифага) жуда тўғри исм топибсизлар, зеро у – амир, биз мўминлармиз!» – дедим». Шундан кейин бу (унвон) ни ёзиш расм бўлди».

1056. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ айтдилар: Муовия (р.а.) халифа бўлгач, биринчи бор ҳажга келди. Ус-мон ибн Ханиф Ансорий унинг ҳузурига кириб: «Аллоҳнинг сизга саломи ва раҳмати бўлсин, эй, амир!» – деди. Шунда шомликлардан бири бундан жаҳли чиқиб: «Амиру-л-мўминингга саломни қисқартирган бу мунофиқ ким?» – деди. Усмон тиз чўкиб: «Эй, мўминлар амири, бу одамлар сиз улардан яхшироқ билади-ган иш хусусида мени айбламоқдалар. Аллоҳга қасамки, мен Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)ларга ҳам худди шундай

салом берганман, улардан бирорталари менга танбиҳ бермаганлар», деди. Муовия ўша гапни айтган шомликка қараб: «Тинчланинг, зеро, гапла-рининг баъзиси тўғри. Шомликлар бу ерга келгунла-рига қадар ё амир шаклида халифамизга саломни қисқартириб бермасинлар, деган эдилар. Билишимча, сиз Мадина аҳли закот йиғувчига ҳам ё амир, деб хитоб қиласиз», деди.

1057. Жобир (р.а.) айтдилар: «Мен Ҳажжож ҳузурига кирдим, (лекин) салом бермадим».

Ҳажжож жуда золим киши бўлганлиги учун ҳам Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) салом бермаган бўлсалар керак. Валлоҳу аълам (т.),

1058. Тамим ибн Ҳазлон айтдилар: «Мен Куфа ҳокимларидан кимга биринчи салом берилганини эслайман. Муғийра ибн Шўъба Боби раҳбадан чиқди. Унинг олдига Киндалик бир киши келди, уни Абу Қурра Киндий бўлса керак, деб ўйлашди ва Муғийрага салом берди: «Ассалому алайка, аййуҳал амир, ва раҳматуллоҳ!» Муғийрага бу ёқмади. У деди: «Ассалому алайкум, аййуҳал амир, ва раҳматуллоҳ, ассалому алайкум. Ахир мен амирлардан бириманми ёки йўқми?» Ровий Симак айтди: «Шундан кейин амирлик унвони маҳаллийлашиб кетди».

Боби раҳба – саломхона (т.).

1059. Зиёд ибн Убайд айтдилар: «Биз Рувайфиънинг ҳузурига кирдик. У Антаблус[1] нинг амири эди. Шу пайт бир киши келиб: «Амирга салом бўлсин», Убданинг ривоятида эса: «Сизга салом бўлсин, эй амир!» – деди. Рувайфиъ унга деди: «Агар сен бизга салом берганингда эди, биз алик олардик, лекин сен Маслама ибн Мухаллидга салом бердинг. (Маслама Миср амири эди). Бор энди, у алик олсин!» – деди.

[1] Антаблус – Миср Араб Республикаси шимолидаги Искандария яқинидаги шаҳар номи (м.м.).



472-боб. Ухлаётган одамга салом бериш ҳақида

1060. Миқдод ибн Асвад айтди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қечалари келиб ухлаб ётганни уйғотмайдиган, уйғоқлар эшитадиган даражадаги товуш билан салом берардилар».

473-боб. «Аллоҳ зиёда қилсин» дейиш ҳақида

1061. Шаъбий айтдилар: «Ҳазрати Умар (р.а.) Адий ибн Ҳотамга: «Аллоҳ илм(инг)ни зиёда этсин!» – дедилар».

474-боб. «Марҳабо! Хуш келибсиз!» дейиш ҳақида

1062-ҳадис. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Фотима Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўхшаб юриб келдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Хуш келдинг, қизим», дедилар, сўнг ўнг ёнларига ёки чап ёнларига ўтқаздилар».

1063. Ҳз. Али (к.в.) айтдилар: Аммор (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳузурларига кириш учун изн сўради. Ул зот унинг овозини таниб: «Марҳабо, эй Тоййибу-л-мутоййиб!» – дедилар.

Тоййибу-л-мутоййиб – ёқимлиларнинг ёқимлиси ёки кўнгил қувончи (т.).

475-боб. Саломга қандай жавоб бериш кераклиги ҳақида

1064. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: Макка билан Мадина ўртасидаги бир дарахт соясида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузуларида ўтиргандик, энг шаддод ва

қўпол бир аъробий келиб: «Ассалому алайкум», деди. Улар: «Ваалайкум», деб жавоб бердилар.

1065. Абу Жамра айтдилар: «Ибн Аббосга салом берилса, «Ваалайка, ва раҳматуллоҳ», деб алик олардилар».

1066. Абу Абдуллоҳ айтдилар: «Бир киши (Расулуллоҳга): «Ассаламу алайка, ё Расулаллоҳ», деди. Ул зот: «Ваалайкассалом ва раҳматуллоҳ», дедилар».

1067. Абу Зарр (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) намозларидан фориғ бўлганларида олдиларига бордим. Ул зотга биринчи бор исломий саломлашишга мувофиқ салом бердим. Ул зот: «Ваалайка ва раҳматуллоҳ, сен кимлардансан (яъни, қайси қабила, уруғдансан)?» – дедилар. «Ғифордан», деб жавоб бердим».

1068. Абу Салама (р.а.): «Ҳз. Ойиша (р.а.) дедилар: «Расулуллоҳ: «Эй, Ойиша, Жаброил (а.с.) сенга салом айтаяптилар», дедилар. Ойиша: «Ва алайҳиссалом ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, таро ма ло аро», дедилар. Ойиша (р.а.) бу билан Расулуллоҳни кўзда тутгандилар», деб хабар бердилар.

Яъни мен кўра олмайдиган нарсаларни сиз кўрасиз. (т.).

1069. Муовия ибн Қурра (р.ал.) айтдилар: «Отам менга: «Эй, ўғлим, ёнингда бир киши ўтаётиб «Ассалому алайкум» деса, «Ваалайка» демагинки, бу билан (саломингни) унинг ўзигагина хос қилиб қўясан. Балки «Ассалому алайкум» дегин», дегандилар».

476-боб. Саломга алик олмаган киши ҳақида

1070. Абдуллоҳ ибн Сомит (р.ал.) Абу Зарр (р.а.)га: «Абдурраҳмон ибн Умму Ҳакамнинг ёнидан ўтаётиб, унга салом бергандим, ҳеч нарса деб жавоб қайтармади», деди. (Абу Зарр (р.а.): «Эй, биродаримнинг ўғли,

нима бўпти шунга? Бунинг ҳеч зарари йўқ, сенга ўша одамнинг ўнг елкасидаги ундан хайрлироқ бўлган фаришта жавоб қайтарган», деди.

1071. Зайд ибн Ваҳб Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилиб нақл қилди: «Муҳаққақ, салом Аллоҳнинг исмларидан биридир. Аллоҳ уни Ер юзига қўйди. Саломни орангизда ёйинглар. Агар бир одам бир жамоатга учраб, унга салом берса, жамоат саломга алик олса, ўша жамоат даражада юксалади. Зеро, салом берган одам ўша жамоатга саломни эслатиб ўтади. Агар жамоатга салом берган одамнинг саломига алик олинмаса, ҳеч бокиси йўқ, улардан кўра покроқ малаклар унга алик оладилар».

1072. Ҳасан Басрий (р.ал.) айтдилар: «Салом бериш суннат, алик олиш эса, фарздир».

477-боб. Саломга бахиллик қилган киши ҳақида

1073. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.) айтдилар: «Ҳақиқий ёлғончи қасамига ёлғон қўшган одамдир, ҳақиқий бахил эса, саломга бахиллик қилган кишидир. Намоздаги ўғри (яъни унинг арконларини ўрнига қўйиб бажармай, шошилиб ўқийдиган одам) ҳақиқий ўғридир».

1074. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Саломини қизғанган энг бахил одамдир. Энг ожиз киши эса, дуода ожизлик қилган одамдир».

478-боб. Ёш болаларга салом бериш ҳақида

1075. Анас ибн Молик (р.а.) ёш болаларнинг олдидан ўтар эканлар, салом бердилар ва: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай қилардилар», дедилар.

1076-ҳадис. Анбаса айтдилар: «Мен Ибн Умар (р.а.)-нинг ёзувчи-котиблар орасидаги болаларга салом бераётганларини кўрдим».

479-боб. Аёлларнинг эркакларга салом бериши ҳақида

1077-ҳадис. Умму Ҳони (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)никига бордим. Ул зот ғусл қилаётган эканлар. Мен ул зотга салом бердим. Ул зот: «Ким бу?» – дедилар. «Умму Ҳони», дедим. Ул зот: «Хуш келибсиз», дедилар».

1078-ҳадис. Ҳасан Басрий (р.ал.): «Аёллар эркакларга салом беришар эди», деб хабар бердилар.

480-боб. Аёлларга салом бериш ҳақида

1079. Асмоъ бинти Язид Ансорий (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнимдан ўтиб қолдилар, мен дугоналарим даврасида ўтиргандим. Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга салом бердилар ва: «Валинеъматингизга (яъни эрингизга) ношукрлик қилишдан сақланингиз!» – дедилар. Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан савол сўрашлик-да дугоналаримдан кўра дадилроқ эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: «Эй, Аллоҳнинг Расули, валинеъматига ношукрлик қилиш нима дегани?» – деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эҳтимолки, сизлардан бирингиз кўп вақт ота-онаси билан бева (ҳолда) яшайди. Сўнг Аллоҳ таоло унга бир эр насиб қилади, фарзанд беради. Энди у аёл (бирор нарса сабаб бўлиб эридан) аччиқланса, ношукрлик билан (эрига): «Сиздан ҳеч бир яхшилик кўрмадим», дейди», дея марҳамат қилдилар».

1080-ҳадиснинг юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.



481-боб. Хоссатан салом беришни ёмон кўрган киши ҳақида

1081. Торик ибн Шиҳоб (р.ал.) айтдилар: «Биз Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг ҳузурларида ўтирган эдик, намозга қомат айтилгани эшитилди. Абдуллоҳ (р.а.) турдилар, биз ҳам у билан бирга турдик, масжидга кирдик. У киши масжид тўрида одамларнинг рукуъда турганини кўрдилар ва такбир айтдилар. Биз (етиб) келдик ва (Абдуллоҳ (р.а.)) нима қилсалар, ўшани қилдик. Шу пайт бир киши чопиб келди-да: «Ассалому алайкум, эй, Абу Абдурраҳмон», деди. У киши (Абдуллоҳ (р.а.)): «Аллоҳ тўғри сўзлади ва Расули (с.а.в.) ҳам етказди», дедилар. Намоз ўқиб бўлганимиздан кейин Абдуллоҳ (р.а.) аҳли оилалари олдига қайтдилар. Биз жойимизга бориб, у кишининг чиқишларини кутиб ўтирдик. Бир-биримизга «(Абдуллоҳ (р.а.)дан) ким сўрайди?» – дедик. Торик: «Мен сўрайман», деб сўраганди, у киши Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганларини айтдилар: «Қиёматга яқин салом хоссатан (фақат танишларга) берилади, тижорат кенг тарқалади, ҳатто аёллар эрларига савдо-сотиқда ёрдам қиладилар, қариндош-уруғчилик ришталари узилади, илм-фан кенг ёйилади, ёлғон гувоҳлик бериш ҳоллари юзага чиқади ва ҳаққоний гувоҳлик яширин тутилади».

1082-ҳадис 467-боббдаги 1045-ҳадиснинг айнан такрори.

482-боб. Ҳижоб ояти қандай нозил бўлган

1083. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага келганларида Анас (р.а.) 10 ёшлик ўсмир эдилар. (Анас (р.а.) айт-дилар): «Оналарим (яъни Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аёллари ҳамда ўз оналари) мени Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хизматларига берган эдилар. Мен 10 йил хизматларини қилдим, ва-

фот этганларида 20 яшар йигит эдим. Мен ҳижоб хусусида ҳаммадан кўра яхшироқ биламан. Ҳижоб ояти нозил бўлишидан олдин Расулуллоҳ (с.а.в.) Зайнаб бинти Жаҳш (р.а.)ни никоҳларига олдилар. Шу муносабат билан зиёфат бердилар. Одамлар зиёфатдан сўнг тарқалдилар. Лекин бир неча киши жуда узоқ ўтириб қолди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан туриб ташқарига чиқдилар, мен ҳам ортларидан чиқдим, Расулуллоҳ (с.а.в.) (айланиб) юриб, ҳз. Ойиша (р.а.)нинг остонасигача келдилар. Мен ҳам (ортларидан) юрдим. Сўнг одамлар энди тарқалишгандир, деган ўй билан қайтиб бордилар. Мен ҳам қайтдим. Зайнабнинг ҳужраларига кирсак, одамлар ҳануз шу ерда экан. Расули акрам (с.а.в.) яна қайтиб ташқарига чиқдилар, мен ҳам чиқдим, ҳз. Ойиша (р.а.)нинг ҳужралари остонасига қадар юриб бордилар. Сўнг энди кетишгандир, деб ўйлаб қайтдилар, бирга қайтдим. (Келсак,) одамлар кетиб бўлишган экан. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзлари билан менинг ўртамда парда тўсдилар (яъни хона эшиги ортидаги пардани туширдилар). Шундан кейин ҳижоб ояти нозил бўлди»[1].

483-боб. Уч маҳрам вақт ҳақида

1084. Абу Молик Қуразий Абдуллоҳ бин Сувайддан аврат (очиқ) бўлиши мумкин бўлган уч (вақт) ҳақида сўради. Абдуллоҳ: «Мен пешинда (иссиқдан) кийимларимни ечганимда, олдимга сўроқсиз балоғатга етган оила аъзоларимдан бирортаси кирмайди, агар чақирсам бу унга изн берганим бўлади. Тонг отиб, одамлар намоз ўқиётгани билинмагунича (ҳам олдимга ҳеч ким кирмайди). Хуфтон намозини ўқиб бўлиб,

[1] «Аҳзоб» сурасининг 55, 59, «Нур» сурасининг 31, 60-оятлари ҳижобга тааллуқлидир (м.м.).



ухлашга ётиб, кийимларимни ечганимда ҳам ҳеч ким кирмайди», деди.

484-боб. Киши ўз аёли билан овқатланиши ҳақида

1085. Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) билан хайс еб ўтиргандик. Шунда Умар (р.а.) ўтиб қолдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни овқатга чақирдилар. Умар ўтириб, биз билан овқатландилар, овқат пайтида унинг қўли бармоғимга тегиб кетганди, «Эйҳ! Агар менга қулоқ осганларида эди, сизларни ҳеч бир кўз кўрмас эди!» – дедилар, Шундан сўнг ҳижоб ояти нозил бўлди.

Ҳайс – арабларнинг бир хил таоми; қуриган хурмога ёғ ва пишлоқ қўшиб тайёрланади (т.).

1086. Умму Ҳабиба бинти Қайс айтдилар: «Овқатланиб ўтирганда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қўлларига менинг қўлим тегиб кетди»[1].

485-боб. Бўш уйга кирган кишининг салом бериши ҳақида

1087. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Ҳеч кимса бўлмаган ерга кирмоқчи бўлган киши: «Бизга ва солиҳ бандаларга Аллоҳнинг саломи бўлсин», деб кирсин».

[1] Ислом дини барқарор бўлгунга қадар араблар аёл кишини қул чўридан ҳам паст кўрганлар, ҳатто улар билан бирга ўтириб таом емак араб зодагонлари учун ор ҳисобланар эди. Ислом ҳаётда барқарор бўлиши баробарида аёлларнинг қадр-қиммати кўтарилди, эркак ва аёлнинг тенглиги эълон қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлларни бениҳоя ҳурмат қилар, Ойиша онамизнинг айтишларича, ҳатто рўзғор ишларида ҳам аёлларга қарашар эканлар. Аёллар билан бирга бир лагандан таом ейиш эса, одатга айланган. Юқоридаги икки ҳадис шу маънони англатади (м.м.).

1088. Ибн Аббос (р.а.) (овоз чиқариб ушбу оятларни ўқидилар): «Эй, имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз!» Истисно равишда яна ушбу оятни ҳам ўқидилар: «(Хусусий) маскан бўлмаган (меҳмонхона, карвонсарой каби) сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришингизда сизга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур» (24:29, 27).

486-боб. Хизматчиларингиз ҳузурингизга кириш учун сиздан изн сўрасинлар

1089. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): («Нур» сурасининг 58-59-оятлари) аёлларгагина эмас, балки эркакларга ҳам тегишлидир», дедилар.

487-боб. Гўдаклар балоғатга етса...

1090. Нофиъдан ривоят қилинди: Ибн Умар (р.а.) болаларидан бирортаси балоғатга етса, уни ўзларидан узоқлаштирардилар. Болалари уларнинг ҳузурига фақат изн сўраб киришар эди.

488-боб. Онасининг олдига изн сўраб кириш ҳақида

1091. Алқама (р.а.)дан ривоят қилинди: «Бир киши Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан: «Онамнинг олдиларига кириш учун ҳам изн сўрашим керакми?» – деб сўради. «Уни ҳар доим (ҳар қандай ҳолатда) кўргинг келмаса керак», деб жавоб бердилар Абдуллоҳ (р.а.).

1092-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори, фақат савол берувчи Ҳузайфа (р.а.)га мурожаат қилган.



489-боб. Отасидан изн сўраб кириш ҳақида

1093-ҳадис. Мусо бин Талҳа (р.ал.) айтдилар: «Отам билан мен ҳам онам ҳузурларига кираётгандик. Отам кирдилар, мен ҳам ортларидан кирмоқчи бўлгандим, отам кўксимга чунонам урдиларки, орқам билан ўтириб қолдим. Сўнг: «Изн сўрамай кирмоқчимисан?» – дедилар».

490-боб. Кимнинг олдига киришдан қатъи назар изн сўраш ҳақида

1094. Жобир (р.а.) айтдилар: «Киши фарзандининг, онасининг, гарчи у қари кампир бўлса ҳам, ака-укаларининг, опа-сингилларининг ва отасининг ҳузурларига киришда изн сўраши керак».

491-боб. Опа-сингиллари олдига изн сўраб кириш ҳақида

1095-ҳадис. Ато (р.а.) айтдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан сўрадим: «Сингилларимнинг олдига ҳам изн сўраб кираманми?» «Ҳа», дедилар. Сўнг яна қайтиб келиб: «Икки синглим менинг уйимда яшайди, мен уларни таъминлашни ўз зиммамга олганман, уларнинг олдига ҳам изн сўраб кираманми?» – деб сўрадим. Абдуллоҳ ибн Аббос: «Ҳа, нима, бўлмаса уларни яланғоч кўришни хоҳлайсанми?» – дедилар. Сўнг (ушбу оятни) ўқидилар: «Эй, имон келтирганлар! Қўл остингиздаги (қул ва чўри)ларингиз ҳамда балоғатга етмаган (фарзанд)ларингиз уч марта (ҳузурингизга киришда) сизлардан изн сўрасинлар – бомдод намозидан илгари, пешин вақтида (иссиқдан) кийимларингизни ташлаган вақтингизда ва хуфтон намозидан кейин, (бу) уч (вақт)

сизларнинг авратларингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлар)дир...» (22:58). (Кейин) Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): «Булар (яъни фарзанд, қул ва чўрилар) фақат мана шу авратлари очиқ бўлиши мумкин бўлган уч пайтдагина изн сўрашга буюрилдилар», деб (ушбу оятни) ўқидилар: «Қачонки, гўдакларингиз балоғатга етса, бас улар ҳам худди ўзларидан олдинги (балоғатга етган)лар каби изн сўрасинлар!..» (22:59). Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): «Изн сўраш вожибдир», дедилар. Ибн Журайж (р.а.) эса: «Ҳар бир одамнинг олдига киришда», деб қўшимча қилганлар.

492-бобдаги 1096-ҳадис юқоридаги тўртта ҳадиснинг мазмунан такроридир. «Кириш учун уч марта изн сўраш ҳақида» деган 493-бобдаги 1097-ҳадис мазмуни қуйидаги 494-бобнинг 1104-ҳадисда келади.

494-боб. Салом бермай изн сўраш ҳақида

1098. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Кимки салом бермасдан киришга изн сўраса, унга то саломдан бошламагунча изн берилмайди», дедилар.

1099. Яна Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Агар бирон кимса бирон уйга криш истагида бўлса, «Ассалому алайкум», демагунча кирмасин».

495-боб. Бировнинг уйига изнсиз қараган кишининг кўзини ўйиб олиш ҳақида

1100. Абу Ҳурайра (р.а) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в): «Бирор киши агар уйинга (сўроқсиз) назар ташласа, кўзини ўйиб олавер, сенга ҳеч қандай гуноҳ бўлмайди», дедилар.

1101. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) намозда турган эдилар, бир киши уйларига (назар) ташлади. Ул зот ўқдонларидан бир ўқни олиб, унинг кўзини нишонга олдилар».



496-боб. Қарашлик сабабли изн сўраш ҳақида

1102. Саҳл ибн Саъд (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расули акрам (с.а.в.) эшикларидан яширинча қаради. Расулуллоҳнинг қўлларида бошларини қашийдиган тароқ бор эди. Ул зот: «Сенинг менга қараб турганингни билганимда мана шу (тароқ)ни кўзингга тиқиб олардим», дедилар».

1003. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Изн сўрашлик қараш сабабли жорий қилинди», дедилар.

497-боб. Кишига унинг уйида салом бериш ҳақида

1104-ҳадис. Абу Мусо (р.а.) айтдилар: «Мен ҳз. Умар (р.а.)нинг ҳузурларига кириш учун уч марта изн сўрадим, изн берилмагач, орқамга қайтдим. Ҳз. Умар (р.а.) (ишларидан фориғ бўлгач,) мени чақиртириб келдилар ва: «Эй, Абдуллоҳ, эшигим тагида кутиб туриш сенга оғир келдими? Биламан, одамлар шунақа – эшигингнинг тагида кутиб туришни ёқтиришмайди», дедилар. Мен: «Йўқ, мен сиздан уч марта изн сўрадим, изн берилмагач, орқамга қайтдим (биз шунга буюрилганмиз)», дедим. Ҳз. Умар (р.а.): «Сен буни кимдан эшитгансан?» – деб сўрадилар. «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан», деб жавоб бердим. Ҳз. Умар (р.а.): «Пайғамбар (с.а.в.)дан биз эшитмаган нарсани сен эшитибсан-да? Агар ҳузуримда ушбу сўзингга ҳужжат келтирмасанг, бошқаларга ибрат бўлиши учун сени жазолайман», дедилар. Мен у ердан чиқиб масжидда ўтирган бир гуруҳ ансор саҳобийларнинг олдига бордим ва улардан (ўша ҳадис ҳақида) сўрадим. Улар: «Биров бунга шубҳа қилмоқдами?» – дейишди. Мен

уларга ҳз. Умар (р.а.) нима деганларини айтдим. Улар: «Сен билан кичигимиз Абу Саид Худрий (р.а.) боради», дедилар. Мен билан Абу Саид Худрий (р.а.) (ёки Абу Масъуд (р.а.) Умар (р.а.)нинг ҳузурларига борди. Абу Саид (р.а.) деди: «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан (йўлга) чиқдик. Ул зот Саъд ибн Убода (р.а.)-никига бормоқчи эдилар. Бордилар ва салом бериб, киришга изн сўрадилар, жавоб бўлмади. Сўнг иккинчи марта салом бериб изн сўрадилар, яна жавоб бўлмади. Сўнг учинчи марта изн сўрадилар, яна жавоб йўқ. Шунда ул зот: «Биз зиммамиздаги (вазифани) адо этдик», деб қайтдилар. Шу пайт Саъд (р.а.) (чиқиб) ул зотга етиб олди ва: «Эй, Аллоҳнинг Расули, сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, сиз биринчи бор салом берганингиздаёқ эшитгандим, ўшанда алик олсам бўларди-ю, лекин менга ва оиламга кўпроқ салом беришингизни хоҳладим», деди». Абу Мусо (р.а.) айтдилар: «Мен, Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари борасида фақат рост гапираман». (Шунда Умар (р.а.)): «Албатта, лекин мен (ҳар гапга) ҳужжат сўрашни, эҳтиёткорликни яхши кўраман», дедилар».

498-боб. Уйга чақирганлик изн берганлик аломатидир

1105. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.): «Бир киши (биров томонидан уйига) чақирилса, унга (ўша уйга киришга) изн берилган бўлади», дедилар.

1106-ҳадис. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Биринғиз (бир жойга) чақирилса ва у (ўша ерга чақиргани келган) чопар билан бирга келса, ана шу унга берилган изндир».

1107-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг айнан такрори.



1108. Абу-л-Алония айтдилар: «Абу Саид Худрий (р.а.)нинг ҳузурларига бориб салом бердим, менга изн берилмади. Сўнг (яна) салом бердим, (яна) изн берилмади. Кейин учинчи марта салом бердим, (бу сафар) овозимни баландлатдим ва: «Ассалому алайкум, эй, ушбу хонадон эгалари», дедим, (бироқ) яна жавоб бўлмади. (Кейин) бир чеккада ўтириб турдим. Ичкаридан бир бола чиқиб: «Киринг», деди. Мен уйга кирдим. Абу Саид Худрий (р.а.) менга: «Агар яна қўшимча қилганингда, сенга изн берилмасди», дедилар».

499-боб. Эшик олдида қандай турилиши ҳақида

1109. Пайғамбар (с.а.в.) саҳобийларидан Абдуллоҳ ибн Бусро (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) агар (бирор кишининг) эшигига бориб киришга изн сўрасалар, эшикнинг рўпарасида туриб олмас эдилар, балки изн берилишини кутиб ўнг томон ёки чап томонда турардилар, акс ҳолда (яъни, изн берилмаса) кетардилар».

500-боб. Чақирилган уй эгаси чиққунча...

1110. Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Ҳудай оталаридан ривоят қилдилар: «Мен ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) ҳузурларига келиб, киришга ижозат сўрадим. «Чиққунларича ўша ерда кутиб туринг», дейишди. Мен эшикка яқинроқ бир ерга ўтирдим. Сўнг (ҳз. Умар (р.а.) олдимга чиқдилар ва (ичкаридан) таҳоратга сув сўраб, таҳорат олдилар. Сўнг оёқларига масҳ тортдилар. Мен: «Эй, мўминлар амири! Бу бавлданми?» – деб сўрадим. Ҳз. Умар (р.а.): «Бавлдан ёки бошқасидан», дедилар.

501-боб. Эшикни тақиллатиш ҳақида

1111. Анас ибн Молик айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг эшикларини тирноқ билан тақиллатилар эди».

502-боб. Ижозат сўрамай кириш ҳақида

1112. Сафвон ибн Умайя (р.а.) Расулуллоҳга Фатҳ куни сут, тарра ва ҳадялар олиб келдилар. Расули акрам (с.а.в.) водийнинг тепасида эдилар. (Сафвон (р.а.) айтдилар): «Мен салом ҳам бермадим, изн ҳам сўрамадим, шунда ул зот: «Қайт орқангга, «Ассалому алайкум, кирсам майлими?» – деб айт!» – дедилар». Ўшанда Сафвон (р.а.)нинг Исломни қабул қилган кезлари эди.

1113. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «(Бировникига) назар ташлашга изн йўқдир», дедилар».

Фатҳ куни – Макка фатҳ қилинган кун (т.)..

503-боб. «Кирсам бўладими?» – деса-ю, салом бермаса...

1114. Ато (р.а.) айтдилар: «Абу Ҳурайра (р.а.): «Агар биров: «Кираверайми?» – деса-ю, салом бермаса: «Йўқ, калит билан келмагунингча (рухсат берилмайди) дегин», дедилар». Мен: «(У) саломми?» – деб сўрадим. «Ҳа», дедилар».

1115. Бани Омир қабиласидан бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Кирсам бўладими?» – деди. Расули акрам (с.а.в.) жорияга: «Келган одамга чиқиб айт, «Ассалому алайкум, кирсам майлими?» – десин, чунки у чиройли изн сўрамади», дедилар. У одам айтди: «Мен у зотнинг гапларини жория олдимга чиқмасидан олдин эшитдим, (у чиққач): «Ассалому алайкум, кирсам



майлими?» – дедим. Ул зот: «Ваалайкум, кир» дедилар. Мен кириб (ул зотга): «Қандай нарса (дин) келтирдингиз?» – дея сўрадим. Ул зот: «Фақат эзгуликдан олиб келдим: ҳеч қандай шериги йўқ ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишингиз, Лот ва Уззога ибодат қилишингизни ташлашингиз учун юборилдим. Бир кеча-кундузда беш маҳал намоз ўқийсиз. Бир йилда бир ой рўза тутасиз, ушбу байт (Каъба)ни зиёрат қилиб ҳаж қиласиз. Бойларингиз молларидан камбағалларингизга берасиз», дедилар. Мен: «Сиз билмайдиган бирор илм борми?» – деб сўрадим. Ул зот: «Аллоҳ (барча нарсани) яхшироқ билгувчидир. Фақат Аллоҳга маълум илмлар бор. Бешта нарса борки, уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди: «Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ҳузуридагина қиёмат (қачон бўлиши тўғрисида) билим бордир. У (хоҳлаганича) ёмғир ёғдирар ва бачадонлардаги нарса (ҳомила)ни билур. Бирор жон эртага нима қилишини билмас. Бирор жон қаерда ўлишини ҳам билмас...» (31:34).

504-боб. Ижозат қандай сўралиши ҳақида

1116. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Ҳз. Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига кириш учун ижозат сўраб, дедилар: «Аллоҳнинг Расулига салом бўлсин, сизларга салом бўлсин, Умар кираверсинми?»

505-боб. «Ким бу?» деганда, «Мен» дейиш ҳақида

1117. Жобир (р.а.) айтдилар: «Мен отам зиммаларидаги қарз бўйича Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келдим, эшикни тақиллатдим. Ул зот: «Ким бу?» – дедилар. «Мен», дедим. Ул зот гўё буни ёқтирмагандай: «Мен, мен!» деб қўйдилар».

118-ҳадис 350-боббаги 805-ҳадиснинг айнан такрори.

506-боб. Изн сўраганга «Салом бериб киринг», дейилса

1119. Абдуллоҳ ибн Жудъон айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) аҳли байтлари ҳузурига кириш учун изн сўрадилар. «Салом билан киринг», дейишди. Ибн Умар (р.а.) улар ҳузурига кирмасдан қайтдилар»[1].

507-боб. Уйларга назар солиш ҳақида

1120-ҳадис 502-бобдаги 1113-ҳадиснинг такрори.

1120. Муслим ибн Назир айтдилар: «Бир киши Ҳузайфа (р.а.)нинг ҳузурларига кириш учун изн сўраб, (ичкарига) аланглади ва: «Кирсам майлими?» – деди. Ҳузайфа «Ўзингдан илгари кўзинг кириб бўлди», дедилар.

1121 ҳадис мазмунида 488-бобдаги 1091 ва 491-бобдаги 1095-ҳадислар такрорланган.

1121. Анас ибн Молик р.а.)дан ривоят қилинди: «Бир аъробий Расулуллоҳ (с,а,в,)нинг уйларига келиб, эшик тирқишидан мўралади. Ул зот бир ўқ ёки учли калтакни олиб аъробийнинг кўзини ўйиб олиш учун унга отдилар. У (эшикдан нари) кетди. Ул зот: «Агар (жойингда) турганингда кўзингни ўйиб олардим», дедилар.

1124. Аммор ибн Саъд ат-Тужибий айтдилар: Умар ибн Хаттоб (р.а.): «Кимки (бегона) уйининг тешигидан беижозат мўраласа, у фосиқдир», дедилар.

1125. Савбон (р.а.)дан ривоят қилинишига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилганлар: «Рухсат берилмагунча бировнинг уйига қарамоқ ҳеч кимга ҳалол эмас, агар қараса, изнсиз кирган

[1] Демак, оила аъзоларининг ҳузурига кирганда ҳам салом бериб кириш керак экан. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) қайтиб келиб салом берган ҳолда изн сўрасалар керак, валлоҳу аълам (м.м).



ҳисобланади. Ўз-ўзини таъминлай олмаган одам жамоатга имом бўла олмайди. Агар кимсанинг тик туришга қуввати етмаса. намозга тик турмасин».

508-боб. Уйга салом бериб киришнинг фазилати ҳақида

1126. Абу Умома (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Учта (нарса борки, уни қилганларнинг) ҳар бири Аллоҳнинг ҳимоясидадир, тириклигида Аллоҳ унга кифоя қилади, ўлса жаннатга киради: кимки уйига салом бериб кирса, у Аллоҳнинг ҳимоясидадир. Кимки масжидга чиқса, у ҳам Аллоҳнинг ҳимоясидадир. Кимки Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқса, у ҳам Аллоҳнинг ҳимоясидадир».

1127. Жобир ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Агар уйингга, аҳлинг ҳузурига кирсанг, уларга Аллоҳ ҳузуридан (келган) покиза ва муборак салом бер». Абу Зубайр (р.а.) айтдилар: Мен (Жобир (р.а.)нинг) фақат Аллоҳнинг ушбу сўзига ишора қилаётганини сездим: «Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз...» (4:86).

509-боб. Уйга киришда Аллоҳ зикр қилинмаса у ерда шайтон ин қуриши ҳақида

1128. Жобир (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Киши уйига киришда ва овқатланишда Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилса, шайтон: «Сизларга қўноқ (бошпана) ҳам, кечки таом ҳам йўқ», дейди. Агар киши уйига киришида Аллоҳни эсламаса, шайтон: «Бошпанага эришдингиз», дейди. Агар у овқат пайти Худони ёдига олмаса, шайтон: «Бошпанага ҳам, кечлик таомга ҳам эришдингиз», дейди».

510-боб. Изн сўралмайдиган жой ҳақида

1129-ҳадис. Айён Хаворазмий (р.ал.) айтдилар: «Биз Анас ибн Молик (р.а.)нинг олдиларига келганимизда у киши даҳлизларида ўтирган эдилар, ёнларида ҳеч ким йўқ эди. Дўстим у кишига салом бериб: «Кирсам майлими?» – деди. Анас (р.а.): «Кир, бу ер ҳеч ким изн сўрамайдиган жойдир», дедилар. Олдимизга овқат қўйдилар, биз едик. Сўнг бир қадаҳ ширин набиз олиб келдилар, биз қуйиб бердик, ичдилар».

511-боб. Бозор дўконларида изн сўралмаслиги ҳақида

1130. Мужоҳид (р.а.) айтдилар: «Ибн Умар (р.а.) бозор уйлари (дўконлари)да изн сўрамас эдилар».

1131. Ато (р.а.) дедилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) газламафурушларнинг дўконлари соясида дам олмоқ учун улардан изн сўрардилар».

512-боб. Зиммийлардан изн қандай сўралади

1132. Ҳз. Умар (р.а.)нинг набираси Умарнинг қизи Умму Мискиннинг озод қилган қули Абу Абдулмалик айтди: «Хоним мени Абу Ҳурайра (р.а.)ни чақириб келишга юборди. Абу Ҳурайра (р.а.) мен билан бирга келди. Умму Мискиннинг эшиги олдида тўхтаб: «Кирсам майлими?» – деб сўради. Умму Мискин ҳам: «Киринг», деди ва сўзини шундай давом эттирди: «Эй. Абу Ҳурайра! Менинг ҳузуримга хуфтон пайтида зиёпатчилар келадилар, мен улар суҳбатлашсам бўладими?» Абу Ҳурайра (р.а.): «Витр намозини адо қилишдан олдин суҳбатлашсанг бўлади, витр намозидан кей-

ин суҳбат йўқ!» (Витр намозидан кейин дунё ишларидан суҳбатлашмоқ эмас, ухламоқ керак).

513-боб. Зиммий хатида салом йўллаган бўлса, унга жавоб қайтариш ҳақида

1133. Абу Усмон Наҳдий айтдилар: «Абу Мусо (р.а.) бир қабила йўлбошчисига хат ёзиб, унга салом йўллади. Унга: «Кофирга салом йўллаяпсизми?» – дейишди. «Унинг ўзи менга хат ёзиб, салом йўллабди, мен ҳам саломига жавоб қайтардим», дедилар».

514-боб. Зиммийларга биринчи бўлиб салом бермаслик ҳақида

1134. Абу Басра Ғифорий (р.а.)дан ривоят қилинди: Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Мен эртага яҳудийлар олдига бораман. Уларга биринчи бўлиб салом берманг, агар улар сизга салом берсалар «Ваалайкум», денг».

1135-ҳадисда 1134-ҳадис бошқача сўзлар билан ифода этилган холос, ровий «Оасулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдим», деган гапни қўшган.

1136. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилдилар: «Яҳудий ва насороларга биринчи бўлиб салом бермангиз ва йўлда тўқнашиб қолсангизлар, уларни четдан юришга мажбур қилингиз».

515-боб. Зиммийларга ишора билан салом берган киши ҳақида

1137. Алқама (р.а.) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд яҳудий қабиласи бошлиқларига ишора билан салом берардилар».

1138. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Бир яҳудий Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларидан ўта туриб: «Ассому алайкум» (яъни «сизларга ўлим тилайман»), деди. Саҳо-

бийлар: «Ваалайкум ассалом», дейишди. Ул зот: «У «Ассому алайкум», деди», дедилар. Кейин у яҳудий қўлга олиниб, сўроқ қилингач, ўзи ҳам (шундай дегани) эътироф қилди. Ул зот: «У нима деган бўлса сиз ҳам унга ўшандай жавоб қайтаринг», дедилар.

516-боб. Аҳли китобнинг саломига қандай алик олинади

1139. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Яҳудийлардан бири сизга салом бериб: «Ассому алайкум», деса, «Ваалайка», деб жавоб қайтаринг», дедилар».

1140. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Яҳудий, насроний ёки мажусий бўладими, сизларга салом берса, алик олинглар. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: «Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз...» (4:86).

517-боб. Мусулмонлар ва мушриклар аралаш бўлган жамоага салом бериш ҳақида

1141. Усома ибн Зайд (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) эшакнинг устига эгар қўйиб, унга жунли кўрпача тўшаб миниб мени орқаларига мингаштириб олдилар, Саъд ибн Убоданикига кетдик. Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул (ҳали унда Исломга кирмаган эди) бор бўлган йиғиннинг олдидан ўтдик. Бу йиғинда мусулмонлар ҳам, мушриклар ҳам, бутпарастлар ҳам аралаш ўтирган эдилар. Ул зот уларга салом бердилар».

518-боб. Аҳли китобларга қандай мактуб ёзилади

1142. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: Рум императори Хирақл Абу Суфён ибн Ҳарбни чопар юбориб саройига олдириб келди. Сўнг Диҳйату-л-Калбий Бусро ҳокимига келтирган Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мактубларини келтиришни сўради. У мактубни олиб келиб ўқиди. Унда: «Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари Муҳаммаддан Румнинг улуғи Хирақлга. Тўғри йўлдан кетганларга салом бўлсин. Бундан кейин мен сени Исломга даъват этаман. Исломга киргилки, саломатликда қоласан. Аллоҳ сенга ажрини икки қат берсин (ҳам Исо (а.с.)га, ҳам Муҳаммад (с.а.в.)га имон келтирганинг учун). Агар қабул қилмасанг, бутун халқнинг гуноҳи сенинг бўйнингдадир. Ва «Айтинг (эй, Муҳаммад): «Эй, китоб аҳли (яҳудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бировларимизни илоҳ қилиб олмайлик. Агар (бу таклифдан) юз ўгирса-лар, (сизлар уларга): «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз», деб айтиб қўйингиз!» (3:64).

Абу Суфён у пайтда Ислом динига душман эди (т.).

519-боббаги 1143-ҳадис 145-боббаги 314-ҳадиснинг мазмунан такроридир.

520-боб. Мушрикларга салом бермаслик ҳақида

1144. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар йўлда мушрикларни учратиб қолсангиз, уларга биринчи бўлиб салом бермангиз ва

уларни йўлнинг четидан юришга мажбур қилингиз!» –деб марҳамат қилганлар».

521-боб. Зиммийлар қандай чақирилади

1145. Уқба бин Омир Жуҳаний (р.а.)дан ривоят қилинди: Бу киши ташқи кўринишидан мусулмонга ўхшаган кишининг ёнидан ўтаётгандилар, у салом берди. «Ваалайка ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу», деб алик олдилар. Хизматкор у кишига: «Бу одам насронийдир», деди. Уқба туриб ҳалиги кишига етиб олдилар ва: «Аллоҳнинг раҳмати ва барокати мўминларгадир. Лекин Аллоҳ сенинг умрингни узун қилсин, фарзанд ва молдунёингни зиёда қилсин», дедилар.

1146. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Агар менга Фиръавн «Баракаллоҳ фика» деганида мен «Ва фика» дер эдим. (Лекин) Фиръавн ўлиб кетган».

«Баракаллоҳ фика» – Аллоҳ сенга барака берсин, «ва фика» – сенга ҳам (т.).

1147-ҳадис 425-бобдаги 966-ҳадиснинг айнан такроридир.

522-боб. Танимай насронийга салом бериш ҳақида

1148. Абдурраҳмон айтдилар: «Ибн Умар (р.а.) бир насронийнинг ёнидан ўтиб, унга салом бердилар. У алик олди. Ибн Умар (р.а.)га бу одамнинг насронийлиги айтилгач, унинг ёнига қайтиб бориб: «Саломимни қайтар», дедилар».

523-бобдаги 1149-ҳадис 475-бобдаги 1068-ҳадиснинг айнан такроридир.

524-боб. Мактубнинг жавоби ҳақида

1150. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Мен мактубнинг жавоби худди саломнинг жавоби каби ҳақ, деб ўйлайман».



525-боб. Аёлларга мактуб ёзиш ва уларнинг жавоблари ҳақида

1151. Ойиша бинти Талҳа (р.а.) айтдилар: «Ҳз. Ойиша (р.а.)нинг олдиларига турли шаҳарлардан келишар, кексалар вақти-вақти билан келиб зиёрат қилиб кетишарди. Ёшлар эса менга дўстона муносабатда бўлишар, менга эргашар эдилар ва менга турли шаҳарлардан мактуб ёзишарди. Мен ҳз. Ойиша (р.а.)га: «Эй, хола, бу фалончининг мактуби ва ҳадяси», дердим. Шунда ҳз. Ойиша р.а.): «Қизим, унга жавоб ёз ва ҳадя юбор. Агар сенинг (беришга) ҳадянг бўлмаса, мен сенга берайин», дердилар ва берардилар.

526-боб. Мактубнинг боши қандай ёзилиши ҳақида

1152. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Абдулмалик ибн Марвонга байъат қил(ганларини билдир)иб хат ёздилар. Унда шундай ёзгандилар: «Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Амиру-л-мўминин Абдулмалик ибн Марвонга Абдуллоҳ ибн Умардан. Сенга салом бўлсин. Мен сенинг номингдан ўзидан ўзга ҳеч қандай илоҳ бўлмаган Аллоҳга ҳамд айтаман, имконинг борича Аллоҳнинг ва Расулининг кўрсатмаларини тинглашингни ва итоат этишингни таъкидлаб ўтаман».

527-боб. «Аммо баъд» ҳақида

1153. Зайд ибн Аслам айтдилар: «Отам мендан Ибн Умар (р.а.)га мактуб йўлладилар. Мактубни: «Бисмиллоҳи-р-раҳмонир-раҳим. Шундан сўнг...», деб ёзаётганларини кўрдим».

1154. Ҳишом бин Урва (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мактубларини кўрдим. Ҳар қачон қисса (яъни хатда баён қилинаётган сўзлар)даги (мавзу) ўзгарганда «Шундан сўнг» ибораси ишлатилган.

Айтмоқчики, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳар бир ёздирган мактубларида Аллоҳнинг ягоналиги, унинг шериги йўқлиги айтилиб, унга ҳамду сано ўқилгач «Аммо баъд – шундан сўнг» ибораси билан даъватга ўтилган. Бу ҳозирги ўзбек тили услубиётида янги сатр боши (абзац)дан ёзишга тўғри келади (т.).

528-боб. Мактублар, рисолалар «Басмала» билан бошланиши ҳақида

1155. Зайд ибн Собит (р.а.) хонадонининг улуғларидан бўлган Хорижа ибн Зайд (р.а.)дан ривоят қилинди: «Зайд ибн Собит бир хатида: «Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим, Аллоҳнинг бандаси, мўминлар амири Муовияга Зайд ибн Собитдан. Амиру-л-мўминин, сизга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин. Мен сизнинг номингиздан ўзидан ўзга ҳеч қандай илоҳ бўлмаган Зотга ҳамд айтаман. Шундан сўнг...» – деб ёзганди».

1156. Бир киши Ҳасан Басрий (р.ал.)дан «Бисмиллоҳ»нинг қироати ҳақида сўради. Ҳасан Басрий (р.ал.): «У хатларнинг бошидир», деб жавоб бердилар.

529-боб. Хатнинг бошланиши ҳақида

1157. Нофиъ (р.а.) айтдилар: Ибн Умар (р.а.)ининг Муовияга бир ҳожатлари бор эди. Унга хат ёзмоқчи бўлдилар. (Одамлар) Муовиянинг номини биринчи ёзинг, деб ҳали гапларини тугатмаган ҳам эдиларки, Ибн Умар (р.а.): «Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Муовияга...» – деб ёздилар.



1158. Анас ибн Сирин (р.ал.) айтдилар: Ибн Умар (р.а.)га котиблик қилаётган эдим. У киши: «Ёз, Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Фалончига...», дедилар.

1159. Яна Ибн Сириндан ривоят қилинди: «Менинг иштирокимда Ибн Умар (р.а.) бошқа бир одамга мактуб ёздирди ва шундай бошлашни буюрди: «Бисмиллоҳ дегин, бу унга етиб борсин».

1160. Бошқа бир ровийдан нақл қилинишига кўра, Зайд ибн Собит (р.а.) мана шундай мактуб ёзган экан: «Зайд ибн Собитдан Аллоҳнинг қули, мўминлар амири Муовияга. Сенга саломлар ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, мўминлар амири. Сенга мактуб ёзишдан олдин Аллоҳга ҳамдлар айтаман...»

1161. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бани Исроилдан бир киши», деб ҳадисни (воқеани) баён қилдилар «ва унга дўсти «Фалончидан фалончига», деб хат ёзибди», дедилар.

530-боб. «Қандай тонг оттирдинг», дейиш ҳақида

1162. Маҳмуд бин Лубайд (р.а.) айтдилар: Ҳандақ ғазотида Саъд ибн Аби Ваққос (р.а.) қон томиридан ярланиб, аҳволи ёмон бўлиб қолди. Уни Рафида деган аёлнинг олдига олиб бордилар. У аёл жароҳатларни даволар эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Саъд (р.а.)нинг олдидан (кечки пайтларда) ўтсалар: «Кунни қандай ўтказдинг?» – дер эдилар. Эрталаблари эса: «Қандай тонг оттирдинг?» – деб сўрардилар. Саъд (р.а.) жавоб берарди.

1163. Ибн Аббос (р.а.)хабар бердилар: «Али ибн Абу Толиб (к.в.) охири ўлим билан тугайдиган бир дард ичра ётган Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларидан чиқдилар. Одамлар: «Эй, Абулҳасан, Расулуллоҳ қандай

тонг оттирдилар?» – деб сўрадилар. Ҳз. Али (к.в.): «Ул зот пок Парвардигорнинг ҳамди билан тонг оттирдилар», деб жавоб бердилар. Аббос бин Абдулмутталиб (р.а.) ҳз. Али (к.в.)нинг қўлларидан ушлаб: «Сенинг фикринг қандай? Худо ҳаққи, сен уч кундан кейин бировларни ҳукминг остига оласан! (Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг вафотларидан кейин халифаликни қўлга оласан). Фикримча, Расулуллоҳ (с.а.в.) шу касалликлари билан вафот этадилар, чунки мен Абдулмутталиб авлодининг ўлим олди (арафасидаги) юз ифодасини яхши биламан. Биз билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига юр, халифаликни кимга қолдиришларини ўзларидан сўраймиз», дедилар. Шунда ҳз. Али (к.в.): «Аллоҳга қасамки, биз буни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрасагу ул зот бизни ундан манъ қилсалар, одамлар кейин халифаликни бизга бермайдилар. Худо ҳаққи, мен буни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрамайман!» – дедилар қатъийлик билан».

531-боб. Мактуб сўнггини салом, исм ва сана билан битирмак ҳақида

1164. Ибн Абу-з-Заннод айтдилар: «Отам ушбу хатни Хорижа ибн Зайд (р.а.) ва Зайднинг хонадони улуғларидан олганликларини менга сўзлаб бердилар. (Хатда шундай ёзилган эди): «Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Аллоҳнинг бандаси, мўминлар амири, Муовияга Зайд бин Собитдан. Амиру-л-мўминин, сизга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин! Мен сизнинг номингиздан ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳ таолога ҳамд айтаман. Сиз мендан бобо ва ака-укаларнинг мерос олиш тартиби ҳақида сўрабсиз. (Хатда бу масала баён қилиб ўтилади). Аллоҳдан ҳидоят, ҳимоят ва

барча ишларимизда барқарорлик сўраймиз. Аллоҳ тақолодан адашиб кетишдан, жаҳолатдан ва ўзимиз билмаган нарсани зиммамизга олишдан паноҳ сўраймиз. Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати, барокати ва мағфирати бўлсин, эй, мўминлар амири!» Котиб: Ваҳб, 42-йил, Рамазон ойининг 12-куни, пайшанба».

532-боб. «Қалайсиз», дейиш ҳақида

1165. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Умар бин Хаттоб (р.а.)га бир киши салом берди, у киши алик олдилар, сўнг: «Қалайсан?» – деб сўрадилар. У одам: «Худога шукр», деб жавоб берди. «Мен сендан шуни (айтишингни) хоҳлагандим» дедилар ҳз. Умар (р.а.)».

533-боб. «Қандай тонг оттирдинг», деганга нима деб жавоб бериш ҳақида

1166. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)га «Қандай тонг оттирдингиз?» – дейишди. Ул зот: «Жанозага иштирок этмаган ва бирон хастани бориб зиёрат қилмаган одамлардан хайрлироқ тонг оттирдим», дедилар».

1167. Шарик айтдилар: «Мен ҳазрамийларнинг улуғларидан бўлган, Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобийларидан бирининг олдида ўтирган эдим. Унга: «Қандай тонг оттирдингиз?» – дейишса, у: «Аллоҳга ширк келтирмаймиз» – деб жавоб берарди».

1168. Сайф ибн Ваҳб айтдилар: «Абу Туфайл мендан: «Неча ёшга кирдинг?» – деб сўрадилар. Мен: «33 ёшга», деб жавоб бердим. Абу Туфайл: «Сенга Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.)дан эшитган ҳадисни айтиб берайми? Хасафа жангчиларидан Амр ибн Сулайъ деган бир

киши бўлиб, унинг ўз тўдаси бор эди. Ўша пайтда мен сенинг ёшингда эдим. Биз Ҳузайфа (р.а.)нинг олдига – масжидга келдик, мен қавмнинг охирига бориб ўтирдим. Амр тўғри бориб Ҳузайфанинг олдида туриб: «Қандай тонг оттирдинг?» (ёки «Кунни қандай ўтказдинг?»), эй, Абдуллоҳ?» – деди. У: «Худога шукр», деди. Амр: «Сендан бизга етиб келган қандай ҳадислар экан, (эй, Ҳузайфа)?» – деб сўради. Ҳузайфа: «Мендан нима етиб келибди, эй, Амр?» – деди. «Мен эшитмаган ҳадислар», деди Амр. Ҳузайфа (р.а.): «Худо ҳаққи, агар мен эшитган ҳадисларимни сизга айтадиган бўлсам, мана шу кечанинг бир қисмигача кутардингиз. Лекин, эй, Амр ибн Сулайъ, агар Қайснинг Шомни эгаллашини кўрсанг, алҳазар, алҳазар! Аллоҳга қасамки, у Аллоҳнинг мўмин бандаларини фақат қўрқитади ёки ўлдиради. Худо ҳақи, уларга шундай замонлар келадики, у пайтда катта гуноҳдан ҳам қайтарилмайдилар». Амр: «Аллоҳ сени раҳматига олсин, қавмингга нима қилдинг?» – деди. У: «Бу менинг ишим», деди».

534-боб. Жойларнинг яхшиси кенгроғи эканлиги ҳақида

1169. Абдурраҳмон ибн Абу Умра Ансорий айтдилар: «Абу Саид Худрий (р.а.)ни жанозага чақиришди. У одамлар ўз ўринларини эгаллаб бўлгач, келди. Қавм уни кўриб қимирлаб, шошиб, (унга жой бериш учун) ҳаракат қила бошладилар. Улардан баъзилари ўзининг ўрнига ўтқазмоқчи ҳам бўлди. (Бироқ) Абу Саид (р.а.): «Йўқ, (қимирламанг), мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Жойларнинг яхшиси уларнинг кенгроғидир», деганларини эшитганман», деди ва жамоатнинг чеккарофига бориб ўтирди.



535-боб. Қиблага юзланиш ҳақида

1170. Суфъён ибн Мунқизнинг оталари айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) қиблага юзланиб кўп ўтирар эдилар. Язид ибн Абдуллоҳ Ибн Қусайт (р.а.) қуёш чиққандан кейин сажда (ояти)ни ўқиди ва сажда қилди. (Бошқалар ҳам) сажда қилдилар, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) сажда қилмади. Қуёш чиқиб бўлгач, Абдуллоҳ (р.а.) (оёқларини) ёзиб, сўнг сажда қилдилар. «Дўстларингиз сажда қилганларини кўрмадингизми?» – деб сўрашган эди, «Улар намоз вақтидан бошқа маҳалда сажда қилишди», деб жавоб бердилар.

536-боб. Ўриндан туриб кетиб, яна қайтиб келиш ҳақида

1171. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Сизлардан биринг ўрнидан туриб кетса, сўнг яна у ерга қайтиб келса, у (ўша ўрин)га ҳақлироқдир».

537-боб. Йўл ёқасида ўтириш ҳақида

1172. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Биз ёш болалик пайтимизда Расулуллоҳ (с.а.в.) олдимизга келиб салом бердилар ва мени бир иш билан жўнатдилар. (Ўзлари) менинг қайтишимни кутиб йўл бўйида ўтирдилар. (Йўлда) мени Умму Сулайм (р.а.) тўхтатиб: «Нега кеч қолдинг?» – деб сўради. Мен: «Расулуллоҳ мени бир иш билан жўнатдилар», дедим. «Нима экан (у иш)?» – деди у. «Бу – сир», дедим. Умму Сулайм (р.а.): «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сирларини сақла», деди».

538-боб. Кенгайиб ўтириш ҳақида

1173. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан ҳеч ким бировни ўрнидан турғазиб юбормасин, балки кенгайшиб ўтиринглар», дедилар».

539-боб. Охирида ўтириш ҳақида

1174. Жобир ибн Самура (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига борсак, биримиз энг охирида ўтирар эдик».

540-боб. Икки кишининг ўртасини ёриб ўтмаслик ҳақида

1175. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир киши икки одамнинг орасини уларнинг изнисиз ёриб ўтиши ҳалол эмас», дедилар».

541-боб. Ўтирганларнинг устидан ҳатлаб ўтиш ҳақида

1176. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Ҳз. Умар (р.а.)нинг орқасидан (ханжар) санчилган пайтда мен у қотилни тутганлар орасида эдим, уни ҳовлига олиб чиқдик. Ҳз. Умар (р.а.) менга: «Эй, биродаримнинг ўғли, бориб мени ким яралаганини, мендан бошқа яна кимни яралаганини билиб кел», дедилар. Мен кетдим, (у ҳақда) хабар бериш учун келсам, уй (одамлар билан) лиқ тўла экан. Одамлар устидан ҳатлаб ўтгим келмади — ёш бола эдим, (шу ерда) ўтирдим. (Ҳз. Умар (р.а.) одатда) бир кишини бирор иш билан жўнатсалар, (натижа-



сини) айтиб қўйишни буюрардилар. (Ҳозир) у кишини ўраб олишибди. Убай ибн Каъб (р.а.) келиб деди: «Худо ҳақи, мўминлар амири агар Аллоҳдан дуо қилиб сўраса, Аллоҳ таоло уни қутқаради ва умматнинг бошига яна қайта келтириб қўяди. Ҳатто, ушбу уммат билан боғлиқ шундай-шундай ишларни қиларди». Сўнгра Убай ибн Каъб (р.а.) мунофиқларнинг исм ва куняларини бирма-бир санади. Мен: «Айтганларингни ҳз. Умарга етказайми?» – деб сўрадим. «Етказишингни хоҳлаганим учунгина буларни айтаяпман», деди Убай ибн Каъб (р.а.). Мен ундан руҳланиб, ўрнимдан турдим, одамлардан ҳатлаб ўтиб, ҳз. Умар (р.а.) бошлари ёнига ўтирдим. «Сиз мени шу-шу нарса(ларни билиш учун) юборгандингиз, сиз билан шунча (13 та) одам яраланган, қотил ҳовузча ёнида таҳорат олаётган Кулайбни ҳам яралабди, Убай ибн Каъб Аллоҳга қасам ичиб шундай-шундай деди», дедим. Ҳз. Умар (р.а.): «Убай ибн Каъбни чақиринг», деди. Чақирилди. (Убай ибн Каъб етиб келганда ҳз. Умар ундан): «Нима деяпсан?» – деб сўрадилар. Каъб: «Шундай-шундай, деб айтаяпман», деди. Ҳз. Умар: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, дуо қилмайман! Аммо Аллоҳ Умарни кечирмаса, у бадбахт бўлиб қолади», дедилар».

1177. Шаъбий айтдилар: «Бир киши Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг олдиларига келди, келаётиб олдидаги қавм устидан ҳатлаб ўтаётган эди, тўхтатиб қолишди. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): «У одамни ўз ҳолига қўйинглар», дедилар. У одам келиб олдиларида ўтиргач, «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган нарсангни менга ҳам билдир», дедилар. У: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деяётганларини эшитдим: «Ҳақиқий мусулмон бошқа мусулмонлар унинг ти-

лидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир. Муҳожир эса, Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан узоқ бўлган кишидир», деди»[1].

542-боб. Одамларнинг яхшиси дўстининг ёнида ўтиради

1178. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) дедилар: «Менимча, одамларнинг энг яхшиси ёнимда ўтирганидир».

1179. «Назаримда, одамларнинг энг яхшиси ёнимда ўтириш учун одамлар орасидан аста-секин одимлаб келганидир», дедилар яна Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а).

543-боб. Киши қўшниси тарафга оёғини узатиб ўтириши ҳақида

1180. Касир ибн Мурра айтдилар: «Масжидга жума куни кирдим. Авф ибн Молик Ашжаъийни ҳалқада ўтириб, оёғини олдига узатиб олганини кўрдим. У мени кўриб, оёқларини йиғиштирди, сўнг: «Нима учун оёғимни узатиб ўтирганимни билдингизми? Солиҳ киши (яъни, сиз) келиб ўтириши учун», деди.

544-боб. Кишининг жамоат ичида туриб туфлаши ҳақида

1181-ҳадис. Ҳари ибн Амр Суламий (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) Минода ёки Арафотда эканликларида олдиларига бордим. Одамлар атрофларини ўраб олишган эди. Аъробийлар келишди. Ул зотнинг

---

[1] Ҳадисларнинг мазмунидан аниқ бўляптики, одамлар устидан ҳатлаб ўтиш одоб доирасида эмас, лекин жуда муҳим хабарларни, гапларни айтиш учун шундай қилинса, бокиси йўқдир.



муборак юзларини кўрибоқ: «Бу муборак чеҳрадир», дейишди. Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менинг гуноҳимни Аллоҳ таолодан сўраб беринг», дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, бизни авф эт», дедилар. Мен айланиб келиб: «Мен учун Аллоҳ таолодан мағфират сўранг», дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳим, бизни кечир!» – дедилар. Мен яна айланиб келиб: «Менинг учун истиғфор сўранг», дедим. Ул зот яна: «Аллоҳим, бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил!» – дедилар. Сўнг тупукларини қўллари билан кетказиб оёқ кийимлари (тагига) сурдилар. Атрофдагиларнинг бирон-тасига зарар етказишни истамадилар».

545-боббаги 1182-1183-ҳадислар 467-боббаги 1046-ҳадиснинг такрори, фақат 1183-ҳадис Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинган.

546-боб. Оёқларини қудуққа солиб ўтириш ҳақида

1184. Абу Мусо Ашъарий (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни ҳожат билан Мадина деворларидан бирига чиқдилар. Мен ҳам изларидан чиқдим. Ул зот бинонинг ичига кирганларида мен унинг эшиги олдида ўтирдим ва: «Бугун гарчи буюрилмаган бўлсам ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг эшик оғаси бўламан», дедим. Ул зот ҳожатдан қайтиб, қудуқ лабига келдилар. Болдирларини очиб, оёқларини қудуқ ичига солдилар. Шу пайт Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) келиб, киришга изн сўрадилар. «Сизга Расулуллоҳ (с.а.в.) изн бергунларича кутинг», дедим. У кутиб турди. Мен Расули акрам (с.а.в.) олдиларига келиб: «Эй, Расулаллоҳ, Абу Бакр ҳузурингизга кириш учун изн сўрамоқда», дедим. Ул зот: «Унга изн бер ва жаннат хушхабарини унга етказ!» – дедилар. Абу Бакр (р.а..) кириб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўнг томонларига ўтирди. У ҳам болдирларини очиб, қудуқ ичига осилтириб

олди. Ҳз. Умар (р.а.) келди. «Пайғамбар (с.а.в.) изн бермагунларича жойингизда туринг», дедим. Расули акрам (с.а.в.): «Айт, кирсин ва унга жаннат хушхабарини бер!» – дедилар. Ҳз. Умар (р.а.) ул зотнинг чап ёнларига ўтирди. Ҳз. Умар (р.а.) ҳам болдирини очиб, оёқларини қудуққа ташлаб олди. қудуқ лаби тўлиб у ерда бўш ер қолмади. Сўнгра ҳз. Усмон (р.а.) келди. «Ул зот изн бермагунларича туриб туринг», дедим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Унга изн бер ва жаннат хушхабарини бериш билан бирга унга келажак балоларини[1] ҳам айт», дедилар. Усмон (р.а.) улар билан ўтиргани жой топа олмагач, бурилиб, уларга қарама-қарши, қудуқнинг қирғоғига ўтирди ва болдирини очиб, оёқларини қудуққа тиқди. Мен акам ҳам келишини истардим. Аллоҳдан унинг келишини сўраб дуо қилдим. Лекин улар тургунларича ҳам акам келмади. Ибн Мусаййиб айтдилар: «Бу аввалги уч зот (Расулуллоҳ (с.а.в.), Абу Бакр, Умар (р.а.)ларнинг қабрлари ҳам бирга бўлди, Усмон (р.а.)нинг қабрлари эса, улардан алоҳида бўлди».

1185. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) куннинг қайсидир вақтида уйларидан чиқдилар. На ул зот менга бир нарса дедилар, на мен ул зотга бир нарса демасдан Бани Қайнуқоъ бозоригача келдик. Кейин Фотима (р.а.)нинг ҳовлисида ўтирдилар. Ҳасанни кўзда тутиб: «Кичкина, шу ердамисан, шу ердамисан, кичкина?» деб чақирдилар. Фотима (р.а.) боласини бир оз ушлаб қолди. Сўнг болакай чопиб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни қучиб ўпдилар,

[1] Келажак балолар, дейиш билан Расули акрам (с.а.в.) ҳз. Усмон (р.а.)нинг хорижийлар томонидан қатл этилишларини башорат қилганлар, валлоҳу аълам (м.м).



сўнг: «Аллоҳим, Сен бу болани ҳам, буни севганни ҳам севгин», — дедилар».

547-боб. Биров жойини бўшатиб берса, у ерга ўтирмаслиги ҳақида

1186. Ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишини ўрнидан турғазиб, унинг жойига ўтиришдан қайтарганлар». Ибн Умар (р.а.)га бирон киши жойини бўшатиб берса, у ерга ўтирмас эдилар».

548-боббаги 1187-ҳадис 537-боббаги 1172-ҳадиснинг такрори.

549-боб. Биров чақирганда қандай тарзда қараш ҳақида

1188. Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)ни шундай тавсиф қилдилар: «Ул зот ўрта бўйдан новчароқ, баданлари (қизғиш) оқ, соч-соқоллари қора, (олди) тишлари чиройли ва зич, киприклари узун, елкалари кенг ва ораси узоқ, юзларида бутун чизиқлари кўринар, оёқларини тўла босар эдилар (яъни ясси оёқ эмасдилар). Агар юзлансалар, бутун вужудлари билан юзланар, ортларига қарасалар, бутун гавдалари билан бурилардилар. Мен у кишидай инсонни олдин ҳам, кейин ҳам кўрмадим».

550-боб. Юмуш билан юборилган одам унга мақсадини айтсин

1217. Зайд ибн Асламнинг бобоси айтдилар: «Ҳз. Умар (р.а.) менга: «Сени бир киши олдига юборсам, унга нима учун юборганимни айтиб маълум қилмасанг, шу асно шайтон унга ёлғон хабарни ҳозирлайди», дедилар».

551-боб. «Қаердан келдингиз», деса бўладими

1190. Лайс айтдилар: «Мужоҳид киши олдидан кетаётган биродарига кўзини қадаши ва ёки уни кўзи билан таъқиб қилишини ёқтирмас эдилар. Ёки «Қаердан келдингиз?» «Қаерга кетаяпсиз?» – деб сўрашларини ҳам ёмон кўрардилар».

1191. Молик ибн Зубайд айтдилар: «Рабазада Абу Зарр (р.а.)нинг олдиларига бордик. Абу Зарр (р.а.): «Қаердан келдингиз?» – деб сўрадилар. «Маккадан ёки Байтул атиқ (кўҳна уй)дан», деб жавоб бердик. Абу Зарр (р.а.): «Ишингиз шуми?» – деб сўради. Биз: «Ҳа», дедик. Абу Зарр (р.а.): «Бу иш билан бирга тижорат, олди-сотти ҳам борми?» – деди. «Йўқ», дедик. Шунда Абу Зарр (р.а.): «Унда янгидан иш бошланг», дедилар».

552-боб. Бир қавмнинг яширин сўзларига қулоқ солиш ҳақида

1192. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимки бирор сурат чизса, унга жон киргизишга мажбур қилинади, азобланади, жон киргиза олмайди; кимки кўрмаган тушини кўрдим, деса, икки дона арпани бир-бирига боғлаб беришга мажбур қилинади, азобланади, боғлолмайди; кимки бирор қавмнинг ундан яширинча гапини эшитса, қулоқларига қалай (қурғошин) қуйилади».

553-боб. Сўрида ўтириш ҳақида

1193. Урён ибн Ҳайсам айтдилар: «Отам Муовиянинг олдига келдилар. Мен ёш бола эдим. Отам Муо-

вия ҳузурига киргач, у: «Хуш келдингиз, марҳабо!» – деди. У билан сўрида ўтирган киши: «Эй, мўминлар амири, сиз «марҳабо!» дея кутиб олган бу одам ким?» – деб сўради. Муовия: «Бу одам Машриқ аҳлининг саййиди ва бу – Ҳайсам ибн Асвад», деди. Мен: «Бу одам ким?» – деб сўрадим. «Бу Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс», деб жавоб беришди. Мен ундан: «Эй, Абу Фулон, Дажжол қаердан чиқади?» – деб сўрадим. У: «Мен сенинг халқингдек узоқдаги нарсани кўриб, бурунгинг тагидагини кўрмаган бир халқни билмайман», деб, орқасидан «(Дажжол) дарахтлари ва ҳурмозорлари бор Ироқ ерларидан чиқади», деди.

1194. Абу-л-Олия айтдилар: «Ибн Аббос (р.а.) билан сўрида ўтирдик».

1195. Абу Жумра дедилар: «Мен Ибн Аббос (р.а.) билан бирга ўтирган эдим. У мени ўзи ўтирадиган курсига ўтқазган эди. «Мен ҳам сенинг курсингда икки ой ўтирган эдим», деди у менга.

1196. Холид ибн Динор айтдилар: «Анас ибн Молик (р.а.) Басра амири Ҳакам билан сўрида ўтириб, шундай деганларини эшитдим: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) иссиқ пайтлари намозни кеч ўқир, совуқ пайтларида эса эрта ўқирдилар».

1197. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уйларига кирдим, Ул зот тўқилган бир каравот устида эдилар. Бошлари остида эса, хурмо пўстлоғи билан тўлдирилган ёстиқ бор эди. Каравот билан баданлари орасида биргина куйлаклари бор эди холос. Ҳз. Умар (р.а.) у ерга кириб йиғладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Нега йиғлаяпсан, эй Умар?» – деб сўрадилар. Умар (р.а.): «Нега йиғламайин, ё Расулаллоҳ, Худо ҳақи, сиз Аллоҳга Қайсару Кисролардан ҳурматлироқ бўлганингиз ҳолда, улар дунё ҳузур-ҳало-

вотлари ичра яшамоқдалар. Сиз эса кўриб турганимдай ҳаёт кечирмоқдасиз», дедилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй, Умар, сен бу дунё уларники, охират бизники бўлишини истамайсанми?» – дедилар. Умар (р.а.): «Албатта истайман, эй, Аллоҳнинг Расули» – деди. Ул зот: «Шунинг учун шундай»[1] – дедилар.

1198. Абу Рифоа Адавий (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига етиб келдим. Ул зот хут-ба ўқиётган эдилар. Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, динини билмайдиган бир ғариб одам дини ҳақида савол сўрагани келди», дедим. Ул зот хутбаларини қўйиб, менга яқинлашиб келдилар. Бир курси олиб келдилар, оёқлари темирдан бўлса керак, деб уйладим. Унинг устига ўтирдилар. Сўнг Аллоҳ ул зотга билдирган нарсаларни менга ўргата бошладилар. Кейин хутбаларини охиригача етказдилар.

1199. Мусо ибн Диҳқон айтдилар: «Ибн Умар (р.а.)-ни куёв бўлиб сўри устида ўтирганларини кўрдим, эгниларида қизил либос бор эди».

1200. Имрон ибн Муслим дедилар: «Анас (р.а.)нинг бир курсида ўтирганларини кўрдим. Бир оёғини этигининг устига қўйиб олган эди».

554-боб. Шивирлашиб турган одамлар ёнига яқинлашмаслик ҳақида

1201. Саид Муқбирий айтдилар: «Ибн Умар (р.а.) ва у киши билан гаплашиб турган бир кишининг олдига бордиб турдим. Ибн Умар (р.а.) кўксимга уриб: «Икки киши ўзаро гаплашиб турганини кўрсанг, то изн сўрамагунча улар билан бирга турма!» – дедилар. «Аллоҳ ишингизни

[1] Демак, охиратни ўйлаган ва унга эзгу амаллар билан боришни истаган одам дунё лаззатларига берилмаслиги керак (м.м).



ўнгласин, ё Абу Абдурраҳмон, икковингиздан ҳам яхшироқ (бирон гап) эшитишни умид қилгандим», дедим.

1202-ҳадис 552-бобдаги 1192-ҳадиснинг такрори.

555-боб. Икки киши учинчи киши борида шивирламаслиги ҳақида

1203. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар уч киши турган бўлса, икки киши учинчи олдида ўзаро шивирлашмасин», дедилар».

556-боб. Агар тўрт киши бўлса...

1204-ҳадис 1203-ҳадиснинг мазмунан такрори, фақат унда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «Бу ўша учинчи одамни шубҳалантиради», деган сўзлари қўшилган.

1205. Биз Ибн Умар (р.а.)дан: «Агар 4 киши бўлса-чи?» — деб сўрадик. Ибн Умар: «(Унда) зарари йўқ», дедилар.

1206-ҳадис 1203-1204-ҳадисларнинг айнан такрори. 1207-ҳадис ҳам 1205-ҳадиснинг такрори бўлиб қолган.

557-боб. Туриб кетиш учун изн сўраш ҳақида

1208. Абу Бурда ибн Абу Мусо (р.а.) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.)нинг олдиларига бориб ўтирдим. У киши: «Сен бизнинг олдимизга келиб ўтирдинг-у, бизнинг турадиган вақтимиз бўлиб қолган эди-да», дедилар. Мен: «Агар истасангиз (тураверинг)», дедим. Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) турдилар, эшиккача кузатиб қўйдим.

558-боб. Офтоб тиғида турмаслик ҳақида

1209. Қайснинг отаси Расулуллоҳ (с.а.в.) хутба ўқиётганларида келиб офтоб тиғида туриб қолди. Ул зот унга салқинга ўтиб олишини буюрдилар.

559-боб. Тақиқланган кийим турлари ҳақида

1210. Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) икки (хил) либосдан ва икки (хил) савдо: муломаса ва мунобазадан қайтарганлар. Муломаса – бошқасининг кийимига (кундузи ёки кечаси) қўли билан фақат тегиниши, кийимларнинг орқа-олдини синчиклаб кўрмаслик ва шу билан савдони амалга ошириш. Мунобаза эса, киши кийимини бошқасига ирғитиши ва бошқаси ҳам ўз кийимини унга ирғитиши ва бу ирғитишларда кийимга қарамасдан сотиб олишдир. Тақиқланган икки тур кийимдан бири «иштимоли-с-саммо»дир. Бу эса, киши кийими бир елкасини ёпиши ва иккинчи елкаси очиқ қолишидир. Иккинчи тури эса, «ихтибо»дир. Бунда киши ўтирганда кийими йиғиштирилиб, аврати очилиб қолишидир.

560-боб. Ёстиққа ўтирмаган киши ҳақида

1211. Абулмулайҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) га рўза тутишим ҳақида гапириб берибдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) менинг уйимга кирдилар. Мен ул зот тагларига хурмо пўстлоғи тиқилган ёстиқни ташладим. Ул зот ерга ўтирдилар, ёстиқ иккимиз ўртамизда қолди. Ул зот: «Сенга ҳар ой уч куни (рўза тутишингга) кифоя қилмайдими?» – деб сўрадилар. «Эй, Аллоҳнинг Расули!» – дедим. «Беш кун», дедилар ул зот. «Расулаллоҳ!» – дедим. «Етти кун-чи?» – дедилар. Мен: «Расулаллоҳ!» – дедим. «Тўққиз кун», дедилар. Яна: «Эй, Расулаллоҳ!» – дедим. «Ўн бир кун», дедилар. Яна: «Ё, Расулаллоҳ» – дедим. Шунда ул зот: «Довуд (а.с.)нинг рўзасидан ортиқ рўза тутма; йил буйи бир кун рўза бўлинади, бир кун оғиз очиқ бўлади», дея марҳамат қилдилар».



1212. Абдуллоҳ ибн Баср айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг отаси олдига бордилар. Отаси Расулуллоҳ (с.а.в.) тагларига кўрпача тўшади, Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ўтирдилар.

561-боб. Чўкка тушиш ҳақида

1213. Қайла (р.а.) айтдилар: «Расули акрам (с.а.в.-)нинг чўкка тушиб ўтирганларини кўрдим. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг (Аллоҳга) мутеъ бўлиб ўтирганларини кўрганимда, қўрқувдан титраб кетдим».

562-боб. Чордона қуриб ўтириш ҳақида

1214. Зайёл ибн Убайд ибн Ханзала ибн Хизйам (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келганимда чордона қуриб ўтирганларини кўрдим».

1215. Абу Зурайқ Али Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)-нинг ўнг оёғини чап оёғи устига қўйиб, оёғини чалиштириб ўтирганини кўрганлигини айтди.

1216. Имрон ибн Муслим айтди: «Мен Анас ибн Молик (р.а.)ни мана бундай қилиб – бир оёғини иккинчиси устига қўйиб ўтирганини кўрдим».

563-боб. Кийимга ўралиб олиш ҳақида

1217-ҳадис. Сулаймон ибн Жобир Ҳужаймий (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келганимда, ул зот бурдага ўралиб олган эдилар, унинг этаклари оёқларигача тушиб турарди. Мен: «Эй, Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», дедим. Ул зот: «Аллоҳдан қўрқ, ҳеч бир яхшиликни арзимас санама, сувсаган бир одамнинг идишини челагингдаги сув билан тўлатиб бериш ёки биродарингга очиқ чеҳ-

ра билан гапириш билан бўлса-да яхшилик қил. Устки кийиминг (изор)ини узун кийишдан сақлан, чунки у Аллоҳ ёқтирмайдиган ишлардандир. Бир киши сендан бирон камчилик топиб, танбиҳ берса, сен унинг айбини топиб танбиҳ берма! Қўй уни! Унинг фикри ўзига (зарарига)дир, савоби сенга бўлади. Ҳеч нарсани сўкма», дея насиҳат қилдилар». Жобир (р.а.) айтдилар: «Шундан кейин мен ҳеч бир инсонни ҳам, ҳайвонни ҳам сўкмадим».

1218-ҳадис 546-бобдаги 1185-ҳадиснинг такрори, фақат бунда Абу Ҳурайра (р.а.) мен Ҳасанни кўрганимда кўзларим жиқ ёшга тўлади», деб бошлаган.

564-боб. Тиз чўкиб ўтирган киши ҳақида

1219. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қавм билан пешин намозини ўқидилар. Салом берилгач, минбарга чиқиб қиёматни ва унда бўладиган буюк ишларни эсладилар. Сўнгра: «Ким нима ҳақда сўрамоқчи бўлса, марҳамат, сўра-син. Аллоҳга қасамки, мана шу ўрнимда эканман, сиз нима сўрасангиз ҳам жавоб бераман», дедилар». Анас (р.а.) (давом этиб) айтдилар: «Одамлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан буни эшитиб, ҳўнграб йиғлай бошладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) эса, «Сўранг!» дея такрорладилар. Шунда ҳз. Умар (р.а.) тиз чўкиб: «Биз Аллоҳни Парвардигор деб, Исломни дин деб, Муҳаммадни Пайғамбар деб рози бўлдик», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳз. Умар (р.а.) гапираётганда жим турдилар. Сўнг: «Жуда яхши. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, намоз ўқиётганимда жаннат ва дўзах мана шу деворнинг юзида менга кўрсатилди. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бугунгидайини кўрмадим», дедилар».



565-боб. Чалқанча ётиш ҳақида

1220. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Мозоний (р.а.) айтдилар: «Мен Расули акрам (с.а.в.)ни бир оёқларини иккинчисининг устига қўйиб чалқанча ётганларини кўрдим».

1221. Умму Бакр бинти Мусаввирнинг отаси айтди: «Мен Абдурраҳмон бин Авф (р.а.)ни бир оёғини иккинчисининг устига кўтариб чалқанча ётганларини кўрдим».

566-боб. Юзтубан ётиш ҳақида

1222. Ибн Тихфа Ғифорийнинг отаси асҳоби суффадан эдилар. У киши айтдилар: «Мен масжидда кечанинг охирги қисмида ухлаётгандим. Қорнимни ерга бериб ухлаётганимда кимдир келиб, оёғи билан мени туртиб: «Тур, бунақа ётиш Аллоҳнинг ғазабини келтиради», деди. Бошимни кўтариб қарасам, тепамда Расулуллоҳ (с.а.в.) турган эканлар».

1223. Абу Умома (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидда юзини ерга қилиб (юзтубан) чўзилиб ётган одамнинг ёнидан ўтаётиб: «Тур, (эй) жаҳаннамийларча ухлаётган одам!» – деб оёқлари билан туртдилар».

567-боб. Фақат ўнг қўлда олиб бериш ҳақида

1224. Солимнинг отаси айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳеч бирингиз чап қўли билан еб-ичмасин, чунки шайтон чап қўлида еб-ичади», дедилар. Нофиъ (р.а.) бунга шундай қўшимча қилдилар: «Ул зот яна: «Чап қўл билан олмангиз ҳам, бермангиз ҳам», деганди-лар.

568-боб. Ўтирмоқчи бўлганда пойабзалини қаерга қўйиш кераклиги ҳақида

1225. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Киши ўтираётганда пойабзалини ечиб, ёнига қўйиши суннатдир».

569-боб. Шайтон тўшакка калтак ва тош ташлаши ҳақида

1226. Абу Умома (р.а.) айтдилар: «Сизлардан бирингиз аёлини ўрингa ётқизиб, кўнглини олаётганда шайтон у одамни аёлидан ғазаблантириш учун унинг тўшагига келиб, калтак, тош ва ё (шунга ўхшаш) нарсаларни ташлайди. Агар шундай (нарса) топса, аёлига жаҳл қилмасин, зеро у шайтоннинг амалларидандир».

570-боб. Очиқликда ҳеч бир тўсиқсиз ухлаган киши ҳақида

1227. Абдурраҳмон ибн Али отасидан ривоят қилди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки уйидан ташқарида ухласа-ю, устида ҳеч бир парда (тўсиқ) бўлмаса, ундан ҳимоя соқит бўлибди», дедилар.

1228. Али ибн Амора айтдилар: «Абу Айуб Ансорий (р.а.) билан теп-текис бир майдонга кўтарилдим. Абу Айуб (р.а.)тушиб: «Кечқурун ҳеч бир ҳимоясиз ётиб қолай дебман», дедилар».

1229. Расулуллоҳ шундай деб марҳамат қилшанлар: «Атрофи очиқ жойда ухлаб қолган кишига ҳеч ким масъул эмас. Денгиз тўлқинланиб турган пайтда кемага минган одам учун ҳам ҳеч ким масъул эмас».



571-боб. Оёқни осилтириб ўтириш ҳақида

1230. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинди: «Пайғамбар (с.а.в.) девор(ли бир жой)да, қудуқ оғзида, оёқларини қудуқ ичига осилтириб олган эдилар».

572-боб. Уйдан чиқишда нима дейилиши ҳақида

1231. Ибн Умар (р.а.) уйларидан чиқишда: «Аллоҳим, мени ўзинг асрагин ва (ҳар турли балолардан) сақлагин», дер эдилар.

1232. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларидан чиқсалар: «Бисмиллаҳи, аттуклану ъалаллоҳи, Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи», дер эдилар.

Таржимаси: Бисмиллоҳ, таваккул Аллоҳгадир, барча куч-қудрат Аллоҳникидир (т.).

573-боб. Киши дўстлари олдида оёғини узатиши ёки ёнбошлаши ҳақида

1233. Шиҳоб бин Ибод Асрий айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига яқинлашиб қолганимизда (тепаликка) кўтарилдик, йўлда уловини тезлатиб, бизга яқинлашиб келаётган одам билан учрашдик, у одам салом берди, биз алик олдик. Сўнгра тўхтатиб: «Қайси қабиладансиз?» – деб сўради. «Абулқайс (қабиласи) элчиларимиз», деб жавоб бердик. У киши: «Марҳабо, хуш келибсиз, мен сизларни пойлаётган эдим. Сизларга хушхабар бериш учун келдим. Кеча Расулуллоҳ (с.а.в.) Машриқ томонга қараб: «Мана шу тарафдан эртага арабларнинг энг яхши элчилари келади», дегандилар, шунинг учун бу ерда сизларни кутиб тургандим. Тонг отгач, юкларимни туямга ортиб, кун чиққунча йўл юрдим. Қайтмоқчи бўлиб турган-

дим, туяларингизнинг бошлари кўринди». Кейин у одам туясининг жиловини буриб, тезлатиб ортига қайтиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига боргач тўхтади. Ул зотнинг атрофларини муҳожирлар ва ансорлар ўраб олгандилар. Ҳз. Умар (р.а.): «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сизга Абулқайс қабиласининг элчилари хабарини келтирдим», деди. Ул зот: «Сен уларни қаерда (кўрдинг), ё, Умар?» – деб сўрадилар. Умар (р.а.): «Ана улар, изимдан келиб қолишди», деди. Умар (р.а.) шу гапни айтгач, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ сени ҳам яхши хабар билан хурсанд қилсин!» – деб дуо қилдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ридолари этагини қўллари тагига ташлиб, ёнбошлаб, оёқларини узатиб олгандилар. Элчилар келишди. Бундан муҳожирлар ҳам, ансорлар ҳам хурсанд бўлдилар. Элчилар Расулуллоҳ (с.а.в.) ва саҳобийларини кўриб беҳад шод бўлиб, тезда яқинлашдилар. Қавм кенгайди. Ашаж кеч қолди, унинг асл исми Мунзир ибн Оиз ибн Мунзир ибн Ҳорис ибн Нуъмон ибн Зиёд ибн Асар эди. У туяларни тўплаб, чўктириб, устидан юкларини туширди ва нарсаларини йиғди. Сўнг юкдонини чиқарди, устидан сафар кийимини ечиб, (бошқа) либос кийди. Сўнгра оҳиста юриб келди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизларнинг улуғингиз ва бошлиғингиз ким?» – деб сўрадилар. Ҳаммалари баробарига у (Ашаж)ни кўрсатишди. Ул зот: «У саййидингизнинг ўғлими?» – деб сўрадилар. Улар: «Унинг ота-боболари жоҳилиятда бизнинг саййидларимиз, улуғларимиз бўлишган, унинг ўзи эса Исломга бошловчимиздир», дейишди. Ашаж ишини тугатиб, четроқда ўтирмоқчи бўлган эди, Расулуллоҳ (с.а.в.) тўғри ўтириб олиб: «Бу ёққа (кел), эй, Ашаж», деди-лар. У ўша кундан эътиборан «Ашаж», деб атала бошланди. Уни гўдаклигида эшак тепиб юбориб, юзида ойга ўхшаш изи қолганди. У келиб ул зотнинг ёнларига ўтир-ди. Ул зот уни (шерикларидан)



фазилатлироқ эканлигини билиб, унга илтифот кўрсатдилар. Қавм ул зотга яқин келиб (баъзи нарсаларни) сўрадилар. Ул зот улар сўраган нарсаларни билдира туриб, сўзларининг охирида «Емишларингиздан бирон нарса қолганми?» – деб сўрадилар. Улар: «Ҳа», деб шошилиб ўринларидан турдилар. Улардан ҳар бири юкларидан бор хурмоларини ҳовуч-ҳовуч қилиб ул зот олдиларидаги матога тўкдилар. Ул зотнинг қўлларида икки газдан калтарок, бир газдан узунроқ бир хурмонинг баргсиз навдаси бор бўлиб, юрганларида унга таянардилар, гоҳо-гоҳо уни ташлаб ҳам кетардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) ана шу таёқ билан хурмо уюмига ишорат қилдилар ва: «Буни азуз (ширин, қора хурмо) дейсизларми?» – дедилар. «Ҳа», дейишди. Ул зот: «Буни сарафон (яхши хурмо) деб атайсизларми?» – дедилар. «Ҳа», дейишди. «Бунисини барзаний (тоза хурмо), дейсизми?» – сўрадилар яна. «Ҳа», деб жавоб беришди. Ул зот: «Бу хурмозорларингизнинг энг яхшиси ва энг пишганидир», дедилар». Баъзи маҳаллий оқсоқоллардан бири бу ҳадисга шундай илова қиладилар: «Баракалилик борасида энг аълосидир», дедилар». Биз сифатсиз хурмоларни туя ва ҳайвонларимизга едирардик. Ушбу сафардан қайтганимиздан кейин бу хурмоларга нисбатан буюк рағбат туйдик. Сўнг бу хурмонинг навдаларини экдик. Ҳатто бу хурмоларимиз ўшандан юзага келди, Биз ундан барака топдик.

Ашаж –пешонасида тиртиғи бор, дегани (т.)..

574-боб. Эрталаб турганда нима дейилиши ҳақида

1234-ҳадис 272-бобдаги 619-ҳадис, 1235-ҳадис 291-бобдаги 719-ҳадисларнинг такрори бўлиб келган.

1236. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимки эрталаб турган пайтда: «Эй, Аллоҳим, Сенинг шоҳидлигингда, Аршингни кўта-

риб турадиган (фаришталар), малоикалар ва барча маҳлуқотнинг шоҳидлигида тонг оттирдик. Албатта, Сен Аллоҳдирсан, сендан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ. Сен ёлғиздирсан, Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ. Муҳаммад (с.а.в.) банданг ва элчингдир» – деб айтса, Аллоҳ таоло унинг ўша куни 1/4 қисмини дўзахдан озод қилади. Кимки 2 марта айтса, Аллоҳ унинг ярмини дўзахдан озод қилади. Кимки 4 марта айтса, Аллоҳ ўша куни уни дўзах оловидан озод қилади.

575-бобдаги 1237, 1238, 1239-ҳадислар 293-бобдаги 727-ҳадиснинг такрори.

576-боб. Ўринга кираётганда нима дейилиши ҳақида

1240. Ҳузайфа (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ухламоқчи бўлсалар: «Аллоҳим, Сенинг исминг билан ўлиб-тирилурман», дер эдилар. Уйғонганларида: «Бизга ўлдирганидан сўнг такрор ҳаёт берган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин, қайтишимиз фақат Унгадир», дер эдилар».

1241. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларига кирганларида: «Бизни едириб-ичирган, кифоят этган ва паноҳ бўлган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Кифоя қилувчиси ва паноҳи бўлмаганлар қанчадан қанчадир», дер эдилар.

1242. Жобир (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Алиф. Лом. Мим. Танзил...»ни («Сажда» сураси) ва «Таборакаллазий би-йадиҳи-л-мулк..»ни («Мулк» сураси) ўқимай ухламас эдилар. Абу Зубайр (р.а.) айтди: «Бу икки сура Қуръоннинг бошқа сураларидан етмиш ҳасанот фазилатлидир. Уларни ким ўқиса, унга 70 ҳасанот ёзилади, даражалари 70 баробар кўтарилади ва 70 та гуноҳи ўчирилади».

1243. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) айтдилар: «Зикр асносида уйқу шайтондандир, хоҳласангиз тажриба

қилиб кўринг. Бирингиз тўшагига ётиб, ухламоқчи бўлса, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилсин».

1244-ҳадис 1242-ҳадиснинг такрори.

1245. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Сизлардан бирингиз тўшагига ётаётганда унинг ичларини чиқариб яхшилаб қоқсин, чунки унинг ичида нима борлигини (нима кириб олганини) билмайди. Сўнг шундай деб дуо қилсин: «(Эй, Аллоҳим), Сенинг исминг билан ёнимни (тўшакка) қўйдим. Нафсимни ҳисоб қилар (яъни, жонимни олар) экансан, раҳм қил (Аллоҳим). (Қайта уни жасадимга) йўлласанг, солиҳ қулларингни асраганингдек мени ҳам ҳифзу ҳимоянгга олгин!»

1246. Баро бин Озибдан (р.а.) ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ухламоқчи бўлган одам ўнг ёни билан ётсин ва шундай десин: «Эй, Аллоҳим, ўзингга юзландим, ўзимни Сенга таслим қилдим, Сенга таяндим, эътимод қилдим, Сенга хоҳиш-истагим бор. Сендан қўрқувим бисёр! Сендан ўзга нажоткор ва Сендан ўзга паноҳим йўқ! Нажоту паноҳ — ҳимоя фақат Сенингдир! Нозил қилган китобингга инондим, юборган Пайғамбарингга имон келтирдим». Агар банда мана шуларни ўқиб ётса ва вафот этса имонли кетади».

1247. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ётоқларига кирганларида: «Осмонлару ернинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳим! (Эй) дону уруғни (яратувчи, ундурувчи), Таврот, Инжил ва Қуръонни индирувчи! Сен пешона кокилидан тутадиган барча ёмонлик эгаларидан паноҳ бергин! Ўзинг Аввалсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ; ўзинг Охирсан, Сендан кейин ҳеч нарса йўқ; ўзинг Зоҳирсан, Сендан ташқари ҳеч нарса йўқ; ўзинг Ботинсан, Сендан мустасно ҳеч нарса йўқ. қарзларимдан нажот бергин, фақирликдан (қутқариб), бой қилгин», дер эдилар».

577-боб. Уйқуга ётадиган пайтдаги дуонинг фазилати

1248-ҳадис 1246-ҳадиснинг такрори.

1249. Жобир (р.а.) айтдилар: «Бир киши уйига кириб, тўшагига ётганида унинг олдига фаришта ва шайтон шошилади. Фаришта: «Яхшилик билан хотима топсин», деса, шайтон: «Ёмонлик билан хотима топсин», дейди. (Шунда у киши) агар Аллоҳга ҳамд айтиб, Унинг зикрини қилган бўлса, (Аллоҳ шайтон)ни қувиб юборади ва (банда) ётиб тургунича паноҳ бўлади. У уйғонганида ҳам фаришта ва шайтон унга шошилишади ва яна ўшандай дейишади. (Банда шунда Аллоҳнинг зикрини қилиб: «Ўлганимдан сўнг жонимни такрор қайтарган ва уйқумда ўлдирмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Осмонлару ерни завол топишдан сақлаб турадиган, агар улар заволга юз тутсалар, У Зотдан сўнг (Ундан ўзга) ҳеч ким сақлай олмайдиган Зотга – Аллоҳга шукрлар бўлсин! Дарҳақиқат, У ҳалим ва мағфиратли Зотдир. Осмонни ерга изнсиз қулаб тушишидан тутиб турувчи Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Дарҳақиқат, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибан ва раҳмлидир», деса ва ўлса, шаҳид бўлиб ўтади. Агар (ўлмай) турса ва намоз ўқиса, фазилатлар ичра ўқиган бўлади».

578-боб. (Ётганда) қўлини ёноғи тагига қўйиш ҳақида

1250. Баро ибн Озиб (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ухлагани ётсалар, қўлларини ўнг юзлари тагига қўйиб: «Эй, Аллоҳим, бандаларингни қайта тирилтирадиган кун (қиёмат)да азобингдан сақлагин», дер эдилар».

1251-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такроридир.



579-боб. Кундалик зикрлар

1252. Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Икки хусусият борки, мусулмон одам уларнинг ҳисобини қилолмайди ва фақат жаннатга киради. Улар (бажаришга) осон бўлиб, озгина машғул бўлинади», дедилар. «Улар нима экан, эй, Аллоҳнинг расули?» — дея сўрашди. «Ҳар намоздан сўнг 10 марта такбир, 10 марта ҳамд ва 10 марта тасбиҳ айтади. Бу эса, тилда 150 та (айтилган каби) бўлади, Мезонда бўлса 1500 та бўлади», дедилар. Ул зотнинг (шундай деб) қўллари билан санаётганларини кўрдим. «Ўрнига кириб ётганда тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтгани эса, тилга 100 та ва мезонда 1000 та бўлади. Қайси бирингиз бир кеча-кундузда 2500 та гуноҳ ишлайсиз?» — дедилар. «Қандай улар беҳисоб?» — дейишди. «Сизлардан бирингиз намоз ўқиётганида шайтон келиб шу-шу ишларини эсига солади, (шунда у) эсламасин», дея марҳамат қилдилар».

580-боббаги 1253-ҳадис 576-боббаги 1245-ҳадиснинг такрори.

581-боб. Кечаси уйғониб кетган киши нима дейиши ҳақида

1254. Рабиъа ибн Каъб (р.а.) айтдилар: «Мен Расули акрам (с.а.в.)нинг эшиклари тагида ётиб қолган эдим. Ул зотга кечаси бирор бир шовқин эшитилиб қолса: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», тунда бирор шовқин эшитилса: «Алҳамдулиллаҳи роббил ъаламийн», дер эдилар».

582-боб. Ёғли қўл билан ухлаш ҳақида

1255. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки ёғли қўлини ювмасдан ух-ласа ва бирор зарар кўрса, фақат ўзидан хафа бўлсин», дедилар.

Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган 1256-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори.

583-боб. Чироқни ўчириш ҳақида

1257. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «(Кечқурун ётишдан олдин) эшикларни беркитинглар, сув идиш (меш)нинг оғзини боғланглар, товоқларни тўнтариб қўйинглар, идишларнинг устини ёпиб қўйинглар ва чироқни ўчиринглар. Зеро, шайтон ёпиқ (эшик)ни очмайди, боғлиқ (меш)ни ечмайди, (оғзи ёпиқ) идишни очмайди. Сичқон бўлса, одамларнинг уйларини ёқади», дедилар.

1258. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Бир сичқон келиб, чироқ пилигини судраб кетди. Жория уни ҳайдамоқчи бўлиб кетаётганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Майли, тегма унга», дедилар. Сичқон пилигни судраб келиб ул зот ўтирган ёпинчиқ устига ташлади. Ёпинчиқнинг тангадай жойи куйди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар ухлашга ётсангиз, чироқларингизни ўчиринг, чунки шайтон шу сичқон кабиларни йўналтириб, сизларни куйдиради», дедилар».

1259. Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: «Кунлардан бир кун Пайғамбаримиз (с.а.в.) кечаси уйғониб кетдилар. Қарасалар, бир сичқон чироқ пилигини тортқилаб, уларни ёндириб юбориш учун томга кўтариб кетаётган экан. Ул зот уни лаънатладилар ва маҳрамларига уни ўлдиришни ҳалол қилдилар».

584-боб. Уйқуга ётаётиб оловни қолдирмаслик ҳақида

1260. Солим оталаридан ривоят қилдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Уйқуга кетишингиздан олдин уйингизда олов қолдирманг», дея марҳамат қилдилар.



1261. Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинишича, ҳз. Умар (р.а.): «Ҳақиқатда олов душмандир, ундан эҳтиёт бўлинг», дедилар. Ибн Умар (р.а.) аҳл-аёлларига олов ёқиб берар, ётишдан олдин ўчириб ётардилар.

1262. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «(Ётар чоғингизда) уйларингизда оловни (ёниқ ҳолда) қолдирманг, зеро, у ҳам душманнинг бир хилидир», деб марҳамат қилдилар.

1263-ҳадис 1259-ҳадиснинг айнан такрори. Фақат у Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинган.

585-боб. Ёмғирда яхшилик аломатини кўриш ҳақида

1264. Ибн Аббос (р.а.) ёмғир ёғса: «Эй, жория, кийимимни, эгаримни олиб чиқ», дердилар, сўнг: «Биз осмондан баракотли сув (ёмғир)ни ёғдирдик...» (50:9) оятини ўқирдилар.

586-боб. Уйга қамчини осиб қўйиш ҳақида

1265. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга қамчи осиб қўйишни буюрдилар».

587-боб. Кечаси эшикларни ёпиш ҳақида

1266. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Тонгга яқин пайтдаги тун зулматидан сақланинг, зеро ҳеч бирингиз Аллоҳ маҳлуқотларини қандай тарқатиб ташлаганини билмайсиз. Эшикларингизни беркитинг, сувдонларингизнинг оғзини маҳкамланг, идишларингизни устини ёпинг ва чироқларингизни ўчиринг», деб буюрдилар».

588-боб. Тун пайти болаларни уйдан чиқармаслик ҳақида

1267. Жобир (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ёш болаларингизни тун қоронғулиги кетгунича олиб ўтиринг-из, (чунки) бу шайтонларга берилган соатдир», дедилар».

589-боб. Ҳайвонларни уриштириш ҳақида

1268. Мужоҳид (р.а.) айтдилар: «Ибн Умар (р.а.) ҳайвонларни уриштиришни ёқтирмас эдилар».

590-боб. Итнинг воввилаши ва эшакнинг ҳанграши ҳақида

1269-ҳадис. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ярим кечаси ташқарига чиқишни камайтиринг, чунки (бу пайтда) Аллоҳнинг махлуқлари тарқалиб юрадилар. Кимки ит вов-вилаганини ёки эшак ҳанграганини эшитса, Аллоҳ таолодан қувилган шайтон шарридан паноҳ тиласин, зеро улар (ит ва эшак) сиз кўрмаган нарсани кўради», дедилар».

1270-1271-ҳадислар юқоридаги ҳадиснинг такроридир.

591-боб. Хўрознинг қичқириғи ҳақида

1272. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Хўрознинг кечаси қичқирганини эшитсангиз, у фариштани кўрган бўлади, Аллоҳдан фазлу марҳаматини сўранг. Агар эшакнинг ҳанграганини эшитсангиз, у шайтонни кўрган бўлади, «Аузу биллаҳи мина-ш-шайтони-р-ражим» денг», дея марҳамат қилдилар».

592-боб. Бургани сўкмаслик ҳақида

1273. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинишича, бир киши Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳузурларида бургани



лаънатлади. Ул зот: «Бургани лаънатлама, чунки у пайғамбарлардан бирини намозга уйғотди», дедилар.

593-боб. Пешин пайтида ухлаш ҳақида

1274. Ҳз. Умар (р.а.) айтдилар: «Қурайш қабиласининг баъзи эркаклари Гоҳида Абдуллоҳ ибн Масъуднинг эшиги олдида тўпланиб ўтирардилар. Соя орқа тарафга ўтгунга қадар уларга: «Туринг, қайтула қилинг, зеро, соя орқага ўтган вақт шайтон учундир, дедим. Улар қайтула учун туриб кетдилар. Биз Абдуллоҳ ибн Масъуд билан қолганимизда унга: «Ҳасхос ўғилларининг озод қилган қулларидан бири шеър битар экан», – дедим. Ибн Масъуд ўша озод қилинган қулни чақириб: Қандай шеърлар битасан?» – деб сўради. У эса ушбу байтни ўқиди:

Сулаймга ғозийлик унвонини бермоққа ваъда айладинг, майли,
Балли, инсонга етар балки Ислому оқ сочларнинг танбиғи.

Ибн Масъуд: «Шунинг ўзи етарли. Ҳақиқатни айтдинг, ҳаққоний гапни айтдинг», деди».

1275. Соиб бин Язид (р.а.) айтдилар: «Ҳз. Умар (р.а.) бизга куннинг ярмида ёки шунга яқин пайтда: «Туринг, қайтула қилинг (яъни, ётиб ухланг), бундан қолган (вақт) шайтонникидир», дер эдилар».

1276. Абу Ҳурайра айтдилар: «Саҳобийлар пешин пайти ухлашарди».

1277. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Мадиналикларга шаробнинг энг ёқадигани (у пайтда шароб ҳаром бўлиш арафасида эди) хурмодан ва хом хурмодан тайёрлангани эди. Абу Талҳа (р.а.)нинг уйида саҳобийларга соқийлик қилаётгандим. (Шу пайт) бир киши келиб: «Шароб ҳаром қилинди», деди. Улар: «Қачон?» – деб сўрашди ва бир фикрга келиб: »Шаробни тўкиб ташла, эй, Анас», дейишди. Сўнг Умму Сулаймникида қайтула қилишди. Кейин салқинлаб, ғусл қилишди. Сўнг Умму Сулайм уларга хушбўйлик суриб қўйди. Кейин улар Расу-

луллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига йўл олишди. Борсалар, (ҳақиқатда) ҳам шароб ўша одам айтганидай (ҳаром бўлган) экан»[1].

594-боб. Кун охиридаги уйқу ҳақида

1278. Хавот ибн Жубайр айтдилар: «Куннинг аввалида ухлаш – тентаклик, ўртасида ухлаш одоб ва охирида ухлаш аҳмоқликдир».

595-боб. Зиёфат ҳақида

1279. Маймун ибн Меҳрон Нофиъ (р.а.)дан: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) зиёфатга чақирганларми?» – деб сўрадилар. «Лекин туялари шикастланганда уни бизга сўйиб бергандилар», деди Нофиъ (р.а.), сўнг: «Мадиналикларни олдимга йиғиб кел», дедилар Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.). Мен: «Эй, Абу Абдурраҳмон, нима учун чақирамиз, ахир нонимиз йўқ-ку?» – дедим. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.): «Ўзингга шукр, Аллоҳим, мана бу нимта-нимта гўшт, бу эса гўштли шўрва, ким хоҳласа еб-ичиб кетаверади, хоҳламаган йўқ», дедилар».

596-боб. Эркакларни хатна қилдириш ҳақида

1280. Абу Ҳурайра айтдилар (р.а.): «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Иброҳим (а.с.) 80 ёшларидан кейин Қаддум деган жойда[2] ўроқ-ранда (га ўхшаш тиғ) билан хатна қилинганлар», дедилар».

---

[1] «Моида» сурасининг 90-ояти нозил бўлишига ишора, шу оят билан маст қилувчи ичимликлар, қимор, мажусийлик, фолбинлик қатъий ман қилинди.

[2] Қаддум Халаф яқинидаги бир жойнинг номи. Мадина яқинидаги тоғни ҳам шундай дейишарли, дегувчилар ҳам бор (м.м.).

597-боб. Аёлларни хатна қилиш ҳақида

1281. Умму-л-Муҳожир айтдилар: «Мен Рум яқинида асирга тушдим. Ҳз. Усмон (р.а.) бизга Исломга киришни таклиф қилдилар. Мен ва яна бир кишидан бошқа ҳеч ким мусулмон бўлмади. Ҳз. Усмон (р.а.) (ёнидагиларга): «Бу икковини хатна қилдириб, тозаланг», дедилар».

598-боб. Хатна зиёфатига чақириш ҳақида

1282. Солим айтдилар: «Ибн Умар (р.а.) мен ва Нуъаймни хатна қилдилар ва бизга қўчқор сўйдилар. Биз учун қўй сўйилганига болаларча суюнганимизни кўрсангиз эди!»

599-боб. Хатна маросимида хурсандчилик қилиш ҳақида

1283. Ҳз. Ойиша (р.а.) акасининг қизлари хатна қилдирилган эди. Ойиша онамизга шу муносабат билан «Уларни хурсанд қилиш учун бирортасини чақирмаймизми?» — дейишди. Ҳз. Ойиша (р.а.): «Майли», деб Адийга одам юбордилар, у келди. Ойиша онамиз уйларининг ёнидан ўта туриб Адийнинг бошини тебратиб, завқ билан хониш қилаётганини кўрдилар. У сертук одам эди. Ойиша (р.а.): «Бай-бай, чиқариб юборинглар шайтонни, чиқаринглар уни!» — дедилар.

600-боб. Зиммийлар зиёфатга чақирса...

1284. Ҳз. Умар (р.а.)нинг мавлоси Асламдан ривоят қилинди: «Биз ҳз. Умар (р.а.) билан Шомга келганимизда, Умар (р.а.)нинг олдиларига қишлоқ оқсоқоли келиб: «Эй, мўминлар амири, сизга бир таом ҳозирлагандим, ўзингиз билан ҳурматли (ҳамроҳ)ларингиз-

ни олиб борсангиз, хурсанд бўлардим, зеро бу амалларнинг энг тақволиси ва мен учун энг шарафли ишдир!» – деди. Ҳз. Умар: «Биз черковларингизда суратлар борлиги сабаб у ерга киролмаймиз», дедилар».

601-бобдаги 1285-ҳадис 1281-ҳадиснинг такрори, фақат унда Умму-л-Муҳожирнинг ҳз.Усмон (р.а. хизматларида қолганлиги айтилган.

602-боб. Ёши улуғлар хатнаси ҳақида

1286. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Иброҳим (а.с.) 120 ёшларида[1] хатна қилдирилдилар. Шундан кейин 80 йил яшадилар. Саид ибн Мусаййиб айтдилар: «Иброҳим (а.с.) биринчи хатна қилдирилганлар, биринчи меҳмоннавозлик қилганлар, биринчи бўлиб муйловларини қисқартирганлар, биринчи бўлиб тирноқ олганлар ва биринчи бўлиб сочлари оқарган. Иброҳим (а.с.) (буни кўриб): «Бу нима, эй, Парвардигорим?» – деб сўрадилар. Аллоҳ: «Виқор», деди. Иброҳим (а.с.): «Парвардигорим, виқоримни зиёда қилгин», дедилар».

1287. Солим ибн Абу Зайёл айтдилар: «Мен Ҳасан Баср рий (р.ал.)нинг: «Молик ибн Мунзирнинг қилган ишига таажжубланмайсизларми? Мусулмон бўлган Каскар аҳли кексаларини хатна қилдиришга буюрди. Ҳолбуки, у пайтда қиш эди. Айтишларича, улардан баъзилари ўлганмиш. Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида ҳабашликлар ва румликлар Исломга киришганда, уларни бу борада ҳеч текширилмади».

1288. Ибн Шиҳоб айтдилар: «Кишилар Исломга киргач, гарчи ёшлари катта бўлса ҳам хатна қилдирардилар».

---

[1] Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган 1280-ҳадисда ҳам хатна ҳақида гап бориб, унда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тилларидан Иброҳим (а.с.)нинг 80 ёшида хатна қилинганлари гапирилган, валлоҳу аълам, ўша 1280-ҳадис ишончлироқдир (м.м.).

603-боб. Фарзанд туғилганда зиёфатга чақириш ҳақида

1289. Билол бин Каъб айтдилар: «Биз Иброҳим, Ад-ҳам ва Абдулазиз ибн Қарир билан Мусо ибн Ясор, Яҳё ибн Ҳасан Бакрий филастинийларни кўргани қишлоқларига бордик. Олдимизга овқат олиб келишди. Мусо емади, рўзадор экан. Яҳё айтди: «Мана шу масжидда бизга 40 йил имомлик қилган Пайғамбар (с.а.в.) саҳобийларидан Бани Каноналик бир одам бўларди. Уни Абу Курсофа дейишарди. У одам бир куни рўзадор, бир куни тутмас эди. Отам фарзанд кўрганларида, у одамни зиёфатга чақирдилар, ўша куни рўзадор экан, лекин рўзасини бузди». Кейин Иброҳим ўрнидан туриб, кийимини тозалади. Мусо рўзасини очди». Абу Абдуллоҳ айтдилар: «Абу Курсофанинг исми Жандора ибн Хайшана эди».

604-боб. Гўдакнинг танглайини кўтариш ҳақида

1290. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа туғилган куни кўтариб Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига олиб бордим. Расули акрам (с.а.в.) аболарига ўралиб туяларини овқатлантираётган эканлар. Мендан: «Хурмоинг борми?» – деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», деб хурмо узатдим. Туя хурмони кавшай бошлади. Сўнгра чақалоққа ҳам хурмодан бўлиб, оғзига солдилар. Гўдак маза қилди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ансор хурмони севади», дедилар ва гўдакни Абдуллоҳ деб номладилар».

605-боб. Фарзанд туғилганда уни дуо қилиш ҳақида

1291. Муовия ибн Курра (р.ал.) айтдилар: «Иёс туғилганда бир неча саҳобийларни чақириб, зиёфат бердим, улар дуо қилишди. Мен: «Сизлар дуо қилдингиз.

Аллоҳ таоло (молимга) баракот берди. Энди мен дуо қиламан, сизлар «Омин», деб туринг!» – дедим. Унинг дини, ақли ва бошқаларига кўп дуо қилдим. Мен уни ўша кунги дуодан таниб оламан».

Яъни фарзандим улғайганда дуоларим мустажоб бўлганини кўраман, демоқчи. (м.)

606-боб. Бола соғлом туғилса, Худога шукр қилиш ҳақида

1292. Ҳз. Ойиша (р.а.) бирон оилада фарзанд туғилса, ўғил ёки қизлигини сўрамас эдилар. Балки: «Соғломми?» –деб сўрар, «Ҳа», дейилса, «Оламларнинг Парвардигори Аллоҳга шукр», дердилар.

607-боб. Киндик ости тукларини олиб юриш ҳақида

1293. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бешта нарса фитратдандир: мўйлабни қисқартириш, тирноқни олиш, киндик ости ва қўлтиқ ости тукларини олиб юриш ва мисвок қилиш», деб марҳамат қилганлар».

608-боб. Тукларни олишнинг муддатлари ҳақида

1294. Ибн Умар (р.а.) ҳар 15 кунда тирноқларини ва ҳар ойда баданларидаги тукларини тозалардилар.

609-боб. Қимор ҳақида

1295. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Жоҳилият даврида одамлар: «Туя қиморбозлари қаерда?» – дердилар. Шунда ўн киши бир жойга йиғилиб, янги сутдан чиққан ўнта бўталоққа бир туя сотиб оладилар. Сўнг қимор



ўқларини аралаштириб бир халтага соладилар, улардан бирига бўш ўқ чиққунига қадар халтадан ўқни суғуришда давом этаверадилар. Қолганлари эса қуруқ қоладилар. Бўталоқлар тугагунича исми ёзиғлиқ ўқ чиққан киши ҳиссасини олиб кетаверади. Мана шу қимордир».

1296. Ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Майсир қимордир».

610-боб. Хўроз устидаги гаров ҳақида

1297. Рабиъа ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинди: «Ҳз. Умар (р.а.) халифалик вақтларида икки киши икки хўроздан гаров ўйнади. Ҳз. Умар р.а.) хўрозларни сўйиб юборишни буюрдилар. Шунда ансорлардан бир киши: «Аллоҳга тасбиҳ айтиб турган жониворни ўлдирасизми?» — деди. Ҳз. Умар (р.а.) хўрозларни қўйиб юбордилар».

611-боб. Дўстига: «Кел, гаров ўйнаймиз», дейиш ҳақида

1298. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Сизлардан кимки қасам ичиб, қасамида «Лот ва Уззо ҳаққи», деб юборса, «Ла илаҳа иллалоҳ», десин. Кимки дўстига: «Кел, гаров ўйнаймиз», деса, садақа берсин», дедилар.

612-боб. Каптар қимори ҳақида

1299. Абу Ҳурайра (р.а.)нинг олдиларига бир киши келиб: «Биз бир-биримиз билан икки каптардан гаров ўйнаймиз», деди. Абу Ҳурайра (р.а.): «Бу ёш болаларнинг ишидир, тезда бу ишингизни ташланг», дедилар.

613-боб. Аёлларнинг туяларини ҳайдаб бориш ҳақида

1300. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинди: «Баро ибн Молик хиргойи қилган ҳолда эркакларнинг туяларини ҳайдаб борарди. Аншажа эса, аёлларнинг (туяларини) ҳайдарди. У хушовоз эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Эй, Аншажа, аёллар (туяларини) оҳиста юргиз», дедилар.

614-боб. Ашула ҳақида

1301. Ибн Аббос Аллоҳ таолонинг: «Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан....беҳуда сўз(лар)ни сотиб олурлар...» (31:6) оятидаги (беҳуда сўз)ни «ашула ва шунга ўхшаш нарсалардир», деганлар.

1302. Баро ибн Озиб айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Саломни ошкора беринглар. Дилхушлик зарардир», дедилар.

1303. Фузола ибн Убайддан ривоят қилинди: Бир жамоа ичида ўтиргандилар, одамларнинг нард ўйнаётганлари ҳақида хабар келди. У киши ниҳоят даражада ғазабланиб, ўринларидан туриб кетдилар. Сўнг: «Унинг қиморидан (келадиган нарсани) ейиш учун ўйнайдиган одам худди чучқанинг гўштини еб, қонига чўмилган кабидир», дедилар.

615-боб. Нард ўйнаётганларга салом бермаган киши ҳақида

1304. Фузайл ибн Муслим оталаридан ривоят қилдилар: Ҳз. Али (к.в.) бино эшигидан чиқиб, нард ўйнаётганларни кўрсалар улардан узоқлашардилар ҳамда уларга салом бермасликка буюрардилар.



616-боб. Нард ўйнаганнинг гуноҳи ҳақида

1305. Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ: «Кимки нард ўйнаса, Аллоҳ ва расулига осий бўлибди», дедилар.

1306. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.): «Ушбу икки нишонли, ман қилинган кубдан сақланинг, зеро у қимордир», дедилар.

1307. Бурайда (р.а.)нинг ривоят қилишларига кўра Расулуллоҳ шундай демишлар: «Кимки нард ўйнаса, қўлини чўчқанинг этига ва қонига ботирибди».

1308-ҳадис 1305-ҳадиснинг айнан такрори.

617-боб. Нард ўйновчиларнинг аҳволи ҳақида

1309. Нофиъ (р.а.) айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) агар хонадонларида бирор киши нард ўйнаётганини кўриб қолсалар, уни уриб, нардни синдириб ташлар эдилар».

1310. Ойиша онамиздан ривоят қилинди: Уйларида яшовчи аҳли байтда нард борлигини хабари етиб келди. Ҳз. Ойиша дарҳол уларга одам жўнатиб: «Агар нардни тезда чиқариб ташламасангиз, ўзингизни уйдан чиқариб юбораман!» – дедилар.

1311. Абдуллоҳ ибн Зубайр ўз хутбаларини шундай дедилар: «Эй, Макка аҳли, менга етиб келган хабарга кўра, Қурайш кишилари нард деган ўйин ўйнаётган эмишлар. Бу жуда муаммодир. Аллоҳ таоло: «Албатта, май ва қимор...» деган. Мен Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, кимки бу ўйинни ўйнаса, оқибати сочи ва териси сигадир. (яъни, оқибати жуда ёмон бўлади) ҳамда унинг бутун молини у ҳақда хабар келтирганга олиб бераман!»

1312. Абу Ҳурайра (р.а.) нардни қимор сифатида ўйнаётган одам ҳақида «У худди чўчқа гўшти егандай

бўлади», дедилар. Шундай, қиморсиз ўйнайдиган ҳақида эса: «У худди чўчқанинг қонига қўлини тиққан кабидир. Нарднинг олдида унга қараб ўтирган эса, худди чўчқанинг гўштига қараб турган кабидир», дедилар.

1313-ҳадис Амр ибн Ос (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиб, юқоридаги ҳадиснинг такроридир.

618-боб. Мўмин киши ўзини инга чақтирмаслиги ҳақида

1314. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўмин киши ўзини бир инга икки марта чақтирмайди», дедилар[1].

619-боб. Кечаси ўқ отган киши ҳақида

1315. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки кечаси ўқ отса, у биздан эмас», дедилар.

1316. Яна Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки бизга қарши қурол кўтарса, у биздан эмасдир», дедилар».

1317-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори, фақат у Абу Мусо Ашъарий (р.а.)дан ривоят қилинган.

620-боб. Аллоҳ таоло бандaнинг жонини тақдир қилган ерда олиши ҳақида

1318. Расули акрам (с.а.в.): «Аллоҳ бир бандaнинг жонини бирор ерда олишни ирода қилса, унга ўша ерда бир ҳожат чиқариб қўяди», дедилар.

---

[1] Инга чақтириш – яъни заҳарли ҳашоротларга чақтиришдир. Бу ўринда тўғри маъно ҳам, мажозий маъно ҳам бор, бинобарин, ақлли одам хатони такрорламайди (м.м.).



621-боб. Кўйлакка бурун қоққан киши ҳақида

1319. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: У киши куйлакларига бурун қоқиб сўнг: «Баракалла! Абу Ҳурайра китан (зиғирпоядан тўқилган мато)га бурун қоқди», дедилар. «Одамлар мени Ойишанинг ҳужраси билан минбарнинг ўртасида ағаноб ётганимни кўриб «Жинни» дейдилар. Мен эса фақат очман, холос».

622-боб. Васваса ҳақида

1320. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Саҳобийлардан баъзилаи: «Ё, Расулаллоҳ, биз ўзимизда шундай нарса топдикки, у ҳақда гапиришни ёқтирмаймиз ва у биз учун қуёш нури кабидир», дедилар. Ул зот: «Буни олдин топганмидингиз?» – деб сўрадилар. «Ҳа», дейи«ди улар. «Бу соф имондир», дедилар ул зот».

1321. Шаҳр бин Ҳавшаб айтдилар: «Мен тоғам билан ҳз. Ойишанинг ҳузурларига кирдик. Тоғам: «Бири-мизнинг қалбида шундай нарса намоён бўлаяпти-ки, уни гапирса охирати кетиб қоладигандек ва уни изҳор қилса, ўладигандек», деди. Ҳз. Ойиша уч марта такбир айтдилар, сўнг: «Расулуллоҳдан бу ҳақда сўралганда «Агар бирортангизда шундай (ҳолат) бўлса, уч марта такбир айтсин, чунки буни фақат мўмин ҳис қилади», деганлар», дедилар».

1322. Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамлар бўлмаган нарса ҳақида суриштириб, «Аллоҳ ҳамма нарсани яратган, Аллоҳни ким яратган?» қабилидаги саволлар билан қийналмасинлар», дедилар».

623-боб. Гумон қилиш ҳақида

1323. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Гумондан сақланинг, зеро гумон сўзлар-

нинг ёлғонидир. Жосуслик қилманг, бир-бирингиз билан рақобатлашманг, ўзаро адоват қилманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг ва ғазаб қилманг, Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлинг!» – дедилар».

1324. Анас бин Молик (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлларидан бири билан бирга эдилар, ёнларидан бир киши ўтди. Расули акрам (с.а.в.) уни чақириб: «Эй, Фалончи, бу хотиним фалончи», дедилар. У одам: «Мен ҳаммадан шубҳа қилсам ҳам сиздан шубҳа қилмайман», деди. Ул зот: «Шайтон Одам боласининг қон томирида кезади», дедилар».

1325. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «(Нарсаси) ўғирланган одам гумон қила-қила ҳатто ўғридан ҳам (гуноҳи) каттароқ бўла бошлайди».

1326. Билол ибн Саъд Ашъарийдан ривоят қилинди: «Муовия Абу Дардога хат ёзиб: «Менга Дамашқ фосиқларини ёзиб юбор», деди. Абу Дардо: «Менинг Дамашқ фосиқлари билан нима ишим бор, мен уларни қаердан биламан?» – деди. Ўғли Билол шунда: «Мен уларни ёзиб бераман», деб ёзди. Абу Дардо: «Сен қаердан биласан? Агар сен уларнинг фосиқлигини билсанг, ўзинг ҳам улардан бирисан, ўзингдан бошла!» – деди ва уларнинг исмларини ёзиб жўнатмади».

624-боб. Жория хожасининг сочини олиб қўйиши ҳақида

1327. Сукайн ибн Абдулазиз отасидан ривоят қилди. Отаси айтди: «Мен Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг ҳузурларига кирдим. Жориялари соч олаётган экан, Ибн Умар (р.а.): «Нура теримни юлиб олди», дедилар.

625-боббаги 1328-1329-1330-ҳадислар 607-боббаги 1293-ҳадиснинг такрори.

626-боб. Садоқат ҳақида



1331. Абу Туфайл (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Жиронияда гўшт тақсим қилаётганларини кўрдим. Мен у пайтлар туянинг бир аъзосини кўтариб турган ёш бола эдим. Бир аёл ул зотнинг олдиларига келиб ридоларини очди. Мен: «Бу ким?» дегандим, «Бу аёл ул зотнинг сут оналари» деб жавоб беришди»[1].

627-боб. Танишиш ҳақида

1332. Басра волийси Муғийра ибн Шўъбанинг ҳузурига бир одам келиб: «Аллоҳ амирни(нг ишларини) ислоҳ қилсин! Сизнинг соқчиларингиз таниган-танимаганни ҳузурингизга қўяверишар экан», деди. У: «Аллоҳ уни кечирсин, танимаган ит қутурган туя олдида фойда беради», деди.

628-боб. Болаларнинг ўйинлари ҳақида

1333. Иброҳим айтдилар: «Дўстларимиз (ўйнаётганимизда) биздан итлардан бўлак ҳеч нарсани қизғанмасдилар». Абу Абдуллоҳ айтдилар: «Бу гўдакларни муҳофаза қилиш учундир».

1334. Абу Уқба айтдилар: «Мен Ибн Умар (р.а.) билан бир кўчада кетаётиб, бир тўда ҳабаш болаларнинг олдидан ўтдик. Ибн Умар (р.а.) уларнинг ўйнаётганларини кўриб, ёнларидан 2 дирҳам чиқариб уларга бердилар».

1335. Ҳз. Ойиша (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ: «Ўртоқларим менинг олдимга ўйнагани секин келишарди. (Улар) кичкина қизалоқлар эдилар», дедилар.

---

[1] Макка атрофидаги Саъд ибн Бакр қабиласидан бўлган аёл Ҳалима Расулуллоҳ (с.а.в.)ни чақалоқликларида эмизган ва тўрт ёшларигача тарбиялаган эдилар (м.м.).

629-боб. Каптарни сўйиш ҳақида

1336. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишини каптар орқасидан юрганини кўриб: «Шайтон шайтоннинг ортидан юрибди», дедилар».

1337. Ҳасан (р.а.) айтдилар: «Ҳз. Усмонр.а.) жумъа хутбасида фақат (дайди ва қутурган) итларни ўлдириш ва каптарларни сўйишни буюрардилар».

1338-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори.

630-боб. Ҳожати тушган одамнинг олдига ўзи бориши кераклиги ҳақида

1339. Зайд ибн Собит (р.а.)дан ривоят қилинди: Ҳз. Умар (р.а.) бир куни унинг эшигига келиб, кириш учун изн сўрадилар, Зайд изн берди. Боши жориясининг қўллари орасида, жория унинг сочини тараётган эди. (Умарни кўриб) бошини тортиб олди. Ҳз. Умар (р.а.): «Қўй, сочингни тарайверсин», дедилар. «Чақиртирсангиз ўзим борардим-ку, эй, мўминлар амири», деди Зайд (р.а.). Ҳз. Умар (р.а.): «Менинг сенга ҳожатим бор эди», дедилар.

631-боб. Одамлар олдида балғам ташлаш ҳақида

1340. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Киши одамлар олдида балғам кўчган пайтда кафти билан тўсиб (одамлар йўқ) ерга ташласин. Агар рўзадор бўлса, ўзини ёғласин токи унда рўза эканидан асар қолмасин».

632-боб. Бировга тегмайдиган қилиб гапириш ҳақида

1341. Ҳабиб ибн Собит айтдилар: «Саҳобийлар бошқа кишига тегмайдиган қилиб умумий тарзда гапиришни яхши кўришар эди».



633-боб. Бировнинг уйида аланглаб қарайвериш ҳақида

1342. Ибн Абил Ҳузайл айтдилар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) бир кишини кўргани бордилар. У билан дўстларидан яна бир киши бор эди. Уйга киришгач, дўсти аланглайверди. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) унга: «Худо ҳақи, бундан кўра кўзингнинг ўйилиб тушгани яхши эди», дедилар».

1343. Ироқликлардан бир гуруҳ Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)нинг ҳузурига келди. Хизматчиларнинг бўйинларида олтин безак бор эди. Ибн Умар уларга қараб: «Ёвузлик учун бунчалар чаққон бўлмасангиз!» – дедилар.

634-боб. Ортиқча сўзлаш ҳақида

1344. Абу Ҳурайра дедилар: «Ортиқча гапда яхшилик йўқ».

1345. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Умматимнинг ёмонлари бекорчи, ножўя гапларни тинмай жавраганидир, умматимнинг яхшила-ри эса энг гўзал хулқлиларидир», дедилар».

635-боб. Иккиюзламачилик ҳақида

1346. Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамларнинг ёмонларидан бири иккиюзламачидир, буларга бир юзи билан борса, уларга бошқа юзи билан келади», дедилар».

636-боб. Икки юзламачиликнинг гуноҳи ҳақида

1347. Аммор ибн Ёсир (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитдим:

«Ким дунёда иккиюзламачи бўлса, қиёмат куни унинг тили оловдан бўлади». Бир гавдали одам ўтиб қолган эди, ул зот: «Бу ўшалардандир», дедилар».

637-боб. Ёмон одамлардан қўрқиш ҳақида

1348. Ойиша (р.а.) айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига кириш учун изн сўради. Ул зот: «Айтинг, кирсин, у қабиласининг ёмон бирадари», дедилар. Ҳалиги киргач, у билан мулойим гаплашдилар. У одам кетгач: «Эй, Аллоҳнинг расули, бу одам ҳақида боягидай гапириб, у билан мулойим гаплашдингиз?» – дедим. Ул зот: «Эй, Ойиша, одамларнинг энг ёмони одамлар ёмонлигидан қўрқиб, уни тарк этган кишидир», - дедилар.

638-боб. Ҳаё ҳақида

1349. Имрон ибн Хусайн (р.а.)айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳаё фақат яхшилик келтиради», дедилар. Башир ибн Каъб: «Ҳикматларда виқор ҳаёдандир, сакинат ҳаёдандир», деб ёзилган», дедилар. Шунда Имрон унга: «Мен сенга Расулуллоҳ (с.а.в.)дан гапирсам, сен менга саҳифангдан гапирасан-а», деди.

Яъни ўзингнинг маза-бемаза ёзган нарсаларингдан гапирасан, дейилмоқчи, валлоҳу аълам (т).

1350. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинди: «Ҳаё ва имон тенг ва бир бутундир, бири кўтарилса, иккинчиси (ўз-ўзидан) кўтарилади».

639-боб. Жафо ҳақида

1351. Абу Бакра (р.а.)дан ривоят қилинди: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳаё имондандир, имон жаннатда-дир. Беномуслик жафодандир. Жафо дўзахдадир», дедилар.



1352. Муҳаммад ибн Али отасидан ривоят қилди: «Расули акрам (с.а.в.нинг бошлари каттагина, кўзлари йирик эди. Юрсалар тепаликдан тушиб келаётгандай ўзларини орқага ташлаб юрардилар. Агар қарасалар бутун таналари билан қарардилар».

640-боб. Агар уялмасанг билганингни қил

1353. Абу Масъуд (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Одамларга етиб келган илк пайғамбарликнинг гапларидан бири: «Уялмасанг, билганингни қил!» – дедилар».

641-боб. Ғазаб ҳақида

1354. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кучлилик паҳлавонликда эмас, балки жаҳл чиққан пайтда ўзини қўлга ола билишликдир», дедилар».

1355. Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) айтдилар: «Аллоҳ таолонинг ҳузурида, Унинг розилиги йўлида чиққан ғазабдан кўра қийматлироқ журъат йўқдир».

642-боб. Ғазаб келганда нима дейиш ҳақида

1356. Сулаймон ибн Сурад (р.а.) айтдилар: «Икки киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида талашиб-тортишишарди. Улардан бирининг юзи ғазабдан қизариб кетганди. Набий муҳтарам (с.а.в.) унга қарадилар, сўнг: «Мен бир калимани биламан. Агар у одам шу калимани айтса, жаҳли кетади. У «Аъузу биллаҳи мина-ш-шайтонир ражжим»дир», дедилар. Иккинчи одам туриб бояги одамнинг олдига борди ва: «Расулуллоҳ (с.а.в.) нима деган-

ларини эшитдингми? «Аъузу»ни айт», деди. Шунда боя-ги одам: «Нима, мен сенга жинниманми?» – деди.

1357-ҳадис юқоридаги ҳадиснинг такрори.

643-боб. Ғазабланганда сукут қилиш ҳақида

1358. Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Исломни билингиз ва одамлар учун қулай қилингиз», дея 3 марта такрорладилар. «Ғазаблансанг, сукут қил», дедилар 2 марта».

644-боб. Дўстини меъёрида севиш ҳақида

1359. Ҳз. Али (к.в.) Ибн Каввога: «Олдингилар нима деганини биласанми? Дўстингни ўртача севгинки, куни келиб душманинг бўлиб қолиши мумкин. Душманингни ўртача ёмон кўр-ки, куни келиб дўстинг бўлиб қолиши мумкин».

645-боб. Ёмон кўришингда талофат бўлмасин

1360-ҳадис. Ҳз. Умар ибн Хаттоб (р.а.) айтдилар: «Севгингда боғлиқлик, ёмон кўришда талофат бўлмасин. «Қандай қилиб?» –деб сўрадилар. Ҳз. Умар (р.а.): «Агар яхши кўрсанг, унга боладек боғланиб қоласан. Агар ёмон кўрсанг, ўша дўстингга ёмонлик, талофатни соғиниб қоласан», дедилар.

Ўзининг фазлу карами билан ниҳоялатган Аллоҳ таолога ҳамдлар, Унинг Расули Муҳаммад соллаллоҳу ъалайҳи вассалламга дуруду салавотлар бўлсин!



Китобда зикр этилган баъзи муҳаддислар ҳақида қисқа маълумотлар

Аббод Ансорий – Зарқий. Бу муҳаддис ҳақида манбаларда маълумот учрамади[1].

Аббода ибн Валид ибн Аббода ибн Сомит. Манба йўқ.

Абдуллоҳ ибн Аби Ҳузайл Абу Муғира. Манба йўқ.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.). Машҳур асҳоби киромлардан. Туғилган йили ҳақида ихтилофлар бор. Бир манбада милодий 619 йилда туғилган дейилса[2], иккинчи бир манбада ҳижратдан бир йил олдин туғилган[3], дейилади. Маккада туғилиб, ҳижрий 68 (милодий 686/687) йилда Тоифда вафот этган. Тўлиқ исм-шарифи Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ибн Абду Маноф ибн Қурайший ал-Ҳошимий бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари Аббос (р.а.)нинг тўнғич ўғлидир. Аббос мусулмончиликни кеч қабул қилган, аммо Абдуллоҳ илк муслима бўлган онаси Лубоба бинти Ҳорис Ҳилолийа (р.а.) тарбиясини олган. Гарчи отаси Исломни Макка фатҳигача қабул қилмаган эса-да, Пайғамбар (с.а.в.) бўлиб танилган жиянига қарши урушларда иштирок этмади, аксинча, унга моддий ва маънавий ёрдам бериб турди. Азбаройи Пайғамбаримизга, унинг расуллигидан қатъи

[1] Бундан кейин манба йўқ, деб чекланамиз.

[2] Ислом. Энциклопедия, Ўзбекистон «Миллий энциклопедия» Давлат илмий нашриёти, 2004. (бундан кейин «Энциклопедия»).

[3] Ислом олимлари энциклопедияси. (Туркча, 18 жилдлик), 1-жилд.



назар, ихлос қўйганлигидан, Абдуллоҳ туғилганда чақалоқни у кишининг этагига солди ва дуо қилишни илтимос қилди. Пайғамбаримиз бармоқ учларига туфукларини олиб унинг оғзига суртдилар ва: «Аллоҳим, уни динда фақиҳ қилгин, китобга ошно қилгин», деб дуо қилдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг дуолари мустажоб бўлиб, Абдуллоҳ ибн Аббос тафсир, фиқҳ, ҳадис ва бошқа илмларда етук олим бўлиб етишди.

Ҳазрат Аббос Макка фатҳ этилгандан кейин, Абдуллоҳни Пайғамбаримиз (с.а.в.) тарбияларига берди. Боз устига Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжаи муҳтарамалари Маймуна бинти Ҳорис Абдуллоҳга хола эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафот этганларида Абдуллоҳ 11-12 ёшли бола эди, аммо шу ёшдалигидаёқ Пайғамбаримиздан фиқҳ илмининг бир мунчасини ва Қуръон сураларини ўрганди. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Убай Каъб ва Зайд ибн Собит (р.а.)га Қуръонни жамлашни топширганда Абдуллоҳ ёдида қолган сураларни айтиб ёздириб, Қуръоннинг мукаммал жамланишига катта кўмак берган. Қуръонни жамлашда берган ёрдамини қадрлаган Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб (р.а.) уни илм ўрганишга тарғиб қила бошладилар ва доимий равишда бўлиб турадиган илмий йиғилишларга уни ҳам чақирадиган бўлдилар. У халифалар ва асҳоби киромларнинг суҳбатларида етишиб, Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва Усмон ибн Аффон (р.а.) даврларида Ислом мамлакатининг муфтийси лавозимини эгаллади. У муфтий лавозимида шу қадар катта обрўга эришдики, унинг фикрисиз ва фатвосисиз халифалар ўзларича бирорта фармон ёки фармойиш қабул қилмадилар.

Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг халифалик даврида Африкага элчилар раҳбари сифатида юборилганда, африкаликлар бу араб олимининг ақлига, иқтидорига тан



бериб, барча масалаларни араблар фойдасига ҳал этган эканлар. Али ибн Аби Толиб (к.в.) халифалик даврида Басрага волий этиб тайинланди, Али ибн Аби Толиб (к.в.) қатлидан сўнг Маккага келиб яшай бошлаган.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) қайси лавозимда ишламасин ва давлат ишлари уни қанчалик банд қилмасин, илм олишда давом этаверди. Албатта Қуръоннинг биринчи муфассири пайғамбаримизнинг ўзларидир, аммо Абдуллоҳ ибн Аббос асҳоби киромлар орасида тафсир илмининг пешқадами бўлди ва «Таржумони Қуръон» лақабини олди. Уни ҳали ўзининг ҳаётлигидаёқ турли номлар билан атаганлар: «Султону-л-муфассирин», «Уммат олими», «Илм дарёси» каби. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 1660 та ҳадис ривоят қилганлиги билан ҳам машҳур.

Фиқҳ илмида у ўз замонасининг пешқадамларидан бўлиб, фатволарининг ўзи жилд-жилд китоб шаклида бўлиши мумкин экан. Айниқса, фароиз масаласида унинг таълимотлари ҳануз мусулмон мамлакатларида қўлланиб келинмоқда.

Гарчи уни «Султону-л-муфассирин» деб атасалар ҳам тафсир илмига бағишланган махсус китоби бўлмаган, аммо унинг пайғамбаримиздан қилган қимматли ривоятлари барча тафсирчилар учун дастуру-л-амал бўлиб келмоқда.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) нақл қилган ривоятларнинг бир қисмини машҳур муфассир ва луғатшунос Фируз Ободий (1329-1414) «Тафсиру-л-миқёс тафсири ибн Аббос» номи билан китобот қилди ва унда Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан нақл этилган ривоятларни қуйидаги бўлимларга ажратган ҳолда тақдим этди:

1. Саид ибн Зубайр тариқи. 2. Мужоҳид ибн Жобир тариқи. 3. Икрима тариқи. 4, Али ибн Абу Талҳа Ҳошимий тариқи. 5, Қайс тариқи: у Ато ибн Сойбдан, у Саид ибн Жубайрдан, у эса, Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилган.

Бу тариқ Имом Муслим ва Имом Бухорийнинг ҳадис илми олдига қўйган шартларига мос келганлиги учун саҳиҳ ҳисобланади. 6, Абу Исҳоқ тариқи. 7, Даҳҳок тариқи.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) давлат ишларидан озод бўлгач, Маккада ўз қариндошлари ва таниш-билишларига дарс бера бошлади. Унинг дарслари мавзуси турфа: тафсир, ҳадис илмларидан ташқари шеър санъати, табобат масалалари ҳам ёритилар эди. Мударрислик билан ҳам тез шуҳрат топиб, Маккага унинг дарсларини тингламоқ учун турли жойлардан толиблар кела бошлашди ва араб тилини билмаганлар учун махсус таржимон ҳам тайин этди. Унинг ривоят қилган ҳадислари биринчи манбадан, яъни Абу Бакр Сиддиқ, Ойишаи Сиддиқа, Маймуна, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.) сингари Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобийларидан бўлганлиги учун ҳам толиблари бениҳоя кўпайди.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг кексалик чоғларида кўзлари ожизланиб қолди, шунда ҳам бирон куни бўлсин толиблардан холи бўлмади. Умрининг сўнгги онларида айтган бир байти машҳур:

Аллоҳ кўзларимдан сўндирди нурини,
Юрак қатларига индирди нурини.

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абдулқори. Манба йўқ.

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Сиддиқ (р.а.). Унинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида маълумотлар учрамайди. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг Қатила исмли хотинидан туғилган, Асмоъ (р.а.) билан ота-она бир қардош. Ислом тарихида илк мусулмонлардан ва асҳоби киромлардан, деб эътироф этилади.

Макка мушрикларининг ҳужумлари кучайгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан



бирга Мадинага ҳижрат қилиш учун душманни чалғитиш мақсадида Сарв тоғидаги ғорга яширинадилар ва ана шунда Абдуллоҳ уларга хабарчилик қилиб туради; кундузлари Маккада — мушриклар орасида бўлиб, кечқурун барча янгиликларни ғорга яширинганларга етказиб туради. Айни пайтда уларни озиқ-овқат билан таъминлаган ҳам Абдуллоҳ эди.

У Ислом лашкарининг барча жанглари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Мадинан мунавварадаги фаолиятлари ҳақида ривоят айтган саҳобийлардандир. Макка фатҳидан сўнг Ҳунайн ғазотида иштирок этди ва ўша йилнинг ўзидаёқ Тоиф мухосарасида иштирок этиб яраланди ва ўша ерда, Абу Бакр (р.а.) халифалигининг дастлабки йилида вафот этди.

Абдуллоҳ ибн Авн (р.ал.) ((?-151/768). Тобеинлардан. У Самома ибн Абдуллоҳ ибн Анас, Муҳаммад ибн Сирин, Иброҳим Нахаъий, Зиёд ибн Жубайр ибн Ҳайва, Қосим ибн Муҳаммад, Ҳасан Басрий, Шаъбий, Мужоҳид ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган. Ҳадисларни тўплаш ва уларни ўргатиш учун Макка, Мадина, Куфа, Басра шаҳарларига саёҳат қилган. Ундан эса, Имом Аъмаш, Довуд ибн Абу Ҳинд, Суфъён Саврий, Шуъба, Абу Яҳё Қаттоний, Абдуллоҳ ибн Муборак, Воқиъ ибн Жарроҳ, Муоз ибн Муоз, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ансорий сингари ровийлар ҳадис ривоят қилганлари китобларда зикр этилган.

Абдуллоҳ ибн Амр Осс (р.а.) (?-65/684). Тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ибн Воил ибн Ҳошим ибн Саид ибн Саҳм ибн Амр ибн Ҳорис ибн Каъб ибн Дуай ал-Қурайший. Мусулмон бўлмасдан олдин Маккада Осс номи билан танилган эди, мусулмон бўлгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга Абдуллоҳ дея исм бердилар. Абдуллоҳ отасидан анча олдин мусулмонликни қабул

қилган. Отаси Амр ибн Осс (р.а.)дан атиги 12 ёш кичик эди; арабларда ўғилни ҳам, қизни ҳам ҳали гўдаклигидаёқ уйлаш расмига биноан 11 ёшида маккалик Роита бинти Мунаббиҳга уйлаб қўйишган ва бир йилдан кейин ёш оилада Абдуллоҳ дунёга келган. Абдуллоҳнинг ўзи Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг Умра деган қизига уйланиб, Пайғамбар (с.а.в.) хонадони билан қариндошлик ришталарини боғлаган.

Абдуллоҳ 100 ёшида Шомда вафот этган. У Қуръонни мукаммал биладиган ҳофизлардан эди. Бадр ва Уҳуд жангларидан бошқа барча урушларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан ёнма-ён бўлган. Ҳадисларда айтилишича, у Ислом аскарларига ҳарбий таълим ҳам берган ва кўпгина жангларга лашкарни тайёрлаган экан.

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)нинг буюк хизматларидан бири шуки, у бошқа саҳобийлардан фарқли ўлароқ, пайғамбаримиздан эшитганларини ёзиб борган ва натижада уни бир китоб ҳолатига келтирган. Имом Бухорий, Имом Муслим, имом Аҳмад ибн Ханбал келтирган ҳадисларнинг аксариятини Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) ёзиб қолдирган ҳадислар ташкил этади.

Абдуллоҳ ибн Ваҳб (р.ал.) (125/742-197/812). Мисрда етишган йирик олимлардан бири. Ўз замонасида фиқҳ илмида пешво, ҳадис шарифларни ривоят қилишда ишончли кишилардан. Етти ёшидан илм ўргана бошлаган. Унинг биринчи устози Молик ибн Анас бўлган. Кейинчалик Ислом оламининг етук олимларининг дарсларини ҳам эшитган. Айтишларича имом Молик шогирдларини мақташда бениҳоя хасис бўлган, аммо Абдуллоҳ ибн Ваҳбга хат ёзганда: «Мисрнинг фақиҳи Абу Муҳаммад муфтий!» деб бошлар экан. Бирорта шогирдига бундай унвон билан мурожаат қилмаган экан. Ибн Ваҳбнинг замондоши ва устозларидан бири ибн Хотим: «Мен унинг



тўплаган саксон минг ҳадиси шарифини кўриб чиқдим, ҳадисларнинг биронтаси ҳам аслидан йироқ эмас», деб ёзган эди.

Унинг асҳоби киромлардан нақл этилган сўзлар, адаб ва тарбияга оид масалалардан иборат «ал-Мужоласот», ҳадис илмига бағишланган икки жилдлик «ал-Жомеъ», «Муваттали сағир» ва «Муваттали кабир», «Китоби аҳволу-л-Қиёма ва тафсири Қуръон» каби асарлари бор.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар. Манба йўқ.

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Мозоний (р.ал.). Абу Кулоба куняси билан машҳур бўлган тобеинлардан бўлиб, ҳадис ва фиқҳ илмида шуҳрат топган. Асли басралик, лекин туғилган йили номаълум, вафот этган йилини манбаларда 104, 106 ёки 107 ҳижрий йил деб ривоят қилинади. Собит ибн Қайс, Анас ибн Молик ва Қатода каби асҳоби киромлардан дарс олиб, бир қанча ҳадислар ривоят қилган. Унинг ривоят қилган ҳадислари ишончлидир, чунки у бир ҳадис ривояти учун бир қанча жойларга бориб келар, токи манбанинг аниқлигига ишоч ҳосил қилмагунча тинчимасди. Ўзининг эътироф этишича, бир ҳадиснинг манбаларини аниқламоқ учун Мадина шаҳарида уч кунлаб қолиб кетган экан. У ўзининг тўплаган ҳадисларини қоғозга тушириб, бир китоб ҳолига келтиришни ният қилган эди, аммо беморлик уни ҳолдан тойдиргач, бу ишни тобеинлардан, ҳадис ва фиқҳ олими Абу Айюб Сахтиёнийга топширади. Ўзининг васиятига биноан бир туяга юк бўларлик китоблари Сахтиёнийга топширилди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) (1/622-73/693). Асҳоби киромлардан. Ашъаран мубашширадан бўлган Зубайр ибн Аввом (р.а.)нинг ўғли бўлиб, насаби Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом ибн Ҳувайлид ибн Асад ибн Абдулуззо ибн Қусайийл Қурайшийй Асадийдир. Онаси Абу



Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг қизи Асмоъ (р.а.)дир, ота тарафдан Хадичату-л-куброга бориб тақалади.. Момоси ҳазрат Саффийа бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га хола эди. Ҳижрат бошланишидаги биринчи гўдак, у туғилганда муҳожирлар катта байрам қилганлар, чунки яҳудийлар «Биз муҳожирларга сеҳр қилдик, бундан кейин уларнинг хонадонида гўдак туғилмайди», деган эканлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни дуо қилиб, исмини Абдуллоҳ қўйганлар. Етти ёшидан бери пайғамбаримизнинг хизматларида бўлган. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) халифалик даврида ўсмир ёшига етиб, ҳазрат Умар (р.а.) халифалик даврида 12 ёшида отасининг қаватида ҳарб ишларида иштирок эта бошлаган. Ҳижрий 18 йилда отаси билан биргалдикда Амр ибн Осс (р.а.) қўмондонлигида Миср фатҳида қатнашди. 29 ҳижрий йилда эса Африкада Абдуллоҳ ибн Саъд билан биргаликда Тунис муҳорабасида қатнашиб, Рум аслзодаси бўлган Григорий ўлдирди ва мусулмонларнинг бу муҳорабадаги зафарини таъминлади. 30-йилда эса, Саъид ибн Осс қўмондонлигида Хуросон юришида бўлди ва айни пайтда ҳазрат Усмон (р.а.) мусҳафини яратиш бўйича илмий ҳайъат аъзоси ҳам эди. Ҳазрат Усмон (р.а.)ни душманлардан ҳимоя қилишда ҳам фаол иштирок этди. Лекин 36 йилда ҳазрат Усмон (р.а.) шаҳид кетди ва халифалик салтанати умавийлар қўлига ўтди. У отаси билан биргаликда Муовия (р.а.) ҳукмронлик қилган даврда хизматда бўлди, аммо 60 йили Муовия вафот этгач, унинг ўғли Язид халифалик тахтига ўтирди, шундан кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) унга хизмат қилишдан бош тортди. У имом Ҳусайн (р.а.) ҳузурига — Маккага кетиб қолди. Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)нинг бўйсунмаслигидан ва боз устига душмани имом Ҳусайн билан бирлашганлигидан ғазабланган Язид Маккага қўшин жўнатди. Қўшинга Абдуллоҳнинг ота бир иниси Амир

ибн Зубайрни қўмондон қилиб тайинлаган эди. Макка яқинида бўлган урушда Язид қўшини енгилди ва Амир ибн Зубайр асир тушди. Бу ғалабадан руҳланган имом Ҳусайн (р.а.) Куфага отланди ва Карбало саҳросида шаҳид кетди. Буни эшитган Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) Язид тарафдорларини Ҳижоз вилоятидан суриб чиқариб, ўз олдига халифалик эълон қилди. Макка ва Мадина аҳолиси унга байъат қилдилар, бинобарин, у 61 ҳижрий йилда Ҳижоз вилоятининг ҳокими сифатида тан олинди. Язид унга ҳужум уюштиришга вақт тополмади, чунки атрофдан имом Ҳусайн (р.а.) тарафдорлари ва бошқа тахт ишқибозлари ёпирилишар, уларга қарши туриш учун эса куч керак эди. Орадан икки йил ўтгач, Язид Маккага қўшин жўнатди ва олтмиш тўрт кун мобайнида Макка шаҳри қуршовда қолди. Бу орада Язиднинг ўлгани хабари келиб, муҳосара вақтинча тўхтади, ана шу пайтдан фойдаланган Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) Ҳожару-л-асвадни Каъба ичкарисига олдирди, Пайғамбаримиз (с.а.в.) истиқомат қилган уйни таъмирлаттирди. Бу орада Ҳижоз, Яман, Ироқ, Эрон, Хуросон халқлари Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)ни халифа сифатида тан олдилар ва у тўққиз ой давомида халифалик вазифасини бажарди. Умавийлар қўлида фақат Шом ва Миср қолган эди. Тўққиз ой ўтгач, бир муҳорабада Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.)нинг энг содиқ ва ишонган қўмондони Даҳҳок Фахрийнинг енгилиши умавийларни яна кучайтирди. Умавийлар халифаси бўлган Абдулмалик ибн Марвон 65 йилда Ироққа лашкар тортиб, Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг иниси Мусъаб ибн Зубайрни қатл этди. Ироқ ғалабасидан руҳланган Абдулмалик ибн Марвон Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий бошчилигида лашкар тузиб, уни Ҳижозга юборди. У 72 йилда Макка яқинига келиб қуршовга олди ва Масжиди Ҳаромга қараб палаҳмондан тош ёғдирди.

Шаҳар мусохараси олти ой давом этиб, Абдуллоҳ ибн Зубайр қўшини енгилди. Мақоми Иброҳимда намоз ўқиётган пайтда унга тош тегиб, шаҳид кетди.

У кўп ҳадисларни Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ўзларидан эшитиб ривоят қилган. Баъзиларини ўз отаси, Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрат Умар, ҳазрат Усмон, ҳазрат Ойиша, ҳазрат Али (р.а.)ва бошқа асҳоби киромлардан эшитган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.). «Ислом. Энциклопедия» китобида бу ҳақда тўлиқ маълумот берилган.

Абдулмалик ибн Марвон. Манба йўқ.

Абдуллоҳ ибн Рабиъйа. Манба йўқ.

Абдуллоҳ Румий. Бу муҳаддис ҳақида манбаларда маълумот учрамади. 1583 йилда туғилиб, 1644 йилда вафот этган усмонли авлиё ҳам шу ном билан аталади, аммо мазкур китобда зикр этилган Абдуллоҳ Румий у эмас.

Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) (?-43/663). Асли исми Ҳусайн, мусулмон бўлгач, унга Абдуллоҳ исмини Пайғамбаримиз (с.а.в.) берганлар, тўлиқ исм-шарифи Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис Абу Юсуф ал-Исроилий ал-Ансорий, аждоди Юсуф (а.с.)га бориб тақалади. Мадинадаги Бани Қайнуқоъ қабиласидан. Асли яҳудийларнинг йирик диний олимларидан бўлиб, Таврот ва Инжилни мукаммал ўрганган ва Тавротда Муҳаммад ъалайҳиссаломнинг номи зикр этилганлигини биринчи бўлиб эътироф этган. Ҳижратдан кейин Мадинада мусулмонликни қабул қилиб, имон келтирган. Ўзи эътироф этиб ёзади: «Мен диний билимни отамдан ўрганганман. Отам Тавротнинг матнини ва тафсирини кўп ўқир ва менга тушунтирар эди. Кунлардан бир кун у Тавротдан охир замонда келадиган пайғамбарнинг сифатларини, тарқатадиган динининг хусусиятларини, қиладиган

ишларини ўқиб қолди ва менга: «Агар шу пайғамбар Ҳорун авлодидан бўлса тобеъ бўлур эдим», деди. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Мадинага келганлигини кўролмай вафот этди».

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадина яқинидаги Кубо деган жойда Амр ибн Авф ўғилларининг уйига қўнганларидан кейин Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.) у кишига байъат қилиш учун келади, лекин унгача мусулмонликка рағбатини яҳудийлардан яшириб юрар эди.

Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.)нинг номига Қуръонда икки ўринда ишора бор: «Оли Имрон» сурасининг 110-оятида Абдуллоҳ ибн Салом ва унинг биродари Саълаба ибн Саид, Ҳабашистон волийси Нажошийларга, «Нисо» сурасининг 46-оятида Абдуллоҳ ибн Саломнинг айнан ўзига ишора қилинган.

Абдуллоҳ ибн Сухайл (р.а.) (594/596-12/633). Илк мусулмонлардан бири. Ҳабашистон ҳижратига қадар мусулмонлигини ота-онасидан яширган, ҳижратдан қайтиб келгач, отаси унинг янги динга кирганлигини билиб, уйга қамаб қўйган ва эътиқодидан қайтишга мажбур қилган. Уйида қамалиб ётганлиги туфайли Мадинага Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан кета олмаганлиги учун ҳам, тил учида имондан қайтган бўлиб, ота ишончини қозонгач, Бадр жангида мушриклар тарафидан туриб урушаётган бўлди ва пайт пойлаб мусулмонлар томонига ўтиб олди. Ислом лашкари сафида у мушрикларга арслондек ташланди. Бадр жангидан сўнг у Уҳуд, Хандақ, Ҳайбар жангларида иштирок этди. Макка фатҳида қатнашганда жуда кўп мушриклар қаторида унинг отаси ҳам асир олинган ва ўлимга ҳукм қилинган эди. Абдуллоҳ ибн Суҳайл (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан отасини авф этишни сўради, унинг жасорати ва қаҳрамонлигини қадрлаган пайғамбаримиз мушрик отани авф этдилар. Суҳайл ибн Амр ўғлининг даъвати билан мусулмон бўлди ва кейинчалик



ихлосли мусулмон бўлганлиги туфайли ҳам саҳобийлар қаторига қўшилди. Абдуллоҳ ибн Суҳайл (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларидан кейин Абу Бакр (р.а.) халифалик даврида Ямомадаги Севас муҳорабасида қатнашиб, айрича жасорат кўрсатди ва шаҳид кетди.

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) (608-73/692). Ҳазрат Умар (р.а.)нинг ўғли, саҳобийлардан, тафсир, ҳадис илмининг буюк олимларидан. Илк мусулмонлардан бири. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бирга Ҳандақ жангида иштирок этган, сўнгра отаси билан қатор ғазаватларда қатнашди. Гарчи валиаҳд ҳисобланса ҳам давлат ишларида иштирок этмади. Саҳобийлар, давлат арбоблари бунинг сабабини ҳазрат Умар (р.а.)дан сўраганларида, у: «Бир уйдан битта арбоб етгулик», деб қисқа ва лўнда жавоб бериб қўя қолган. Ҳазрат Усмон (р.а.) шаҳид кетгач, уни халифаликка сайламоқчи бўлдилар, аммо у қатъиян рад этди ва ҳазрат Али (к.в.) номзодини кўрсатди. Ҳазрат Али (к.в.) қатл этилгач, яна уни халифаликка тавсия этдилар, бу гал у ўз ўрнига Муовия (р.а.)ни тавсия этган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 2630 та ҳадис келтирган.

Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Абдурраҳмон ибн Аби Ҳабиб. Манба йўқ.

Абдурраҳмон ибн Али. 15 ва 16-асрда ўтган шу исм-шарифли икки олим бўлиб. улар ҳам ҳадис илмида ўз замонасида пешқадам бўлганлар. аммо мазкур китобда эслатилган Абдурраҳмон ибн Алига уларнинг алоқаси йўқ.

Абдурраҳмон ибн Асвад ибн Яғус. Манба йўқ.

Абу Айюб Ансорий (р.а.) (?-?). Ривоятларда айтилишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) туғилишларидан 700 йил олдин Тубо деган бир одам бўлиб, ўзининг тақводорлиги ва мўминлиги билан шуҳрат топган экан. У келажак авлодга бир мактуб қолдирибди ва ўша мактубда охир



замон пайғамбари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сифатлари ва қиладиган ишлари айтилибди, айни пайтда Тубо келажак авлодга шу пайғамбарга иқтидо қилмоқликни васият қилибди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага келганларида Кубо деган жойда қўнганлар ва ансорлардан, Ҳазраж қабиласидан бўлган Холиднинг боғчасида Кубо масжиди биттунча истиқомат қилдилар. Шунда боғча соҳиблари мактубни беркитилган жойидан олиб берганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Тубога ҳурмат билдиринглар, чунки у мўминлардан эди», деб марҳамат қилганлар. Абу Айюб Ансорий (р.а.) мана шу Тубонинг авлоди бўлиб чиқади; унинг тўлиқ исми Абу Холид Айюб ибн Зайд ибн Калиб ибн Саълаба ибн Абди Авф ибн Ганам ибн Молик ибн Нажжор бўлиб, ҳам ота тарафдан, ҳам она тарафдан Пайғамбаримиз (с.а.в.) аждодига бориб уланади. Мадинада Молик Тубонинг хонадонида туғилди. Туғилган йили тарихи аниқланмаган. Милодий 620 йилда ҳаж мавсумида мусулмонликни қабул қилиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан танишган ва 621 йилдаги Ақаба байъатида иштирок этиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан узоқ суҳбат қилишга муяссар бўлган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилиб келгач, унинг хотини Умму Айюб ҳам мусулмон бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) хизматларини қилишга муваффақ бўлган. У Бадр, Уҳуд, Ҳудайбия ва бошқа урушларда иштирок этиб, байроқдорлик мартабасига ҳам эришган. Ҳазрат Али (к.в.) халифалик даврида Жамал ва Сиффин воқеаларида ҳам ҳазрат Али К.в.)нинг ёнида бўлди ва ҳазрат Алининг қатлигача унинг содиқ сафдоши эди. Унинг қачон вафот этганлиги тарихи ҳам аниқ эмас, айтишларича, Истанбул муҳорабаси арафасида ёки бошланишида Истанбулда вафот этган ва унинг қабри ҳануз зиёратгоҳ ҳисобланади.

Абу Аййуб Сулаймон. Манба йўқ.

Абу Абид ибн Муовия ибн Сабра. Манба йўқ.

Абу Аждон Маҳорибий. Манба йўқ.

Абу Асмоъ (Амр ибн Муршид Раҳбий). Манба йўқ.

Абу Бакра Нуффайийъ Ҳорис (р.а.). Имом Бухорий Ҳадис китобининг 1-жилдига берилган изоҳларда «Абу Бакра. Саҳоба. 51-йилда Басрада вафот этган», деган маълумот келтирилган. Бошқа манбаларда бу саҳобиийга тааллуқли маълумотлар учрамади.

Абу Бакр ибн Жузъ. Манба йўқ.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Абу Бакр ибн Хазм. Манба йўқ.

Абу Барза (р.а.). Имом Бухорийнинг Ҳадис китоби 1-жилдидаги изоҳларда «Абу Барза — тўлиқ исми Абу Барза Фазл ибн Муҳаммад Асламий, саҳоба», деган маълумот берилган. Бошқа манбаларда маълумот учрамади.

Абу Дардо (р.а.) (?-32/652). Асл исми Уваймир ибн Зайд ал-Ансорий ал-Хазражий бўлиб, машҳур саҳобийлардан бири. Тафсир, ҳадис илмида, хусусан Қуръон қироатида етук киши бўлган. Ҳижратнинг иккинчи йилида Исломни қабул қилди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг даъвати билан у Салмон Форисий билан қардош тутинган. У Бадр урушидан ташқари барча жангу жадалларда иштирок этди, видолашув ҳажида пайғамбаримизнинг ёнларида бўлди ва ул зотдан Қуръон оятларининг маънолари ва шарҳларини сўраб билди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларидан кейин Шомга кетди ва ҳазрат Умар (р.а.) даъвати билан Шомда Қуръон қироати ва тафсиридан толибларга дарс берди. Айни пайтда у табобат билан ҳам шуғулланиб, Шом шаҳрида кўпгина касалликларнинг шифосини топди. Абу Дардо (р.а.)

Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан, ҳазрати Ойиша (р.а.)дан, Зайд ибн Собит (р.а.)дан ҳадислар ривоят қилган.

Абу Дуҳо. Манба йўқ.

Абу Жубайра ибн Даҳҳок. Манба йўқ.

Абу Зарр Ғифорий (р.а.) (?-32/652). Саҳобийлардан бўлиб, асл исм-шарифи Жундаб ибн Жунада, илк мусулмон бўлган кишилардан. Жоҳилият даврида унинг куняси Абу Мамла эди, мусулмон бўлгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга Абу Зарр лақабини берганлар. Уни Масиҳу-л-ислом деб ҳам атардилар. Асли Ғифар қабиласидан бўлиб, қачон туғилгани номаълум. Ғифар қабиласи Мадинада йўлтўсарлик билан машҳур бўлган ва Абу Зарр ҳам қароқчилик босқинларида иштирок этган эди. Мусулмонликни қабул қилгач, ўзи ҳам қароқчиликни ташлади ҳамда қабиласини ҳам бу ишдан қайтарди. Мусулмон бўлиш тарихи шундай: қароқчиликдек қабоҳат ишни қилиб қўйиб ўкинар ва борган сари бу ишдан кўнгли қолаётган эди. Унинг шериклари қароқчилик юришларига чиқишдан олдин бут ва санамларга чўқинишар, улардан мадад сўрардилар. Абу Зарр эса, бут ва санамларга чўқинмади, унинг дилида бошқа бир ҳис кечарди: агар, деб ўйларди у, бу бутлар эзгуликка бошлашлари тўғри бўлса, нега энди қабоҳат ишга уринаётган бу одамлар уларга чўқинадилар, йўқ, булар ботил бўлсалар керак, ёлғиз Аллоҳ бор, унга ибодат қилмоқ керак. У борган сари қароқчилик юришларини камайтириб, бехосдан «Ло илоҳа илаллоҳ» дейдирган бўлиб қолди. Маккадан келган бир киши унинг оғзидан чиқаётган бу калимани эшитиб: «Маккада ҳам бир киши бор, худди сендек шу калимани такрорлайди, унинг исми Муҳаммад, маккаликлар Муҳаммад амин ҳам дейдилар», деб хабар беради. Абу Зарр хабарни эшитиб бетоқатланиб қолди ва иниси Уайсни Маккага юборибб, ўша зот билан танишишни ва кимлигини



аниқ билиб келишни топширди. Уайс Маккага бориб Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан танишади ва акасига қуйидаги хабарни олиб келади: маккаликлар уни коҳин, шоир, сеҳргар, деб атар эканлар, аммо у билан суҳбатлашган одам ул зотнинг гаплари на коҳиннинг, на шоирнинг, на сеҳргарнинг гаплари, фақат ҳақдан сўзлайди, унинг гаплари қалбларни ларзага келтириш билан бирга ҳузурбахш, инсоннинг қалб кўзларини очади. Бу хабардан кейин Абу Зарр барча билан алоқани узди, йўл тадоригини кўра бошлади. Хонадонига маълум бир муддатга егулик қолдириб, халтага талқон солиб йўлга тушди. У Маккага келар экан, йўлда ҳам, Макка шаҳарида ҳам Муҳаммад (с.а.в.)ни қидираётганлигини, у билан сўзлашиши лозимлигини ҳеч кимга айтмади. Модомики ул ҳақ сўзни айтаётган одамнинг душмани кўп экан, сирини билдириш нодонлик бўлур эди. У Маккага кириб келиб Каъба қаватига келиб яшай бошлади. Унинг чувринди кийими, хароб аҳволини кўрган Макка зодагонлари чандон эътибор бермадилар. У Каъбанинг олдида ҳеч ким билан сўзлашмай ва ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўрмоқ иштиёқида ўтираверди. Оқшом чўкди. Ибодатчилар ва зиёратчилар тарқаб кетишди. Абу Заррнинг бир ўзи қолди. Ҳаммадан сўнг Каъба ичидан чиқиб келган ҳазрат Али (к.в.) Абу Заррга кўзи тушди. Унинг мусофирлигини ва борадиган жойи ҳам йўқлигини билиб уйига таклиф этди. Ҳазрат Али (к.в.)нинг уйида бир кеча меҳмон бўлганда ҳам Маккага келиш сабабини айтмади. Кундузи яна Каъба олдига борди. Яна кечгача кутиш давом этди. Ҳазрат Али (к.в.) иккинчи ва учинчи кечалар ҳам Абу Заррни уйига олиб кетди ва учинчи кеча унинг Каъба атрофида юриш сабабини суриштирди. Абу Зарр агар сиримни бировга айтмасангиз, сизга бу шаҳарга келишим сабабини айтай, деди. Ҳазрат

Али (к.в.) ҳеч кимга айтмасликка қасам ичгач, шу шаҳардан бир пайғамбар чиққанлигини ва у одамларни ҳақ йўлга бошлаётганлигини, уни кўрмоқ ва гаплашмоқ ниятида Мадинадан келганлигини айтгач, ҳазрат Али (к.в.) мийиғида кулиб, сиз кўп ақлли иш қилибсиз, Пайғамбар (с.а.в.)нинг душманлари кўп, уни ошкора излаш мумкин эмас, менга учрашганингиз ниятингизнинг амалга ошганлигидир, деди ва кечқурун Каъба олдида унинг кетидан эргашиб боришлигини тайинлади. Ўша оқшом Абу Зарр ҳазрат Али билан кетма-кет Пайғамбаримиз (с.а.в.) истиқомат қилиб турган уйга келди ва эшикдан кирган заҳоти: «Ассалому алайкум», деди. Исломда қабул қилинган бу саломлашув усули биринчи бор Абу Зарр оғзидан чиқди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу ширин каломга: «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотиҳи», деб жавоб бердилар. Шу ернинг ўзида Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга шаҳодат калимасини ўргатдилар ва бешинчи киши бўлиб Исломга кирди. Эртасига у наҳор пайтида Каъба олдига борди ва бор товуши билан: «Ашҳаду анла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ», деб калима шаҳодатни такрор қилди. Буни эшитган мушриклар қўлларига нима тушса, шуни у томон отдилар, ерга думалатиб тепдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари ҳазрат Аббос орага тушиб ажратиб қўйди. Лекин Абу Зарр тинмади; эртаси яна Каъба олдига келиб баланд овоз билан калимаи шаҳодатни такрорлади, яна калтакланди, бу гал ҳам ҳазрат Аббос орага тушиб қутқарди. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) буйруқлари билан қабиласи орасида Исломни тарғиб ва ташвиқ қилди, энг аввало ўз оиласини Исломга даъват этди, сўнгра қабила бошлиғи Ҳаффофни даъват қилди, қабиласидан бир қанча кишилар мусулмон бўлдилар. Бир қанча урушларда Пайғамбаримиз (с.а.в.)



билан ёнма-ён туриб жанг қилди ва ажойиб қаҳрамонликлар намойиш этди.

Абу Идрис Хавлоний (р.ал.) (8/630-80/699). Тобеинлардан бўлиб, фиқҳ олими сифатида шуҳрат топган. Асл исми Айзуллоҳ ибн Абдуллоҳ бўлиб, Шом шаҳридандир. Абу Дардо, Абу Зарр, Убайда ибн Самит, Авф ибн Молик, Абу Ҳурайра (р.а.) ва бошқа бир қанча саҳобийлардан ҳадиси шарифларни ривоят қилган. Шом аҳлининг воизи ҳам ҳисобланган.

Абу Килоба (р.ал.). Асли исми Абдуллоҳ ибн Зайд бўлиб, Абу Килоба куняси билан машҳур тобеинлардан, фиқҳ ва ҳадис олими. Басралик, туғилган йили аниқланмаган, вафоти 104 ёки 106 ёхуд 107 ҳижрий йиллар. Собит ибн Қайс, Анас ибн Молик (р.а.) сингари саҳобийлардан, Абу Аййуб Сахтиёний, Қатода (р.ал.) сингари тобеинлардан дарс олиб, бир қанча ҳадислар ривоят қилган.

Абу Маҳзура. Манба йўқ.

Абу Муаммар. Манба йўқ.

Абу Мусо Ашъарий (р.а.) (?-42/663). Саҳобийлардан, исми Абдуллоҳ бўлиб, Абу Мусо куняси билан машҳур, отасининг исми Қайсдир. Онасининг исми Таййиба бинти Вахд ибн Оқдир. Насаби — Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Салим ибн Ҳасар ибн Ҳарб ибн Амир ибн Ғанам ибн Бакр ибн Амир ибн Абд ибн Воил ибн Нажийа ибн Ал-Жамоҳир ибн Ал-Ашъар. Ҳижратдан анча олдин Яманнинг Забид маҳалласида туғилган, 42 (663) йилда Куфада, бошқа бир ривоятда Маккада вафот этган. Исломни Ҳабашистонда, Нажоший ҳузурида қабул қилган ва унинг даъвати бўйича акалари ва амакиси Абу Амир билан биргаликда Пайғамбаримиз (с.а.в.)га мадад бериш учун Мадинага келган. Абу Амир Ислом лашкарининг қўмондони бўлди ва у ҳам амакиси билан Макка фатҳида

қатнашди. Бу урушда амакиси яраланиб, ўлар чоғида саломини Расулуллоҳ (с.а.в.)га етказишни, шу билан бирга мужоҳидларга қўмондон қилиб Абу Мусони тайинлашни васият қилди. Амакиси вафот этгач, у пайғамбаримиз ҳузурларига келиб амакисининг гапини етказди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни дуо қилдилар ва мужоҳидларга қўмондон қилиб тайинладилар. Абу Мусо Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврларида Яман ва Аданга волий бўлди. Ҳазрати Умар (р.а.) даврида кўп ғазоватларда иштирок этган. У Қуръон-и каримнинг барча сураларини ёд билар ва Абу Бакр (р.а.) халифалик даврида Қуръонни бир ерга тўплаш ишида фаол иштирок этган. У Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан уч юз олтмишта ҳадис ривоят қилган.

Абу Назра. Манба йўқ.

Абу Нухайл. Манба йўқ.

Абу Олия. Манба йўқ.

Абу Салама (р.ал.) (22/642-94/413). Тарихда икки Абу Салама ўтган, бири Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобийларидан бўлса, сўз юритаётганимиз тобеинлардан бўлиб, «Ашъараи мубашшара»дан бўлган Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.)нинг ўғлидир. Асли исми Абдуллоҳ ёки Исмоил бўлса керак. Абу Салама куняси бўлиб, шу ном билан тарихда машҳур бўлган. У бир неча саҳобийлар суҳбатида бўлган, хусусан отаси Абдурраҳмон ибн Авфдан кўпгина ҳадислар ривоят қилган, шунингдек, ҳазрат Усмон, Абу Қатода, ҳазрат Оиша, Абу Ҳурайра, Ҳассан ибн Собитлардан ҳам ҳадислар эшитган. Ибн Саъд унинг Мадинадаги муҳаддисларнинг иккинчи табақасига мансуб эканлигини таъкидлаган. У фиқҳ масалалари билан ҳам шуғулланиб, ўз даврининг етук олими сифатида танилди. Фиқҳ илмида Абдуллоҳ ибн Аббосга шогирд бўлган ҳам дейдилар. Саид ибн Осс Мадинага волий бўлиб тайинлангач, уни бош қозилик лавозимига таклиф этган, лекин илм



билан шуғулланишни афзал кўриб, қозилик мартабасини рад этган экан.

Абу Саид Худрий (р.а.) (612-64/683). Асҳоби киромлардан. Тўлиқ исми Саъд ибн Молик ибн Синан ибн Убайд ибн Саълаба ибн Ал-сабр ибн Авф ибн Ҳорис ибн Ҳазраждир. Отаси Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобийларидан бўлиб, Уҳуд жангида қаҳрамонларча шаҳид кетган. Бу пайтда Абу Саид Худрий 13 ёшда эди. Отасидан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.) тарбияларида ўсди. 1170 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Сулаймон Молик ибн Ҳувайрис. Манба йўқ.

Абу Суфъён (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Абу Талҳа (р.а.) (?-33/655). Тўлиқ исм-шарифи Абу Зайд ибн Саҳл ибн Асвад ибн Ҳарам ибн Амр ибн Зайди Манот ибн Ади ибн Амр ибн Молик ан-Нажжор ал-Ансорий. Ислом лашкарида моҳир ўқчи бўлиб танилган. У мансуб бўлган Амр ибн Малик қабиласи Мадинада, Пайғамбаримиз (с.а.в.) қурдирган масжиднинг ён тарафида жойлашган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ислом тарғиботини бошлаган пайтда у шу қабиланинг бошлиғи эди. Шу пайтда у 20 ёшлик бўз йигит бўлган. 20 ёшлик йигит Анас ибн Молик (р.а.)нинг онаси, Малик ибн Нодирдан тул қолган Умму Сулайм (р.а.)га ишқи тушиб, унга совчи қўяди. Умму Сулайм (р.а.) аср саодатининг бошланишадаёқ мусулмончиликни қабул қилган, рафиқасининг бу ишидан ғоят хафа бўлган Малик ибн Нодир аразлаб уйидан бош олиб чиқиб кетади ва Шом йўлида кетаётганда қароқчиларга дуч келиб, ўлдирилади. Абу Талҳа (р.а.)нинг совчиларига Умму Сулайм агар Абу Талҳа мусулмончиликни қабул қилсагина турмуш қуришга розиман, деб айтгач, Абу Талҳа (р.а.) шу гапни эшитган заҳоти калимаи шаҳодатни айтди ва мусулмон



бўлганлигини эълон қилди. Турмуш қурганларидан кейин улар Абдуллоҳ ва Абу Умайр деган икки ўғил кўришган. Бошқа бир ривоятга кўра, Исломни тарқатиш учун Мадинага келган Мусъаб ибн Умайр (р.а.) Абу Талҳа (р.а.)ни янги динга тарғиб қилгач, у Исломни қабул қилган. Лекин Маккаи мукаррамага келиб, Ақаба байъатида иштирок этганлиги аниқ ва Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга бир қанча жангларда қатнашган, ўзининг алоҳида жасорати билан тилга тушган. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) халифалиги пайтида Шомга ҳижрат қилди ва у ерда узоқ туриб қолиб, ҳазрат Умар (р.а.) халифа бўлгач, қайтиб келди. Ҳазрат Умар (р.а.)га суиқасд қилингач, у олти кишилик ҳайъат тузди ва олти кишидан бири Абу Талҳа (р.а.) бўлди. Ҳазрат Умар (р.а.)дан кейинги халифаларни мана шу ҳайъат тайинлаши керак эди. Ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин қирқ йил сурункасига рўза тутган экан.

Абу Тиҳё Ҳаким Саъд. Манба йўқ.

Абу Туфайл Омир ибн Васила (р.а.). Тарихда унинг туғилган йилини Уҳуд жанги воқеаси куни билан боғлайдилар, вафоти 102, 107, 110 йиллар, деб белгилаганлар. Тўлиқ исм-шарифи Амр ибн Васила ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Жаҳш ибн Жара ибн Саъд ибн Лайс ибн Бакр ибн Абду Маноф ибн Али ибн Кинона ал-Лайс бўлиб, Кинона қабиласида туғилиб ўсган ва шу қабила орасида шоир бўлиб етишган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни гўдаклик пайтида кўрган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотидан кейин Куфага кетган. Ҳазрат Али (к.в.) билан яқин муносабатда бўлган ва ул зот олиб борган урушларда байроқдорлик қилган. Ҳазрат Али (к.в.)нинг қатлидан сўнг Маккага келди ва имом Ҳусайн (р.а.) ҳузурида хизматда бўлди. Муовия (р.а.) унга мактуб йўллаб, унинг фазилатларини қадрлашини, унинг суҳбатига иштиёқманд эканлигини билдириб хат ёзди. Бу тузоқ хатга

ишонган Абу Туфайл умавийлар салтанати ўрнашган Шомга келди, лекин Карбало воқеасидан кейин алданганлигини билиб, умавийларга қарши бўлган жангларда фаол иштирок этди. Муовиянинг кучли лашкари имом Ҳусайн (р.а.)дан қолган кишиларни енгтач, у узлатга чекинди; Умар ибн Абдулазиз замонигача узлатда яшади. У Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўриб қолган ва суҳбатларида бўлган асҳоби киромларнинг сўнгтиси эди. У 100 ёшда экан, жанглардан бирида шаҳид кетган ўғлига ёзган қасидасини ўқиб бераётган пайтда жони узилди. Абу Туфайл Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан тўққизта ҳадис ривоят қилган. У бу ҳадисларни Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрат Умар, ҳазрат Али, Муоз ибн Жабал, Ҳузайфа, ибн Масъуд, ибн Аббос, Нафиъ ибн Абдулҳорис, Зайд ибн Арқам (р.а.)лардан ривоят қилган, ундан эса, бу ҳадисларни Зуҳри, Абу Зубайр, Қатода, Абдулазиз ибн Рафиъ, Икрима ибн Холид, Амр ибн Динор, Язид ибн Абу Ҳубайб, Маъруф ибн Харбузлар ривоят қилганлар.

Абу Убайда. Манба йўқ.

Абу Шурайх Ҳизоний. Манба йўқ.

Абул Юср. Тўққизинчи асрда ўтган бу олимнинг мазкур китобда зикр этилиши ажабланарли ҳодиса. Ундан икки аср илгари ўтган Имом Бухорий Абул Юсрдан ҳадис ривоят қилган бўлиб чиқар экан. Назаримизда, китобни кўчирган ҳаттот нотўғри ёзиб юборган ва таржимон ҳам бунга эътибор қилмаган кўринади.

Абу-л-Ҳайсам (р.а.). Манба йўқ.

Абу Ҳурайра (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Асмаий (122/740-216/831). Араб тили бўйича машҳур олимлардан. Асли исми Абдулмалик ибн Қурайб ибн Али ибн Асмоъ ал-Бохилий. Басрадаги араблар яшайдиган воҳалар ва саҳроларда кўп саёҳат қилиб, уларнинг урф-одатлари, тил хусусиятлари ҳақида талай

манбалар тўплаб тадқиқ этган. Тўплаган манбаларини халифаларга тақдим этган ва улардан яхшигина ҳадялар ҳам олган. Абдуллоҳ ибн Авн, Шуъба ибн Ҳажжож, Яъқуб ибн Таҳлан, Мисъар ибн Қадам, Сулаймон ибн Муғира, Қурра ибн Холид сингари улуғ зотлардан ҳадислар эшитиб ривоят қилган. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда яшаб, илм билан шуғулланган. Хорун ар-Рашидга яқин олимлардан бири эди.

Аййоз ибн Хаммор. Манба йўқ.

Икрима (р.а.) (?-15/636). Тўлиқ исм-шарифи Икрама ибн Абу Жаҳл Амр ибн Ҳишом ибн Муғира ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Махзум ал-Қурайший ал-Махзумий бўлиб, Исломнинг ашаддий душмани Абу Жаҳлнинг ўғлидир. Унинг мусулмон бўлиши тарихини қуйидагича ривоят қиладилар: у Макка фатҳида отасининг ҳалокатидан кейин денгизда кемага ўтириб Яманга кетади. Кема бирон муддат сузгач, денгизда тўфон бошланади. Кемадагилар Аллоҳга сиғина бошлайдилар. Икрама: «Сизлар илтижо қилаётган худойингиз Муҳаммаднинг худосими?» деб сўрайди. Улар «Ҳа», деб жавоб беришгач, у ҳам Аллоҳга сиғина бошлайди ва калиман шаҳодатни келтириб мусулмон бўлади. Бошқа бир ривоят ҳам бор: у отасининг ҳалокатини кўриб Яманга қочгач, хотини Умму Ҳаким Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳақ динни олиб келганига ишонади ва мусулмон бўлади. Мусулмон бўлгач, эрини дуо қилади ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига бориб, эрини дуо қилишни ҳам сўрайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни дуо қиладилар. Икрама Ямандан хароб аҳволда, ҳаммадан яширинib уйига келганда хотини шу воқеани айтади ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қандоқ кўнгли соф киши эканлигини таърифлайди. Икрама Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига хотини билан бориб, калимаи шаҳодат келтиради.

Айтишларича, мусулмон бўлгач, жуда кўп муҳорабаларда иштирок этган ва жасорат намуналарини кўрсатган экан. Тарих олимлари ундан ҳадис ривоят қилинмаган, аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобийларидан бўлган, дейдилар.

Али ибн Аби Толиб (к.в.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Али ибн Амора. Манба йўқ.

Амр ибн Аби Курра Киндий. Манба йўқ.

Амр ибн Динор (р.ал.) (?-126/743). Асли эронлик бўлиб, тобеинлардан, машҳур фиқҳ ва ҳадис олими сифатида танилган. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) сингари саҳобийлардан, Саид ибн Мусаййаб, Ато ибн Аби Рабоҳ, Мужоҳид каби тобеинлардан ҳадис илми ва фиқҳни ўрганди. Ундан эса, буюк тобеинлардан Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.ал.), Қатода ибн Диама, Аййуб Сахтиёний, Шуъба ибн Ҳажжож, Суфъён ибн Динор, Суфъён ибн Зиёд Асфурий, Ҳаммод ибн Салама, Ҳаммод ибн Зайд сингарилар илм ўрганганлар ва ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Макка шаҳрининг муфтиси лавозимига ҳам тайинланган. Унинг кўп фатволари ўз даврида дастурул-амал бўлган.

Амр ибн Усмон. Тасаввуф олими, Жунайд Боғдодийнинг шогирди. Имом Бухорийдан кейин 100 йилдан кейин ўтган сиймо. Демак, китобда бу одамнинг номи ноўрин келтирилган ва таржимон эътибор қилмаган кўринади.

Амр ибн Шуайб. Манба йўқ.

Анас ибн Молик (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Асвад ибн Сариъ. Манба йўқ.

Аслам. Манба йўқ.

Асмоъ бинт Абу Бакр Сиддиқ (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Асмоъ ибн Умайд. Манба йўқ.

Асмоъ Язид. Манба йўқ.

Ато ибн Аби Рабоҳ (р.ал.) (27/647-114/732). Асли ямanлик бўлиб, тобеинлардан, фиқҳ ва ҳадис олими сифатида танилган. Маккада вафот этган. Макка шаҳрининг муфтиси бўлган. Ибн Аббос, Ибн Умар, Ибн Амр, Ибн Зубайр, Муовия, Усома ибн Зайд, Жобир ибн Абдуллоҳ, Зайд ибн Арқам, Абдуллоҳ ибн Соиб Мазхумий, Оқил ибн Аби Толиб, Омир ибн Аби Толиб (р.а.) сингари асҳоби киромлардан ҳадис эшитган, ундан эса, ўғли Яъқуб, Абу Исҳоқ Сабий, Мужоҳид, Зуҳри Айюб Сахтиёний, Афзал ва бошқа олимлар ҳадислар ривоят қилганлар.

Ато ибн Ясор (р.а.) (39/661-103/721). Мадинада етишган йирик фиқҳ ва ҳадис олими. Пайғамбаримизнинг завжалари Маймуна (р.а.)нинг қули бўлган. Асҳоби киромлардан ва тобеинлардан кўп ҳадислар ривоят қилган. Имом Бухорий ўз китобларида унинг ҳадисларининг саҳиҳ эканлигини таъкидлаган. Қироат илмида асҳоби киромдан кейинги етук ҳофиз саналади.

Ауф ибн Молик. Манба йўқ.

Ашажжу Абулқайс. Манба йўқ.

Ақаба ибн Муъзий. Манба йўқ.

Ақаба ибн Омир. Манба йўқ.

Акраъ ибн Ҳорис. Манба йўқ.

Баккор ибн Қутайба 182/798-270/884). Ҳадис ва ҳанафия мазҳаби фиқҳ илмида етук олим. Тўлиқ исм-шарифи Баккор ибн Қутайба ибн Асад ибн Абу Бардаъа. Сақиф қабиласидан бўлган Ҳорис ибн Калданинг ўғли, Басра шаҳрида туғилган. Басрадагина эмас, бутун Арабистон ярим оролида қози ва фақиҳ сифатида машҳур бўлган. У Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг талабаларидан Имом Юсуф ва Имом Зафарлардан таълим олган. Ҳиллол ибн Яҳё ар-Рафиғдан фиқҳ илмини ўрганган. Абу Довуд Тайолисий ва Зайд ибн Ҳорунлардан ҳадислар ривоят қилган.

Баккор ибн Абдулазиз. Манба йўқ.

Бакр ибн Абдуллоҳ Музаний (р.ал.) (?-108/726). Тобеинларнинг таниқли олимларидан. Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Муғира ибн Шуъба, Ҳасан Басрийлардан ҳадислар ривоят қилган. Собит Бухорий, Сулаймон Таймий, Қатода, Ғолиб Қатон, Осим Аҳвол, Саид ибн Абдуллоҳ ибн Жубайр ибн Ҳаййа каби олимлар эса, ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Ибн Мадиний унинг 50 та ҳадис ривоят қилганлигини айтади. Ибн Муъин, Ибн Насоийлар унинг ҳадислари муҳим ҳужжат эканлигини таъкидлаганлар.

Башир ибн Саъд Ансорий (р.а.) (?-12/633). Мадинадаги Ҳазраж қабиласининг Бану Ҳорис гуруҳидан бўлиб, илк мусулмонлардан эди. Иккинчи Ақоба байъатида иштирок этиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суҳбатларига мушарраф бўлган. Ҳижратдан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) бошчилигидаги барча жангларда иштирок этган. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг халифалик даврида Айну-л-Тамр муҳорабасида шаҳид кетган.

Бакр ибн Ҳорис Ансорий. Манба йўқ.

Баро ибн Озиб (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Билол Ҳабаший (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Буқайра. Манба йўқ.

Варрод. Манба йўқ.

Довуд ибн Аби Довуд. Манба йўқ.

Довуд ибн Қайс Абу Сулаймон Доббоғ. Манба йўқ.

Жарир ибн Абдуллоҳ. Манба йўқ.

Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳаким. Манба йўқ.

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Жубайр ибн Даҳҳок. Манба йўқ.

Жубайр ибн Нуфайр (р.ал.) (?-80/699). Тобеинлардан бўлиб, ҳадис илмининг етук олимларидан бири. Умавийлардан бўлган Абдулмалик ибн Марвон замонида ҳам яшаган, деган ривоятлар бор, бунга кўра 80-ҳижрий йилдан анча ўттач вафот этган бўлиб чиқади. Ҳумус ва Шомда яшаган. Пайғамбаримиз ҳаётлик пайтларида мусулмончиликни қабул қилмаган, аммо Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврида мусулмон бўлган. Жуда кўп асҳоби киромлардан ҳадис эшитиб, ривоят қилган. Табарий уни фиқҳ олими сифатида ҳам таърифлаган. Унинг ривоят қилган ҳадислари Имом Муслим китобларида келтирилган.

Жубайр ибн Мутаим. Манба йўқ.

Зайд ибн Аслам (р.ал.) (?-136/753). Тобеинлардан бўлиб, Мадинада энг етук муфассир сифатида танилган. Асли қул бўлиб, Абдуллоҳ ибн Умар уни озод қилган. Олим бўлиб етишгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) масжидида талабаларга тафсир ва ҳадис илмидан дарс ўқиди, жуда кўп талабалари қаторида Имом Ҳусайн (р.а.)нинг ўғли Зайналобидин ҳам бўлган. Унинг асҳоби киромлардан эшитиб, ривоят қилган ҳадислари «Кутуби ситта» (Ҳадислардан иборат олти китоб) китобида келтирилган.

Зайд ибн Собит (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Зубайр ибн Аввом (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Ибн Аби Наъам Абдурраҳмон Бажалий. Манба йўқ.

Ибн Али Мулайка. Манба йўқ.

Ибн Сирин (р.ал.) (38/653-110/729). Тафсир, фиқҳ илмида замонасининг пешқадам олимларидан бири сифатида ном чиқарган ва айни пайтда машҳур таъбирчи ҳам бўлган Ибн Сирин тобеинлардан эди. Унинг отаси



ансорийлардан Анас ибн Молик (р.а.)нинг озод қилган қули бўлиб, умри давомида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хизматларини қилган. Онаси эса, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг озод қилган чўриларидан бўлган экан. Ибн Сиринниинг аждоди арабларнинг ўзаро қонли урушларида маккаликларга асир тушиб, Басрадан Маккага келиб қолган эди. Ўзининг хабар беришича, саҳобийлардан ўттиз кишидан 300000 ҳадис эшитган экан. У эшитган ҳадисларини даражаларга ажратиб, тадқиқ қилган. Саҳобийлар суҳбатлари билангина чекланмай, бир қанча тобеинлардан ҳам ҳадислар эшитиб, уларни даражалар билан аниқлаган. Ўз замонасида ҳадис имоми деган унвонга ҳам сазовор бўлди. «Ҳадис илми динидир», деган фикрни Ибн Сирин айтган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «дин насиҳатдир», деган машҳур ҳикматлари бор, Ибн Сирин ана ўша ҳикматга асосланиб туриб, шу фикрни айтган бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир ҳадис умматларга насиҳат каби бўлиб, ҳам диний ишларда, ҳам ҳаёт тарзида уларга дастуру-л-амал вазифасини ўтайди. Ҳадис илмининг дин бўлиб, умматларга насиҳат тарзида эканлиги шу маънодадир. Тафсир илми аҳли уни муфассирларнинг иккинчи табақасига мансуб олим, деб биладилар. Бунинг маъноси шуки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) замондошлари бўлган саҳобийлар, масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) сингарилар муфассирларнинг биринчи табақаси. Айнан у Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан тафсир илмини ўрганган. Шунингдек, фиқҳ илмида ҳам пешқадам олимлардан эди.

Ибн Сиринниинг асли касби баззозлик бўлиб, молнинг қусурини айтиб харидорга сотиш тамойили деярли у кишидан бошланган, дейдилар. Аммо таъбирчиликда унинг олдига тушадигани бўлмаган экан, замондошлари уни таъбирчиларнинг пири деб атаганлари бежиз эмас. Яна рўё илми ҳақида бир китоб ёзган, деб ривоят қиладилар, аммо бу китобнинг бор-йўқлиги маълум эмас.

Ибн Ўйана. Манба йўқ.

Ибн Ҳасан Жуҳаний. Манба йўқ.

Иброҳим ибн Абу Абала (р.ал.) (?-152/769). Тобеинлардан бўлиб, Абу Умайя ибн Умму Ҳиром, Анас ибн Молик, Умму Дардо Суғра, Билол ибн Абу Дардо, Уқба ибн Васаж, Абдуллоҳ ибн Дайламий каби ҳадис олимларидан ҳадиси шарифлар ривоят қилган. Унинг ривоят қилган ҳадислари Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Имом Насоий, Ибн Мажонинг китобларида зикр этилган. Уни қироат илмида ҳам замондошлари етук олим бўлган, деб таърифлайдилар.

Иброҳим Таймий. Манба йўқ.

Имом Лайс. Манба йўқ. Ҳарҳолда бу Абу Лайс ас-Самарқандий эмас.

Имрон ибн Ҳусайн (р.а.) (?-52/672). Бу саҳобий Ҳузоа қабиласининг Казб гуруҳига мансуб бўлиб, Ҳайбар жангидан кейин мусулмон бўлган. Мусулмон бўлгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бошчиликларидаги барча урушларда иштирок этди ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хизматларида бардавом бўлди. Ҳазрат Умар халифа бўлгач, уни Басрага жўнатди ва у ерда халққа Исломни ўргатиш билан шуғулланди. Ҳасан Басрий ҳадиси шарифларни Имрон ибн Ҳусайндан ўрганган ва ривоят қилган.

Исҳоқ ибн Саид ибн Амр ибн Саид. Манба йўқ.

Каъб ибн Луай. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўн тўртинчи боболари. Бу киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг зуҳурларидан хабар берган экан[1]. Бошқа тўлиқ маълумот учрамади.

Кусаййир ибн Убайд. Манба йўқ.

---

[1] Қаранг: «Мавлуду-н-набий: фазилату хосиятлари». Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2005, 20-бет.



Луқайт ибн Сабра. Манба йўқ.

Муъоз Жуҳаний. Манба йўқ.

Маънил Мазаний. Манба йўқ.

Масруқ ва Шутайр ибн Шакл. Манба йўқ.

Миқдод ибн Асвад (р.а.) (584-33/653). Макка шаҳрида еттинчи бўлиб мусулмонликни қабул қилган. Барча ҳарбий юришларда иштирок этган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакиси Зубайрнинг қизи Дибоъга уйланган. Қуръон илмини яхши билган ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан анчагина ҳадислар ривоят қилган.

Миқдом ибн Маъди Кариб (р.а.). Манба йўқ.

Муҳаммад ибн Мункадир (р.ал.) (54/684-130-748). Мадинада етишган ҳадис олими ва авлиёлардан. Тўлиқ исм-шарифи Муҳаммад ибн Мункадир ибн Худоёр ибн Абдул Уззо ибн Амир ибн Ҳорис ибн Ҳориса ибн Саъд ибн Тайм ибн Мурра ат-Таймий. Асҳоби киромлардан баъзилари билан кўришишга ва уларнинг суҳбатларида бўлиб, ҳадислар эшитишга муяссар бўлган. Фиқҳ масаласида ўз даврининг етук олими сифатида танилган.

Муовия ибн Абу Суфён (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Муғайра ибн Шуъба (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Мусовия ибн Ҳаййида. Манба йўқ.

Мурра Фахрий ибн Амр. Манба йўқ.

Муҳаммад ибн Али ибн Ҳанафийа (р.ал.) (21/642-71/690). Ҳазрат Алининг Ҳавла бинт Жаъфар бинти Қайс Ҳанафийа деган хотинидан туғилган ўғли. Ҳадис ва фиқҳ олими сифатида танилган.

Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Аҳвол (?-250/864). Куфада етишган ҳадис ва адабиёт олими. У Ибн Арабийдан таҳсил олган ва ҳадислар эшитган. «Китобу-д-даволи», «Китобу-л-ашваҳ», «Китобу-с-силаҳ», «Китобу-л-амсол» сингари асарлари мавжуд.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ос. Манба йўқ.

Муставрид ибн Шаддод. Манба йўқ.

Муҳаййаса ибн Масъуд. Манба йўқ.

Муовия ибн Курра (р.ал.) (?-113/731). Тобеинлардан бўлиб, асҳоби киромларининг баъзилари билан учрашган ва улардан ҳадислар ривоят қилган. Унинг ривоят қилган ҳадислари «Кутуби ситта» китобидан жой олган.

Мусаввар ибн Маҳрама. Манба йўқ.

Мужоҳид ибн Жабр (р.ал.) (24/645-104/723). Тобеинлардан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Аббосдан илм таҳсил қилган. Ундан тафсир, ҳадис ва фиқҳ илмларини ўрганган. Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Ҳурайра, Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) сингари асҳоби киромлардан ҳам таълим олди. Ҳазрат Али, Саъд ибн Аби Ваққос, Рафиъ ибн Хадиж, Узайд ибн Зубайр, Абу Саид Худрий, Умму Салама, Жувайдийа бинти Ҳорис, ҳазрат Ойиша ва Умму Хони (р.а.) сингари зотлардан ҳадис тинглади ва ривоят қилди. Ривоят қилишларича, илк тафсир китобини ҳам Мужоҳид ибн Жабр ёзган.

Набир ибн Авс. Манба йўқ.

Навос ибн Самъон Ансорий. Манба йўқ.

Нофиъ ибн Ҳорис (р.а.). Манба йўқ.

Нуъмон ибн Башир (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Нужайд ибн Имрон ибн Ҳосил Хозоний. Манба йўқ.

Ойиша бинти Абу Бакр Сиддиқ (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Ойиша бинти Саъд ибн Аби Ваққос. Отаси ҳақида энциклопедияда мухтасар маълумот бор, аммо қизи ҳақида йўқ.

Омир ибн Шарахил (Шаъбий) (р.ал.) (20/641-104/723). Тобеинлардан бўлиб, Шаъбий нисбаси билан



ҳам машҳур. Ҳамдан қабиласининг бир бўлаги бўлган Шаъбий қабиласига мансублиги учун ҳам шундай аталган бўлиши мумкин. Унинг аждоди яманлик бўлиб, тақдир тақозоси билан Басрага келиб қолган. Шаъбий Басрада туғилди, кейинчалик Куфага кетиб, шу ерда фиқҳ, ҳадис олими бўлиб етишди. Абу Ҳанифа (р.ал.) сингари аҳли сунна вал жамоа раиси мартабасигача кўтарилган. Тарихда таъкидланишича Исломнинг тўрт устуни бўлган: бири Мадинада Саъид ибн Мусайиб, иккинчиси Шомда Макҳул, учинчиси Басрада Ҳасан Басрий ва тўртинчиси Куфада Омир ибн Шаъбийдир.

Ражо ибн Аби Ражо (р.а.). Манба йўқ.

Рифъат ибн Рофиъ. Манба йўқ.

Рафеъ ибн Худайж. Манба йўқ.

Савбон (р.а.) (?-54/675). Асли яманлик бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) сотиб олиб, кейин озод қилган қуллардан бири. Туғилган тарихи маълум эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни қулликдан озод қилар эканлар, иста ўз юртишта бор, иста бизнинг оиламизда қол, дедилар. У бир умр Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хизматларидан айрилмади, вафотларидан кейин эса, Рамла деган жойга бориб яшай бошлади. Ҳазрат Умар (р.а.) халифалик даврида Миср фатҳида иштирок этди. Миср фатҳидан кейин яна Рамлага кетиб, бир муддат яшагач, Хумсага бориб, ўша ерда уй-жой қилди ва фарзандлар орттирди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 127 та ҳадис ривоят қилган ва унинг ривоят қилган ҳадислари жуда кўп китобларда зикр этилган.

Саво ибн Холид. Манба йўқ.

Санд ибн Санъон. Манба йўқ.

Саъд ибн Убода (р.а.) (?-14/635). Асҳоби киромлардан бўлиб, Санди Ҳазраж лақаби билан ҳам

машҳур бўлган. Отаси Убода қабиласининг бошлиғи, онаси Умри бинти Масъуд (р.а.) саҳобиялардан эди. Унинг бошқа бир лақаби Комил бўлган, бинобарин, у ҳарб ишларида ҳам, араб тили ва адабиёти масалаларида ҳам, фиқҳ ва ҳадис соҳаларида ҳам мукаммал билимга эга эди. У иккинчи Ақаба байъатида мусулмончиликни қабул қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан барча урушларда иштирок этиб, байроқдорлик қилган. Унинг ривоят қилган ҳадислари жуда кўп китобларда ишончли манба сифатида келтирилади.

Саъид ибн Молик. Манба йўқ.

Салим ибн Абдуллоҳ. Ўн бешинчи асрда ўтган андалуслик олимнинг бу ўринда зикр этилиши ғалат.

Суроқа ибн Молик (р.а.) (?-24/645). Милодий 622 йилда Макка мушриклари Пайғамбаримиз (с.а.в.) жонларига суиқасд қилмоққа қарор қилдилар ва бу нарса Пайғамбаримиз (с.а.в.)га маълум бўлиб, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан ғорга яширинганлар ва бир муддат ўтгач, Мадина йўлига тушган эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўздан қочирган мушриклар Мадина йўлларига ҳам хабар қилиб, кимки Муҳаммадни ўлдирса ёки асир қилиб бизга топширса, унга катта мукофот берамиз, деб хабар тарқатдилар. Бу хабар мушриклардан иборат бўлган Мудриж қабиласига ҳам етиб келди ва бойлик умидида бўлган қабиланинг ўқчи йигитларидан бири Суроқа ибн Молик қурайшликлар айтган кишини тутишга қасд қилди. У хизматчиларини ёнига олиб йўл пойлади ва охири Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни Қуръон тиловат қилиб турган жойларида топди. У Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг орқаларидан писиб келди. Буни биринчи бўлиб сезган Абу Бакр (р.а.) унинг тарафига бир қараб қўйди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса, душманнинг орқада турганлигини сезсалар ҳам ортга қарамай тиловат қилишда давом этавердилар. Имом

Бухорий келтирган ривоятга кўра, у Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг рўбарўларидан чиққан ва: «Эй Муҳаммад, мендан сени энди ким қутқара олади?» деганда, Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Менинг холоскорим Аллоҳдир», деб жавоб берганлар. Суроқа бу гапни масхара қилиб кулибди ва отини Пайғамбаримиз (с.а.в.) тарафга йўрттирибди. Шунда от мункиб кетиб, оёғи чуқурга тиқилиб қолган. Суроқа Пайғамбаримиз (с.а.в.)га ялинишга тушган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг дуолари билан от яна қаддини кўтарган. Хуллас, ана шу воқеалардан кейин мусулмон бўлган Суроқа ибн Молик Расули акрам (с.а.в.)нинг энг яқин саҳобийларидан бўлиб қолган ва барча урушларда иштирок этиб, душманларга қирон келтирган. Абу Жаҳлни маҳв этишда ҳам фаоллик кўрсатган.

Саҳл ибн Абу Ҳасма. Манба йўқ.

Собит ибн Убайд. Манба йўқ.

Саҳл ибн Ханзалийа. Манба йўқ.

Сиғсаъа ибн Муовийа (р.а.). Манба йўқ.

Салмон Форисий (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Сувайд ибн Муқаррин. Манба йўқ.

Суфъён ибн Асъйад Хадрамий. Манба йўқ.

Сулаймон ибн Сурад. Манба йўқ.

Тайсала ибн Миёс. Манба йўқ.

Убайдуллоҳ ибн Абдулҳай. Манба йўқ.

Убай ибн Каъб (р.а.) (?-35/56). Ашъараи мубашширалардан бири. Иккинчи Ақоба байъатида мусулмон бўлган.Онҳазрат Расули акрам (с.а.в.) билан биргаликда барча урушларда иштирок этган. У Қуръон тиловатида ва сураларни хотирада сақлашда энг илғор сиймолардан эди; Зайд ибн Собит (р.а.)га Қуръон сураларини тўплашида ёрдам берган. Уни Пайғамбаримиз

(с.а.в.) «Саййиду-л-ансор», деб атаганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин илм билан шуғулланди ва Мадинада барча масалалар бўйича фатволар берди. У на фақат фиқҳ соҳасида, балки тафсир ва ҳадис илмларида ҳам замонасининг пешқадам олими эди. Айни пайтда Таврот ва Инжил китобларини ҳам яхши билиб, Қуръони карим тафсирида улардан мисоллар билан муқояса қила оларди. Ривоят қилишларича, у Қуръонни тўплашда иштирок этиш билан бирга, ўзининг алоҳида мусҳафини ҳам тузган ва бу «Убай Мусҳафи», деб аталган.

Убайдуллоҳ ибн Миҳан Ансорий. Манба йўқ.

Умар ибн Хаттоб (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Умму Дардо (р.а.). Абу Дардонинг рафиқаси бўлмоғи керак. Унинг номи тарихларда зикр этилади, аммо унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар йўқ.

Умму Ҳиром (р.а.) (?-28/647). Тўлиқ исм-шарифи Умму Ҳиром бинти Милҳон ибн Холид ибн Зайд ибн Ҳиром ибн Жандаб ибн Амр ибн Ганам ибн Адий ибн Нажжор.Саҳобия. Анас ибн Молик (р.а.)нинг холаси. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳам холаларига яқин қариндош бўлган. Жоҳилият даврида Амр ибн Қайсга турмушга чиққан, ундан Қайс ва Абдуллоҳ исмли икки ўғил кўрган ва мусулмон бўлгач, эридан ажрашган, кейинчалик мусулмончиликни қабул қилган Убода ибн Самит (р.а.) билан турмуш қурган. Ундан ҳам бир ўғли бўлиб, исми Муҳаммад эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг уйига келар ва оила аъзолари Расули акрам (с.а.в.) хизматларини қилиш билан шарафланган эдилар. Умму Ҳиром мусулмонларнинг жанг жадалларида ярадорларга қараган ва уларни парвариш қилган эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотидан кейин оиласи билан Шомга кетди ва у ерда эри Убода ибн Самитнинг Исломни тарқатиш ишларида

ёрдам берди. Ҳазрат Усмон (р.а.) халифалиги даврида Муовия (р.а.)га Қибрис тарафларда ҳам Исломни тарқатишни буюрди. Муовия (р.а.) Қибрисга денгиз орқали бориши керак эди ва бунинг учун бир қанча саҳобийлар ва тобеинларни тўплади. Умму Ҳиром шунда 86 ёшда бўлиб, денгиз сафарига у ҳам отланди ва бу сафарда шаҳид кетди.

Умар ибн Ҳакам ибн Рафеъ Ансорий. Манба йўқ.

Умму Салама (р.а.) (?-57/676). Пайғамбаримиз (с.а.в.) завжаи муҳтарамаларидан бири. Асли исми Ҳинд бўлиб, Абу Салама куняси билан машҳур бўлган. Тўлиқ исми Ҳинд бинти Абу Умайя Суҳайл ибн Мугира ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум. У Абу Салама ибн Абдуллоҳ (р.а.)нинг хотини эди. Эри билан бирга дастлабки мусулмонлардан бўлган. Макка мушрикларининг мусулмонларга азиятлари кучайиб кетгач, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг даъватлари билан эри билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган. Ҳабашистонда экан тўрт фарзанд кўрди. Фарзандларидан бирининг исми Салама эди, куняси шундан. У бутун хонадони билан Маккага қайтиб келганда мушрикларнинг зулми кучайгандан кучайган эди. Шунинг учун Мадинага ҳижрат қилишга мажбур бўлди. Аммо хонадон аҳли Мадина йўлида ҳам кўп азият чекди; Умму Саламани болаларидан ва эридан айирдилар, фақат амакисининг ўғли аралашуви билангина Мадинага келиб болаларни ва эрини кўришга муяссар бўлди. Абу Салама Уҳуд жангида оғир яраланди ва ҳижрий 4 йили вафот этди. Идда муддати ўтгач, тўрт гўдак билан бева қолган Умму Саламага Пайғамбаримиз (с.а.в.) совчи қўйдилар ва унга уйландилар, болаларини ҳам қарамоқларига олдилар. Умму Салама видо ҳажига қадар Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бирга бўлди. У Расулуллоҳ (с.а.в.)дан 378 та ҳадис ривоят қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг мўйи муборакларидан бир толасини темир қутида асраган ва



авлодларига ҳам ўтиб келган. У аёллар орасида фиқҳ илмида ҳам пешқадам бўлган.

Умра Ансория. Манба йўқ.

Урва ибн Зубайр (р.ал.) (22/643-94/712). Тобеинлардан. Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг иниси. Асҳоби киромларнинг кўпларидан ҳадислар ривоят қилган.

Усмон ибн Аффон (р.а.). Энциклопедияда тўлиқ маълумот бор.

Усома ибн Шурайж. Манба йўқ.

Усома ибн Зайд (р.а.) (?-54/673 ёки 59/678). Зайд ибн Ҳорисанинг ўғли. 18 ёшида ҳарбийларга қўмондон этиб тайинланган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) тарбиясида етишган. Расули акрам (с.а.в.) худди икки имомни севгандек, уни ҳам севардилар. 7-8 ёшларида отаси билан Мадинага ҳижрат қилган, 15-16 ёшларидан бошлаб муҳорабаларда иштирок этиб, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатган. Макка фатҳида Каъбани бутлардан тозалашда бир қатор саҳобийлар билан биргаликда жонбозлик кеўрсатди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кўп ҳадислар ривоят қилганлигини айтадилар.

Фузола ибн Убайд. Манба йўқ.

Фотима (р.а.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Холид Аббосий. Манба йўқ.

Холид ибн Рабиъ. Манба йўқ.

Шаҳр ибн Ҳавшаб. Манба йўқ.

Язда ибн Мурра. Манба йўқ.

Язид ибн Асамм. Манба йўқ.

Язид ибн Бобанус. Манба йўқ.

Язид ибн Саъд. Манба йўқ.

Язид ибн Абдуллоҳ ибн Кусайт. Манба йўқ.

Қосим ибн Муҳаммад (р.ал.) (31/653-101/721 ёки 106/725). Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг набираси бўлиб, машҳур тобеинлардандир, уни валийларнинг учинчиси, деб



ҳисоблайдилар. Тўлиқ исм-шарифи Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ ат-Таймий. Имом Зайналобидин билан холаваччадир. Отаси Муҳаммад Мисрда шаҳид кетгач, у гўдаклик пайтида етим қолиб, холаси ва ҳазрат Ойиша (р.а.) тарбиясида ўсди. Асҳоби киромлардан бир нечаси билан ҳамсуҳбат бўлишга ва улардан илм ўрганишга мушарраф бўлган. Ҳазрат Ойиша, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Муовия ибн Суфьён (р.а.) сингари саҳобийлардан ҳадислар эшитиб, ривоят қилган. Тафсир илмининг етук намоядаси сифатида ҳам танилган. Ривоят қилишларича, Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобийлардан кейинги энг мукаммал инсон Қосим ибн Муҳаммад экан. Силсилан олиянинг тўртинчиси ҳисобланган Жаъфари Содиқ (р.ал.) унинг шогирди бўлган.

Қайс ибн Аби Хозим. Манба йўқ.

Қайс ибн Осим ибн Синон. Манба йўқ.

Қурра ибн Илёс. Манба йўқ.

Қубайса ибн Бурма Асадий. Манба йўқ.

Ғузайр ибн Ҳорис. Манба йўқ.

Ҳайсам ибн Молик Тоий. Манба йўқ.

Ҳабба ибн Холид. Манба йўқ.

Ҳабоб ибн Ирс. Манба йўқ.

Ҳаким ибн Ҳазом. Манба йўқ.

Ҳамза ибн Нужайх Абу Аммора. Манба йўқ.

Ҳармала ибн Абдуллоҳ. Манба йўқ.

Ҳасан Басрий (р.ал.). Энциклопедияда мухтасар маълумот бор.

Ҳилол ибн Ясоф. Манба йўқ.

Ҳишом ибн Урва (р.ал.) (61/680-146/763). Тарихда Ҳишом исми билан уч сиймо ўтган: Ҳишом ибн Ҳассан (?-148/765), Ҳишом ибн Аби Абдуллоҳ (?-154/770), ҳар учаласи ҳам ҳадис олими бўлган, мазмунан Имом

Бухорий Ҳишом ибн Урвани назарда тутган кўринади. Унинг тўлиқ исм-шарифи Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр ибн Аввом ал-Қурайший бўлиб, Ашъарои мубашширалардан бўлмиш Зубайр ибн Аввом (р.а.)нинг набирасидир. У туғилган шаҳри Мадинада узоқ муддат яшаб, кейин Куфага кетган. Куфада талабаларга ҳадис илмидан дарс берган. Ниҳоят Боғдодга келиб, аббосий халифаларидан Мансур саройида яшади. У Мадинада яшаган пайтида Абдуллоҳ ибн Умар, Саҳл ибн Саъд, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик (р.а.)лардан Қуръон ва ҳадис илмларини ўрганди. Шунингдек, отаси Урва ибн Зубайр ибн Аввом, амакиси Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом (р.а.), икки биродари Абдуллоҳ ва Усмон ибн Урвалар, амакиваччаси Яҳё ибн Аббод, Аббод ибн Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр, Фотима бинти Мунзир ибн Зубайр, Амр ибн Ҳамза, Авф ибн Ҳорис ибн Туфайл, Абу Салама ибн Абдурраҳмон, Ибн Мунқадир Ваҳб ибн Қайсан, Солиҳ ибн Солиҳ, Абдурраҳмон ибн Саъд сингари бир қанча кишилардан ҳадислар ривоят қилган.

Ҳорис ибн Луқайт Нахаъий. Манба йўқ.

Ҳомид ибн Молик ибн Ҳайсам. Манба йўқ.

Ҳусаййа. Манба йўқ.

Ҳузайфа ибн Ямон (р.а.) (?-36/656). Тарихда икки Ҳузайфа бор; бири зикр этилаётган Ҳузайфа, иккинчиси Ҳузайфа ибн Маръаший бўлиб, ҳижратнинг учинчи асрида ўтган машҳур авлиёлардан биридир. Ҳарҳолда Имом Бухорий биринчи Ҳузайфани зикр этган бўлмоғи аниқроқдир. Унинг тўлиқ исм-шарифи Абу Абдуллоҳ Ҳузайфа ибн Ямон бўлиб, отасининг исми Ҳузайлдир, Ямон унинг лақаби бўлган. Ҳузайфа ибн Ямон Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сирдоши яқинларидан бўлган. Ҳайбар ва Тайма оралиғида жойлашган Бану Авс қабиласидандир. Бу қабила Эрон шоҳи Нўширавон даврида



насроний динини қабул қилган. Қабиладан олимлар етишиб чиққан ва уларнинг орасида биргина зот (исми номаълум), ривоят қилишларича, охир замон Пайғамбари келишини башорат берган. Лекин даврлар ўтган сари ул зотнинг башорати унутилган ва ҳижратдан кейингина, яъни Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинага кўчиб келганларидан кейин қабила олимларининг текширишлари натижаси ўлароқ бу башорат маълум бўлди. Башорат аниқлангач, Бану Авс қабиласининг аҳолисидан тўққиз кишилик ҳайъат тузилди ва бу ҳайъат Мадинага келиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида мусулмонликни қабул қилиб, имон келтирдилар. Отаси билан Мадинага келган ҳали гўдак Ҳузайфа ҳам мусулмон бўлди ва бир умр Расули амин (с.а.в.) билан қолди. У бир қанча урушларда иштирок этиб, айрича жасорат кўрсатди ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг яқин сирдош кишиларидан бирига айланди. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳарбий қўмондон бўлиб, бир қатор шаҳарлар ва қишлоқларда Ислом динини тарқатишда жонбозлик кўрсатди. Ҳазрат Умар (р.а.) халифалик даврида донишмандлар кенгашининг аъзоси ҳам бўлган, Эрон ва Ироқ фатҳида ҳам иштирок этган. Сўнг Нишопур волийси бўлиб ҳам ишлади. Салмон Форсий (р.а.) билан бирга Куфа шаҳрининг қурилишига ҳам раҳбарлик қилган. У қаерга бормасин, қайси шаҳарда ёки вилоятда турмасин, фақат адолат номига иш қилар, халқпарварлиги билан шуҳрат топган эди. Мадоин шаҳрида узоқ муддат волий бўлиб турганида, у шаҳардаги барча адолатсизликларни бартараф этган ва халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун барча чораларни кўрган эди. Ривоят қилишларича, Ҳузайфа мунофиқларни фош қилишда Пайғамбаримиз (с.а.в.)га катта кўмак берган ва ҳазрат Умар даврида ҳам мунофиқлардан бир қанчаларини маҳв этишда иштирок этган экан. Яна



айтадиларки, ҳазрат Умар Ҳузайфа билан қардош тутинган. Ҳазрат Усмоннинг халифалик даврида Ҳузайфа Арманистон ва Озарбайжон фатҳларида ҳарбий қўшинга қўмондонлик қилиб, у ерларда Ислом динини тарқатишда фаол иштирок этган. Унинг бу хизматларидан ташқари яна бир муҳим хизмати бор эди: Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида ҳам, ундан кейин ҳам Қуръонни барча халқлар ўз шевалари ва лаҳжаларида қироат қила бошладилар. Асҳоби киромлар, албатта, Қуръоннинг бир лаҳжада, яъни қурайший лаҳжасида қироат қилинишига тарафдор бўлганлар. Арманистон ва Озарбайжон фатҳидан кейин у ҳазрат Усмонга Қуръоннинг қурайший лаҳжадаги қироати билан боғлиқ матнини тўплашни таклиф этди. Бу таклифга рози бўлган ҳазрат Усмон «Мусҳафи Усмон»ни юзага келтирди. Бу нусха баъзи манбаларда тўртта, баъзиларида олтита дейилади. ҳарҳолда, ана шу нусхалар турли жойларга юборилган. Ҳузайфа ибн Ямон Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан юздан ортиқ ҳадис ривоят қилган ва бу ҳадислар ишончли манбалар сифатида жуда кўп китобларда зикр этилган.

Асрор САМАД



Тушунилиши қийин бўлган сўзларга

ЛУҒАТ

аброр — яхшилар; яхшилик.

амин — ишончли, ишонилган.

ансор — ёрдамчилар, ёрдам берганлар; мусулмонларнинг ҳижратида Мадина аҳли уларга кўмак бериб, қўллаб-қувватлаганлар, шунинг учун мадиналиклар ансорлар, деб аталган.

афифа — иффат соҳибаси, пок, тоза; бузуқликдан сақланган.

аъробий — саҳройи араб.

байту-л-мол — давлат хазинаси.

байъат — аҳд-паймон; ҳукумат ёки диний раҳбарга бўйсуниш.

биллоҳи — қасам: азбаройи худо, худо ҳақи.

валлоҳи — худо билувчидир.

вараса — меросга тааллуқли.

вирд — дуо; тарк этилмай доимо бажарилиши лозим бўлган вазифа, бурч.

дирҳам — Арабистондаги пул бирлиги.

дуойибад — ёмонликка қилинадиган дуо; қарғиш.

жазаъ — кўз соққаси.

жиҳод — диний уруш; Ислом динига душман бўлганларга қарши қуролли жанг.

залолат — гумроҳлик; йўлдан адашишлик.

зод- — йўл озиғи; мусулмонларнинг охиратга тайёргарлик кўриб, солиҳ амаллар қилиши.

ибҳом — шубҳа, гумон.

идрор — сийдик.

имтино — тортиниш, уятчанлик.

истиғфор — гуноҳни кечиришни сўраш; тавба.

иқтидо — эргашиш; тақлид қилиш.

каррамаллоҳу важҳаҳу — Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин.

каффорат — гуноҳ учун бадал бериш.

куня — лақаб.

мавло — озод қилинган қул.

мазаллат — хорлик, пастлик, тубанлик.

мамлук — мулкка айлантирилган инсон; қул.

мағриб — ғарб.

муофира — кечирилган, авф этилган.

мушоварат — маслаҳат кенгаши.

мушрик — ширк келтирувчи, Аллоҳга шерик ахтарувчи;

насх — бекор қилинган; ижроси тўхтатилган.

ориз — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ, ҳосил бўлмоқ.

радди бало — балони қайтариш.

разиаллоҳу анҳу — Аллоҳ ундан рози бўлсин.

ридо — елкага ташланадиган мато, рўмол.

роҳиб — насоро динидаги тақводор, зоҳид; монах.

силаи раҳм — қариндошлик алоқалари.

соллоллоҳу ъалайҳи васаллам — Аллоҳ унга салавот ва салом юборсин.

тавоф — бирон нарсанинг атрофини айланиш; зиёрат.

тафсир — шарҳ, изоҳ; Қуръон оятларини изоҳлаш илми.

таъадди — зулм, тажовуз, ҳаддан ошмоқ.

таъхир — кечикиш, кечиктириш; бирон ишни ортга суриш.

футуҳот — очилиш, кушойиш.

шомил — тааллуқ; умумга тегишли.

ҳофизу-л-Қуръон — Қуръон оятларини ёд олган қори.

ҳури айн — пешқадам ҳур

МУНДАРИЖА

Асрор Самад. Мазкур нашр ҳақида.....5
Абдуқаҳҳор Иброҳимов. **Эътиқодга бахшида умр** *(Тарихий-фалсафий бадиа)*.....8
Шамсуддинхон Бобохонов. **Имом Бухорий ва унинг «ал-Адаб ал-Муфрад» асари ҳақида**.....39
1-боб. Ота-онага эътибор.....47
2-боб. Онани рози қилиш ҳақида.....48
4-боб. Ота-она фарзандга зулм қилса ҳам, улар ота-онага яхшилик қилавериши ҳақида.....49
5-боб. Ота-онага мулойим гапириш ҳақида.....49
6-боб. Ота-она ҳақини адо қилиш ҳақида.....50
7-боб. Ота-онага оқ бўлиш ҳақида.....51
8-боб. Ота-онасига лаънат ўқиган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин.....53
9-боб. Гуноҳ бўлмаган ҳолларда ота-она амрига итоат қилиш ҳақида.....53
10-боб. Ота-она хизматларини қилиб, дуоларини олмасдан жаннатга кира олмаслик ҳақида.....54
11-боб. Ота-онасини рози қилган кишининг умри узоқ бўлиши ҳақида.....55
12-боб. Мушрик ота учун Аллоҳдан афв сўрамаслик ҳақида.....55
13-боб. Ота-она мушрик бўлса ҳам уларга яхшилик қилиш ҳақида.....56
14-боб. Ота-онани сўкмаслик ҳақида.....58
15-боб. Ота-онага оқ бўлишнинг уқубати ҳақида.....58
16-боб. Ота-онанинг йиғлаши ҳақида.....59
17-боб. Ота-онанинг дуоси ҳақида.....59
18-боб. Насоро онани Исломга даъват қилиш ҳақида.....61
19-боб.Ота-она ўлгандан кейин уларга яхшилик қилиш ҳақида.....62
20-боб. Ота-онанинг дўстларига яхшилик қилиш ҳақида.....63
21-боб. Силаи раҳм натижаси.....64
22-боб. Севги наслийдир, деган ҳадис ҳақида.....64
23-боб. Отани исми билан чақирмаслик ҳақида.....64
24-боб. Киши ўз отасини куняси билан атаса бўладими.....65
25-боб. Қариндошликни узмаслик ҳақида.....65

Мундарижа



26-боб. Силаи раҳм қилиш ҳақида
27-боб. Қариндошликни узиб юбормасликнинг фазилати ҳақида....66
28-боб. Силаи раҳм умрни зиёда қилишни ҳақида....68
29-боб. Силаи раҳм қилган кишини Аллоҳ севади....69
30-боб. Яхшиликни энг яқин қариндошлардан бошламоқ кераклиги ҳақида....69
31-боб. Даражасига кўра яқинларга яхшилик қилмоқ ҳақида....70
32-боб. Раҳм қилмайдиган кишининг гуноҳи ҳақида....71
34-боб. Ҳақиқий силаи раҳм....71
35-боб. Золим қариндошига силаи раҳм қилган кишининг фазилати ҳақида....72
36-боб. Жоҳилият даврида яхшилик қилган киши ҳақида....72
38-боб. Ўз уруғ-аймоқларини билиш кераклиги ҳақида....73
39-боб. Озод бўлган қуллар ҳақида....73
40-боб. Пайғамбар (с.а.в.) дўстлари....74
41-боб. Қиз тарбия қилган киши ҳақида....75
42-боб. Қизи ва ҳамширасини боққан кишининг фазилати....75
43-боб. Қайтиб келган қизни тарбия қилган кишининг фазилати ҳақида....76
44-боб. Қизининг ўлишини орзу қилишнинг макруҳлиги ҳақида....76
45-боб. Болалар ота-онанинг бахил ва қўрқоқ бўлишларига сабабчидирлар....76
46-боб. Гўдакни елкага миндириш ҳақида....78
47-боб.Солиҳ фарзанд кўз нури эканлиги ҳақида....78
48-боб. Ўз кишисини дуо қилиш ҳақида....79
49-боб. Она меҳр-шафқатлидир....80
50-боб. Ёш болаларни ўпиш ҳақида....80
51-боб. Фарзандларга одоб ўргатиш ҳақида....81
52-боб. Ота фарзандларга яхшилик қилиши ҳақида....82
53-боб. Марҳаматсиз кишига марҳамат қилинмайди....82
54-боб. «Раҳмат юз бўлакдир», ҳақида....83
55-боб. Қўшничиликнинг аҳамияти ҳақида....83
56-боб. Қўшни ҳақи тўғрисида....84
58-боб. Қайси қўшни яқинроқ бўлса....84
59-боб. Қўшничиликнинг ҳудуди ҳақида....84
60-боб. Қўшнисини уйига киритмаган киши ҳақида....85
61-боб. Ўзи тўқ бўлиб, қўшниси оч ўтирмасин....85
62-боб. Шўрбонинг сувини кўпайтириб, қўшниларга ҳам улашиш ҳақида....85
63-боб. Қўшнининг яхшиси ҳақида....86
64-боб. Солиҳ қўшни ҳақида....86
65-боб. Ёмон қўшни ҳақида....

66-боб. Қўшнига озор бермаслик ҳақида....87
67-боб. Қўйининг почаси билан бўлса ҳам қўшнига ҳадя бериш ҳақида....88
68-боб. Қўшнидан шикоят қилиш ҳақида....89
69-боб. Қўшнини кўчиб кетишга мажбур қилган киши ҳақида....90
70-боб. Қўшни яҳудий бўлса ҳам....90
71-боб. Карам ҳақида....91
72-боб. Яхшига ҳам, фожирга ҳам яхшилик қилавериш ҳақида....91
73-боб. Етим тарбиялаганнинг фазилати ҳақида....92
75-боб. Етим боққан кишининг ажри....92
76-боб. Етим асраган хонадоннинг хайри....93
77-боб. Етимга отадек марҳаматли бўл....93
78-боб. Умрини етим болаларга бағишлаган тул хотин фазилати....94
79-боб. Етимга одоб ўргатиш ҳақида....95
80-боб. Болалари ўлган кишининг фазилати ҳақида....95
81-боб. Чала туғилиб ўлган бола ҳақида....97
82-боб. Мамлукларга яхши қараш ҳақида....99
83-боб. Қарамоғидаги кишиларга ёмон қараш ҳақида....100
84-боб.Чўрини аъробийга сотиб юбориш ҳақида....101
85-боб. Хизматкорнинг гуноҳини кечириш ҳақида....101
86-боб. Қул ўғирлик қилса....102
87-боб. Хизматкор гуноҳ қилса....102
88-боб. Қулга топширилган нарсани муҳрлаб бериш ҳақида....102
89-боб. Хизматкорни сийлаш ҳақида....103
90-боб. Хизматкорга одоб бериш ҳақида....103
91-боб. Бировни юзи қора бўлсин, деб қарғамаслик ҳақида....103
92-боб. Юзга урмаслик ҳақида....104
93-боб. Ким қулининг юзига урса, уни озод қилсин....104
94-боб. Қулнинг қасос олиши ҳақида....106
96-боб. Қулларни ўзингиздек кийинтиринг, деган ҳадис ҳақида...106
97-боб. Қулларга ёрдам бериш ҳақида....108
98-боб. Қулларга кучи етмайдиган иш юкланмаслиги ҳақида..108
99-боб. Ҳар ким оиласига ва қулига сарф қилса, садақадир....108
100-боб. Қул билан таом емакни хоҳламаса....109
101-боб. Ўз таомидан қулига ҳам берсин....109
102-боб. Хизматчини таомга таклиф қилиш ҳақида....110
103-боб. Қул ўз хўжасига яхши хизмат қилса....110
104-боб. Қул ўз хўжасининг молини сақловчидир....111
105-боб. Аллоҳ ва ўз хўжасининг ҳақини ўтгана қул....112
106-боб. Қулни нима деб чақириш керак....112
107-боб. Қул хўжасига нима деб хитоб қилсин....112
108-боб. Эр ўз хонадонининг муҳофазакоридир....113



110-боб. Яхшиликка яхшилик қилиш ҳақида.....114
111-боб. Яхшилик қилганни дуо қилиш ҳақида.....114
112-боб. Одамларга ташаккур айтмаган Аллоҳга ташаккур айтмас.....115
113-боб. Биродарларга ёрдам бериш ҳақида.....115
114-боб. Дунёда яхшилик қилганлар охиратда мукофотга эга бўлади.....115
115-боб. Яхши деб ҳисобланадиган иш садақа бўлади, дейилган ҳадис ҳақида.....116
116-боб. Озор берадиган нарсаларни четга олиб қўйиш ҳақида.....117
118-боб. Пайғамбар (с.а.в.) сўзларини зеҳнга жойлаш ҳақида.....118
119-боб. Экинзорга чиқиш ҳақида.....119
120-боб. Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир.....120
121-боб.Жойиз бўлмаган ҳазиллар ҳақида.....121
122. Яхшиликка далолат қилиш ҳақида.....122
123-боб. Афв этиш ҳақида.....122
124-боб. Кишиларга очиқ юзлилик билан қараш ҳақида.....122
125-боб. Табассум қилиш ҳақида.....123
126-боб. Кулиш ҳақида.....125
127-боб. Расулуллоҳнинг юришлари.....125
128-боб. Маслаҳат сўраладиган киши амин бўлиши кераклиги ҳақида.....126
129-боб. Мушоварат ҳақида.....126
130-боб. Нотўғри маслаҳат берувчининг гуноҳи ҳақида.....127
131-боб. Кишилар орасидаги муҳаббат ҳақида.....128
132-боб. Кўнгилларнинг яқинлиги ҳақида.....128
133-боб. Ҳазил ҳақида.....128
134-боб. Гўдаклар билан ҳазиллашиш ҳақида.....129
135-боб. Яхши хулқлик бўлиш ҳақида.....130
136-боб Кўз тўқлиги ҳақида.....130
137-боб. Ўтакетган бахиллик ҳақида.....132
138-боб. Яхши хулқ самараси.....133
139-боб. Қизғанчиқлик ҳақида.....134
140-боб. Яхши кишига ҳалол мол.....137
141-боб. Мол ва жон амнияти ҳақида.....137
142-боб. Кўнгил шодлиги ҳақида.....138
143-боб. Бечорага ёрдам бериш ҳақида.....138
144-боб. Аллоҳ таолодан ахлоқини яхши қилишни сўраган киши ҳақида.....139
145-боб. Мўмин одамларни лаънатловчи бўлмайди.....140
146-боб. Лаънатловчи кишилар ҳақида.....141
147-боб. Кўнгли соф киши лаънат ўқимас.....142
148-боб. Бир-биригизни дуоибад қилмангиз.....142
149-боб. Кофирга лаънат ўқиш ҳақида.....143

150-боб. Гап ташувчи ҳақида....143
151-боб. Ёмон сўз тарқатувчи одам ҳақида....144
152-боб. Одамлардан айб излаган киши ҳақида....144
153-боб. Мақташ ҳақида....146
154-боб. Киши ўзи ишонган одамини мақташи ҳақида....147
155-боб. Мақтовчилар бетига тупроқ сочиш ҳақида....147
156-боб. Шеърий мадҳия ҳақида....148
157-боб. Шоирга садақа....149
158-боб. Дўстингизни малол келадиган даражада эъзозламанг....149
159-боб. Зиёрат қилиш ҳақида....150
160-боб. Зиёратчининг дуоси....150
161-боб. Зиёратнинг фазилати ҳақида....151
162-боб. Киши севган одами билан бирга бўлиши ҳақида....151
163-боб. Ёши улуғларнинг фазилати....152
164-боб. Ёши улуғларни ҳурматлаш ҳақида....152
165-боб. Гапни ҳам, ишни ҳам ёши улуғ киши бошлайди....153
166-боб. Катталардан аввал фикр билдирмаслик ҳақида....153
167-боб. Ёши улуғларни ишбоши қилиш ҳақида....154
168-боб. Пишган мевалардан атрофдаги гўдакларга бериш ҳақида....155
170-боб. Гўдакни севиб қучоқлаш ҳақида....155
171-боб. Қизалоқни ўпиш ҳақида....155
172-боб. Гўдакнинг бошини силамоқ ҳақида....156
173-боб. Бегона болани ўғилчам деса бўладими?....156
174-боб. Ер юзидаги махлуқларга марҳаматли бўл....157
175-боб. Аҳли аёлларга раҳмдил бўлиш ҳақида....158
176-боб. Ҳайвонларга марҳаматли бўлиш ҳақида....158
177-боб. Ҳуммаранинг тухумини олиш ҳақида....160
178-боб. Қушларни қафасда сақлаш ҳақида....160
179-боб. Кишилар орасига яхшилик тарқатиш ҳақида....160
180-боб. Ёлғон гапирмоқ дуруст эмас....161
181-боб. Одамларнинг озорига сабр этмак ҳақида....161
182-боб. Азиятга сабр этмак ҳақида....162
183-боб. Муносабатларни тузатиш ҳақида....162
184-боб. Сўзингга ишонувчи кишига ёлғон гапириш ҳақида....163
185-боб. Амалга оширолмайдиган нарсани ваъда қилиш ҳақида....163
186-боб. Насаблар тўғрисида таъна қилиш ҳақида....163
187-боб. Киши ўз қавмини севиши ҳақида....164
188-боб. Араз ҳақида....164
189-боб. Мусулмоннинг аразлашиб юриши ҳақида....165
190-боб. Биродари билан бир йилгача гаплашмай юрган киши ҳақида....167
192-боб. Адоват қилиш ҳақида....167

Мундарижа



193-боб. Саломлашиш ҳақида.....
194-боб. Болаларни ажратиш ҳақида.....169
195-боб. Биродари маслаҳат сўрамаса ҳам маслаҳат берган киши ҳақида.....169
196-боб. Ёмон ўрнак бўлишни макруҳ кўрган киши ҳақида.....169
197-боб. Макр ва алдаш ҳақида.....169
198-боб. Койиш ва сўкиш ҳақида.....170
199-боб. Бир қултум сув ичириш ҳақида.....170
200-боб. Сўкишиш ҳақида.....171
201-боб. Сўкишадиган икки киши икки шайтондир.....171
202-боб. Сўкишмоқ фосиқликдир.....172
203-боб. Одамларнинг айбини ўз юзига айтмаган киши ҳақида.....172
204-боб. «Эй, мунофиқ», дейиш ҳақида.....174
205-боб. Мусулмонни кофир демоқ ҳақида.....175
206-боб. Душманлар кулгисидан Аллоҳдан паноҳ сўраш ҳақида.....176
207-боб. Исроф.....177
208-боб. Исроф қилувчилар ҳақида.....177
209-боб. Тураржойларни таъмирлаш ҳақида.....178
210-боб. Қурилишга сарф қилиш ҳақида.....178
211-боб. Ишчилар билан қўшилишиб ишлаш ҳақида.....178
212-боб. Биноларни баланд қилиш билан мақтаниш ҳақида.....179
213-боб. Расулуллоҳ (сав) уйларини таъмирлаганликлари ҳақида.....179
214-боб. Кенг уй ҳақида.....180
215-боб. Намозга бориш пайтида.....181
216-боб. Иморатларни нақшлаш ҳақида.....181
217-боб. Мулойим бўлиш ҳақида.....182
218-боб. Саранжомлик ҳақида.....183
219-боб. Мулойимликнинг авлолиги ҳақида.....185
220-боб. Чўчитмаслик ҳақида.....185
221-боб. Назокатлилик ҳақида.....185
222-боб. Молни тежаш ва кўпайтириш ҳақида.....186
224-боб. Аллоҳдан ризқ сўраш ҳақида.....187
225-боб. Зулм кулфатдир.....187
226-боб. Касалманд кишининг каффорати ҳақида.....188
227-боб. Тунда бетоб кишини бориб кўриш ҳақида.....191
228-боб. Хаста мўминнинг савоби.....192
229-боб. «Мен касалман», демак шикоят ҳисобланадими?.....194
230-боб. Ҳушидан кетадиган беморни кўриш ҳақида.....196
231-боб. Бетоб болаларни кўриш ҳақида.....198
232-боб. Хотини хаста бўлган кишига шафқат.....198
233-боб. Аъробийларни зиёрат қилиш ҳақида.....199
234-боб. Беморни зиёрат қилиш ҳақида.....199
236-боб. Беморни зиёрат қилиш савоби.....200
237-боб. Бемор зиёратида ҳадис ривоят қилмоқ.....202

238-боб. Бемор олдида намоз ўқиган киши ҳақида.....203
239-боб. Ғайримуслимнинг бетоблигини сўраш ҳақида.....203
240-боб. Бетобга нима дейиш керак.....203
241-боб. Бетобнинг жавоби.....204
242-боб. Фосиқ зиёрат қилинадими.....205
243-боб. Бетоб эркакни аёллар кўриши ҳақида.....205
244-боб. Бетобни кўргани борганда унинг аёлига қарамаслик ҳақида.....205
245-боб. Кўзи оғриганда бориб кўриш ҳақида.....206
246-боб. Беморнинг қайси тарафида ўтирмоқ керак.....207
247-боб. Эркак уйида нима иш қилади.....207
248-боб. Бировни яхши кўрса ўзига билдирсин.....208
249-боб. Киши бировни яхши кўрса, уни суриштириб юрмасин...209
250-боб. Ақл қалбда бўлади.....209
251-боб. Такаббурлик ҳақида.....210
252-боб. Зулм қилган кишидан ўч олиш ва ғолиб келиш ҳақида..213
253-боб. Қаҳатчилик ва очлик йилида кишиларнинг бир-бирларига ёрдам беришлари ҳақида.....215
254-боб. Тажрибалар ҳақида.....217
255-боб. Аллоҳ учун таомлантирмак.....218
256-боб. Жоҳилият замонида тузилган иттифоқ.....218
257-боб. Ака-ука тутинтириш ҳақида.....218
258-боб. Ислом динида иттифоқ туздириш ҳақида.....219
259-боб. Илк ёққан ёмғир раҳматдир.....219
260-боб. Қўй, эчкилар баракали нарсалардир.....220
261-боб. Ҳайвонлар эгаси учун қувватдир.....221
262-боб. Аэробийлашиш ҳақида.....221
263-боб. Қишлоқларда истиқомат қилувчи киши ҳақида.....222
264-боб. Оқар сув ёқасида ўтирмоқ ҳақида.....222
265-боб. Сир сақламак ва гап ташимаслик ҳақида.....223
266-боб. (Дунёвий) ишларда ошиқмаслик ҳақида.....224
267-боб. Ҳалимлик ҳақида.....225
268-боб. Зулм ва ҳаддан ошмоқликнинг жазоси ҳақида.....226
269-боб. Ҳадяни қабул қилиш ҳақида.....227
270-боб. Хафа бўлиб ҳадяни қабул қилмаслик ҳақида.....227
271-боб. Ҳаё, уятчанлик ҳақида.....228
272-боб. Тонгдаги дуо.....230
273-боб. Киши ўзгани дуо билан эслаши ҳақида.....230
274-боб. Ихлос билан қилинган дуо.....231
275-боб. Дуода қатъиятли бўлиш кераклиги ҳақида.....232
276-боб. Дуода қўлни кўтариш ҳақида.....232
277-боб. «Саййиду-л-истиғфор» ҳақида.....234
278-боб. Биродарини ғойибона дуо қилиш ҳақида.....235
279-боб. Дуо қилишнинг сабаби.....236

Мундарижа

280-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.)га саловот айтиш ҳақида.....239
281-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.) номлари зикр этилганда саловот айтмаган киши ҳақида.....240
282-боб. Золимни дуоибад қилиш ҳақида.....240
283-боб. Узоқ умр сўраб дуо қилиш ҳақида.....242
284-боб. Бандaнинг ажали етмагунча дуонинг қабул бўлиши ҳақида.....242
285-боб. Дангасаликдан паноҳ сўраш ҳақида.....243
286-боб. Дуо қилинмаса Аллоҳнинг ғазаби келиши ҳақида.....244
287-боб. Дуо қабул бўладиган вақтлар.....244
288-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дуолари.....244
289-боб. Ёмғир ёғаётганда ўқиладиган дуо.....245
290-боб. Ўлим истаб дуо қилиш ҳақида.....249
291-боб. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўқиб юрган дуолар ҳақида.....249
292-боб. Қайғу ва ғамгинликда ўқиладиган дуолар.....250
293-боб. Истихора дуоси ҳақида.....254
294-боб. Золим ҳукмдорлардан қўрққанда нима дейиш керaклиги ҳақида.....255
295-боб. Дуо охиратда ажру савоб сифатида зоҳир бўлиши ҳақида.....257
296-боб. Дуонинг фазилати ҳақида.....258
297-боб. Шамол эсганда дуо қилиш ҳақида.....258
298-боб. Шамолни сўкмаслик ҳақида.....259
299-боб. Чақмоқ чаққанда ва яшин ялтираганда ўқиладиган дуо.....259
300-боб. Момоқалдироқ гулдураганда ўқиладиган дуо.....260
301-боб. Аллоҳдан офият сўраш ҳақида.....260
302-боб. Дуода бало сўрашнинг макруҳлиги ҳақида.....261
303-боб. Қаттиқ синовдан паноҳ сўраш ҳақида.....262
304-боб. Танбиҳ маъносида сўзни такрорлаш.....263
305-боб. Ғийбат ҳақида.....263
306-боб. Ғийбат ва идрордан эҳтиёт бўлиш ҳақида.....264
307-боб. Ўликни ғийбат қилиш ҳақида.....264
309-боб. Бетакаллуф муносабатлар ҳақида.....265
310-боб. Мезбоннинг меҳмонга хизмат қилиши ҳақида.....265
311-боб. Меҳмондорчилик муддати ҳақида.....266
312-боб. Меҳмондорчиликнинг уч кунгина эканлиги ҳақида.....267
313-боб. Меҳмон мезбонни зериктирмаслиги ҳақида.....267
314-боб. Агар меҳмон мезбон уйининг ташқарисида тонг оттирса.....268
315-боб. Меҳмонга илтифот кўрсатилмаса.....268
316-боб. Киши меҳмонга ўзи хизмат қилиши ҳақида.....268
317-боб. Меҳмонга таом қўйиб, ўзи намозга турган киши ҳақида.....270
318-боб. Киши оиласи нафақасини адо этиши ҳақида.....270
319-боб. Барча сарфдан савоб олиш ҳақида.....270

320-боб. Туннинг учдан бири қолганда дуо қилиш ҳақида.....271
321-боб. Ғийбат мақсади бўлмай узун фалончи дейиш ҳақида...271
322-боб. Аввал бўлиб ўтган воқеани эслатиш ҳақида.....272
323-боб. Мусулмон мусулмоннинг айбини беркитиши ҳақида...273
324-боб. «Одамлар ўлиб кетсин», дейиш ҳақида.....273
325-боб. Мунофиқни «сайиид» демаслик ҳақида.....274
326-боб. Мақтов эшитганда нима демоқ кераклиги ҳақида.....274
327-боб. Билмаган нарсасини Аллоҳ билади, демасин.....274
328-боб. Камалак ҳақида.....275
329-боб. Сомон галактикаси ҳақида.....275
330-боб. «Аллоҳим, мени марҳаматинг масканига қўйгин», деган ҳадис ҳақида.....276
331-боб. Замонни сўкмаслик ҳақида.....276
332-боб. Киши оила бошлиғи бўлса, укасига ёвқараш қилмасин.....276
333-боб. «Ҳолингга вой бўлсин», дейиш ҳақида.....276
334-боб. Уй қуриш ҳақида.....278
335-боб. «Йўқ, отанг ҳақи», дейиш ҳақида.....278
336-боб. Киши бировдан кичик нарса сўраши ва уни мақтамаслиги керак.....279
337-боб. «Сенга қасд қилган паст бўлсин», дейиш ҳақида.....279
338-боб. Киши «Аллоҳ ва фалончи», демаслиги ҳақида.....280
339-боб. «Аллоҳ ва сен хоҳласанг», демаслик ҳақида.....280
340-боб. Мусиқа ва кўнгилхушлик ҳақида.....281
341-боб. Тўғри йўлга йўллаш ҳақида.....281
342-боб. Сен таъминламаган одамнинг хабари келса.....282
343-боб. Орзу-тилакнинг макруҳ жиҳатлари ҳақида.....282
344-боб. Узумни «карб» демаслик ҳақида.....283
346-боб. Инсонга хитоб.....283
347-боб. Эринчоқлик ҳақида.....284
348-боб. Дангасаликдан паноҳ сўрамоқ ҳақида.....284
349-боб. «Жоним сенга фидо бўлсин», дейиш ҳақида.....284
350-боб. «Ота-онам сенга фидо бўлсин», дейиш ҳақида.....286
351-боб. Отаси Исломга кирмаган кишини «Эй, ўғлим», дейиш ҳақида.....286
352-боб. «Хабисат нафсий» демаслик ҳақида.....287
353-боб. Абул Ҳакам куняси ҳақида.....287
254-боб. Расулуллоҳ чиройли исмни яхши кўрардилар.....288
355-боб. Тез юриш ҳақида.....289
356-боб. Аллоҳ таолога ёқимли исмлар ҳақида.....289
357-боб. Исмни ўзгартириш ҳақида.....290
358-боб. Аллоҳга энг ёқимсиз исмлар ҳақида.....290
359-боб. Бировнинг исмини кичрайтириб, эркалаб чақириш ҳақида.....290
360-боб. Кишини ўзи ёқтирган исм билан чақириш ҳақида.....291



361-боб. «Осия» исмини ўзгартириш ҳақида.....291
362-боб. Сурм деган исм ҳақида.....291
363-боб. Ғуроб деган исм ҳақида.....292
364-боб. Шиҳоб деган исм ҳақида.....292
365-боб. Ал-Осс исми ҳақида.....293
366-боб. Исмни қисқартириб чақириш ҳақида.....293
367-боб. Заҳм исми ҳақида.....293
368-боб. Барра деган исм ҳақида.....294
369-боб. Афлаҳ исми ҳақида.....295
370-боб. Рабоҳ исми ҳақида.....295
371-боб. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг исмлари ҳақида.....296
372-боб. Ҳазн исми ҳақида.....296
373-боб. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг исм ва кунялари.....297
374-боб. Мушрик ҳам куняси билан чақириладими.....298
375-боб. Гўдакларнинг куняси ҳақида.....298
376-боб. Туғилмаган болага куня бериш ҳақида.....299
377-боб. Аёлларнинг куняси ҳақида.....299
378-боб. Кишининг ўзидаги бирон белги билан кунялаш ҳақида...300
379-боб. Ёши улуғ ва ҳурматли кишилар билан бирга юриш ҳақида.300
380-боб. Адаб ҳақида.....301
381-боб. Баъзи шеърлар ҳикмат бўлиши ҳақида.....301
382-боб. Гўзал ва ёмон шеърлар ҳақида.....303
385-боб. Шоирларга эргашмоқ ҳақида.....303
386-боб. Баённинг жозибадор, сеҳрли усули ҳақида.....304
387-боб. Шеърдан ҳам кариҳ кўрилган наарсалар ҳақида.....304
388-боб. Кўп гап ҳақида.....305
389-боб. Орзу қилиш ҳақида.....306
391-боб. Нотўғри гапиришдан қайтариш ҳақида.....306
392-боб. «Унинг асли йўқдир» дейиш ҳақида.....306
393-боб. Қочирим қилиш ҳақида.....307
394-боб.Сирни фош қилиш ҳақида.....307
395-боб. Масхара қилиш ҳақида.....308
396-боб. Ишларда шошмаслик ҳақида.....308
397-боб. Кишиларга йўл кўрсатиш ҳақида.....308
398-боб. Кўзи ожизларни адаштириш ҳақида.....309
399-боб. Зулм, бузғунчилик ҳақида.....309
400-боб. Зулмнинг жазоси ҳақида.....309
401-боб. Аслзодалик, оқсуяклик ҳақида.....310
402-боб. Арвоҳлар гуруҳ-гуруҳ аскарлардир.....311
403-боб. Таажжубланганда «Субҳаналлоҳ» дейиш ҳақида.....311
404-боб. Қўл билан ерни силаш ҳақида.....312

405-боб. Саннон ҳақида....312
406-боб. Шамолни сўкмаслик ҳақида....313
407-боб. Ёмғир фалон сабабли ёғади, дейиш ҳақида....313
408-боб. Булутни кўрган киши нима дейиши кераклиги ҳақида...314
409-боб. Шумланиш ҳақида....314
410-боб. Шумланмасликнинг фазилати ҳақида....315
411-боб. Жинлардан шумланиш ҳақида....315
412-боб. Яхшиликка йўйиш ҳақида....316
413-боб. Исмда яхшилик аломатини кўриш ҳақида....316
414-боб. Отдан шумланиш ҳақида....317
415-боб. Аксириш ҳақида....318
416-боб. Аксирганда нима дейилади....318
417-боб. Мусулмоннинг вожиблари ҳақида....318
418-боб. Акса уриб «Аҳамдулиллоҳ» деганни эшитган киши ҳақида....319
419-боб. Аксирганни эшитган одам нима дейди....320
420-боб. Аксирган «Алҳамдулиллоҳ» демаса, дуо айтилмасли-ги ҳақида....320
421-боб. Аксак урувчининг ҳолати ҳақида....320
422-боб. «Алҳамдулиллоҳ» деганга раҳмат тиламак ҳақида....321
423-боб. «Об» демаслик ҳақида....321
424-боб. Бир неча марта акса ургач....321
425-боб. Агар яҳудий акса урса....321
426-боб. Эркак киши акса урган аёлга саломатлик тилаши ҳақида....322
427-боб. Эснаш ҳақида....322
428-боб. «Лаббай» деб жавоб берган киши ҳақида....322
429-боб. Биродари учун ўрнидан турган киши ҳақида....323
430-боб. Ўтирган одамнинг олдида тик туриш ҳақида....325
431-боб. Эснаганда оғизни қўл билан тўсиш ҳақида....325
432-боб. Бировнинг бошини боқиб қўйиш ҳақида....325
433-боб. Таажжубланганда бошни сарак-сарак қилиш ҳақид..327
434-боб. Таажжубланганда қўлини тиззасига урган киши ҳақида....328
435-боб. Киши биродарининг сонига уриши ҳақида....328
436-боб. Одамларнинг тик туришларини ёқтирмаган киши ҳақида....330
437-боб. Дунё ишларига боғлиқ яхши бир ўгит....331
438-боб. Оёғи увишган кишининг нима дегани ҳақида....332
440-боб. Ёш болалар билан қўл бериб кўришиш ҳақида....332
441-боб. Қўл бериб сўрашиш ҳақида....333
442-боб. Аёл киши ёш боланинг бошини силаши ҳақида....333
443-боб. Қучоқлаш ҳақида....333



445-боб. Қўл ўпиш ҳақида
446-боб. Оёқни ўпиш ҳақида....334
447-боб. Бировга таъзим қилиб ўриндан туриш ҳақида....335
448-боб. Саломнинг бошланиши ҳақида....335
449-боб. Саломни кенг ёйиш, ошкора қилиш ҳақида....336
450-боб. Саломни биринчи бўлиб бошлаш ҳақида....336
451-боб. Саломнинг фазилати ҳақида....337
452-боб. «Ас-Салом» Аллоҳнинг исмларидан бири эканлиги ҳақида....337
454-боб. Юриб кетаётган ўтирганга салом бериши ҳақида....338
456-боб. Пиёда отлиққа салом берадими....339
458-боб. Кичикларнинг катталарга салом бериши ҳақида....339
459-боб. Саломнинг охири ҳақида....340
460-боб. Ишора билан салом бериш ҳақида....340
461-боб. Саломни эшиттириб айтиш ҳақида....340
462-боб. Салом бериш ва алик олиш учун чиққан одам ҳақида....341
463-боб. Йиғинга келганда салом бериш ҳақида....341
465-боб. Турганда салом бериш ҳақида....342
466-боб. Кўришиш учун қўлига хушбўй нарса суриш ҳақида....343
467-боб. Таниш ва нотанишларга салом бериш ҳақида....343
468-боб. Йўл одоби....343
469-боб. Фосиқларга салом бермаслик ҳақида....344
470-боб. Ғийбатчи ва гуноҳкорларга салом бермаган киши ҳақида....345
471-боб. Амирга салом бериш ҳақида....346
472-боб. Ухлаётган одамга салом бериш ҳақида....349
473-боб. «Аллоҳ зиёда қилсин», дейиш ҳақида....349
474-боб. «Марҳабо! Хуш келибсиз» дейиш ҳақида....349
475-боб. Саломга қандай жавоб бериш ҳақида....349
476-боб. Саломга алик олмаган киши ҳақида....350
477-боб. Саломга бахиллик қилган киши ҳақида....351
478-боб. Ёш болаларга салом бериш ҳақида....351
479-боб. Аёлларнинг эркакларга салом бериши ҳақида....352
480-боб. Аёлларга салом бериш ҳақида....352
481-боб. Хоссатан салом беришни ёмон кўрган киши ҳақида....353
482-боб. Ҳижоб ояти қандай нозил бўлган....353
483-боб. Уч маҳрам вақт ҳақида....354
484-боб. Киши ўз аёли билан овқатланиши ҳақида....355
385-боб. Бўш уйга кирган кишининг салом бериши ҳақида....355
486-боб. Хизматчиларингиз ҳузурингизга кириш учун изн сўрасинлар....356
487-боб. Гўдаклар балоғатга етса....356
488-боб. Онасининг олдига изн сўраб кириш ҳақида....356
489-боб. Отасидан изн сўраб кириш ҳақида....357

490-боб. Кимнинг олдига киришдан қатъиназар изн сўраш ҳақида.....357
491-боб. Опа-сингиллари олдига изн сўраб кириш ҳақида.....357
494-боб. Салом бермай изн сўраш ҳақида.....458
495-боб. Бировнинг уйига изнсиз қараган кишининг кўзини ўйиб олиш ҳақида.....358
496-боб. Қарашлик сабабли изн сўраш ҳақида.....359
497-боб. Кишига унинг уйида салом бериш ҳақида.....359
498-боб. Уйга чақирганлик изн берганлик аломатидир.....360
499-боб. Эшик олдида қандай турилиши ҳақида.....361
500-боб. Чақирилган уй эгаси чиққунча.....361
501-боб. Эшикни тақиллатиш ҳақида.....362
502-боб. Ижозат сўрамай кириш ҳақида.....362
503-боб. «Кирсам бўладими?» деса-ю, салом бермаса.....362
504-боб. Ижозат қандай сўралиши ҳақида.....363
505-боб. «Ким бу?» деганда, «Мен» дейиш ҳақида.....363
506-боб. Изн сўраганга «Салом бериб киринг», дейилса.....364
507-боб. Уйларга назар солиш ҳақида.....364
508-боб. Уйга салом бериб киришнинг фазилати ҳақида.....365
509-боб. Уйга кирганда Аллоҳни зикр қилинмаса, у ерда шайтон ин қуриши ҳақида.....365
510-боб. Изн сўралмайдиган жой ҳақида.....366
511-боб. Бозор дўконларида изн сўралмаслиги ҳақида.....366
512-боб. Форсча изн қандай сўралади.....366
513-боб. Зиммий хатида салом йўллаган бўлса, унга жавоб қайтариш ҳақида.....367
514-боб. Зиммийларга биринчи бўлиб салом бермаслик ҳақида...367
515-боб. Зиммийларга ишора билан салом бериш ҳақида.....367
516-боб. Аҳли китобнинг саломига қандай алик олинади.....368
517-боб. Мушриклар ва мусулмонлар аралаш бўлган жамоага салом бериш ҳақида.....368
518-боб. Аҳли китобларга қандай мактуб ёзилади.....369
520-боб. Мушрикларга салом бермаслик ҳақида.....369
521-боб. Зиммийлар қандай чақирилади.....570
522-боб. Танимай насронийга салом бериш ҳақида.....570
524-боб. Мактубнинг жавоби ҳақида.....570
525-боб. Аёлларга мактуб ёзиш ва уларнинг жавоблари ҳақида..371
526-боб. Мактубнинг боши қандай ёзилиши ҳақида.....371
527-боб. «Аммо баъд» ҳақида.....371
528-боб. Мактублар, рисолалар «Басмала» билан бошланиши ҳақида.....372
529-боб. Хатнинг бошланиши ҳақида.....372
530-боб. «Қандай тонг оттирдинг», дейиш ҳақида.....373
531-боб. Мактуб сўнгтини салом, исм ва сана билан тугатиш ҳақида.....374



532-боб. «Қалайсиз» дейиш ҳақида
533-боб. «Қандай тонг оттирдинг», деган одамга нима деб жавоб бериш ҳақида....375
534-боб. Жойларнинг яхшиси кенгроғи эканлиги ҳақида....375
535-боб. Қиблага юзланиш ҳақида....376
536-боб. Ўриндан туриб кетиб, яна қайтиб келиш ҳақида....376
537-боб. Йўл ёқасида ўтириш ҳақида....377
538-боб. Кенгайиб ўтириш ҳақида....377
539-боб. Охирида ўтириш ҳақида....378
540-боб. Икки кишининг ўртасини ёриб ўтмаслик ҳақида....378
541-боб. Ўтирганлар устидан ҳатлаб ўтиш ҳақида....378
542-боб. Одамларнинг яхшиси дўстининг ёнида ўтиради....380
543-боб. Киши қўшниси тарафга оёғини узатиб ўтириши ҳақида....380
544-боб. Кишининг жамоат ичида туриб туфлаши ҳақида....380
546-боб. Оёқларни қудуққа солиб ўтириш ҳақида....381
547-боб. Биров жой бўшатиб берса, у ерга ўтирмаслик ҳақида....383
549-боб. Биров чақирганда қандай тарзда қараш ҳақида....383
550-боб. Юмуш билан юборилган одам унга мақсадини айтиши....383
551-боб. «Қаердан келдингиз», деса бўладими....384
552-боб. Бир қавмнинг яширин сўзларига қулоқ солиш ҳақида....384
553-боб. Сўрида ўтириш ҳақида....384
554-боб. Шивирлашиб турган одамлар ёнига яқинлашмаслик ҳақида....386
555-боб. Икки киши учинчи киши борида шивирлашмаслиги ҳақида....387
556-боб. Агар тўрт киши бўлса....387
557-боб. Туриб кетиш учун изн сўраш ҳақида....387
558-боб. Офтоб тиғида турмаслик ҳақида....388
559-боб. Тақиқланган кийим турлари ҳақида....388
560-боб. Ёстиққа ўтирмаган киши ҳақида....389
561-боб. Чўккa тушиш ҳақида....389
562-боб. Чордона қуриб ўтириш ҳақида....389
563-боб. Кийимга ўралиб олиш ҳақида....390
564-боб. Тиз чўкиб ўтирган киши ҳақида....391
565-боб. Чалқанча ётиш ҳақида....391
566-боб. Юзтубан ётиш ҳақида....391
567-боб. Фақат ўнг қўлда олиб бериш ҳақида....392
568-боб. Ўтирмоқчи бўлганда пойабзалини қаерга қўйиш кераклиги ҳақида....392
569-боб. Шайтон тўшакка тош ва калтак ташлаши ҳақида....392
570-боб. Очиқликда ҳеч бир тўсиқсиз ухлаган киши ҳақида....393
571-боб. Оёқни осилтириб ўтириш ҳақида....393
572-боб. Уйдан чиқишда нима дейилиши ҳақида....

573-боб. Киши дўстлари олдида оёғини узатиб ёки ёнбоши ҳақида.....393
574-боб. Эрталаб турганда нима дейилиши ҳақида.....395
576-боб. Ўринга кираётганда нима дейилиши ҳақида.....396
577-боб. Уйқуга ётадиган пайтдаги дуонинг фазилати.....398
578-боб. (Ётганда) қўлини ёноғи тагига қўйиш ҳақида.....398
579-боб. Кундалик зикрлар.....399
581-боб. Кечаси уйғониб кетган киши нима дейиши ҳақида....399
582-боб. Ёғли қўл билан ушлаш ҳақида.....399
583-боб. Чироқни ўчириш ҳақида.....400
584-боб. Уйқуга ётаётиб оловни қолдирмаслик ҳақида.....400
585-боб. Ёмғирда яхшилик аломатини кўриш ҳақида.....401
586-боб. Уйга қамчини осиб қўйиш ҳақида.....401
587-боб. Кечаси эшикларни ёпиш ҳақида.....401
588-боб. Тун пайти болаларни уйдан чиқармаслик ҳақида.....402
589-боб. Ҳайвонларни уриштириш ҳақида.....402
590-боб. Итнинг вовиллаши ва эшакнинг ҳанграши ҳақида.....402
591-боб. Хўрознинг қичқириши ҳақида.....402
592-боб. Бургани сўкмаслик ҳақида.....402
593-боб. Пешин пайтида ухлаш ҳақида.....403
594-боб. Кун охиридаги уйқу ҳақида.....404
595-боб. Зиёфат ҳақида.....404
596-боб. Эркакларни хатна қилдириш ҳақида.....404
597-боб. Аёлларни хатна қилиш ҳақида.....405
598-боб. Хатна зиёфатига чақириш ҳақида.....405
599-боб. Хатна зиёфатида хурсандчилик қилиш ҳақида.....405
600-боб. Зиммийлар зиёфатга чақирса.....405
602-боб. Улуғлар хатнаси ҳақида.....406
603-боб. Фарзанд туғилганда зиёфатга чақириш ҳақида.....407
604-боб. Гўдакнинг танглайини кўтариш ҳақида.....407
605-боб. Фарзанд туғилганда уни дуо қилиш ҳақида.....407
606-боб. Бола соғлом туғилса, Худога шукр қилиш ҳақида.....408
607-боб. Киндик ости тукларини олиб юриш ҳақида.....408
608-боб. Тукларни олишнинг муддатлари ҳақида.....408
609-боб. Қимор ҳақида.....408
610-боб. Хўроз устидаги гаров ҳақида.....409
611-боб. Дўстига: «Кел, гаров ўйнаймиз», дейиш ҳақида.....409
612-боб. Каптар қимори ҳақида.....409
613-боб. Аёлларнинг туяларини ҳайдаб бориш ҳақида.....410
614-боб. Ашула ҳақида.....410
615-боб. Нард ўйнаётганларга салом бермаслик ҳақида.....410
616-боб. Нард ўйнаганнинг гуноҳи ҳақида.....411
617-боб. Нард ўйновчиларнинг аҳволи ҳақида.....411



618-боб. Мўмин киши ўзини инга чақтирмаслиги ҳақида.....412
619-боб. Кечаси ўқ отган киши ҳақида.....412
620-боб. Аллоҳ таоло банданинг жонини тақдир қилган ерда олиши ҳақида.....412
621-боб. Кўйлакка бурун қоққан киши ҳақида.....413
622-боб. Васваса ҳақида.....413
623-боб. Гумон қилиш ҳақида.....413
624-боб. Жория хожасининг сочини олиб қўйиши ҳақида.....414
626-боб. Садоқат ҳақида.....415
627-боб. Танишиш ҳақида.....415
628-боб. Болаларнинг ўйинлари ҳақида.....415
629-боб. Каптарни сўйиш ҳақида.....416
630-боб. Ҳожати тушган одам ўзи бориши ҳақида.....416
631-боб. Одамлар олдида балғам ташлаш ҳақида.....416
632-боб. Бировга тегмайдиган қилиб гапириш ҳақида.....416
633-боб. Бировнинг уйида ланглаб қарайвериш ҳақида.....417
634-боб. Ортиқча сўзлаш ҳақида.....417
635-боб. Иккиюзламачилик ҳақида.....417
636-боб. Иккиюзламачиликнинг гуноҳи ҳақида.....417
637-боб. Ёмон одамлардан қўрқиш ҳақида.....418
638-боб. Ҳаё ҳақида.....418
639-боб. Жафо ҳақида.....418
640-боб. Агар уялмасанг билганингни қил.....419
641-боб. Ғазаб ҳақида.....419
642-боб. Ғазаб келганда нима дейиш ҳақида.....419
643-боб. Ғазабланганда сукут қилиш ҳақида.....420
644-боб. Дўстини меъёрда севиш ҳақида.....420
645-боб. Ёмон кўришингда талофот бўлмасин.....420

Асрор Самд. Китобда зикр этилган баъзи муҳаддислар ҳақида қисқа маълумотлар.....422
Тушунилиши қийин бўлган сўзларга луғат.....462

Илмий-оммавий нашр

Имом Бухорий

АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД

(Адаб дурдоналари)

Таржимонлар:
Шамсуддинхон Бобохонов
Нўъмон Абдулмажид

Нашр раҳбари **Эркин Юсупов**

Компьютерда матнни масъул муҳаррирнинг ўзи саҳифалаган

Рассом Уйғун Солиҳов
Техник ишларни Дилмурод Жалилов бажарди

Теришга берилди 20.05.2005й. Босишга рухсат этилди 10.03.2006 й. Офсет усулида босилди. Нашриёт-ҳисоб табоғи 16,60. Шартли босма табоғи 30,0. Буюртма № 381. Адади 2000 дона. Баҳоси келишув асосида.

«Мовароуннаҳр» нашриёти. Манзил: Тошкент шаҳри, Зарқайнар кўчаси, 105-уй.

«MERIYUS» хусусий матбаа нашриёт корхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, генерал Узоқов кўчаси, 2«а» уй.